ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ САМАРАЛИ ЖОРИЙ ЭТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Республика илмий – амалий конференцияси

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

II қисм

(8-9 январ)

Бухоро 2016

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАР:

Таҳрир ҳайъати раиси: А.К.Сафаров – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ ректори

Масъул муҳаррир: Р.В.Астанов – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ институти маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректор в.б.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ҳ.Т. Авезов Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Табиий ва аниқ фанлар” кафедраси мудири.

Ю.Ҳ. Ҳайдаров Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.

У.А. Қосимов Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Педагогика, психология, мактабгача ва бошлангич таълим” кафедраси мудири психология фанлари номзоди.

Ҳ.Г. Неъматов Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Тиллар” кафедраси ўқитувчиси.

Техник муҳаррир: Ф.Н. Хайриев – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ “Табиий ва аниқ фанлар” кафедраси ўқитувчиси.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардирлар.

IV ШЎЪБА
ТАБИИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Юсупова Ф, Т.Н. Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий ходими

Ахборотлар ва билимлар кўлами кенгаяётган ҳозирги даврда ўқувчиларга таълим бериш жараёнини уларнинг шахсига йўналтириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бунда ўқувчиларнинг лаёқатлари, эҳтиёжлари, ўзига хосликлари алоҳида ҳисобга олиниб, уларни ривожлантирувчи, йўналтирувчи ўқув-тарбия жараёни ташкил этилади. Мазкур муаммони муваффақиятли ечишда педагогларга модулли ўқитиш технологиялари яқиндан ёрдам беради.

Модулли ўқитишнинг ўзига хос жиҳати ўқувчилар модулли тизимлар устида ишлаш асосида тўлиқ мустақилликка эришадилар. Чунки модулли блокларда ўқув фаолиятининг мазмуни ва усуллари тўлиқ мужассамлашган бўлади. Модулли технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ўқув фаолияти натижаларига эришишнинг кафолатланганлиги;
- ўқувчиларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳамда жуфтликларда ишлаш имкониятига эгаликлари;
- ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ўзаро тенгликка асосланган муносабатларнинг ўрнатилганлиги;
- ўқувчиларнинг ўз синфдошлари, тенгдошлари билан мулоқот қилиш имкониятига эгаликлари;
- ўқувчиларга ўқитиш даражасини танлаш имкониятининг яратилганилиги;
- ўқувчиларда якка тартибда ишлаш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқитишнинг якуний натижалари олдиндан аён бўлиши;
- ўқув материалларини ўзлаштириш давомида мунтазам назоратнинг амалга оширилиши кабилар.

Шу ўринда “Мазкур методиканинг афзал жиҳатлари нимада?»деган ҳақли савол туғилади. Маълумки, ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда уни ўзлаштириш усулларини ҳам ўргатиши лозим. Шундагина улар ўзлари ва ўз имкониятларини ҳаққоний баҳолаш кўникмасига эга бўладилар. Натижада мустақил ишлаш, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, синфдошлари ва катталар билан мулоқотга киришиш, ўз меҳнатларининг натижалари учун жавобгарликни ҳис қилишга одатланадилар. Чунки модулли ўқитиш жараёни ўқувчиларда мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам модулли ўқитиш жараёни ўқув мақсадларига эришишни назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Ўқув мақсадларини англаш натижасида ўқитувчилар таълим жараёнини самарали бошқариш имкониятига эга бўладилар.

Янги мазмунга эга бўлганлиги учун ҳам модулли ўқитиш технологиялари ўқувчиларда ижобий характердаги ўқув майлларини ҳосил қилади. Бунинг натижасида улар ижодкорлик, ишчанлик, ўқув изланишларини ташкил этиш, ҳаётий тажрибаларга таяниш, билиш қийинчиликларини енгиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Модулли ўқитиш ҳаракатлари қандай амалга оширилиши керак? Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқув предметининг модулли-блокли дастурлари ишлаб чиқилиши лозим. Бу дастурларда мавзуга оид блокларда турли даражадаги ўқув материаллари ва таълимий топшириқлар мужассамлаштирилиши керак.

Биологияни ўқитиш жараёнида мазкур технологияларни қўллашга оид дастлабки тажрибалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, модулли дастурларни тузишда муаллифлар муайян изчилликда амалга ошириладиган қуйидаги ҳаракатларни бажаришлари талаб этилади. Улар:

1. Ўқувчилар учун комплекс мақсадларни аниқлаш ва уларни шакллантириш. Чунончи, модулли дастур устида ишлаш натижасида ўқитувчи ўқувчиларга муайян тушунчаларни тақдим этиши, объектларни қиёслаши, биологияга оид ҳодисалар ва масалаларни тушунтириши мумкин.
2. Ўқув материаллари мазмунини танлаш ва уларни ўзлаштиришга оид усулларни белгилаш.
3. Модулли ўқитиш принципларига таянган ҳолда ўқув материалларини дарслар бўйича тақсимлаш: бунда ўқувчилар ўзлаштирадиган ўқув материалларининг дастлабки элементларини ажратиш, шунингдек дастлабки назорат ишларини амалга ошириш; ахборотлар блокини ҳосил қилиш, яъни мавзуга оид назарий материалларни тўплаш; ўқитиш мазмунига ишлов бериш, семинарлар, амалий ҳамда лаборатория ишлари мазмунини аниқлаш; ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражаларини назорат қилишни назарда тутиш, чунончи, якуний назоратни амалга ошириш ҳамда ўқув жараёни мазмунини ўзлаштиришда ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш кабилар.
4. Ўқувчилар ўрганишлари зарур бўлган адабиётларни танлаш ҳамда уларнинг рўйхатини дастурда тақдим этиш.
5. Модулли дастурларни ёзиш.

Модулли ўқитишнинг муҳим технологияларидан яна бири модулли дарслардир. Модулли дарслар иккита ўзаро алоқадор қисмдан иборат бўлади. Модулли дарсларни лойиҳалашда ўқитувчи қуйидаги элементлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир:

- Дарс мавзусининг шакллантирилган ифодаси;
- Дарс мавзусининг аниқланган, шакллантирилган мақсади ва кутилаётган натижалари;
- Ўқув жараёни мазмунининг алоҳида-алоҳида тақсимланган таркибий қисмлари (ЎЭ);
- Энг зарур далилий материаллар тўплами;
- Ўқувчилар ўқув фаолиятларининг аниқ усуллари;
- Ўқувчиларга таълим бериш ва уларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш шакллари ва методлари;
- Муайян мавзудаги дарс модули.

Модулли дарсларда ҳар бир ўқув элементи унинг интеграллашган мақсадларига эришишда муҳим қадам ҳисобланади. Мазкур дарснинг мазмунини ўзлаштирмасдан туриб, мақсадга эришиш имконсиздир.

Ўқув эементлари кўп бўлмаслиги, кўпи билан 7-8 та бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда қуйидагилардан, албатта, фойдаланиш зарур:

- ЎЭ-0 – у таълим натижасига эришишнинг интеграл мақсадлари ёрдамида аниқланади;
- ЎЭ-1 – биринчи элемент мавзуга оид дастлабки билимларни аниқлаш мақсадида танланадиган топшириқларни ўзида мужассамлаштиради. Янги материални ўзлаштиришга оид топшириқлар ҳам унинг таркибига киритилади.
- ЎЭ-2 – иккинчи элемент таркибига эса ўқув материаллари элементлари устида ишлашга оид топшириқлар киритилади.
- ЎЭ-3 – учинчи элемент эса ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилишга оид ўқув материалларини мужассамлаштиради. Шу билан бир қаторда машғулот натижалари ҳақида хулосалар чиқариш, дарс мақсадига эришилганлик натижаларини баҳолаш, уй вазифалари даражасини ҳам қамраб олади. Модулли ўқитиш технологияси доирасида ўқувчиларга бериладиган уй вазифалари ҳам табақалаштирилиши керак.

Модулли ўқитиш технологиясрини қўллаш жараёнида ўқувчиларнинг тўлақонли шаклланишлари, ривожланишлари ҳамда ўқув фаолиятлари усулларининг такомиллашиши амалга ошади.

Бу ўринда ўқув материали таълим жараёнига эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Модулларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар билимларни мустақил эгаллаш, дарслик билан ишлаш, ахборот манбаларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллайдилар. Бунинг

натижасида ўқувчиларда ўқув предметига бўлган қизиқиш ортиб, фаолиятнинг бир тури ривожланиб, иккинчисига ўтади.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Астанов Р. – Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ Маънавий-маърифий, илмий ишлар проректори

Табиат, жамият инсон тафаккурининг такомиллашуви унинг тўхтовсиз ривожланиб, такомиллашиб бориши, илм-фан, техника ва технологиянинг жадаллашуви таълим методларига танлаш ва қўллашда янгича ёндашишни уларни ўзлаштириш ва фаоллаштиришни тақозо этмокда. Шунга асосан ҳозирги давр дидактикасида ўқитишнинг Янги педагогик технологияга асосланган интерфаол методлари майдонга келди.

Маълумки, XX асрда айниқса унинг иккинчи ярмида илм-фан техникаларнинг ривожланиши инсоният ва жамият тарихида энг юксак даражада кўтарилди. Статистик маълумотларга кўра ҳар 12-15 йилда илмий информациялар жадал ўсиши натижасида илмий-техникавий фаолият 2 марта ошиб бораётганлиги қайд этилмокда.

Илм-фан, техника, унинг ишлаш технологиясининг ўсишини жадаллашуви илмий-техникавий информациянинг ривожига тез-тез янгиланишига олиб келди. Натижада қишлоқ хўжалиги механизациялашиши тезлашди, саноат компьютерлашмоқда, таълим тизимига Интернет кириб келмокда. Бу ҳол ўз-ўзидан маълумки маълумотлар, ахборотларни узатиш методини янгилаш, жадаллаштиришни талаб этмоқда. Таълим жараёнида шундай ўқитиш методларини тадбиқ этиш жоизки, улар охир-оқибатда ўқувчи-талабаларни мустақил ўқиш, фикрлашга, илмий-техникавий ахборотлар билан ижодий ишлашга ўргатсин, ўқувчи-талабаларни ўзига хос ва ностандарт фикрлашга йўлласин ва ишчанлик қобилиятини ривожлантириш, ўқишга, мустақил билим олишга қизиқиши ва эҳтиёжини оширсин, ўз ишига фаолиятига, фикрлашига тадқиқот ёндашишини тарбияласин, ўзгарувчан ишлаб чиқариш шароитига тез мослашиш кўникмаларини шакллантирсин. Илмий педагогик назария ва амалиётнинг кўрсатишига бундай дидактик жараён лойиҳасини интерфаол методларга ёрдам бера олади.

Бугунги кунда Шарқ ва Ғарбда мамлакатларнинг таълим муассасаларида таълим-тарбия беришнинг интерфаол методлари муваффақиятли қўлланилиши натижасида дарс самарадорлиги ошаётганлиги назарга тушмоқда. Мазкур методларнинг моҳият-мазмунини ўрганиш, ўз шароитимиз, имкониятимизга мослаштириб, қайта ишлаб амалда қўллаш, фикримизга ўқувчи-талабаларда илмий-назарий, техникавий маълумотларни мустақил ўзлаштириш, билим, кўникмаларни чуқур ва аниқ шакллантириш ва шу асосда уларда илмий дунёқараш асосларини тарбиялаш, фаоллиги, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлигини ошириш, ўқитувчи-ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини, йўлга қўйиб, якуний натижани кафолатлаш имкони туғилади.

Ўқитишнинг педагогик технологияга асосланган интерфаол методларининг моҳият-мазмуни билан танишишдан олдин умуман методлар, қисман таълим методлари дунёсига қисқача уюштирайлик. Ҳозирги илмий-техникавий тараққиёт, миллий мустақиллик ўқувчи-талабаларни фикрлаш, уйлаш, ижодий фаолият кўрсатиш, изланишга йўналтирадиган, ундайдиган методлардан фойдаланиш зарурлигини талаб этмокда. Шунга асосан ўқитувчи, аввало, барча ўқитиш методларини мукаммал билиши, уларни оқилона танлаш ва моҳирона қўллаш маҳоратига эга бўлиши ҳамда ҳар бир методдан фойдаланганда ўз имкониятларини, таълим муассасаси шарт-шароитларини хисобга олиб иш тутмоғи лозим. Мавзуни оддий усулда олиб боргандан кўра, интерфаол усуллар орқали олиб бориш маълумотларни ўқувчиларнинг хотирасида сақланиб қолишига ёрдам беради.

Мисол тариқасида физика фанидан “Электр ҳодисаларини ўрганиш»мавзусини мустаҳкамлашда “Блиц сўрови” методидан фойдаланишни кўриб ўтамиз. Бу методни қўллашда мавзулар йиллар кетма-кетлиги бўйича жадвалга жойлаштирилади. Ўқувчи ҳар бир олим кашфиётларини давр кетма-кетлиги бўйича тўғри жойлаштириб чиқиши керак.

Электр ҳодисаларини ўрганиш тарихи

тўғри жавоб	Ҳаракатлар мазмуни

	Абу Райҳон Беруний айрим жисмлар бир-бирига ишқаланганда енгил жисмларни ўзига тортишини аниқлаган.
	Инглиз физиги Эрнест Резерфорд атом ядросининг планетар моделини берди.
	Томсон томонидан электрон тажриба йўли билан аниқланди.
	Юнон файласуфи Фалес Милетский мўйнага ишқаланган қаҳрабо ўзига енгил буюмларни тортишини аниқлаган.
	Француз физиги Шарл Кулон электр зарядларининг ўзаро таъсирини ўрганди.
	Инглиз физиги Майкл Фарадей электр майдон атамасини киритди.
	Француз физиги С. Ҳ Иоффе биринчи бўлиб икки хил электр зарядлар мавжуд бўлишини аниқлаган.
	Майкл Фарадей электростатик ҳимоя ҳодисасини биринчи марта пайқаган.
	Х.К.Эрстед ҳаракатланувчи электр зарядларга магнит майдон таъсир кўрсатишини тажриба йўли билан аниқлади.

Ўқувчилар томонидан тақдим этилган жавоб вариантлари ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган жавоб вариантлар билан таққосланиб, ҳар бир гуруҳ фаолияти баҳоланиб борилади ва хулосаланади.

“Техника ва турмушда ишқаланиш кучи” мавзусини ўтишда дарснинг мустаҳкамлаш босқичида “Т-чизма”дан фойдаланиш ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга амалий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ўз фикрини эркин, асосли баён этишга ўргатади. Бу метод орқали ўқувчилар ишқаланиш кучининг икки жиҳатини, яъни ижобий ва салбий томонларини қиёслашни ўрганадилар.

Ишқаланиш кучи

Афзалликлари	**Камчиликлари**
Буюмлар ўз мувозанатини сақлай олади	Ҳаракатга тўсқинлик қилади
Ҳаракатланаётган машиналарнинг тормозланишига имкон яратади	Ҳаракатланаётган машина деталларини қизишига олиб келади
Йўл ҳаракатида йўловчилар хавфсизлигини таъминлайди	Машина, механизмнинг ФИКини камайтиради

Буюк аллома Абу Наср Фаробий ўқитиш методлари ҳақида фикр юритиб, ўқитиш методларининг вазифаси ўқувчиларга турли хилдаги билимлар бериш, билимларни мустақил тўлдиришга ўргатиш, яшаш мазмуни, бахт-саодатга эришиш, билим эгаллашдан иборат педагогик ғояларида ўқитиш методлари:

- маълумотларни қабул қилиш;
- уларни хотирасида мустаҳкамлаш;
- тахлил қилиш ва фикрлаш;
- хулосалар чиқариш ва баҳолашга қаратилган бўлиши керак.- деб таъкидланган эди.

Илк уйгониш даврнинг қомусий олимлари Мусо ал-Хоразмий, Абу-Райхон Беруний, Ибн-Сино, Аз-Замахшарий, Махмуд Кошғарий, Бурхониддин Зарнуджи ва бошқалар борлиқни билишнинг мухим шартларидан бири ўқитиш методлари эканлигини ўз асарларида баён қилганлар ва ўқитиш методларини билимларни баён қилиш, савол-жавоб, суҳбат (Беруний, ал-Хоразмий), болаларда кўникма, малакаларни шакллантириш ва билим, кўникма, малакаларни текшириш (ал-Хоразмий), кўрсатмали баён қилиш, тажриба-синов ўтказиш (Ибн Сино) ва х.к.ларга ажратганлар.

Шунинг учун бугунги кунда»Таълим тўғрисида»ги Қонун,»Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»талабларидан келиб чиқиб таълим муассасаларида ўқитиш методларини танлаш ва қўллашда таълим (мавзу)нинг мақсади ҳамда ақлий, маънавий-ахлоқий тарбия вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни назарда тутиш керак:

а) илмий-амалий ҳаётий тажрибаларни ўзлаштиришни ва ўқувчиларда илмий дунёқараш асосларини тарбиялашни;

б) ўқувчи-ёшларни пухта, аниқ тизимли билим, кўникма, малакалар билан қуроллантиришда илмий техникавий тараққиёт (ИТТ) талабларини;

в) ўқувчиларни мустақил, ижодий, мантиқий фикрлашга ўргатишни;

г) таққослаш, таҳлил қилиш, синтез, умумлаштириш, хулосалар чиқаришга малакалар ҳосил қилишни;

д) билишга бўлган интилиш, қизиқиш ва қобилиятларни ўстириш.

Шу ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишда ўқув маълумотларини ўзлаштириш самарадорлиги бошқа ўқитиш методларига нисбатан юқори бўлади. Буни Буюк Британиянинг Старклайу университети қошида халқаро лойиҳалар марказининг директори,»Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳотига кўмаклашиш»лойиҳасининг халқаро эксперти Ян Смит ҳам Буюк Британия, Покистон, Ботсванияда олиб борган тажрибаларига асосланиб 8 апрел 1999 йилда Республикада ўтказилган халқаро анжуманда»Илғор педагогик технологиялар»мавзусида қилган маърузасида ҳам қайд қилиб ўтди. Унинг қайд этишича илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишда самарадорлик мутлақо ошган. Буни қуйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин.

Ўқитиш методлари	Натижа (% хисобида)
Тинглаганда	10
Ўқиганда	20
Тинглаган ва ўқиганда	30
Мунозарада	50
Ҳаётда тўқнаш келганда	75
Бир-бирига ўргатганда	90

Табиат, жамият инсон тафаккурининг такомиллашуви унинг тўхтовсиз ривожланиб, такомиллашиб бориши, илм-фан, техника ва технологиянинг жадаллашуви таълим методларига танлаш ва қўллашда янгича ёндашишни уларни ўзлаштириш ва фаоллаштиришни тақозо этмокда. Мақсад таълимга инновацион усулларни олиб кириш ва ўқувчилар билимини янада кенгайтиришга эришиш.

MAKTAB TA'LIMIDA OTA-ONALAR YIG`ILISHLARINI O`TKAZISH ORQALI ULAR BILAN HAMKORLIKNING SIFATINI OSHIRISH USULLARI

Astanov R. – Buxoro viloyati XTXQTMOI Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy ishlar prorektori
Aslanova N. – Buxoro viloyati XTXQTMOI uslubchisi

Farzandlar tarbiyasi va ularga ta'lim berishda o`z hissasini qo`shayotgan har bir o`qituvchi o`ziga xos murakkab va mas'uliyatli faoliyatni amalga oshiradi. Ya'ni maktabga kelayotgan har bir o`quvchiga o`z onasi yoki yaqin kishisidek bo`lib qoladigan sinf rahbaridan o`ta madaniyatli bo`lish va o`zida ijobiy xususiyatlarni jamlash talab etiladi. Chunki o`sib kelayotgan yosh avlod avvalo ota-onasi, so`ngra ustozlaridan saboq olib voyaga yetadi.

Sinf rahbari o`ta madaniyatli bo`lishi, so`zlashish, kiyinish madaniyatini to`la egallagan bo`lishi muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki o`quvchilarga o`z ta'sirini o`tkazadigan har bir sinf rahbari yuksak pedagogik mahoratga ega bo`lishi talab etiladi. O`quvchilar qalbiga kirib olish, ularga yondashish uchun sinf rahbari alohida psixodiagnostik, psixoprofilaktik va psixokorrektsion kompetentsiyalarni ham egallagan bolishi zarur. O`quvchilarga haddan ortiq ko`ngilchanlik ham ularning taltayib ketishlariga olib kelishini unutmasligimiz darkor. Shuning uchun o`quvchilar bilan kerakli vaqtda qattiqqo`l muomalada bo`lish, sinf jamoasi oldida ularni uyaltirmaslik, individual tarzda psixokorrektsion va psixoprofilaktik ishlarni olib borish, ularga o`z yaqin kishisidek munosabatda bo`lish ta'lim – tarbiya jarayoninig samarali bo`lishiga zamin yaratadi. O`quvchilarga oddiy sabablar bois qo`pol munosabatda bo`lish ularda tanbehlarga e'tibor bermay qo`yishga olib keladi. Shuningdek, maktabda ta'limiy va tarbiyaviy ishlarni muvaffaqiyatli olib borish uchun ota-

onalar bilan hamkorlikni doimiy tarzda yo`lga qoyish lozim. Ota-onalar yig`ilishlarini muntazam tashkil etib borish, ular bilan o`quvlar o`tkazish, o`quvchilarning oilalariga tashrif buyurib ularning oilaviy ahvoli bilan yaqindan tanishish, ota-onalar bilan yozma tarzda doimiy muloqotda bo`lish zarur. Bu uchrashuvlardan maqsad nafaqat o`quvchilarning maktabdagi faoliyatlari bilan ota-onalarni tanishtirib borish, balki ular shaxsiga yondashish ishlarini muvaffaqiyatli amalga oshirishhamdir. Shuningdek, farzand tarbiyasi borasida ota-onalarga amaliy yordam ko`rsatish ham ota-onalar bilan hamkorlik ishlarining maqsadidir. Shuning uchun ota-onalar majlislarini tashkillashtirishda o`quvchilarning tarbiyasiga ijobiy ta'sir ko`rsatish yo`llarini ham birgalikda hal etish zarur. Maktabda ota-onalar majlislari sifatini oshirish ham bunday ishlarni muvaffaqiyatli qilib bajarishga turtki bo`ladi.Ota-onalar yig`ilishlari shunday tashkil etilishi kerakki, majlisdan har bir ota-ona farzandlar tarbiyasi uchun kerakli ma'lumotlar, yo`l-yo`riqlar olsin va tarbiya borasidagi o`z tajribalarini yanada boyitib, sinf rahbariga o`quvchilarga ta'lim-tarbiya berishda ko`makchi bo`lsin.

Ota-onalar yig`ilishlarini o`tkazish uchun har bir sinf rahbari o`z mahoratini ishga solishi, bunday yig`ilishlarni sifatli qilib o`tkazish uchun esa majlis loyihasi oldindan rejalashtirishi kerak. Rejalashtirishda o`quvchilarning yutuq va kamchiliklari, jamoat ishlari, bilimlar bellashuvidagi natijalari, fanlar kesimida ko`rsatayotgan natijalari to`g`risidagi ma'lumotlar alohida o`rin tutish zarur. Bu tadbirlarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun sinf rahbari quyidagi xususiyatlarga ega bo`lishi kerak:

1. Muloqotchanlik va nutq madaniyati (oratorlik) ;
2. Tinglay olish (tolerantlik);
3. O`z fikrini bildira olish (maslahat berish, yo`l-yo`riq ko`rsatish);
4. Xushmuomalalik va iltifotlilik;
5. Adolatli, to`g`riso`z bo`lish;
6. Salohiyatli bo`lish va o`z salohiyatini ko`rsata olish;
7. Yangiliklardan doimiy xabardorlik va ularning mohiyatini tushuntira olish.

Ota-onalar yig`ilishlarini o`tkazishda sinf rahbari quyidagi jihatlarga e'tibor ko`rsatishi zarur:

1. Yil boshidan barcha sinf o`quvchilarining ota-onalarini majlislarga jalb qilish;
2. Jamoa bilan kelishgan holda ota-onalar orasidan tashkiliy ishlar uchun yordam ko`rsatuvchi vakillarni tanlash;
3. Ota-onalarni rejalashtirilgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar va maktab hayotidagi yangiliklar bilan doimiy tarzda xabardor etib borish;
4. O`quvchilarning individual oilaviy ahvolidan xabardor bo`lish;
5. Ota-onalar bilan doimiy muloqotni tashkil etish (telefon yoki o`quvchilarning uylariga tashrif buyurgan holda);
6. Ota-onalar bilan o`tkaziladigan majlislarda noan'anaviy konferensiya usulidan foydalanish (o`quvchilarning yutuq va kamchiliklarini muhokama qilishda ota-onalar bilan o`z fikr va mulohazalarini o`rtoqlashish maqsadida);
7. Ota-onalar bilan doimiy telefon muloqotlarini olib borishga vaqt yetmasa, ular bilan yozma muloqotda bo`lish;
8. Takliflar quttisi tashkil etish: oy oxirida ushbu takliflar bilan tanishish;
9. O`quvchilar tomonidan bajarilgan ijodiy ishlar, ularning fanlar orasida erishgan yutuqlarini namoyish etuvchi ko`rgazmalar tashkil etish va ota-onalarga o`z farzandlarining yutuqlarini namoyish qilish.
10. Majlisda kun tartibiga qo`yiladigan masalalar ketma-ketligini tuzib chiqish (biror bir masala e'tibordan chetda qolmasligi uchun)
11. Majlis ishtirokchilari uchun "Oltin qoidalar" tizimini hamkorlikda ishlab chiqish;

Masalan:

- Majlislarga doimiy tarzda ishtirok etish
- Kechikmaslik
- Faollik
- Jamoa fikriga hurmat

- Tashabbuskorlik
- Hamjihatlik
- O`zaro hurmat…

12. Ota – onalarga farzandlarining kamchiliklaridan oldin ularning yutuqlarini so`zlab berish
13. Boshqa fan o`qituvchilarini ham yig`ilishga chorlash va o`quvchilarning fanlarni o`zlashtirish darajasini ota-onalarga ma'lum qilish
14. O`quvchilarning kun davomidagi faoliyati va ularning kelajakdagi orzularidan ota-onalarning qay darajada xabardorligini tekshiruvchi "O`z farzandingizni bilasizmi»mavzusida yozma so`rovnoma o`tkazish
15. Ota-onalarning maktabdagi tashkiliy ishlar to`g`risidagi mulohazalarini so`rash
16. O`quvchilarning bo`sh vaqtlarini qanday tashkil etilayotganligi to`g`risida ma'lumotlarni oydinlashtirish
17. Oy davomida sinf o`quvchilarini taqdirlab borish (Eng yaxshi jamoatchi, Orastalik malikasi, Eng kuchli o`quvchi, Eng a'lochi o`quvchi, Eng yaxshi kitobxon, Eng odobli o`quvchi…) va bu yutuqlardan ota-onalarni xabardor etib borish
18. Majlisda farzand tarbiyasi borasidagi ibratli hikoya, rivoyatlardan unumli foydalanish, farzand tarbiyasida milliy qadriyatlarimizdan foydalanish yo`llari to`g`risida ota-onalarga maslahatlar berish
19.O`quvchilarning yosh xususiyatlari bilan bog`liq psixologik muammolarni hal etish yo`llarini izlash maqsadida majlisga maktab psixologini jalb qilish
20. Yil yakunida o`tkaziladigan yig`ilishda o`quvchilarning ota-onalariga majlislarga faol ishtirok etgani va farzandi erishgan yutuqlar uchun rahmatnomalar ulashish va boshqalar…

Hammamizga ma'lumki, ota-onalar yig`ilishlari maktab va oila munosabatlarini mustahkamlashga xizmat qiladi. Ota-onalar majlisini o`tkazishda birinchi navbatda farzand tarbiyasidagi eng muhim mavzular tanlanishi, aniq maqsad belgilab olinishi kerak. Ikkinchidan, majlis o`tkazish metodikasini ishlab chiqish, yig`ilishga ota-onalarni qay tarzda taklif qilish, yig`ilish o`tkaziladigan xonaning ko`rinishini ham oldindan tayyorlab olish zarur.

Yig`ilishning kirish qismini xushmuomalalik bilan boshlash, maqsadni aniq lo`nda bayon qilish kerak. Shuningdek, o`qituvchi o`zining tashqi ko`rinisiga e'tibor berishi, ortiqcha bezaksiz, bejirim, o`qituvchiga xos kiyimda bo`lishi majlis qatnashchilariga o`qituchi shaxsiga hurmat hissining uyg`onishiga xizmat qiladi. Ichki quvvat - ovoz ohangi, tabassum, qo`l siqish, emotsional vaziyat - ijobiy munosabatlarni shakllantirishga turtki bo`luvchi muhitni yaratish muhim ahamiyatga ega.

Masalan: "Bola odobi»mavzusida o`tkaziladigan ota-onalar yigilishini quyidagi tartibda o`tkazish mumkin. Tashkiliy qismdan so`ng bola odobiga ta'sir etuvchi omillar to`g`risida ota-onalar yordamida "Klaster" tuziladi. Unda ochqich so`z sifatida "Bola odobi»soz birikmasi tanlanadi. O`qituvchi tomonidan "Bola tarbiyasiga kimlar, qanday muhit, qanday ta'sir ko`rsatish mumkin?»degan savol qo`yiladi.



Klasterdagi har bir yo`nalish ota – onalar bilan birga chuqur va har tomonlama tahlil qilinadi, xulosalanadi. Yoki "T chizmasi" metodi orqali ota – onalarning ba'zi fikrlarini aniqlab olish mumkin. Bunda ota-onalarning internet haqidagi fikrlarini bilib olish mumkin. Masalan:

Internet va undan foydalanishning ijobiy va salbiy jihatlarini ko`rsatib o`ting.

Internet

Ijobiy	Salbiy
Vaqtni tejash Ma'lumotlarni esda saqlash (ko`rish orqali) Kitoblarning elektron variantlari Eng yangi ma'lumotlar	inson salomatligiga ta'sir keraksiz ma'lumotlar bola ma'naviyatiga ta'sir o`z ustida izlanishning pasayishi

Ota-onalar bilan birgalikda bola tarbiyasiga oid hikmatli so`zlar, rivoyatlar, ibratli hikoyalar va xalq maqollari keltiriladi. Bu boradagi eng yaxshi oilalar tajribasi o`rtoqlashiladi. Yig`ilish qatnashchilarining fikrlari va takliflaridan kelb chiqib tavsiyalar ishlab chiqiladi hamda ota-onalarga tarqatiladi. Tavsiyalar quyidagicha bo`lishi mumkin.

- Bolaning kuchli tomoniga suyaning, uning xatolariga urg`u berishdan qoching.
- Bolaga mamnunligingizni ko`rsating.
- Bolangizga nisbatan muhabbat va hurmatda bo`ling.

- Katta topshiriqlarni bola bajara oladigan kichikroq topshiriqlarga bo`lib bajarishiga yordam bering.
- Bola bilan ko`proq vaqtingizni o`tkazing, o`zaro munosabatda mutoyibani ishlating.
- Imkoniyati bor joyda bolaning o`z muammolarini o`zi hal qilishiga qo`yib bering.
- Intizomiy jazolardan qoching.
- Bola xususiyatining o`ziga xosligiga e'tibor qarqting.
- Bolaga nisbatan ishonch va mehr ko`rsating
- Farzandingizni internetdan foydalanishini doimiy tarzda nazorat qiling
- …

Ota-onalarga bu tavsiyalarni tez-tez ko`zga tashlanadigan joylarga ilib qo`yib, e'tibordan chetda qolmasligini ham tayinlash kerak.

Farzandlar tarbiyasi uchun mas'ul har bir ota-ona doimiy tarzda ta'lim muassasasi bilan uzluksiz hamkorlikda bo`lsa, ko`zlangan natijalarga erishish yanada osonlashadi. Shuningdek, ta'lim muassasasida o`tkaziladigan ota – onalar majlislarini oddiy o`tkazishdan ko`ra turli noan'anaviy usullar, ya'ni interfaol o`yinlar, psixologik treninglar, davra suhbatlari asosida tashkil etish oila va ta'lim muassasi hamkorligini yanada mustahkamlab, yosh avlod tarbiyasiga ijobiy ta'sir ko`rsatadi.

ГЕНЕТИКАНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИДИР

Умарова Ж. – Б.ф.н. Навоий давлат педагогика институти

Бугунги кунда асосий диққат эътибор таълимнинг сифатини оширишга қаратилган. Олий таълимда ўқитишнинг сифатини ошириш сўзсиз илғор ўқитиш усулларидан қандай фойдаланишга боғлиқ бўлмоқда. Талабалар билим савиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш мавзуси доимо таълим тизимида долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Шу сабабли талабалар пухта ва чуқур билим ҳамда кўникмаларга эга бўлишлари, юқори малакали рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишлари учун ўқитиш жараёнида албатта ахборот технологиялари ва илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурати туғилади.

Юқори тезликда ривожланаётган ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундака, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўрин эгалламоқда.

Давлатимиз ҳам ушбу технологияларнинг ривожланишига жуда катта аҳамият бермокда. Ўзбекистонда АКТ соҳасида Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 40 дан ортиқ қарорлар ва 1000 га яқин соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Презедентининг»Компьютерлаштиришнинг янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги»2002 йил 30 майдаги ПФ – 3080 сонли фармони иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан фан ва таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш учун йўл очиб берди. Фармонда "...реал иқтисодиёт тармоқларида бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш" белгилаб қўйилган.

Фармонни бажариш мақсадида вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнда қабул қилинган қарори асосида 2002 -2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва қатор ишлар амалга оширилди.

Таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ қилишдан мақсад, замонавий жамиятнинг зарурий йўналишларидан бири бўлиб, талабаларнинг дарсга бўлган

қизиқувчанлигини ошириш, ижодкорлигида янги имкониятларни тақдим этиш билан бирга, шахснинг барча қобилиятларини одоб-ахлоқ, ижодкорлик, мулоқот ва эстетик қобилиятларини рўёбга чиқариш, фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, эгаллаган билимларидан ўз соҳаси бўйича ижодий фойдалана билиш қобилиятини шакллантиришдир. Асосийси ўқитишнинг сифат даражасини юқори кўрсаткичларига эришишдир.

Замонавий ахборот технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш учун ахборот ресурслари ва махсус дастурий таъминотлар мавжуд бўлиши лозим. Ахборот ресурсларига: шахсий компьютерлар, проектор, мультмедия воситалари, сканер, рақамли фотоаппарат, видео камера, принтер, нусха кўчирувчи қурилма ва бошқа ресурслар киради. Махсус дастурий таъминотлар: таълим тизимида мультмедиали электрон ўқув адабиётлар, маърузалар, вертуал лаборатория ишлари, ҳар хил анимацион дастурлар ва яна бошқа ишларни бажаришда керак бўладиган махсус дастурлар ҳисобланади. Ахборот ресурслари ва махсус дастурий таъминотлардан унумли фойдаланиш мақсадида олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор- ўқитувчиларни малакасини ошириш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда бизнинг Навоий давлат педагогика институтида ҳам “Таълимда ахборот-коммуникация технологиялари” мавзусида ўқув курси ташкил этилиб билим салохиятлари оширилди. Натижада барча профессор-ўқитувчилар томонидан дарс ўтиш жараёнининг самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш яхши йўлга қўйилди.

Дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш ўқитувчи ва талабаларга ўзига хос қулайликлар яратади. Компьютерни бошқа ўқитиш воситалари масалан проектор, электрон доскалар билан оператив қўшилиши, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб маълумот бериш ҳажмини оширади ва бу билан ўқитувчи учун дарс вақтидан унумли фойдаланишга имконият яратади.

Биологиянинг тез ривожланаётган соҳаси бўлмиш генетика тирик организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлигини ўрганади. Ирсият орқали организмлар ўзгарувчан ташқи муҳит шароитларига мослашиб, яшаб қолади. Ўзгарувчанлик туфайли пайдо бўлган белги-хоссалар ирсият орқали кейинги авлодларда сақланиб қолгандагина яъни ирсийлангандагина эволюцияда ўрин тутиши мумкин. Генетикада шундай термин ва тушунчалар борки уларни тасаввур қилиш қийин. Масалан, хромосома, унинг таркиби, ДНК, ген каби тушунчаларни сўз билан ифодалаб тушунтириб бериш орқали талабада етарли билим ва кўникма ҳосил қилиши қийин.

Microsoft Power Point – универсал, имкониятлари кенг, ишлаш учун энг қулай бўлган дастурий воситалардан бири бўлганлиги сабабли генетика дарсларида ушбу дастурдан фойдаланаман.

Эукариотларда ДНК ҳужайра ядросида жойлашган, оқсил молекулалари эса цитоплазмадаги рибосомаларда синтезланади. ДНК билан рибосомалар орасида воситачилик вазифани и-РНК бажаради. РНК дастлаб ДНК матрицасида синтезланади. Бу жараён

транскрипция деб номланади. Презентация слайдалари орқали транскрипция жараёни кўрсатилганда бир вақтнинг ўзида талаба эшитаётган тушунчаларини кўзи билан кўриб ҳам туради. Барчамизга маълумки, ахборотнинг катта қисми кўриш орқали олинади.



Транскрипция - бу қўш занжирли ДНКдаги ирсий ахборотни бир қават занжирли РНКга кўчиришдир. Буни талаба тасаввур қилиш ва эшитишга нисбатан кўрганда тўлиқ тасаввурга эга бўлади ва транскрипция моҳиятини тушуниб етади, кўникма ва малака шаклланади. Фанга нисбатан қизиқиши янада ортади.

Электрон тақдимотлардан дарсда намойиш ва кўргазмали материал сифатида фойдаланиш, ўқув материалининг электрон тақдимотда анимациялар шаклида берилиши ўтилаётган мавзуни тушунишни енгиллаштиради ва кўргазмалиликни оширади. Тақдимотларга нисбатан талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради, муҳокама этилаётган мавзу бўйича хулоса чиқарадилар. Бу билан талабалар ахборотлар билан ишлаш малакасига ҳам эга бўладилар.

Хулоса қилиб айтганда электрон шаклда тайёрланган ўқув материлларидан, электрон тақдимотлардан ўқитишнинг барча шаклларида фойдаланиш юқори сифат ва самарани кафолатлайди.

INTERNET GLOBAL TARMOG`IDA AXBOROT XAVFSIZLIGI.

Zaripov N. – Buxoro davlat universiteti fizika-matematika fakulteti "Axborot texnologiyalari»kafedrasi o`qituvchisi
Hasanova N. – Kogon Sanoat va transport kolleji o`qituvchisi

Ma'lumki internet tarmoqlararo informatsiya almashinuvini ta'minlavchi magistiraldir. Uning yordamida dunyo bilimlar manba'iga kirish, qisqa vaqt ichida ko`plab ma'lumotlar yig`ish ishlab chiqarishning va uning texnik vositalarini masofadan turib boshqarish mumkin. SHu bilan bir qatorda internetning ushbu imkoniyatlaridan foydalanib turmoqdagi begona kompyuterlarni boshqarish ularning ma'lumotlar bazasiga kirish, nusxa ko`chirish g`arazli maqsadda turli xil viruslar tarqatish kabi noqonuniy ishlarni amalga oshirsh mumkin. Internetda mavjud bo`lgan ushbu xavf, axborot xavfsizlik muammolari bevosita tarmoqlarning xususiyatlaridan kelib chiqadi.

Umumjahon axborot globallashuvi jarayonlari axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini nafaqat mamlakatlar iqtisodiyoti va boshqa sohalariga joriy etish, balki axborot tizimlari xavfsizligini ta'minlashni ham taqozo etayotir. O`zbekiston axborot va kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi xalqaro xavfsizlik tizimiga Markaziy Osiyoda birinchilardan bo`lib qo`shildi. Axborot xavfsizligini ta'minlash bo`yicha Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo`mitasi tomonidan quyidagi chora-tadbirlar amalga oshiriladi:

Ma'lumotlar uzatish, telekommunikatsiya tarmoqlari, teleradioefir hamda axborot tizimlarida axborot xavfsizligini ta'minlashni takomillashtirish va rivojlantirish bo`yicha davlat siyosatini yuritish;

Axborot xavfsizligiga oid qonunchilik va me’yoriy-huquqiy hujjatlarining yaratilishini tashkil qilish va bunda ishtirok etish;

Axborot tizimlari komplekslari, resurslari va ma’lumotlar bazalarining axborot xavfsizligini ta’minlash;

davlat organlarining axborot tizimlari va resurslari axborot xavfsizligi siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirishga ko`maklashish;

davlat axborot tizimlari va resurslarining axborot xavfsizligini ta’minlash yuzasidan monitoring natijalari to`g`risidagi statistik ma’lumotlarni O`zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo`mitasiga belgilangan tartibda taqdim etish;

telekommunikatsiyalar tarmoqlarining operatorlari va provayderlari bilan hamkorlik qilish, davlat organlarining kompyuter va axborot texnologiyalaridan foydalanish sohasidagi qonun buzilishlarining oldini olish masalalari bo`yicha birgalikdagi ishlarini tashkil etish va ularning faoliyatini muvofiqlashtirish;

Internetning milliy foydalanuvchilarini Internet tarmog`i milliy segmentida axborot xavfsizligiga paydo bo`layotgan tahdidlar to`g`risida o`z vaqtida xabardor qilish, shuningdek axborotlarni muhofaza qilish bo`yicha konsultatsiya xizmatlari ko`rsatish;

qonun buzuvchilarni tahlil qilish, identifikatsiyalashda, axborotlar makonidagi ruxsatsiz yoxud buzuvchi harakatlarni amalga oshirishda foydalaniladigan metodlar va vositalarni tahlil qilishda huquqni muhofaza qilish organlari bilan hamkorlik qilish;

Internet tarmog`i milliy segmentida axborot xavfsizligi hodisalarining oldini olish bo`yicha o`zaro amaliy ishlarni tashkil etish maqsadida axborot xavfsizligi sohasidagi xalqaro hamkorlikni rivojlantirish.

Kompyuter tizimlari va tarmoqlarida axborotni muhofaza qilishi deganda, uzatilayotgan, saqlanayotgan va qayta ishlanilayotgan axborotni ishonchliligini tizimli tarzda ta’minlash maqsadida turli vosita va usullarni qo`llash, choralarni ko`rish va tadbirlarni amalga oshirishni tushunish qabul qilingan.

Axborot xavfsizligi deganda tabiiy yoki sun’iy xarakterdagi tasodifiy yoki qasddan qilingan ta’sirlardan axborot va uni qo`llab-quvvatlab turuvchi infrastukturaning himoyalanganligi tushuniladi. Bunday ta’sirlar axborot sohasidagi munosabatlarga, jumladan, axborot egalariga, axborotdan
foydalanuvchilarga va axborotni muhofaza qilishni qo`llab quvvatlovchi infrastrukturaga jiddiy zarar yetkazishi mumkin.

Bugungi kunda axborot xavfsizligini ta’minlaydigan uchta asosiy
tamoyil mavjud:

– ma’lumotlar butunligi – axborotni yo`qotilishiga olib keluvchi buzilishlardan, shuningdek ma’lumotlarni mualliflik huquqi bo`lmagan holda hosil qilish yoki yo`q qilishdan himoya qilish;

– axborotning konfedensialligi. Axborot va uning tashuvchisining holatini belgilaydi va unda axborot bilan ruxsatsiz tanishishning yoki uni ruxsatsiz hujjatlashtirishning (nusxa ko`chirishning) oldini olish ta’minlangan bo`ladi;

– foydalanish huquqlariga (mualliflikka) ega barcha foydalanuvchilar axborotdan foydalana olishliklari. Axborot hisoblash tizimlarida axborot xavfsizligini ta’minlash nuqtai nazaridan o`zaro bog`liq bo`lgan uchta tashkil etuvchini ko`rib chiqish maqsadga muvofiq:

1) axborot;

2) texnik va dasturiy vositalar;

3) xizmat ko`rsatuvchi personal va foydalanuvchilar.

Har qanday axborot hisoblash tizimlarini tashkil etishdan maqsad foydalanuvchilarning talablarini bir vaqtda ishonchli axborot bilan ta’minlash hamda ularning konfedensialligini saqlash hisoblanadi. Bunda axborot bilan ta’minlash vazifasi tashqi va ichki ruxsat etilmagan ta’sirlardan himoyalash asosida hal etilishi zarur. Axborot tarqab ketishiga konfedensial

ma’lumotning ushbu axborot ishonib topshirilgan tashkilotdan yoki shaxslar doirasidan nazoratsiz yoki noqonuniy tarzda tashqariga chiqib ketishi sifatida qaraladi.

Tashkiliy himoya – bu bajaruvchilarga yetkazilishi mumkin bo`lgan ixtiyoriy zararni bartaraf etuvchi yoki yengillashtiruvchi, bajaruvchilarning me’yoriy-huquqiy asosdagi o`zaro muomalasi va ishlab chiqarish faoliyatini qat’iy belgilash.

Axborotlarni muhofaza qilishning yana bir usuli bu kriptografiyadan foydalanishdir. Kriptografiya axborotni muhofaza qilish usullaridan biri hisoblanadi. Kriptografiya axborot (ma’lumotlar)ni o`zgartirish tamoyillari, vositalari va usullarini tadqiq etadi. Bundan maqsad axborot mazmunidan ruxsat etilmagan foydalanishdan muhofazalash va uni buzishni bartaraf qilish. Kriptografiya ma’lumotlarni aloqa kanallari orqali uzatishda yoki saqlashda konfedensiallikni yoki haqiqiylikni ta’minlash usullari bilan shug`ullanadi.

Shu bilan birga kriptografiya ma’lumotlarni xabardor bo`lmagan shaxslar uchun tushuna olmaydigan qilish maqsadida o`zgartirish usuli hamdir. Ma’lumotlar xavfsizligi tizimining muhim tarkibiy bo`lagi. Uning mohiyati ma’lumotlarni uzatishdan oldin ma’nosiz belgilar yoki signallar yig`masiga aylantirish va ma’lumotlarni oluvchi qabul qilib olgandan so`ng, ularni dastlabki shakliga qayta tiklashdir.

Hozirgi kunda ma’lumotlarni texnik himoyalash masalasi dolzarb vazifalardan biriga aylangan. Ma’lumotlarni himoyalashning texnik vositalariga mexanik, elektro-mexanik, elektron-mexanik, optik, akustik, lazer, radio, radiolokatsion va boshqa qurilmalar hamda himoyalanadigan obyektga borish yo`lini to`sishga mo`ljallangan tizim va binolar kiradi.

«Kriptografiya» atamasi grek tilidan tarjima qilinganda «yashirish, yozuvni berkitib qo`ymoq» ma’nosini bildiradi. Atamaning ma’nosi kriptografiya kerakli ma’lumotni yashirin saqlash va himoyalash maqsadida qo`llanishini anglatadi. Axborot tizimlarida kriptografik usullar keng qo`llanilmoqda. Chunki kompyuter tarmoqlari, jumladan Internet jadal rivojlanmoqda. Tarmoq orqali davlat, harbiy, tijorat va xususiy tasnifga ega katta hajmdagi ma’lumotlar uzatilmoqda.

BA’ZI NOSTANDART TENGLAMALARNI YECHISH

Shukurov G`.– BuxDU matematika kafedrasining o`qituvchisi

Tashqi ko`rinishi odatdagi tenglamalardan keskin farq qiladigan tenglamalar (masalan,$2^{|x|}=\cos x$,$x^2+4x\cos(xy)+4=0$ ),shuningdek,tashqi ko`rinishi odatdagi tenglamalarga oxshaydigan lekin, odatdagi usullar bilan yechish mumkin bo`lmaydigan tenglamalar(masalan, $\sin 7x+\cos 2x=-2$,$\sin^4 x-\cos^7 x=1$ vahokazo) ham uchraydi. Bunday tenglamalarni nostandart tenglamalar deb ataymiz.

Nostandart tenglamalarni yechishning umumiy usuli mavjud emas.Shu sababli bunday tenglamalarni yechishda funksiyalarning grafiklaridan,turli xossalaridan,tengsizliklardan va hokazolardan foydalanishga to`g`ri keladi.Buni misollarda ko`rib chiqamiz.

1-Misol: $2^{|x|}=\cos x$ tenglamani yechamiz.

Yechish: x=0 son tenglamaning yechimi ekanini ko`ramiz.(II.1-rasm)

Barcha $x\neq 0$ sonlar uchun $2^{|x|}>1\geq\cos x$ bo`lgani uchun berilgan tenglama x=0 dan boshqa yechimlarga ega emas.

2-Misol: $\sin x=x^2+2x+1$ tenglamani yechamiz.

Yechish: II.2-rasmda $y=\sin x$ va $y=x^2+x+1$ funksiyalarning grafiklari tasvirlangan,

$x\in$ [-1;o] bo`lsa,$\sin x\leq 0$, $x^2+x+1$ bo`lgani sababli tenglamaning [-1;0] oraliqqa tegishli yechimi mavjud emas.

$x\notin$ [-1;0] lar uchun $\sin x\leq 1$, $x^2+x+1>0$ bo`lgani sababli tenglama [-1;0] dan tashqarida ham yechimga ega emas,

Eslatma: 1- misoldagi tenglamaning (shuningdek 2- misoldagi tenglamaning ham) yechilishini bayon etishda grafiklarni chizish shart emas edi.Grafiklarni chizish esa tenglamani yechish usulini topish imkonini beradi.Quyida keltiriladigan misollarda u yoki bu funksiyalarning grafigini

chizish katta qiyinchiliklar tug`diradi.Shu sababli, bu misollarning yechilishini grafik chizish bilan bo`g`lash maqsadga muvofiq emas.

3-misol: $2\cos\frac{x}{3}=3^{x}+3^{-x}$ tenglamani yechamiz.

Yechish. Barcha $x\in R$ lar uchun

$$2\cos\frac{x}{3}\le 2,\ 3^{u}+3^{-x}\ge 2$$

Tengsizliklarga egamiz.Shu sababli, berilgan tenglama

$$\begin{cases}2\cos\frac{x}{3}=2\\ 3^{x}+3^{-x}=2\end{cases}$$

Tenglamalar sistemasida teng kuchlidir. Bu sistemaning ikkinchi tenglamasi x=0dan iborat yagona yechimga ega.x=0 son sistemaning birinchi tenglamasini ham qanoatlantiradi.Shuning uchun,x=0 sistemaning va berilgan tenglamaning ham yagona yechimi bo`ladi.

4- misol:$2\sqrt{2}$ (sinx+cosx)cosy=3+cos2y tenglamani yechamiz.

Yechish:sinx+cosx=$\sqrt{2}\sin(\frac{\pi}{4}+x)$ bo`lgani uchun berilgan tenglamani $2\sin(\frac{\pi}{4}+x)\cos y=1+\cos^{2}y$ ko`rinishda yozib olish mumkin.Oxirgi tenglama

$(\cos y-\sin(\frac{\pi}{4}+x))^{2}+(1-\sin^{2}(\frac{\pi}{4}+x))=0$ yoki

$(\cos y-\sin(\frac{\pi}{4}+x))^{2}+\cos^{2}(\frac{\pi}{4}+x))=0$

Tenglama teng kuchlidir. Hosil qilingan tenglama

$\cos y=\sin(\frac{\pi}{4}+x),\ \cos(\frac{\pi}{4}+x)=0$

Tengliklar o`rinli bo`lgandagina to`g`ri tenglikka aylanadi,boshqacha qilib aytganda u

$$\begin{cases}\cos y=\sin(\frac{\pi}{4}+x)\\ \cos(\frac{\pi}{4}+x)=0\end{cases}$$

Tenglamalar sistemasiga teng kuchlidir.

Sistemaning ikkinchi tenglamasi $x=\frac{\pi}{4}+2m\pi$ va $x=\frac{5\pi}{4}+2\pi n$ $(m,n\in Z)$ ychimlarga ega.Birinchi tenglamadan $y_{1}=2\pi k$, $y=(2P+1)\pi$ larni topamiz.(bu yerda $k,p\in Z$).

Shunday qilib,berilgan tenglama $x_{1}=\frac{\pi}{4}+2m\pi$,y=2k,$(m,k\in Z)$ yechimlarga ega.

5-misol: sin7x+cos2x=-2 tenglamani yechamiz.

Yechish. Barcha $x\in$ R lar uchunn

$\sin 7x\ge -1,\ \cos 2x\ge -1,$

Bo`lgani sababli berilgan tenglama

$$\begin{cases}\sin 7z=-1\\ \cos 2x=-1\end{cases}$$

Sistemaga teng kuchlidir.

Birinchi tenglama $x=-\frac{\pi}{14}+\frac{2\pi\kappa}{7}$,$k\in Z$ yechimlar guruhiga ega.

Har ikki guruhga tegishli X largina sistemaning yechimi bo`la oladi.

Ularni aniqlaymiz:

$$-\frac{\pi}{14}+\frac{2\pi\kappa}{7}=\frac{\pi}{2}+\pi\,\text{n(k,n}\in\text{Z).}$$

Bundan,k=2+3,5n ekanligi topilib,$k\in Z$ ekanini etiborga olsak,n=2p($p\in Z$) bo`lishi kelib chiqadi.

Demak,$x=\frac{\pi}{2}+2\pi p$ ($p\in Z$) sonlargina sistemaning,binobarin,berilgan tenglamaning ham yechimlari bo`ladi.

6-misol: $\log_2^2 x+(x-1)\log_2 x-6+2x=0$ tenglamani yechamiz.

Yechish: Tenglamaning chap tomonini $t=\log_2 x$ ga nisbatan kvadrat uchhad sifatida qarab,odatdagi standart usulda ko`paytiruvchilarga ajratamiz:

$$(\log_2 x+2)(\log_2 x+x-3)=0$$

Bu tenglama $\log_2 x=-2$ va $\log_2 x=3-x$ tenglamalarga ajraladi.Ularning birinchisi $X=\frac{1}{4}$ dan yagona yechim ga ega.$\log_2 x=3-x$ tenglama esa x=2dan iborat yagona yechimga ega.

Haqiqatdan ham,$x\succ 2$ bo`lganda $\log_2 x>\log_2 2=1>3-x$ tengsizlikka,$0>x<2$ bo`lganda esa $\log_2 x<\log_2 2=1<3-x$ tengsizlikka egamiz,$x\le 0$da esa tenglama ma'noga ega emas.

Demak,berilgan tenglama $x=\frac{1}{4}$ va x=2 yechimlarga ega.

BIOLOGIYA DARSLARIDA VIRTUAL LABORATORIYALAR ASOSIDA O`QUV JARAYONI SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Nazarova F. – Toshkent Stomatologiya instituti Buxoro filali
Jo`raqulov T. – Navoiy Davlat Pedagogika Instituti

«Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da»Ta'lim berishning ilqor pedagogik texnologiyalarini, zamonaviy o`quv-uslubiy majmualarni yaratish va o`quv-tarbiya jarayonini didaktik jihatdan ta'minlash vazifasi qo`yilgan». Ushbu vazifani amalga oshirish maqsadida zamonaviy axborottexnologiyalari asosida yangi turdagi o`quv uslubiy majmualarini yaratish bugungi kunning dolzarb masalalaridan bo`lib qolmoqda.

Axborottexnologiyalari asosida umumiy o`rta ta'lim maktablarida tashkil etilib, o`tkaziladigan o`quv jarayonini samaradorligini oshirish uchun yangi turdagi, ya'ni elektron o`quv adabiyotlarni va laboratoriya mashg`ulotlariga doir virtual laboratoriyalar yaratish maqsadga muvofiqdir. Axborottexnologiyalari bazasida umum ta'lim maktab darslarida elektron o`quv qo`llanmalarni yaratish va ularni dars jarayoniga joriy etish quyidagi qator afzalliklar yaratadi:

- o`quv materiallarini elektron ko`rinishda taqdim etish ;
- o`quv materiallariga tegishli o`zgartirishlarni tez va qulay ravishda amalga oshirish;
- mavzuga oid tushuncha va atamalarga tegishli ta'riflarni qulay izlab topish;
- verbal ko`rinishdagi o`quv materiallariga tasvir orqali harakat va ovoz elementlarini kiritish;
- dars jarayonida компьyuter imitacion modelidan foydalanish;
- o`quv jarayonida interfaol usullardan foydalanishni yo`lga qo`yish kabi masalalar kiradi.

Umum ta'lim maktab darsliklari asosida dars berish jarayonida odatda o`qituvchilar og`zaki, ko`rgazmali qurollar va amaliy ishlanmalardan foydalanadilar. Bunday dars o`tish uslubi an'anaviy o`qitish uslubiga tegishli bo`lib, o`tiladigan mavzularning mazmunini o`quvchilarga og`zaki ko`rinishda tushuntiriladi. Shu bois o`quv materiallarini hotirada saqlab qolish foizi ancha past bo`ladi. Bizning maqsadimiz o`quv materiallarini o`quvchilarga tushuntirishda ko`rgazmali ravishda ya'ni obrazlar ko`rinishida tasvirlab dars jarayonini tashkil qilishdan iborat. Bunday uslub ayniqsa laboratoriya mashqulortlarini o`tkazish uchun etarli darajada jihozlanmagan o`quv-laboratoriya honalari bo`lmagan umum ta'lim maktablari sharoitida axborottexnologiyalari asosida virtual laboratoriyalar yaratish orqali laboratoriya mashg`ulotlarini o`tishni tashkillashtirish bir tomondan, uning samaradorligini oshirishga xizmat qilsa, ikkinchi tomondan, o`quvchilarni

laboratoriya mashg`ulotlarida bajarilishi kerak bo`lgan jarayonlarni takror ko`rish va bu laboratoriya mashg`ulotlariga tayyor holda kelishliklariga imkoniyat yaratadi.

Shuning bilan bir qatorda, virtual laboratoriyalarning yaratilishi o`quv jarayonida zamonaviy pedagogik-axborottexnologiyalar asosida laboratoriya ishlarining bajarilishiga keng yo`l ochadi. Bundan tashqari, virtual laboratoriyalarning yaratilishi natijasida laboratoriya sharoitida o`tkazilishi mumkin bo`lmagan (zaharli moddalar, kamyob moddalar) ishlarni bajarib ko`rsatish va ular yordamida o`tkazilayotgan ishlarni ekologik sof muhitda bajarish imkoniyatini beradi. Virtual laboratoriyalardan amalda laboratoriya ishlarini bajarishda foydalanish o`quv materiallarining mazmunini ochib berishga va o`zlashtirish ko`rsatkichini oshirishga olib keladi. Kompьyuterda yaratilgan laboratoriya ishlaridan talabalar o`zlari uchun qulay, kerakli paytda foydalanishi, takror bajarishi, muhokama qilishi kabi imkoniyatlarga ega bo`ladi. Shuningdek, ularda bu laboratoriya ishlari bo`yicha kengroq tushunchaga va bilimga ega bo`lishga imkoniyat yaratiladi. Uning muhim tomonlaridan yana biri - bu virtual laboratoriyalardan foydalanilganda o`quv mashg`ulotlari uchun kerak bo`lgan materiallar tejamkorligi oshadi. O`quv materiallarini tejalishi bilan bir qatorda laboratoriya ishini o`tkazish uchun lozim bo`lgan jihozlar o`rniga ularning kompьyuterdagi imitacion modeli qo`llanilishi ularni ham tejalishiga olib keladi. Chunki kompyuterda virtual laboratoriyalar bilan shuqullangan o`quvchi-talabalar laboratoriya sharoitida ishlatilayotgan (reaktiv va shunga o`xshash) materiallarni isrof qilmasdan kerakli me'yorda ishlatishga tayyor holda kelishadi. Bu esa o`z navbatida o`quvchilarning bilim va malakalarini shakllanishiga olib keladi.

Yuqorida keltirilgan mulohazalarni 7- sinf»Zoologiya»darsligi asosida yaratilgan virtual laboratoriyalar misolida keltiramiz.

Virtual laboratoriyalardan biologiya fanlariga oid laboratoriya darslarida keng foydalanish mumkin. Laboratoriya mashg`ulotlarida virtual laboratorilarni qo`llash mavzu mazmunini ochib berish, tushuntirish, o`quvchi-talabalarga mustaqil ishlash, biologik namunalarni kompьyuter ekranida ko`rsatish, organizmlarning tashqi muhit bilan bo`lgan o`zaro murakkab boqliqligini o`rganish, tirik organizmlar orasida har doim o`zgarib turadigan o`zaro munosabat, turlarning o`sishi va rivojlanishi kabi jarayonlarni namoyish etishga imkoniyat yaratadi. Tirik organizmlarning bu xususiyatlarini (mavjud mumkin bo`lgan usullar ichida) virtual laboratoriya orqali to`la namoyish etish mumkin.

Tirik organizmlardagi fiziologik jarayonlarni ko`rsatish hamda ularning tuzilishi, xulq atvori, tashqi ko`rinishini tavsiflashda virtual laboratoriyalar o`quvchi-talabalarga juda qo`l keladi. Shuning bilan bir qatorda kompyuter ekranida taqdim etish, o`quv materillarini o`zlashtirish darajasini oshirishga olib keladi. Kompьyuter yordamida berilayotgan haqiqiy tasvirni aks ettiruvchi o`quv materiallari ma'lum hajmdagi ma'lumotlarni berish imkoniyatini yaratadi, chunki boshqa o`qitish vositalari orqali bunday lavhalarni to`liq ko`rsatish imkoniyati ancha murakkab hisoblanadi. YUqorida bayon etilgan fikrlardan kelib chiqib»Zoologiya»fanining»Sarkodalilar (sohta oyoqlilar)ga mansub Amyoba proteusning tuzilishi va fiziologiyasi»laboratoriya ishining virtual stendi yaratildi. Bu laboratoriya ishining virtual laboratoriyasi yordamida amyobaning tashqi va ichki tuzilishi, vakuolasining ishi va qisqarishi, harakat xususiyatlari, oziqlanishi, hemotaksis jarayoni, ko`payishi va ularning turli hil vakillari namoyish etiladi. Bunda o`quvchilar ishni amyobaning umumiy ko`rinishini ifodalovchi virtual laboratoriya bilan tanishishdan boshlaydilar. O`quvchilar oddiy amyobaning ko`p sonli psevdopodiyalari, ektoplazma va endoplazmaga bo`lingan citoplazmasi bilan tanishadilar. Virtual laboratoriyada ektoplazma amyobaning tanasini har tomonlama o`rab olgan yupqa gomogenli qalin qatlam bilan qoplanganligi aniq ko`rinadi. Shuning bilan bir qatorda virtual laboratoriya endoplazma donador tuzilishi bilan ajralib turganligini va ko`plab oziqa zarrachalari hamda pufaksimon yadrosi borligini ko`rish mumkin. Fikrda mujassam etilgan mantiqni so`z bilan tushuntirishda uni to`liq ifodalash hamma vaqt ham mumkin bo`lavermaydi. Virtual laboratoriyaning o`ziga hos xususiyatlaridan uning asosida so`z emas, balki ularning tasviriy ko`rinishi yotadi. Virtual laboratoriyada tushunchani shakllantirishda tushuntiriladigan organoidlardan birini ajratib uni o`chib yonadigan yoki yonib turadigan shaklda ifodalanganligi ko`rinadi.

Bu bilan bir tomondan tushuncha ajratib ko`rsatiladi, ikkinchi tomondan virtual laboratoriya yordamida hayvon namunasining tashqi ko`rinishi namoyish etiladi. Bu 1-rasmda ko`rsatilgan.



1-rasm. Amyobaning tuzilishini ko`rsatadigan virtual laboratoriya.

Amoeba limax, Amoeba proteus lar harakatlarining o`ziga hos xususiyatlari to`qrisida tushunchalarni shakllantirish va qisqarish vakuolasining ishi quyidagi imitacion modelda (2-rasm) qayd etiladi. Tasvirda ko`rinib turganidek, Amoeba limax tanasining oldingi qismidan protoplazma markazidan chetki qismiga qarab oqadi va yolg`on oyoqchalar hosil bo`ladi. Bir vaqtning o`zida qarama-qarshi qismlaridan protoplazma teskari tomonga ya'ni tananing markaziga qarab oqadi. Shunday qilib tana amyobaning harakati tomonga tortilayotganday tuyuladi. Amyobaning qisqarish vakuolasi pufaksimon ko`rinishda tasvirlangan bo`lib, u citoplazmada doimiy joy egallamaydi va suyuqlik bilan to`lib borishi natijasida uning o`lchami kattalshadi, ma'lum chegaraga etgandan so`ng yoriladi va uning ichidagi suyuqlik ektoplazma orqali tashqariga chiqariladi. Bu jarayon ham 2-rasmda tasvirlangan.



2-rasm. Amyobaning harakatlanishini namoyish etuvchi virtual laboratoriya.

Amyobaning boshqa hillarida harakati ya'ni odimlab yurishi uchinchi virtual laboratoriyada tasvirlangan. Bu erda talabalar bir hujayrali hayvonlarning o`ziga hos harakatlari to`qrisida tushuncha hosil qiladi, ya'ni amyobalar yolg`on oyoqlar yordamida odimlab yuradi.

Hayvonlarning bunday harakati amyoboid harakat deb nom olgan. Bu 3-rasmda tasvirlangan.



Amyobaning oziqlanishini tushuntirish nuqtai nazaridan u alohida o`rin tutadi. Ma'lumki sodda (ildizoyoqlarda) hayvonlarda oziqlanish usuli ikki hilga bo`linadi:

- fagositoz;
- pinositoz.

Virtual laboratoriyada oziqani qamrash jarayoni va ovqat hazm qilish vakuolasining shakllanishi uzun ipsimon suv o`simligi misolida imitasiya qilib ko`rsatiladi.

Virtual laboratoriyada umumiy ko`rinishdan kattalashtirib ko`rsatilgan amyobaning pinositoz oziqlanish jarayoni ko`rsatiladi, (vaxolanki bu jarayonni oddiy mikroskopda ko`rish mumkin emas) bu esa o`z navbatida ahamiyatga ega bo`lgan narsalarni, yangi tushunchalarni va yangi mulohazalarni taqqoslab ko`rish imkoniyatini hosil qiladi.

Shunday qilib, virtual laboratoriyalar, avvalo boy ilmiy ma'lumotga ega bo`lishi bilan bir qatorda, o`quv jarayonida boshqa qo`llaniladigan dars berish uslublaridan farqli ravishda mavzuning mazmuniga tegishli ayrim nozik tushunchalari to`qrisida o`quvchilar to`liq bilimga va malakalarga ega bo`lishi va yashirin harakterga ega ob'ektlarni o`rganishga imkon yaratadi.

BIOLOGIYA DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Latipova M. – Buxoro tuman 4-umum ta`lim maktabining oliy toifali kimyo-biologiya fani o`qituvchisi,
Avezova M. – BuxDU 3-kurs talabasi

Yangi pedagogik texnologiya ta`limning ma`lum maqsadga yo`naltirgan shakli, usuli va vositalarning mahsulidir. Pedagogik texnologiyalarning asosiy maqsadi esa o`qitish tizimida o`quvchini dars jarayonining markaziga olib chiqish, o`quvchilarni o`quv materiallarini shunchaki yod olishlaridan, aftomatik ravishda takrorlashlardan uzoqlashtirib, mustaqil va ijodiy faoliyatini rivojlantirish, darsnng faol ishtirokchisiga aylantirishdir. Interfaol usullardan dars jarayonida mavzudan kelib chiqqan holda tanlash muhim. Biologiya darslarida quyidagi interfaol usullardan foydalanish mumkin: “Aqliy hujum”, “Klaster”, “BBB”, “O`z o`rningni top”, “Benn diogrammasi”, “Didaktik o`yinlar”, “Ilmiy konferensiya”. Umumlashtirish darslarida “Loto o`yinlari”dan foydalanish o`quvchilar bilimlarini yaxlit o`zlashtirishga yordam beradi. O`quvchi tafakkurini o`stiradi, mustaqil, ijodiy fikrlashga o`rgatadi.

Mavzu: Qushlarning ichki tuzilishi va sezgi orgalari.

Darsning maqsadi aytiladi.

Dars tipi: N o a n a n a v i y.

Darsning shiori: *“Qushlar bizning do`stimiz”*

Tashkiliy qism

O`quvchilarni guruhlarga bo`lish,bunda ular qushlar nomi yozilgan doirachalarni olib belgilangan guruhlarga birlashadilar.

1-guruh: Lochin 2-guruh: Burgut 3-guruh: Qarchag`ay 4-guruh: Qirg`iy 5-guruh: Oqqush

1. O`qituvchining kirish suhbati.

O`tgan darsimizda ko`k kaptarning skeleti va muskullarini o`rgangan edik,hozir sizga o`lkamizda uchraydigan turli xil qushlarni slayd orqali namoyish etmoqchiman.dastlab keling hammamiz o`zimizga yoqqan qushishimizni nomini aytamiz, masalan men bulbulni yaxshi ko`raman uning ovozi menga juda yoqadi(o`quvchilar bilan suhbatlashib slayd namoyish etiladi)

II. Guruhlarga ishlash orqali o`tilgan mavzuni takrorlash.

Har bir guruh savollarga bergan javoblariga qarab, ball qo`yib boriladi.

1. Suvda va quruqlikda yashovchilarning yuragi necha kamerali?
2. Raqamlar nimani ifodalaydi? 5000-10000 ta, 4000, 100ta, 3000ta
3. Ko`krak qafasini hosil qilishda qaysi suyaklar ishtirok etadi?

II guruhga savollar:

1. Sudralib yuruvchilarning o`pkasi baqalarning o`pkasidan qanday farq qiladi?
2. Raqamlar nimani ifodalaydi? 15-20sm, 8ta, 170-2 metr, 10-15 ta
3. Par bilan pat ning farqi?

III guruhga savollar:

1. Timsohning yuragi baqa yuragidan qanday farq qiladi?
2. Raqamlar nimani ifodalaydi? 300kg, 4-5 ta, 7metr, 6,5metr.
3. Qoqish patlarining vazifasi.

IV guruhga savollar:

1. Suvda, quruqlikda yashovchilarning qaysi miyasi balliqlarga nisbatan kuchsiz rivojlangan?
2. Kontur patlar vazifasiga ko`ra nechiga bo`linadi?
3. Katta muskullarning vazifasi?

V guruhga savollar:

1. Sudralib yuruvchilarning yuragi necha kamerali?
2. Toshbaqalar kosasi qanday tuzilgan?
3. O`mrov osti muskullari qisqarganda nima bo`ladi

Yangi mavzu bayoni:

Darsning shiori: ***“Qushlar bizning do`stimiz”***

O`quv filmi namoyish etiladi. O`quvchilar quyidagi rejalar asosida mavzuni mohiyatini ochib beradilar. O`quvchilarning ishtirokiga qarab ruhlantirib boriladi.
Mavzu: Qushlarning ichki tuzilishi va sezgi organlari.
Reja:
I. Hazm qilish sistemasi. 4. Sezgi organlari.
2. Nafas olish sistemasi. 5.Nerv sistemasi.
3. Qon aylanish sistemasi. 6. Shartli-shartsiz reflekslar

1-guruh:
Hazm qilish sistemasi.Qushlar oziqni tumshig`I bilan cho`qillaydi. Tumshug`ining tuzilishi oziqlanish usuli va oziq xiliga bog`liq. Tishlari bo`lmaganligi uchun qushlar oziqni butunligicha yutadi. Birmuncha yirikroq oziqni tumshug`I bilan cho`qillab, uzib yutadi. Donxo`r qushlarda qizil o`ngachning keyingi qismi kengayib zahira oziq saqlanadigan organ jig`ildonga aylangan. Qushlarning oshqozoni ikki bo`limdan iborat. Oldingi bezli bo`limidan ajralib chiqayotgan oshqozon shirasi ta`sirida oziq yumshaydi. Oshqozonning muskulli bo`limida oziq maydalanadi. Qushlar yutadigan mayday toshlar oziqni maydalashga yordam beradi. Qushlar tanasida haroratning doimiy bo`lishi va ularning uchishi juda katta energiya talab qiladi. Shuning uchun qushlar tez-tez oziqlanib turadi, hayotining ko`p qismini oziq izlash bilan o`tkazadi. Oziq ularning ichagida tez hazm bo`ladi. Qushlar ichagi kloakaga ochiladi. Kloakaga jinsiy organlarning chiqarish yo`li va siydik yo`li ham ochiladi.

2-guruh:
Nafas olish sistemasi. Qushlar ancha murakkab tuzilgan o`pka bilan nafas oladi. nafas olishda havo pufaklari ham ishtirok etadi. Pufaklar ichki organlar orasida joylashgan va o`pka bilan bog`langan. Qushla yerda ko`krak qafasining kengayib-torayishi tufayli nafas oladi. Uchayotganda qush qanotlarining ko`tarilib- tushirilishi bilan pufaklar ham kengayib torayadi. Uchayotgan qush o`pkasida gaz almashinuvi ikki marta havo o`pkaga kirganida va pufaklardan chiqayotgan havo o`pka orqali o`tganda sodir bo`ladi. Qush qancha ko`p marta qanot qoqsa, o`pka orqali havo aylanishi shuncha tez boradi. Shuning uchun uchayotgan qushning nafasi bo`g`ilmasdan aksincha tezlashadi. Kaptar tinch turganda bir minutda26 marta va uchganda esa 400marta nafas oladi.

3-guruh:
Qon aylanish sistemasi. Ikkita qon aylanish doirasidan iborat. Yuragi to`rt kamerali: Ikkita yurak bo`lmasi va ikkita qorinchadan iborat. Shuning uchun arteriya va vena qoni batamom ajralgan bo`lib, yurakdan tanaga kislorodga boy arteriya qoni keladi. Qushlar yuragining ishlashi uning harakatiga bog`liq. Tinch turganda 165 marta, uchganda 550 marta qisqaradi. Moddalar almashinuvi jarayoni juda tez kechganidan ularning tana harorati 42^{o}C ayrim qushlarda hatto 44,5 ^{o}C ni tashkil etadi.

4-guruh: Sezgi organlari. Ko`zi yaxshi rivojlangan odamdan yuz marta o`tkirroq. Rangni yaxshi ajrata olishi, yaxshi eshitishi. Lekin hidni yaxshi ajrata olmaydi. Nerv sistemasi. Bosh miya yirik va murakkb tuzilganligi. Ularning xilma-xil harakati. Oldingi yarimsharlarning kuchli rivijlanganligi. Miyacha po`stlog`ida burmalar ko`pligi xatti-harakatga bog`liq.

5-guruh: Qushlar hayotida turli xil reflekslar hosil qilishi. Masalan tuxumdan chiqqan jo`jalar ko`zga ko`ringan hamma narsani cho`qiy boshlaydi. Keyinchalik ular yeb bo`ladigan va yeb bo`lmaydigan narsalarni farqlay boshlaydi. Keyin ular o`z egasini taniy boshlaydi. Uning ovoziga e`tibor bera boshlaydi. Qushlarning havoda chamalab yo`l toppish xususiyaati ham yaxshi rivojlangan. Qushlar turli xil tovushlar orqali aloqa qiladi. Ular sayrash, notinchlik, qo`rqinch kabi holatlarni tovush orqali ifodalaydi. Qarg`a, to`ti, mayna ayrim so`zlarni takrorlashi mumkin.

Mustahkamlash:
Har bir guruh Klaster usulida tasvirlab berishi aytiladi.
1-guruh: Ovqat hazm qilish sistemasi. **2-guruh:** Nafas olish sistemasi
3-guruh: Qon aylanish sistemasi. **4-guruh:** Nerv sistemasi.
5-guruh: Reflekslar
Doskada yozilgan quyidagi raqamlar nimani bildiradi: 26, 400, 165, 550, 42^{0}C, 44,5^{0}C,
Tezkor savol-javob:

- Qushlarning tumshug`I nimaga bog`liq? (Oziqlanish usuliga)
- Nima uchun qushlar oziqni butunligicha yutadi?(Tishi bo`lmaganligi uchun)
- Zahira oziq saqlanadigan organ? (Jig`ildon)
- Oziqni maydalashga nima yordam beradi?(mayda toshlar)
- Qushlar hayotining ko`p qismini nimaga sarflaydi(Oziq topishga)
- Qushlar ichagi qayerga ochiladi? (Kloakaga)
- Qushlarga nafas olishda o`pkadan tashqari nima yordam beradi? (havo pufaklari)
- Kaptar bir minutda tinch holatda necha marta nafas oladi? (26 marta)
- Uchganda-chi?(400marta)
- Havo pufaklariga kiradigan havo nafas olish bilan birga nimaga yordam beradi(Tanani sovutadi)
- Qushlarning yuragi necha kamerali?(4kamerali)
- Tanada qanday qon oqadi? (Arteriya)
- Yuragi tinch turganda necha marta uradi? (165)
- Uchgandachi?(550marta)
- Qushlar nimani yaxshi ajrata olmaydi?(Hidni)
- Qushlarning miyasining qaysi qismida burmalar soni ko`p?(Miyachada)
- Urchish, uya qurish, tuxum bosish, bola boqish nima hisoblanadi? (Tug`ma instinkt)
- Shartli reflekslar qachon hosil bo`ladi?(Hayoti davomida)

Xulosa: G`olib guruh aniqlanadi.

1-guruh: Qushlar tumshug`I va hazm qilish organlarining tuzilishi oziqlanish tarziga bog`liq. Qushlar oshqozoni oldingi-bezli va keying-muskulli bo`lmalardan iborat. Ichagi kloakaga ocholadi.

2-guruh: Nafas olishda o`pka bilan birga havo pufaklari ham ishtirok etadi. Uchayotgan qush bir marta olingan havodan ikki marta nafas oladi. Qushlarning yuragi to`rt kamerali. Arteriya va vena qoni ajralgan. Yurakdan organlarga arteriya qoni oqadi.

3-guruh: Bosh miya yarimsharlari yirik. Qushlarning reflekslari xima-xil bo`lib, shartli reflekslar tezda hosil bo`ladi. Ular har-xil tovushlar orqali aloqa qiladi.

Uyga vazifa:139-142 betlarni o`qish, savollarga javob berish, 84,85 – rasmlar.

KIMYOVIY REAKSIYA TURLARI MAVZUSINI “KICHIK GURUHLARDA ISHLASH» USULIDA O`TISH BO`YICHA TAVSIYALAR

Ergashov M.Y., BuxDU dotsenti, Naimova G.N., BuxDU magistranti

Umumta’lim maktablarida kimyo fanidan nazariy darslar, amaliy mashg`ulotlar va laboratoriya ishlari puxta rejalashtirilgan holda tashkil etilishi va olib borilishida zamonaviy pedagogik texnologiyalarning ahamiyati katta.

-Sizga ma’lumki,o`qituvchi avvalo dars o`tish mobaynida vaqtni tejashi, qisqa vaqt ichida o`quvchilarga ko`proq bilim berish zarur. Buning uchun esa texnik vositalardan foydalanish ayni muddaodir. Bu vositalardan o`z o`rnida foydalana olish esa o`qituvchining pedagogik mahoratiga bog`liq bo`ladi.

An’anaviy texnologiyada o`quvchi o`qituvchi aytgan ma’ruza va darslik bilan cheklangan bo`lsa, yangi pedagogik texnologiyadan foydalanilganda o`quvchi darslik bilan darsga tayyorgarlik davrida shug`ullanadi. Darsda har bir o`quvchi mavzu bo`yicha bilimlarini boyitadi, mustahkamlaydi, nazorat qiladi. O`zlashtira olmaydigan qismlarini o`rganadi.

Masalan, siz»**Kimyoviy reaksiya turlari**»mavzusini yangi pedagogik texnologiya asosida o`qitmoqchisiz. Bu mavzuni o`tish uchun sizga kodoskop, kompyuter kabi texnik jihozlar kerak bo`ladi. Bunda darsning maqsadi quyidagicha bo`ladi:

Darsning ta'limiy maqsadi: a) O`quvchilarni kimyoviy reaksiya turlari,ekzotermik va endotermik reaksiyalar bilan tanishtirish.

b) O`quvchilarda mavzu bo`yicha yangi bilim, ko`nikma va malakalarni hosil qilish.

Darsning tarbiyaviy maqsadi: Tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va ekologik ta’lim tarbiya berish.

Darsning rivojlantiruvchi maqsadi: O`quvchilarning bilimlarini zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida boyitish, mustaqil fikrlashga undash, mustaqil ishlashga o`rgatish, nutq va madaniyatini rivojlantirish.

Dars turi: Nazariy mashg`ulot.

Dars tipi: Ma'ruza, amaliyot va suhbat asosida interfaol usullardan foydalanib yangi bilimlarni o`rganish.

**Kutilayotgan natija:a) O`qituvchidan:** yangi texnologik usullarni qo`llash; mavzu bo`yicha maqsadni tushuntirish; o`quvchilarda qiziqish uyg`otish; o`quvchilar bilimini shakllantirish.

**b) O`quvchilardan:**kimyoviy reaksiya turlari, ekzotermik va endotermik reaksiya turlarini tushunish,misollar keltirish,mavzuga taalluqli barcha ma`lumotlarni qiziqish bilan qabul qilish.

1.Darsning tashkiliy qismida davomat aniqlanadi va tozalikni tekshirish ishlari amalga oshiriladi.
Fanga oid yangiliklar (Internet xabarlari) va kun yangiliklari aytib o`tiladi.

2. Asosiy qismdao`tilgan mavzuni mustahkamlanadi.

«KICHIK GURUHLARDA ISHLASH»usuli:

Kichik guruhlarda ishlash - o`qituvchi tomonidan berilgan ma'lum bir topshiriqni hamkorlikda bajarish uchun o`quvchilarni kichik guruhlarga ajratib, berilgan topshiriqning yechish yo`llarini ishlab chiqishni taqozo etuvchi usuldir.

«Kichik guruhlarda ishlash»usuli orqali sinfdagi o`quvchilar to`rtta guruhga bo`linadi. Har bir guruhga o`tilgan»Avogadro qonuni. Molyar hajm»mavzusi to`rtta qismga ajratilgan holda savol qilib beriladi. Har bir guruh savollar bilan tanishgach, qisqa fursat ichida o`zaro kelishib o`z guruhining taqdimotini o`tkazib berishlari lozim bo`ladi.

Uyga berilgan vazifa bo`yicha savol-javob o`tkaziladi. **(Aqliy hujum).**

O`quvchilar bilimi javoblariga qarab baholanib boriladi

Yangi mavzu quyidagi reja asosida bayon qilinadi.

Reja:

1.Birikish reaksiyalari.
2. Parchalanish reaksiyalari.
3.O`rin olish reaksiyalari.
4.Almashinish reaksiyalari.
5.Ekzotermik reaksiyalar
6. Endotermik reaksiyalar.

«Kichik guruhlarda ishlash»usulini qo`llash bosqichlari:

1. Kichik guruhlar belgilanadi. O`quvchilar guruhlarga 3-7 kishidan bo`linishlari mumkin.O`quvchilar sonini ko`paytirish guruhda ishlash jarayonini qiyinlashtiradi.Modulli o`qitishda ular topshiriqlarga oldindan tayyorlanib, bir guruh boshqa guruhga tushuntiradi.
2. O`qituvchi tomonidan aniq ko`rsatmalar beriladi va o`qituvchi tomonidan yo`naltirib turiladi
3. Kichik guruhlar topshiriqni bajarishga kirishadilar.
4. Kichik guruhlar taqdimot qiladilar.
5. Bajarilgan topshiriqlar muhokama, tahlil qilinadi va baholanadi.

4 guruhga bo`lingan sinf o`quvchilari kimyoviy reaksiyalari turlari**(**birikish, parchalanish.o`rin olish,almashinish reaksiyalari va ularga misollar)
bo`yicha topshiriq beriladi.

**O`qituvchi:**guruhlarning tushunchalarini umumlashtiradi.Mavzuni tushuntirib o`tadi.

Kimyoviy reaksiyalarda ajralib chiqadigan energiya kimyoviy energiya deyiladi. Kimyoviy energiyani issiqlik, nur, mexanik, elektr energiyasiga aylantirish mumkin. Kimyoviy energiya issiqlik energiyasiga va aksincha issiqlik energiyasi kimyoviy energiyaga aylanadi.

Kimyoviy reaksiyada ajraladigan yoki yutiladigan energiya miqdori reaksiyaning issiqlik effekti(Q) deb ataladi. Reaksiyaning issiqlik effekti hosil bo`layotgan va uzilayotgan bog`lar energiyasi farqi bilan aniqlanadi va kilojoullarda (kJ) ifodalanadi.

Issiqlik (energiya) chiqishi bilan boradigan reaksiyalar ekzotermik (ekzo-tashqari) reaksiyalar deyiladi. $Fe+ S \rightarrow FeS+96$ kJ$S+O_2 \rightarrow SO_2+297$kJ

Issiqlik (energiya) yutilishi bilan boradigan reaksiyalar endotermik (endo-ichkari) reaksiyalar deb ataladi.$N_2 + O_2 \rightarrow 2NO$—181 kJ$3O_2 \rightarrow 2O_3$—289 kJ

Darsda o`tilgan **mavzuni mustahkamlash** uchun interfaol usullardan foydalanish qulay.Mavzu tushuntirilgach kimyoviy diktant va tezkor test sinovi o`tkaziladi.Kimyoviy diktant namunasi:

1.Kimyoviy reaksiyalarda ajralib chiqadigan energiya …..deyiladi.
2.Issiqlik (energiya) chiqishi bilan boradigan reaksiyalar ….. deyiladi.
3.Issiqlik (energiya) yutilishi bilan boradigan reaksiyalar …..deb ataladi.
4.Kimyoviy reaksiyada ajraladigan yoki yutiladigan energiya miqdori reaksiyaning ….. deb ataladi.
5.Murakkab moddalarning tarkibiy almashish hisobiga boradigan reaksiya….. deyiladi.
6.Bitta oddiy moddaning murakkab moddadagi biror element atomining o`rin olishiga …..reaksiyasi deyiladi.
7.Bitta moddaning parchalanib bir necha modda hosil qilish jarayoni…deyiladi.

Tezkor test namunasi:

1. A+B→C qaysi reaksiyaning umumiy formulasi hisoblanadi?
   A)Birikish B)Parchalanish C)O`rin olish D)Almashinish
2. A→ B+C…. qaysi reaksiyaning umumiy formulasi hisoblanadi?
   A)Birikish B)Parchalanish C)O`rin olish D)Almashinish
3. A+BC→AC+B qaysi reaksiyaning umumiy formulasi hisoblanadi?
   A)Birikish B)Parchalanish C)O`rin olish D)Almashinish
4. AB+CD→AD+ CB qaysi reaksiyaning umumiy formulasi hisoblanadi?
   A)Birikish B)Parchalanish C)O`rin olish D)Almashinish
5. $N_2 + O_2 \rightarrow 2NO$—181 kJ kimyoviy reaksiyaning qaysi turiga kiradi?
   A)O`rin olish B)Almashinish C)Ekzotermik D)Endotermik
6. Fe+ S→ FeS+96 kJ kimyoviy reaksiyaning qaysi turiga kiradi?
   A)O`rin olish B)Almashinish C)Ekzotermik D)Endotermik
7. $4KClO_3 \rightarrow 3KClO_4$+ KCl kimyoviy reaksiyaning qaysi turiga kiradi?
   A)O`rin olish B)Almashinish C) Birikish D)Parchalanish
8. $S+O_2 \rightarrow SO_2$kimyoviy reaksiyaning qaysi turiga kiradi?
   A)O`rin olish B)Almashinish C) Birikish D)Parchalanish
9. $Zn+ 2HCl \rightarrow ZnCl_2+H_2$ kimyoviy reaksiyaning qaysi turiga kiradi?
   A)O`rin olish B)Almashinish C) Birikish D)Parchalanish
10. $Ba(OH)_2+Na_2SO_4 \rightarrow BaSO_4+2NaOH$ kimyoviy reaksiyaning qaysi turiga kiradi?
   A)O`rin olish B)Almashinish C) Birikish D)Parchalanish

Testraqami	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
o`g`ri javob	A	B	C	D	D	C	D	C	A	B

O`quvchilar o`z-o`zini tekshiradi.

Yakuniyqismdao`quvchila tomonidan bajarilgan ishlar o`qituvchi tomonidan umumlashtirilib, faol o`quvchilar rag`batlantiriladi. Yangi mavzu yuzasidan o`quvchilarning fikr-mulohazalari umumlashtirilib xulosa chiqariladi.

Kichik guruh bilan ishlaganda dars davomida o`quvchilar faol bo`ladilar va berilgan topshiriqlarni bajarishga mas'ulyat bilan qaraydilar. O`quvchilar jamoa bo`lib, fikr-mulohazalarni muhokama qiladilar, savollar beradilar. Guruh bilan ishlashda o`quvchilar o`zlarni erkin tutadilar. Bu esa o`quvchilarning mustaqil fikrlash ko`nikmalarni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega.

O`QUVCHILARDA TABIATNI ASRASH HAMDA QO`RIQXONALAR BILAN TANISHTIRISHDA AXBOROT VOSITALARINING AMALIY AHAMIYATI.

Rabbimova F. – JDPI Biologiya va uni o`qitish metodikasi kafedrasining katta o`qituvchisi,
Ravshanova A. – JDPI talabasi; Norqulov S. – JDPI magistri.

O`zbekiston Respublikasining "Axborotlashtirish to`g`risida»gi qonuni, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to`g`risida»2002-yil 30-maydagi PF-3080-sonli farmoniga muvofiq O`zbekiston vazirliklari va idoralari, jamoat birlashmalari tomonidan ta'lim va

yoshlarni ma’naviy-axloqiy tarbiyalash sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari hamda xizmatlarini rivojlantirish borasida aniq maqsadga yo`naltirilgan ishlar olib borilmoqda. Oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan mamlakatning barcha oliy ta’lim muassasalarini yagona axborot tizimiga birlashtirgan korporativ kompyuter tarmog`i tashkil etilib, rivojlantirilmoqda. Shu munosabat bilan barcha ta’lim muassasalarida interfaol usullarini o`quv jarayonida qo`llash ta’lim tizimida keng tarqalib bormoqda. Bu o`z navbatida o`quv jarayonini liberizatsiya qilish, demokratlashtirish, hamkorlik, hamijodkorlikda tashkil etishni taqazo etada va bundan maqsad esa o`quv jarayoni markazida o`quvchi bo`lmog`i lozim va o`quv jarayoni unga qaratilgan, yo`naltirilgan bo`lishi talab etilmoqda. Shaxsga qaratilgan ta’lim o`quvchining o`quv mehnatini tashkil etishni harakatlantiruvchi, qiziqish, xohish-istaklarini ro`yobga chiqaruvchi kuch bo`lib xizmat qiladi. Bunday ta’lim o`qituvchi va o`quvchiga doimiy ijodiy izlanish, uzluksiz o`z ustida ishlash imkoniyatini beradi. Bu holatning ijobiy kechishi ta’limda sifat va samaradorlikning kafolatidir.

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Maktab ta’limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi»ni ta’lim jarayonida tadbiq etish bilan, ta’limda sifat va samaradorlikka erishish va shu orqali modernizatsiya qilingan ta’lim standartlari to`liq bajarilishini ta’min etish davri boshlanadi. Shu bilan birga o`quv mashg`ulotlarini yangi zamon talabi asosida o`tkazish o`qituvchilardan talab qilinadi. Shu sababli, zerikarli darslar o`rniga yangipedagogik texnologiyalarga asoslangandarslarni tashkil etishga ma’suliyat bilan yondashadigan, kasbiy bilimdon, metodik mahoratga ega, zamonaviy, interfaol pedagogik texnologiyani mukammal o`zlashtirib olgan, innovatsiyalar asosida ta’limni tashkil eta oladigan o`qituvchilarga talab oshib bormoqda.

O`zbekiston Respublikasi “Tabiatni muhofaza qilish to`g`risida”gi Qonun (1992) ning 4-moddasida barcha turdagi ta’lim muassasalarida ekologiya o`quvining majburiyligi ta’kidlanadi. Hozirgi davrda O`zbekiston har bir fuqarosining, ayniqsa yosh avlodning ekologiya sohasida bilimdon, e’tiborli, ma’suliyatli bo`lishini taqozo qiladi. Sababi ekologik muammolarning eng avjiga chiqqan bir davrida madaniy, ma’naviy salohiyatga ega bo`lgan har bir O`zbekiston fuqarosining mamlakatdagi ekologik muammolariga chetdan tomoshabin bo`lib turishi aslo mumkin emas, zero tabiatni asrashimiz va uni muhofaza qilishmiz, biologik xilma-xillikni saqlash maqsadida qo`riqxona, buyurtmaxona, milliy bog`larni barpo etish asosiy vazifalarimizdan biriga aylanishi lozim. Buning uchun kelajak va bugungi avlodimizning salomatligini saqlash maqsadida, birgalikda ekologiya sohasini rivojantirishimiz, ekologik madaniyatni shakllantirishimiz, ekologik ta’lim-tarbiyani chuqurlashtirishimiz va o`rni kelganda rivojlantirishimiz lozim. Shu bilan birga axloqli bo`lish, bilim olishga chanqoqlik hissiyoti bilan Ona tabiat go`zalligini ya’ni suv havzalari, atmosfera havosi, o`simlik hamda hayvonot dunyosini, umuman olganda tabiatimizni asrash va muhofaza qilishga erishish asosiy maqsadlarimizdan biri bo`lib turibdi. O`quvchilarda tabiatni asrash va qo`riqxonalarni tanishtirishda axborot vositalarining amaliy ahamiyati shundaki, u orqali hozirgi vaqtda insonning salbiy faoliyati oqibatida tabiiy muhitda kechayotgan zararli jarayonlarning hamda ekologik noqulayliklarning inson salomatligiga, uning turmush tarziga ta’sirini va oqibatda kelib chiqayotgan kasalliklarning oldini olishga hamda ekologik noqulayliklarni kelib chiqishining bartaraf etilishi ayni haqiqatdir. Agar inson yoshlikdan tarbiyalanmasa, kerakli bo`lgan ta’limni olmasa, uning dunyoviy muammolarga, ayniqsa ekologik global miqyosdagi masalalarga nisbatan dunyoqarashlarini shakllantirish juda qiyin bo`ladi. Yuqoridagi barcha maqsadlarga erishishimiz uchun biz avvalo tabiat, tabiatni asrash va biologik xilma-xillikni saqlash maqsadida yaratilgan qo`riqxona, buyurtmaxona, milliy bog`lar haqida barcha nazariy va amaliy bilimlarga ega bo`lishimiz darkor. Bunday bilimni berish esa o`qituvchining pedagogik mahoratiga bog`liq. Har qanday ta’lim o`quvchi shaxsiga, uning qiziqish xohish-istagiga, ehtiyojiga qaratilmog`i kerak, shundan kelib chiqib axborot asrida ta’limni individuallashtirishda axborot vositalarining amaliy ahamiyatiga qaratilmog`i talab etiladi.

O`quvchilarda tabiatniasrash hamda qo`riqxonalarni tanishtirishda axborot vositalarining ahamiyati sifati va samaradorligi o`qituvchining o`quv mazmunini o`zlashtirishga yo`naltirilgan

mustaqil mutolaa bilan samarali shug`ullanishi, qobiliyati, iqtidori, mustaqil fikr yuritishi va tafakkur faoliyati bilan bog`liq.

Tabiatni asrash va qo`riqxonalarni tanishtirishda axborot vositalari bilan ishlashdan maqsad:

- tabiatda bo`ladigan o`zgarishlarni oldindan bilishga erishish bo`lib, bu - eng oliy maqsadlardan biridir;

- har bir o`quvchi o`quv jarayonida faol ishtirok etib, o`quv-biluv jarayoniga shaxsiy hissa qo`shishi hisobga olinadi;

- ta'lim jarayonini tashkil etishda o`qituvchining uslubiy yondashuvi, tezkorligi, o`quvchining shaxsiy xususiyatlari hisobga olinadi;

- o`quv metodik, psixologik, pedagogik tashkiliy boshqaruv ishlarini olib borishda o`quvchi shaxsi o`quv- biluv markazida bo`ladi;

- tevarak-atrofidagi tabiat voqealaridan, qolaversa dunyodagi tabiat yangiliklaridan xabardor bo`lish;

- qo`riqxonalar (Nurota, Zomin, Chotqol, Hisor, Qizilqum,) dagi hayvonlar va o`simliklarning son va sifat jihatidan kuzatib borish;

- qo`riqxona (Nurota, Zomin, Chotqol, Hisor, Qizilqum ) muhofazasini kuzatishga erishish, undagi kamchilik va o`zgarishlarni bilish va boshqalar. Tabiatni asrash va qo`riqxonalarni tanishtirishda axborot vositalari (radiotelekommunikatsiyalar, gazeta va jurnallar, mamlakatimiz Veb-saytlari, Internet global tarmoqlari, Elektron OAV milliy assotsatsiyasi, Axborot agentliklari va boshqalar) o`quvchilarda quyidagi xususiyatlarni rivojlantirish va shakllantirishini ko`rsatish mumkin:

- o`quvchini darsliklar bilan ishlash, o`qish, o`rganish, konspekt yozish, qo`shimcha adabiyot, ma'lumotlardan foydalanib mustaqil o`zlashtirish ko`nikmalarini egallashga o`rgatiladi, tabiat va qo`riqxonalar haqida qiziqqan savollariga javob izlaydi;

- sinfdagi barcha o`quvchilarning o`z qobiliyatlari darajasida albatta o`zlashtirishlari kafolatlanadi. Bunda o`quvchining o`zlashtirib olgan bilimlarini hayotda, amaliy faoliyatda foydalana olish ko`nikma va malakalari bilan belgilanadi.

-barcha o`qituvchilar o`quvchilarga kompyuter kommunikatsiyalari asosida ishlashni o`rgatib, uni o`z o`quv-biluv faoliyatlariga olib kira olsalar, barcha o`quvchilar bir xil natijalariga erisha oladilar. O`quvchilarda tabiatni asrash va qo`riqxonalar bilan tanishtirishda axborot vositalari asosida dars jarayoni tashkil etilganda:

- o`quvchining o`zaro faolligi oshadi, hamkor, ijodkorlikda ishlash ko`nikmalari shakllanadi.

-o`quv reja, dastur, darslik, standart me'yor, qo`llanmalar, mavzu mazmuni bilan ishlash malakalari shakllanadi. Atrofdan qo`shimcha ma'lumotlar olishga kirishadi.

-ta'lim mazmunini, matnini mustaqil mutoala qilish, ishlash, o`zlashtirish kundalik shaxsiy ishlariga aylanadi. Tabiatga bo`lgan dunyoqarashi o`zgara boshlaydi, unga boshqacha ko`z bilan qaraydi.

- O`quvchi erkin fikr bildirish, o`z fikrini himoya qilish, isbotlay olish, tasdiqlay olishga odatlanadi. Tabiatdagi o`zgarishlarga befarq qarab turmaydi.

-eng muhimi o`quv jarayonida didaktik motivlar vujudga keladi. Ya'ni o`quvchining ehtiyoj, xohish, istagi qondiriladi.Bu holat o`quvchining o`quv maqsadlariga erishish yuqori bosqichga ko`taradi. Ayniqsa, hozirgi tezkor axborot manbalaridan unumli foydalana bilishni asosiy va bosh maqsad qilib olishga o`rganmog`i kerak.

Yuqorigilardan xulosa qilib aytadigan bo`lsak, axborot texnologiyasi kompyuter yordamida darslarni dasturlangan, loyihalangan xollarda amalga oshirish qulay vaziyat yaratadi. Ular esa quyidagilardan iborat:

- Zarur bilimlarni mustaqil egallashni, ularni turli muammolarni yechishda amalda mahorat bilan qo`llashni;

- axborotlar bilan savodli ishlashni (ma'lum masalani tadqiq qilish uchun zarur faktlarni yig`ishni) bilish, ularni taxlil qilish, muammolarni yechish gipotezalarni taklif qilish, zarur

umumlashmalar qilish, qonuniyatlarni aniqlash, yangi muammolarni yechish va aniqlash;

- olingan bilim qayerda va qanday qo`llanishi mumkinligini (qo`llash soxasini aniqlash)o`rgatadi.

FIZIKA FANINI O`QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO`LLASH IMKONIYATLARI (MACROMEDIA FLASH DASTURI MISOLIDA)

Jo`raqulov T., Jo`raboyev A. – Navoiy Davlat pedagogika instituti

Hozirgi kunda asosiy muammolardan biri animatsion obyektlar yordamida dinamik ko`rgazmali qurollar yaratish. Macromedia ishlab chiqaruvchisining Flash seriyali mahsulotlari bunday muammolarni yechishda juda qulay va keng imkoniyatlar yaratadi.

Flash texnologiyasiga - ShockWave Flash (SWF) formatli vektorli grafikdan foydalanishga asoslangan texnologiyadir. Bu format eng samarali grafik formatlardan bo`lmasada, SWF formati foydalanuvchilarga grafik imkoniyatlari cheklanmagan grafiklar bilan ishlovchi vositalar va natijani Web- brouzerlarda, kerakli muxarrirlarda foydalanish imkoniyatilari mavjud. Flash texnologiyasining imkoniyatlardan yana biri - bu uning moslashuvchanligidir, ya'ni bu format barcha platformalarda (MacOS tizimli Macintosh kompyuterlari yoki Windows tizimli kompyuterlarida) ishlatilishi mumkin. Yana bir qulay imkoniyati uning yordamida yaratilgan tasvirlar nafaqat animatsiyali bo`lishi, balki interfaol elementlar va tovush bilan boyitilishi hamda dasturlash orqali boshqarilishi mumkin.

Flash texnologiyasining mosalashuvchanlik va interfaol multimediya dasturlar yaratish imkoniyati ko`pchilik Web-dizaynerlar o`rtasidagi bahslarga sabab bo`lib, uni mashhurligini oshishiga imkoniyat berdi. Shuning uchun bu texnologiyaning yaratilishi bilan bir vaqtda Macromedia kompaniyasi tomonidan ikki asosiy web-brouzerlari, Internet Explorer va Netscape Communicatorlar uchun elementlar Plug-In yaratildi. Bu esa, o`z navbatida Flash texnologiyasini Internetda yana ham keng tarqalishiga olib keldi. Natijada ushbu web-brouzerlar yaratuvchilari swf formatini o`z dasturlarini asosiy formatlar bazasiga qabul qildi. Bunday usulni boshqa yirik dasturiy ta'minot yaratuvchilar (masalan, Adobe firmasi) ham qo`llay boshladi. Macromedia kompaniyasi swf formatini juda oddiy va qulay uskunalar bilan ta'minlaganligi bu formatdan ko`p muxlislarning foydalanishiga olib keldi. Shuni aytish kerakki, hozirgi vaqtda ushbu uskunalarni bir qancha to`liq to`plamlari ham mavjud. Flash dasturining yanam bir imkoniyati bu ta`lim jarayonida ham foydalanish mumkin. Jumladan fizika darslarida qo`llansa, o`quvchilarning fanga bo`lgan qiziqishini oshiradi. Fizika fanini o`qitishda Flash texnologiyalarini qo`llashga doir misollar keltirib o`tamiz:

**- Og`irlik kuchi.** Og`irlik kuchi quyidagi formula bilan hisoblanadi:

$$P = mg \quad \text{yoki} \quad m = \frac{P}{g}$$



- Tortilish kuchi. Ikkita jismlarning bir-biriga tortilish kuchi ular orasidagi masofaga bog`liq bo`lib, quyidagi formulalar bilan aniqlanadi:

$$F = \gamma \frac{m_1 m_2}{r^2}$$



Demak, Flash dasturidan foydalanib fizika darslari tashkil etilsa o`quvchiga amaliy ishlab (ko`z oldiga keltirib) masalaning yechimini topishga yordam beradi. Ma'lumki, ko`z bilan ko`rish eshitishdan ko`ra o`quvchi xotirasida yaxshi saqlanadi. Shuningdek, Flash dasturining multimediasi orqali bir marta ko`rsatilib, o`tilgan taqdimot va slaydlarni qayta ko`rib chiqish mumkin. Bu esa matnli masalalarning yechish jarayonini va shunga o`xshash tushunchalarning ta'riflanish holatini takroran ko`rish imkoniyatini beradi. O`quvchilarga multimedia vositalari asosida amaliy mashqlar bajarishga shart-sharoit yaratish o`quv materiallarini o`zlashtirish darajasini oshirishga olib keladi.

MATEMATIKANING AYRIM MASALALARINI YECHISHDA MICROSOFT EXCEL DASTURINING IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI

Xayriyev F.– BVXTXQT va MOI "Tabiiy va aniq fanlar" kafedrasi o`qituvchisi
Jo`raqulova S. – BuxDU qoshidagi 4-son akademik litseyi "Aniq fanlar" kafedrasi o`qituvchisi

Barchamizga ma'lumki, ta'limda olib borilayotgan ishlarning samarasi bir qancha omillarga: darslarni to`g`ri tashkil eta olish, dars jarayonida axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan to`g`ri va unumli foydalana olishga bog`liq. Bu borada hali ko`pgina muammolar haligacha o`z yechimini topmagan. Bunday muammolarni darslarda axborot-kommunikasiya vositalarini qo`llash yuzasidan ko`pgina o`qituvchilarda hali ham ko`nikmalarning shakllanmaganligida, ba`zi holatlarda esa, to`g`ri foydalana olmaganligida, o`quvchilarning ana shunday darslarga yetarlicha tayyor emasligi, bunday darslarni bir qator muammolarning yechimi (o`quvchilarni ijodiy fikrlash, mustaqil fikrlashi, ularning faolligini oshirish masalalari) sifatida ko`ra olmasliklarini aytib o`tishimiz mumkin.

Darslarda elektron darsliklardan foydalanish dars samarasini oshirishi hozirgi kunda hech kimga sir emas. Shunday ekan o`rta maxsus ta`limda bo`ladimi, yoki oliy ta`limda bo`ladimi bunday elektron darsliklardan foydalanishni kanda qilmasligimiz kerak. Ayniqsa o`rta maxsus ta`limning matematika darslarini elektron darsliksiz yoki EHM qurilmasisiz tasavvur qilish qiyin.

Microsoft Excel elektron jadval protsessori bilan deyarli hammamiz tanishmiz. Ushbu maqolada mazkur dasturdan foydalanib, matematika darslarini samaradorligini oshirishning bazi bir yo`l yo`riqlari ko`rsatilgan.

Maktabning 8 – sinf matematika darsligida keltirilgan ikki noma`lumli chiziqli tenglamalar sistemasi mavzusi o`qituvchi tomonidan tushuntirilganidan so`ng quyida MS Excel dasturida yaratilgan namuna orqali o`quvchi bilimini tekshirib ko`rish o`quvchi uchun ham, o`qituvchi uchun ham tez, qulay va oson bo`lardi:

MS Excel dasturi oynasining A1 katakchasiga x= va A2 katakchasiga y= yozuvlarini kiritib, B1 va B2 katakchasiga o`quvchining chiziqli tenglamalar sistemasini yechib topgan x va y yechimlarini kiritamiz.



So`ngra ixtiyoriy masalan A4 katakchaga tenglamalar sistemasining koeffitsiyentlarini kiritib, sistemani tuzib olamiz. F4 katakchasiga =A4*B1+C4*B2, F5 katakchasiga esa =A5*B1+C5*B2 formulani kiritib chiziqli tenglamalar sistemasining ozod hadlarini topish mumkin.



	A	B	C	D	E	F	G	H
1	x=	8						
2	y=	9						
3								
4	6 x		2 y	=	66			
5	12 x		4 y	=	132			
6								

Agar hosil bo`lgan sistema o`qituvchining o`quvchiga bergan sistemasi bilan bir xil bo`lsa, demak, o`quvchi chiziqli tenglamalar sistemasini to`g`ri yechgan, aks holda o`quvchi berilgan topshiriqni xato bajargan hisoblanadi.

Kvadrat tenglamani yechishda ham Microsoft Excel dasturining imkoniyatlaridan foydalanish ko`p samara beradi. Masalan maktabda kvadrat tenglamalar bo`yicha misollar yechish mavzusida o`qituvchi o`quvchilarga bergan topshirig`ini tekshirishi uchun MS Excel dasturidan quyidagicha foydalanishi mumkin:

Biz ushbu maqolada $x^2 - 6x + 5 = 0$ kvadrat tenglama misolida ko`rib chiqamiz. MS Excel dasturi oynasining A1 katakchasiga $x_1$= va C1 katakchasiga $x_2$= yozuvlarini kiritib, B1 va D1 katakchasiga o`quvchining kvadrat tenglamani yechib topgan x_1 va x_2 yechimlarini kiritamiz. A2, C2, E2 katakchalarga mos ravishda a=, b=, va c= degan yozuvlarni kiritib, B2 katakchaga o`quvchiga berilgan kvadrat tenglamaning birinchi koeffitsiyentini ham kiritib qo`yamiz.



	A	B	C	D	E	F
1	x1=	5	x2=	1		
2	a=	1	b=		c=	
3						

So`ngra D2 katakchasiga = –B2*(B1+D1), F2 katakchasiga esa B2*B1*D1 formulasini kiritib, kvadrat tenglamaning ikkinchi koeffitsiyenti va ozod hadini topib olamiz.

	A	B	C	D	E	F
1	x1=	5	x2=	1		
2	a=	1	b=	-6	c=	5
3						

Endi bu yaratilgan namuna orqali o`qituvchi barcha o`quvchilarning yechgan misollarini osongina tekshirib olishi mumkin. Agar hosil bo`lgan koeffitsiyentlar o`quvchiga topshirilgan misol bilan bir xil bo`lsa, demak, o`quvchi topshiriqni to`g`ri, aks holda noto`g`ri bajargan hisoblanadi.

Yuqoridagi misollarda ko`rib chiqqanimizdek faqatgina bu mavzularda emas balki matematikaning aksariyat mavzularida MS Excel elektron jadvali imkoniyatidan foydalanishimiz mumkin.

TABIIY FANLARNING O`QITISH SAMARDORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O`RNI

Shamsidinova G., Bekmurodova O., Kuychieva M., Axmedov M. – NavDPI

Ta’limning mazmuni va mohiyati jamiyatning moddiy va madaniy taraqqiyoti darajasiga bog`liq bo`lib, zamonaviy ta’lim vositalaridan tabiiy fanlarini o`qitishda samarali foydalanish - yangi davr avlodlar tarbiyasi hamda o`qitish jarayoniga yangicha yondashish zarur ekanligini ko`rsatmoqda. Respublikamizda uzluksiz ta`lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlar milliy ta`lim-tarbiya tizimini takomillashtirishga, mohiyat-e’tibori bilan dars berish jarayonini,ya’ni o`qituvchi faoliyatini,o`quvchini bilish, o`rganish faoliyatiga rahbarlik qilishni bildiradi. Zamonaviy talablar bilan uyg`unlashtirilgan, jahon andozalari darajasiga mos “O`zbek modeli”ni hayotga tadbiq qilishga, bu esa o`z navbatida talabalarning bilim darajasini kengaytirib, ma`naviy va intellektual meroslarimizga to`g`ri munosabatda bo`lishni talab qiladi.

Respublika ta’lim tizimida, ta’limning milliy modelida Kadrlar tayyorlash borasida xalqimizga xos milliy xususiyatlar yuqori darajada hisobga olinishini taqozo etadi. Barkamol shaxsni shakllantirish hamda uning aqliy,kasbiy va ma’naviy imkoniyatlarini ehg samarali yusinda

ishga solish yo`llari aniq hisobga olingan bo`lib, ta'limning milliy modelida shaxsda shakllantirilishi zarur bo`lgan ma'naviy sifatlarning uyg`unligiga alohida e'tibor berilgandir.

O`zbekiston Respublikasining ta'lim sohasidagi siyosati va uning asosiy yo`nalishlari, "Kadrlar Tayyorlash Milliy Dasturi"da ilgari surilgan maqsadning to`laqonli ro`yobga chiqarish bir qator vazifalarning ijobiy hal qilinishi, ta'lim va kadrlar tayyorlash tizimini jamiyatda amalga oshirayotgan demokratik huquqiy davlat qurilishi jarayonlariga moslashtirish, ta'lim muassasalarini yuqori malakali kadrlar bilan ta'minlash hozirgi davrning eng asosiy muammolaridan biridir.

O`zbekiston Respublikasi Kadrlar tayyorlash Milliy dasturining amalga oshirilishi ta'lim muassasalarini maxsus tayyorlangan pedagogik kadrlar bilan ta'minlash, ularning faoliyatida vujudga keltirish, o`quv tarbiya jarayonini sifatli o`quv adabiyotlari va ilg`or pedagogik texnologiyalar bilan ta'minlash kabi qator vazifalarni amalga oshirishni ko`zda tutadi.

O`qitish texnologiyalari deyilganda, kompyuter, audio, kino, video kabi maxsus texnik axborot vositalaridan foydalaniladigan barcha texnologiyalar tushuniladi. Kompyuterlar ta'limda keng qo`llanila boshlagan davrda "o`qitishning yangi axborot texnologiyalari»degan atama paydo bo`ldi.

Kompyuter texnologiyalari dasturlashtirilgan o`qitish g`oyalarini rivojlantiradi,o`qitishning zamonaviy kompyuterlar va telekommunikatsiyalarning imkoniyatlari bilan bogliq bo`lgan mutloq yangi, hali tadqiq qilinmagan o`qitishning texnologik yo`nalishlarini ochadi. O`qitishning kompyuter texnologiyalari - bu o`rganuvchiga axborotni tayyorlash va uzatish jarayoni bo`lib, u kompyuter vositasida amalga oshiriladi.

Bilimlar bazasi axborot tizimi bo`lib, berilgan mavzu bo`yicha qo`shimcha ma'lumotga muhtoj bo`lmagan yopiq tuzilmadir. Uning har bir elementi u bilan mantiqiy bog`liq bo`lgan shu to`plamning boshqa elementlariga yo`naltirilishi mumkin. Bilimlar bazasida axborotni bunday tashkil qilish o`quvchiga uni o`ziga qulay bo`lgan usulda o`rganishga imkon beradi.

Axborotni kompyuterda tasvirlashning boy imkoniyatlari ta'lim mazmunini cheksiz boyitishga va o`zgartirishga imkon yaratadi.

O`qitish jarayonida kompyuter quyidagi maqsadlarda ishlatiladi.

- texnik-pedagogik-"o`rgatuvchi va boshqaruvchi dasturlar", diagnostik, modellashtiruvchi, ekspert, muloqotli, maslahatchi, mantiqiy va hokozo;
- didaktik - kompyuter trenajer, repetitor, assistent, aniq vaziyatlarni modellashtiruvchi qurilma sifatida;
- kompyuter o`quv faoliyatini jadallashtirish, o`qituvchi faoliyatini optimallashtirish vositasi sifatida;
- o`quv axborotini tezkor yangilash, o`quvchilarning yakka xususiyatlari to`g`risida tezkor axborot olish, uning faoliyatini baholash, nazorat qilish, tuzatish, uni faollashtirish va rag`batlantirish vositasi sifatida.

Bunda pedagogning vazifasi belgilangan vazifalar bajariladigan shart-sharoitlarni aniqlash va ta'minlashdan iborat. Amaliyotda bu sharoitlar aniqlanmagan yoki ulardan foydalanilmaydi va shuning uchun kompyuterning vazifalari primitiv darajada bajariladi.

Faollashtirish bosqichida kompyuter o`quvchilarda yetishmayotgan bilimlarni to`ldiradi, ularga zarur bo`lgan tayanch bilim va faoliyat usullarini eslashga yordam beradi. O`qituvchi barcha o`quvchilar bilimlarining faollashtirilish darajasi haqida axborot oladi. Mazkur jarayonlar keyingi bosqichlarda ma'lum yutuqlarga erishishni ta'minlab, o`quvchilar kompyuterlar yordamida bemalol mustaqil faoliyatni amalga oshirishlari,turli slaydlar,taqdimotli matnlar, maxsus saytlardan o`rganilayotgan fanga kerakli ma'lumotlar olishi,o`qitishni takomillashtirishga oid maxsus dasturlar yaratishlari mumkin.

Mamlakatimizda o`tkazilayotgan ta'lim sohasiga oid islohotlar,o`sib kelayotgan yosh avlodni barkamol inson qilib voyaga etkazishga qaratilgan.Zero, Mustaqil O`zbekiston davlatining kuch-qudrati yoshlar ma'naviy dunyosining boyligi,ijodiy qobiliyatining rivojlanish darajasi,o`quv fanlari mazmunini yuqori darajada o`zlashtirganligi, zukkoligi,aql-zakovatining yuqori sifat ko`rsatkichlariga erishishi bilan belgilanadi.

Muhtaram Prezidentimiz ta’kidlaganlaridek,»O`z mustaqil fikriga ega bo`lgan, o`z kuchiga,o`zi tanlagan yo`lning to`g`riligiga ishongan inson doimo kelajakka ishonch bilan qaraydi. U jamiyatdagi fikrlar xilma - xilligidan cho`chimaydi, balki zamonaviy bilim va falsafiy qarashlarga, hayot haqiqatiga suyangan holda har qanday g`arazli niyat, tahdid va intilishlarni fosh qilishga qodir bo`ladi". O`qitish texnologiyalari ta’lim jarayonida o`qituvchi va o`quvchilarning kutilgan maqsadga erishishga qaratilgan birgalikdagi faoliyati bo`lib, ular ta’lim jarayonida yangidan yangi natijalarga erishish uchun imkoniyat yaratib beradi. Pedagogik texnologiyalar asosida ta’lim berish o`qituvchidan izlanishni, pedagogik mahoratni talab qilib, malakali o`qituvchi mavzuning maqsadiga qarab ta’lim metodlarini tanlaydi hamda kerakli vositalardan o`z o`rnida foydalanadi.

GEOGRAFIYA DARSLARIDA GEOGRAFIK O`YINLARDAN FOYDALANISH

Kalonov B. – g.f.n.,dotsent. (Navoiy DPI)

Mamlakatimizda “Ta’lim to`gqrisida”gi qonun va»Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da o`quv jarayonini takomillashtirishga alohida e‘tibor qaratilgan. Ta‘lim jarayonini ilmiy asosda tashkil qilib, uni jadallashtirish maqsadida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo`llab, o`quv-tarbiya jarayonini takomillashtirish maqsadida ta‘lim tizimida olib borilayotgan keng ko`lamdagi islohotlar ta‘limda bir qator yangiliklarni joriy etishni taqozo etmoqda. Xususan, darslarni samaradorligi, uni sifati, o`quvchilarning bilim ko`nikmalariga ega bo`lishlari uchun noan‘anaviy dars zamonaviy interfaol usullarni mohiyati bugungi kun talablaridan biridir. Bu vazifalar yoshlarni har tomonlama barkamol, ma‘naviy yetuk, mustaqil fikrli, milliy merosimizni qadrlaydigan, ilmli ijodkor, nozik didli qilib tarbiyalashni o`qituvchilardan tinmay ijodiy izlanishlarni, fidoiylik ko`rsatishni talab etmoqda.

Ushbu maqsadlarni amalga oshirish yo`lida barcha fanlar qatori geografiya fanining ham o`rni kattadir. Chunki, geografiya yer yuzi tabiati, aholisi va uning xo`jalik faoliyatini o`rganadigan fandir. Bugungi kunga kelib, geografiya darslarini takomillashtirishga yanada katta e‘tibor bilan qaralmoqda. Geografiya darslarini hayotga bog`lash, ularni qiziqarli va ijodiy tashkil etish bosh maqsaddir. Bunda asosiy rolni didaktik o`yinlar va ularning xilma xil shakllari, didaktik jumboqlarni yechish, raqamli diktantlar tuzish va yechish berilgan. Didaktik tavsiflarni xatosini topish, shartli belgilarni tilga kiritish, test topshiriqlarini yechish, izohlash geografik o`yinlarning asosiy shartidir.

Geografiya darslarida o`yinlardan foydalanish borasida xorijiy geograf metodist olimlardan L.M.Pancheshnikova,S.Praslova,G.A.Ponurova,V.Belyaeva, G.Ya.Lisenkova, V.V.Pyatunin, L.P.Simenovalar, o`zbek olimlaridan O.Mo`minov P.Musaev, R.Qurbonniyozov, O`.Safarov, A.Hayitovlar o`zlarining ilmiy tadqiqot ishlarida ko`rsatib o`tganlar.

Ta‘lim sohasida olib borilayotgan islohotlarning tub mohiyati ta‘lim mazmunini va shaklini takomillashtirishga qaratilgan. Fan-texnika taraqqiyoti jamiyatimizning demokratlashuvi axborot miqyosining oshib borishi kabi omillar o`quvchilarning shaxsiy xususiyatlariga jumladan, idrok eta olish, tasavvur va tafakkurlash aqliy qobiliyatining rivojlanishiga olib keladi. Olamni bilishga bo`lgan ehtiyoji avvalgi yillarga nisbatan keskin oshganligi hech kimga sir emas. Bizga ma‘lumki, geografiya dunyodagi eng qadimgi va qiziqarli fanlardan biri hisoblanadi.»Geografiya»deb nomlangan eng dastlabki kitob bundan ikki ming yil ilgari yunon olimi Eratosfen tomonidan yozilgan. Darhaqiqat, geografiyaga qiziqmagan, o`zining kundalik hayotiy faoliyatida geografiyaga duch kelmagan insonni uchratish qiyin. Bugungi kun geografiyasi yangiliklarni o`quvchilarga yetkazish uchun o`qituvchilardan o`z ustida muntazam ishlashni talab qiladi.

Geografiya ta’limida foydalaniladigan o`yinlar juda xilma xildir. Ularni mazmuni va foydalanish maqsadi bo`yicha turlarga ajratiladi. Maqsadlari bo`yicha-informativ, mashq, mustahkamlash, nazorat o`yinlariga bo`linadi.Mazmuniga ko`ra savol-javob, stol ustiga qo`yib o`tkaziladigan,vaziyatli, magnitli doska yordamida o`tkaziladigan, faraz qilish, test savollari yordamida o`tkaziladigan o`yinlarga bo`linadi. Biz quyida ayrim geografik o`yinlarining tashkil etilishi bo`yicha fikr mulohaza yuritamiz.

«Kim ko`p yozadi»o`yini. O`quvchilar oldiga faqat qog`oz va qalam bo`lishi kerak. O`yinni»O`zbekiston daryolari»,»Ko`llar»,»Suv omborlari»mavzulari bo`yicha o`tkazish, ayniqsa, yaxshi natija beradi. Bu o`yin uchun ma‘lum bir vaqt belgilanadi. Masalan,»O`zbekiston daryolari»e‘lon qilindi deylik, o`quvchilar esa belgilangan vaqt ichida o`zlari bilan daryo nomlarini yozib chiqishlari kerak. Yozilgan har bir daryo uchun 1 ball beriladi. O`yinda eng ko`p ball to`plagan o`quvchi g`olib hisoblanadi.

**«Aylana»o`yini.** O`yinga ishtirok qiluvchilar doira shaklida turadilar. O`yin quyidagicha boshlanadi: boshlovchi o`quvchi»Toshkent»desa, undan o`ngda turgan o`quvchi shaharning oxirgi harfi ya‘ni»t»harfi bilan boshlanuvchi O`zbekistondagi boshqa bir shaharni aytadi. Masalan: Toshkent – Termiz – Zarafshon yoki Qo`qon – Namangan va hokazo. Qaysi o`quvchi 5-10 sekund davomida shahar yoki joy nomini ayta olmay to`xtalib qolsa u o`yindan chiqqan sanaladi. O`yin bitta o`quvchi qolguncha davom ettriladi, eng oxirida qolgan o`quvchi g`alaba qilgan hisoblanadi.

**«Nega va nima uchun?»o`yini.** Bu o`yinda teng kattalikdagi qog`ozlarga o`quvchilarga berilishi lozim bo`lgan savollar yoziladi. Bu savollar nega va nima uchun so`rog`i ishtirokida bo`lishi mumkin. Masalan:

1.Nima uchun yanvarning o`rtasida temperatura Surxandaryo viloyatida Toshkentga nisbatan yuqori?

2.Yozda Termiz issiqmi yoki ekvator? Ularning qaysi birida issiqqa bardosh berish oson va nima uchun?

3.Nima sababdan Samarqand viloyatida tog`larning g`arbiy yonbag`irlariga yog`in ko`p tushgan va hokazo?

Savolga javob berishni istagan o`quvchi bir yo`la 3 ta savolni oladi. Agar o`quvchi javob bera olsa, qog`ozni o`zida olib qoladi, javob bera olmasa qog`ozni joyiga qo`yadi. Demak, qaysi o`quvchining qo`lida qog`oz ko`p to`plansa, o`sha o`quvchi g`olib hisoblanadi.

«**Didaktik rebus topish»o`yini.** Geografiya darslarida rasmlar asosida ham o`yinlarni tashkil etib o`tkazish mumkin. Bunda rebusdagi rasmlari chizilgan narsalarning bosh harflari olinadi va bu harflar to`g`ri tartibda joylashtirilib, rebusda yashiringan didaktik nom topiladi.»Rebusdagi davlat nomini toping»- bunday rebuslar – tog`lar, ko`llar, daryolar, orollar, okeanlar, dengizlar, davlatlar va boshqa shu kabi didaktik nomlar asosida qog`ozga chizilib tayyorlanishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, geografiya darslarini hayotga bog`lab, qiziqarli qilib tashkil etilsa ana shundagina dars mavzulari har bir saboq oluvchilar ongiga chuqurroq singadi. Yosh avlodni har tomonlama barkamol, mustaqil fikrli, ilmli, ma‘naviy yetuk, Vatanimizning yanada gullab, yashnashi uchun o`z bilim va kuchini ayamaydigan qilib tarbiyalash biz o`qituvchilarga katta mas‘uliyat yuklaydi.

GEOMETRIYADAN MASHQ QILUVCHI DASTURLAR

Jumayev J. – BuxDU dotsenti,

Nigmatova N. – BuxDU qoshidagi “Kompyuter texnologiyalari»akademik litseyi katta o`qituvchisi

Mamlakatimizda ta’lim tizimida maktab fanlarini o`qitishda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish dolzarb masaladir. Aynan axborot texnologiyalari ta’limning universal vositasi hisoblanib, nafaqat o`quvchilarda bilim, ko`nikma va malakalarni shakllantirish imkonini beradi, balki shaxsiy xususiyatlarini rivojlantirish, bilishga qiziqishlarini qondiradi.

Komp'yuter yordamchi sifatida ham, mashq qilish bosqichida nazoratchi sifatida ham hamkor bo`ladi. O`quv jarayonida komp'yuterning ahamiyatini uch holatda: komp'yuter o`quv quroli sifatida, komp'yuter hamkor sifatida, komp'yuter vaziyatni shakllantirish manbai sifatidaligini qo`shib olib borishda ko`rish mumkin. U o`qituvchiga darsni o`tkazishda o`quvchilar bilan bo`ladigan munosabatlarini me`yorlashtirishga etarlicha yordam beradi.

Birinchidan, komp'yuter o`zida o`quvchi bajarishi lozim bo`lgan iazorat vazifalarining katta qismini mujassamlaydi. O`qituvchi o`quvchilarning bilimidagi kuchsiz tomonlarni komp'yuter orqali aniklash imkoniyatiga ega bo`ladi.

Ikkinchidan, komp'yuter, o`quvchi bilan hamkorlik munosabatiga o`tib o`qituvchini har bir o`quvchi faoliyatining daraja va hayotiy faolligani qo`llab quvvatlash zaruratiga engillik beradi.

Mana shular tufayli o`qituvchi auditoriyadagi vaziyatni ko`rish yoki diqqatni alohida o`quvchiga qaratish imkoniyatiga ega bo`ladi.

Matematika darslarida yangi axborot texnologiyalaridai foydalanish o`qituvchiga o`quv jarayonini qiziharliroq qilish uchun turli-tuman yangi shakl va metodlarni olib kirishga imkoniyat beradi. Bu komp'yuter texnologiyalaridan foydalanib matematika darsini o`tkazish o`qituvchidan ko`p kuch va vaqt sarfini talab etadi. Shunday ekan, o`qituvchilarni texnik vositalar yordamida sifatli dars o`tishlariga imkon beruvchi, o`quvchilarda mavzuni yanada tushunarli bo`lishiga yordam beruvchi turli xil dasturiy vositalar yaratish davr talabidir.

Shularni hisobga olgan o`rta-maxsus ta'limi tizimida geometriyadan "koordinatalar" bo`limini o`qitishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanib dars o`tish samarasini oshirish maqsadida turkum dasturlar yaratildi. Ushbu dasturlarni yaratishda Macromediya Flash dasturiy vositasidan foydalanildi.

Ushbu tuzilgan dasturlardan misollar keltiramiz.

Ushbu dasturlardan bir guruhi uchburchaklar mavzusiga bag`ishlangan trenajyor dasturlaridir. Ekran interfeysini tashkil qilishda avval tasvir yaratilgan va unda ob'ekt joylashtirish elementlaridan foydalanilgan. Song mavzu mazmuniga mos dasturlar yaratilgan. Dasturlarni soddadan murakkabga qarab tuzib borishga harakat qilingan. Masalan, o`xshash uchburchaklar mavzusi bo`yicha taklif etilayotgan birinchi ternajyor dastur interfeysi quyidagicha:

Bu yerda dastur ishlatilishida berilgan kattaliklar tasodifiy ravishda olinadi, y'ani dastur qayta ishga tushirilganda bu sonlar o`zgaradi. O`quvchi masalani ishlab javobni kiritadi va tekshirish tugmasini bosadi, ekranda javob to`g`riligi yoki noto`g`riligi haqidagi ma'lumot paydo bo`ladi. Dastur qiziqarli bo`lishi uchun javobning to`g`ri yoki noto`g`riligiga qarab turli muzikalar qo`shish mumkin.

Ushbu dastur ishlab bo`lgandan so`ng keyingi, bizningcha, bir oz murakkabroq bo`lgan quyidagi dasturga o`tiladi:

Bu yerda ham o`quvchiga ko`ringan sonlar tasodifiy ravishda masala shartiga mos ravishda hosil qilinadi.

Xuddi shunday uchburchaklar mavzusiga mos yana bir necha trenajyor dasturlar tuzilgan.

Fikrimizcha, bunday dasturlarning o`quv jarayonida qo`llanilishi vaqtning tejalishi, o`quvchilarning individual ishlashi ta'minlanishi, nazariy bilimlarning amaliy vazifalarni bajarish orqali mustahkamlanishu, kompyuterda ishlash malakasining oshishi kabi afzalliklarga ega.

ЭКОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ

Ҳасанова Л. – Навоий давлат педагогика институти

Бугунги кунда технологияда юз бераётган инқилобий ўзгаришлар айнан ахборотлардан таълим жараёнида етарлича фойдаланишни таъминлашда компьютер ва техник воситаларни қўлланишига олиб келди. Ахборотлар миқдорининг кенг кўламда ортиб бораётганлиги таълим жараёнида янгидан-янги талаблар қўймоқда. Ахборотларни ўзлаштириш ва улардан таълим жараёнида етарлича ҳамда самарали фойдаланиш учун қулай воситалардан фойдаланишга зарурат туғилмоқда. Республикамизда фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари компьютер ва техник воситалар билан етарлича таъминланган. Жумладан бизнинг Навоий давлат педагогика институтида ҳам таълим сифатини оширишда ахборот технологияси ва техник воситалардан самарали фойдаланилмоқда. Кун талабидан келиб чиққан ҳолда институтимиз профессор-ўқитувчилари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва инглиз тилини ўзлаштиришни етарли даражада эгаллаб олишлари учун қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Интернет тармоғида ахборот излаш, олиш, сақлаш, ўқув ва услубий методик қўлланмалар тайёрлаш, компьютер ва ахборот тизимларидан дарс жараёнида фойдаланишга доир семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

Юртбошимиз Ислом Каримов юртимиз таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг»Компьютерлаштиришнинг янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги»2002 йил 30 майдаги ПФ – 3080 сонли фармони фан ва таълим соҳаларига ахборот технологияларини кенг жорий этиш, компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш учун йўл очиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ҳукуматнинг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш, халқ таълими тизимида ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва мультимедиа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Дарсларнинг илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши натижасида ўқитувчилар баробарида талабалар ҳам ахборот коммуникация технологиялари имкониятлари орқали кўпгина маълумотларни олиш имкониятларига эга бўладилар. Бу фанга доир тушунчаларнинг бойишига, талабалар дунёқарашининг ривожланишига, мустақил фикрлаш ва ниҳоят дарс жараёнини қизиқарли ўтишини таъминлаш, ўқитиш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, ахборот-коммуникация технологияларини фаол ўзлаштириши, хорижий тилларни ўрганиши учун барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 1875- сонли Қарори билимли, зукко йигит-қизлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг халқаро кўламда илм олишга бўлган қизиқишини кучайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда, таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасида ташкил этишда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида муҳим

вазифалар белгиланган. Бу мамлакатимиз ёшларининг жаҳон цивилизацияси ютуқларини пухта ўзлаштириши, дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратади.

Навоий давлат педагогика институти томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бугун дунёга юз тутаётган диёримизнинг ҳар бир фарзанди етук салоҳият, юксак билим эгаси бўлиб тарбияланмоғи давр талаби экан, мен ҳам бошқа прфессор-ўқитувчилар қатори ўз зиммамдаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда "Экология ва табиатни муҳофаза қилиш»дарсларини инглиз тили ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб бормоқдаман.

Мен маъруза ва амалиёт дарсларини ташкил этишда кўпинча PowerPoint тақдимот дастуридан фойдаланаман. Чунки Microsoft PowerPoint – универсал, имкониятлари кенг, кўргазмали графика амалий дастурлари сирасига киради ва матн, расм, чизма, графиклар, анимация эффектлари, овоз, видеоролик ва бошқалардан ташкил топган слайдларни яратиш имконини беради.

For example, "Atmosphere and it is role in protecting the earth»Let's lecture lesson:



After recording the subject and plan, with the student repeat, discuss the last topics and then pass the new theme.

During the course, I'm using a serious of slides and videos.

Based on the above, it is permissible to say that, the creation of integrated these continuous lessons and the effective use of interactive methods during the course is a really good result. Such of these topics urge students as well as teachers to take their hands of a new books, listen to world news and most importantly, try to keep up with the times.

Indefinitely, easy to be a teacher, but it is difficult to be a pedagog.

DARS JARAYINIDA PEDAGOGIK INNOVATSIYA VA TEXNOLOGIYALAR, METODLARDAN FOYDALANGAN HOLDA ZAMONAVIY DARSLAR TASHKIL ETILSIN

Hoshimova N. – Buxoro shahar 35- o`rta maktab I – toifali biologiya fani o`qituvchisi

Yosh avlodga fan asoslaridan chuqur bilim berish, biologiya faniga hissa qo`shgan olimlarimiz, ishlarini o`qib o`rganish fanning asosiy mohiyatini belgilaydi. Avvalo Davlat Ta'lim Standartlari borasiga o`quvchiga tushuncha berish, shuningdek zamonaviy texnologiya elementlari (AKT) bilan tanishtirishda fan o`qituvchisining o`rni katta. Buning uchun o`qituvchi har bir mavzuni tushunarli va qiziqarli o`ta olishi, eng qulay usullarni tanlay bilishi lozim. Ayniqsa amaliy mashg`ulot darslarida o`rganganini ko`rib bajara olishi, fanga bo`lgan qiziqish va e'tiqodini oshiradi.

Biologiya hayot haqidagi fan. Bu fanga qiziqgan uni ishonch biln o`rgangan o`quvchining o`zi jonli va tabiiy ko`rgazmalarni tayyorlab kelishga intiladi.

Shuningdek 5-sinf "Botanika»darsida barg, ildiz, gullardan gerbariy tayyorlash bilan o`z hududida tarqalgan o`simlik turlarini o`rganish va bilish 7-sinf "Zoologiya" darslarida tirik hasharot va hayvonlardan olisb kelish.

Masalan: yomg`ir chuvalchangini o`rganish bilan birga, tuproq unumdorligini aniqlash, 8-sinf "Odam va uning salomatligi»fanidan haqiqiy hayvon organlari orqali o`rganish, masalan:

“Ayirish sistemasi»mavzusida buyrak bilan ishlash. 9-sinf “Umumiy biologiya»fanidan “Genetikadan masala va mashqlar yechish”.

Shunday ekan o`quvchilarning fanga qiziqish va e’tiqodi yanada oshishi uchun, avvalo ijodiy muhitni yaratish, o`qituvchi va o`quvchi o`rtasidagi munosabatning iliqligi, fanga nisbatan kuchli mehr uyg`otish uchun men dars davomida eng qulay usullarni tanlab darsning sifat va samaradorligini oshirishga harakat qilaman. Men qo`llagan usullar, o`quvchining har tomonlama iqtidor va ijodkorligini belgilab bilim olishga bo`lgan xohishlarini oshirishda, uni rivojlantirishda yaxshi natija beradi. Bunday samarali natijalarni yanada rivojlantirish darslarda AKT lardan foydalanishdir. Hozirgi kunda maktablar yangi zamonaviy Pentium IV rusumli komp’yuterlar bilan jihozlanmoqda. Darslarda komp’yuterlardan foydalanishning sodda va oson usullari mavjud: Word matn muharriri dasturi yordamida ixtiyoriy mavzuda turli biologik atamalar, belgilar, formulalarni o`quvchilarga tavsiya etish va shular asosida interfaol o`yinlarni tashkil etish mumkin. Buning uchun barcha fan o`qituvchilari komp’yuter savodini chiqarib ta’lim jarayonida uni tadbiq etish lozim.

“Aql charxi”

6-sinflarda bu nazorat turi o`quvchini ko`rib o`ylash va fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi. Ushbu jadval o`qituvchi tomonidan tarqatiladi. Jadvalda meva va sabzavotlar rasmi aks ettirilgan.

O`quvchi rasmga qarab, rasmga xos belgilarni jadval kataklariga yozadi.

O`simliklar nomi	**Qaysi oilaga mansub**	**Ildiz tuzilishi**	**Barg shakli**	**Mevasi**	**Hayotiy shakli**
G`oza	*Gulxayridoshlar*	*O`q ildiz*	*Bandli oddiy panjasimon*	*Kosacha*	*Bir yillik o`t*
Bug`doy					
Uzum					
Lola					
Tarvuz					
Pomidor					

Raqamlar so`zlaganda”

7-sinflarda zoologiya fani bo`yicha tuzilgan, bu o`yin usulini umumlashtirish darslarida o`tkaziladi. “Sudralib yuruvchilar»mavzusiga oid raqamlar berilgan raqamlar nimani ifodalashini o`quvchi izohlaydi.



1. Ildam kaltakesak uzunligi? 15-20 sm
2. Ildam kaltakesak yoz davomida 4-5 marta tullaydi.
3. Har qaysi oyog`ida 5 tadan panjasi bor.
4. Qum bo`gma ilon uzunligi 70 sm.
5. Ko`lvor ilon uzunligi-120 sm.
6. Toshbaqa 1-6 tuxum qo`yadi.
7. Timsohning uzunligi-10 metr
8. Dengiz toshbaqasi og`irligi-300 kg

9. Sudralib yuruvchilarga kiradi-6000 tur hayvon.
10. Kaltakesak boshi 8 ta umurtqa orqali tanasiga birikkan.
11. Qora ilon zahar soluvchi tishi va bezi-98 rasm.
12. Charx ilonning uzunligi-70 sm.

“Sehrli halqachalar”

Halqachalar ichiga raqamlar berilgan. Savolning javobini topib so`zning bosh harfi raqam bo`yicha qo`yiladi.

a) Oxirida kelib chiqqan atamani izohlay bilish.
b) Halqachalar birlashtiriladi bu qaysi organ?
1. Buyrakning ichki botiq tomoni?
2. Reabsorbsiya jarayonini kuchaytirib, siydik ajralishini kamaytiruvchi garmon?
3. Siydik yo`lining devori necha qavat?
4. Qonning suyuq qismi qaysi tuguncha orqali filtirlanadi?
5. 120 km nimaning uzunligi?
6. Buyrak to`qimasi nimalardan tashkil topgan

Ma’lumotlar:

1. Xromosomalar bir-biriga yopishib yonma yon joylashishi-krossingover
2. Urug`langan tuxum hujayra zigota
3. Viruslar faqat hujayra ichida yashaydi
4. Globulinlar-toza distillangan suvda eriydiganlar
5. Noto`g`ri rivojlanish meta marfoz-hasharotlar
6. Anorganik moddalar-oqsil, yog`, uglevod
7. Gomozigota-agar organism genotipida 2 ta bir xil gen bo`lsa
8. Hujayra sikli-bir mitozdan ikkinchisi mitozgacha bo`lgan davr
9. Fenotip-belgi va xususiyatlar
10. Mitoz-somatik hujayralarning bo`linishi
11. Meyoz-jinsiz usulda ko`payishdir
12. DNK molekulasi qo`sh zanjirli tuzilishga ega
13. Bir xromosomada joylashgan genlar birikkan holda irsiylanadi.

“Iqtidor sinovi”

Bu o`yin usuli, o`quvchilarni darsga qiziqish hamda o`quvchi iqtidorini sinashdan iborat. Tarqatma materiallar sifatida bir necha o`quvchilarga tarqatib, baholanadi.



Namuna: Zog`ora baliq og`iqligi 8·16 kg

“Rasmlar izohi”

Darsliklarda keltirilgan rasmlar bilan ishlash, ularni izohlab xulosalash, o`quvchini mustaqil fikrlashga o`rgatadi. Masalan: Ovqat hazm qilishga oid rasm chizilib, 4 bo`lakka bo`lib konvertga solinadi, o`quvchi avval bo`lak qimslarni birlashtirib so`ng izohlaydi.

“Belgilar sinovi”

Bu sinov turi “Mendelning irsiyat qonunlari»mavzusi asosida tuzilgan. Biologik diktant tarzida o`quvchilarga tarqatiladi. O`quvchi belgilar ifodasini nuqtalar o`rniga to`ldiradi.

1. ♀……..
2. ♂……..
3. “X”……..
4. “P” parentalr ota-ona
5. “F”……
6. “F_1”-“F_2”
7. “F_B”-tashkiliy bekkross natijasidagi avlod
8. “AA”……
9. “bb”…….
10. “Aa”……

DNK tuzilishi, qo`sh spiral

11. ……...
12. G_1…….
13. G_2…….
14. S……
15. “In»xromosomalar diploid to`plami
16. “R”……
17. “XX”……
18. h……
19. H……..



“Zanjir o`yini”

Bu o`yin turi 5-9 sinflar o`rtasida o`tqaziladi. Bunda o`quvchi nafaqat xotirasini sinaydi, balki atamani to`g`ri yozishga o`rganadi. DNK→Kalloid→Denaturatsiya→Yadro→Organ→
→Nuklein kislota→Albumin→Nukleotid→Dipol→
→Lipid→Dominant→Terminator→RNK→
→Krossingover→Ribosoma→Aminokislota→
→Adenin→Nostok→Konyugatsiya→Allel→Letal→

MAKTAB GEOGRAFIYA TA`LIMIDA TURIZM GEOGRAFIYASINI O`QITILISHI

Obloqulov H.A., Magistr (Navoiy DPI)

Xalqaro iqtisodiy aloqalarning eng ommaviy sohasi –xalqaro turizm hisoblanadi. Bu soha rivojlanishi xalqaro doirada, ayniqsa so`ngi o`n yilliklar davrida o`zining eng yuqori ko`rsatkichlariga erishdi. Xalqaro turizmda ishtirok etayotganlar soni 1950-yilda 25 mln.kishi bo`lgan bo`lsa, hozirgi vaqtda kelib bu ko`rsatkich 900 mln. kishidan oshib ketdi. Turizm mo`may daromad keltiradigan sohadir. Undan tushgan yillik daromad miqdori jahon bo`yicha o`rtacha 850 mlrd.dollardan ortiqdir. Yildan yilga jahonda turistlar soni va undan tushadigan daromad hajmi tez sur’atlar bilan o`sib bormoqda.Xalqaro turizm yevropa mamlakatlarida har jihatdan taraqqiy etgan. Jahon turizmining 57 foizi ana shu qit’a hissasiga to`g`ri keladi. Bu ko`rsatkich Osiyoda 16 foiz, Shimoliy Amerikada 8 foiz va boshqa mamlakatlarda 19 foizni tashkil qiladi. Xalqaro turizm rivojlanayotgan mamlakatlarda o`sib bormoqda. Ular hissasiga jahon turistlarining 17 foizi to`g`ri keladi. Tabiiy va tarixiy-madaniy rekratsiya resurislari uyg`unlashib ketgan Ispaniya, Italiya, Gretsiya, AQSH kabi davlatlar xalqaro turizmda eng katta daromad ko`rmoqdalar. Undan Kipr, Barbados, Bagam, Bermud, Seyshel orollari kabi ‹‹kurortorollar›› ham asosiy daromadga ega bo`lmoqdalar. Ispaniya, Fransiya, Italiya, AQSHga yiliga o`rtacha 30-50 mln.nafar turistlar kelib ketmoqda.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida O`zbekistonda turizm sohasini rivojlantirish uchun qulay imkoniyatlar va shart-sharoitlar yuzaga kelayotganligi, turizmning respublika iqtisodiyotiga yanada integratsiyalashuvi, mamlakat iqtisodiyotida muhim ahamiyat kasb etadi. Jahon iqtisodiyoti tajribalaridan ma'lumki, turizm sohasi mamlakat xazinasi uchun zarur bo`lgan valuta tushumini ta'minlash, yangi ish joylarini vujudga keltirish va shu bilan birgalikda aholining turmush darajasini

ko`tarish uchun xizmat qiladi. Respublikamiz xalqaro turizm sohasidagi imkoniyatlarining kattaligi bilan qo`shni mamlakatlardan tubdan farq qiladi. O`zbekistonning geografik o`rni nihoyatda qulay, tabiiy iqlim sharoitiga ega ekanligi, insoniyat madaniy taraqqiyotida ham katta o`rin tutadi. O`zbekiston betakror, ajoyib tarixiy arxitektura yodgorliklari, shirin-shakar mevalari, xilma-xil milliy taomlari, ajoyib milliy an'analari, urf-odatlariga ega bo`lgan mehmondo`st xalqiga ega. Bularning barchasi chet ellik turistlar e'tiborini o`ziga tortadi va kishilarni lol qoldiradi. Xalqaro turizmni rivojlantirishda O`zbekistonda mavjud bo`lgan siyosiy barqarorlik ham muhim o`rin egallaydi.

Samarqand shahrida 2014 yil 2-oktabrda BMT jahon sayyohlik tashkiloti ijroya kengashi 99-sessiyasi bo`lib o`tdi. Bu sessiyada jahonning 100 ga yaqin mamlakatlaridan delegatlar ishtirok etishdi. Mamlakatimiz prezidenti Islom Karimov sessiyaning ochilish marosimida nutq so`zladi. O`zbekiston hududida 7 mingdan ortiq tarixiy yodigorliklar mavjud bo`lib ularning aksariyati YUNSKO ning Butunjahon merosi ro`yxatga kiritilgan. Sharq durdonalari bo`gan Samarqanad, Buxoro, Xiva, Shahrisabz, Toshkent, Qo`qon va Termiz shaharlari shular jumlasidandir.

Mamalakatimizga 2013-yilda 70 dan ortiq davlatdan sayyohlar tashrif buyurdi va ularning yillik soni 2 milliondan oshdi. O`tgan ikki yil mobaynida bu ko`rsatkich 43 foizga o`sdi. 2013-yilda sayyohlik xizmatlari eksport hajmi 615 million dollardan ziyodini tashki letdi. Bugungi kunda turizm sohasida 200 mingdan ortiq kishi mehnat qilmoqda, bu tarmoqning mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 2 foizdan oshdi.O`zbekistonda 550 ta sayyohlik kampanyasi – turoperatorlari faoliyat yuritmoqda, mamlakatimizdagi tarixiy obektlar, arxitektura va shaharsozlik obidalarining aksariyatini qamrab olgan 110 ta xalqaro sayyohlik yo`nalishi bo`ycha xizmat ko`rsatish yo`lga qo`ylgan. Bu yo`nalishlarning 65 tasi tarixiy-madaniy meros ob'yektlari, 30 tasi tabiiy-rekratsion, 15 tasi sog`lomlashtirishni o`z ichiga olgan ekologik yo`nalishlardir. Hozirgi paytda yurtimizda 50 mingdan ziyod o`ringa ega bo`lgan 500 dan ortiq mehmonxona, motel va kempinglar sayyohlarga xalqaro standartlar bo`yicha xizmat ko`rsatmoqda. O`zbekiston hozir turistlar ko`radigan joylar soni va dunyo miqyosidagi ularga bo`lgan talab bilan birinchi 10 ta davlat qatoriga kiradi. Respublikadagi 11 ta shahar dunyo miqyosida turistik shaharlar deb e'tirof etilgan. Bu shaharlarda turizmni rivojlantirish uchun barcha shart-sharoitlar yetarli. Mavjud tarixiy, madaniy yodgorliklari 2600 tadan ortiq bo`lib, hozirgi kunda ularning 150 tasigina turistlarni qabul qilmoqda.

O`zbekistonda keyingi yillarda ajoyib qurilish inshootlari, madaniy dam olish maskanlari, ziyoratgohlar vujudga keldi. So`nggi yillarda respublikamizda o`zbek milliy kurashi, tennis va boshqa sport turlari bo`yicha jahon miqyosida chempionatlar o`tkazildi. Bu tadbirlar esa ko`pgina xorijiy mamlakatlardan turistlar kelishiga olib keldi. Xalqaro turizmni rivojlantirishda bu omillarning roli ham anchagina.

Xalqaro turizm sohasi respublikamiz iqtisodiyoti uchun g`oyatda zarur bo`lgan valuta tushumini ta'minlaydi. Respublikada xalqaro turizmni rivojlantirishda tarixiy-madaniy obidalar bilan bir qatorda dam olish va madaniy hordiq chiqarish uchun xizmat qiladigan turistik obektlarning ham mayjudligi muhim ahamiyat kasb etadi. O`zbekiston ham jahondagi yetakchi mamlakatlarining rivojlanish darajasiga erishish maqsadida iqtisodiyotning barcha tarmoqlarini, shu jumladan, xizmat ko`rsatish va servis sohasini rivojlantirish chora-tadbirlarini ko`rib chiqib, o`z milliy modeliga asoslangan holda turizm sohasini shakllantirish uchun barcha zaruriy ishlarni olib bormoqda. Kelajakda chet eldan keladigan investisiani ko`paytirish, turizm industriyasini rivojlantirish uchun reklama ishlarini, turistik marshrutlar tushirilgan yo`l ko`rsatkich kartalari, e'tiborga loyiq joylarning rasm–tasvirlarini, yodgorlik va suvenir buyumlari ishlab chiqarishni, hamda kicnik biznes va xususiy tadbirkorlikni takomillashtirish maqsadga muvofq. Mintaqada sayyohlik infratuzilmasini shakllantirish va rivojlantirish, tumanlarda madaniy va maishiy, komunikatsiya va boshqa xizmat turlarini kengaytirish, ekoturistik ob'ektlarga boruvchi yo`llarni ta'mirlash va obodonlashtirish ishlarini olib boorish, hamda kadrlar tayyorlashga e'tiborni kuchaytirish zarur deb hisoblaymiz.Ta`lim jarayonida yuqoridagi ma`lumotlardan foydalanish maqsadga muofiq.

ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мансурова З – Кармана тумани 25-ИМИ география фани ўқитувчиси

«Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб, мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин».

Ислом Каримов.

Ахборот олами тараққиётида кескин ўзгаришлар рўй берди ва янги ахборот технологиялари юзага келди. Интернет ҳақида, унинг имкониятлари ва электрон почта ҳақида охирги пайтларда кўп гапирилмоқда.»Компьютер»ва»интернет»атамалари кундалик оммабоп атамаларга айланмоқда. Шу ўринда таълим-тарбия соҳасига ҳам компьютер технологиялари чуқур кириб келмоқда.

Ўқитишнинг компютер технологияси компютер ёрдамида ахборотни тайёрлаш ҳамда унинг воситасида ўқувчига етказишдир. Аммо ушбу жараён етарлича мураккабдир, у ўқитувчидан ва ўқувчилардан бирдай компьютер саводхонлигини талаб этади яъни, керакли ахборот кўламини олиш, унга ишлов бериш ёки яратишнинг техник ва дастурий воситаларини қўллашни билиш. Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, мактабда замонавий таълимий ахборотлаштириш технологияларини қўллаш педагогик жараённи мукаммаллаштиришнинг ва шу асосда ёш авлоднинг билим даражасини оширишнинг принципиал янги имконларини беради.

Имконияти чекланган болалар мактабларида География дарсларида ахборот технологиялардан фойдаланишда мавзуларга оид турли хил географик ўйинлар, ведиофильмлар, слайдлар ва электрон хариталардан фойдаланиш бугунги кунда ўқувчиларни билим ва малака, кўникмаларини шаклантиришга ёрдам беради.

География – инсоният яшовчи сайёра, яъни Ер ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун маълумот беришга қаратилган ягона ўқув фанидир. География таълими Ер юзида рўй берувчи табиий ва иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ўргатади. Шунга кўра география икки йирик тармоққа – табиий география ва ижтимоий – иқтисодий географияга бўлиб ўрганилади.

География дарсларида ташкилий қисмда ўқитувчи ўқувчилардан кундалик об-ҳаво ҳақида сўрайди бу эса ўқувчиларни интернет ёки телевизор орқали кундалик об-ҳавони кузатиб боради ва бу ҳақида маьлумотлар базаси ташкил қиладилар. Бу жараён “Лойиҳалаш технологияси” асосида ташкил этилади. Бунда ўқувчилар учун давомли ва индивидуал ишлаш имконияти бўлади ва уларда мустақил равишда ахборот йиғиш қобилияти ривожлантирилади. География дарслари жараёнида айниқса табиий географияга оид билимларни мустаҳкамлашда АКТнинг роли каттадир. Масалан, географик қобиқлар мавзуларида видеофильмлар, мультемедиа воситалардан фойдаланиш ўқувчиларни дунёқарашини ва географик билимларини бойитади. Имконияти чекланган ўқувчилар мактабларида география фанида ҳар бир мавзуга оид электрон кўргазмалар, дарслик ва турли хил электрон топшириқлар ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини ортишига хизмат қилади.

Электрон дарслик – компьютер технологияларига асосланган таълим методларидан фойдаланишга мўлжалланган ўқитиш воситаси бўлиб, ундан мустақил таълим олишда ва ўқув материалларини ҳар томонлама самарали ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин. Электрон дарсликда фаннинг ўқув материаллари ўқувчига интерфаол усуллар билан, психологик ва педагогик жиҳатлар, замонавий ахборот технологиялари, аудио ва видео анимациялар имкониятларидан ўринли фойдаланилади.

Имконияти чекланган болалар мактабларида география ўқитиш жараёнида компьютер технологияларини қўллаш масаласи ниҳоятда кўп қирралидир. Мактабда география ўқитишнинг учта асосий йўналиши ажратиб кўрсатилади: биринчидан, бу география дарсларида информацион технологияларни тўғридан-тўғри қўллаш, бунда энг кўп амалий машғулотларда қўлланади; иккинчидан, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари машғулотларини

ташкиллаштириш учун информацион технологияларни қўллаш; учинчидан, ахборот технологиялари билимга йўналтирилган бўш вақтни таъминлашга қаратилган. Бугунги кунда Интернет тармоғидан дарс жараёнларида фойдаланиш география дарсларида ўқувчини информацион билимларини ошириш фанни пухта ўзлаштиришларини таъминлайди. Дарс жараёнида “География. uz” веб сайтида картографик топшириқлар, Давлатлар пойтахтларини таққосланг, “Ўлкани тартиб билан жойлаштиринг” хотира машқи, “Жаҳон мамлакатларини ўз ўрнига қўйинг”, “Европа мамлакатларини топинг”, флеш ўйини, Инфогеографик топшириқлар. Юқорида кўрсатилган интернет ўйинларида дарс жараёнида “картографик топшириқ”ларни бажариш орқали ўқувчиларни харита ва атлас билан ишлашга дунё табиий географик харитасини ўрганишнинг энг қулай усулидир.

Инфогеографик топшириқлар. Бу ўйинда ўқувчиларга табиат минтақалари берилади, масалан: Чўл, Адир, Тоғ бу минтақалардаги ўсимлик ёки ҳайвонларнинг расмлари берилади. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг қайси бирлари чўл, адир ва тоғ минқаларида мавжудлигини аниқлаган ҳолда кетма-кетлик билан жойлаштириш лозим.

“Жаҳон мамлакатларини ўз ўрнига қўйинг” хотира машқи бу ўйин орқали ўқувчиларимиз жаҳон мамлакатларини харитадаги ўрнини қай даражада билишлари, (боланинг ақлий ривожига кўмаклашувчи) ўйинлардир.

Имконияти чекланган болалар мактабларида география дарсларида Ахборот технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларни Информацион билимларини ошириш ва интернет тармоғидан тўғри ва самарали фойдаланишни, ўқувчиларни географик билимларини бойишига хизмат қилади.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Калонов Р. – Фарғона шаҳар 25-умумтаълим мактаби физика фани ўқитувчиси

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу ўз ўрнида ҳар бир тизим ходими, айниқса, ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Негаки, рад қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат бор — қилинган барча саъй-ҳаракатлар охир-оқибат ўқитувчи меҳнати орқали ўз натижасини ўқувчиларнинг яхши билими ва хуш ахлоқида намоён этади. Шундай экан, педагоглардан виждонан меҳнат қилиш, ёруғ келажагимиз олдидаги масъулиятлилик, кўрсатилаётган юксак эътиборга муносиб жавоб бериш талаб этилади.

Демак таълим-тарбиянинг сифати, самарадорлиги биринчи навбатда сифатли таълимга боғлиқ. Сифатли таълим эса халқона тилда айтганда яхши муаллимга, ўқитувчи ва тарбиячига боғлиқ.

Инсон пайдо бўлибдики, таълим-тарбия пайдо бўлган. Таълим-тарбия пайдо бўлибдики устоз-мураббийларга хос бўлган сифатлар ҳамда талаблар ортиб борган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “яхши»деган сўзнинг ортида доимо ижобийлик, самарали натижага эришганлик тушунчаси туради. Яъни, яхши муаллимларнинг яхшилиги уларнинг юқори натижаларга эришган ўқувчилари ҳамда жамиятда ўз ўрнини топган шогирдларининг кўплиги билан изоҳланган.

Педагогика соҳасида илмий тадқиқотларда “Ўқитувчиларнинг маҳорати”, “Замонавий ўқитувчининг қиёфаси”, “Ўқитувчиларнинг касбий компетентлилиги»мавзуларда бир қатор илмий изланишлар, тадқиқотлар амалга оширилган. Уларнинг барчаси илмий тилда ёзилган бўлиб, асосан “Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак ?»деган саволга жавоб изланган.

Шу йўналишда халқ таълими тизимида ҳам сифатли таълимни жорий этиш мақсадида барча ўқитувчилар тушунадиган содда ва аниқ тилда “Дарс муқаддас”, “Ўрган-ўргат”, “Соғлом муҳит – соғлом жамоа”, “Узлуксиз ва узвий»каби бир қатор инновациялар амалиётга жорий этилди.

Мазкур инновацияларнинг мантиқий давоми сифатида “Яхши муаллим – сифатли таълим” номли ташкилий- методик тадбирлар комплекси тавсия этилмоқда. Навбатдаги инновация олдингиларидан ўзининг энг муҳим бир хусусияти, аввалги тавсияларни ўзида мужассамлаштирганлиги ва уларни ривожлантирганлиги ҳамда тизимда ўз-ўзини баҳолаш методини жорий этилиши билан фарқ қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда яхши муаллим қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

— Ўз фани бўйича яхши касбий тайёргарликка эга бўлиши (доимий равишда фанидаги методик янгиликлардан хабардор бўлиши);

— Дарс жараёнида педагогик ва ахборот - коммуникация технологияларидан ўз ўрнида самарали фойдалана олиши;

— Дарсга қўйилган мақсадларга эришиши, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг ақлий ва маънавий ривожланишига шарт-шароит, имконият яратиши;

— ҳар бир ўқитувчининг қўлида қоғоз ва электрон шаклда (флешка, компьютерда ва бошқалар) фани бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, тақвим-мавзу режа, дарс ишланмаси (конспекти) мавжуд бўлиши ҳамда ўқитувчи булар ҳақида пухта билимга эга бўлиши лозим;

2006 йил 3 август – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “2006-2007 ўқув йилини **“Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили”** деб номлаш тўғрисида”ги 6/5-ҲБ–сонли буйруғи.

Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанининг таълим тарбия жараёнига таъсирини, ўқувчиларнинг мазкур фанга бўлган қизиқишларини, билим самарадорлигини ошириш, ҳозирги замон фан ва техникасини ўрганишга бўлган интилишларини ўстиришга эътиборни кучайтириш давр талабидир. Шундай экан, уларни ижодкорликка ундаш мақсадида ўқитиш жараёнига илғор педагогик технологияларни олиб кириш, компьютер техникасидан фойдаланиб дарс ташкил этиш, натижада мустақил фикрловчи, ижодкор, баркамол шахсни тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни фидойилик билан амалга ошириш лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида физика фанини ўқитишда табиатда учраб турадиган физик ҳодисаларни бевосита кузаташ, хулоса чиқариш ҳамда уларга оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун мунтазам амалий машғулотлар ташкил этиб борилиши керак. Физика фани экспериментал фан бўлганлиги учун ўқувчиларнинг назарий олган билимларини амалиётда синаб кўришлари учун тажриба-намойишлар кўрсатиш, лаборатория машғулотларини ўтказиш ишларига хам эътибор қаратишимиз лозим.

1. Физикадан ўқув жиҳозлари, лаборатория асбоб ускуналари, замонавий компьютер техникаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш ва уларни сақлаш ҳамда калибровкадан ўтказиш.
2. Илғор тажрибали ўқитувчилардан замонавиий ўқитиш технологияларини фойдаланган ҳолда дарс ўтишга оид тақдимотлар ташкил этиш.
3. Ўқувчиларни физика фанига қизиқишини орттириш учун “Синфдан ташқари ишларни»яъни тўгараклар ва тадбирлар ўтказиш юзасидан фикрлашиш лозим.
4. Физика дарсларида электрон дарслик, ўқув фильмлардан фойдаланиш йўллари. Бунда «Компьютер Осиё ИТЛ»ташкилоти томонидан 6,7,8,9-синфлар учун яратилган ўқув фильмларини дарс жараёнида қандай фойдаланиш, интернет хизмати бўйича ўқитувчиларга методик ёрдам бериш мақсадида тавсиялар бериш зарур.

Ахборот-коммуникацион технологиялари ҳозирги вақтда энг долзарб мавзулардан бири бўлиб, сабаби ҳар бир соҳани ўрганиш, изланиш ва тажриба орттириш учун турли усуллардан фойдаланиш зарурлигидир. Шунинг учун боғча ёшидан то мукаммал касбни эгаллагунга қадар янги ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги замон мутахассислари фаолият доиралари қандай бўлишидан қатъий назар, физикф ва

информатика бўйича кенг кўламдаги билимларга, замонавий ҳисоблаш техникаси, информацион алоқа ва коммуникация тизимлари, оргтехника воситалари ва улардан фойдаланиш борасида етарли малакаларга эга бўлиши ҳамда янги информацион техника ва технология асосларини, унинг эртанги куни, ривожи тўғрисидаги билимларни ўзида мужассамлаш тирган бўлиши керак.

Замонавий ҳисоблаш техникалари ва информацион технологиянинг кун сайин ривожланиб, жамиятнинг эса тобора информатизациялашиб бориши сабабли узлуксиз таълим тизимининг ўрта ва юқори босқичларига информатика, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини компьютерлаштириш бўйича бир қатор ўқув фанлари киритилган. XX аср ўрталарига келиб тезкор машина механизмларидан фойдалана бошланди, мураккаб техника ва технологиялар ўйлаб топилди. Кўпгина масалаларни ҳал қилиш жараёнида ахборот ҳажми беҳисоб бир мажмуага айланди ҳамда бу ахборотларни йиғиш ва узатиш воситаларини яратиш, уларни вақтида қайта ишлаб, бошқариш учун зарур бўлган чораларни белгилаб чиқиш керак бўлиб қолди. Кўпчилик вазифаларни бажаришда бошқариш жараёнларини такомиллаштириш, ахборот тизимини жорий этиш, мутахассисларни компьютерда ишлашга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот-коммуникацион технологиялари ўқувчиларни рағбатлантиради ва уларнинг қизиқишини оширади. Ахборот-коммуникацион технологиялари ўқувчиларни келажакдаги фаолиятига тайёрлашга кўмак беради.

Ҳозирги замонда меҳнат фаолияти ўқувчилар қониқиш билан ишлатаётган компьютерлар, технологиялар, дастурлар ва қурилмалар ёрдамида бошқарилади. **Ахборот-коммуникацион технологиялари XXI асрнинг янги таълим бериш воситасидир.** Ахборот-коммуникацион технологиялари ўрганиш ва ўқитишнинг янги имкониятларини очиб беради.

Ахборот-коммуникацион технологиялари ўқитувчиларнинг касбий ўсиши учун уларга ўз фанлари бўйича ўқитишнинг янги усулларини киритишга, янги ёндашувларни қўллашга, ғояларни рўёбга чиқариш ва янги кўникмаларни ривожлантиришга имконият яратади. Ахборот-коммуникацион технологиялари ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишга имконият яратади ахборот-коммуникацион технологиялари ўқув жараёнини оқилона бошқариш ва назорат қилиш орқали вақтни ҳамда маблағни тежайди. Ахборот-коммуникацион технологиялари дарсларга тайёргарлик жараёнини қисқартиради ва ўқиш жараёнини ўқувчилар учун қизиқарли ҳамда кўнгилочар қилади. Ахборот-коммуникацион технологиялари мослашувчандир.

Ахборот-коммуникацион технологиялари турли ёшдаги ўқувчилар, турли даражадаги ўқитувчилар учун мослаштирилиши мумкин ҳамда таълим жараёнида ўқитувчилар ва ўқувчилар учун кўмакдир.

Ахборот технологиялари фақат фан ва техника ҳодисаси бўлмасдан, иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Бундан 3500 йил олдин файласуф Конфуций»**эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсам тушуниб етаман»,** деган экан. **Таълимда информацион ҳамда педагогик технологияларни қўллаганда ўқувчи эшитиш, кўриш, кўрганлари ассосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлади.** Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкиллаштириш учун маълум бир шарт-шароитлар мавжуд. Биринчидан, ахборот ресурслари бўлиши керак.

Буларга:

- ✓ **шахсий компьютер;**
- ✓ **проектор;**
- ✓ **мультимедиа воситалари;**

✓ **сканер (мураккаб схемалар ва чизмаларни, негатив плёнкадаги тасвирларникомпьютерга ўтказиш учун);**

✓ **рақамли фотоаппарат;**

✓ **Видеокамера (видеоконференциялар ўтказиш ва яна бошқа мақсадлар учун);**

✓ **Принтер, нусха кўчирувчи қурилма (тарқатма материалларни қоғозга тушириш ва кўпайтириш ва яна бошқа мақсадлар учун) ва бошқаресурслар киради.**

ZIYONET SAYT SATELITLARIDA VIDEO LAVHA JOYLASHTIRISH.

Kamalova N.I. – BVPKQTMOI tabiiy fanlar kafedrasi o`qituvchisi
Xamidov S.X. – Buxoro shahar 24-IDTM o`qituvchi

Veb sahifalar tasvirlar, animatsiyalar va video lavhalar bilan boyitiladi. Ammo ziyonet portalida yaratilgan sayt satelitlarda joylashtiriladigan fayllar hajmi chegaralanganligi sababli video fayllarni to`g`ridan-to`g`ri joylashtirib bo`lmaydi. Buning uchun video fayllar boshqa sahifaga yuklanadi so`ng o`sha video lavhaga ssilka ya'ni havola qo`yiladi. Masalan www.mytube.uz sahifasida video lavhalar joylashtirish mumkin, shuningdek boshqalar joylab qo`ygan fayllarga havola orqali murojaat qilishimiz mumkin. www.mytube.uz sahifasiga oldindan joylashtirib qo`yilgan ingliz tiliga oid video faylni saytga joylashtirish yo`lini ko`rib chiqamiz.

www.mytube.uz sahifasi tanlanadi. "Поиск" yozuvi o`rniga "ingliz tili" yozuvini kiritib "Enter" tugmasi bosiladi.Sahifaning pastki qismida ingliz tiliga oid video lavhalar ko`rinadi. Biz ulardan birini tanlaymiz.

Video lavha ostida "встроить»yozuvi tanlanadi:

Undan video lavha kodi yozib olinadi:



Veb saytga "Video darslar»nomli sahifa hosil qilinadi.

Yozuv maydoni yuqorisidan "MyTube Video»tugmasi tanlanadi.



Bunda muloqot oynasi ochiladi. Unga yuqoridagi kod kiritiladi:



Ok tugmasi bosiladi.



Natijada shifaga video fayl joylashtiriladi.



GOOGLE QIDIRUV TIZIMIDAN FOYDALANISHNING QO`SHIMCHA IMKONIYATLARI

Болтаев Б. – Республика таълим маркази бўлим бошлиғи
Камолов И.Р. – Бухоро ВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси

Internet foydalanuvchilari ko`p murojati aynan google qidiruv tizimi orqali amalga oshiriladi. U o`zining qulayligi va tezkorligi bilan boshqa qidiruv tizimlaridan ajralib turadi. Googleni yuklab ixtiyoriy so`zni kiritib u haqida ma'lumotni osongina topish mumkin. Ammo uning qo`shimcha imkoniyatlarini bilish izlanayotgan ma'lumotni tez topish imkoniyutini beradi. Quyida ma'lumotlarni izlashni osonlashtirish yo`llari keltirilgan.

- **Ma'lum jumlaga oid ma'lumotlarni qidirish.**

Keltirilgan jumlani aynan topish uchun qidirilayotgan jumla qo`shtirnoq ichiga olinadi. Masalan:

"2016 yil sog`lom ona va sog`lom bola yili"



- **Ma’lum saytdan ma’lumotni izlab topish mumkin**. Masalan:

site:utube.uz tabiat

Natijada aynan utube.uz saytidagi tabiat haqida ma’lumotlar ko`rsatiladi.



- **Izlanayotgan jumladagi biror so`zni qoldirib qidirish.**

Masalan, siz izlayotgan she’r yoki jumladagi biror so`zni unutib qo`ydingiz unda ushbu so`z o`rniga “*” belgisini qo`yish mumkin.

“Serquyosh hur o`lkam elga * najot”

- **Keraksiz so`zni tashlab qidirish qidirish**

Aytaylik, saytdan tadbirlarning ssenariysi izlanayotgan bo`lsin ammo yangi yil tadbirining ssenariysi kerak emas. U holda keraksiz so`z oldiga “-“ belgisi qo`yiladi. Masalan:

tadbir senariysi -yangi yil

- **O`xshash saytlarni qidirish.**

Masalan ziyonet ta’lim portali unga o`xshash saytlarni topish uchun:

related:ziyonet.uz

- **Yoki sharli qidiruv**

Buxoro yoki Samarqand tarixi haqida ma’lumot kerak bo`lsin u holda

Buxoro|Samarqand tarixi

So`zlarini kiritib ikkala shahar haqidagi ma’lumotlarni ko`rish mumkin.

- **Berilgan so`zlar birga qatnashgan matnni topish**.

Misol uchun, Bobur va Navoiy so`zlari birga yozilgan jumlani topish uchun ular nomlari orasida “&” belgisini ishlatish kifoya:

Navoiy&Bobur

- **Ma’lum vaqt oralig`ida sodir bo`lgan ma’lumotlarni qidirish.**

Buning uchun yillar orasida “…” qo`yilai. Masalan:

buxoro konferensiya 2012...2015

- **Berilgan formatdagi fayllarni qidirish.**

Ma’lumotlar internetda turli kengaytmalarda joylashgan bo`lishi umkin. Masalan: “.pdf”, “.djvu”. Ammo ko`pincha “.doc»kengaytmali fayllar kerak bo`ladi. Faqat shu kengaytmali fayllarni topish uchun:

Ibn SIno filetype:doc

- **Qiymat bo`yicha qidiruv.**

Biror tovarni ma’lum narxda sotib olish uchun har bir saytdan uni narxini ko`rib chiqish kerak. Buning o`rniga qiymat orasiga “..»belgisini ishlatish orqali izlanayotgan mahsulotni tez topish mumkin. Maslan:
samsung televizor 5000000.. 7000000

- Googleni kalkulyator sifatida ishlatish mumkin. Masalan:

15*35

ТАЪЛИМ САМАРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

З. Холмирзаева – Наманган ВХТХҚТМОИ Табиий ва аниқ фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Ўқув дастурида кўрсатилишича, кимё фани ўқитувчисининг асосий вазифаси-фаннинг зарурий тушунчалари асосида кимёвий жараёнларни бошқариш, замонавий усуллар билан янги моддалар олиш ва улардан нафақат саноат, қишлоқ хўжалиги миқёсида, балки кундалик турмушда, оилада ҳам фойдаланишнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беришдан иборат.

Президентимиз таъкидлаганларидек “Янги авлодни тарбиялаш-халқни тарбиялаш деганидир”. Ўқитувчи ўзининг асосий вазифасидан келиб чиқиб, бугунги кун янгиликларини ўқувчиларга етказишда ўқувчиларни билим олиш жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириши, мустақил, эркин фикрлашга ўргатиши, ўқувчилар ташаббускорлигини ривожлантириб бориши даркор.

Яхши режалаштирилмаган, чуқур ўйланмаган, шошилинч лойиҳалаштирилган ва ўқувчилар имконияти билан уйғунлашмаган дарс сифатли бўлмайди. Дарс бу- ўқитувчини умумий ва педагогик маданиятининг кўзгуси интелектуал бойлигининг ўлчови, унинг билим даражаси эрудицияси (билимдонлиги)нинг кўрсатгичидир.

Ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлиги жиҳатидан уларни уч тоифага бўлиш мумкин. Дарсга пухта ва ўртача тайёргарлик кўрадиган ҳамда ишга юзаки ёндошадиганлар. Дарга тайёргарлик жараёни ўқув йилидан аввалроқ бошланиши лозим. Педагог қайси синфда дарс ўтишини билганч, ўқув дастурини ўрганиб, тушунтириш хатини ўқиб чиқиши, фанига оид илмий, методик адабиётлар билан танишиши керак. Конфренция, семинарларда иштирок этиш, тажрибали ўқитувчилар билан тажриба алмашиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳам педагог билимининг бойишига ёрдам беради.

Бугунги кунда ўқувчиларга сифатли таълим беришда замонавий педагогик технолигиялардан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Педагогик технолигия-бу фанни ўқувчига содда, лўнда, халқчил ва илмий тушунтириш. Бунда ҳар хил усуллардан, дидактик материал ва фаоллаштирувчи машғулотлардан фойдаланилади.

Ҳозирги таълим методларини такомиллаштириш интерфаол таълим-тарбия усулларини жорий қилишдан иборат.

Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчилар, мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосаларни чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, соғлом мулоқат музокара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради.

Дарснинг сифати-дарс ўтиш методларидан тўғри ва мос равишда фойдаланиш демакдир. Кимё фанини ўрганишнинг бошланғич даврида замонавий педагогик технологиялар асосида саёҳат дарсларини ташкил этиш муҳимдир.

Масалан: **“Сайёрамиз бўйлаб саёҳат”** дарсларини ташкил этиш**.**

Бир қатор элементлар жойлар номи билан аталган.

12 Mg – Магний- магнезия –(Италия) шарафига, 31 Ga –Галлий - Галия Франциянинг қадимги номига, 32 Ge– Германий - Германий Германия шарафига, 44 Ru–Рутений- Россия шарафига қўйилган.

“Коинотга саёҳат” дарсларини ташкил этишда**.**

2–He – Гелий (Гелиос – қуёш), 34– Se - Селен (Селене – ой),

52– Te - Теллур (Теллус – ер), 93–Np– Нертуний (Нептун – планетаси).

“Олимлар салтанатига саёҳат” дарсларини ташкил этишда**.**

Бир қатор машҳурлар номлари кимёвий элементларга берилган

64–Gd– Годолоний- Фин кимёгари И. Гадолин шарафига,

96–Cm– Калифорний- Пер ва М. Кьюрилар шарафига,

99 –En– Енштейний- Енштейн шарафига номланган

Даврий жадвалдаги кимёвий элементлар Ер сайёрасининг турли минтақаларида турли даражада тарқалган. Жумладан, ватанимиз Ўзбекистонда ҳам нодир ноёб ва сийрак металлардан Au, Ag, Cu, Re, Mo, Pb, Zn, VV, Cd, Ni, Os, V, Sc, Te, Se каби металларнинг конлари бор. Булардан ташқари, бизнинг ватанимизда кўплаб қимматбаҳо минераллар учрайди. Ана шундай минераллардан “Авиценнит”, “Берунит” ва “Хамробаевит” лар ўзбек олимлари Ибн Сино, Беруний ва Иброҳим Хамробоевлар номи билан аталади.

Дарсларда **“Лойиҳавий таълим технологиялари”**дан фойдаланиш ҳам дарс сифат ва самарадорлигини оширишда яхши натижа беради. Бунда ўқувчилар лойиҳа устида ишлайдилар. Ўқитиш ўқувчи шахсига қаратилган, ўқитувчи эса кўмакчи вазифасини бажаради. Узоқ муддат давомида ўқувчилар гуруҳларда ишлайдилар, маълумотлар излайдилар, экспертларга мурожаат қиладилар, лойиҳа якунида амалга оширилган ишлар юзасидан тақдимот қиладилар (веб-сайт яратадилар, брошюра ёки буклет ясайдилар, видеоклип яратадилар).

Кимё дарсларида боблар якунида ёки дарсдан ташқари машғулотларда Лойиҳавий таълим технологияларига асосланган ўқувчиларни тез фикрлашга ундовчи “Ўйлаб топ” масалалари тузиш дарслари ўқувчиларни изланишга ундайди. Бу масалалар олдин ўқувчилар томонидан оғзаки ечилиб, сўнг амалий исботланади. Бундай масалалар содда, аммо кенг билимни талаб қилади. Ундан ташқари бошқа фанлардан олган билимларини такрорлашга имкон беради.

Қуйида ана шундай масалалардан эътиборингизга ҳавола этамиз:

Металлар бобида металларнинг бир-биридан фарқ қилиб турган хусусиятларидан жумладан: солиштирма оғирлиги, ранги, аланга ва сувга бўлган муносабатларидан масалалар тузса бўлади.

1-Масала. Калий, кальций, натрий, мис каби металлар берилган. Уларни ҳеч қандай реактивдан фойдаланмай энг содда усулда қандай аниқлаш мумкин?

Ечиш: Уларни аланга рангининг бўяшига қараб ажратилади. Аланганинг сариққа бўялгани натрий, бинфша ранга бўялгани калий, ғиштсимон-қизилга бўялгани кальций, кўк-яшилга бўялгани мис бўлади. Жавобнинг тўғрилигини амалий кўриш мумкин.

2-Масала. Кислоталар бобига оид масала. Номи ёзилган аммо яхши беркитилган тўртта бир хил идишда концентрик кислоталар берилган бўлиб, бирида H_2SO_4, иккинчисида HCl, учинчисида HNO_3 ва тўртинчисида H_3PO_4 бор. Қайси идишда қандай кислота борлигини ҳеч қандай реактивдан фойдаланмай аниқланг?

Ечиш: Ўқувчи қайси идишда қандай кислота борлигини топиш учун, аввало тўртала кислотани физик ва кимёвий хоссаларини яхши билиши керак. Ўшандагина анализ қилиш тартибини ўқувчи тўғри олиб бориши мумкин. Анализ қилиш тартиби: А. Тўртала идишни алоҳида алоҳида кўтариб кўрилади. Энг оғири H_2SO_4 бўлади (H_2SO_4 бошқа кислоталардан деярли 1,5 баробар оғирдир.) Қолган уччала идишдаги кислоталарни қапқоқлари алоҳида-алоҳида очиб кўрилади: Б. Қайси идишдан оқ тутун ажралиб чиқса ўша идиш HCl бўлади. С. Агар идишдан қўнғир тутун чиқса ўша идиш HNO_3 бўлади. Г. Агар охирида қолган идишда ҳеч қандай тутун чиқмаса (учувчан бирикмалар чиқмаса) ўша идишдаги H_3PO_4 бўлади. (жараён мўрили шкафда кузатилади) Жавобни тўғрилигини амалий иш қилиб кўриш мумкин.

Лойиҳа давомида ўқувчилар бир қанча турли ҳил масалаларни ҳал этадилар, лекин лойиҳанинг ўзи ҳар доим ҳам муаммога қаратилган бўлмаслиги мумкин. Лойиҳалар тадқиқотларга асосланган бўлиши мумкин, лекин лойиҳанинг мақсади ҳар доим ҳам ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш бўлмайди.

Болани ўқишига қанча вақт камроқ кетиб, янги билим яратишга кўпроқ вақти қолса шунча таълим самарадорлиги ортади.

Ушбу замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларни фан доирасида мустақил тарзда фикр юритишга ўргатишга йўналтирилган бўлиб, унинг якунида қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- ўқувчиларнинг фанни чуқур ўрганишларига туртки беради;
- кимё ва табиат, кимё билан бошқа фанлар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида тасаввур уйғотади;
- ўқувчининг ўз кучига бўлган ишончини орттиради.

KOMPYUTER - MASHQ BAJARTIRISH VOSITASI

Jumayev J., BuxDU dotsenti, f.m.f.n., dotsent,
Jumayeva N.J., BuxDU "boshlang`ich ta'lim va sport tarbiyaviy ish»ta'lim yo`nalishi 4-bosqich talabasi

Inson hayoti turmush tarzini bugungi kunda axborotsiz va kompyuterlarsiz tasavvur etib bo`lmaydi. Hayotimizda, atrofimizda kompyuter texnologiyasi katta muhitni qamrab olganini ko`rib turibmiz. Undan nafaqat katta yosdagilar, balki kichkintoylar ham o`zlarining kundalik faoliyatlarida doimiy ravishda foydalanishlari bugungi kunda odatiy holga aylanib qoldi. Maktabgacha tarbiya yoshidagi va boshlang`ich sinflardagi bolalar ta'limiy mashg`ulotlar jarayonida, oilada ham katta yoshdagilarga taqlid qilgan holda kompyuterdan foydalana boshladilar. Bu esa o`z navbatida bolaning shakllanishida ma'lum ma'noda ta'sir qiladi, bu jarayonda bola kompyuter bilan muloqot jarayonini o`zlashtirib boradi.

"Maktabgacha yoshdagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga qo`yiladigan davlat talab"larida bolalar tafakkurini rivojlanishida ularning ilk matematik tasavvurlarini uzluksiz o`stirib borish muhim o`rin tutishi, bolalar matematik tasavvurlarini asosan, turli o`yinlar orqali rivojlantirish maqsadga muvofiqdir, deyilgan.

Kompyuterda mashq bajartirish — o`quv jarayonida va mustaqil ravishda ishlashda katta o`rin egallaydigan, bolalarning o`quv-biluv faoliyatlarini tashkil qilish va boshqarish usuli o`rnini bosuvchi, faoliyat tashuvchi, tegishli predmetning mazmuniga loyiq, bilim, ko`nikma va malakalarni maqsadga yo`naltirgan holda shakllantirish vositasi bo`lgan ta'lim metodlarining bir formasi hisoblangan, nazariya bilan amaliyotning aloqa vositasi bo`lgan ko`pqarashli ta'lim hodisasidir.

Shuningdek, hozirgi davrda ko`p joylarda ixtisoslashtirilgan maktablar tashkil qilinmoqda va ularga o`quvchilar tanlov asosida qabul qilinmoqda. Bunga misol sifatida Buxoro shahridagi 38- va 39-umumiy o`rta ta'lim maktablarini misol qilib olish mumkin. Bu esa qabul qilinadigan o`quvchilarga bo`lgan talabni oshirmoqda. Demak, maktabgacha ta'lim muassasalarida va ota-onalar oldida bolani maktabga tayyorlashda matematikadan ko`pgina mashqlar bajartira oladigan

ta’lim metodikalarini tashkil qilish kerak. Bunda yuqorida ta’kidlangan kompyuter texnologiyalaridan ham foydalanish katta ahamiyatga ega.

Matematikadan ana shunday misollarni echishni mashq qilishda kompyuterdan foydalanish uchun dasturiy vositalar kerak bo`ladi. Ushbu dasturiy vositalar maktabgacha ta’lim kursi talablaridan, boshlang`ich sinflar ta’limi rejalaridan kelib chiqadi.

Bolaga 1 dan 50 gacha bo`lgan sonlarni so`rab oluvchi dasturni Paskalda quyidagicha tuzish mumkin:

```
Uses crt;
Var I,j,k:integer;
Begin Randomize;  For i:=1 to 10 do begin  k:=random(10);
Write(k,’ dan keying sonni kiriting→’);  Read(j);
If j=k+1 then writeln(‘tog``ri’) else writeln(‘notog``ri’);  End; end.
```

Bu yerda ekranda hali bola tushunmasligi mumkin bo`lgan “dan keying sonni kiriting” kabi eslatmalarni ovozli holda ham tashkil qilish mumkin. Bunday dasturlarni ixtiyoriy sonlar chegarasida, kamayib borish tartibida va hokazo tuzish mumkin.

Keyingi guruhdagi dasturlarga bir, ikki xonali sonlar ustida qo`shish, ayirish amallarini bajartirib olish mumkin. Bunda tasodifiy ravishda ikki yoki uchta son olinib, ularning yig`indisi yoki ayirmasini topishni so`raladi. Bunday misollar A+B, A+B+C, A-B+C, A+B-C, A-B kabi ko`rinishlarda berilishi mumkin, albatta bunda ayirmada manfiy son chiqmaydigan qilib sonlar tanlash sharti qoyiladi. Misollar sonini ko`paytirib, to`g`ri ishlanganlariga qarab bolaga baho ham qo`yish ham mumkin.

Yuqoridagi talablarni hisobga oluvchi bir xonali sonlar ustida qo`shish amalini bajartirish dasturini Paskal dasturlash tilida quyidagicha yozish mumkin:

```
Uses crt;
 Var I,j,a,b,c:integer;
Begin Randomize;
For  I:=1 to 10 do begin  repeat  a:=random(10);  until a<>0;
repeat  b:=random(10);  until b<>0;
write(a,'+',b,'=');  read(c);
if (a+b=c) then begin writeln('to``g``ri');j:=j+1; end
 else writeln('noto``g``ri');   end;
writeln('siz 10 ta savoldan ',J,' tasiga to``g``ri javob berdingiz'); end.
```

Umuman olganda, kompyuter bilan muloqot, bolalarda avval o`yin faoliyati kabi, keyinchalik esa o`quv faoliyati sifatida haqiqiy qiziqish yug`otadi. Bola qiziqish bilan topshiriqlarni bajaradi, bunda kompyuter bola qobiliyatini o`stirish bilan birga, unda mustaqillik, irodalilik, chidamlilik sifatlarini tarbiyalaydi, tevarak atrofga munosabatini boyitadi.

TALABALAR MUSTAQIL ISHINI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Boratova M., G`oyibova N.H. Navoiy davlat pedagogika instituti Tabiiy fanlar fakulteti

Insoniyat paydo bo`lgandan buyon axborot bilan bevosita ish ko`radi. Ma’lumki, axborot – barcha sezgi organlarimiz o`rqali qabul qila oladigan ma’lumotlar majmuini va ularning o`zaro bog`lanishini tushunamiz.

Hozirgi globallashuv jarayonida jamiyatimizning barcha sohalarining taraqqiy etishida, ayniqsa, ta’lim sohasining rivojlanishida axborot texnologiyalarining ahamiyati ayniqsa yuqori. **Axborot texnologiyalari** esa – bu aniq texnik va dasturlar vositasining majmuidir.

Mamlakatimiz fuqarolarning axborotni izlash, olish va uni tarqatish bo`yicha Konstitutsiyaviy huquqlarini ta`minlash hukumatimiz tomonidan aniq belgilab berilgan va bu borada qator qonun, farmon va qarorlar qabul qilingan. Avvalo bu qonunlarimiz asosi bo`lgan konstitutsiyada belgilab berilgan. Ular quyidagilar:

1. **O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, 29-modda.** Har kim fikrlash, so`z va e`tiqod erkinligi huquqiga ega. Har kim o`zi istagan axborotni izlash, olish va uni tarqatish huquqiga ega…

2. **O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, 30-modda.** O`zbekiston Respublikasining barcha davlat organlari, jamoat birlashmalari va mansabdor shaxslari fuqarolarga ularning huquq va manfaatlariga daxldor bo`lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqish imkoniyatini yaratib berishi lozim.

3. **O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, 35-modda.** Har bir shaxs bevosita o`zi va boshqalar bilan birgalikda vakolatli davlat organlariga, muassasalariga yoki xalq vakillariga ariza, taklif va shikoyatlar bilan murojaat qilish huquqiga ega.

Ma'lumki, fuqarolarning axborotni izlash va olish bo`yicha konstitutsiyaviy huquqlarni ta`minlash demokratik va huquqiy davlatni shakllantirishning eng muhim shartlaridan biri hisoblanib, konstitutsida ko`rsatilgan moddalarga muvofiq axborotlashtirish sohasidagi qator asosiy me`yoriy-huquqiy hujjatlar ishlab chiqilgan. Hukumatimiz tomonidan qabul qilingan "Axborotlashtirish to`g`risida»(2003 y.), "Axborot-kutubxona faoliyati to`g`risida»(2011 y.) qonunlari; Davlatimiz prezidentining "Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada joriy etish va rivojlantirish chora-tadbirlari" to`g`risidagi (PQ-1730-son, 21.03.2012 y.) qarori ana shunday hujjatlar jumlasiga kirib, unda ta'lim sohasiga zamonaviy axborot texnologiyalarini qo`llash ishlarini rivojlantirish ko`zda tutilgan.

Axborot texnologiyaari yordamida ta'lim oluvchilar ma'lumotlarni izlashi, qayta ishlash mumkin. U bilan bog`liq bo`lgan hayotdagi turli tuman masalalarni hal etamiz. Hozirgi kunda axborot texnologiyalaridan asosiy didaktik va ko`rgazmali vosita sifatida biologiya darslarini o`qitish jarayonida, ayniqsa oliy ta'lim muassasalarida talabalarning mustaqil ishlarini bajarishida eng qulay didaktik vosita sifatida foydalanilmoqda. Shu o`rinda talaba mustaqil ishi to`grisida to`xtalib o`tamiz.

Talaba mustaqil ishi (TMI) - muayyan fandan o`quv dasturida belgilangan bilim, ko`nikma va va malakaning ma'lum bir qismini talaba tomonidan fan o`qituvchisi maslahati va tavsiyalari asosida auditoriya va auditoriyadan tashqarida o`zlashtirilishiga yo`naltirilgan tizimli faoliyatdir.

Oliy ta'limda o`qishning boshlang`ich bosqichlarida talabalar mustaqil ishini tashkil etishda bir qator vazifalarni amalga osirish lozim. Buning uchun avvalo, har bir professor-o`qituvchi dastlab talabaning intilishlari va qobiliyatlarini o`rganishi, so`ngra talabalarda o`z qobiliyatlariga va aqliy imkoniyatlariga ishonch uyg`otishi, ularni sabr-toqat bilan, bo`sqichma-bosqich mustaqil bilim olishni to`g`ri tashkil qilishga o`rgatib borishii lozim bo`ladi. Oliy ta'lim muassasasida endigina o`qishni boshlagan talaba ta'lim olish jarayonida o`z mustaqil faoliyatlarini tashkil etishga qiynaladi. Shuning uchun boshlang`ich kurs talabalariga mustaqil faoliyatini tashkil etish uchun tushunchalar va ko`rsatmalar berish zarur. Ular quyidagicha bo`lishi mumkin:

- Ma'lumotlarni topish uchun asosiy manbalar bilan tanishtirish (adabiyotlar, kurs ishlari, bitiruv malakaviy ishlari, internet ma'lumotlari va boshqalar);
- Ma'lumotlarni qanday qilib topish yo`llarini o`rgatish (o`quv zallari, Axborot resurs markazlari);
- Ma'lumotlarni tahlil qilish va tartibga solishga o`rgatish (daftarda, axborot texnologiyalari orqali);
- Konspektlashtirsh va unda o`z fikrini aniq va yetarlicha ifodalab bayon etishni;
- Ularga o`z vaqtlarini to`g`ri taqsimlay olishni;
- O`z aqliy va jismoniy imkoniyatlariga to`g`ri baholay olish yo`llarini o`rgatish lozim.

Shunigdek, mustaqil faoliyatni ularga nechog`lik zarur va ahamiyatli ekanligini tushuntira olishimiz kerak. Talabalarda mustaqil faoliyatni tarkib topgandan so`ng, talaba yuqorida qayd etilgan tavsiya va ko`rsatmalardan foydalangan holda fanlar bo`yicha berilgan mustaqil ta'lim topshiriqlarini bajarish imkoniga ega bo`ladilar. Talabalar mustaqil ta'lim topshriqlarini bajarishda adabiyotlardan foydalanish bilan bir qatorda zamonaviy axborot texnologiyalar tarkibiga kiruvchi kompyuter vositasidan, shuningdek elektron darsliklar, adabiyotlarning elektron variantlaridan, biologiyani o`qitishda laboratoriya mashg`ulotlarini o`tkazishda foydalanish uchun virtual

laboratoriya dasturlaridan, internet ma'lumotlaridan keng foydalanish mumkin. Bu esa albatta, biologiyani o`qitishda ko`rgazmali metodlardan unumli foydalanishni talab etadi.

O`qitish jarayonida ko`rgazmali metodlarning qo`llanilishi, o`quv materiali mazmunidan kelib chiqqan holda obektlar va hodisalarni hissiy idrok etish, ularni taqqoslash, o`ziga xos xususiyatlarni aniqlash, umumlashtirish, sintezlash, xulosa yasashga imkon beradi. Ko`rgazmali metodlar o`qitish jarayonida og`zaki, amaliy, mantiqiy, muammoli metodlar bilan, shuningdek o`qitishning interfaol usullari uyg`un holda qo`llaniladi. Masalan, o`quvchilarga ko`rgazma asosida o`quv materialini o`rganish bo`yicha topshiriqlar o`qituvchi tomonidan og`zaki, yozma, didatik kartochkalar, boshqotirmalar tarzida beriladi. Topshiriqlarni elektron shaklini ham berish mumkin. Topshiriqlarni bajarish jarayonida ko`rgazmalilik amaliy metodlar bilan birikib ketadi, ya'ni talaba topshiriqlarni bajarish jarayonida bevosita ta'limning didaktik vositalaridan – darslik, adabiyotlar, elektron darslik, kompyuterlardan foydalanadilar. Natijada talaba topshiriqlar ustida ham mustaqil, ham ijodiy ish olib boradi, o`qituvchi tomonidan berilgan muammolarni yechimini topib, o`z o`rganganlarini tahlil qiladi, umumlashtiradi va taklif-mulohazalarini ishlab chiqadi.

Bizga ma'lumki ko`rgazmali vositalar turiga ko`ra – tabiiy, tasviriy, texnika vositalariga bo`linib, ulardan ta'limda ta'lim mazmunini yoritishda keng foydalaniladi. Bu borada o`qitishnimng texnika vositalaridan, ayniqsa ekranli vositalar, zamonaviy axborot texnologiylari vositalaridan bo`lgan kompyuter tizimidan biologiya darslarida foydalanishning amaliy ahamiyati juda katta.

Hozirgi kunda jamiyatimiz taraqqiyotida muhim o`rin tutadigan kompyuter va axborot texnologiyalari vositalari ham mazkur vositalar jumlasiga kirib, u ta'lim tizimida ham qo`llanilmoqda. Kompyuter texnologiyalaridan biologiya fanini o`qitishda foydalanish o`quvchilarni bilish faoliyatini faollashtirishda, shu bilan birga o`quvchi-talabalarning mustaqil va ijodiy faoliyatini tarkib toptirishda, talabalarning mustaqil ishini tashkil etishda keng imkoniyatlar beradi.

Biologiyani o`qitish jarayonida ko`rgazmali metodlardan, xususan, kompyuter texnologiyalaridan o`z o`rnida va samarali foydalanishning quyidagi afzalliklari mavjud:

- o`quvchilarda ko`rgazmali-obrazli tafakkurni rivojlantirish, o`quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish, aqliy faoliyat usullarni egallash;
- o`rganilayotgan nazariy masalalarni aniqlashtirish, darsda bevosita kuzatish imkoni bo`lmagan hodisa va jarayonlarni modellashtirish;
- biologik ob'ektlarni kuzatish, ular ustida tajribalar o`tkazish, olingan nazariy bilimlarni amaliyotga qo`llash, o`rganilgan hodisalarni sxema, jadvallar asosida aniqlashtirish va tasniflash;
- auditoriya soatlaridan tashqari axborot resurs markazlarida yoki uyda shaxsiy kompyuterlarda fanlar bo`yicha berilgan mustaqil topshiriqlarni bajarishda ma'lumotlar to`plash, uni qayta ishlash orqali ilmiy ma'ruza, maqola, tezislar, turli mavzular bo`yicha taqdimotlar tayyorlash imkonini beradi.

Bu esa oliy ta'lim muassasalarida o`qitilayotgan fanlardan ma'lumotlarning ko`pligi, auditoriya soatlarining cheklanganligi, dars jarayonini yangi pedagogik va innovatsion texnologiyalar asosida tashkil etilayotganligi talabalarga o`z ustida tinimsiz, mustaqil va ijodiy izlanishlar olib borishini talab etadi. Buning uchun talabalar darslik, uslubiy qo`llanma va turli adabiyotlardan tashqari zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanishni mukammal bilishi zarur.

BIOLOGIYA TA'LIMIDAGI PEDAGOGIK INNOVATSIYA VA INNOVATSION FAOLIYAT – TA'LIM SIFATINING KAFOLATI

Boratova M., Shodiyeva O.M., Yo`ldosheva M.B. Navoiy davlat pedagogika instituti o`qituvchisi

Hozirgi vaqtda "Innovatsiya" tushunchasi tilimizda juda keng qo`llanilmoqda. Innovatsiya so`zi inglizcha so`z bo`lib — "innovatsion" - yangilik kiritish degan ma'noni bildiradi. Demak, innovatsiya – tizim ichki tuzilishini o`zgartirish, deb ta'riflanadi. Innovatsiya amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo`lib, ijtimoiy-madaniy obyekt sifatlarini yaxshilashga yo`naltirilgan ijtimoiy subyektlarning harakat tizimidir.

Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo`lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlardir. Ular tashabbuslar va yangiliklar asosida tug`ilib, ta'lim mazmunini rivojlantirish uchun istiqbolli bo`ladi. Shuningdek, umuman ta'lim tizimi rivojiga ijobiy ta'sir ko`rsatadi. Innovatsiya — ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya, shakl va metodlar, muammoni yechish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo`llash, oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishiga olib kelishi ma'lum bo`lgan oxirgi natijadir.

Bugun ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni quyidagicha tasniflash mumkin:

- faoliyat yo`nalishiga qarab (pedagogik jarayondagi, boshqaruvdagi) — kiritilgan o`zgarishlarning tavsifiga ko`ra (lokal, modulli, tizimli);
- kelib chiqish manbaiga ko`ra (shu jamoa uchun ichki yoki tashqaridan olingan)

Innovatsiyalar odatda bir necha muammo kesishgan paytda vujudga keladi va umuman yangi masalalarni hal qiladi, pedagogik jarayonning uzluksiz yangilanib borishga olib keladi. «Yangiliklarni joriy qilish»tushunchasi bizningcha, yangilik, ham ana shu yangilikni amaliyotga joriy etish jarayonidir. Yangilik – bu alohida olingan shaxs uchun yangi bo`lgan g`oyadir, bu g`oya obyektiv ravishda yangi yoki yangi emasligi ahamiyat kasb etmaydi, biz uni vaqt bo`yicha — yangilik ochilgan payt yoki undan birinchi marta foydalanilgan paytda aniqlaymiz.

Yangilikni joriy qilish predmet mazmuniga ko`ra uchta asosiy guruhga bo`linadi: 1) texnik-texnologik; 2) mahsuliy; 3) ijtimoiy. O`z navbatida bularga quyidagilar kiradi: iqtisodiy, tashkiliy-boshqaruv, xususiy-ijtimoiy, huquqiy. Ta'lim tizimidagi har qanday yangilik innovatsiya bo`la olmaydi. Shu sababli»novatsiya»va»innovatsiya»tushunchalari o`rtasidagi asosiy farqlarni ko`rsatib o`tish zarur. Buning uchun islohot faoliyatining aniq shakli, mazmuni va ko`lami asos bo`lib xizmat qiladi.

Agar faoliyat qisqa muddatli bo`lsa va yaxlit tizim xususiyatiga ega bo`lmasa, o`z oldiga muayyan tizimdagi faqat ba'zi elementlarini o`zgartirishni vazifa qilib qo`ygan bo`lsa, u holda biz *novatsiya* bilan muloqot qilayotgan bo`lamiz. Agar faoliyat ma'lum kontseptual yondashuv asosida amalga oshirilayotgan bo`lsa va uning natijasi o`sha tizim rivojlanishiga yoki uning prinsipial o`zgarishiga olib kelsagina *innovatsiya* deya olamiz.

Har ikkala tushuncha mezonlari quyidagicha: innovatsiya amaldagi nazariya doirasida amalga oshiriladi, ko`lam va vaqt bo`yicha chegaralanadi, metodlar yangilanadi va natijasi avvalgi tizimni takomillashtiradi. Innovatsiya esa tizimli, yaxshi va davomli bo`ladi, ma'lum amaliyotda yangi faoliyat tizimini loyihalaydi, amaliyot subyektlari pozitsiyalarini to`la yangilaydi. Bunda faoliyatning yangi yo`nalishlari ochiladi, yangi texnologiyalar yaratiladi, faoliyatning yangi sifat natijalariga erishiladi, natijada amaliyotning o`zi ham yangilanadi. Innovatsiyaning amaliyotga kiritilishi innovatsion jarayonlarda amalga oshiriladi.

Innovatsion jarayon deb — innovatsion o`zgarishlarga tayyorgarlik ko`rish va uni amalga oshirish jarayoniga aytiladi. Innovatsion jarayon — bu pedagogik yangiliklar, bu yangiliklarning pedagogik hamjamiyat tomonidan o`zlashtirilishi va ulardan ilmiy asosda amaliyotda samarali foydalanishning o`zgarib boruvchi yaxlitligidir. Ta'lim jarayonidagi innovatsion o`zgarishlar, ta'lim tizimiga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o`qituvchi faoliyatini yangilash va o`zgartirish orqali amalga oshirilishi ham atroflicha o`rganilgan.

Innovatsion faoliyat – bu uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo`lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O`qituvchi innovatsion faoliyati xususiyatlarini o`rganib chiqqan pedagogik olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovatsion faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblash mumkin:

- Ijodiy faoliyat falsafasini egallashga intilish;
- Pedagogik tadqiqot metodlarini egallash;
- Mualliflik kontseptsiyalarini yaratish qobiliyati;
- Tajriba – sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish;
- O`zidan boshqa tadqiqotchi-pedagoglar tajribalarini qo`llay olish;
- Hamkasblar bilan hamkorlik;
- Fikr almashish va metodik yordam ko`rsata olishlik;
- Ziddiyatlarning oldini olish va bartaraf etish;

- Yangiliklarni izlab topish va ularni o`z sharoitiga moslashtirib borish kabilardir.

Innovatsion faoliyat davrida yangiliklar, innovatsiyalar, tom ma'noda ta'lim jarayoniga kirib keladi. Shu sababli ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni pedagogik jarayonga kiritish 4 bosqichda amalga oshiriladi: 1. Muammoli tahlil asosida aniqlash; 2. Mo`ljallanayotgan ta'lim tizimini loyihalash; 3. O`zgarishlar va yangiliklarni rejalashtirish; 4. O`zgarishlarni amalga oshirish.

Innovatsion faoliyatga tayyorlashdan maqsad – o`qituvchining yangilikka intiluvchanligini, mustaqil o`z ustida ishlash ko`nikmasi va malakasini shakllantirish, yangi pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlardan foydalanib, dars va darsdan tashqari mashg`ulotlarni o`tkazish malakasini takomillashtirishdan iborat. Demak, innovatsion faoliyat – yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yorining yuzaga kelgan me'yor bilan to`qnashuvchi natijasida vujudga kelgan qator muammolarni yechishga qaratiladi. Innovatsiyalar doimiy ravishda pedagogik faoliyatga yangiliklar olib kirish orqali ta'lim rivojiga hissa qo`shadi, pedagogik faoliyatga ijobiy ta'sir ko`rsatadi.

O`qituvchining innovatsion faoliyati butun pedagogik jamoani harakatga keltiruvchi, olg`a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuch vazifasini bajaradi va ta'lim jarayonining sifatini kafolatlaydi. Shuning uchun ham innovatsiyani har bir o`qituvchi tushunib, o`qib va o`rganib, o`zining pedagogik faoliyatiga olib kira olsa, ta'lim standartlarida ko`rsatilgan me'yoriy talablar amalga oshadi.

O`qituvchi innovatsiyion faoliyatga tayyor bo`lib, darsga eng so`nggi yangiliklarni olib kirib, o`quvchiga qiziqarli va uni ehtiyojiga mos ravishda tashkil etsagina, sifat va samaradorlikni kafolatlashi mumkin. Oqituvchi oqitayotgan har bir fanining mazmunini to`liq o`chib berishda innovatsion faoliyatni mukammal amalga oshirish zarur. Biologiya ta'limi mazmunini o`quvchiga tushuntirishda didakik o`yinli texnologiyalarni va innovatsion texnologiyalarni qo`llash uchun innovatsion faoliyatga tayyorgarlik zarur. Bunda o`qituvchi yuksak mahorat sohibi bo`lishi lozim. Ana shunday yuksak pedagogik mahoratga ega o`qituvchi innovatsion faoliyatni yaratadi va shakllantira oladi, sinfda esa innovatsion jarayonni yuzaga keltira oladi.

Shunday qilib, biologiya ta'limida yo`lga qo`yilgan pedagogik innovatsiya va yuzaga keltirilgan innovatsion faoliyat – ta'lim sifatinining kafolati bo`ladi deb, adl ayta olamiz. Chunki biologiya ta'limida yuzaga kelgan innovatsion faoliyat va inovatsion jarayon ta'lim mazmunini o`zlashtirilishini natijaviyligini to`la kafolatlaydi va ta'lim oluvchilarni har tomonlama barkamol shaxs darajasida tarbiyalash hamda o`z sohasi bo`yicha raqobatbardosh kadr sifatida yetishib chiqish imkonini beradi.



GEOGRAFIYA DARSLARIDA TABIATGA EKSKURSIYAGA CHIQISHNING AHAMIYATI

Buranov Y.O., Tursinova U. – Navoiy davlat pedagogika instituti, katta o`qituvchi
Faxriddinova S. – Navoiy konchilik kolleji o`qituvchisi 3-bosqich talabasi

Tabiatga ekskursiya o`kazish maktab "Tabiiy geografiya" kursi dasturining majburiy talabidir. Lekin shunga qaramay hamma geografiya o`qituvchisi ham bu ishni doimiy bajarmaydi, bunga asosiy sabab shuki, ekskursiya o`tkazish oddiy darsga qaraganda ancha murakkabdir. Bundan boshqa sabab ham bor, chunki ekskursiya o`tkazishga ko`p vaqt ketadi. Agar maktab katta shaharda joylashgan bo`lsa, tabiatga ekskursiya o`tkazish juda ham murakkablashadi. Bunda asosiy qiyinchilik shuki ekskursiya o`tkaziladigan joyga yetib borish ko`pincha qiyin bo`ladi. Shu sababli ham shahar sharoitida daryo, soy, yer yuzasi shakllarini va h.k. larni o`rganish uchun tabiatga bir necha marta ekskursiya o`tkazish mumkin. 5-sinf o`quvchilari bilan tabiatga ikki marta ekskursiya qilish, ya`ni bir marta kuzda–yil bo`yi o`rganilishi lozim bo`lgan geografik ob`yektlar bilan tanishish maqsadida va bir marta bahorda-geografiya darslarida olingan nazariy bilimlarni mustahkamlash uchun ekskursiya tashkil etilsa yetarli bo`ladi. Tabiatshunoslik va geografiya fani boshlang`ich kursida tabiat, tabiatni kuzatish va tabiatga ekskursiya qilish maqsadga muvofiqdir. Shunday ekan o`quvchilarga dars jarayonida tabiat qonunlarini o`rgatishdan keyin uni kuzatish va tabiatga ekskursiya qilish bilan bog`liq bo`lgan suhbatlar olib borish maqsadga muvofiqdir. O`quvchilar tabiatni juda sevadi, unga mehr qo`yadi, sayohat qilgisi keladi. Bu hissiyot albatta tabiiy holdir. Bunday orzu qilgan o`quvchi, albatta geografiya faniga qiziqadi. O`quvchilarning geograrfiya faniga qiziqishini yanada kuchaytirish uchun avvalo o`qituvchining o`zi ham tabiatni sevishi kerak, sayyoh ham bo`lishi kerak. Kartani, topografik kartani yaxshi bilishi umuman olganda, juda ko`p narsalardan xabardor bo`lishi kerak. Ish tajribalari shuni ko`rsatadiki, bolalarni sinflararo guruhlarga bo`lib, avvalo maktab atrofiga keyinchalik uzoq va yaqin masofalarga ekskursiyaga olib borish maqsadga muvofiq. O`quvchilar geografiya darsi dasturiga muvofiq dastlab 5-6-7-sinflarda tabiatga olib chiqilsa, ular tabiatdan tabiiy ko`nikma olishadi. 8-9-sinflarda esa shahar bo`ylab ekskursiya ishlab chiqarish korxonalari, madaniy markazlarda o`tkaziladi. Chunki, sinflarda mamlakatimiz madaniy o`choqlari, sanoati, chet mamlakatlar iqtisodiy turmush sharoiti, dunyo aholisi geografiyasi, dunyo xo`jaligining asoslari o`qitiladi. Shu munosabat bilan o`quvchilar tushunchasini shahar hayoti ekskursiyasi bilan to`ldirib borish imkoniyatlari tug`iladi. "Ekskursiya» lotincha so`z bo`lib, tabiatni kezish, sayr qilish demakdir. Ekskursiya 18 asr oxiri 19 asr boshlarida Yevropa mamlakatlarida paydo bo`lgan va O`zbekistonga 1945 yildan so`ng yetib keldi. 1969 yil mamlakatimizda turizm (sayyohlik) muassasalari tuzilib u mukammal- lashib bordi. Maktab o`quvchilari uchun alohida 25 ta ekskursiya sayyohlik stansiyalari ochildi.

Ekskursiya quyidagi turlarga bo`linadi: 1. Maktab tevarak-atrofidagi ekskur- siya 2. Tabiatni kuzatish ekskursiyasi 3. O`quv-reja bo`ylab ekskursiya 4. Ishlab chiqarish korxonalariga ekskursiya 5. Madaniy ekskursiya 6. Kompleksli ekskursiya.

Mamlakatimiz Prezidenti I.Karimov mustaqillik davri boshidan buyon O`zbekiston shaharlaridagi qo`hna obidalarni qayta ta`mirlashga ko`p mablag` ajratdi va ularni ta`mirlashda bosh-qosh bo`lmoqda. Jumladan, Samarqand shahrida ko`plab yodgorliklar, madrasalar va boshqa obidalarni qaytadan tiklashga keng yo`l ochildi. Chelak tumanidagi Imom al-Buxoriy maqbarasi zamonaviy sharqona usulda qayta tiklanib, Makka shahridan keyin turadigan ikkinchi jannatmakon ziyoratgoh joyga aylantirildi. Nurota shahridagi "Chashma" me`moriy ziyoratgohi ham qayta ta`mirlanib juda ko`plab sayyohlarni o`ziga jalb qilmoqda. Sayyohlar nafaqat O`zbekistondan balki xorij mamlakatlardan ham ko`plab kelishmoqda. Ekskursiyani maktab o`quvchisining yoshiga, sinf va ma`lumotiga ko`ra bosqichma-bosqich rejalashtirish kerak. 1-bosqich 5-sinfda "Tabiiy geografiya" ning boshlang`ich kursidagi ekskursiya: Maktab va maktab atrofi, maktabdan 3 km gacha bo`lgan tepaliklari bor qishloqlar, ariq-buloqlar, terakzorlar ularga kompas yordamida borish o`sha yerning ob-havosi, o`simliklari hayvonot olami va hokazolarni o`rganish.

Ekskursiya vaqtida o`quvchilarga kamroq gapirib, ko`proq ko`rsatishga bolalarning fikr yuritib xulosalar chiqarishga intilish lozim. O`quvchilar ekskursiya chog`ida berilgan topshiriqlarni yon daftarlariga yozib oladilar. Misol tariqasida shunday topshiriqlardan bir nechtasini keltiraman.

1-Topshiriq.

1. Gorizont siz turgan joydan qaysi tomonda ochiq, qaysi tomonda yopiq?
2. Markaziy dehqon bozori va "So`g`diyona" o`yingohi siz turgan yerdan qaysi tomonlarda joylashgan?

2-Topshiriq.

1. O`z qadamingizning kattaligini aniqlang (100 yoki 200m masofani o`qituvchi oldindan o`lchab qo`yadi).
2. Sizdan 500 m narida g`arb, sharq, shimol, janub tomonda nima joylashgan?

3-Topshiriq.

1. O`zingiz turgan joydan maktab bog`igacha bo`lgan masofani ko`z bilan chamalab aniqlang va uni qanchalik to`g`ri aniqlaganingizni qadamlab yoki ruletkada o`lchab tekshiring?
2. Ekskursiya o`tkazilayotgan hududdagi o`simlik va gullardan namunalar olib gerbariylar tayyorlang?

4-Topshiriq.

1. Ekskursiya qilinayotgan hududdan uygacha va maktabgacha bo`lgan maydonni ko`z bilan chamalab marshrutni yon daftarga chizing?
2. Yasama nivelir bilan tepa (yon bag`ir,jar) balandligini o`lchab chiqing?

5-Topshiriq.

1. Siz turgan tekislik yoki tepalik qanday tog` jinslaridan tarkib topgan?
2. Bu tekislikka yoqqan yomg`ir va qor suvlari qayerga oqib ketadi?

5-sinf o`quvchilari topografik plan bo`yicha bajarishlari mumkin bo`lgan bir qancha topshiriqlarni keltiramiz:

1. Planni kompas yordamida oriyentirlash.
2. O`zingiz turgan nuqtani planda belgilab qo`yish.
3. Necha km yo`l bosilganini aniqlash.
4. O`zingiz turgan joydan ko`rinadigan predmetlargacha bo`lgan masofani aniqlash.
5. Turgan joyingizdan ko`lga borish uchun qaysi tomonga yurish va qancha masofa bosish kerakligini aniqlash? Bu ishlarni bajarish uchun quyidagilar zarur: planshet, chizg`ich, rezinka, qalam, kompas, ruletka, nivelir.

Bahorgi ekskursiya aprel-may oylariga to`g`ri keladi bunda o`quvchilar tabiatdagi o`simlik gullardan namunalar yig`ishlari kerak va gerbariylar tayyorlanadi.

Har bir geografiya o`qituvchisi bo`lgan kasbdoshlarim ham o`z kasbini astoydil sevsa kuch-g`ayratini ayamasa o`z faniga o`quvchilarni qiziqtira bilsa uning qilgan mehnati o`z mahsulini beradi. O`quvchiga o`z Vatanini, o`z yurtboshisini sevish hissiyoti tug`iladi. Shundagina biz ona Vatanimizga yetuk, o`qimishli farzandlar tayyorlab bergan bo`lamiz.

DARS JARAYONLARIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH.

Xoliqova K., Navoiy viloyat pedagogika va xizmat ko`rsatish kolleji o`qituvchisi

XXI asr – axborotlashtirilgan jamiyat asrida axborot texnologiyalarning roli va o`rni kundan–kunga o`sib boraveradi, hamda har bir jabhaning ajralmas qismiga aylanib boradi. Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish ta'lim samaradorligiga erishishda muhim omildir. Bugungi kunda hayotimizni axborot-kommunikatsiya texnologiyalarisiz tassavur etib bo`lmaydi. Globallashuv jarayoni ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) dan keng foydalanishni talab etadi. O`qitishning zamonaviy usullari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo`llamasdan turib, o`qituvchi o`z kasbiy faoliyatida samarali natijalarga erisha olmaydi. Ammo bunda ta'limning maqsad va mazmuni, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to`g`ri tanlash muhim ahamiyatga ega. Hozirgi kunda kompyuterlar ta'lim tizimida asosan to`rt yo`nalishda foydalanilmoqda:

-o`rganish ob'ekti sifatida;
- o`qitishning texnik vositalari sifatida;
- ta'limni boshqarishda;
- ilmiy-pedagogik izlanishda.

Kompyuterli o`qitishning afzalliklari juda ko`p: o`quvchilarda ma'lum malakalarni shakllantirish vaqti qisqaradi; mashq qilinadigan topshiriqlar soni oshadi; o`quvchilarning ishlash sur'ati jadallashadi; kompyuter tomonidan faol boshqarishni talab qilinishi natijasida o`quvchi ta'lim sub'ektiga aylanadi; o`quvchilar kuzatishi, mushohada qilishi qiyin bo`lgan jarayonlarni modellashtirish va bevosita namoyish qilish imkoniyati hosil bo`ladi; kommunikatsiya vositalaridan foydalangan holda darsni uzoqdagi manbalar bilan ta'minlash imkoniyati hosil bo`ladi; kompyuter bilan muloqot didaktik o`yin xarakterini oladi va bu bilan o`quvchilarda o`quv faoliyatiga motivatsiya kuchayadi va hokazo.

Kompyuterli ta'lim jarayonida ta'lim o`quvchi va kompyuter orasidagi munosabatlarga ko`ra tashkil etiladi, boshqariladi, nazorat qilinadi.

Kompyuterli ta'limni tashkil etish–o`quvchi bilan o`quv materiali o`rtasidagi bog`lanishni kompyuter vositasida yo`lga qo`yish.O`quvchi bilan o`quv materiali o`rtasidagi bog`lanishni tashkil etish uchun ta'lim loyihalanadi. O`quvchilarning o`quv ishlarini tashkil etish, ular faoliyatini rag`batlantirish tegishli vositalar asosida modellashtiriladi.

Ta'lim jarayonida foydalanishga mo`ljallangan ko`plab elektron o`quv materiallari yaratilganki, unga elektron darslik, elektron o`quv qo`llanma, o`rgatuvchi dastur vositalari kabilarni misol qilib ko`rsatish mumkin. Ular o`zida boshqarilish imkoniyati, interfaol uslublar, sun'iy intellekt elementlari, hissiy moslashuvchanlik kabi xususiyatlar muvjudligiga ko`ra ta'limda ma'lum samaradorlikni ta'minlaydi.

Axborot texnologiyalari qo`llanadigan darslarning qulayligi shundaki, unda o`quvchining o`quv materiallarini o`zlashtirib olayotganligini doimiy ketma–ket kuzatishga, nazorat olib borishga, kerak holarda tuzatishlar kiritib borishga imkoniyat yaratiladi.

Shuning uchun ham axborot texnologiyalari asosidagi darslarda qiziqish, o`zini - o`zi boshqarish, yangi bilimlarni o`zlashtirib borishga intilish dars oxirigacha saqlanib qoladi. Bunday darslarda o`quvchining bilim olish motivatsiyasi oshib boradi. Ta'lim jarayoni – bu avvalo axborot almashinish jarayonidir. O`qituvchi o`quvchiga bilimlarni ma'lum qiladi (tegishli axborot beradi) va o`z navbatida teskari aloqa tarzida undan bayon qilingan bilimlar qanday o`zlashtirilganligi haqida tasavvur hosil qiladigan axborot oladi. Bu axborot o`quvchilarning diqqat bilan o`tirishlarida, o`qituvchiga qarab turishlarida, yuz ifodalarida o`z aksini topadi. Agar teskari aloqa bo`lmaganda edi, o`qituvchi bergan axborotining o`quvchilar tomonidan qanday qabul qilinayotganini bilmagan bo`lar edi. Teskari aloqa o`qituvchiga o`z nutqini davom ettirish yoki to`xtatish, ish turini o`zgartirish, umuman, faoliyatini korrektura qilish imkonini beradi.

Pedagogik tadqiqotlarda axborot texnalogiyalaridan foydalanish har qachongidan ham dolzarb bo`lib, ular yordamida o`sib kelayotgan yosh avlod ta'lim-tarbiyasida ma'lum bir yutuqlarga erishiladi. Shuni unutmasligimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda halqimizning ertangi kuni qanday bo`lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim olishlariga bog`liq.

Shunday ekan, axborot kommukatsion vositalar bilan ishlash hozirgi zamon davr talabi hisoblanadi. Axborot-kommukatsion vositalardan o`qitish jarayonlarida foydalanish uning sifatini va samarasini oshiradi, o`rganuvchiga qulay sharoit yaratadi.

Prezidentimiz I.A.Karimov tashabbusi bilan jamiyatning barcha jabhalari, xususan, ta'lim tizimida zamonaviy axborot texnalogiyalaridan keng foydalanishni yo`lga qo`yishga qaratilayotgan e'tibor samarasi o`laroq, bugun jamiyatning barcha sohalari va halqimiz turmush tarziga kompyuter texnalogiyalari chuqur kirib borayapti.

Jamiyat hayotiga kompyuterning keng miqiyosda kirib kelishi fuqarolarga axborot olishga bo`lgan imkoniyatlar eshigini ochib berdi.

Tobora shakllanib borayotgan kompyuter texnologiya axborotni yetkazish va qabul qilishda yangi munosabatlarni vujudga keltiradi, fikrlashning yangi turini hosil qiladi.

ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕГАРАЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАР МАТЕМАТИК БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА АКТ НИНГ ЎРНИ

Қудратова А., Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-эшитиш имконияти чекланган ўқувчилар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат математика фани ўқитувчиси

Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, айни пайтда кенг кўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ҳозирги кунда ўқувчилар учун информацион саводхонлик таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Айниқса, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, технология, ахборот, компьютер, мултимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда.

Таълим тарбия соҳасидаги масалаларнинг такомиллашиб бориши ва янги имкониятларнинг юзага келиши умумтаълим мактаблари қатори махсус таълим муассасаларида таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун ўқитиш усулларини янгилаб туришга эҳтиёж туғилмоқда. Ўқувчилар томонидан назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг ўзлаштирилиши ўқув жараёнининг турли–туман шаклларида амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун барча мавжуд воситалардан кенг фойдалана билиш лозим. Замонавий таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув жараёнини ўқувчиларнинг имкониятларини инобатга олиб, улар учун мос ва хос ҳолда ташкил этилиши муҳим саналмоқда. Жисмоний ёки ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар назарий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда ўта қийинчиликларни бошдан кечиради. Ўқитувчи болаларга бўлган илиқ муносабати, моҳирона қўллаб – қуватлови, мулоқат ўрната олиши ўқувчиларда нафақат дарсларга фаол иштирок эта олишларини уйғотади, балки улардаги ўз имкониятларига ишончини юзага келтиради. Айрим таълим олувчилар бевосита ўқиш орқали, баъзилари эса эшитиб идрок этиш, бошқалари эса (видеофильмларни) кўриш орқали таълим олишни ва билимларни ўзлаштиришни хуш кўрадилар.

Интерфаол мультимедия технологиялари билим олиш эҳтиёжига эга бўлган таълим олувчига ноанъанавий қулайлик туғдиради. Хусусан, эшитиш сезгисида нуқсони бўлган таълим олувчиларда ўқиш малакалари ўсишига, шунингдек, уларнинг ахборотларни қулай ўзлаштиришларини таъминлайди. Нутқи ва жисмоний имконияти чекланган ўқувчиларда эса АКТ воситаларидан уларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиқиб фойдаланишга имкон беради.

Мультимедиа воситалари таълим беришнинг самарали ва истиқболли қуроли бўлиб, у ўқитувчига :

- анъанавий маълумотлар манбаидан кўра кенг кўламдаги маълумотлар массивини тақдим этиш
- кўргазмали ва уйғунлашган ҳолда нафақат матн, графиклар, схемалар, балки, овоз, анимациялар, видео ва бошқалардан фойдаланиш
- ахборот турларини таълим олувчиларнинг қабул қилиш (идрок этиш) даражаси ва мантиқий ўрганишига мос равишда кетма-кетликда танлаб олиш каби имкониятларни яратади.

Ҳар бир мавзуни ўзига хос кўргазмали ва мультимедия воситасида тайёрлш ҳар бир ўқитувчи учун қизиқарли ва мароқли ишдир.

“Кубик”, “Интернет”, “Компрютерлаштирилган дарс”, каби интерфаол усуллардан махсус таълим амалиётида самарали фойдаланиш мумкин.»**Кубик».** Хар томонлама фикрлаш, тасаввур қилиш, тафаккур қилиш, кўрсатиш, фаолликни оширишга қулай

бўлганлиги билан хам ажралиб турувчи усул. Бу усулдан фойдаланишни 2 хил тарзда қўллаш мумкин:

1. Коғоздан кубик ясаб олти томонига саволлар ёзиб қўйилади, ташланган кубик томонга тушса, ўша саволга жавоб беради. Бу усулни ўтказишдан олдин барча саволлар ватман коғозга ёзиб қўйилади. Бир нечта кубик (2-3 та) ишлатиш ҳам мумкин.

2. Коғоздан кубик ясаб томонларига: Буни графигини чизинг! Буни таққосланг! Буни ўзаро боғланг! Буни тахлил килинг! Буни қўлланг! Бунинг оддий ва мураккаб томонларини далиллар билан исботланг! саволлари ёзиб қўйилади. Мавзу эьлон қилинади ва хар бир ўқувчи саволларга жавоб ёзади. Масалан: **Квадрат тенгламани ечинг**: деб ёзиб олтита бир хил қийинликдаги тенглама ёзилади. Мавзу, матн олдиндан тайёрлаб қўйилади.

«Интернет»усули компьютерларнинг локал тармоғи бўлиб, бутун интенет тармоғига боғланиб олиб борилади. Бунда ўқувчи интерактив усуллар, ўқиш, ўрганиш, ўз интеллект ва интеллектуал даражасини ошириш учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу усулда билимдон ўқувчи интернет ролини ўйнаши ҳам мумкин.

«**Компрютерлаштирилган дарс**»усулида компьютерда дастурлаштирилган мавзуни ўрганадилар ва ўз билимлари оширибгина қолмай компрютерда ишлаш малакаси ҳам ўзлаштирилади.

Ногирон болалар жамиятнинг тўлақонли аъзолари сифатида ўз ўрнини топиши учун шароит яратилиши лозим бўлган муассаса бу- мактаб. Агар бола махсус мактабми, ёки умумтаълим мактабидами таълим олмасин, у учун жараён турфа имкониятларни инобатга олган ҳолда ташкил этилмас экан, педагогик жараёндан кутилган натижа бесамар қолаверади.

TA’LIM TIZIMIGA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH

Xoliqova G., Ergasheva N., Navoiy viloyat XTXQTMOI o`qituvchilari
Eshpo`latova D., NavDPI talabasi

Asrimizni globallashtirish va axborotlashtirish asri deb yuritilmoqda. Darhaqiqat har tomonlama rivojlanayotgan jamiyat taraqqiyotini axborot texnologiyalarisiz, ayniqsa kompyuterlarsiz tasavvur etish mushkul. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) sohasi inson faoliyatining yuqori sur’atlarda, shiddat bilan rivojlanib borayotgan alohida sohalaridan hisoblanadi.

Hozirgi kunda axborot texnologiyasi jamiyatning jadal rivojlanishiga ta’sir etuvchi eng muhim omildir. Pedagogik va psixologik tadqiqotlarda shu narsa ta’kidlanmoqdaki, AKT o`quvchilarning nazariy, ijodiy va refleksiv tafakkuri rivojlanishiga katta ta’sir etadi. O`quvchining xotirasida u yoki bu hodisa, jarayonning obrazli ifodalanishi o`quv materialini boyitib, uning ilmiy jihatdan o`zlashtirilishiga yordam beradi. Elektron hisoblash mashinalarining birinchi avlodidan ikkinchi avlodiga o`tish davri yillar bilan o`lchangan bo`lsa, endilikda bir necha oylar davomida ularning yangi avlodlari, turlari yaratilmoqda. Hozir shunday davr keldiki, kompyuterlar o`zining yangi avlodlarini yaratishda va loyihalashda o`zi ham bevosita ishtirok etib, ushbu taraqqiyot jarayonida muhim omil bo`lib qolmoqda. AKTga nisbatan talab va ehtiyoj internetning yaratilishi bilan yanada ortdi. Aynan mana shu AKT texnologiyalar iqtisodiyotimizning barcha yo`nalishlariga, jumladan ta’lim sohasiga ham jadal sur’atlarda kirib bormoqda. Bu esa ta’lim tizimida, xususan o`quv jarayonlarini tashkil etish va amalga oshirish, o`quv-uslubiy ta’minotni rivojlantirish, ayniqsa o`quv mashg`ulotlarini o`tish va o`zlashtirish samaradorligini oshirish borasida yangicha mazmun va mohiyat shakllanishiga asos yaratmoqda. Ta’lim tizimi uchun axborotlashtirish jarayoni — yetuk barkamol shaxslarni jadal rivojlanib borayotgan, axborotlashgan jamiyat sharoitlariga va kelajak hayotga tayyorlash, ta’lim mazmuni, o`qitish metodlari hamda ta’lim shakllarini o`zgartirish, o`sib kelayotgan avlodda o`z hayotini muvaffaqiyatli va mustaqilligа axborot texnologiyalarini samarali tatbiq etish darajasi aniqlanadi. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining ta’lim jarayoniga joriy etilishidan asosiy maqsad — aynan zamonaviy axborot muhiti uchun xarakterli bo`lgan o`quv faoliyatlarining yangi turlarini paydo bo`lishidir. Bugungi kunda dunyo miqiyosida axborot-kommunikatsiya tizimining yuksak darajada rivoj topib

borayotganligi va bu boshqa sohalar qatorida ta'lim jarayoniga ham kirib kelib, uni yanada sifatli tashkil etishga o`z ta'sirini ko`rsatayotganligi barchamizga ma'lum. Bunday sharoitda inson faoliyatining nazariy va amaliy qirralari ham uzluksiz yangilanib turishi tabiiydir. Pedagogik faoliyat ham alohida va murakkab mehnat turi sifatida bundan mustasno emas. Pedagoglar o`z faoliyatlarida kafolatlangan natijalarni qo`lga kiritishga urinmoqdalar.

XXI asrni olimlarimiz tomonidan axborot texnologiyalari asri deb tan olinganligi pedagogik va axborot texnologiyalari kun sayin barcha sohalarda rivojlanayotgani, jumladan, ta'lim sohasida ham yangi axborot texnologiyalaridan keng foydalanish an'anaviy o`qitish usullaridan ko`ra samarali va yuqori natijalarga olib kelmoqda. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ko`zda tutilganidek, pedagogik va axborot texnologoyalari, kompyuterlashtirish va kompyuter tarmoqlari negizida ta'lim jarayonini yangi axborotlar bilan ta'minlash rivojlanib bormoqda. Shuning uchun ham pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga joriy etish, ta'lim samaradorligini oshirish uchun tinimsiz izlanish bugungi kunning ehtiyojiga aylandi. Ta'lim tizimini axborotlashtirish bu butun ta'lim jarayonini samarali tashkil etishdir. Bunda asosan fanning so`nggi yutuqlariga tayangan holda har bir o`quvchi va umumiy jamoaning o`zlashtirganlik faoliyati natijalari, ta'lim jarayoniga axborot texnologiyalarini samarali tatbiq etish darajasi aniqlanadi.Ta'lim sohasidagi atamalar ro`yxatida»Elektron darslik»,»Masofaviy o`qitish kursi»,»Virtual tajriba stendi»,»Virtual ustaxona»,»Videokonferensiya»,»Elektron forum»,»Virtual sinf»kabi yangi so`zlar paydo bo`ldi. Ma'lumki, 2002-yil 30-mayda Respublikamiz Prezidentining PF-3080-sonli»Komphyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to`g`risida»Farmoni e'lon qilingan bo`lib, mazkur farmonning bajarilishini ta'minlash maqsadida O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2002-yil 6-iyunda 200-sonli»Komphyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va Axborot-kommunikasiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to`g`risida»Qarori qabul qilingan edi. Mazkur hujjatlar Respublikamizda axborotlashtirilgan jamiyat tashkil etishda, barcha sohalarda AKT va internetni keng joriy etishda katta turtki bo`ldi va ushbu sohani jadal rivojlanishida munosib zamin yaratdi. Kadrlar tayyorlash Milliy dasturining hozirgi kunda amalga oshirilayotgan asosiy vazifalardan biri – ta'lim sifatini oshirishdir. Aynan mana shu vazifani ta'lim tizimiga zamonaviy AKT tadbiq etmasdan bajarishni ko`z oldiga keltirib bo`lmaydi.Bunga asosiy sabab bo`luvchi omillarni ko`rib chiqaylik.

AKT o`quv mashg`ulotlarni tashkil etishda, talabalarga tavsiya etishda va talabalarning tavsiya etilayotgan o`quv materiallarini to`liq o`zlashtirishlarida qo`l keluvchi vosita bo`lib, o`quv materiallarini tinglovchilarga tushunarli va jonli, qisqa muddatda ko`p ma'lumotlarni etkazib berish kabi yuqori samarali pedagogik-didaktik xususiyatlari bilan ajralib turadi.

AKTni ta'lim jarayonlariga tadbiq etilishi talabalarning, nafaqat talabalarning, balki pedagoglarning ham axborot madaniyati davr bilan hamnafas tarzda shakllanishiga munosib zamin yaratadi. Shuning uchun axborot madaniyati axborotlashtirilgan jamiyatni yaratishda muhim ahamiyatga ega bo`lgan komponentlardan hisoblanadi.

O`qituvchi AKT'dan foydalanib, dars o`tishda bu o`sib kelayotgan avlod uchun mo`ljallangan saboq ekanligini unutmasligi kerak, demak, darsga tayyorgarlik ko`rish jarayonida maqsadga ko`ra dars rejasini tayyorlashi, dars o`quv materialini tanlashda asosiy: tizimlilik hamda muntazamlilik, qulaylik, differentsial yondashuv, ilmiylik va boshqa didaktik tamoyillarga rioya etishi zarur. Barkamol avlodni tarbiyalash – "Ta'lim to`g`risdagi" Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dastiri"da pedagoglar zimmasiga o`ta ma'suliyatli vazifalar yuklangan.Bu dastur yuksak umumiy va kasb-hunar madaniyatiga, ijodiy, ijtimoiy faollikka, siyosiy hamda ijtimoiy hayotda to`g`ri yo`l topa olish mahoratiga ega bo`lgan, istiqbol vazifalarini ilgari surish va hal etishga qodir kadrlarning yangi avlodini shakllantirish, shuningdek, har tomonlama kamol topgan, jamiyatda turmushga moslashgan, ta'lim va kasb-hunar dasturlarini ongli ravishda tanlash va keyinchalik puxta o`zlashtirish uchun ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, psixologik-pedagogik va boshqa tarzdagi sharoitlarni yaratishni jamiyat, davlat va oila oldida o`z javobgarligini his etadigan fuqarolarni tarbiyalashni nazarda tutgan pedagogik g`oyani ilgari suradi.

Xulosa qilib aytganda, ta’lim jarayoniga axborot texnologiyalarining tatbiq etilishi, shubhasiz, boshqaruv malasalarini sifat jihatidan yuqori darajada hal etish va yanada samarali ish usullari hamda shakllariga o`tish imkonini beradi.

ТИББИЙ БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Назарова Ф.И. – ассистент, Тошкент Давлат Стоматология институти Бухоро филиали
Худойқулова Н.И – катта ўқитувчи,
Жабборова О.И – б.ф.н.,доцент в/б,
Амонова Ҳ.И.–т.ф.н.,доцент Бухоро давлат тиббиёт институти

Ахборот технологиялари моҳияти шундан иборткн объект, жараён ёки ҳодисанинг ҳолати ҳақида янги ахборотни ва маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситаси услублари мажмуасидир.

Ахборот- ахборот хизмати тизимларида, фан техника фаолияти турли соҳаларида кадрлар тайёрланишни шакллантирувчи маҳсулотлар йиғиндисидир, яъни ахборот захираларини ишлаб чиқариш ва исътемол этиш фақат жамиятнинг интеллектуал ҳаёти билан чекланади.

Фан техника тараққиёти ишлаб чиқариш ва хўжалик иқтисодий фаолиятининг турли соҳаларида ахборотни автоматик қайта ишлаш қурилмаси – компютерларнинг кенг қўлланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисидаги қарорида ахборот коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мултимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасидаги чет эл тажрибасини чуқур, ҳар томонлама ўрганиб чиқиш ҳамда таълим жараёнида қўллаш ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Таълим тизими ривожланишига айни пайтда соат сайин янгиланиб бораётган компютер ва ахборот технологиялари кўмакдош бўлмоқда десак муболаға бўлмайди. Бугунки кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният тараққиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан, янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Ҳозирги вақтда таълимда ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш, ўқитиш жараёнида юқори натижаларга олиб келди. Таълимнинг ахборот коммуникатив усулларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Бугунги кунда республикамизда ҳам шахсан юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида компютерлаштириш ва ахборотлаштириш шу қадар катта тезлик билан амалга оширилмоқдаки, инсон ўз фаолиятида бу қадар юксак кўтаринкиликни қабул қилиши шартли давр тақозаси бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг асосий сабаблардан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жарёнда шахснинг ривожланиши, шакллантириши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларни бажаради.

Тиббий биологияни ўқитишдан асосий мақсад талабаларда биологик саводхонликни оширишдир. Талабалар ирсият ва ўзгарувчанликнинг моддий асослири, ирсият ва ўзгарувчанлик, турли хил ривожланишда организмда ирсият ва ўзгарувчанлик қонунларини ўзига хослиги ва фарқи, одам генетикаси методлари, одамдаги белги ва хусусиятларини намоён бўлиши, авлодлар шажарасини тузиш каби илмий тушунчаларни эгаллаши учун

албатта ахборот коммуникация техналогияларидан фойдаланилиш зарур. Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Бундан 350 йил муқаддам Конфуций “Эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсам тушуниб етаман” деган экан. Яъни ўқитувчи маъруза қилганда талаба эшитади ва ахборотни 5%ни эслаб қолади. Кўргазмаларни кўрганда 20% ахборотни эслаб қолади. Кўрган эшитганларини эса 30%ни, мустақил ўқиганлари, таҳлил қилганлари, муҳокама, ҳимоя қилган ва ёзганларини намойиш қилганларимизнинг 75%ни эслаб қолади. Талабалар тиббий биологияда баъзи мавзудаги тушунчаларни тасаввур қилиши қийинроқ. Масалан храмасома, ДНК, РНК ларнинг тузилиши, Г.Менделнинг қонунларини қўлланилиши талабалар ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида кўрса ва эшитса, ўзи мустақил масала ва машқларни бажара олади. Бундан ташқари одамдаги ирсий касалликлар мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ахборот коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда ўтиш ва ўқитиш усулларини ишлаб чиқиб таълим самарадорлигига эришиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунда талабалар ахборотни кўп қисмини эсда узоқ вақт сақлаб қолади. Одамдаги ирсий касалликлар мавзусини янги педагогик технологиялар қаторига ахборот коммуникация технологияларни киритиш зарурияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Чунки, ахборот технологиялардан фойдаланиш талабаларни ўқишга қизиқишини орттиради, сезги ҳиссиётларини билим олишга қаратади.

Бундан кўриниб турибдики ўқитишнинг янги педагогик технологиялари қаторига ахборот коммуникация технологияларни киритиш зарурияти кундан-кунга ошиб бормоқда.

Таълим жараёнида ахборот техналогиялар ёрдамида мавзуни чуқур ўргатиш, тиббий биология, тиббий генетика муаммоларни ечига ўргатиш, талаблар онгида ирсий ва туғма касалликларга замонавий ёндашишни шакиллантиришдан иборат.

Кейинги вақтларда ахборот технологиялари техник воситаларнинг таркибий қисми “ўқитишнинг компютер технологиялари”дан кенг фойдаланилмоқда. Замонавий компютер воситалари мультимедиа технологиялари таълим жараёнида дидактик материал тайёрлаш вазифасини енгиллаштиради.

Мультимедиа–замонавий ахборотлар технологияси маҳсули. У барқарор ва ҳар томонлама гуркираб ривожланаётган замонавий ахборот технологиясидир. Мультимедиа – тасвирли маълумотлар билан ишлашга қодир бўлган восита ҳисобланади. Шу асосида аудио,видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир.

Тиббий биология фанини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг афзаллиги жуда катта бўлиб улар қуйидагилардан иборат.

1. Ўқитилаётган материални намойиш этиш имкониятини беради.Бунда катта экранда турли микроскопик препаратларнинг тафсилоти, ёруғлик ва электорон микроскоп остида кўриниши, уларнинг ўзаро фарқлари намойиш этилади.
2. Мультимедиалардан фойдаланиш назарий билимларни, амалий кўникмалар билан ўзвий равишда олиб бориш имконини бериб, турли таснифлар, схематик кўринишлар, вазифаларнинг қисқа акс эттирилиши шулар жумласидандир.
3. Мультимедиалар аниқ мавзу бўйича жаҳон янгиликларидан бевосита фойдаланиш, яъни адабиётлар материалларини акс эттириш имконини беради.Бундай услуб ўқитувчиларни ўз билим савияларини муттасил ошириб боришга ва тайёрланган мультимедиаларни такомиллаштириш имконини беради.
4. Назарий ва амалий билимларни тушунарли кўргазмали ҳолатда талабаларга етказиш, олинган билимларни узоқ вақт эсда сақланишига ва уларни чуқурлаштиришга ундайди.Умуман олганда, ўқув жараёнида мультимедиалардан фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи томонидан таълимга ижодий ёндошишига ва материалларни мунтазам такомиллаштириб бориш имконини беради.Бу эса, ўз навбатида билим олиш сифатига ижобий таъсирини кўрсатади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки ўқув жараёнида қўлланиладиган мультимедиалар

жуда ҳаракатчан ёки мусиқа билан бирга бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки улар талабаларни диққатини жалб қилиб, асосий материални ўзлаштиришга халақит қилиши мумкин.

Мультимедиалардан кенг фойдаланиш замонавий ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имконини яратади.Бундай услублар талабалар томонидан материални тез ва осон ўзлаштиришни, ҳамда уни узоқ вақт давомида эслаб қолиш имконини беради. Ушбу уллубдан кенг фойдаланиш таълим жараёнининг сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аёндир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай мавзуни ўтишда ахборот коммуникация технологиялари жорий этилиши талабалар эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар, фанга бўлган қизиқишни орттиради. Бу эса таълим самарадорлигини оширишига олиб келади.

TABIIY GEOGRAFIYANI O`QITISHDA ELEKTRON DARSLIKLARNING AHAMIYATI

Rasulova S.A.-NavDPI o`qit.

Axborotni ko`z oldiga keltirish deb anglash jarayoniga yoki ko`z, yoki quloq, yoki baravariga ikkalasi yoki hissiyotlarni ulashdir. O`quv dasturini anglash uning ko`z oldiga keltirishdan boshlanadi. Shuning uchun barcha sezgi organlari ishga tushadi, shu tufayli tez va oson o`quv matnini o`zlashtiriladi. Tasviriy material bo`lishi kam, u tushunarli va o`zaro bog`langan, aktual bo`lishi kerak. Bunda tasvir vositalaridan foydalanadi.

Yaxshi jihozlangan o`quv matni umumiy holatga ijobiy ta'sir etadi. Ranga qiziqish oshadi. Diqqat va faoliyat uyg`unnashadi, kuzatuvchanlik va sezgirlik oshadi, xotira tayyorlanadi, fikrlash jarayoni yengillashadi, o`quv materiali o`zlashtiriladi.

Ya.Kamenskiy XVIII- asrda ko`rgazmalilikni shunday ta'riflaydi: har bir narsani hissiyotlar bilan anglash, o`rganilayotgan obyektni his-tuyg`ular orqali anglash, maket va modellarni o`quvchilar orqali kuzatish, o`qitish ko`rgazmaliligini avval aniq obyektni anglash deb tushunilgan, masalan: real predmet va hodisalar o`z boshlang`ich ko`rinishida mashinalar modellari, ko`rgazmali tarqatma material, jadvallar, va ayrim chizmali dasturlar, o`quv kinofilmlar. Zamonaviy didaktika shuni ta'kidlaydiki, ko`rgazmalilik tushunchasi bu nafaqat konkret vizual predmetlarga tayanish, balki modellarga ham model — bu nima? Odatdagi ko`rgazmalilikdan farqi nimada? Model — bu obyekt yoki obyektlar turlarining shartli ko`rinishi. O`rganilayotgan obyektning tashqi ko`rinishi haqida tasavvur hosil qiluvchi natural predmetlar anglatadi. Model esa faqat hodisa va jarayonning ayrim, zarur bo`lgan tomonlarini ko`rsatadi. Bu tomonlar to`g`ri aks ettirilishi zarur, o`rganilayotgan hodisa uchun izomorf. O`rganish vositalari ko`rgazmali bo`lishi uchun hodisa modelga aylantirilishi kerak, uning asosiy xossalarini ko`rsatish (ya'ni model o`rganilayotgan hodisaga izomorf bo`lishi kerak), modelning tushunarliligini ta'minlaydi. Izomorflik va oddiylik bu ko`rgazmalilikning farqli tomonlari, o`quv modellarining teoriya tushunchalari shakllanishidagi o`rni Davo`dov orqali ilmiy fikrlash asosi deb topildi. Elektron darslik – kompyuter texnologiyalariga asoslangan ta'lim metodlaridan foydalanishga mo`ljallangan o`qitish vositasi bo`lib, undan mustaqil ta'lim olishda va o`quv materiallarini har tomonlama samarali o`zlashtirishda foydalanish mumkin. Elektron darslikda fanning o`quv materiallari o`quvchiga interfaol usullar bilan, psixologik va pedagogik jihatlar, zamonaviy axborot texnologiyalari, audio va video animatsiyalar imkoniyatlaridan o`rinli foydalaniladi.

Elektron darsliklarni loyihalashtirish, ishlab chiqish va o`quv jarayonida keng foydalanish dolzarb masalaga aylanmoqda, chunki ulardan ommaviy ravishda ta'lim sohasida qo`llanila boshlandi. Oxirgi vaqtlarda elektron o`quv nashrlarning turli xillari yaratilib, ular o`z tarkibiga oddiy gipermatn darslikdan tortib masofaviy o`qitishning kompleks tizimlarigacha qamrab olmoqda.

Elektron darsliklarni quyidagi turlarga ajratish mumkin:

- matnning elektron versiyasi;
- kitobning gipermatnli elektron versiyasi;
- grafik, jadval, rasmlar va gipermatnlar mavjud darslik;

• animatsiya, ovoz, grafik, jadval, rasmlar va gipermatnlar mavjud darslik;

•animatsiya, ovoz, grafik, jadval, rasm, gipermatnli va test tizimlari mavjud darsliklar.

Ushbu sohaning yangiligi va o`quv-uslubiy ta'minotning yo`qligi ishlab chiqilayotgan elektron darsliklarning sifat darajasiga jiddiy ta'sir ko`rsatmoqda. Bundan tashqari, darsliklarni yaratishning yagona standartlari majud emasligi va dasturiy vositalarining turli ishlab chiqaruvchilar tomonidan yaratilishi elektron darsliklarni o`quv jarayonida samarali qo`llashga to`sqinlik qilayapti deyish mumkin.

Shuning uchun ham yaratilayotgan elektron darsliklarni baholash mezonlarini belgilab olish lozim. Avvalambor, elektron darsliklar o`tilayotgan darslar sifatini yuksaltirishiga qanday ta'sir ko`rsatishini bilish kerak.

Elektron darsliklarning an'anaviy usullarga nisbatan quyidagi afzalliklarini keltirish mumkin:

1. O`quv axborotlarining taqdim etilish shakli.
2. Kerakli axborotlarni qidirish imkoniyati.
3. Olingan bilimlar darajasini nazorat qilish usullarining mavjudligi.
4. O`qituvchi bilan teskari aloqaning mavjudligi.

Shulardan kelib chiqib, elektron darsliklarni yaratishning quyidagi tamoyillarini keltirishmumkin:

• multimedia ma'lumotlari (matn, grafik, audio, video, animatsiya) asosida axborotlarni taqdim etish;

•qidirishvayo`llashimkoniyatlarinikiritish;

• olingan bilimlar darajasini nazorat qilishning ob'yektiv tizimini kiritish;

• tarmoq texnologiyalari asosida o`qituvchi va o`quvchining o`zaro interaktiv va teskari aloqasiningyo`lgaqo`yilishi.

Elektron darsliklardan o`quv jarayonida keng foydalanishning asosiy muammosi — bu kompyuter ekranidan katta hajmdagi axborotlarni o`qishdir. Ushbu muammoni hal qilish uchun elektron darsliklarni matn va ovoz shaklida taqdim etish mumkin. Bu ikki usul bitta o`quv materialini turli shaklda taqdim etishi bilan farqlanadi, xolos

Elektron darslikning matn usulida material, gipermatn ko`rinishida taqdim etilib, unda grafik, chizma, diagramma, fotografiya, animatsiya va video qo`llaniladi. Elektron darslik materiali o`qituvchiga diktor ovozi bilan yetkazilib, slayd-shou ko`rinishdagi material bilan birga beriladi. Audio va videoaxborotlarning o`zaro birgalikda qo`llanishi o`qitish samaradorligini keskin yuksaltiradi.

Axborot mahsulotlarining respublikamiz hayotida tutgan o`rni va roli ijobiy tomonga o`zgarib bormoqda. Mamlakatimizda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bozori industriyasini tarkib toptirish jamiyatimizda chuqur ijtimoiy o`zgarishlarga olib kelib, uni»industrialdan axborotlashgan jamiyatga»aylantirishiga ishonchimiz komil.

MATEMATIKA VA BIOLOGIYA DARSLARIDA FANLARARO ALOQADORLIKNING TA’LIMIY AHAMIYATI

Ne’matova SH. – JizzaxVXTXQTMOI katta o`qituvchisi

Ne’matova M. – Jizzax shahar 10-maktab biologiya fani o`qituvchisi, magistr

Bugungi kunda mustaqil fikrlaydigan, o`z fikri va dunyoqarashiga ega, jarayonlar va atrofda kechayotgan voqea-hodisalarga teran nazar tashlab, ularga xolis baho bera oladigan barkamol avlodni tarbiyalash har bir o`qituvchi oldiga qo`yilgan muhim talablardan biridir.

Ta’lim sohasidagi hozirgi davr muammolaridan biri, bizning nazarimizda, sinfdagi ko`p sonli o`quvchilar jamoasini o`qitilayotgan fanlarga bo`lgan qiziqishini orttirish orqali ta’lim sifatini oshirishga erishishdan iboratdir. Davlat ta’lim standarti prinsiplarida ham ta’limning mazmuni o`quvchining talabi,ehtiyoji va qiziqishiga qarab belgilanganligi ko`rsatilgan. Lekin, sinfda o`quvchilar soni 15-20 nafar o`rniga, undan 2-2,5 barobar ko`p bo`lganda o`quvchlarini o`z faniga qiziqtira olish, bugungi kun o`qituvchisidan ko`p, mazmunli va samarali izlanishni talab etadi.

O`qitish jarayonida innovatsion texnologiyalarni dadillik bilan dars jarayoniga tadbiq etish orqali yuqoridagi muammoga bir qadar yechim topish mumkinligi pedagog olimlar va

eksperementator o`qituvchilar tomonidan tasdiqlanmoqda. Ko`p sonli o`qituvchilarning tajribalaridan ma'lum bo`ldiki, interfaol metodlaridan foydalanish o`quvchilar faolligini oshirish, bilim olish va ijodiy yondoshuv ko`nikmalarini shakllantirishga olib keladi, o`z ijodiy qobiliyati va imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga yordam beradi, jamoa bilan ishlash mahoratini shakllantiradi,o`quvchilarda turli vaziyatlarni turli nuqtai nazardan muhokama qilib, qaror qabul qilish mahoratini oshiradi, o`z faoliyatining natijalariga mas'ullik va qiziqish uyg`otadi, muammolarga diqqatni jamlay olish, o`z bilimlarini yangicha vaziyatlarga ko`chirish malakasini shakillanishiga yordam beradi. Shuning uchun ham ta'limga interfaol metodlarni qo`llash zamon talabiga aylandi va bu keng targ`ib qilinmoqda.

Biz dars samaradorligini oshirishning samarali yo`laridan biri sifatida fanlararo bog`lanishning ta'limiy ahamiyatiga e'tibor qaratishni taklif etamiz. Buni maktabda matematika va biologiya fanlari orasidagi ta'limiy bog`lanish misolida ko`rib chiqamiz.

Biologiya darslarida tabiatda mavjud bo`lgan trik organizmlar haqida ma'lumotlar tayyor holda beriladi. Masalan, sichqonlar haqida shunday ma'lumot berilgan : Sichqonlar (*Muridae-lotincha nomi)* yilida 5-8 martagacha bolalaydi. U birvarakayiga11- 15 tagacha bola tug`adi.Bolalari esa 3 oylik bo`lganida ota-onaga aylanadi. Ushbu berilgan ma'lumotlarni matematika fani yordamida muammoli shaklda oquvchilarning yosh xususiyatlariga qarab turli qiyinchilikdagi turlicha masalalar tuzib berish mumkin:

1-masala. Sichqonlar yilida 8 martagacha bolalaydi. Bitta birvarakayiga 15 tagacha bola tug`adi.Bitta sichqonning bolalari bir yilda nechta bo`ladi? (Bu masalani 5-6 sinf o`quvchilariga berish mumkin).

8-9-sinf o`quvchilariga esa uchbu masalani quyidagicha bir oz murakkablashtirib berish mumkin:

2-masala. Sichqonlar yilida 8 martagacha bolalaydi. U birvarakayiga 15 tagacha bola tug`adi. Bolalari esa 3 oylik bo`lganida ota-onaga aylanadi. Agar, sichqondan tug`ilgan bolalarning 50% urg`ochi deb faraz qilsak, bitta sichqon bir yilda nechtaga ko`payadi?

Yechish :1) bitta sichqondan bir yilda tug`ilgan sichqonlar soni: 8* 15=120ta

2) tugilgan120 ta sichqon 60 tasi 3 oydan keyin ona bo`sa,ular bir yilda 6 marta 15 tadan tug`sa: 60*6*15 +60=360*15+60= 5400+60=5460 taga kopayadi.

3) yangi tugilgan 5400 ta sichqonlarning yarmi uch oyda ona bo`lsa, ular yil oxirigacha 4 marta bolalashga ulguradi, ya'ni 2700*4*15+(60+2700) =162 000+2760=164760 taga ko`payadi. 4) 162 000 ta sichqonning yarmi esa yil oxirigach bir marta bolalaydi, ya'ni 81000*15 =(2760+81000)=1215000+83760=

1 298 i uchun sharoit bo`lmaganligidan qirilib ketish ehtimoli ko`p bo`lishini ham hisobga olish kerak. Aks holda, ularning bir yillik ko`payishi natijasida yer yuzi 18 sm qalinlikda sichqon bilan qoplangan bo`lar edi.

3-masala. Qo`shoyoqlar (*Dipodidae)* vaqti-vaqti bilan zarb bilan sakrab, 3m masofani bosib o`tadi. Bu o`z tanasi uzunligidan 20 baravar uzun. Qo`shoyoq tanasining uzunligi qancha?

Yechim: 3m:20=300sm:20= 15sm.

4-masala. 3-masalani yuqori sinflar uchun quyidagicha tuzish mumlim.

Qo`shoyoqlar vaqti-vaqti bilan zarb bilan sakrab, 3m masofani bosib o`tadi. Bu o`z tanasi uzunligidan 20 baravar uzun. U yugurganda tezlikni 36 km/soatgacha oshira oladi. Qo`shoyoq tanasining uzunligi qancha va u bir soniyada qancha masofani bosib o`tadi?

(Javob: tanasi uzunligi 15 sm, bir soniyada 10m masofani bosib o`tadi)

5-masala. Fillar (*probosoidea* – turkum nomi) kuniga 150kg ozuqa yeydi. Bir dona fil yil bo`yi ozuqlanishi uchun 5 $km^2$ maydonli joy kerak. Fillar 80 yilgacha yashaydi. Bitta fil umri davomida qancha ozuqa yeydi va buning uchun unga qancha yer maydoni kerak bo`ladi?

Yechish: 1-ish: bitta fil bir yilga qancha ozuqa yeydi? 150*365=54750kg $\approx$ 55t

2-ish: fil 80 yilda qancha ozuqa yeydi? 80*55t=4400tonna ozuqa yeydi.

3-ish:bitta fil ozuqlanishi uchun qancha yer maydoni kerak bo`ladi?

80*5=400km^2 yoki, 40 000 gektar.

6- masala. Karqur(*tetro uxodallus*) ning massasi 3-5,5kilogramgacha bo`ldi. u oshqozonidagi ozuqni maydalash uchun ob- havo va iqlim o`zgatishiga qarab turli miqdorda tosh yutadi. Bahorda

4g gacha,yozda 8 g gacha, kuzda 24 g gacha va qishda 44g gacha tosh yutadi. Karqur yil davomida o`rtacha qancha tosh yutadi?
Ushbu masalani matematikadan o`rta arifmetik qiymat tushunchasi kiritilgandan so`ng o`quvchilarga mustaqil yechish uchun berilsa, o`quvchilar katta qiziqish bilan yechadilar. Yechish: (4+8+24+44) : 4= 80:4= 20 g.
7-masala. Olimlarning hisobiga ko`ra 0,5 metrli sakkizoyoq o`rtacha 15km/soat tezlikda suzar ekan. U 3,5 soatda necha km masofani bosib o`tadi? (sharti ortiqcha masala). javob: 3,5*15=52,5km.
Bu va shunga o`xshash masalalarni 4-5-6-sinflarda tezlik, masofa va vaqt tushunchalari orasidagi bog`lanishlarni mustahkamlashga doir jarayonlarda qo`llash mumkin.

Bundan tashqari AKT vositalari yordamida interaktiv testlar tayyorlab, o`quvchilarga taqdim etish mumkin.Kompyuterda, Power Poinr dasturi yordamida quyidagicha interaktiv test tuzish mumkin,masalan, sayyoramizda bir hayvon bor,uning gavdasi ho`kiznikiga, xartumi filnikiga,tuyoqlari esa otnikiga o`xshaydi. Bu qaysi hayvon?
a) Tapir b) Chumolixo`r c) Sayg`oq
Bu testni slaydga joylashtirish tartibi quyidagicha amalga oshiriladi:
1) slaydga tapir, chumolixo`r va sayg`oqlarning rangli rasmlarii qo`yiladi va ularning har birining tagiga: 1) Tapir- 5 2) Chumolixo`r – 50 3) sayg`oq-500 kabi yozuvlar mos ravishda yozib qo`yiladi. So`ngra shu slaydga (bo`sh qolgan joyiga) quyidagi misol kiritiladi : 3,56: 2 +3,22= ?- ushbu misolni to`g`ri ishlagan o`quvchi, yuqorida ta'rifi keltirilgan hayvonning nomini bilib oladi.
Shunga o`xshash savollardan bir qanchasini keltirish mumkin:
1)Qadimda qaysi qushning patlaridan ayollar liboslari va yelpig`ichlarini bezashda foydalanishgan.
A)Tovus-4,15 B) To`ti- C)Tuyaqush-7.
3,83-1,3+4,5=?
2) Uni raketa – jonivor deyishadi.U dunyodagi eng chopar hayvon.O`ljasiga yetib olish uchun tezligini 112 km/soat gacha oshiradi. Bu?
A) Ohu- 6 B) Gepard- 5 C) Arslon-0
2015^{2016} sonning oxirgi raqamini toping.
3) Boy ko`chmanchilar o`z libosini uning mo`ynasi bilan bezagan-bu ulug`vorlik baxsh etgan.bu hayvonni bejiz tog`lar gardishidagi brilliant deb atashmagan. Bu?
A) Gepard – 28 B) Suvsar -100 C) Ilvirs-200
Noma'lum sonning 14 % 80 ning 35 %iga teng. Noma'lum sonni toping.
Xulosa qilib aytganda, darsni qiziqzrli va mazmunli bo`lishini ta'minlash ko`proq o`qituvchiga, uning qiziquvchanligi buning uchun ko`proq ijodiy izlanish va boshqa fan o`qituvchilari bilan hamkorlikda ish olib bori va izlanishiga bog`liq.Fan o`qituvchilari o`zaro hamkorlikda ishlasalar, matematika fanini nafaqat tabiiy fanlar, balki ijtimoiy va gumanitar fanlar bilan ham chiroyli va qiziqarli tarzda bog`lab o`tish mumkin.

FIZIKA DARSLARIDA MODELLASHTIRISH

Toshpulatova SH., Islomova N, Meliqulova R., Navoiy Axborot texnologiyalari kasb hunar kolleji
Fizika va astranomiya o`qitish metodikasi kafedrasi katta o`qituvchisi

Fizika darsini sifatli o`qitish avvalom bor moddiy bazaga, o`qituvchilarning mahoratiga tinglovchilarning o`zlashtirishiga bog`liq bo`ladi. Yangi informatsion texnologiyalar bilan boyitilgan, hozirgi zamon talabiga javob bera oladigan o`qitish tizimlarini yaratish, tadbiq etish zamonaviy ilm- fan texnologiyalardan foydalanish o`qitishning turli sohalarida bazasini shakllantirishga o`qitish jarayonini samaradorligini oshirishga olib keladi.

Ushbu maqolada fizika fanini o`qitishda modellashtirish muammoli o`qitishning muhim ahamiyati to`g`risida fikr yuritmoqchimiz.

Ma'lumki, modellashtirishning muhim xususiyatlaridan biri o`rganilayotgan ob'etni (voqeani) sodda shaklda nomoyon qilishdir.

SHuning uchun modellashtirish tasavvurlari yordamida olingan natijalar, nazariyalar taxminiyroq bo`ladi. Fizika fanida model tushunchasi aniq bir berilgan misolni, o`rganayotgan hodisalar tasavvuri asosida abstrakt fikrlash va metematik tilda tushuntiriladigan hamda tasvirlab beradigan o`xshatmalar tizimidan iborat bo`lib, aniq bir ko`rilayotgan masalani yechishda yordam beradi.

Modellashtirish yordamida yangi mavzuni tushuntirishda quyidagi usullardan foydalanish mumkin:[1]

1. Savol- gepoteza –tajriba-xulosa-yangi savol.

Masalan: “Mexanika»bo`limida $\rho = \frac{m}{v}$ zichlik tushunchasi mavjud. Bunda moddaning zichligini aniqlovchi omillar keltiriladi. Moddaning zichligiga qanday omillar ta’sir qiladi? – deya savol quyamiz. Birinchi navbatda suhbat davomida o`qituvchi moddaning tuzilishi haqidagi o`quchilar bilimidan foydalanib, ularning ongiga»zichlik» tushunchasini modellashtiradi. Modda zichligi jismning hajm birligiga mos keluvchi modda massasi bilan aniqlanadi degan fikrni shakllantiradi. Keyin o`quvchilardan moda zichligini aniqlovchi omillar haqida o`z mulohazalarini bildirishini talab qiladi. Tajribalarning ko`rsatishicha aksariyat o`quvchilar moda zichligi jism massasiga to`g`ri proporsional bo`lib, hajmiga teskari proporqionaldir deb matematik nuqtai nazaridan javob beradilar. Keyin bu gepotezalar tajribalda tekshirilib ko`riladi. Va o`quvchilar o`zlarining omillari noto`g`ri ekanligiga ishonch hosil qiladi. Zichlik jism massasini tashkil etuvchi modda turiga bog`liqligi, asosan turli moddalarda molekulalarning massalari va ular orasidagi masofalarni turlicha bo`lishi bilan tushuntirilishini isbotlaydi. O`quvchilar o`zlari oldinga surgan gepotezani tekshirish uchun o`zlari tajriba o`ylab topish tavsiya etilsa ularning faolligi yanada oshadi. Ular fizik kattaliklarni aniqlaydigan ko`pchilik laboratoriya ishlarini bajarishda qullashi mumkin.

2. Tajriba- muammo- gipoteza- tajriba.

O`quvchilar ongida “tok manbaisiz elektr toki hosil qilish mumkin emas” degan tushuncha mavjud, ularga yorug`lik ta’sirida elektr toki hosil bo`lishini oddiy fotoelement yordamida amalga oshirilishini tajriba yordamida ko`rganlarida o`quvchilar hayratda qoladilar. Ayniqsa, ularga quyosh energiyasidan foydalanish, quyosh batareyalari yaratilishi haqida ma’lumot beriladi.

Modellashtirish yangi nazariyalarni, qonuniyatlarni o`rganishda ahamiyati juda katta. Biz yashab turgan va bizni o`rab turgan dunyoni o`rganish uchun sodir bo`layotgan hodisani hamda jarayonlarni tekshirish uchun modellashtirish metodi ya’ni voqealarni tasavvur qilish uchun zarur bo`lgan qurol sifatida foydalanamiz. Fizik hodisalarni modellashtirish uslubi bilan tasavvur qilishning mohiyati shundaki, qandaydir jismni xossalarini tajriba yo`li bilan tekshirish asosida bu jismning ichki tuzilshi, kimyoviy tarkibi, uni tashkil qiluvchilarning xossalari va ularning o`zaro ta’sirlashuvining negizi haqida ta’limda bir qator tushunchalar to`plami taklif qilinadi. Agar gipoteza tekshirilayotgan jismni ilgari aniq bo`lmagan xossasini aniqlab bersa, u holda bu gipoteza nazariyaga asoslanadi. Modellashtirishning muhim xususiyatlaridan biri o`rganilayotgan ob’ektni soda shaklda namoyon qilishdir. SHuning uchun barcha modellashtirish tasavvurlar yordamida olingan natijalar, nazariyalar taxminiyroq bo`ladi[2]. Model tushunchasini fizika fanida aiq bir berilgan misolni o`rganayotgan hodisalarni va aniq tizimlar tasavvuri asosida abstrakt fikrlash va matematika tilida tushuntiriladigan hamda tasvirlab beradigan ta’lim bir o`xshatmalar tizimidan iborat bo`lib, niq bir ko`rilayotgan xodisalarni va aniq tizimlar tasavvuri asosida abstrakt fikrlash va matematika tilida tushuntiriladigan hamda tasvirlab beradigan ta’lim bir o`xshatmalar tizimidan iborat bo`lib, aniq bir ko`rilayotgan masalani yechishda yordam beradi

Bunday modellashtirish usulida ma’lumot berish o`quvchilarni fizika faniga qiziqishi ortadi, bugungi kunda texnika va turmush uchun zarur bo`lgan materiallar yaratish orzusi tug`iladi. O`quvchilarning fikrlash dunyoqarashini kengaytiradi.

FIZIKA FANIDAN ZAMONAVIY FIZIK LABORATORIYA MASHG`ULOTI

Toshpulatova SH., Navoiy davlat Pedagogika instituti Fizika va astranomiya o`qitish metodikasi kafedrasi katta o`qituvchisi
Suyunov O`., magistr 1-kurs

Millliy "Ta'lim»loyixasini amalga oshirish nafaqat oliy maktab tizimida balki o`rta va o`rta maxsus ta'lim tizimida ham tubdan modernizatsiyalash va o`qitish vositalari masalalarini qo`yadi. Zamonaviy axborot texnologiyalarini chuqurlashtirish matematik modellashtirish, grafika, tovush, mul'timediya, gipermatn va o`lchash hamda boshqarish murakkab tizimlarini modellashtirish elementlari bilan namoyish qilish, kompyuter ta'lim vositalarini yaratish imkoniyatini ochib beradi. Virtual laboratoriya praktikumlari yangi bilim va ko`nikmalarni olish va to`plash jarayonlarini yengillashtirishida qulay mashg`ulot hisoblanadi, lekin laboratoriya mashg`ulotlarining to`liq o`rnini bosa olmaydi. Dolzarb fizik laboratoriya nafaqat effektiv o`qitish metodi balki o`quvchilarga rivojlantiruvchi va tarbiyalovchi ta'sir vositasidir. Shuning uchun yangi konsepsiyaga asosan zamonaviy fizik laboratoriyasining tashkiliy shakl va usullarini uzlash dolzarb masala bo`lib kelmoqda. Fizik laboratoriya modelini yaratishda zamonaviy yondoshishning o`zgachaligi, avtomatlashtirish tartibida ishlash imkoniyatlari bilan real va vertual praktikani bir kompleksga integrallash tartibida ishni bajarish qulayligi va mavzuning tushunarligi, kurgazmaligi birlashgan.Amaliyot shuni ko`rsatadiki, axborot texnologiyalarining virtual laboratoriyalarini yaratish imkoniyatlari cheksiz maydoni vizualizasialashdan tortib murakkab ko`p parametrlarni izlashgacha "Labvieww»mablag`larida yaratilgan virtual laboratoriya ishlarini bajaradi.Unga o`lchov parametrlarni kiritish ularni virtual asbob uskunalar yordamida ruyxatdan o`tkazish, olingan natijalar taxlilini talab etadi. O`quvchilar o`zlari bajaradigan ishlarga o`yin elementlari kiritilgan bo`lib, yechilayotgan o`lchovli masalaning parametrlarini faqat tavsiya etiladi, qiziquvchanlik esa eksperimental o`rganishlar sohasini kengaytirishga va ba`zi hollarda kutilmagan natijalarni olishga yordam beradi.Zamonaviy laboratoriya ishlanmalari tuzuvchilari oldida quyidagi masalalar turadi: o`zida real, virtual amaliy ishlarni biriktirgan integrassiyalashgan komplekslarni yaratish va ulardan foydalanish masalasi.Bunday qoida kompyuter yechimlari interfeys, eksperimental uskunaning ko`rgazmali namoyishini, masalan, o`qituvchi o`z ish joyida bo`la turib o`quvchilarning laboratoriya ishini bajarishga ruxsat olib hamda eksperiment natijalari olingandan keyin nazorat savololarni berish imkoniyatiga ega bo`lishi kerak. Bundan tashqari o`quvchiga laboratoriya ishining hisobotini tayyorlash imkoniyatini berilishi kerak. Bunday hisobot kompyuter yordamida olingan natijalar taxlili haqidagi xulosani o`z ichiga oladi. Bu esa savodli "fizik" nutqini shaklanishiga yordam beradi va o`qituvchiga o`rganilgan mavzuni aftomatik o`zlashtirish darajasini ob`yektiv baholashga yordam beradi.

Asbob va uskunalar:

- Prosessor chastotasi 500 Mgsdan kam bo`lmagan standart PK 128 NB dan kam bo`lmagan operativ xotira hajmiga va tarmoqqa ega bolgan;
- ViLaB"elektr toki va magnitezm»dasturi bilan diski;
- LABVieW talab qilinmaydi
- Standart o`quv modullar tuplami o`lchov asboblar (USB-6008)

Ish natijalari:

Haqiqiy ishga o`rta va o`rta maxsus ta`lim muassalari uchun "elektr toki va magnetizim" bo`limi bo`yicha fizik laboratoriya mashg`ulotini ishlab chiqish misolida zamonaviy modellashtirish va dastur vositalari yordamida ishlab chiqilgan universal yechimlarini ko`rsatish mumkin.Ishlarning har biri virtual laboratoriya mashg`uloti tartibida bajarilganligi kabi zamonaviy o`lchov vositalari (USB-6008) yordamida eksprement tartibida ham bajarilishi mumkin.Taklif qilinayotgan yechimlar fizikaning jamlash tartibi bo`yicha zamonaviy laboratoriya komplekslarini yaratishga asos bo`lishi mumkin.Har bir amaliy ish boshqaruv tomonidan bajarishga test savollari bilan, bilimlarning yakuniy nazorati bilan tugallanadi.Hamma ishlarda eksperiment jarayoni bilan bir vaqtda dinamik tartibda grafik bog`liqliklarning tuzilishini kuzatish mumkin. Bundan tashqari har bir ishda o`quvchi foydalanishi mumkin bo`ladi.

Ishlar mazmuni RF da kitoblar va dasturlar bilan birlashtiriladi.

Dasturiy taminot quyidagilarni bajarishga yordam beradi:

- O`quv mashg`ulotini bajarilish jarayoni nazorat qilish jurnalini kiritishga;
- O`quvchilar qilgan ishi haqida hisobotlarning elektiron versiyasini shakllantirishga;
- Nazariya bo`limida metodik ish mazmumnini o`zgartirishga;
- Test topshiriqlari va vazifalarini o`zgartirishga;
- Laboratoriya mashg`ulotlari yoki alohida topshiriqlar jarayonini o`zgartirishga;
- Eksperement o`tkazish natijalari bo`yicha nazorat savollar mazmuninio`zgartirishga;
- Udalyoniy dostup tartibida ishlar o`tkazishga.

Laboratoriya mashg`ulotining virtual versiyasi kompyuter eksperementini real eksperementga mukammal ravishda yaqinlashtirishga yordam beruvchi ish mazmuni bilan to`ldirilishi mumkin.

Mashg`ulot quyidagi holatlarda ishlatilishi mumkin:

- laboratoriya ishlarini o`tkazish uchun;
- tajribalar namoyishi uchun;
- o`tilgan mavzularni mustahkamlash uhun;
- yangi mavzuni mustaqil ravishda o`rganish uchun;

O`qituvchi hisobotni HTML fayl shaklida oladi. U quyidagilardan iborat bo`ladi:

- O`quvchining F.I.Sh;
- Laboratoriya ishining nomi;
- Hisobot yullangan vaqti va sanasi;
- Grafik va jadvallar shaklidagi natijalar;
- Nazorat savollariga javoblar;
- Qilindgan ish haqida xulosa.

Foydalanuvchilar haqida hamma ma’lumot, metodik ma’lumot, ishning bajarilish bosqichlari, testlar va nazorat savollar variyantlari Serverda saqlanadi. Server administratori yani o`qituvchi osongina kimningdir yordamisiz yuqorida sanab o`tilgan parametrlarni o`zlashtirishi va muxarrirlashi mumkin.

Demak, laboratoriya ishlarini bunday tarzda o`tkazish uslubi o`qituvchiga bajarilayotgan ishlarni har xil darajada murakkablashtirishga va ta’limga o`z shaxsiy uslubi va pedagogik usullarini chuqurlashtirishga yordam beradi.

TENGLAMALAR SISTEMASINI YECHISHNING SUN’IY USULLARI

Shukurov G`.D., BuxDU matematika kafedrasining o`qituvchisi

Yuqorida elementar usullar bilan yechilmaydigan yoki yechilshi murakkab bo`lgan tenglamalar sitemasi juda ko`p uchraydi. Shuning uchun tenglamalar sistemasisning tuzilishiga qarab turli xildagi yechishning “sun`iy»usullarini qo`llashga to`g`ri keladi.

O`quvchilar tenglamalar sistemasini yechishga urinmasdan turib, qaysi usul bilan osonroq yechilishini olishi kerak.

a) Yordamchi noma`lumlar kiritib yechish. Ba`zan tenglamalar sistemasini soddalashtirgandan keyin noma`lumlarga nisbatan ikkinchi yoki uchunci darajali tenglamalat sistemasi hosil bo`lishi mumkin. Bun-day hollarda yordamchi noma`lumlar kiritib yechish ancha qulay bo`ladi.

1-misol: $\begin{cases} \dfrac{x^2}{y^2}+\dfrac{y^2}{x}=\dfrac{9}{2} \\ \dfrac{1}{x}+\dfrac{1}{y}=\dfrac{3}{2} \end{cases}$ tenglamalar sistemasini yeching.

Yechish: Sistemani soddalashtiramiz:

$\frac{x^3+y^3}{xy}=\frac{9}{2}$, $\frac{x+y}{xy}=\frac{3}{2}$. Bundan $2(x^3+y^3)=9xy$, $2(x+y)=3xy$ hosil bo`ldi. $2(x+y)(x^2-xy+y^2)=9xy$, $2(x+y)=3xy$ yoki $3xy(x^2-xy+y^2)=9xy$. Natijada $\begin{cases}x^2-xy+y^2=3\\2(x+y)=3xy\end{cases}$

Bu sistemaga x+y=u, xy=p belgilashlar kiritib, $\begin{cases}u^2-3p=3\\2u=3p\end{cases}$ sistemani hosil qilamiz.bundan $u^2-2u-3=0$ bo`ladi. $u_1=1$, $u_2=-1$. Bularni 2-tenglamaga qo`yib, $p_1=2$, $p_2=\frac{2}{3}$ larni topamiz. Bulardan

$\begin{cases}x+y=3\\xy=2\end{cases}$ $\begin{cases}x+y=1\\xy=-\frac{3}{2}\end{cases}$ sistemalar hosil bo`ladi. Bularni alohida-alohida yozsak,

$(2,1);(1,2);(\frac{-3-\sqrt{33}}{6},\frac{-3\pm\sqrt{33}}{6}),(\frac{-3\pm\sqrt{33}}{6},\frac{-3-\sqrt{33}}{6})$.

“Sun’iy usullar»bilan yechiladigan tenglamalar sistemasi.

Sistemani tashlik etgan birinchi darajali tenglamalar soni sistemadagi noma`lumlar soniga teng bo`lsa, bunday sistemani algebraik qo`yish yoki o`rniga qo`yish usuli bilan yechish (agar u yechimga ega bo`lsa) mumkin. Ammo ba`zi 1-darajali tenglamalar sistemasini yechishda “maxsus muhokama” yuritish ya`ni o`sha sistemani yechishga xos “sun`iy usul” qo`llash, sistemani osongina yechishga yordam beradi.

2-misol: Tenglamalar sistemasini yeching.

$$\begin{cases}2x-y-z-u=4\\-x+2y-z-u=-2\\-x-y+2z-u=-8\\-x-y-z+2u=-5\end{cases}$$

Yechish: Barcha tenglmarni qo`shsak:

-(x+y+z+u)=-11 yoki x+y+z+u=11.

Hosil bo`lgan tenglamani sistemadagi har bir tenglamaga galma-gal qo`shish bilan x=5, y=3, z=1, u=2 lar aniqlanadi.

Javob: (5,3,1,2).

Misollar.

Yordamchi noma`lum kiritish yo`li bilan yechiladigan tenglamalar sistemasi.

Ba`zan tenglamalar sistemasi soddalashtirilgandan keyin maxrajdan qutqarib,qavslar ochilsa va o`xshash hadlar ixchamlansa, tenglamada noma`lumga nisbatan 2,3- darajali hadlar hosil bo`lishi mumkin. Bunday hollarda ham, berilgan tenglamani yordamchi noma`lumlar kiritish bilan 1-darajali tenglamalar sistemasiga keltirib osongina yechish mumkin.

3-misol: Tenglamalar sistemasini yeching.

$$\begin{cases}\frac{3}{x+y+z}+\frac{6}{2x-y}+\frac{1}{y-3z}=1\\\frac{6}{x+y+z}+\frac{4}{2x-y}-\frac{1}{y-3z}=3\\\frac{15}{x+y+z}-\frac{2}{2x-y}-\frac{3}{y-3z}=5\end{cases}$$

Yechish: $\frac{1}{x+y+z}=u$, $\frac{1}{2x-y}=v$, $\frac{1}{y-3z}=t$ deb belgilasak, ushbu

$\begin{cases} 3u+6v+t=1 \\ 6u+4v-t=3 \\ 15u-2v-3t=5 \end{cases}$ yordamchi sistema hosil bo`ladi.bu sistemani yechsak: u=-$\frac{1}{6}$, v=$\frac{1}{4}$, t=-1 u,v,t ning qiymatlari o`rniga qo`yilsa,

$\begin{cases} \frac{1}{x+y+z}=\frac{1}{6} \\ \frac{1}{2x-y}=\frac{1}{4} \\ \frac{1}{y-3z}=-1 \end{cases}$ yoki $\begin{cases} x+y+z=6 \\ 2x-y=4 \\ y-3z=-1 \end{cases}$ sistema hosil bo`ladi. Bu sistemani yechib, x=3, y=2 va z=1 aniqla-nadi.

Javob: (3,2,1)

4-misol: $\begin{cases} \frac{5}{x+y}+\frac{2}{y-z}=3 \\ \frac{3}{x+y}+\frac{1}{z-x}=0.1 \\ \frac{3}{y-z}+\frac{2}{z-x}=2 \end{cases}$

Yechish: $\frac{1}{x}$=p, $\frac{1}{y}$=q, $\frac{1}{z}$=t belgilash kiritamiz.

$\begin{cases} 3p+q+t=7 \\ p+3q+t=11 \\ p+q+3t=-3 \end{cases}$ bu sistemani yechib x=$\frac{1}{2}$, y=$\frac{1}{2}$, z=-1

Javob: ($\frac{1}{2}$, $\frac{1}{2}$,-1)

<u>Nostandart tenglamalar sistemasi.</u>

Nostandart sistema deyilganda qanday sistemalar nazarda tutilishi quyidagi misollardan oydinlashadi

5-misol: $\begin{cases} 2^{x+1}=4y^2+1 \\ 2^x \le 2y \end{cases}$ sistemani yechamiz.

Yechish: Sistemadagi tenglamadan $2^x=2y^2+\frac{1}{2}$ tenglamani hosil qilib, sistemadagi tengsizlikda 2^x ni $2y^2+\frac{1}{2}$ bilan almashtiramiz.

$\begin{cases} 2^x=2y^2+\frac{1}{2} \\ 2y^2+\frac{1}{2} \le 2y \end{cases}$ Bu sistemadagi tengsizlik $(y-\frac{1}{2})^2 \le$ 0 tengsizlikka teng kuchli bo`lgani uchun y=$\frac{1}{2}$ dan iborat yagona yechimga egadir. y=$\frac{1}{2}$ qiymatni sistemadagi tenglamaga qo`yib, x=0 ni topamiz.

Demak, berilgan sistema (0, $\frac{1}{2}$) dan iborat yagona yechimga ega.

6-misol: $\begin{cases} x^2 - 2xy + 12 = 0 \\ x^2 + 4y^2 \le 60 \\ x \in z \end{cases}$ sistemani yechamiz.

Yechish: Agar (x,y) juftlik sistemaning yechimi bo`lsa, u holda (-x,-y) juftlik ham sistemaning yechimi bo`lishini ko`rish qiyin emas. Shu sababli,$x \ge 0$ holni qarah yetarli. Agar x=0 bo`lsa, sistemadagi tenglama noto`g`ri tenglikka aylanadi. Demak x>0 bo`lishi zarur ($x \ge 0$ bo`lgan hol qaralmoqda).

Sistemadagi tenglamadan y ni topaylik. $y=\frac{x^2+12}{2x}=\frac{x}{2}+\frac{6}{x}$

O`rta arifmetik va o`rta geometric miqdorlar orasidagi munosabatni ifodalovchi $a+b \ge 2\sqrt{ab}$ ($a \ge 0, b \ge 0$) tengsizlikdan foydalanib, $y \ge 2\sqrt{\frac{x}{2}\cdot\frac{6}{x}} = 2\sqrt{3}$ yoki $y^2 \ge 12$ ekanligini ko`ramiz. Bunga ko`ra sistemada tengsizlikdan, $x^2 \le 60-4y^2 \le 60-4*12=12$ni ya`ni $x^2 \le 12$ ni olamiz. x>0, $x \in z$ ekanligini e`tiborga olsak, x=1, x=2, x=3 bo`lishi zarurligini ko`ramiz. x=1 bo`lsin.

U holda tenglamadan y=12 ekanligini topamiz. Lekin (1,12) juftlik uchun $x^2+4y^2 \le 60$. Demak x=1 soni sitemaning yechimini aniqlamaydi.

X=3 soni sistemaning yechimini aniqlamsligini shunga o`xshash ko`satiladi. x=2 bo`lgan holni qaraymiz. Tenglamadan y=9 ekanligi topiladi. Demak (2,9) yechim, yuqoridagi eslatilganiga ko`ra (-2,-9) juftlik ham sistemaning yechimi bo`ladi.

Shunday qilib, sistema (2,9) va (-2,-9) dan iborat ikkita yechimga ega.

7-misol: $\begin{cases} tg^2 x + ctg^2 x = 2\sin^2 y \\ \sin^2 y + \cos^2 z = 1 \end{cases}$ sistemani yechamiz.

Yechish: $tg^2x+ctg^2x \ge 2$, $2\sin^2 y \le 2$ bo`lgani uchun sistemadagi birinchi tenglama

$\begin{cases} tg^2 x + ctg^2 x = 2 \\ \sin^2 y = 1 \end{cases}$ sistemaga teng kuchlidir.

Shu sababli, berilgan sistema quyidagi sisteaga teng kuchli bo`ladi.

$\begin{cases} tg^2 x + ctg^2 x = 2 \\ \sin^2 y = 1 \\ \sin^2 y + \cos^2 = 1 \end{cases}$ bu sistemani quyidagicha yozib olish mumkin.

$\begin{cases} tg^2 x = 1 \\ \sin^2 y = 1 \\ \cos^2 z = 0 \end{cases}$ oxirgi sistemadan $x=\frac{\pi}{4}+\frac{\pi}{2}k$, $y=\frac{\pi}{2}+\pi l$, $z=\frac{\pi}{2}+\pi m$ bo`lishini topamiz ($k,l,m \in z$)

UMAR HAYYOMNING UCHINCHI DARAJALI TENGLAMALARNI YECHISH NAZARIYASIGA OID TEKSHIRISHLARI

Shukurov G`.., BuxDU matematika kafedrasining o`qituvchisi

Umar Hayyom (1048-1123) XI-XII asrlarda yashab va ijod qilgan bo`lib, bir necha fanlar bilan shug`ullangan. Jumladan: matematika, geometriya, adabiyot va boshqa fan sohalarida umuminsoniy qadriyatlarga molik bir qator asarlar yaratgan. Shulardan biri kub tenglamalarning bir qancha xususiy ko`rinishlarini geometrik nuqtai nazarda tahlil qilib, sodda geometrik (ikkinchi tartibli chiziqlar xossalari) tushunchalarga asoslanib, ularning yechimlari mavjudligi hamda topishning geometrik chiziqlar yordamida ko`rsata olgan.

Masalaning qo`yilishi. Mazkur maqolada Umar Hayyomning Buxoro va Samarqandda yashagan davrida kub tenglamalar nazariyasiga oid tenglamalarning ildizlarini chizmalar yordamida topish (yasash) usullari batafsil bayon qilinadi.

Asosiy tadqiqot natijalari va tahlili

1-masala. Quyidagi kubik tenglamani yechish.

$$x^3 + ax = b \qquad (1)$$

Yechish. (1) tenglamani $x^2 + y^2 = qx$ aylana va $x^2 = py$ parabolalar yordamida $x^3 + p^2x = p^2q$ shaklga keltiramiz:

$$\begin{cases} x^2 + y^2 = qx \\ x^2 = py \end{cases} \Rightarrow \begin{cases} \frac{x}{y} = \frac{y}{q-x}, \\ \frac{p}{x} = \frac{x}{y}. \end{cases} \Rightarrow \frac{p^2}{x^2} = \frac{x}{y}\cdot\frac{x}{y} = \frac{x}{y}\cdot\frac{y}{q-x} = \frac{x}{q-x}.$$

Demak $\frac{p^2}{x^2} = \frac{x}{q-x}.$ dan $p^2(q-x) = x^3$, ya'ni $x^3 + p^2x = p^2q$ (1.A) ni hosil qilamiz.

(1.A) tenglamani yechish $\begin{cases} x^2 + y^2 = qx \\ x^2 = py \end{cases}$

tenglamalar sistemasini yechishga olib kelinadi. Sistemadagi tenglama tekislikda aylana, ikkinchisi parabola bo`lib, ularning grafiklarini sxematik ko`ramiz.



1-rasm



2-rasm

Umar Hayyom davrida koordinatalar sistemasi 1-rasmdagi gorizontal o`qning musbat yo`nalishi chapga, vertikal o`qning musbat yo`nalishi pastga deb qaralgan.

Sistemadagi aylana va parabolalar kesishgan nuqtalarining absissalari (1.A) tenglamaning ildizlari ekanligi ko`rsatilgan. Koordinata boshi e'tiborga olinmagan. Shunday qilib Umar Hayyom (1) ko`rinishdagi tenglama har doim yagona musbat ildizga ega ekanligini chizma yordamida ko`rsatadi.

2-masala. $x^3 + a = bx$ (2) ko`rinishdagi tenglamaning ildizlarini topish (yasash).

Yechish. Umar Hayyom (2) ko`rinishdagi tenglamani quyidagi parabola va teng tomonli giperbolaning chap tarmog`i yordamida yechishga erishadi.

$$\begin{cases} x^2 = \sqrt{b}y, \\ x^2 - \frac{a}{b}x = y^2 \end{cases} \quad (2.A)$$

Umar Hayyom (2.A) sistemadagi egri chiziqlarni yasashda ko`p hollar ro`y berishini aytadi. Jumladan, egri chiziqlar kesishmasligi mumkin. Yana bir hol, giperbola o`ng tarmog`i parabolaning uchidan o`tib, parabolaning yana bitta nuqtasidan o`tgan holni e'tiborga olmaydi, bu holda ildiz **manfiy** ekanligidan yechim yo`q deyiladi.

Ammo 2-rasmdan ko`rinadiki (2) tenglama **bitta manfiy** ildizga, **ikkita mavhum** ildizga ega. (2) tenglamaning yechimlarini yasashda quyidagi hollarni ham e'tiborga oladi.

3- 4-rasmlardan birida egri chiziqlar urinishi mumkin, bu holda bitta yechim, ikkinchi holda ikki nuqtada kesishishi mumkin, bunda ikkita yechim deb hisoblangan. Umar Hayyom bu (2) ko`rinishdagi tenglama yordamida kubik tenglamalarning **ikkita haqiqiy** ildizlarga ega ekanligini ko`rsatadi.





3-rasm 4-rasm

3-masala. $x^3 + bx = cx^2 + a$ (3) tenglamaning ildizlarini topish (chizmalarda yasash).

Umar Hayyomning kubik tenglamalarni tahlil qilishdagi ko`plab tekshirishlari muvaffaqiyatli bo`lgan. Shulardan diqqatga sazovar bo`lgan (3) ko`rinishdagi tenglamani tahlili qilishdir. Bu ko`rinishdagi tenglamaning ildizlarini aniqlash quyidagi aylana va parabolalarni yasashga olib keladi.

$$\begin{cases} y^2 = (x - \dfrac{a}{b})(c - x), \\ x(\sqrt{b} - y) = \dfrac{a}{\sqrt{b}}. \end{cases} \qquad (3.A)$$





6-rasm

6-rasmdan ko`rinib turibdiki, Umar Hayyom (3), (3.A) tenglamalar har doim ildizlarga ega deb to`g`ri ko`rsatgan. Ular *K* nuqtaning absissasi, bunda $BC = c$, $BD = \sqrt{b}$, $S = AB = \dfrac{a}{b}$ bo`lib, $\dfrac{a}{b} \geq c$ bo`lganda u ildiz yagonadir.

Biroq $\dfrac{a}{b} < c$ bo`lganda yana ikkita musbat ildizlar mavjudligini sezmagan. Shu tariqa Umar Hayyom kub tenglamaning uchta ildizlari bo`lishi mumkinligini ko`rsatishga asos soldi. Bu uchta ildiz XVI asrning o`rtalarida Jirolamo Kardano (1501-1576) tomonidan aniqlandi. Bunda u Umar Hayyom tekshirishlaridan xabardor edi. Umar Hayyomning 6-rasmdagi chizmasida *A* va *K* nuqtalar orasida yana ikkita kesishish nuqtalar borligini ko`rish anchagina mushkul.

Umar Hayyom 25 ta har xil ko`rinishdagi kubik tenglamalarni tahlil qilib, shu tenglamalarga keltiriladigan, ammo noma'lum o`zgaruvchining teskari darajalarini o`z ichiga olgan tenglamalarni ham tahlil qilgan. Misol uchun $x^2 = a \cdot \dfrac{1}{x^3}$ ko`rinishdagi tenglamadir. Bu ko`rinishdagi tenglamalarning ildizlarini yasashda (topish) 1 va $a$ sonlari orasidagi 4 ta o`rta proporsional

sonlarni aniqlashga olib kelishini va bu avval Al-Xaysan (IX-asr) tomonidan o`rganilganligini ham ta'kidlab o`tgan. Uning bu yo`nalishdagi qilgan ishlari juda murakkab bo`lganligi sababli, bu tafsilotlarni keltirmaymiz.

Umar Hayyom to`rtinchi darajali tenglamalar haqida, jumladan $x^2 + 2x = 2 + 2 \cdot \frac{1}{x^2}$ tenglama yechimlarini yasash usullari hali noma'lum ekanligini aytib o`tgan.

Umar Hayyom o`sha zamon matematiklari to`rtinchi darajali tenglamalarga keltiriladigan masalalarni bir-birlariga yechish uchun taklif qilishganlarni qayd qiladi. Ammo ular masalalarning yechimlari haqida aniq xulosaga kela olmagan. 4-darajali tenglamalarni yechish bilan XV asrda Samarqand rasadxonasining matematigi al-Koshiy shug`ullandi va xususiy hollarda yechish usullarini ko`rsatdi. Bunday tenglamalarni yechish bilan al-Koshiygacha va uning zamondosh matematiklari shug`ullangan emas edilar.

Umar Hayyom va uyg`onish davrining yurtimizda yashagan matematiklari yuqori darajali tenglamalarning yechimlarini topishda asosan geometrik nazariyalari (usullar) bilan shug`ullanishgan va uni kashf etishgan. Bu usul Gauss (1777-1856) tomonidan algebraning asosiy teoremasini isbotlashga katta ta'sir ko`rsatdi (Тихомиров, Успенский, 1997).

Xulosa

Kvadrat tenglamani yechish usulini 825 yillarda Muhammad al-Xorazmiy ko`rsatgan edi va biz shu kungacha bu usuldan foydalanilmoqdamiz. Umar Hayyom o`z davrida yuqori darajali tenglamalarning bir qancha ko`rinishlarini geometrik chizmalar, egri chiziqlar xossalari yordamida ularning yechimlarini topishning usullarini kashf etdi. Bu esa 1799-yilda Gauss (1777-1856) tomonidan geometrik usulda n-darajali tenglamaning n ta ildizi mavjud ekanligini isbotlanishida katta ta'sir ko`rsatdi (Тихомиров, Успенский, 1997).

MAKTABGA TAYYORLOV GURUH MATEMATIKA MASHG`ULOTLARIDA AXBOROT TEXHOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Umarova G. – BDU katta o`qituvchi

O`zbekiston Respublikasining jahon hamjamiyatiga integratsiyasi ta`lim sohasida nafaqat yangi imkoniyatlarni ochdi, balki o`quvchi yoshlarga ta`lim va tarbiya berishda yuqori sifatga erishishni ta`minlashni taqozo etmoqda. Bundan kelib chiqqan holda uzluksiz ta`lim tizimi oldida turgan dolzarb vazifalardan biri yuqori intellektual salohiyatga ega bo`lgan malakali kadrlarni tayyorlash, bunda, albatta ta`lim sohasida erishilgan boy tajriba, progressiv ilmiy-texnik yutuqlar, zamonaviy ta`limiy, axborot va kommunikatsion texnologiyalarga tayanish lozim. Mazkur vazifalarning muvaffaqiyatli hal etilishida yana bir omilning mavjudligi, ya'ni uzluksiz ta'lim tizimi xodimlari, pedagog-o`qituvchilar tomonidan zamonaviy ta'lim texnologiyalarning mohiyatidan xabardorliklari, hamda ularni ta'lim jarayonida samarali qo`llay olishlari, shuningdek, ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan ijodiy yondashuvning qaror topishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Ayniqsa, maktabgacha ta'lim o`quv mashg`ulotlarini noan'anaviy shakllarda tashkil etish, ta'lim jarayonini mukammal andoza asosida loyihalashga erishish, mazkur loyihalardan oqilona foydalana olish ko`nikmalariga ega bo`lishi ta'lim oluvchilar tomonidan nazariy bilimlarning puxta chuqur o`zlashtirilishi, ularda amaliy ko`nikma va malakalarning hosil bo`lishining kafolati bo`la oladi.

Bugungi kunda chuqur bilimga ega, yetuk malakali maktabgacha ta'lim tarbiyachisidan o`quv materiallarini bolalarga yetkazishning eng qulay, ratsional usullarini topishi, bu yo`nalishda ijodiy yondashish bolalarda mustaqil fikrlash ko`nikmasini tarkib topishiga e'tibor qaratilishini talab etadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda tarkib topadigan eng muhim matematik tushunchalardan biri bu son tushunchasidir. Kuzatish va tajribalar shuni ko`rsatadiki, maktabgacha yoshdagi bolalar sonlarni raqamlashda ayrim juz'iy xatolarga yo`l qo`yishadi. Ayniqsa, o`n ichida sonlarni o`qish va yozishga qiynalishadi. Shu sababli bolalarda son sanoq tushunchasi shakllanishi uchun tarbiyachi ta`limning qulay usuli, xususan, axborot texnologiyalarni tadbiq etib o`qitishni tashkil etishi bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Maktabga tayyorlov guruhida bolalar 10

gacha sanashni biladilar, ko`pchilik bolalar esa qo`shish va ayirishning ba'zi hollarini yoddan biladilar. Bolalar bilgan bu ma'lumotlar asosida son, sonlarning tengligi va teng emasligi kabi muhim tushunchalarni shakllantirish, qo`shish va ayirishning ma'nosini ochib berish, bolalarni bu amallarning ayrim xossalari va o`zaro bog`lanishi bilan tanishtirish, hisoblash va eng sodda masalalar echishning zarur malakalarini ishlab chiqish osondir.

Olti yoshli bolalarda aytib o`tilgan bilim, o`quv va malakalarni shakllantirish ko`rgazmali vositalarsiz bolalarning narsalar bilan mos amalllar bajarishisiz mumkin emas. Masalan 10 ichida sonlarni qo`shish va ayirishga doir misollarni axborot texnologiyalari vositalaridan foydalanib quyidagicha tushuntirish mumkin.



Bir xonali sonlarni qo`shish va ayirish natijalarini bilish kelgusida ko`p xonali sonlar bilan hisoblashlar bajarishga asos bo`ladi. Suning uchun 10 ichida sonlarni qo`shish va ayirish uchun o`quvi avtomatlashtirilgan malakagacha etkazilishi kerak. 10 ichida sanash umuman sanoqni o`rganishning asosidir. «O`nlik"ni o`rganish arifmetikani o`rganishning boshlanishidir. Bu uni o`rganish uslubi va o`quvchilarning bilimlari sifatida alohida talablar qo`yadi.

Birinchi o`nlik ustida ishlashda uch bosqich ajralib turadi: _tayyorgarlik davri, nomerlashni o`rganish, qo`shish va ayirishni o`rganish.

Sanashni bilish sonlarning miqdoriy va tartib munosabatlarini o`rganishga, ya'ni nomerlashga o`rganishga asos bo`ladi. Elementar matematik tasavvurlarni shakllantirish mashg`ulotlarida bolalarda sonlarning miqdori va tartibi to`g`risidagi bilimlarni quyidagi taqdimotdan foydalanib tushutirishimiz mumkin.



Tarbiyachi bolalarga son sanoq haqidagi bilimlarni shakllantirishda quyidagilar zarur ekanligini bilish muhimdir:

1.Natural qatordagi sonlarning nomlari va ketma ketligini bilish.

2.Narsalarni sanash sonlar ketma-ketligining o`zini bilib qolmasdan, balki sonni va sanalayotgan guruhdagi narsani bir-biriga to`g`ri mos keltirishni ya'ni son-narsa juftini tashkil qilishni ham ko`zda tutadi.

3.Narsalarni sanashda aytilgan sonlarning eng keyingisi nechta? degan savolga javob berishni bolalar tushunishlari kerak.

Dastlabki 10 ichida sonlarni raqamlashga o`rgatishga doir axborot texnologiyalari vositalari, ko`rgazmali qurollar va didaktik materiallarni oldindan tayyorlab qo`yish kerak.

DARSDA O`QUVCHILARNING FAOLLIKLARINI OSHIRISHDA AKTNING ROLI

Davlatov J. – Buxoro viloyati Olot maishiy xizmat ko`rsatish kasb-hunar kolleji o`quv ishlari bo`yicha direktor o`rinbosari

Ro`ziyeva O. – Olot tumani 22-o`rta umumta'lim maktabi matematika fani o`qituvchisi

Bugungi kunga kelib o`qituvchilar diqqat e'tiborlarini o`quvchilarning bilish faolliklarini ta'nimlashining innovatsion usullariga qaratish alohida dolzarblik kasb etmoqda. Shu bilan birga ommaviy axborot vosetalarining ta'lim-tarbiya jaryonidagi o`rni borasida yangi yillarda mamlakatimizda ulkan ishlar amalga oshirilmoqda. Axborot resurus markazlari, ular qoshidagi kutubxonalari ham keng foyda maydonlari va kompyuter dasturlariga egadirlar. Shuningdek o`qituvchi-pedagoglar o`quvchini shaxsini shakillantirishda ommaviy axborot vositalarini ijtimoiy-pedagogik ro`lini oshirish va ta'lim-tarbiya jarayonini tashkillashda quyidagi tashkiliy pedogogik omillar nomoyon bo`ladi:

O`qituvchilar kompyuter texnologiyalarini o`rganib boradilar:

AR kutibxonadagi kompyuter kompyuterdasturlarni o`rganadi va foydalanadi.

Vazifa topshirishda internet materiallaridan foydalanadi;

O`quvchilarni internet saytlaridanfanlarga (mavzular)ga oid manbalarini olish,

o`rganish, tahlilqilish, malaka va ko`nikmalarni shakllantirishda ularni texnologik yo`naltiradi. Demak o`quvchi o`zi innovatsion ko`nikmalarini yaratishi uchun o`z ustida ko`p ishlashi zarur. Zero axborotlashtirish va globallashuv davrida o`quvchilarning ham dunyoqarashlari tez

o`zgarmoqda. Masalan yoshlar dunyoqarashlari shakllanishga quyidagi salbiy tendensiyalar to`sqinlik qilmoqda.

- Telefonamiya
- Kitob o`qimasligi
- Uy vazifasini tayyorlamasligi
- Internetdan foydalanganda aniq reja tuzmaganligi
- Aniq maqsadni anglamaganligi
- Maqsaddan vazifaga o`tish kontsepsiyasini ishlab chiqarmaganligi
- Aniq natijaga intilish tuyg`u yo`qligi vax.k

Bunday holatlarni tushingan holda o`quvchi masofaviy ta'lim texnologiyalaridan keng foydalanishi zarur. Ular quyidagi turlardan iboratdir:

TV texnologiya

- Tarmoq texnologiyalari
- Birgalikdagi ta'lim texnologiyalari;
- Interaktiv texnologiyalar
- Reprodultiv texnologiyalar.

Bu yo`sinda o`quvchi texnologik platformalar amaliy tushuncha va tajribasiga ega bol`sa o`quvchilarni information taxdidlar hurujda asrab olish ularni o`z kasbiga qiziqtirish har qanday fan (mavzu)ga information yondashishga, ko`maklashishga yordam berish ta'limiy-tartbiyaviy maqsadlarda muvafiq bo`laveredi. Masalaviy ta'lim texnologik platformalarida yil da masofaviy ta'lim ko`rsatish xizmatiga qaratilgan o`quv protseduralarni boshqarish va masofadan turib o`quv jarayonlarini o`tkazishni o`z ichiga olgan dasturiy-texnik vositalar mazmunini tushunamiz. Albatta masofaviy ta'lim texnologiyalari samaradorlikka erishish va ananaviy anditoriya o`qitish tizimini o`rnini egallashi uchun oson va soddalashgan bo`lishi lozim. Dasturlashtirishgan talim jarayoni o`quvchilarning aqliy faolliklarini ta'minlab billish faoliyatlarini jadallashtirish imkonini beradi. O`quvchi o`z fel atvorining muayyan qisminigina texnik vositalar xizmatidan foydalalnish bilan almashtirish mumkin. Uning axborot manbayi sifatidagi mavqayining o`zgarishi va zamonaviy axborot texnologiyasi bilan almashinishi subekt doirasini kengaytiradi. Bunday jarayonda o`quvchi pedagog quyidagi vazifalarni bajaruvchi shaxs xisoblanadi; o`quvchilar faoliyatini boshqaruvchi muvofiqlashtiruvchi ularga maslaxat beruvchi subyek sifatida chunonchi zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish jarayoni quyidagi imkoniyatlarni yaratib bermoqda o`quvchilarga aqliy faoliyat usullarini o`qituvchilar tomonidan to`g`ri o`zlashtirishini ta'minlash imkonini beradi.

- o`quv jarayonini nazorat qilish
- tuzatishlar kiritish
-o`quvchilar o`quv materiallarini o`zlashtirishganlik darajalarini ham uzviy tahlil qilish vax.k

Bundan tashqari maskur yondashuv natijasida o`quvchilar faoliyatida quydagi ijodiy va ijobiy muhitni tashkil etuvchi hatti harakatlar namoyon bo`ladi:

- masuliyat
- ko`tarinki kayfiyat; tartibi intizomga rioya qilish;
- o`z aroxurmat:
- ko`pchilik oldida o`zini tuta olish ko`nikmasini shakllantirish:
- keng fikrlikka intilish
- bilimdonlikka intilish
- nutqini o`stirish
- tahlil qilish qobilyatini o`stirish
- o`quvchi va boshqa tengdoshlar bilan baxs munozaraga kirishish

Zero ko`rgazmalilik asosida tashkil qilingan darslar mazmunan boy yorqin ranglarda ifodalangani va o`tilayotgan mavzu o`quvchi shuurida yaqqol ifodalanishi bilan ham ahamityatlidir. AKTyordamida o`quv-biluv jaroyonining samaradorlik darajasi nafaqat o`quvchining bilimlari yaxshi o`zlashtirishi, balki uning o`z faoliyatini baholash jarayonining holatiga ham bog`liq. O`quvchi o`quv topshiriqlarni takomillashtirish davrida o`quvchilarda o`z faoliyatlarini baholash

ko`nikmalarini shakllantirishni maqsadi qilib qo`yishi kerak. Bu yosinda o`quvchi bolalardagi quydagi xususiyatlarni inobatga oladi.

- Ularning yosh xususiyatlarini
- Milliy olami
- Xissiyotlarini
- O`quv-biluv imkoniyatlarini.

Mamlakatimizda boshlang`ich ta'lim mazmunini modernizatsiyalashda pedagoglarni ilg`or tajribalar asosida o`qitish jarayoniga innovatsion uslublarni media texnologiyalarini joriy etish talab qilinadi. Interfaol doska electron darsliklar va boshqa electron axborot ta'lim resurslaridan (EATR) o`quv jarayonida foydalanishning eng qulay imkoniyatini beradi. Ayniqsa boshlang`ich sinflar uchun Multimaedia Markazi tomonidan birqancha EATR ishlab chiqilgan bo`lib bular interfaol electron doska yordamida o`quvchilarga yetkazib berilishi lozim. O`quvhilar mustaqil o`zlari yoki guruhlarda interfaol doska yordamida EATRlardagi o`yinlar, testlar, krossvortlar va boshqa qiziqarli mashg`ulotlarni bajarishlari mumkin. Shuningdek, dars jaraayonida fe'l-atvorlarini ko`rish va kuzatish mumkin bo`lmagan hollarda ulardan foydalanish yanada asosli bo`ladi. Multimedia markazi tomonidan tayorlangan electron qo`llanmalar ham o`z samarasini beradi. Maskur qo`llanmalardagi animatsiylar bolada zavq uyg`otadi. Boshlang`ich sinf o`quvchilari uchun o`quv adabiyotlarini axborot kommunikatsion texnologiyalarining dasturiy vositalari asosida multimedilar yani musiqali o`yinli electron darslik ko`rinishida ishlab chiqish va ular asosida dars jarayonini tashkil qilish berilayotgan o`quv materiallarini oson va qulay o`zlashtirishi uchun keng imkoniyatlar yaratadi. Bunday imkoniyatlarning yaratilishi mustaqil ravishda uyda, masofadan turib bilim olishga ega bo`ladilar.

LABORATORIYA MASHG`ULOTLARINI O`TKAZISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Usmonova L.M. Turg`unova G.U., Navoiy davlat pedagogika instituti

Ma`lumki, uzluksizlik va uzviylik ta`lim tizimda ortiqcha takroriylikka chek qo`yib, avvalo jamiyatning ma`naviy va intellektual salohiyatini kengaytiradi, qolaversa, davlatning ijtimoiy va ilmiy texnik taraqqiyotini takomillashtirish omili sifatida ishlab chiqarishning barqaror rivojlanishini ta`minlaydi. Pedagogik texnologiyalarning rivojlanishi va ularning o`quv-tarbiya jarayoniga kirib kelishi, shuningdek, axborot texnologiyalarining tez almashinuvi va takomillashuvi jarayonida har bir inson o`z kasbiy tayyorgarligini, mahoratini kuchaytirish imkoniyati yaratiladi.

Ta`limning bugungi vazifasi o`quvchilarni kun sayin oshib borayotgan axborot – ta`lim muhiti sharoitida mustaqil ravishda faoliyat ko`rsata olishga, axborot oqimidan oqilona foydalanishga o`rgatishdan iboratdir. Buning uchun uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoniyati va sharoitini yaratib berish zarur.

O`zbekiston Respublikasi demokratik, huquqiy va fuqarolik jamiyatini qurish yo`lidan borayotgan bir paytda ta`lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh maqsadi va harakatga keltiruvchi kuchi har tomonlama rivojlangan barkamol insonni tarbiyashdan iboratdir.

Shu vaqtgacha an`anaviy ta`limda o`quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o`rgatib kelingan edi. Bunday usul o`quvchilarda mustaqil fikrlash, ijodiy izlanish tashabbuskorlikni so`ndirar edi.

Hozirgi kunda ta`lim jarayonida interfaol uslublar (innovasion pedagogik va axborot texnologiyalari) dan foydalanib, ta`limning samaradorligini ko`tarishga bo`lgan qiziqish, e`tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar qo`llanilgan mashg`ulotlar o`quvchilar egallayotgan bilimlarni o`zlari qidirib topishlariga, mustaqil o`rganib, tahlil qilishlariga, noto`g`ri xulosalarni ham o`zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan. O`qituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyanishiga sharoit yaratadi, shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo`naltiruvchilik vazifasini bajaradi. Bunday o`quv jarayonida o`quvchi asosiy figuraga aylanadi.

Pedagog- olimlarning yillar davomida ta`lim tizimida "Nega o`qitamiz? Nimani o`qitamiz? Qanday o`qitamiz?" savollariga javob izlash bir qatorda "Qanday qilib samarali va natijali o`qitish

mumkin?»–degan savoliga ham javob qidirdilar. Bu esa, olim va amaliyotchilarni o`quv jarayonini texnologiyalashtirishga, yani o`qitishni ishlab chiqarishga oid aniq kafolatlangan natija beradigan texnologik jarayonga aylantirishga urinib ko`rish mumkin, degan fikrga olib keldi.

Bunday fikrning tug`ilishi pedagogika fanida yangi pedagogik texnologiya yo`nalishini yuzaga keltirdi.

Bugungi kunda ta`lim muassasalarining o`quv-tarbiyaviy jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanishga alohida e`tibor berilayotganining asosiy sababi quyidagilardir:

Birinchidan, pedagogik texnologiyalarda shaxsni rivojlantiruvchi ta`limni amalga oshirish imkoniyatining kengligida “Ta`lim to`g`risida”gi Qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da rivojlantiruvchi ta`limni amalga oshirish masalasiga alohida e`tibor qaratilgan.

Ikkinchidan, pedagogik texnologiyalar o`quv-tarbiya jarayoniga tizimli faoliyat yondashuvini keng joriy etish imkoniyatini beradi.

Uchinchidan, pedagogik texnologiya o`qituvchini ta`lim- tarbiya jarayonining maqsadlaridan boshlab, tashxis tizimini tuzish va bu jarayon kechishini nazorat qilishgacha bo`lgan texnologik zanjirni oldindan loyihalashtirib olishga undaydi.

To`rtinchidan, pedagogik texnologiya yangi vositalar va axborot usullarini qo`llashga asoslanganligi sababli, ularning qo`llanilishi “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»talablarini amalga oshirishni ta`minlaydi.

O`quv-tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyalarning to`g`ri joriy etilishi o`qituvchining bu jarayonda asosiy tashkilotchi yoki maslahatchi sifatida faoliyat yuritishiga olib keladi. Bu esa o`qituvchidan ko`proq mustaqilllikni, ijodni va irodaviy sifatlarni talab etadi.

Har qanday pedagogik texnologiyaning o`quv-tarbiya jarayonida qo`llanilishi shaxsiy xarakterdan kelib chiqqan holda, o`quvchini kim o`qitayotganligi va o`qituvchi kimni o`qitayotganiga bog`liq.

Pedagogik texnologiya asosida o`tkazilgan mashg`ulotlar yoshlarning muhim hayotiy yutuq va muammolariga o`z munosabatlarini bildirishlariga intilishlarini qondirib, ularni fikrlashga, o`z nuqtai nazarlarini asoslashga imkoniyat yaratadi.

Hozirgi davrda sodir bo`layotgan innovasion jarayonlarda ta`lim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi axborotni o`zlashtirish va o`zlashtirgan bilimlarini o`zlari tomonidan baholashga qodir, zarur qarorlar qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan shaxslar kerak.

Shuning uchun ham, ta`lim muassasalarining o`quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o`qitish uslublari interfaol uslublar, innovasion texnologiyalarning o`rni va ahamiyati beqiyosdir. Pedagogik texnologiya va ularning ta`limda qo`llanishiga oid bilimlar, tajriba o`quvchilarni bilimli va yetuk malakaga ega bo`lishlarini ta`minlaydi.

Quyida Analitik kimyo fanidan “I, II va III guruh kationlari aralashmasi analizi»mavzusida laboratoriya mashg`ulotini o`tkazishda 6x6, “Bumerang»texnologiyalaridan foydalanish bo`yicha uslubiy tavsiyalar keltiramiz:

Dars maqsadi: 1) I,II,III guruh kationlari aralashmasi analizi haqida dastlabki ma’lumotlarni berish. 2) Mehnat xavfsizligi qoidalariga rioya qilgan holda tegishli reaksiyalarni bajarish. 3) Bajarilgan tajribalar asosida xulosa chiqarish.

Dars turi: Laboratoriya mashg`uloti, noan’anaviy.

Dars uslubi: “4 x 4”, “Bumerang»texnologiyalari.

Dars jihozi: Reaktivlar, idishlar, yordamchi vositalar, ko`rgazmalar (kubiklar, “bilimlar hovuzchasi”)

Darsning borishi: Talabalar soniga qarab 4 ta guruhga ajratiladi.(guruhlash har xil tarzda bo`lishi mumkin. Masalan elementlar nomi yoki guruh raqami bilan)

- O`qituvchi oldindan tayyorlab kelgan mavzuga doir 4 ta alohida format qog`ozga 4 xil (har qaysisiga bittadan) masala va qog`ozning orqa tomoniga 4 ta nazorat topshirig`i hamma guruh uchun bir xilda yozib keladi va raqamlab tegishli guruhlarga tarqatadi.

- Har bir masalaga aniq vaqt belgilab (3 minut) 4 ta guruhning hammasiga 1- topshiriqni ishlash aytiladi.

- Vaqt tugagach 1-guruh qo`lidagi qog`ozni 2-guruhga uzatadi, shu tarzda qolgan guruhlar ham aylana tarzda qo`lidagi materialni o`zidan keyingi guruhga uzatadi va hamma birgalikda 2-topshiriqni ishlaydi.(“bumerang”- aylanib o`ziga qaytib kelish)

Shunday qilib 4 xil masala hammasi uchun bir xil topshiriq bilan (har aylanganda bir topshiriq ishlanadi) qog`ozlar almashgan holda ishlab chiqiladi. Oxirida har bir guruhning o`z materiali oldida paydo bo`ladi. Endi guruhlar taqdimoti o`tkazilib, qaysi guruh qayerda to`g`ri va noto`g`ri bajarganligini topshiriqning tartib raqamidan bilib olinadi va muhokama qilinadi. Taqdimot tugagach 4 ta guruhnig masalalari berilgan topshiriqlar bo`yicha tekshiriladi va o`qituvchi yordamida xulosa qilinadi. Guruhlarning taqdimotiga qarab talabalar baholanadi. Qo`shimcha material sifatida 4 tomonida izoh yozilgan kubiklardan yoki “bilimlar hovuzchasi” ko`rgazmali materiallardan foydalanish mumkin.

Masalalar:

1-guruh: Sizga bir necha eritma aralashmasi solingan idish berilgan. I guruh kationlarini aniqlash uchun qanday tajribalar ketma- ketligidan foydalanasiz. Aralashmada I guruh kationlaridan qaysilari borligini aniqlang.

2-guruh: Sizga bir necha eritma aralashmasi solingan idish berilgan. II guruh kationlarini aniqlash uchun qanday tajribalar ketma- ketligidan foydalanasiz. Aralashmada II guruh kationlaridan qaysilari borligini aniqlang.

3-guruh: Sizga bir necha eritma aralashmasi solingan idish berilgan. III guruh kationlarini aniqlash uchun qanday tajribalar ketma- ketligidan foydalanasiz. Aralashmada III guruh kationlaridan qaysilari borligini aniqlang.

4-guruh: Sizga bir necha eritma aralashmasi solingan idish berilgan. I va II guruh kationlarini aniqlash uchun qanday tajribalar ketma- ketligidan foydalanasiz. Aralashmada kationlardan qaysilari borligini aniqlang..

4 ta guruh uchun umumiy topshiriqlar.

1. III guruhning guruh reagenti bilan qaysi ionlar sulfidlar holida cho`kadi?
2. Sulfidlar hosil bo`lishi reaksiya tenglamalarini yozing.
3. Cho`kma va sentrafugatning taxminiy tarkibini yozing..
4. Sentrafugat tarkibidan II guruh kationlarini ajratish uchun nima qilish mumkin. Tegishli reaksiya tenglamalarini yozing.

Xulosa qilib aytganda, pedagogik texnologiyalardan o`z o`rnida, to`g`ri foydalanilganda beriladigan ma’lumot tez va tushunarli tarzda o`rganuvchiga yetib boradi, talaba o`quv jarayonida zerikib qolmasligiga, faol ishtirokchi bo`lishiga erishiladi.

WEB INTERAKTIV XIZMATLARDAN FOYDALANISH USULLARI

Zaripov N – Buxoro davlat universiteti fizika-matematika fakulteti “Axborot texnologiyalari»kafedrasi o`qituvchisi

Hasanova N – Kogon Sanoat va transport kolleji o`qituvchisi

Keyingi paytlarda yurtimizda zamonaviy axborot texnologiyalari yordamida xizmat ko`rsatish ko`lami tobora kengayib bormoqda. Bu turli soha xodimlarining mushkulini osonlashtirish bilan bir qatorda, tadbirkorlik yanada rivojlanishida, xalqimiz turmush farovonligi har qachongidan oshishida muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Interaktivlik tushunchasi. Interaktivlik deganda biz, faqatgina, biz o`rganayotgan fan kesimida texnik vositalar, kompyuter, ularning dasturlari hamda foydalanuvchilar orasidagi o`rnatilgan muloqatni tashkil etish tushuniladi. Demak, Kompyuter dasturlari shunday yaratilganki, Biz u yordamida kompyuter bilan muloqat o`rnatamiz.

Umuman olganda interaktivlik bu muloqat tizimini tashkil etish bilan bog`liq. ya’ni, maqsadga ko`ra tizim elementlari orasidagi axboriy ma’lumotlar almashinuvi.Ushbu tushuncha axborot nazariyasi, informatika va dasturlash, telekommunikatsiya tizimlari, sotsiologiya va boshqa sohalarda qo`llaniladi.

Interaktivlik orqali foydalanuvchi moddiy, ma’naviy, ijtimoiy, iqtisodiy, axboriy va ishlab chiqarishning turli manbalaridan ko`riladigan manfaat mavjud bo`lsa, unga interaktiv xizmat

qilingan deb tushuniladi. ya'ni, kompyuter dasturlari orqali foydalanuvchiga interaktiv xizmat tashkil etilgan deb tushuniladi.

Internet tarmog`i orqali ko`rsatiladigan interaktiv xizmat turlari. Hozirgi vaqtda, Hukumatimiz tomonidan interaktiv xizmatlarni shakllantirish, tashkil etish va ularni boshqarishga katta e'tibor berilmoqda. Interaktiv xizmatlarni tashkil etishning eng tez va yaxshi yo`li, bu, ularni internet tarmoqlari orqali amalga oshirish hisoblanadi.

Internet tarmog`i orqali ko`rsatiladigan interaktiv xizmat turlariga quyidagilar kiradi:

Transport vositalarning harakatlanish jadvali. Respublikadagi transport vositalarini harakatlarini ifodalash jadvali bir nechta saytlarda berilgan. Foydalanuvchi saytdan o`ziga maqul transport vositalarini qatnovi jadvallari haqidagi ma'lumotlarni topadi. Quyida ushbu veb sahifalarni keltirilgan:Interaktiv xizmatlarni tashkil etishning eng tez va yaxshi yo`li, bu, ularni internet tarmoqlari orqali amalga oshirish hisoblanadi. Internet tarmog`i orqali ko`rsatiladigan web interaktiv xizmat turlariga quyidagilarni misol keltirishimiz mumkin:

www.tgpt.uz – ushbu veb sayt orqali Toshkent shahridagi transport vositalari harakatlanish jadvallari to`g`risidagi ma'umotlari bilan tanishish mumkin.

uzairways.com – O`zbekiston havo yo`llari aviyakompaniyasi veb sayti. Saytda xalqaro va O`zbekiston miqyosidagi aviya qatnov jadvallari keltirilgan.

www.uzrailpass.uz – temir yo`l transport qatnovi jadvali. Respublika ichki va tashqi temir yo`l qatnovlari jadvallari va ular haqidagi ma'lumotlarni topish mumkin.

www.bank.uz– O`zbekistondagi barcha banklar xaqidagi ma'lumotlar va yangiliklar, kunlik valyuta miqdorlari haqidagi ma'lumotlari olish mumkin.

www.ob-havo.uz– bu saytdan O`zbekiston Respublikasi geografik hududlari bo`yicha ob-havo ma'lumotlarni olish mumkin.

www.mtrk.uz– O`zbekiston milliy teleradiokompaniyasi ma'lumotlari va teledasturlar jadvalini hamda ularning faoliyati bilan bog`liq bo`lgan ma'lumotlarni olish mumkin.

www.myjob.uz – bu saytdan ish o`rinlari haqidagi ma'lumotlarni olishingiz, siz, o`zingiz haqingizdagi ma'lumotlarni to`ldirib jo`natishingiz va javob olishingiz mumkin. Respublika doirasida bo`sh ish o`rinlarini topish, aniqlash va muloqat o`rnatishni amalga oshirish mumkin.

www.uff.uz; www.sportportal.uz – Respublika va xalqaro sport
musobaqalari, ularning o`tkazilish jadvallari va holatlari haqidagi
ma'lumotlarni quyidagi veb sahifalardan qidirish mumkin.

www.gov.uz – bu sayt O`zbekiston Respublikasi xukumat portali orqali ko`rsatiladigan interaktiv xizmatlar.

my.gov.uz – Yagona interaktiv davlat xizmatlari portal.

my.gov.uz- yagona interaktiv davlat xizmatlari portali mamlakatimiz axborot-kommunikatsiya tizimining istiqbolli loyihalaridan. 2013-yil 1-iyuldan ishga tushirilgan ushbu portal davlat organlarining aholi va tadbirkorlik subyektlari bilan o`zaro hamkorligining qulay, samarali vositasiga aylandi.

Bundan tashqari soliq to`lovchilarni qo`shimcha qulayliklar bilan ta'minlash maqsadida mobil aloqadan foydalanish imkonini beruvchi ikkita interaktiv xizmat turi yaratilgan. Hozir ular vositasida soliq to`lovchi jismoniy shaxslarning soliq qarzdorliklari haqida SMS-axborot berish, STIR haqida SMS-axborot berish bemalol amalga oshirilmoqda.

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2007 yil 23 avgustdagi 181-son qarori bilan»Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda interaktiv davlat xizmatlari to`g`risida nizom»va»Bazaviy interaktiv davlat xizmatlari reestri»tasdiqlangan. Ushbu Nizom davlat va xo`jalik boshqaruvi, mahalliy davlat hokimiyati organlari tomonidan yuridik va jismoniy shaxslarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda xizmatlarni ko`rsatish tartibi va shartlarini belgilaydi. Ushbu Nizomga muvofiq Qo`mita zimmasiga Bazaviy interaktiv davlat xizmatlari reestrini yuritish, shuningdek zaruratga ko`ra vazirliklar va idoralar bilan birgalikda Vazirlar Mahkamasiga Bazaviy interaktiv davlat xizmatlari reestriga o`zgarishlar kiritish bo`yicha umumlashtirilgan taklif kiritish vazifasi yuklatilgan. Bugungi kunda Bazaviy interaktiv davlat xizmatlari reestri 197 turdagi xizmatlardan tashkil topgan. Davlat organlari tomonidan veb-

saytlar orqali 617 ta interaktiv xizmat turlari ko`rsatilmoqda. Davlat organlarining axborot tizimlari va ma'lumotlar bazasini to`ldirish, ularni integratsiyalash va tartibga solish mamlakatda "elektron hukumat»tizimini joriy qilish va rivojlantirishning navbatdagi muhim bosqichi hisoblanadi.

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013 yil 14 fevraldagi PF-1920-son Farmoni bilan tasdiqlangan "Obod turmush yili" Davlat dasturiga hamda O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Interaktiv davlat xizmatlari ko`rsatishni hisobga olgan holda Internet tarmog`ida O`zbekiston Respublikasining Hukumat portali faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida»2012 yil 30 dekabrdagi 378-son qaroriga asosan, Internet tarmog`ining my.gov.uz manzilida Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali test rejimida ishga tushirildi. Bugungi kunda Yagona portal orqali aholiga interaktiv xizmatlar ko`rsatilmoqda. Vazirlar Mahkamasining 2012 yil 30 dekabrdagi 378-son Qaroriga muvofiq, davlat organlari Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali yuboriladigan aholi murojaatlarini o`z vaqtida ko`rib chiqish, Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali ko`rsatiladigan davlat interaktiv xizmatlari sonini ko`paytirish yuzasidan loyihalarni amalga oshirmoqdalar.

Davlat boshqaruv va xo`jalik yurituvchi organlar veb sahifalari orqali ko`rsatiladigan interaktiv xizmatlar.

Interaktiv davlat xizmati – idoralar tomonidan idoralarning axborot tizimlari vositasida telekommunikatsiyalar tarmog`i orqali jismoniy va yuridik shaxslarga axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda ko`rsatiladigan xizmatlar.

Interaktiv davlat xizmati quyidagi shakllarda ko`rsatiladi:

- umumiy foydalaniladigan axborotni e'lon qilish (tarqatish) - tegishli axborot tizimlari, shu jumladan Internet orqali davlat axborot resurslaridan foydalanish bo`yicha xizmatlarni realizatsiya qilish;
- bir tomonlama o`zaro hamkorlik - elektron shakldagi hujjatlarning har xil formulyarlaridan foydalanish imkoniyatini berish;
- ikki tomonlama axborot ayirboshlash - so`rov bo`yicha qabul qilish, tahlil (ko`rib chiqish) va javob yuborishni o`z ichiga oladigan idora xizmatlari (buyurtmanomalar va murojaatlarni taqdim etish, ularni qayta ishlash natijalarini taqdim etish yoki berish);
- elektron shakldagi ma'lumotlar to`liq ayirboshlanishini amalga oshirish, shu jumladan xizmatlar ko`rsatish va ularga haq to`lash shaklida ko`rsatilishi mumkin.
-

INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA GEOGRAFIYA FANLARINI O`QITISHNING METODIK ASOSLARI

Xudoyberdiyeva I.A., Rustamova M. Navoiy davlat pedagogika instituti

O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Uzluksiz ta'lim tizimi uchun davlat ta'lim standartini ishlab chiqish va joriy etish to`g`risida»gi hamda "O`zbekiston Respublikasida umumiy o`rta ta'limni tashkil etish to`g`risida»gi qaroriga asosan mamlakatimizda umumiy ta'limni qayta ko`rib chiqish va isloh qilish borasida ko`pgina samarali ishlar amalga oshirilib kelinmoqda.

Jumladan barcha fanlar, shu qatori geografiya fani bo`yicha ham yangi dasturlar tuzilib ularga muvofiq yangi va jahon standartlariga javob beradigan darsliklar yaratib kelinmoqda. Amaliy geografiya fanini o`qitishda o`quvchilar uchun maxsus ishlab chiqilgan umumiy darsliklar bilan bir qatorda iqtisodiy resurslarining amaliy geografiya fanida tutgan hissasining o`rni beqiyosdir.

Geografiya fanlari tabiiy va iqtisodiy resurslar haqida ma'lumotlar berish o`quvchilarni o`rganilayotgan xududning iqtisodiy resurslari, tekshirilish tarixi, ijtimoiy, siyosiy, madaniy hayoti va o`ziga xos xususiyatlarini to`liq anglab yetish hamda uning tabiiy-iqtisodiy xususiyatining shakllantirishga yordam beradi. Bu esa geografiya faninning oldida turgan bugungi kundagi eng dolzarb vazifalardan biridir. O`quvchiga mavzuni tushuntirish, darsni zamonaviy texnologiyalar bilan boyitish va samaradorligini oshirishda o`qituvchining o`rni beqiyosdir.

Yangilanayotgan pedagogik tafakkur talablariga ko`ra zamonaviy dars o`quv muassasasining mulkiy mansubligidan qat'iy nazar quyidagi xususiyatlarga ega bo`lishi lozim:

- ta'limning tarbiyaviy maqsadlarga bo`ysundirilganligi;
- o`quvchini komil shaxs sifatida shakllantirishga yo`naltirilganligi;

- ilmiyligi va izchilligi;
-tarbiyalanuvchining faolligi va mustaqilligini ta’minlashga qaratilganligi;
- insonparvarlik yo`nalishiga egaligi;
- tizimliligi;
- bilimlarni ongli ravishda o`zlashtirishga qaratilganligining amaliy ahamiyatga ega ekanligi va h.k.

Umumta’lim maktablarda, o`rta maxsus bilim yurtlarida hamda oliy o`quv yurtlarida geografiya fanlarini o`qitish metodlari jadal suratlar bilan rivojlantirilib borilayotgan bir vaqtda, talabalar va o`quvchilarga darsni ham xududning tabiiy va iqtisodiy resurslari hamda ularni baholash, ham zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda olib borishni tashkil qilish shakllarini ishlab chiqish bugungi kun uchun dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

Zero, o`rganilayotgan xudud haqida ma’lumot beruvchi birlamchi hamda birinchi darajali xududning tabiiy va iqtisodiy resurslari hamda ularni baholash bilan ishlash salohiyatini shakllantirgan holda talaba va o`quvchi tafakkurida mamlakat taraqqiyoti va ertangi kuni uchun muhim bo`lgan geografiya fanining to`laqonli obrazini yaratish mumkin. Bu esa o`qituvchidan har tomonlama mukammal bilim bilan birgalikda o`ziga xos qobiliyat – maxsus fan va pedogogik malakani talab etadi.

O`qituvchi o`quv jarayoniga kirib borar ekan undagi pedagogik va psixologik bilimlar miqdori, dars berish metodikasi va texnologiyasini egallaganlik darajasi uning ilmiy ba’zasidan ham birinchi o`rinda turishini inobatga olish lozim.

O`qituvchi zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanar ekan, albatta bunda birinchi navbatta fan, mavzu, o`quvchilar yoshi, kasbiy yo`nalitirilganligi va shu kabi bir necha jihatlarga ahamiyat berishi lozim. Geografiya faniga yo`naltirilgan umumta’lim, o`rta maxsus ta’lim muassasalarida va oliy o`quv yurtlarida darsni olib borish metodi boshqa muassasalarnikidan tubdan farq qiladi, ya’ni talabalarga va o`quvchilarga geografiya fani nafaqat yaxlit bir predmet balki, uning har bir jihati komplekslar (komponent) asosida alohida bir kurs sifatida ham o`qitiladi.

Geografiya fanlarini zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan olib borish bugungi kunda o`zini oqlagan metodlardan biri bo`lib hisoblanadi. Zero, zamonaviy pedagogik texnologiya o`ziga xos va puxta yaratilgan pedagogik natijalarga erishish uchun, pedagogik tizimning barcha tashkiliy tomonlariga aloqador nazariy va amaliy (ta’lim doirasida) tadqiqotlar sohasi sifatida belgilanadi

Umumta’lim, o`rta maxsus va oliy o`quv yurt ta’lim tizimida ham o`qituvchi ham o`qituvchini o`z ustida ishlashga qiziqtiruvchi, harakatini faollashtiruvchi va jadallashtiruvchi texnologiyalardan biri o`yinli texnologiyalar hisoblanadi. S.A.SHmakov fikricha o`yinli texnologiyalar nafaqat natijaga erishish, balki xoxishga ko`ra faoliyat jarayonining o`zidan zavqlanish uchun qo`llaniladi.

“Mening yangiligim” texnologiyasi

Bu usuldan mustaqil tanishish uchun uyga vazifa sifatida topshirilgan manbalar yuzasidan o`quvchilar fikrini aniqlash hamda baholashda foydalanish mumkin. Bu texnologiyada o`quvchilar individual – yakka holda harakat qiladilar. Buning uchun talabalarga va o`quvchilarga quyida keltirilgan misolidagi tarqatma material tarqatiladi.

Texnologiya bosqichma-bosqich amalga oshiriladi.

1. O`quvchi talabalar o`qituvchining ko`rsatmasi bilan A katakka o`zi mustaqil ravishda tanishib chiqqan istagan bir kitobining nomini yozadi. Masalan: Amaliy geografiya.
2. Qolgan ya’ni B., V., G., D., kataklarga kitobga ta’rif ya’ni amaliy geografiya bilan tanishib chiqishi jarayonida talaba o`quvchilarda taassurot qoldirgan o`ziga xoslik yoziladi. Masalan: B) Kitobning tabiiy omillar ta’sirida sodir bo`ladigan jarayonlar; V) Sun’iy omillar ta’sirida sodir bo`ladigan jarayonlar haqida muallif tomonidan mustaqil yozilganligi; G) Hozirgi zamon geosiyosiy muammolarining bayoni hozirgi kun uchun ham dolzrab; D) Amaliy geografiya fanini o`rganishda eng dolzarb o`quv qo`llanmaligidir.

Ushbu usul vaqtni tejash bilan birgalikda omma oldida nutq so`zlashdan qo`rqadigan, tortinchoq o`quvchilarni ham baholashga, ularning fikrlash doirasi hamda qobiliyatini tekshirishda yordam beradi. Usulning o`ziga xosligi: O`qituvchi uy vazifalarni darsdan so`ng tekshirishi mumkin. Bunda barcha o`quvchilar 100 % baholanadilar.

Zero O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganidek, "...xalqimiz siyosiy mustaqillik va ozodlikni qo`lga kiritgach, o`z taqdirining chinakam egasi, o`z tarixining ijodkori, o`ziga xos milliy madaniyatning sohibiga aylandi»– ayni vaqtda tarixiy-madaniy merosni tiklash - "milliy o`zlikni anglashning o`sishidan, xalqning ma'naviy sarchashmalariga, uning ildizlariga qaytishdan iborat uzviy, tabiiy jarayon»dir. Bu vazifalarni ado etishda esa turli ta'lim muassasalarining o`rni beqiyosdir.

Mustaqillik yillarida o`zbek xalqining millatparvar, xalqparvar, ma'rifatparvar vakillarining ezgu niyatlari amalga oshmoqda. Mamlakat hayotidagi bunday aniq o`zgarishlar o`z navbatida xalqning an'anaviy moddiy va ma'naviy madaniyatini bugungi kun nuqtai-nazaridan qarab, chuqur va ilmiy asosda izchil o`rganishni taqozo etmoqda. Mustaqil davlat sifatida huquqiy - demokratik jamiyat qurilar ekan avvalambor yosh kadrlarni har tomonlama rivojlantirish, ularda Vatanga, ona yurtga sadoqat, milliy istiqlol g`oyasi hamda xalq tarixiga xurmat g`oyalarini shakllantirish, talaba o`quvchilar tarbiyasida milliy mafkuraning rolini asos sifatida rivojlantirish zarurdir.

GEOGRAFIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Joniyev O.T., Negmatov S.Q. – NavDPI O`qit.

Pedagogik texnologiya - bu jamiyat ehtiyojidan kelib chiquvchi oldindan belgilangan kishi ijtimoiy sifatlarini samarali shakllantiradigan va aniq maqsadga yo`naltirilgan o`quv jarayonini majmua sifatida ko`rib, uni tashkil qiluvchi qismlari bo`lgan o`qituvchining o`qitish vositalari yordamida talabalarga ma'lum bir sharoitda muayyan ketma-ketlikda va ma'lum bir pedagogik usullardan foydalanib, ko`rsatgan ta'sirini nazoratda tutuvchi va ta'lim natijasini baholab beruvchi texnologiyalashgan ta'limiy tadbirdir.

O`zbekistonda pedagogik texnologiyalar sohasida 2000 yildan boshlab yirik ilmiy ishlar va o`quv qo`llanmalari nashr qilina boshlandi. Bu sohada B.P.Farberman, N.Saydaxmedov, F.Jumabayev, A.Ochilov, L.Golish, B.Ziyamuxamedov, Sh.Abdullayev, J.O.Tolipova, A.T.G`ofurov va boshqalar katta ishlarni amalga oshirishdi.

O`zbekistonda geografiyasi ta'limida pedagogik va axborot texnologiyalarini qo`llash va geografik texnologiyalarni ishlab chiqish bo`yicha ilmiy va metodik ishlar endi boshlanmoqda, ammo bu sohada yirik ko`zga ko`rinadigan ishlar hali qilinganicha yo`q. Pedagogik texnologiyalarni ajralmas qismi bo`lgan test topshiriqlari hamma fanlarda, ayniqsa Oliy o`quv yurtlariga kirish imtihonlarida keng qo`llanila boshlandi. Shuni ham aytib o`tish lozimki, barcha o`quv fanlarida ham test topshiriqlarini tuzish bo`yicha aniq bir metodik qo`llanmalar va ko`rsatmalar ishlanmasdan turib test topshiriqlari ishlab chiqildi va nashr qilindi. Bu esa ayrim chalkashliklarga va testlarni faqat bir yo`nalishda tuzilishiga olib keldi. Testologiya, ya'ni o`qitish maqsadlarini test topshiriqlari orqali ifodalash pedagogik texnologiyalarni oxirgi bosqichlaridan biri hisoblanadi. Demak, O`zbekistonda va boshqa MDH davlatlarida yangi pedagogik texnologiyalarni ma'lum bir bo`g`inlarini qo`llashdan ancha oldin boshlangan.

O`zbekistonda 1992 yildan boshlab mamlakatimiz Prezidenti I.A.Karimov farmoniga binoan Oliy o`quv yurtlariga qabul pedagogik test sinovlari asosida o`tkaziladigan bo`ldi. Oliy va o`rta maxsus maktab muammolari institutida pedagogik texnologiyalar va ta'lim sifati bo`limi ochildi.

Geografiya ta'limini maqsadlarini aniqlash. Geografiya ta'limining maqsadlari va vazifalari mavjud ta'lim standartlarida ishlab chiqilgan va tasdiqlangan. Standartlar bo`yicha har bir geografiya predmeti bo`yicha ta'lim maqsadlari va vazifalari ishlab chiqilgan. Geografiya ta'limining asosiy ko`rsatkichlarini B.Blumning taksonomik birliklari orqali ifodalansa, ular aniq bir o`lchamlarga ega bo`lar edi. Mazkur muammo sohasida hozircha geografiya ta'limida sezilarli ishlar olib borilayotgani yo`q.

Geografiya ta'limida quyidagi texnologiyalardan foydalanish mumkin. Kartografik texnologiyalar. Geografiya ta'limining barcha bochqichlarida qadimdan qo`llanib keladi. Kartografik materiallar ko`pincha darsga qo`shimcha ko`rgazma sifatida ishlatiladi. Alohida kartografik texnologiyalar yordamida hozircha dars o`tilmaydi.

O`quv ishlari usullarini shakllantirish texnologiyasi. Mazkur usul ham geografik ta'limda ilgaridan qo`llanib kelinadi. Ushbu texnologiya geografik borliqni, hodisa va jarayonlarni tavsiflash tartibi, qoidasi, algoritmlar sifatida ifodalangan. Mazkur texnologiya har bir darslik uchun metodik qo`llanma sifatida kengroq tarqalgan. Masalan, har bir sinf bo`yicha nashr qilingan darsliklar albatta metodik qo`llanmasi bilan birga nashr qilinmoqda. Unda geografik ko`nikmalarni shakllantrish texnologiyalari ishlab chiqilgan.

Tabaqalashtirilgan o`qitish texnologiyasi. Ushbu texnologiya ham geografiya ta'limida oldindan qo`llanib kelinadi. Ushbu usul qo`llaganda sinf talabalari qobiliyatiga va qiziquvchanligiga ko`ra ma'lum bir guruhlarga bo`linadi. Bunda o`quv maqsadlari tabaqalashtiriladi, har bir guruh uchun o`quv jarayonini ta'minlaydigan texnologiya ishlab chiqiladi. Mazkur texnologiyani regional geografiya fanlarini o`rganishda qo`llash yaxshi natija beradi. Masalan, Yevropadagi rivojlangan davlatlar iqtisodiy geografiyasini o`rganishda har bir guruh ma'lum bir davlatni o`rganishi mumkin.

Talabalarni o`quv faoliyatini shakllantirish texnologiyasi. Bunda o`quv faoliyati talabalarni faolligini oshirishni maxsus, alohida shakli sifatida ko`riladi. Ushbu texnologiyada talabalar bilimlarni ma'lum bir o`quv topshiriqlarni bajarish orqali olishadi. Ushbu texnologiyani qo`llash quyidagi bosqichlardan iborat: ma'lum bir ma'lum bir mavzu yoki bo`lim bo`yicha topshiriqlar tizimi tuziladi. Masalan, Shimoliy Amerika iqlimi; Xitoyning qishloq xo`jaligi; Yaponiya transporti va hokazolar; O`qituvchi va talabalar faoliyatini tashkil qilish loyihasini ishlab chiqish; mavzu bo`yicha talabalar bilimini tekshirish uchun test topshiriqlarini tuzish; dars o`tish, talabalar bilimini baholash. Maskur texnologiyalarga talabalar faoliyatini faollashtirish texnologiyasini ham kiritsa bo`ladi. Talabalar faoliyatini faollashtirish va jadallashtirish geografik o`yinlar texnologiyasi, muammoli o`qitish texnologiyasi, o`quv materiallarini chizmali, belgili va kartografik modellardan foydalanish orqali amalga oshiriladi. Geografiya o`yinlar texnologiyasi, geografiya ta'limida juda keng qo`llaniladi va o`zining qiziqarliligi, bilimlarni talabalar tomonidan oson o`zlashtirishlari bilan ajralib turadi. Geografik o`yinlar texnologiyasi barcha geografiya predmetlarini o`rganishda qo`llanimshi mumkun. Muammoli o`qitish texnologiyasi ham geografiya ta'limida yangi emas.

Modul texnologiyasi geografiya ta'limida endi rivojlanib kelmoqda. Darslik, bo`lim, mavzu ayrim modullarga bo`linadi. Har bir modulda talabalar albatta egallashi lozim bo`lgan bilimlar tizimi aniqlanadi. Masalan, geografik koordinatalar mavzusini quyidagi modullarga bo`lishimiz mumkin: ekvator, bosh meridian, parallellar, meridianlar, daraja to`ri, geografik kenglik, geografik uzunlik, geografik koordinatalar. Bunda talabalar albatta bilishi shart bo`lgan bilimlarga parallel, meridian, kenglik, uzunlik, geografik koordinata kiradi. Mazkur texnologiyani geografiya predmetlarining barchasida qo`llash mumkin. Mazkur texnologiya o`qituvchi va talabani birgalikdagi faoliyatini yengillashtiradi va jadallashtiradi.

Alternativ texnologiyalarni juda ko`p variantlari mavjud, ulardan geografiya ta'limda ustaxona texnologiyasidan foydalanish mumkin. Bunda usta (o`qituvchi) kerakli ma'lumotlarni talabalarga beradi va uning asosida talabalar o`zlarining bilimlariga tayangan holda topshiriqni bajarishadi. Masalan, o`qituvchi bergan quyidagi materiallar asosida (yillik o`rtacha harorat, yildagi eng baland va eng past haroratlar, yog`in miqdori va uning qaysi faslda yog`ishi, shamollar, havo massalari) iqlim turi, yillik havo harorati farqi, iqlim mintaqasi va u tarqalgan hududlarni aniqlashlari lozim.

Integratsiya texnologiyalari. Geografiya ta'limida integrativ predmetlarini o`rganishda qo`llaniladi. Geografiya ta'limida akademik litsey va kasb–hunar kollejlarida o`tiladigan "Amaliy geografiya" predmeti integrativ predmet hisoblanadi. Unda tabiiy geografik, ekologik, iqtisodiy geografiya, siyosiy geografiya va geosiyosiy bilimlar majmuasi berilgan. Bunda geografik qobiqdagi tabiiy, ijtimoiy- iqtisodiy, ekologik va geosiyosiy tizimlar haqida yaxlit bilimlar berilgan. Shuning uchun mazkur kursning vazifasi geografik borliqni yaxlit tushunish va qabul qilishni shakllantirishdir.

Kommunikativ — suhbat texnologiyasi ham geografiya ta'limida u yoki bu darajada ilgaritdan foydalanib kelinadi. Bunda o`qituvchidan o`quv jarayonida ijodiy yondashish, suhbat texnologiyasi usullaridan foydalana bilish, suhbat uchun savol va topshiriqlar tizimini ishlab

chiqish, talabalar yoki talabalar o`rtasida munozaralarni tashkil qila bilish talab qilinadi. Geografiya predmetlarini deyarli barchasini o`rganishda ushbu usuldan foydalanish mumkin. Masalan, “Orol dengizini qutqarib qolish mumkinmi”, “Qozog`iston past tog`lari o`rnida Himolay tog`lari bo`lsa, O`rta Osiyo iqlimi qanday bo`ladi”, “Qanday tuproqlar hosildor va nima uchun”, “Shimoliy Atlantika iliq oqimi bo`lmasa Yevropa iqlimi qanday bo`ladi»va hokazolar.

Bundan tashqari reyting, jamoa, rivojlantiruvchi, shaxsga yo`naltirilgan, mualliflik, didaktik maqsadlarni yiriklashtirish, mantiqiy tayanch konspektlar va boshqa texnologiyalar mavjud.

Ta’lim texnologiyalarining ko`p qismi geografiya ta’limida ilgaridan mavjud bo`lgan o`qitish metodikasi sifatida qo`llanib kelingan. Metodika bilan texnologiya bir-biriga juda yaqin, bir-birini to`ldiradi. Masalan, jahon siyosiy kartasini ma’ruza usulida o`rganish texnologiyasi, Quyosh tizimi mavzusini tushuntirish usulida o`rgatish texnologiyasi va hokazolar.

Demak, geografiya fani yangi ta’lim texnologiyalarini qo`llash uchun juda katta imkoniyatlarga ega, ammo mazkur texnologiyalarni qo`llash bo`yicha ilmiy-metodik ishlar boshqa fanlarga qaraganda sust olib borilmoqda.

Muammoli o`qitish metodikasi ilg`or o`qitish metodlaridan hisoblanadi, chunki u talabalarni o`ylashga izlanishga majbur qiladi, natijada ularning bilimlari chuqurlashadi va turli muammolarni qo`yish va yechish ko`nikmalari shakllanadi.

ТИББИЙ ВА БИОЛОГИК КИМЁ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Ёриев О.М. – к.ф.д., профессор, Назаров И.И. к.ф.н., доцент,
Хайруллаев Ч.К. т.ф.н., доцент, Амонова Ҳ.И. т.ф.н., доцент
Мажидов А.А. – ассистент Бухоро давлат тиббиёт институти

Барча соҳаларда бўлгани сингари мамлакатимизнинг таълим тизимида ҳам ўзига хос янгиликлар кириб келмоқда. Таълим тизимини технологиялаштириш, таълим самарадорлигини янада ошириш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган янги инновацион технологияларни қўллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Инновацион технологияларни тезда қабул қилиш, уларни таҳлил этиб назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулоса чиқариш ҳамда талабага етказиб бериш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Педагогик технологияларни ривожлантириш назарий асосларини танқидий кўриб чиқиш, таълим жараёнига нисбатан самарали ёндашувни амалга ошириш ҳисобига эришилади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалиётга татбиқ этишнинг учинчи босқичи бугунги кунда таълим тизимида давом этмоқда. 2005 йил ва ундан кейинги йилларда таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув тарбия жараёнини янги ўқув услубий муаммолар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилган.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим жараёнининг моддий техник базаси етарли эмаслиги, тажрибали юқори малакага эга бўлган педагогик кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув услубий ва илмий адабиётларнинг камлиги, таълим тизими фан ва ишлаб чиқариш ўртасида мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик алоқадорлигининг йўқлиги, кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар қаторига кириши айтиб ўтилган. Илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновацион лойиҳаларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш орқали илм фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, илғор ахборот ва педагогик технологияларни амалга ошириш учун тажриба майдончалари барпо этиш орқали эса илмий татқиқотлар натижаларини таълим тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмларини рўёбга чиқариш, замонавий ахборот технологиялари, компютерлаштириш ва компютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бориши белгилаб қўйилган.

Агар тарихга назар солиб қаралса эрамиздан аввалги мингинчи йилларда ҳам ёшларга билим беришда уларни гуруҳларга бўлиб ўқитиш масалаларига эътибор берилган.

Педагогик технологияларни танлашда ўқитувчининг энг биринчи вазифаси мавзуни ўзлаштириш савияси, талабалар билим даражаси, билиш қобилияти турлича эканлигини эътиборга олиш зарур. Шунинг учун ҳар бир мавзу учун мос келадиган алоҳида технологияни танлаб ўқитишга ҳаракат қилинади.

Бухоро давлат тиббиёт институти "Тиббий ва биологик кимё" кафедрасида таълим тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш асосида амалга оширишга эътибор қаратиб келинмоқда. Бўлажак шифокорларга кимёвий билимларни тиббиёт билан боғлиқ ҳолда инсон танасида кечаётган биокимёвий жараёнларни сингдириш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мавзунинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолатда педагогик технологияларни танлаб ўқитишга ҳаракат қилинмоқда. Кафедрада бугунги кунда "Ақлий ҳужум", "Бўш звено", "Нилуфар гули", "Клейстер", "Нима учун", "Айлана стол", "Қопдаги мушук", "Асалари уяси" каби замонавий педагогик технологиялар қўлланиб келинмоқда.

Масалан тиббий кимё фанидан "Карбонсувлар. Ди- ва полисахаридлар" мавзусидаги амалий машғулот дарсини ўтказиш жараёнида қўлланиладиган»Бўш звено»ишчи ўйинини услубий тавсияси ва ўтказиш технологияси қуйидагича:

«Бўш звено»ишчи ўйинининг мақсади: Амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш.

Усулнинг асосий ғояси: Талабаларни дарсга тайёргарлик даражасини тезкор усул билан текшириб олиб, рақаботдошлик туйғусини уйғотиш, мавзу бўйича керакли бўлган барча маълумотлар билан таништириш.

Бўш звено қоидалари: Имкони борича кўпроқ саволларни таклиф этиш, уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш, талабаларни билим даражаларини ўйин орқали билиб олиш билан бирга, ҳаққоний баҳолаш талабаларни тез ва самарали ишлашга ундаш.

Таълим берувчи: Ўйинни ўтказади. Ҳисобчиликка бир талабани ёрдамчи сифатида танлайди. Саволлар тўпламидан ҳар бир талабага навбатма – навбат саволларни беради.

Масалан: - Тўртта дисахаридни номларини айтинг.

- Лактозанинг структура бирликларини номланг.
- Сахарозанинг структура бирликларини номланг.
- Целлобиоза қайси моддани гидролизидан ҳосил бўлади?
- Декстранларни тиббиётдаги аҳамиятини айтинг.
- Пектин моддаларни тиббиётдаги аҳамиятини айтинг.
- Хондроитинсульфатларни тиббиётдаги аҳамиятини айтинг.
- Гепаритинсульфатни тиббиётдаги аҳамиятини айтинг.

-Мураминни тиббиётдаги аҳамиятини айтинг. (ва ҳоказо)

талаба томонидан берилган жавоб»тўғри»ёки»нотўғри»деб баҳоланади

Талабалар берилган саволга 5 сония ичида жавоб беришлари керак ва шундай йўсинда саволларга жавоб бериб, иккита турдан ўтадилар. Ҳисобчи талаба жавоб берган талабани фамилияси қаршисига тўғри жавобга»+»ёки нотўғри жавобга»-»қўяди. Ишчи ўйиндан кейин саволларни 2 туридан сўнг ўйин тўхтатилади ва иккита саволга жавоб бермаган, яъни 2 та»-»олган талабалар»бўш звено»сифатида ўйиндан чиқадилар. Ўйин қолган талабалар билан янги давра бўйича давом этади. Ҳар бир турдан турга энг кучли талабалар қолади, кучсизлар»бўш звено»сифатида ўйинни тарк этадилар. Ўйин охирида энг кучли талаба қолади.

Биологик кимё фанидан "Оқсилларнинг қурилиши хусусияти ва вазифалари" мавзусини ўтказишда "Асалари уяси" усули қўллаш тартиби қуйидагича :

"Асалари уяси" усулини қўллаш талабаларни фаол дарсга қатнашиши ва ҳамкорликда ишлашини кўзда тутади. Ўқитувчи эса бутун гуруҳ билан ишлайди. Яна иш ўйинлари талаба нутқи, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, мулоҳаза юритишни шакллантиради.

Иш ўйини амалий машғулотда ўтказилади. Иш ўйинига максимал 30 балл ажратилади (100 баллдан).

Иш ўйинини ўтказиш учун керак: савол ёки вазиятли масала билетлари, тоза қоғоз варағи, турли рангли ручкалар

Иш ўйинини қўллаш усули: гуруҳ талабалари 4 гуруҳчага бўлинади ҳар бир гуруҳча бошқа-бошқа столларга ўтиради ҳар бир гуруҳчадан битта талаба билет олади ҳар бир гуруҳча учун савол ёки вазиятли масала бир хил гуруҳча талабалари оқ қоғоз ҳамда ҳар хил рангли ручка олади қоғознинг ўнг юқори бурчагига гуруҳча талабалари исми, фамиялияси, гуруҳ рақами, дарс мавзуси, савол ёки масала ёзилади. Ҳар бир гуруҳча савол ёки масалани муҳокама қилиб, сўнг жавобни ёзадилар. Жавобга 20 минут ажратилади жавоб ёзилган варақлар ўқитувчига топширилади. Ўқитувчи жавоблар топширилишини кетма-кетлигини белгилайди. Баллар жамланганда инобатга олинади. Гуруҳ талабалари ҳамма гуруҳчалар ёзган жавобларни муҳокама қилиб, энг тўғри ва тўлиқ жавоб танланади. Энг тўғри ва тўлиқ жавоб ёзган ва биринчи бўлиб топширган гуруҳча максимал – 30 балл олади, кейинги гуруҳча – 20 балл ва охирги топширганлар – 15 балл оладилар.

Иш ўйинларига қўйилган баллар дарснинг умумий балига қўшилади.

Мавзу бўйича саволлар намуналари:

-Нима сабабдан жаҳоннинг барча давлатларида оқсилли овқатланишга эътибор берилади?

-Кўпчилик ривожланмаган мамлакатларда аҳолининг яшаш даври қиска. Бунинг сабаби оқсилга бой озуқа маҳсулотларни етишмаслигидир. Сизнинг фикрингизча оқсилга бой овқатланиш билан яшаш давомийлиги орасида қандай боғлиқлик бор?

-Оқсиллар – овқатнинг асосий қисмидир. Нима сабабдан оқсил етишмаслиги касалликни зўрайишига, соғлом одамни толиқишига олиб келади?

-Оқсилларнинг асосий вазифасини санаб беринг ва уларга тушунча киритинг

-Изооқсилларга тушунча беринг

-Денатурация натижасида оқсилларда вужудга келадиган ўзгаришларни тушунтиринг

Тажрибалар шуни кўрсатиб турибдики анъанавий усулларга нисбатан юқоридаги технологиялар билан дарс ўтилганда талабаларнинг фаоллиги ва мавзуни ўзлаштириш рейтинги жуда ҳам юқори бўлиши кузатилди.

ИНФОРМАТИКА КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИГА “САНОҚ СИСТЕМАЛАРИ»МАВЗУСИНИ ЎТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ

Қандаҳаров А, Жиззах шаҳар ХТМФМТ ва ТЭ бўлимига қарашли 10- мактаби ўқитувчиси
Мингбоев У, Жиззах ВХТХҚТМОИ “Табиий ва аниқ фанлар таълими»кафедраси мудири в.б.

Жамиятнинг замонавий ривожи инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш билан характерланади. Малака ошириш институтларида малака ошираётган тингловчилар таълим жараёнини ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологияси ва фандаги сўнги янгиликлар билан мунтазам билимларини ошириб боришлари лозим. Шундай экан, тингловчилар “Информатика фанининг назарияси ва ўқитиш методикаси” ўқув модулини ўрганиш жараёнида ўзлаштирадиган билимлар ва эгаллайдиган кўникмалар мажмуаси глобал ва оммавий характерга эга, дейишга маълум маънода асослар бор. Ушбу ўқув модулини ўрганиш учун тингловчилар олий таълимда ўзлаштирган информатика соҳасидаги назарий билимлар ва амалий кўникмаларга таянадилар. Тингловчилар мазкур ўқув модулини ўрганиш жараёнида эгаллаган билимларини ва амалий кўникмаларини умумтаълим мактаб ўқув режасига киритилган информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанини ўқитишда фойдалана олиши керак.

Демак, малака ошириш институтларида “Информатика фанининг назарияси ва ўқитиш методикаси” ўқув модулини ўрганишдан мақсад бу – тингловчиларда касбий соҳада ахборот-коммуникация технологиялари, фандаги сўнги янгиликлар ва уларни таълим тизимида саводли қўллаш ҳақида тасаввурни шакллантиришдир. Ушбу ўқув модулини ўрганиш натижасида тингловчи:

-информатиканинг асосий тушунчалари, техник ва дастурий таъминот, дастурий таъминот таснифи, компьютер хотирасида сонларни тасвирлаш хусусиятлари, алгоритмлаш ва дастурлаш асосларини билиши керак;

-операцион тизимлар, матнли муҳаррирлар, жадвал процессори, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, тақдимотлар яратиш дастурлари, ахборот-қидирув тизимлари билан ишлай олиши керак;

-умумий ва касбий мазмунли дастурлар билан ишлаш малакасини эгаллаган бўлиши керак.

Малака ошириш тизимида информатика малака ошириш ва информатика масофадан малака ошириш курси тингловчилари билан ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, ушбу ўқув модулидаги “Саноқ системалари»мавзусида бошқа саноқ системаларидан 16 лик саноқ системасига ўтиш ва 16 лик саноқ системаси устида арифметик амаллар бажариш мураккаб ҳисобланар экан. Информатика малака ошириш ва информатика масофадан малака ошириш курсларида ушбу мавзуни ўрганиш зарурияти шу билан изоҳланадики, сонлар компьютер хотирасида иккилик саноқ системасида тасвирланади, саккизлик ва ўн олтилик саноқ системалари эса компьютерли ҳужжатларни расмийлаштириш ва дастурлашда, рақамли қурилмалар билан боғлиқ соҳаларда фойдаланилади.

Информатика фани бўйича малака ошириш курси тингловчиларида ушбу мавзуни чуққурроқ ўрганиш учун уларнинг мотивациясини кучайтириш талаб этилади. Улар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини умумтаълим мактаб информатика дарсларида қўллаш мумкинлигини муфассал тушунишлари зарур.

Қайд этилган муаммони ҳал этишнинг усулларидан бири бу – ушбу мавзуни ўрганишда компьютерни амалиётда эркин қўллаш ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида асосий амалларни компьютерда бажариш ва ҳисоблашни автоматлаштириш эвазига мавзуни ўрганишга ажратилган вақт бюджетини тежашга имкон беради. Бундан ташқари, компьютердан фойдаланиш тингловчиларга компьютернинг асосий функцияларини ва уни малака оширишдан кейинги касбий фаолиятда қўллаш мумкинлигини кўрсатишга ёрдам беради.

Ушбу мавзуни ўрганишда биз Microsoft Office Excel-2007 пакетидан фойдаландик. Microsoft Office Excel-2007 дастурида турли кўринишдаги ҳисоблашлар учун кўп сонли ўрнатилган функциялар (математик, статистик, вақт ва санали, молиявий, мантиқий, муҳандислик – техника соҳасига оид ва бошқалар) категориялар мавжуд. Шу билан бирга ўрнатилган функциялар таркибига сонларни бир саноқ системасидан бошқасига ўтказиш функцияси ҳам киради. Бу функция муҳандислик (техника соҳасига оид – инженерные) категориясида мавжуд бўлиб, унинг бир неча турлари келтирилган.

Ушбу “Инженерные»категорияси танлангач, ундаги турли функциялар орқали берилган сонларни иккилик саноқ системасидан 8, 10, 16 лик саноқ системасига; саккизлик саноқ системасидан 2, 10, 16 лик саноқ системасига ва ҳ.к. ўтказиш мумкин.

Тингловчиларга ушбу функциялардан фойдаланиб бажаришлари учун намунаси қуйидагича бўлган топшириқлар бериш мумкин.

Топшириқ 1. Иккилик саноқ системасида берилган 101011100 сонини саккизлик, ўнлик, ўн олтилик саноқ системасига ўтказиш учун шаблон яратинг.

Топшириқни бажариш: Microsoft Office Excel-2007 дастурини ишга туширинг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг (1-расм).

	A	B	C	D
1	**Сонни киритинг**	**8 лик СС**	**10 лик СС**	**16 лик СС**
2	**101011100**			

1-расм. Шаблон учун жадвални тўлдириш.

Формула сатридаги f_x пиктограммасини (Microsoft Office Excel 2007 да»Формулы»/»Вставить функцию»кетма-кетлигини) танланг ва»Инженерные»категориясидан мос функция турини танланг (2-расм).

	A	B	C	D
1	Сонни киритинг	8 лик СС	10 лик СС	16 лик СС
2	101011100	=ДВ.В.ВОСЬМ(А2)	=ДВ.В.ДЕС(А2)	=ДВ.В.ШЕСТН(А2)
3				

2-расм. Формула киритиш тартиби.

Юқоридаги каби керакли ячейкага керакли формулани киритинг ва клавиатурадан [Enter] тугмасини босиб, қуйидаги натижани олинг (3-расм).

	A	B	C	D
1	Сонни киритинг	8 лик СС	10 лик СС	16 лик СС
2	101011100	534	348	15С

3-расм. Якуний натижа.

Топшириқ 2. Ўнлик саноқ системасида берилган 456 сонини иккилик, саккизлик, ўн олтилик саноқ системасига ўтказиш учун шаблон яратинг.

Топшириқни бажариш: Юқоридагидек, Microsoft Office Excel дастури ишга туширилади, жадвални тўлдирилади ва шаблон яратилиб (4-расм), натижа олинади (5-расм).

	A	B	C	D
1	Сонни киритинг	2 лик СС	8 лик СС	16 лик СС
2	456	=ДЕС.В.ДВ(А2)	=ДЕС.В.ВОСЬМ(А2)	=ДЕС.В.ШЕСТН(А2)
3				

4-расм. Шаблон яратиш ва формула киритиш тартиби.

	A	B	C	D	E	F
1	Сонни киритинг	2 лик СС	8 лик СС	16 лик СС		
2	456	111001000	710	1С8		
3						

5-расм. Якуний натижа.

Қўшимча топшириқ сифатида тингловчиларга ушбу мавзу бўйича электрон таълим ресурсларини топиш ва уларни таҳлил қилиш таклиф этилади.

Бундай топшириқларнинг киритилиши тингловчиларда электрон таълим ресурсларини мустақил қидириш, электрон таълим ресурсида тақдим этилган ахборотни таҳлил қилиш ва таснифлаш, ахборот маконига мўлжал олиш ва касбий фаолиятда электрон таълим ресурсларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу мавзуни ўқитишда жадвал процессоридан фойдаланиш тингловчиларга таълим беришга кетадиган вақтни тежайди ҳамда улар учун зерикарли туюладиган мавзуларга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилади.

РОЛЬ ХИМИЧЕСКИХ ЗАДАЧ В ФОРМИРОВАНИИ КОМПЕТЕНЦИИ УЧАЩИХСЯ

Авезов Х – БухГУ, доцент кафедры химии
Сулаймонова З – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Турсунов М – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Элмуродова Г – БухГУ, студент факультета естественных наук

Решение задач формирует определенный стиль мышления и развивает интеллектуальные умения учащихся, ставя их перед необходимостью творческого использования имеющихся знаний и приобретения недостающей информации. Важно, чтобы задача создавала положительную установку на дальнейшую активную деятельность.

Для определения величины ущерба, который могут принести экологически опасные ситуации, можно предложить учащимся провести расчеты.

1. В результате аварии на производстве серной кислоты в сточные воды массой 400 кг попало 3,2 кг оксида серы (VI). Вычислите массовую долю образовавшейся в сточных водах серной кислоты.

2. В стратосфере на высоте 20—30 км находится слой озона, защищающий Землю от мощного ультрафиолетового излучения Солнца. На каждого жителя в воздушном пространстве над городом приходится по 150 моль озона. Сколько молекул озона и какая масса приходится в среднем на одного горожанина?

3. На нефтеперерабатывающем заводе из-за поломки произошел аварийный выброс нефтепродуктов в ближайшее озеро. Их масса составила 500 кг. Выживут ли рыбы, обитающие в озере, если известно, что примерная масса воды в озере 10 000 т. Токсическая концентрация нефтепродуктов для рыб составляет 0,05 мг/л.

4. При производстве фенолоформальдегидных пластмасс произошел аварийный выброс фенола в ближайший водоем. Рассчитайте молярную концентрацию фенола в водоеме, если масса воды в нем — 10 000 т, а масса сброшенного фенола составляет 0,5 кг.

5. Почему погибли рыбки, когда в аквариум нечаянно обронили кристаллики фенола? ***(Фенол ядовит, он легко окисляется растворенным в воде кислородом, которого в воде почти не стало, поэтому рыбки погибли.)***

6. Почему женщины, изображенные на картине французского художника Жана Франсуа Милле»Прачки», имеют красные опухшие руки? *(В воде, а особенно в горячей, мыло подвергается гидролизу, приводящему к образованию едких щелочей, разъедающих кожу.)*

7. Муравьиный укус причиняет боль. Почему боль утихает, если место укуса смочить нашатырным спиртом? **(При укусе муравей впрыскивает в ранку муравьиную кислоту, вызывающую резкую боль. Если место укуса смочить нашатырным спиртом — боль пропадает, так как нашатырный спирт — это основание: гидроксид аммония. Он нейтрализует кислоту.)**

8. Почему самое жирное молоко у дельфинов (40%)? *(Жиры молока — источник энергии для детенышей. Нерегулярное кормление, быстрый рост детенышей, высокая активность животных и большая теплоотдача во внешнюю среду — причины высокой жирности молока самок дельфина.)*

9. Какую роль играет жир, содержащийся в горбе верблюда? **(Жир, которым заполнен горб верблюда, служит в первую очередь не источником энергии, а источником воды.)**

10. В»черном ящике»находится вещество, которое в 1802 г. впервые выделил из виноградного сока французский химик Жозеф Луи Пруст. Это вещество твердое, сладкое на вкус, хорошо растворимое в воде. При растворении в воде оно образует три неизомерных формы. Какое вещество находится в»черном ящике»? *(Глюкоза. Существует три формы глюкозы — а-, β и альдегидная), которые отличаются своим строением, являясь таутомерами.).*

TABIIY FANLARNI O`QITISHDA YANGI PEDAGOGIKVA AXBOROT KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Aminjonova M – Farg`ona shahar 29-umumiy o`rta ta'lim maktabi matematika fani o`qituvchisi

Hozirgi kunda umumiy o`rta ta'lim maktablarida ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirish, o`quvchilarning chuqur bilim olishlarini ta'minlashda har bir fan o`qituvchisiga o`z fani bo`yicha keng bilimga ega, zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarni, interfaol dars usullarini mukammal o`zlashtirgan, ulardan o`quv-tarbiya jarayonida foydalana oladigan bo`lish talabi qo`yilmoqda. O`quv-tarbiya jarayonini samarali tashkil etishga qaratilgan "Dars muqaddas" va "O`rgan-o`rgat" tadbirlari asosida bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. "Dars muqaddas" tadbirining mantiqiy davomi bo`lgan Fizika, Matematika, Kimyo, Biologiya va boshqa

o`zlashtirilishi qiyin bo`lgan fanlar bo`yicha darslarni qiziqarli va samarali tashkil etishga qaratilgan “Murakkab-fan o`rganaman” nomli tadbirlar ham ishlab chiqildi. Bu tadbirlar asosida Kimyo, Kimyo, Biologiya fanlarini o`qitishda virtual laboratoriyalardan foydalanish, o`quvchilar bilimini testologiya asosida muhim ahamiyatga ega.

Ta’lim sifatini oshirish bo`yicha ishlab chiqilgan tafsiyalar, “Dars muqaddas”, “Murakkab-fan organaman”, “Sog`lom muhit-Sog`lom jamoa”, “Uzliksiz va Uzviy”, “O`rgan-o`rgat”, “Yaxshi muallim-sifatli ta’lim”, “Mahorat maktablari” bularning barchasining zaminida o`quvchilarga berilayotgan ta’lim-tarbiya sifatini va samaradorligini oshirish muhim ahamiyatga ega ekanligi ko`rsatib o`tilgan.

O`z kasbini qadrlaydigan, chuqur bilimga, pedagogik salohiyatga ega fidoiy ustozlarga esa yanada izlanish, o`z ustida ishlash va o`z bilimini oshirish ma’sulyati yuklanadi.

Tabiiy fanlarni o`qitishda turli yangi pedagogik texnalogiyalardan, virtual laboratoriyalardan foydalanish ta’lim samaradorligini oshiradi, ayniqsa bunda fanlararo bog`lanish ham muhim ahamiyatga ega. Masalan, yangi pedagogik texnalogiyalaridan “Zinama-zina”, “Idrokharitasi”, “Men kimman”, “FSMU”, “Aqliy hujum» usullaridan kimyo darslarida metallar, metallmaslar mavzularini o`tishda foydalanish orqali Biologiya, Fizika, Geografiya fanlari bilan bevosita bo`g`lash mumkin. Bu texnalogiyalari orqali o`quvchilarga oddiy savollardan murakkabga tomon boriladi, bunda o`quvchining eslab qolish qobilyati rivojlantiriladi. Davriy sistemadagi elementlarni o`rganishda ham “Men kimman” texnalogiyasidan foydalanib elementlarning xossalarini o`rganish qulay bo`ladi.

Bundan tashqari o`quvchilarning kompyuter savotxonligini oshirish, virtual laboratoriya va amaliy mashg`ulotlarni kompyuter orqali bajarishi ham ta’lim sifatini oashirishga yordam beradi.

Ta’lim sifatini, samaradorligini oshirish uchun har bir o`qituvchi bugungi kun talabi bilan hamnafas bo`lishi ijodkor bo`lishi, yangi pedagogik va axborot kommunikatsion texnalogiyalarni puxta bilishi o`z ustida tinmay ishlashi yosh avlodni tarbiyalashga qo`shgan muhim hissasi bo`lib qolishi mumkinligini yurakdan his qilib, fidoiy jonkuyar bo`lib mehnat qilishi maqsadga muvofiqdir.

AMINOKISLOTALAR MAVZUSINI O`QITISHDA»AQLIY HUJUM»METODINI JORIY QILISH

Qodirova Z.Q. – Buxoro davlat universiteti, katta o`qituvchi
Avezova F.M. – Buxoro tibbiyot kolleji o`qituvchi

Bugungi o`quvchi yoshlar zimmasida katta mas’uliyat, ya’ni yurt taqdiri, vatan kelajagi taqdiri turibdi. Demak, endigi kadrlar sifati masalasi ko`proq maktabda, akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida, oliy ta’lim dargohlarida beriladigan ta’lim–tarbiyaning sifatiga, mazmuniga aloqadordir.

Bugungi kun nuqtai nazaridan qaraydigan bo`lsak, o`quvchilarni bilim darajasi yuqori, aqliy faoliyati yetuk va mustaqil fikrlay olishi zarur. O`qituvchilar bunday xislatlarni o`quvchilarda rivojlantirib boradilar.

Shunday ekan, darslarda faqat o`qituvchi aktiv faoliyat ko`rsatmasdan, balki o`quvchilar passiv holatdan darsning asosiy ishtirokchisiga aylanishi, ya’ni mustaqil ishlashlari zarur. Shu sababli o`quvchilarni kimyo faniga bo`lgan qiziqishlarini orttirish, ularga chuqur va puxta bilim berish borasida turli xil noan’anaviy uslublardan, yangi pedagogik va informatsion texnologiyalardan foydalangan holda dars o`tish muhim ahamiyatga ega va hozirgi kun dolzarb vazifalaridan biriga aylangan. Yangi usullarni ta’lim jarayoniga joriy etish o`quv jarayonlarini tubdan o`zgarishiga olib kelmoqda.

Bu holat ta’lim jarayoni ishtirokchilarini bilimlarini kengaytirishga, ijodkorlikka, tinimsiz izlanishga, o`z ustida ishlashga har bir darsni haqiqatdan ham bir san’at asari sifatida taqdim etishga olib kelmoqda. Ta’limni axborot bilan ta’minlash, rivojlantirish uni jahon axborot tizimi bilan bog`lash barcha fanlar qatori kimyo fanini o`qitishda ham o`qituvchi multimediya, kompyuterli test nazorati, skaner texnologiyasi, internet, elektron pochta, virtual kutubxona, masofadan turib ta’lim

berish, taqdim etish texnologiyasi kabi zamonaviy axborot texnologiyasi elementlaridan foydalanish mumkin.

Aqliy hujum usuli g`oyat oddiy va samarali vosita hisoblanadi. Bu usulni har bir darsda qo`llash mumkin. Chunki bu usul hech qanday maxsus tayyorgarlik va ta'lim vositalarini qo`llash majburiyatini keltirib chiqarmaydi. Uning mohiyati jamoa hamkorligi asosida muammoni yechish jarayonlarini vaqt bo`yicha bir qancha bosqichlarga ajratishdan iborat. Dars jarayonida aqliy hujumdan maqsadli foydalanish ijodiy nostandart tafakkurlashni rivojlantirish garovi hisoblanadi.

Aqliy hujumni uyushtirish birmuncha sodda bo`lib, undan ta'lim mazmunini o`zgartirish jarayonida foydalanish bilan birgalikda ishlab chiqarish muammolarining yechimini topishda ham qo`l keladi.

«Aqliy hujum»biror muammoni yechishda guruh qatnashchilari tomonidan bildiriladigan erkin fikr va mulohazalarni to`plab ular orqali ma'lum bir yechimga kelinadigan eng samarali usuldir.

Bu usul orqali shaxsni texnik rivojlantirish mumkin.»Aqliy hujum»usullarining prinsipi juda sodda bo`lib:

- Siz bir guruh ishtirokchilarni to`playsiz hamda ular oldida biror muammoli vaziyatni yechish bo`yicha o`z yechimlarini (fikr, mulohaza) bildirishlarini so`raysiz, mazkur bosqich ishtirokchilaridan hech biri boshqa qatnashchilarning g`oyasini, fikrini muhokama qilish yoki baholash mumkin emas.

Demak, aqliy hujum yo`li bilan qisqa daqiqalarda o`nlab g`oyalarni yuzaga chiqish imkoniyatlari mavjud bo`ladi. Aslini olganda g`oyalar sonini qo`lga kiritish asosiy maqsad emas, ular muammo yechimini oqilona ishlab chiqish uchungina asos bo`ladilar.

Bu metod shartlaridan biri hech qanday tashqi ta'sirsiz qatnashuvchilarning har biri faol ishtirokchi bo`lishi kerak. Bildirilgan g`oyalarning besh yoki oltitasigina asosiy hisoblanib muammo yechimini topishga salohiyatli imkoniyatlar yaratadilar.

«Aqliy hujum»usullarini qo`llashdagi asosiy qoidalar:

1. Belgilangan g`oya va fikrlar muhokama qilinmaydi va baholanmaydi.
2. Bildirilgan har qanday g`oya va fikrlar, ular muammo yechimidan uzoq bo`lsa ham hisobga olinadi, qo`llab-quvvatlanadi.
3. Ish sifatiga emas soniga qaratiladi qancha ko`p g`oya va fikrlar bildirilsa shuncha yaxshi.
4. Bildirilgan g`oya va fikrlarni to`ldirish yanada kengaytirish mumkin.
5. G`oya va fikrlarni bildirish uchun vaqt aniq belgilanadi.
6. Berilgan savollarga qisqacha javoblar berish ko`zda tutilishi kerak.

Aqliy hujum qiyin vaziyatlardan qutulish choralarni topishga muammoni ko`rish chegaralarini kengaytirishga fikrlash bir xilligini yo`qotishga va keng doirada tafakkurlashga imkon beradi. Eng asosiy muammoni yechish jarayonida kurashish muhitidan ijodiy hamkorlik faoliyatiga o`tiladi va guruh yanada ahillashadi. Qo`llash maqsadiga ko`ra bu metod universal hisoblanib tadqiqotchilikda (yangi muammoni yechishga imkon yaratadi) o`qitish jarayonida (o`quv materiallarini tezkor o`zlashtirishga qaratiladi) rivojlantirishda (o`z-o`zini bir muncha samarali boshqarish asosida faol fikrlarni shakllantiradi) asqotadi. Umumiy kimyo kursida aqliy hujum usulini qo`llash uchun o`quvchilar kimyoning asosiy tushuncha va qonunlari to`g`risida dastlabki tushunchalarga ega bo`lishlari kerak. Shuning uchun uni soddaroq o`yinlar ko`rinishida tashkil qilish mumkin. Masalan, aminokislotalar mavzusini o`qitishda «intellektual ring»o`yini»Aqliy hujum»usuliga mos keladi. Bu o`yinni o`tkazish tartibi quyidagicha bo`ladi:

O`qituvchi bir nechta savollarni tuzadi. Savollar shunday tanlanishi kerakki, ular aniq va qisqa javoblarni talab qilishi kerak. Bu usul bilan barcha o`quvchilardan oldingi darsda o`tilgan yoki yangi darsni o`quvchilar qanchalik o`zlashtirganliklarini qisqa vaqtda aniqlab berish samarali baholash mumkin.

O`yin qoidasi:

- Barcha o`quvchi talabalar o`rinlaridan turish so`raladi
- birinchi o`quvchidan boshlab savol berish boshlanadi
- savolga javob berish besh soniya vaqt ichida bajarilishi kerak

- har bir savolga faqat bitta javob qabul qilinadi va hisobga olinadi
- savolga javob berilgan yoki belgilangan vaqtda javob berishga kechikkan o`quvchi talaba o`z o`rniga o`tiradi
- noto`g`ri javob savollarning javobi o`qituvchi tomonidan aytiladi
- umuman javobsiz qolgan savollar keyingi aylanishlarda berilishi mumkin
- savollarni berish bir o`quvchi qolgunicha davom ettiriladi.

O`qituvchi har bir talabadan o`zi-o`zini baholashni taklif qiladi. Bunda uchinchi aylanishda qolgan talabalarga qoniqarli, to`rtinchisida qolgan talabalarga yaxshi, keyingi bosqichlarga o`tgan talabalarga a'lo baholashlar qo`yiladi. Baholash darajasini qatnashchilarning umumiy bilim saviyasiga qarab o`qituvchining o`zi belgilaydi. Masalan, aminokislotalar mavzusini o`qitishda yangi mavzuni mustahkamlashda yoki o`tilgan mavzuni so`rashda yoxud takrorlashda quyidagi savollarni berish mumkin:

1. Molekulasida bir vaqtning o`zida ham amino guruh – "$NH_2$", ham karboksil guruh – "COOH»bo`ladigan organik birikmalar ? – Aminokislotalar.
2. $C_4H_9O_2N$ tarkibli aminokislotaning strukturaviy izomerlari soni nechta? – 5 ta.
3. $C_4H_9O_2N$ tarkibli aminokislotaning nechta optik faol izomeri bor? – 4 ta.
4. H_2N-CH_2- CH_2- CH_2- CH_2-COOH tuzilishli aminokislota ratsional nomenklaturaga binoan qanday nomlanadi ? – δ - aminovalerian kislota
5. H_2N-CH_2- CH_2- CH_2- CH_2- CH_2-COOH tuzilishli aminokislota ratsional nomenklaturaga binoan qanday nomlanadi? – 6 – aminogeksan kislota
6. Aminokislotalardan qaysi birining molekulasida xiral markaz (optik faol uglerod atomi) mavjud emas? – glitsin (aminosirka kislota);
7. H_2N-CH_2-CH_2-CH_2-CH_2-COOH tuzilishli birikma qanday aminokislotalarga kiradi? – δ-;
8. Qaysi bromkarbon kislotaning ammonolizidan 2-amino-3-metilpentan kislota hosil bo`ladi? – 2-brom-3-metilpentan kislota;
9. Oqsillar tarkibiga kiradigan tabiiy aminokislotalar qaysi qator (lar) ga kiradi? – Faqat L-qatorga;
10. Tarkibida 4 ta uglerod atomi bo`lgan nechta bifunksionalli aminokislotalar bo`lishi mumkin? – 4 ta
11. Aminokislotalar bir-birigan qaysi guruhlar hisobiga farq qiladi? - Karboksil va aminoguruh holati;
12. Aminokislotaning asosli xossaga ega bo`lishiga sababchi guruhni ko`rsating. – gidroksil;
13. Aminokislotalardan qaysi birining molekulasida xiral markaz (optik faol uglerod atomi) mavjud emas? - glitsin (aminosirka kislota);

Shu tariqa savollar davom ettiriladi. Ularni keyingi darslarda qayta ishlatish ham va unga oldingi mavzularga tegishli savollarni ham kiritish mumkin. Bu usul o`quvchilarni tez fikrlashga o`rgatadi.

Xulosa qilib aytganda, kimyoning asoslarini o`rganish jaroyonida noan'anaviy usullarni qo`llash talabalarning ilm olish imkoniyatlarini kengaytiradi. Shuningdek, ularning mustaqil fikrlashiga, o`z nuqtai nazarni erkin bayon eta olishiga, darslik, qo`shimcha ta'lim vositalaridan mustaqil bilim ola bilishiga, yordam beradi. Bu o`rinda fan o`qituvchisining asosiy vazifasi talabalarning qiziqishlarini hisobga olishi va to`liq qondirishi, ta'limning tashkiliy shakllarini tanlashidir.

O`QUVCHILARNI KASRGA DOIR MASALALAR BILAN TANISHTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Saidova M – Bux.DU o`qituvchisi
Idiyev A – Peshko` tumani 10- maktab o`qituvchisi

Bugungi kun o`quv jarayoniga kompyuter va axborot texnologiyalarini olib kirish va dasturiy ta'minotni amalga oshirishni taqozo qilmoqda. Umumta'lim maktablari boshlang`ich sinflarda matematika darslarini o`qitishda ham axborot texnologiyalaridan foydalanish maqsadga

muvofiq bo`lar edi. Shu bois O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2001-yil 23-maydagi 2001-2005 yillarda kompyuter va axborot texnologiyalarni rivojlantirish, “Internet”ning xalqaro axborot tizimlariga keng kirib borishini ta’minlash dasturini ishlab chiqishni tashkil etish chora tadbirlari to`g`risida”gi 230-sonli qarori hamda 2002- yil 6-iyuldagi “Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot–kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish chora-tadbirlari to`g`risida”gi 200-sonli qarorlarida ko`rsatilgan oliy o`quv yurtlari, o`rta maxsus kasb-hunar ta’limi, umumiy o`rta ta’lim maktablarining o`quv jarayonida zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalarini keng joriy etish vazifasini amalga oshirish bugungi kundagi dolzarb masalalardan hisoblanadi. Qolaversa, O`zbekiston Respublikasining “Ta’lim to`g`risida”gi Qonuni, “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ham ta’lim sifati va samaradorligini yanada oshirish, o`qituvchilarni ilg`or pedagogik texnologiyalar bilan qurollantirish to`g`risida chuqur fikrlar bildirilgan.

Daraqiqat har bir fanni qiziqarli, mazmunli hamda tushunarli qilish uchun ham axborot texnologiyalari birinchi o`rinda turadi. Jumladan, matematika fani uchun ham axborot texnologiyasi juda zarur. Ayniqsa, boshlang`ich sinflarda o`rgatiladigan, o`rganilishi murakkab bo`lgan mavzulardan biri ulush va kasr tushunchalarini axborot texnologiyalaridan foydalanib o`qitish o`quvchilar tasavvurini kengaytirishga, ularning bilim va ko`nikmalarini shakllantirishga hamda ulush va kasrlarga doir mashqlarni bajarishda ularning malakalarini oshirishga xizmat qiladi.

Sonning ulushini, ulushga ko`ra sonning o`zini topish bilan o`quvchilarni tanishtirish III sinfdan boshlanadi. Bunda ko`rgazmalilikdan foydalanib o`quv jarayonini tashkil etish muhim ahamiyat kasb etadi. Kasrlar hosil bo`lishining qaralishi munosabati bilan har xil real predmetlarni teng qismlarga bo`lish, geometrik figuralar modellarini teng qismlarga bo`lishga doir amaliy mashqlar bajarilishi kerak. Har xil figuralarni teng qismlarga bo`lish va shunday qismlardan bittasini, ikkitasini va bundan ortiqlarini o`z ichiga oladigan figuralarning qarashli sonning kasrini, kasrga qarab sonni o`zini topish masalalarni kiritish imkonini beradi.

3-sinf matematika darsligida kasr va ulushga doir berilgan quyidagi masala ustida ishlash metodikasini keltiramiz:

847-masala

Tikuvchilik fermasida 390 m drap bor edi. Uning beshdan bir qismidan bolalar paltosi, qolganidan kattalar paltosi tikildi. Har bir kattalar paltosiga 3 m dan gazlama ketadi. Nechta kattalar paltosi tikilgan? (197-bet)

Masala o`quvchilarga tushunarli bo`lishi uchun uning sharti kompyuter texnologiyalardan foydalangan holda o`quvchilarga namoyish qilinadi.



Ko`rgazma asosida masala muhokama qilinib, yechimi aniqlanadi.

Masala yechimi:

1) 390:5=78(m)bolalar paltosi uchun sarflanadigan material
2) 390-78= 312 (m) kattalar paltosi uchun sarflangan material
3) 312:3= 104 (ta)kattalar paltosi

Javob:104 ta kattalar paltosi tikilgan.

Masalalar yechishda bolalar ishini faollashtiradigan turli tadbirlar o`tkazish mumkin.

1.O`qituvchi rahbarligida ishlanayotgan barcha ishlarni doskada yozib borish.

2.O`quvchi mulohaza yuritadi-o`qituvchi doskada yozib boradi.

3.Yechimni bir o`quvchi izohlayotganda bolalar daftarlarga yozadilar.

4.Masalani oldindan tuzilgan reja bo`yicha mustaqil yechish.

5.Masalani mustaqil yechib keyin tekshirish.
Kasrlarga doir turli topshiriqlarni butun o`quv yilining qolgan qismida og`zaki va yozmaishlar tartibida ko`rib borish lozim.

Eng asosiysi esa kasrga oid masalani slaydda-animatsiyalar orqali namoyish etishdir. Lekin shu holatni ham inobatga olish joiz-ki, foydalaniladigan har bir ko`rgazmalar o`quvchi tafakkurini bo`g`ib qo`ymasligi kerak. Avval kitobdan masala sharti o`qiladi. Masala haqida tushuncha hosil qilinib, dastlab-ki muhokamasi o`tkaziladi. Keyinchalik esa o`quvchilar fikrini yanada tiniqlashtirish uchun slaydda animatsiyalar orqali masala mohiyati yaxshiroq yoritiladi. Yechimi keltiriladi.
4-sinf matematika darsligida keltirilgan masalani qaraymiz.

587-masala

Sayyohlar 90 km yo`lni o`tishni mo`ljalladilar. Bir kun yo`lda bo`lganlaridan so`ng ular yana birinchi kun o`tgan yo`llarining yarmicha yo`lni o`tishlari kerak ekanini payqadilar. Sayyohlar yana necha kilometr yo`lni o`tishlari kerak?(126-bet)
Masalani qisqa sharti quyidagi harakatlanuvchi ko`rgazmali slaydda namoyish etilishi masalani to`g`ri tushunib, yechimining to`g`ri variantini topish imkonini beradi.



Yechish:

1) 90x3:2=60(km)
2) 60:2=30 (km)

Javob:Sayyohlar yana 30 kilometr yo`lni o`tishlari kerak.

Xulosa o`rnida shuni aytish mumkin-ki, kasrga oid masalalarni axborot texnologiyalar asosida o`tish o`quvchilarda quydagilarni shakllantiradi:

- ulushlar va kasrlar tushunchalarini shakllantirishda harakatli tasvirlar va animatsiyalar o`quvchilarning tasavvurlarini kengaytitish uchun muhim rol o`ynaydi;
- ularning bilim, ko`nikma va malakalari oshadi;
- dars o`tishda vaqtdan yutish imkoniyati tug`ildi, ya'ni mavzuning tushuntirilishiga, o`quvchilarning mavzuni o`zlashtirishlariga kam vaqt sarflandi;
- o`quvchilarning o`zlari ulush va kasrga doir shakllarni ekranda rangli tarzda ko`rib boradilar, uning xossalarini misollar yordamida ko`rish imkoniyati oshadi, ko`rgazmalilik ta'minlanadi;
- o`quvchilarda fanga bo`lgan qiziqish oshadi va dars samaradorligiga erishiladi, bu esa Kadrlar tayyorlash Milliy dasturida ko`zda tutilgan vazifalarning bajarilishini bildiradi va undagi maqsadlarga erishish imkonini berishi mumkin.

СОВРЕМЕННЫЕ ТРИЗ-ТЕХНОЛОГИИ С ЭКОЛОГИЧЕСКИМ ВОСПИТАНИЕМ

Сулаймонова З – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Турсунов М – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Жураев А – БухГУ, студент факультета естественных наук

Творчество есть выход за пределы заданного. Наряду с традиционными технологиями, современное преподавание химии не представляется без применения и других продуктивных технологий.

В частности, для развития у детей данных им от природы творческих способностей, воспитанию чувства собственного достоинства можно применять приемы Теории Решения Изобретательских Задач (ТРИЗ). Это позволяет заинтересовать учащихся своим предметом, дать возможность проявить себя, завоевать уважение одноклассников. Современные ТРИЗ-технологии дают возможность изучать и решать экологические проблемы.

Примеры таких заданий:

Задача 1. Способы очистки поверхности моря от нефти.

Способов уничтожения разлитой в море нефти придумано много. Можно, например, обработать нефтяную пленку, чтобы она рассеялась и осела на дно. Однако абсорбенты для нефти дороги и токсичны. Кроме того, нефть со временем от них освобождается, всплывает или проникает в грунтовые воды. Добавляют в нефть магнитный порошок — это позволяет при помощи магнита собрать разлившуюся нефть. При этом усложняется оборудование. При обработке нефтяной пленки абсорбентами нефть перестает растекаться но поверхности моря, но абсорбенты дороги, ядовиты, со временем они выделяют нефть обратно в воду.

Необходимо применять недорогие и доступные материалы для очистки поверхности моря от пленки нефти, не усложняя оборудования.

Решение: Предложен пористый сорбент с магнитными свойствами, хорошо впитывающий нефть и собираемый электромагнитом (пат. Японии, 1986). Предложены поплавки-ловушки для нефти с забрасывают нефть. Предложена экологически безопасная жидкость, которую разливают вокруг пятна нефти, эта жидкость стягивает пятно в более толстый слой нефти, откуда ее легко откачать.

Задача 2. Сжигание нефтяной пленки

Поскольку нефтепродукты горючи, очистку от них водной поверхности можно было бы проводить путем сжигания нефтяной пленки. Способ, конечно, неэкономичен, связан с потерей топлива, но охрана природы, сохранение морской и прибрежной фауны и флоры важнее, чем экономия нефти. Но поджигать можно только относительно толстый слой плавающей на поверхности воды нефти. Если пленка тонкая, поджечь ее не удается. Предложите способ сжигания тонких пленок нефтепродуктов на поверхности воды.

Решение: Предложено пленку нефти отделить от воды, превратив ее в пену — тогда ее можно и сжечь. Еще лучше, если в пену ввести метан, тогда метан легко поджигается и сжигает пленку пены.

Задача. Для повышения октанового числа бензина используют добавку антидетонатора — тетраэтилсвинца $РЬ(C_2H_5)_4$. Это очень ядовитое вещество, которое может присутствовать в парах бензина, а значит, попадать в воздух. Особенно это опасно на автотранспортных предприятиях. Предложите способ обнаружения паров тетраэтилсвинца в воздухе.

Решение: задача сводится к получению окрашенных соединений свинца. Можно перевести тетраэтилсвинец в черный сульфид свинца PbS или золотисто-желтый иодид свинца $РЫ_2$. Для выполнения анализа необходимо пропустить анализируемый воздух через нагретую трубку с реагентом, в которой тетраэтилсвинец разложится и прореагирует с серой или галогеном. Изобретатели предлагают в качестве реагента использовать водносолянокислый раствор хлорида йода IC1.

Задача 5. Некоторое количество воды всегда содержится в нефти и нефтепродуктах. Предложите химический способ количественного определения воды в этих объектах.

Решение: Группа изобретателей предложила использовать гидрид кальция для количественного определения влажности нефтепродуктов. Объем выделившегося при взаимодействии газа можно измерить с большой точностью.

Задача 6. Этилен является важным сырьем в нефтехимической промышленности и в производстве полимеров. Но он имеет широкое применение и в органическом синтезе. Что, по вашему мнению, получится при окислении этилена смесью азотной и серной кислот?

Решение: Как известно, смесь азотной и серной кислот является сильным окислителем, а непредельные углеводороды склонны к реакциям окисления. Поэтому следует ожидать, что окисление этилена этой смесью будет идти практически до конца. Однако в более мягких

условиях образуется, главным образом, щавелевая кислота. Эта реакция протекает по стадиям, в которых каждый последующий продукт более окислен, чем предыдущий. Этиленоксид и этиленгликоль — первые два продукта окисления, их производит в больших количествах промышленность основного органического синтеза.

YEVGENIKA FANINING FAN SIFATIDA SHAKLANISHI»MAVZUSINI LOYIHALASH TEHNOLOGIYASIDA O`QITISH

Imomova D – Biologiya fanlari nomzodi
Ortiqova M – Jizzax davlat pedagogika instituti Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya yo`nalishi II-bosqich magistranti
Xolmatov Z – Jizzax davlat pedagogika instituti Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya yo`nalishi III-bosqich talabasi

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 - yil 28 - maydagi PQ-1761-sonli Qarorida o`rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarini yuqori darajadagi kasbiy tayyorgarlikka ega, zamonaviy fikrlovchi kadrlar bilan ta'minlash, ta'lim-tarbiya jarayoniga ilg`or pedagogik va axborot-kommunikastiya texnologiyalarni keng tatbiq etishga alohida e'tibor qaratish zarurligi qayd etilgan.

Ushbu qarorda xorijiy mamlakatlarning ilg`or ish tajribasini o`rgangan Respublikamiz olimlari tomonidan tavsiya etilgan pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda o`rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarida fanlarni o`qitish jarayonida pedagogik, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, elektron ta'lim resurslari va multimedia taqdimotlarini qo`llash yuzasidan tavsiya yaratish lozimligi haqida yoritilgan.

Ma'lumki, hozirgi kunda barcha o`rta maxsus va kasb hunar muassasalarida an'anaviy dars o`tishdan ko`ra o`quvchi va talabalarni ko`proq noan'anaviy dars o`tishimiz qiziqarliroqdir. Noan'anaviy darslar nafaqat o`qituvchilarni balki o`quvchi, talabalarni ham doimiy izlanishga, harakatga, o`rganishga undaydi. Demakki, ilg`or tehnologiyalardan foydalanish ta'lim sohasini yanada rivojlantirishga olib keladi.

Akademik litsey, kasb - hunar kollejlarida o`quvchilarning mustaqil bilim olishi, mantiqiy tafakkurini rivojlantirish, ularni kasbga yo‘naltirish masalasi o‘qituvchining diqqat markazida bo‘lishi lozim.

O`quvchilarni kasbga yo‘naltirish maqsadida o‘qituvchi, avvalo, pedagogik faoliyat ko‘rsatayotgan ta'lim muassasasining tayyorlaydigan ixtisosligini e'tiborga olgan holda differensial o‘qitishni amalga oshirishi lozim.

O‘qitish mazmunini kasbiy yo‘naltirish deganda o‘quvchi tomonidan o‘zlashtirilayotgan bilimlarni uning kelgusi faoliyatida tutgan o‘rni, nazariya va amaliyot birligi, ta'lim-tarbiyaning uzviyligini amalga oshirish orqali shaxsning barkamolligini ta'minlash tushuniladi.

Shu maqsadlarni ko‘zlab biologiya o‘qituvchisi pedagogik jarayonda pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanib, o‘quv muammolariga asoslangan vaziyatlarni vujudga keltirishi va ma'ruza, seminar, munozara, konferensiya, muammoli darslarida muvaffaqiyatli hal etilishini ta'minlashi talab etiladi.

Akademik litsey o`quvchilarning intellektual qobiliyatlarini jadal o‘stirish, ularning chuqur, tabaqalashtirilgan bilim olishlarini ta'minlaydigan muassasa ekanligini hisobga olgan holda, biologiyani o‘qitishda ilmiy-nazariy masalalarga keng o‘rin berish, o`quvchilarning chuqur o‘zlashtirayotgan fani bilan fanlararo bog`lanishlarni amalga oshirish, ularning qiziqishlari va ehtiyojlari, mustaqil, ijodiy va mantiqiy fikr yuritish, tajriba qo‘yish va kuzatish ko‘nikmalarini rivojlantirish, ilmiy dunyoqarashini kengaytirish masalalariga e'tiborni qaratish, ilmiy-tadqiqot institutlarida olib borilayotgan ilmiy izlanishlar mazmuni va natijalari, biolog olimlarning hayoti, ularning fan rivojiga qo‘shgan hissalari bilan tanishtirish, uchrashuvlar tashkil etish tavsiya etiladi.

Kasb-hunar kollejlarining o`quvchilari tanlagan kasblari bo‘yicha ixtisoslik olishlarini nazarda tutgan holda biologiyani o‘qitishda ko‘proq amaliy masalalarga, ayniqsa qishloq xo‘jalik, tibbiyot, o‘rmonchilik, baliqchilik, oziq-ovqat, yengil sanoat, hamda xalq xo‘jaligining boshqa sohalarida biologiyaning tutgan o‘rniga ahamiyat qaratiladi. O‘quv yurtining ixtisosligiga bog`liq

holda jamoa, fermer, o‘rmonchilik xo‘jaliklari va tibbiyot muassasalariga ekskursiyalar uyushtirish, tabiatni muhofaza qilishning nazariy va amaliy masalalariga e’tiborni qaratish lozim.

O‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalarida biologiyani o‘rganishda o`quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish uchun darsning o`quvchilarning o‘tgan mavzu yuzasidan o‘zlashtirgan bilim, ko‘nikma va malakalarini aniqlash, ularni tizimlashtirish, yangi mavzu yuzasidan o‘zlashtirilgan bilim, ko‘nikma va malakalarni nazorat qilish va baholash, shuningdek, yangi mavzuni o‘rganish jarayonida xususiy metodik va lokal texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Biologiyani o‘qitishda xususiy metodik darajadagi pedagogik texnologiyalardan didaktik o‘yin texnologiyalari, modulli ta’lim texnologiyalari, hamkorlikda o‘qitish texnologiyalari, loyihalash texnologiyalaridan foydalanish tavsiya etiladi. Shulardan biz loyihalash texnologiyasidan foydalanib, “Yevgenika fanining fan sifatida shakllanishi”mavzusini o`rganib chiqasak bo`ladi. Avvalambor biz bu tehnologiya haqida qisqacha ta’riflar berishimiz kerak.

Loyihalash texnologiyasi jahon pedagogikasida yangilik hisoblanmaydi, chunki, u 1920-yillarda amerikalik faylasuf va pedagog J.Dyu va uning shogirdi V.X. Kilpatrik tomonidan ishlab chiqilgan loyihalash metodi asosida vujudga kelgan.

Dj. Dyu o`qitishni o`quvchilarning qiziqishi va ehtiyojini hisobga olgan holda o`quvchilarning muayyan maqsadga yo`naltirilgan faoliyatini faollashtirish orqali tashkil etishni taklif etgan. Buning uchun o`quvchilarga o`zlashtirgan bilim, ko`nikma va malakalarini amaliyotga qo`llash, ulardan kelgusi hayotda foydalanish yo`llarini ko`rsatish, ya’ni nazariy bilimlarni amaliyot bilan bog`liq holda o`qitish lozimligini uqtirgan. Bu jarayonda o`quvchilar tanish vaziyatdagi ahamiyatga molik muammolarni avval o`zlashtirgan bilim, ko`nikmalarini amaliyotga qo`llab hal etish orqali yangi bilim, ko`nikma va malakalarni o`zlashtiradilar.

O`quvchilar muammolarni muvaffaqiyatli hal etishlari uchun o`qituvchi ularga tegishli ko`rsatmalar berishi, foydalaniladigan manbalarni tavsiya etishi, o`qitishdan ko`zlangan natijaga erishish yo`llarini ko`rsatishi, buning uchun muammoni hal etishda o`quvchilarning faoliyatini loyihalashi lozim.

Loyihalash texnologiyasining asosiy g`oyasi amaliy yoki nazariy ahamiyatga molik bo`lgan muammoni hal etish jarayonida ko`zlangan natijaga erishishdir.

Loyihalash texnologiyasining asosiy mohiyati o`rganilayotgan mavzuning mazmuniga bog`liq holda ma’lum bir muammoli vaziyatni vujudga keltirish orqali o`quvchilarning qiziqishlarini orttirish, loyihalash faoliyatini shakllantirish, ularning tegishli bilimlarni egallashlari, bilimlarni o`zlashtirish jarayonida fanlararo bog`lanishlarni amalga oshirish sanaladi.

Loyihalash texnologiyasining asosiy tezisi: “O`rganilayotgan bilim, ko`nikmalar menga nima uchun zarurligi va undan qaerda va qay tarzda foydalanishni bilaman»sanaladi. Bu tezis o`quvchilarning fan asoslarini ongli o`zlashtirishlari, hayotga moslashishlari va mo`ljalni to`g`ri olishlariga yordam beradi.

Biologiyani o`qitishda o`qituvchi loyihalash texnologiyasidan o`quvchilarning qiziqishi va qobiliyatlarini hisobga olgan holda nafaqat darsda o`quv muammolarini hal etishda, balki darsdan va sinfdan tashqari ishlarda ijodiy muammolarni hal etishda foydalanishi zarur.

Har bir loyiha o`ziga xos xususiyatga ega bo`ladi, shu sababli ular ma’lum belgilariga ko`ra quyidagicha tasniflanadi:

Biologiyani o`qitishda foydalaniladigan loyihalarda ko`zda tutilgan faoliyatning ustunligiga ko`ra:

- tadqiqot xarakteridagi loyihalar;
- ijodiy xarakterdagi loyihalar;
- rolli loyihalar;
- amaliy xarakterdagi loyihalar;
- izlanish va mo`ljal olishga mo`ljallangan loyihalar.

Biologiyani o`qitishda foydalaniladigan o`quv loyihasi quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi:

1. Tayyorgarlik bosqichi bu bosqichda o`qituvchi o`quvchilarda mavzu muammolarini o`rganishga nisbatan kuchli motivastiyani vujudga keltirish yo`llarini belgilashi, qiziqarli analogiyalardan foydalanish, mavzu yuzasidan vujudga keltirish mumkin bo`lgan o`quv xarakteridagi muammoli vaziyatlarni aniqlash, loyihaning maqsadini belgilash ishlarini amalga oshiradi.

2. O`quv loyihasini bajarishda o`quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish bosqichi o`quvchilarning kichik guruhlarini shakllantirish, har bir kichik guruh tomonidan loyihalashga doir umumiy rejani ishlab chiqish, faoliyatni amalga oshirishning aniq rejasini tuzish, tanlab olingan nuqtai nazar bilan bog`liqlikda topshiriqlarni bajarishga yo`llashni o`z ichiga oladi.

3. O`quvchilar tomonidan muammoning mohiyatini anglash bosqichi tadqiq etish, ma'lumotlarni to`plash va qayta ishlash, o`quv farazlarini ilgari surish, olingan natijalarni sinovdan o`tkazish, natijalarni grafik yoki Klaster ko`rinishida taqdim etish, hujjatlarni rasmiylashtirish kabilarni mujassamlashtiradi.

4. Tahlil bosqichi rejalashtirilgan ishlarni amalga oshirish sifatini aniqlash, olingan natijalarni taqqoslash, umumlashtirish va xulosa yasashdan iborat.

5. Loyiha natijalarini nazorat qilish va baholash bosqichida o`qituvchi har bir guruh ishini tahlil qiladi, ularda uchragan tipik xatoliklarga barham berish, yo`l qo`-yilgan xatolarni tahlil etish, xatolarni to`g`rilash yo`llarini izlash, muayyan hollarda loyihaga o`zgartirishlar kiritish bo`yicha tavsiyalar beradi.

6. Yakuniy bosqichda o`quvchilarning kichik guruhlari o`quv loyihasini amalga oshirish yuzasidan amalga oshirilgan ish mazmuni bilan tanishtirish, xulosalarni asoslash, loyiha himoyasi bo`yicha taqdimoti amalga oshiriladi.

O`quv loyihasini amalga oshirish bosqichlarini jadval tarzda quyidagicha ifodalash mumkin.



1-rasm. O`quv loyihasining tuzilishi va mazmuni

Izlanish xarakteridagi loyihalar. Loyihalarning bu tipi muayyan bir mavzu bo`yicha axborot va material to`plash, to`plangan axborot va materiallar bilan loyiha qatnashchilarini tanishtirish, ularni tahlil qilish, faktlarni umumlashtirish, olingan natijalarni rasmiylashtirishni o`z ichiga oladi. Mazkur loyihalar tadqiqot xarakteridagi loyihalar bilan uyg`unlashib ketadi va uning bir qismiga aylanishi mumkin.

Izlanish xarakteridagi loyihalarning strukturasi quyidagicha bo`lishi mumkin:

- kerakli bo`lgan axborotni izlash manbalari;
- izlanish bosqichlari;
- to`plangan axborotlar, materiallar, faktlar ustida tahlil o`tkazish;
- xulosalar yasash;
- izlanish yo`nalishiga o`zgartirishlar kiritish;
- yangi faktlarni to`plash;
- umumlashtirish va xulosa yasash;
- olingan natijalarni rasmiylashtirish.

Bu toifadagi loyihalardan sinfdan tashqari mashg`ulotlarda foydalanishi mumkin. Bular jumlasiga “Yevgenika fanining fan sifatida shakllanishi”, “Noogenika fanining kelgusidagi vazifalari”, “O`zbekistonda paxtachilikning rivojlanishi”, “O`zbekistonning dorivor o`simliklari” kabi mavzulardagi loyihalarni kiritish mumkin.

Jumladan, “Yevgenika fanining fan sifatida shakllanishi” mavzusidagi loyiha quyidagi ko`rinishga ega bo`lishi mumkin.

Loyiha mavzusi: “Yevgenika fanining fan sifatida shakllanishi”

Loyiha maqsadi: Yevgenika fanining obyekti, predmeti, ahamiyati, maqsadi va vazifalarini aniqlash.

Loyihada foydalaniladigan metodlar: kuzatish, matematik statistika, umumlashtirish va rasmiylashtirish.

Topshiriqning mazmuni: Yevgenika fanining obyekti, predmeti, ahamiyati, maqsadi va vazifalarini loyihalang.

O`quvchilar darslikdagi materiallardan foydalanib, biologiyaning eng yangi sohasi bo`lgan Yevgenikaning obyekti, predmeti, maqsadini aniqlaydi va vazifalari sifatida:

- inson genetik savodxonligini aniqlash;
- insonning hulq-atvorini irsiylanishini o`rganish;
- insondagi temperamentlarni aniqlash;
- irsiy kasalliklarning irsiylanishini aniqlash;
- irsiy kasalliklarning insondagi hulq-atvorga ta’sirini aniqlash;
- hulq-atvorning genetik asoslarini aniqlash lozimligini belgilaydi va olingan natijalarni Klaster tarzida rasmiylashtiradi.

Loyihalash texnologiyasi – rivojlantiruvchi ta’limga asos bo`ladi. O`quvchilarda aqliy faoliyat ko`nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishga zamin tayyorlaydi.

Xulosa qilib aytganda, o‘qitish jarayonining samaradorligi o‘qituvchi tomonidan o`quvchilarning bilish faoliyatini o‘qitish vazifalari va maqsadlariga muvofiq tashkil eta olish ko‘nikmalarini egallaganlik darajasiga bog`liq bo‘ladi.

КИМЁ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Худойназарова Г – к.ф.н., доценти, Бухоро давлат университети
Казаков Б – Пешку тумани, 34-мактаб кимё ўқитувчиси

Бугунги кунда таълим технологиялари, яъни график органайзерлар асосида дарс ташкил этиш ва улардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш, талабаларга ўтилаётган мавзу бўйича билимларни етказишда таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари асосий роль ўйнайди. Бунда талабаларда кўникма ва малакаларни шакллантиришда таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усул ва воситалари асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Дарс жараёнида мавзуни таҳлил қилиш, моддалар ва ҳодисаларни таққослаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи таҳлил ёрдамида воқеа-ҳодисаларни қисмларга ажратиб, томонларни фикран бирлаштириб, бир бутун ҳолига келтириб, нутқда ифодалайди. Таҳлил ва таққослаш узвий боғлиқдир. Синтезли таҳлил жараёни мавзу ёки воқеа-ҳодисаларни қисмларга бўлиб, яъни фикран бирлаштиришдир.

Мазкур вазифаларнинг муваффакиятли ҳал этилишида яна бир омилнинг мавжудлиги, яъни, узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог – ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади

Ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг равонлиги, алоқавий маҳоратнинг талабаларга таъсири, педагогик нутқ техникасини эгалланганлик даражаси ўз навбатида янги алоқавий технологияга асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу жараён ўқитувчи фаолияти ва услубиятининг турли кўринишлари орқали ўз ифодасини

топади. Педагогик фаолият шакллари ўқитувчининг талаблар асосида маъруза, амалий машғулот давомида ҳикоя, эркин суҳбат мулоқот-мунозара дарсларида намоён бўлади.

Узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог – ўқитувчилари замонавий таълим технологияларининг моҳиятидан хабардор бўлишлари уларни таълим жараёнида самарали қўллай олишлари бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Таълим жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашув асосида таълим муассаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш каби қатор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ҳам жуда муҳимдир.

Ўқитувчи – педагогларнинг хусусий фанлар асосларини ўқитишга йўналтирилган машғулотлар жараёнини ноанъанавий шаклларда ташкил этиши, таълим жараёнини мукаммал андоза асосида лойиҳалашга эришиши, мазкур лойиҳалардан оқилона фойдалана олиши таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг пухта, чуқур ўзлаштирилиши, уларда амалий кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши кафолати бўла олади.

“Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Биз ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз”. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, янги шароитда талабаларни ишлаб-чиқариш соҳаларига тайёрлаш таълим тизимининг бош вазифаси бўлиб қолади. Кенг қамровли истиқлолга йўналган бу шарафли ва масъулиятли вазифани амалга оширишда етакчи куч – замонавий педагогик технологиялар билан қуролланган ўқитувчи ҳисобланади.

Дарсларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва улардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш талабаларга ўтилаётган мавзу бўйича билимларни етказишда график органайзерлар муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усул ва воситалари 3 кўринишда намоён бўлиб, улар *муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва режалаштириш*; *маълумотларни таркиблаштириш ва қайта таркиблаштириш ҳ*амда *маълумотларни таҳлил қилиш, таққослашдан* иборатдир.

Ҳар бир усул бир неча воситалардан ташкил топган, яъни “Балиқ скелети”, “Нима учун?”, “Қандай?”, “Пирамида”, “Каскад”, “Нилуфар гули”, “Т” схемалари, “Тоифалаш”, “Концептуал»ва»Инсерт»жадваллари, “Венна диаграммаси»яхлит муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва режалаштиришга олиб келади.

Дарс жараёнида ўқитувчи график органайзерларнинг таҳлилий маълумотларини кўргазмали тақдим этиш усул ва воситаларидан фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қуйиб, сўнгра улардан самарали ва унумли фойдаланишни режалаштирса, хар бир дарс мазмунли, сифатли, хотирага муҳрланиб қоладиган даражада талабаларнинг юқори молекуляр бирикмалар кимёси фанининг барча мавзуларини ўзлаштиришида, қолаверса, педагогик фаолият давомида ўз самарасини беради.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларга график органайзерлар ёрдамида таълим бериш уларга қисқа вақт ичида кўп маълумотларни етказа олиш имконини беради. Талабалар ўтилган мавзуни яхши ўзлаштириб, мавзу бўйича кенг тасаввурга эга бўлишади.

TA`LIM SIFATINI YUKSALTIRISH YO`LLARI

Qambarova I – Farg`ona shahar 29-umumiy o`rta ta’lim maktabi matematika fani o`qituvchisi

“Ta`lim to`g`risida”gi qonun va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da belgilangan vazifalarni amaliyotga joriy etish davrida har bir o`qituvchi va pedagoglarni zimmasida ta`lim sifatini yuksaltirishdek dolzarb vazifa turibdi.

Hozirgi zamon yoshlarining qiziqishlari, dunyoqarashlari va fikrlashlarini hisobga olib dars va mashg`ulotlarni axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan boyitish, turli innavatsion usullarni qo`llash ta`lim sifatini yuksaltirishda samarali natija beradi.

Shiddat bilan rivojlanib borayotgan mustaqil O`zbekistonimizda ta`lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy mazmun mohiyati, bugungi avlodni har tamonlama yetuk va barkamol insonlar qilib tarbiyalash ekanligini,har bir o`qituvchi vijdonan his qilib, o`quvchilarni

bilim cho`qqilarini zabt etishiga, ma`nan boy inson bo`lishdek oily maqsadni ko`zlab intilsa albatta niyatiga erishadi.

Bugungi texnika asrida insoniyatning ilm-fan sirlarini egallashga qiziqishi tobora ortib, davlatlar o`z kelajagini yosh avlodlar salohiyatida ko`rmoqda. Shunday ekan o`qituvchi darsda hech narsani bee`tibor qoldirmasligi,mas`uliyatni chuqur his etish zarur.Matematika aniq fan bo`lgani sababli,fanni o`qitishda natija kafolatlangan, mustaqil fikrlashga undovchi, tushunarli metodlardan foydalanish talab etiladi. Anashu maqsadni ko`zlab quyida 8 – sinflar uchun algebra darsidan “Kasrning kvadrat ildizi” mavzusini o`qitish uchun qo`llanma sifatida dars ishlanma taklif etamiz.

8-sinf Algebra

Darsning mavzusi: Kasrning kvadrat ildizi

Darsning maqsadi:

a]darsning ta`limiy maqsadi: O`quvchilarga “Kasrning kvadrat ildizi” mavzusiga doir bilim, ko`nikma va malakalarni berish.

b] darsning tarbiyaviy maqsadi: O`quvchilarni hushyorlik, ogohlikni oshirish va Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash.

v] darsning rivojlantiruvchi maqsadi: O`quvchilarning fikrlash qobilyatlarini rivojlantirish hisoblash ko`nikmalarini o`stirish.

Dars turi: o`quvchilarga yangi tushuncha va ma`lumotlar berish va masalalar yechishga o`rgatish.

Dars metodi : zamonaviy,interaktiv usullar.

Dars jihozi : proektor,noutbuk,tarqatma materyallar,darslik.

Algebra-8 (Alimov.Sh.A.),alohida baholash varaqasi.

Darsning borishi.

Tashkili qism [3 minut]

a] salomlashish, davomatni aniqlash.

b] yangiliklar, hozirgi oy haqida qisqacha ma`lumotlar so`rab olish.

Proektor orqali ekranda Buyuklar so`zi ko`rsatiladi.

O`qituvchi so`zi: Hurmatli o`quvchilar darsiizni bugun buyuk donishmandlar so`zi bilan boshlamoqchiman.”Turli xil masalalarni yechish metodlarini to`g`ri qo`llash orqali o`rganiladi.”

http:// uv/ekat-matem.narod.ru/doc 2.html

Darslikni va daftarni ochib sanani yozamiz.

Juda yaxshi.Darsimizning ikkinchi qismi bu o`tilgan mavzuni takrorlash.

Hozir barchangizga toshiriq beraman.Bunda sizlar faqat + yoki – belgisini qo`yasiz.

Proektor orqali o`quvchilarga metodik tavsiyada beilgan har bir ma’lumotlar slaydlar orqali ekranga tushurib boriladi va o`qituvchi yordamida tushuntirush ishlari olib boriladi.

Darslik va tarqatma material bilan ishlash + yoki - ball

1	a soninig kvadrat ildizi deb, kvadrati a ga teng bo`lgan nomanfiy songa aytiladi.106-bet		
2	Ratsional va butun sonlar haqiqiy sonlar to`plamini tashkil qiladi 111-bet		
3	$\sqrt{256} > \sqrt{225}$ chunki 256 > 225 115-bet		
4	Istalgan a son uchun $\sqrt{a}^2 = a$ tenglik o`rinli 114-bet		

5	$a\sqrt{b}=\sqrt{a^2 b}$ ko`paytuvchilarni ildiz ostiga kiritish a≥0, b≥0. 118-bet		
	Jami:		

O`zaro tekshirish (1 minut)
Har bir to`g`ri javob 1 balldan

1)5ta to`g`ri javobga “5”. 2) 4ta to`g`ri javobga “4”
3) 3ta to`g`ri javobga “3” 4) 1-2 ta to`g`ri javobga “2”.

O`qituvchi so`zi: Baholar varag`iga baholarni qo`ying. Rahmat Endi keying bosqichga o`tamiz. Yangi mavzuga tayyorgarlik.Buning uchun sizlarning hisoblash va mantiqiy jikrlash qobilyatingizni tekshiramiz.
Metod:”Oddiydan murakkabga”. “Tezlik diktanti”.(3 minut).
№ 2-tarqatma material.

№	Topshiriq	javob	tekshirish
1	5^2		
2	12^2		
3	$\sqrt{256}$		
4	Agar, $a^5=a\times a\times a\times a\times a$ bo`lsa c^5=?		
5	$\sqrt{400}$		
6	-1/2:2		
7	-5/12×6		
8	$\sqrt{16\times 25}$		
9	Kasrni qisqartiring: 18/27		
10	Noto`g`ri kasr ko`rinishida yozing 3		

Boshlash uchun (1 minut) Rahmat

1)9-10 ta to`g`ri javobga “5”
2)7-8 ta to`g`ri javobga “4”
3)5-6 ta to`g`ri javobga “3”
4)4-1 ta to`g`ri javobga “2”

Mavzu: Kasrning kvadrat ildizi.

1-masala : $\sqrt{\frac{25}{36}}=\sqrt{25}/\sqrt{36}$ ekanligini ko`rsatamiz:

$\sqrt{\frac{25}{36}}=\sqrt{\left(\frac{5}{6}\right)^2}=5/6.$ $\sqrt{25}/\sqrt{36}=5/6$

Teorema: Agar a≥0, b>0 bo`lsa, $\sqrt{\frac{a}{b}}=\sqrt{a}/\sqrt{b}$ (1). Ya`ni kasrning ildizi uning surati ildizini maxraji ildiziga bo`linganiga teng.0 Bunda 1) $\sqrt{a}/\sqrt{b\geq 0}$ 2) $(\sqrt{a}/\sqrt{b})^2$=a/b ekanini isbotlash talab qilinadi. $\sqrt{a\geq 0}$ va $\sqrt{b>0}$ bo`lgani uchun $\sqrt{a}/\sqrt{b}$ ≥0 bo`ladi. Kasrni darajaga ko`tarish xossasidan va ildiz ta`rifiga

Δ

Masalan: $\sqrt{\frac{121}{225}}=\sqrt{121}/\sqrt{225}=11/15$ Isbotlangan teoremadan $\sqrt{a}/\sqrt{b}=\sqrt{\frac{a}{b}}$ (2) Masalan: $\sqrt{72}/\sqrt{2}=\sqrt{\frac{72}{2}}=\sqrt{36}=6$ Ba`zi masalalarni yechishda kasr maxrajidagi irratsionallikni yo`qotish foydali. a/$\sqrt{b}$ ifoda berilgan bo`lsin, bunda b>0. Kasrning surat va maxrajini a/$\sqrt{b}$ga ifoda berilgan bo`lsin, bunda b>0. Kasrning surat va maxrajini $\sqrt{b}$ ga ko`paytirib quyidagini hosil qilamiz: a/$\sqrt{b}$ $=a*\sqrt{b}/\sqrt{b}*\sqrt{b}=a*\sqrt{\frac{b}{b}}$ Maslan: $2/\sqrt{3}=2*\sqrt{3}/\sqrt{3}*\sqrt{3}=2*\sqrt{\frac{3}{3}}$ 2-Masala: Maxrajdagi irratsionallikni yo`qoting:

$(\sqrt{5}+\sqrt{3})/(-\sqrt{3})=$ $(\sqrt{5}+\sqrt{3})$ $(\sqrt{5}+\sqrt{3})/$ $(\sqrt{5}-\sqrt{3})$ $(\sqrt{5}+\sqrt{3})=$ $(\sqrt{5}+\sqrt{3})^2/5-$

Teorema: Ikkita musbat a va b sonning o`rta arifmetigi shu sonlarning o`rta geometrigidan kichik emas (a+b)/2≥$\sqrt{a*b}$ (3). O. Isbot: (a+b)/2-$\sqrt{a*b}$≥0 ekanini isbotlash talab qilinadi. Bu tengsizlik chap qismining shaklini almashtirib quyidagini hosil qilamiz (a+b)/2≥$\sqrt{a*b}$=(a+b-2$\sqrt{a*b}$)2=($\sqrt{a}$-$\sqrt{b}$)²≥0. (3) munosabatda tenglik belgisi faqat a=b bo`lgandagina to`g`ri bo`lishini ta`kidlaymiz.

olingan BMK si baholanmaydi faqat yangi materialni o`zlashtirganiari tekshiriladi.

№3-tarqatma material. Test(4minut)

Uyga vazifa (2minut). Endi kundaliklarga uyga vazifani yozib qo`yamiz: №275-№277 juftlari, 122-123 betlarni o`qish. Darsni yakunlash uchun oquvchilarga savollar:

1) Bugungi darsdari nima yangiliklar oldingiz?
2) Bugungi darsda qanday buyuk donishmandning so`zi bilan tanishdingiz?
3) Qanday xossalar biz bugun takrorladik?
4) O`zingizga qanday foydali narsani o`rgandingiz?

Foydalanilgan adabiyot va internet resurslar: Algebra 8 (SH.A.AIimov)
Donishmand so`zi: (http://uvlekat-matem.narod.ru/doc2.html)

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КРИПТОГРАФИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТУШУНТИРИБ БОРИШ

Турганбоева О, Фарғона шаҳар 5-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Умумтаълим мактабларида ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар-бир дарс сўнгида ўқувчиларга уйга вазифалар бериш анъанавий дарс ўтишнинг асосларидан бири ҳисобланади. Одатда ўтилган мавзуларни такрорлаш мақсадида назорат ишлари олиб, ўқувчиларнинг ўтилган мавзулар бўйича билимлари синаб борилади. Бироқ ўқувчилар математика фанини ҳаётда қўлланиши тўғрисида кенгроқ фикрга эга бўлмаганлиги туфайли кўпгина мавзуларни тезда эсдан чиқариб юборишади. Шу сабабли, ўқувчиларга айрим мавзуларни тушунтиришда, оралиқ назорат ишларини олишда, улар хотирасида математик тушунчаларни мустаҳкамланиб бориши, уларда математика фанидан мисол ва масалалар ечишда кўникмалар шаклланишида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ҳам самарали ҳисобланади.

Ҳозирги кунда математика фанининг ажралмас қисми бўлган криптография фани элементларини дарс ўтиш давомида ўзига хос равишда қўллаб бориш мумкин. Мазкур мақолада ўтилган мавзуни такрорлаш билан бир вақтда криптография элементларидан ўқувчиларга тушунчалар бериб бориш тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш давомида ўқувчиларга қадимдаги»Цезарь»ва»Полибий квадрати»шифрлаш усуллари элементларини тушунтириб ўтишни ёритамиз. Бунинг учун дарсни мусобақа шаклида ташкил қиламиз. Шу мақсадда синфдаги ўқувчиларни 3 та гуруҳга бўламиз. Дарс мавзусини»СИРЛИ МАКТУБ СИРИ, …ёҳуд сиз математика фанидан фойдаланган ҳолда сирлар яширилган мактубларни ўқишга қодирмисиз?»деб номлаймиз. Дарсни бошида ўқувчиларни матнни шифрлашни энг содда кўринишлари билан таништирамиз.

Хусусан,»Цезарь шифрида сирли мактуб ёзиш»усули сифатида, ўқувчиларга алифбодаги ҳар-бир ҳарфга маълум бир рақамни мос келишини қуйидаги жадвалдан кўрсатамиз:

A-1, B-2, D-3, E-4, F-5, G-6, H-7, I-8, J-9, K-10, L-11,
M-12, N-13, O-14, P-15, Q-16, R-17, S-18, T-19, U-20,
V-21, X-22, Y-23, Z-24, O`-25, G`-26, Sh-27, Ch-28.

Сирли мактубни ушбу усулда ёзишда ҳарфлар ўрнига рақамлар кетма-кетлиги ишлатилишини тушунтирамиз. Масалан: 1)»L»ҳарфи ўрнига»11»рақами ёзилади,»Sh»ҳарфи ўрнига»27»рақами ёзилади; 2)»Салом»сўзи ўрнига мактубда»18, 1, 11, 14, 12»рақамлар кетма-кетлиги ёзилади.

Шундан сўнг, ўқувчиларга»Полибий шифрида сирли мактуб ёзиш»усулини сифатида, алифбодаги ҳар-бир ҳарфга маълум бир рақамлар жуфтлигини белгилаб чиқамиз. Биз бунда қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз:

№	1	2	3	4	5	6	7
1	A	B	D	E	F	G	H
2	I	J	K	L	M	N	O
3	P	Q	R	S	T	U	V
4	X	Y	Z	O`	G`	Sh	Ch

Ушбу сирли мактуб ёзилишида ҳарфлар ўрнига рақамлар жуфтлиги кетма-кетлиги ишлатилишини тушунтирамиз. Масалан: 1)»К»ҳарфи ўрнига (3,2) рақамлар жуфтлиги ёзилади,»Т»ҳарфи ўрнига (5,3) рақамлар жуфтлиги ёзилади; 2)»Салом»сўзи ўрнига мактубда»(4,3), (1,1), (4,2), (7,2), (5,2)»рақамлар жуфтлиги кетма-кетлиги ёзилади. Шу билан мактубни сирли бўлиши таъминланади.

Юқоридаги усуллар тўғрисида қисқача тушунча берилгандан сўнг гуруҳларга ўқитувчи томонидан мисол ва масалалар берилади. Ушбу мисол ва масалаларнинг ечимлари кетма-кетлиги сирли мактуб матнини ташкил қилади. Агар мисол ёки масала ечими 1 та сондан иборат бўлса у ҳолда 1-усулдан фойдаланилади, агар ечим 2 та сондан иборат бўлса 2-усулдан фойдаланилади. Бунда аниқсизликдан қочиш мақсадида, ечимларнинг модулини каттасини жуфтликнинг 1-сони, кичигини эса 2-сон сифатида оламиз. Масалан: 1) Савол:»5x-20=0 тенгламани ечинг». Тенглама ечими 4 га тенг. Демак, 1-усулдан фойдаланиб, 4 сони ўрнига»E»яширинганлигини аниқлаймиз. 2) Савол:» $x^2-5x+6=0$ тенгламани ечинг». Тенглама ечими (3,2) дан иборат. Демак, 2-усулдан фойдалансак, ушбу жуфтлик ўрнига»К»ҳарфи яширинган. 3) Савол:» $y=x^2-5$ функцияда x=3 нуқтани координаталарини топинг». Мисолнинг жавоб (3,4) эканлигини аниқлаймиз. Демак, ушбу жуфтлик ўрнига»Z»ҳарфи яширинганлигини аниқлаймиз.

Шундан сўнг, сирли мактубларни ҳам 2 та қисмга бўламиз. 1-сирли мактубга фақат»Цезарь шифрлаш»усули ёрдамида яширинган сўзни ташкил қилувчи мисол ва масалаларни киритамиз.

Масалан, мактубга қуйидаги мисолларни киритайлик:

1) $35x-25=10$ тенгламани ечинг;

2) $y=x^2$ функцияда $x=4$ бўлса y ни топинг;

3) Агар ABC учбурчакнинг узунлиги 5,5 га тенг бўлган томонига тушурилган баландлиги 4 га тенг бўлса, унинг юзасини топинг.

Ўқувчилар ушбу мисолларни ечиб чиқиб, жавобларни тўғри топишса жавоблар мос равишда 1, 16 ва 11 чиқади. Агар ушбу рақамларга 1-усулдан фойдаланиб ҳарфлар қўйиб чиқилса мактубда»АҚЛ»сўзи яширинганлиги аниқланади.

2-сирли мактубга фақат»Полибий шифридан»дан фойдаланиб яширинган матнларни топиш буйича мисол ва масалаларни киритамиз. Масалан, мактубга қуйидаги мисол ва масалаларни киритайлик:

1) $x^2-5x+6=0$ тенгламани ечинг;

2) $y=\frac{3}{2}x^2-51$ функциядан $x_0=6$ да $A(x_0,y_0)$ нуқтани координаталарини топинг;

3) Агар ABCD тўғри тўртбурчакнинг томонлари 4 ва 7 га каррали бўлиб, унинг периметри 22 га тенг бўлса, тўртбурчак томонларини топинг.

Ушбу мисол ва масалалар ечиб кўрилса жавоб сифатида (3,2), (6,3) ва (7,4) сонлар жуфтликлари келиб чиқади.»Полибий шифри»дан фойдалансак, мактубда»КУЧ»сўзи яширинганлигини аниқлаймиз.

Юқорида кўрсатиб ўтилган усулда дарс ўтиш ўқувчиларда бир вақтда ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ва криптография тушунчаларини ўзлаштириб боришига асос бўлади.

КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД ПРИ ОБУЧЕНИИ ХИМИИ В СРЕДНИХ ШКОЛАХ

Турсунов М – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Сулаймонова З – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Жураев З – БухГУ, студент факультета естественных наук

Это-одно из перспективных направлений развития современного образования. Под компетентностью понимается такое качество личности, которое характеризуется способностью решать проблемы и типичные задачи, возникающие в реальных жизненных ситуациях, с использованием знаний, учебного и жизненного опыта, ценностей и наклонностей.

Компетентностный подход представлен в программе глобальных исследований результатов школьного образования. В исследовании PISA выделены ведущие компетентности, формируемые основными направлениями современного образования: грамотность чтения, математическая и естественнонаучная грамотность. Под естественнонаучной грамотностью понимают способность учащихся: использовать естественнонаучные знания в жизненных ситуациях; выявлять вопросы, на которые может ответить естествознание; особенности естественнонаучного исследования; делать выводы на основе полученных данных.

Компетенции по химии и биологии, валеологии включают:

- изучение свойств химических веществ и основ теории электролитической диссоциации;
- развитие умения прогнозировать возможность протекания окислительно-восстановительных реакций;
- владение общей теорией бытия и взаимодействия природы и общества;

- осознание внутренней многозначности и противоречивости современных глобальных проблем;
- осознание того, что глобальное восприятие мира неразрывно связано с пониманием уникальности культур, взглядов и обычаев, свойственным разным нациям;
- осознание идеи личной ответственности каждого человека за все, что происходит в природном и социальном мире планеты.

Формирование компетентности выдвигает на первый план не информированность, а умение выдвигает на первый план не информированность, а умение разрешать проблемы в различных сферах.

Ключевые компетентности надпредметны и многофункциональны, многомерны.

Компетентностный подход в общем образовании объективно соответствует и социальным ожиданиям в сфере образования, и интересам участников образовательного процесса. Вместе с тем, этот подход вступает в противоречие со многими сложившимися в системе образования стереотипами, существующими критериями оценки учебной деятельности учителей, работы школьной администрации.

Внедрение компетентности-ориентированного подхода в практику образования требует поиска особых организационных видов и форм работы, адекватных для формирования ключевых компетенций. Встраивание в методическую систему личностно-ориентированных методов обучения, технологии индивидуализации, дифференциации, применение проектно-исследовательских методов, самостоятельной работы с различными источниками информации и базами данных, социальной практики способствует развитию ключевых компетентностей.

Один из важнейших путей решения задачи по овладению обучающимися ключевыми компетенциями видится в поиске и внедрении в учебный процесс методов активного обучения, под которыми понимаются такие обеспечивают включение обучающихся в активное воздействие и общение в процессе их познавательной деятельности. Наиболее эффективности в этом плане являются:

- метод учебного сотрудничества;
- метод проектов;
- игровые методы;
- метод кейсов (“case study”)-ситуационный семинар, решение ситуационных задач, представляет собой описание конкретной ситуации, требующей практического разрешения;
- проблемный семинар-представляет собой модель обучения на основе дискуссии в стиле ток-шоу, симпозиум, дебаты, сократический семинар, дерево решений и т.д.

С внедрением компетентностного подхода в обучении несколько видоизменяется анализ и самоанализ уроков. Для того чтобы осуществить компетентностный подход, учителю необходимо задуматься о форме организации урока, о процентном соотношении теории и практике на уроке (больше времени уделяется практике), о формах контроля учителем, ибо простого воспроизведения параграфа и решения математических, физических или орфографических задач становится явно недостаточно. Например, при изучении темы “Природные источники углеводородов»учащимися можно предложить решить конкретную проблему-аварию нефтеналивного танкера, в результате чего на море появилось огромное нефтяное пятно. Можно имитировать эту ситуацию с помощью лабораторного опыта. После решения такой ситуационной задачи школьники, в результате “мозгового штурма”, могут предложить большое число способов избавления от пятен нефти, а задача учителя-помочь им в этом.

КИМЁ ФАНИНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Худойназарова Г–Бухоро давлат университети к.ф.н., доценти
Мамедова М – Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадаллик билан тараққий этиб, жаҳон ҳамжиҳатлигига ўзининг сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий мавқеини кундан-кунга ортириб бормоқда. Бу келажакда халқ хўжалигининг барча жабҳаларида, жумладан, саноат қишлоқ хўжалиги, маданият, маориф соҳаларида ишлайдиганларнинг билимдон, ишбилармон, тадбиркор, ташаббускор бўлишини талаб этади. Бундай хусусиятларга эга бўлишнинг тамал тоши мактаб остонасида қўйилади. Шунга кўра, бундай шахсларни тарбиялаш учун ўқитиш ва тарбиялашнинг мавжуд, стратегик усуллари, шакллари, воситалари етарли эмас. Демак, таълим тарбия жараёнига педагогик технологияларни тадбиқ этиш лозим. Ўқув жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларнинг қўлланилиши ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятли ҳис қилиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини, шунингдек, педагогга бўлган ҳурматини кучайтиради.

Интерфаол таълим, интерфаол услублар мунтазам мулоқотга асосланган услублар тизими бўлиб, ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ва фаол иштирокидаги таълим ва услублар тизими ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитишнинг интерфаол услублари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман ўқувчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади. Бу услубнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Ҳозирги кунда иннавацион технологиялар, интерфаол услублар жуда кўп, лекин биз кимё фанининг самарадорлигини оширишда “Синквейн»услубининг аҳамияти ҳақида фикр юритамиз. Қуйида “Синквейн»услубини ташкил этиш йўли кўрсатилган. Бу услубдан “Металлар ва металмаслар»мавзусини ўтишда фойдаланиш мумкин. Бунда ўқитувчи томонидан мавзу ўқувчиларга тушунтирилгандан сўнг мустаҳкамлаш босқичида “Синквейн»услубидан фойдаланиш қулай. Ўқувчиларни 3 қаторга бўлиб, биринчи қаторга “Металлар”, иккинчи қаторга “Металмаслар” ва учинчи қаторга “Кислород»тўғрисида маълумотларни мустақил равишда баёт этиш топширилади.

“Синквейн”

1. Ном (от) _____
2. Тавсифи (2 сифат) _____
3. Ҳаракат (3 феъл) _____
4. Мавзуга тегишли гап (4 сўз)_____
5. Синоним (1 сўз) _____

Биринчи қаторнинг “Металлар»синквейни

Металл

Қаттиқ Суюқ

Болғаланади Чўзилади Суюқланади

Мис темир олтин кумуш

Маъдан

Иккинчи қаторнинг “Металмаслар” синквейни

Металмас

Газ Суюқ
Суюқланади Ёнади Оксидлайди
Водород азот углерод фосфор
Нометалл

Учинчи қаторнинг “Кислород»синквейни
Кислород
Ҳидсиз Мазасиз
Оксидлайди Ёндиради Озонланади
Аллотропия озон оксид пероксид
Оксигениум

Кимё фанини ўқитишда “Синквейн»услубидан фойдаланиш ўқувчиларнинг сўз бойликларини, нутқ маданиятини ривожлантиришда, шу билан бир қаторда ўтилган мавзуга оид атамаларнинг моҳиятига тушунган ҳолда, уларнинг мазмунига эътибор бериши орқали кимёвий билимларини мукаммал эгаллашига имкон яратади.

ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСИДА “ВИНТ ЧИЗИҒИ” МАВЗУСИНИ ЎТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мамурова Ф-Тошкент темир йўллари муҳандислик институти,ўқитувчи
Мамурова Д – Бухоро давлат университети, ўқитувчи
Шукуров А - Бухоро давлат университети, ўқитувчи

Олий таълим тизимида ҳам таълим мазмуни, сифатини ошириш ва шу билан бирга ўз касбини мукаммал ўзлаштирган билимдон тадбиркор, ташаббускор мутаҳасислар тайёрлаш талаб қилинади. Талаба ёшларни билим савиясини оширишда ўқитишнинг янгича структураларини ишлаб чиқиш биз педагогларнинг бугунги кундаги муҳим вазифамиздир. Шунинг учун ҳам фанларни ўқитиш жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларини ўқитишда киритилиши, таълим самарадорлигини оширишнинг энг муҳим вазифалардан бирига айлантирилди.

Дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш ўқитувчи ва талабаларга, интерактив ўқув қўлланмалари билан боғлик бўлган янгидан - янги ўзига хос қулайликлар яратади. Компьютерни бошқа ўқитиш воситалари масалан проектор электрон доскалар билан оператив қўшилиши, кўргазмали қуроллардан фойдаланиб маълумот бериш ҳажмини оширади ва бу билан ўқитувчи учун дарс вактидан унумли фойдаланишга имконият яратади.

Дарс жараёнида компьютер технологияси элементларини купрок куллаш, укув жараёнини хилма - хиллигини оширишга ёрдам бериб, талабаларни - тингловчиларни зерикиш»касаллигидан»куткаради, таълим беришни сифат жихатдан янги, юкори погоналарга кутаради, бенуксон укув дарсликлари билан таъминлашга эришилади, шахс ривожланишига ёрдам беради, талаба ва ўқитувчининг ижодий потенциали ва билиш фаоллигини шакллантиради уларда укишга, хаётга булган кизикишини орттирад.

Бизнинг фикримизча дарс жараёнида компьютердан фойдаланиш ўзининг энг эффектив самарасини беради.Ўкитувчи презентация слайдаларини кўрсатаётган пайтда, хар - хил расмлар, формулалар ва графикларни курсатиши, маърузани киска ва лунда килиб ёздириши мумкин. Бунда талаба бир вактнинг узида эшитаётган тушунчаларини кузи билан куриб хам туради. Маълумки, ахборотнинг катта кисми куриш оркали олинади.

Муҳандислик графикаси фанларида асосан компьютер технологиясидан дарс жараёнида фойдаланиш, бунда график фаолиятнинг уйғунлиги билан бир қаторда ўқувчи талабаларга тасвирларни ҳаракатли(анимацион) кадрларда реалистик намойиш қилиш орқали фазовий тафаккур, тасаввурини оширишда кенг имкониятлар яратади.

Microsoft Power Point анимацион тақдимотлар AutoCAD дастурида чизмаларни чизиш барча фан ўқитувчилари сингари муҳандислик графикаси фан ўқитувчилари ҳам чизма

геометрия ва чизмачилик фанида шу дастурнинг имкониятларидан кенг фойдаланиши мумкин.

Чизмачилик ва чизма геометрия фанида ушбу дастурдан фойдаланишда биринчи навбатда, ўқувчиларда фазовий тасаввурнинг турли ҳолатларда шакллантиришни назарда тутамиз.Ўқитувчи ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини етарлича ривожлантириб, уларда фазовий жараённи реал кўз ўнгида шакллантира олиши, шунингдек талаба ёшларни мустақил равишда билим олишларига ҳам кенг имконият яратади. Ушбу дастурда ҳар бир объект учун анимацион эффектлар – ҳаракатларни қўллаш имконияти тақдимот мавзуси таркибида жойлаштирилган энг муҳим жиҳатларни ажратиб кўрсатиш ва дарс жараёнида талабаларнинг диққатини жалб қилишда муҳим рол ўйнайди.

Винт чизиғи мавзусини мисол тариқасида кўришимиз мумкин. Винт чизиғи цилиндир, конуссимон ва сферик винт чизиғи турлари мавжуд. Цилиндрик винт чизиғини тушунтирганда ўқувчи талабаларга чизиш кетма-кетлиги AutoCAD дастурида кўрсатиб, биргаликда чизилса ҳам тушунарли бўлади. Ўқувчи дарсда бутун диққати компьютрда чизишини кузатиб боради. Аввало цилиндрнинг икки кўриниши чизилади, асосининг диаметри ва винт чизиғининг қадами *h* тенг *8* бўлакка бўлинади. Бўлиш нуқталари винт чизиғини ҳосил қилувчи нуқта ҳаракат йўналиши бўйича *1,2,3...* рақамлар билан белгилаб чиқилади. Сўнгра цилиндрнинг контур ясовчисга берилган *h* қадам ўлчаб қўйилади ва бу қадамни ҳам тенг 8 бўлакка бўлиб чиқилади. Ва бўлиниш нуқталари пастдан юқорига қараб *1,2,3*…..номерланади. Нуқта цилиндр атрофида тўла бир марта айланиб, ўзининг бошланғич вазиятини эгаллаганда винт чизиғининг *h* қадамига тенг бўлган *I-VIII* баландликка кўтарилади. Топилган *I; II; III; ……* нуқталарни равон эгри чизиқ билан бирлаштирсак, узунлиги бир ўрамга тенг бўлган винт чизиқ ҳосил бўлади.



Бу тасвирлар орқали кўриниб турибдики, ҳосил бўлган рангли чизмадаги винт чизиғини ўқувчилари тушуниши ва тасаввурини кенгайтиришига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур рангили тасвирларни AutoCAD дастурида бажариш Power Point дастурида анимацияли слайдлардан фойдаланиш ўқувчилар нафақат дарсда, балки мустақил ва масофали таълим жараёнида ҳам фойдаланиб, винт чизиғи мавзуси бўйича билим, кўникма ҳамда малакага эга бўлишлари мумкин. AutoCAD ва Power Point дастуридан фойдаланиш ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишини уйғотиш ва ўқитувчи дарс вақтида унумли фойдаланиш, керакли маълумотларни аниқ ва лўнда қилиб тушунтириши, таълим бериш сифатини ошириши мақсадимиз ечимидир.

KIMYO FANIDAN DARS MASHG`ULOTLARINI MUAMMOLI TA'LIM TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA TASHKIL ETISH

Usmonova L.M., Ne'matov Z.Z. Navoiy davlat pedagogika instituti

Uzluksiz ta`lim chuqur, har taraflama asosli ta`lim- tarbiya berish, mutaxassis kadrlar tayyorlashning turli shakl, usul, vosita va yo`nalishlarining mukammal uyg`unligidan iboratdir. Ta`limning barcha bosqichlariga oid umumiy pedagogik va didaktik talab o`quvchining dasturiy bilim, tasavvur va ko`nikmalari asosida mustaqil ishlash samaradorligini takomillashtirish, ilmiy fikrlashga, o`quv faniga qiziqishini kuchaytirish, kasbiy bilimlarini chuqurlashtirish, nazariy va amaliy mashg`ulot mobaynida ularning faolligini oshirishdan iboratdir. Jahon pedagogik tajribasi, zamonaviy pedagogik texnologiyalarining o`quvchilarni fanlarga qiziqtirishga, ularning mustaqil ishlashda faolliklarini oshirishga imkoniyati cheksiz ekanligini tasdiqlamoqda.

Muammoli ta'lim texnologiyalari o`quvchi faoliyatini faollashtirish va jadallashtirishga asoslangan. Muammoli ta'lim texnologiyasining asri insonning fikrlashi muammoli vaziyatni hal etishdan boshlanishi hamda uning muammolarni aniqlash, tadqiq etish va yechish qobiliyatiga ega ekanligidan kelib chiqadi. Muammoli ta'lim o`quvchilarning ijodiy tafakkuri va ijodiy qobiliyatlarini o`stirishda jiddiy ahamiyatga ega.

Muammoli ta'limning bosh maqsadi- o`quvchilarning muammoni to`liq tushunib yetishiga erishish va ularni hal eta olishga o`rgatishdan iborat. Muammoli ta'limni amaliyotda qo`llashda asosiy masalalardan biri o`rganilayotgan mavzu bilan bog`liq muammoli vaziyat yaratishdan iborat. Turli o`quv fanlari bo`yicha o`qituvchilar darslar jarayonida muammoli vaziyatlar hosil qilishni va ularni yechish usullarini oldindan ko`zda tutishlari kerak.

Muammoli vaziyat yaratish usullari:

- o`qituvchi o`quvchilarga dars mavzusi bilan bog`liq ziddiyatli holatni tushuntiradi va uni yechish yo`lini topishni taklif qiladi;
- bir masalaga doir turli nuqtai- nazarlarni bayon qiladi;
- hal etish uchun yetarli bo`lmagan yoki ortiqcha ma'lumotlar bo`lgan yoki savolning qo`yilishi noto`g`ri bo`lgan masalalarni yechishni taklif etadi va boshqalar.

Muammoli vaziyatni hal etish darajalari:

- o`qituvchi muammoni qo`yadi va o`zi yechadi;
- o`qituvchi muammoni qo`yadi va uning yechimini o`quvchilar bilan birgalikda topadi;
- o`quvchilarning o`zlari muammoni qo`yadilar va uning yechimini topadilar.

Muammoli vaziyatni yechishda qo`llaniladigan usullar:

- muammoni turli nuqtai nazardan o`rganish, tahlil qilish;
- solishtirish, umumlashtirish;
- vaziyatga bog`liq xulosalar chiqarish;
- o`quvchilarning o`zlari aniq savollar qo`yishi va boshqalar.

O`zbekistonda muammoli ta'limni qo`llash bo`yicha bir necha asrlar davomida maktab va madrasalarda suqrotona savol- javob usulidan keng foydalanish asosida o`quvchilarda ziyraklik, hozirjavoblik sifatlari hamda go`zal nutq tarkib toptirilgan. Suqrotona savol-javob usuli hozirgacha eng samarali ta'lim usullaridan biri sifatida qo`llaniladi. Bunda o`quvchi chuqur mantiqiy fikrlashga, ziyraklikka, aniq va to`g`ri so`zlashga, nutqning mantiqiyligi va ravonligiga hamda tanqidiy, ijodiy fikrlashga o`rgatilgan. Masalan, suqrotona suhbatlar deganda o`qituvchining o`quvchini mustaqil va faol fikrlash jarayoniga olib kirishi hamda uning fikrlashidagi noto`g`ri jihatlarni ziyraklik bilan aniqlagan holda ularni tuzatish yo`liga olib chiqishdan iborat usullar nazarda tutiladi.

Muammoli savollar namunasi:

...ning asosiy g`oyasi nima?
Agar...nima bo`ladi?..bunga qanday ta'sir etadi?
Tushuntiring, nima uchun...?
Tushuntiring, qanday qilib...?
Men avval o`rganganlarimga buning qanday daxli bor?
Men...to`g`risida qanday xulosa chiqarishim mumkin?

..va... o`rtasidagi farq nimada?
... va...o`rtasidagi o`xshashlik nimada?

Muammoli ta’lim mashg`ulotlarini tashkil etish va boshqarish quyidagi bosqichlarni o`z ichiga oladi:

— o`quv fani va darslar mavzusini o`rgatishda ular bilan bog`liq muammoli masalalarni belgilash;
— ulardan muammoli vaziyatlar hosil qilish va amalda foydalanishni oldindan rejalashtirib borish;
— o`quvchilarning tayyorgarlik darajasini hisobga olish;
— zarur o`quv vositalarini tayyorlash;
— muammoli vaziyatdagi mavjud ziddiyatni ko`rsatish;
— topshiriqni va uni echish uchun etarli shartlarni aniq bayon qilish;
— o`quvchilarning muammoni hal etnshda yo`l qo`yayotgan xatolarini, ularning sababini va xususiyatini ko`rsatish;
— o`quvchilarning noto`g`ri taxminlari asosida chiqargan xulosalari oqibatini muhokama etib, to`g`ri yo`lni topishlariga ko`maklashish va boshqalar.

Muammoli ta’lim jarayonini quyidagi uchta asosiy bosqichga ajratish mumkin:

1. Muammoli vaziyat hosil qilish.
2. Muammoni yechish taxminlarini shakllantirish.
3. Yechimning to`g`riligini tekshirish (olingan yechim bilan bog`liq axborotni tizimlashtirish orqali).

Muammoli vaziyat hosil qilishda quyidagilar hisobga olinishi lozim: Muammolar nazariy yoki amaliy yo`nalishda bo`ladi. Darsda hosil qilinadigan muammoli vaziyat hamda o`quvchilarga hal etish taklif etiladigan muammoga qo`yiladigan eng asosiy talab o`quvchilarning qiziqishini oshiradigan, eng kamida esa o`quvchilarda qiziqish hosil qiladigan bo`lishi kerakligidan iborat. Aks holda ko`zda tutilgan natijaga erishish imkoni bo`lmaydi.

Muammo o`quvchilarning bilim darajalariga hamda intellektual imkoniyatlariga mos bo`lishi shart.

Hosil bo`lgan muammoli vaziyatni yechish uchun topshiriqlar yangi bilimlarni o`zlashtirishga yoki muammoni aniqlab, yaqqol ifodalab berishga yoki amaliy topshiriqni bajarishga yo`naltirilgan bo`ladi.

O`quvchilarning muammoli vaziyatni tushunishlari, uning kelib chiqishi sabablari hamda nimalarga, qanchalik darajada bog`liqligini idrok qila olishlari natijasida hosil bo`ladi. Bunday tushuna olish esa o`quvchilarga mustaqil ravishda muammoni ifodalay olish imkoniyatini beradi.

Muammoni yechish taxminlarini shakllantirishda o`quvchi o`zlashtirgan bilimlari asosida kuzatish, solishtirish, tahlil, umumlashtirish, xulosa chiqarish kabi aqliy faoliyatlarni bajaradi. Aqliy faoliyatdagi asosiy jarayon fikrlash jarayoni bo`lib, fikrlashning sifati uning mantiqiyligi, mustaqilligi, ijodiyligi, ilmiyligi, asosliligi, uzviyligi, tejamliligi, maqsadliligi, tezligi, tahliliyligi, qiyosiyligi, umumlashtirilganligi, xususiylashtirilganligi, kengligi, chuqurligi, ishonarliligi, realligi, haqqoniyligi darajasi bilan belgilanadi.

Intellektual taraqqiyot darajasi o`qituvchilarda hamda o`quvchilarda qancha yuqori bo`lsa, shunchalik yaxshi natijalarga erishish imkoniyati hosil bo`ladi.

Shunga ko`ra o`quvchilarda muammoni sezish, uni aniqlash, yechimiga doir taxminni to`g`ri belgilash va yechimning to`g`riligini tekshirish qobiliyatlari rivojlanib boradi.

Muammoni hal etishni 3 ta bosqichga ajratish mumkin:

1. Isbotlash- bu muammoning ilgari to`g`ri deb tan olingan sabablar bilan bog`liqliklarini topish asosida amalga oshiriladi.
2. Tekshirish- buni tanlangan sababning oqibatida hal etilayotgan muammo hosil bo`lishi to`g`riligini asoslash bilan amalga oshiriladi.
3. Tushuntirish- bu muammoning yechimi nima uchun to`g`riligini tasdiqlovchi sabablarni aniqlash asosida amalga oshiriladi.

Kimyo fanidan “Asoslar, ularning olinishi va xossalari»mavzusida olib boriladigan laboratoriya mashg`ulotida quyidagicha muammoli vaziyat tashkil etish mumkin: 1) Asoslar qanday olinadi? 2) Olingan modda asos ekanligini qanday isbotlash mumkin? 3) Bajarilgan tajriba

asosida asoslarning kimyoviy xossalarini tushuntiring. Nazariy ma’lumotga ega bo`lgan o`quvchi muammoli vaziyatdan qanday chiqish mumkinligini tezda anglab oladi va o`qituvchi yoki laborant nazorati ostida muammo yechimiga olib boradigan kimyoviy tajribani bajarib ko`rsatadi. Mavzuga oid bir necha kimyoviy tajriba bajarilib asoslarning olinishi, xossalari bo`yicha umumiy xulosa chiqariladi. Kimyo fanidan ma’ruza va laboratoriya mashg`ulotlarida muammoli vaziyatlarning to`g`ri tashkil etilishi hamda muammoning to`liq yechilishi o`quvchilarning mavzu yuzasidan kengroq va ishonarli tushunchalarga ega bo`lishiga olib keladi.

Xulosa qilib aytganda ta’lim jarayonida muammoli ta’lim texnologiyalaridan foydalanish o`qituvchidan katta mas’uliyat va ijodkorlik talab etib, natijada o`quvchilarning fikrlash, ma’lumotning ishonarliligiga erishish, mustaqil xulosa chiqarish kabi xususiyatlarini kengroq rivojlanishiga olib keladi.

KOMPYUTER YORDAMIDA O`QITISH TEXNOLOGIYASI VA UNING TABIIY FANLARNI O`QITISHDAGI AHAMIYATI

Hotamova M.S., Usmonova L.M., Navoiy davlat pedagogika instituti

Ta'lim-tarbiya mazmuni, maqsad va vazifalari davrlar o`tishi bilan kengayib borishi natijasida uning shakl va usullari ham takomillashib bormoqda. Hozirda inson faoiiyatining asosiy yo`nalishlari ulardan ko`zda tutilgan maqsadlarni to`liq amalga oshirish imkoniyatini beruvchi yaxlit tizimlar, ya'ni texnologiyalarga aylanib bormoqda. Xuddi shu kabi ta'lim- tarbiya sohasida ham so`nggi yillarda pedagogik texnologiya amal qila boshladi. Pedagogik texnologiya tushunchasi ta'lim- tarbiya amaliyotini rivojlantirish ehtiyojlari asosida kelib chiqqan va hozirda pedagogika, psixologiya fanlarida o`z o`rniga ega bo`lgan keng ko`lamli serqirra tushunchadir. Pedagogik texnologiyada ishlab chiqarish sohalaridagi turli texnologiyalardan farqli ravishda ishlov beriladigan material o`quvchi (ta'lim oluvchi)ning aqliy, ruhiy, axloqiy sifatlari bo`lib, ularga o`qituvchi, tarbiyachi tomonidan ma'lum maqsadlarga erishish yo`lida har turli ta'sirlar o`tkaziladi.

Hozirda mavjud bo`lgan pedagogik texnologiyalarni bir qancha belgilariga qarab turlarga ajratiladi. Bu belgilar haqida gapirishdan oldin shuni eslatib o`tishimiz kerakki, pedagogik texnologiya doimo kompleks xarakterga ega bo`lib, u faqat bittagina omildan, metoddan, tamoyildan foydalanmaydi. Ya'ni quyida keltiriladigan turlarigagina xos bo`lgan monotexnologiyalar aslida to`liq emas. Lekin har bir pedagogik texnologiyada asosiy e'tibor ta'lim jarayonining u yoki bu tomoniga qaratilishi natijasida ularni shu belgilari bo`yicha turlarga ajratiladi.

Bilish faoliyatini boshqarish bo`yicha pedagogik texnologiyalar turlari:

- Klassik ma'ruza;
- Texnika vositalari yordamida o`qitish;
- Darslik bo`yicha o`qitish;
- Kichik guruhlar tizimi;
- Kompyuter yordamida o`qitish
- Dasturlashtiriladigan boshqaruv.

Shu o`rinda kompyuter yordamida o`qitish texnologiyasiga to`xtalib o`tamiz. O`qitishning videokompyuterli modelini ochiq tizim sifatida qarab, unga o`qitishning boshqa an’anaviy vositalari qo`shilishi mumkin. Albatta, har bir alohida holda verbal-vizual va tasvirli axborotning salmog`i o`zgarishi mumkin. Bularning barchasi kompyuterli va videotexnologiyalar tasvirlash vositalarining mazmuni va xususiyatlariga va mazkur mavzuni o`rganishda erishish lozim bo`lgan didaktik maqsadlarga bog`liq.

Hozirgi kunda kompyuterlar ta’lim tizimida asosan quyidagi yo`nalishda foydalanilmoqda: o`rganish ob’ekti sifatida; o`qitishning texnik vositalari sifatida;
ta’limni boshqarishda; ilmiy-pedagogik izlanishda.

Kompyuterli o`qitishning afzalliklari juda ko`p: o`quvchilarda ma’lum malakalarni shakllantirish vaqti qisqaradi; mashq qilinadigan topshiriqlar soni oshadi; o`quvchilarning ishlash sur’ati jadallashadi; kompyuter tomonidan faol boshqarishni talab qilinishi natijasida o`quvchi ta’lim sub’ektiga aylanadi; o`quvchilar kuzatishi, mushohada qilishi qiyin bo`lgan jarayonlarni

modellashtirish va bevosita namoyish qilish imkoniyati hosil bo`ladi; kommunikatsiya vositalaridan foydalangan holda darsni uzoqdagi manbalar bilan ta’minlash imkoniyati hosil bo`ladi; kompyuter bilan muloqot didaktik o`yin xarakterini oladi va bu bilan o`quvchilarda o`quv faoliyatiga motivatsiya kuchayadi va hokazo.

Kompyuterli ta’lim jarayonida ta’lim o`quvchi va kompyuter orasidagi munosabatlarga ko`ra tashkil etiladi, boshqariladi, nazorat qilinadi.

Kompyuterli ta’limni tashkil etish – o`quvchi bilan o`quv materiali o`rtasidagi bog`lanishni kompyuter vositasida yo`lga qo`yish. O`quvchi bilan o`quv materiali o`rtasidagi bog`lanishni tashkil etish uchun ta’lim loyihalanadi. O`quvchilarning o`quv ishlarini tashkil etish, ular faoliyatini rag`batlantirish tegishli vositalar asosida modellashtiriladi.

Ta’lim jarayonida foydalanishga mo`ljallangan ko`plab elektron o`quv materiallari yaratilganki, unga elektron darslik, elektron o`quv qo`llanma, o`rgatuvchi dastur vositalari kabilarni misol qilib ko`rsatish mumkin. Ular o`zida boshqarilish imkoniyati, interfaol uslublar, sun’iy intellekt elementlari, hissiy moslashuvchanlik kabi xususiyatlar mavjudligiga ko`ra ta’limda ma’lum samaradorlikni ta’minlaydi.

Kompyuterlarni o`quv jarayonida qo`llash quyidagilarga imkon beradi:

- o`quvchilarda bilish ehtiyojini shakllantiradi;
- o`quvchilarning bilish faoliyatini faollashtiradi;
- o`quvchilarda fanni o`rganishga qiziqishni oshiradi;
- kompyuter bilan ishlashni o`rganishga bo`lgan ishtiyoqni oshiradi;
- kompyuterlardan foydalanish bilan bog`liq dunyoni ilmiy bilishning hozirgi zamon metodlari bilan tanishtiradi;
- ta’limda o`quvchining individuallik darajasini oshiradi;
- o`quvchilarning ijodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi;
- materiallar mazmunining xilma-xilligini ta’minlaydi;
- ta’limda foydalaniladigan o`quv materiallari doirasini kengaytiradi;
- ta’limda ko`rgazmalilikni kuchaytiradi;
- o`quvchilarning o`z-o`zini nazorat qilishi, ya’ni baholash jarayonining omillarini kengaytiradi va h.k.

Kompyuterli ta’lim tamoyillari:

-ilmiylik
-tizimlilik va ketma-ketlik
-ko`rgazmalilik
-o`quvchilar faoliyatini individuallashtirish
-nazariyaning amaliyot bilan aloqadorligi
-tushunarlilik
-fanlararo, ham fan ichidagi bog`liqlikni ta’minlash
-fanning turmush bilan bog`liq bo`lishi
-bilish faoliyatini faollashtirish
-izlanishga o`rgatish

Kompyuterli ta’lim vositalarini quyidagi to`rt guruhga ajratish mumkin:texnik vositalar, didaktik vositalar, faoliyat vositalari, dasturiy vositalar.

Pedagogik, kompyuter va axborot texnologiyalar ta’lim jarayonini tashkil etish, tayyorlash, ilmiy-metodik materiallar bilan ta’minlash, ta’lim jarayonini amalga oshirish, ta’lim natijalarining sifatini baholashdan iborat bo`lgan yaxlit tizimda o`z ifodasini topadi.

Kimyo fanlarini o`qitishga yangi texnik vositalar, shu jumladan, kompyuter va boshqa axborot texnologiyalarining jadal kirib kelayotgan hozirgi davrida fanlararo uzviylikni ta`minlash maqsadida informatika fani yutuqlaridan foydalanish dolzarb masalalardan biridir.

Kompyuter texnikalarini ta`lim muassasalariga tatbiq etish, o`qitish jarayonini optimallashtirishga keng yo`l ochib beradi.

Kimyo o`qitishda kompyuterlarni qulayligini yana bir yo`nalishi ayrim o`quv holatlarini modellashtirishdir. Modellastirilgan dasturlardan foydalanishning maqsadi, o`qitishning boshqa

usullari qo`llanganda tasavvur qilish, ko`z oldiga keltirilishi qiyin bo`lgan materiallarni tushunarli bo`lishini ta`minlashdan iborat. Modellashtirish yordamida o`quvchilarga ma`lumotlarni grafik rejimda kompyuter multimediasi ko`rinishida taqdim qilish mumkin. Shu boisdan ular kimyoni chuqur o`rganish va o`quv jarayonida sezilarli darajada mustaqillik namoyon etishga moyil bo`ladilar.

Kimyo fanidan o`tkaziladigan ma'ruza mashg`ulotining ssenariysi. Guruhda yo`qlama qilinib, mashg`ulot mavzusi va maqsadi hamda mashg`ulot davomida qo`llaniladigan texnologiyalar yuzasidan qisqacha ma'lumotlar beriladi. Yangi mavzu tushunchalarini kiritish uchun kerakli o`rganilgan kimyoviy tushuncha va tasdiqlarni takrorlash, tartiblash va qo`yilgan maqsadga qaratish uchun elektron ko`rgazmali qurol ko`rinishida tayyorlangan savollar va tez hal etiladigan topshiriqlar ekranda namoyish etiladi. O`qituvchi talabalarning javoblarini baholab boradi va bu savol-javobda barcha talabalarning faol ishtirok etishiga e'tiborni qaratadi.

Yangi mavzuga o`tishda talabalarga mavzu, mavzuga oid tushunchalar qanchalik tanishligini aniqlash va ularning bilimini oliy ta'lim talablari asosida to`ldirish va chuqurlashtirish maqsadida talabalarga maqsadga qaratilgan savollar berib borish va ularning javoblarini to`ldirish (klaster tuzishni topshirish mumkin), tartiblash orqali yangi tushunchalar kiritiladi. Talabalarga Venn diagrammalari haqida elektron ko`rgazmali qurol yordamida ma'lumot beriladi va bir qancha muammolar birgalikda hal etiladi. Dars davomida mavzuga oid ma'lumotlar, Venn diagrammalari multimedia imkoniyatlaridan foydalanib Power Point dasturi orqali tayyorlangan elektron ko`rgazmali qurollar yordamida namoyish etib boriladi.

Talabalarning ma'ruza davomida olgan bilimlarini tartiblash, mustahkamlash maqsadida ekran orqali har bir talabaga alohida tuzilgan topshiriqlar beriladi. Talabalar 10 daqiqa davomida topshiriqlarni bajaradilar hamda yonidagi sherigiga tekshirish uchun beradilar. O`qituvchi daftarlarni yig`ib olgan vaqtda topshiriqlarni tekshirib talabani baholaydi.

Dars yakunida ekranda talabalarga keyingi mashg`ulot mavzusiga tayyorgarlik ko`rish uchun savollar va uy vazifalari sifatida topshiriqlar berilsa maqsadga muvofiq bo`ladi.

MAKTABGACHA VA BOSHLANG`CH TA`LIM TIZIMIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI QO`LLASHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI

Ro`ziyeva R Buxoro Bank kolleji "Informatika va axborot texnologiyasi»kafedrasi o`qituvchisi

Farzand ila olam munavvar.Zero u naslimiz davomchisidir.Ko`zimizning oqu-qorasi bo`lgan dilbandlarimiz har doim ardog`imizda ekan, biz olamga ular nigohi bilan qarashga intilamiz, har bir bolaning tasavvurini shakllanishiga hissa qo`shamiz.Maktabgacha va boshlang`ich ta`lim tizimida mashg`ulotlarni o`tishda grafikli organayzerlardan, hamda MS office paketlarining tarkibiga kiruvchi va asosiy dasturlaridan biri bo`lgan MS Power Point dasturi yordamida tayyorlanadigan taqdimot-Prezentatsiyalardan foydalanilsa, bu bolalarning tushunchasini, tahlil qilish qobilyatini, solishtirish va topshiriqlarni bajarishning rejasini shaxsan tuzishga ishtiyoqini, tafakkur qilishni, ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishga xizmat qiladi.Asosiysi kelajagimiz poydevori bo`lgan yosh avlodda milliy ongni shakllantirishda, psixologik ta`sir o`tkazadi.Inson ongli bo`lib tug`ulmaydi.Uning ijtimoiy fazilatlari, yani ongi oila va jamiyat ta`siri tufayli shakllanadi.Biz pedagoglar yosh bolaning shakllanib kelayotgan ongiga ta`sir qiladigan jamiyatning muhim bo`g`inlarimiz.Shunday ekan bolalarimizga yot goyalar ta`sir qila olishiga yo`l qoymasligimiz kerak va bunda o`z xizmatlarimizni ayamasligimiz kerak.Maktabgacha ta`lim va boshlang`ich ta`lim muassasalarida ularning ongiga, tafakkuriga o`z ta`sirini o`tkaza oladigan bobokalonlarimizning masalan, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Amir Temur, Mirzo Ulug`bek, Alpomish, Shiroq kabilarning bolaliklari, jasoratlari haqidagi videofilmlar, roliklarni zamonaviy axborot telekommunikatsion qurulmalardan foydalangan holda namoyish qilinishi, bu juda dolzarb masala hisoblanadi.Bu bilan biz kelajak avlodimizning psixikasiga muhim ta`sir o`tkazamiz, vatanparvarlik ruhini shakllantiramiz. Maktabgacha ta`lim muassasalarida va boshlang`ich ta`lim tizimida elektron doskalardan foydalanishni yo`lga qo`yish bolada qiziqishni shakllanishiga, o`z qo`llari bilan turli xil rasmlarni chizishi esa uning psixologik holatining izohlay

olishiga imkon beradi. Bolaning qanday inson bo`lib kamol topishida, uning dunyoqarashining rivojlanishida, yokidir qanday kasbni egallashigacha biz kattalar mas`ulmiz.Elektron doskalar orqali hayvonot olami bilan, inson organizmi bilan, san`at bilan, milliy hunarmandchilik turlari va hunarmandlar tomonidan yaratilgan buyumlar, san`at namunalari bilan umuman turli sohalarga oid namunalar bilan tanishtirib borilishi ularni qiziqtiradi, oldilariga maqsadchalar qo`yishga, kasb-hunar tanlashiga, til o`rganishiga, turli ranglardan zavq olishlariga yordam beradi.Hozirgi kunni axborot kommunikatsion texnologiyalarsiz tasavvur qilib bo`lmaydi.Maktabgacha ta`lim va boshlang`ich ta`lim muassasalarimizdayoq bu texnologiyalardan foydalansak, kasb-hunar kollejlariga qadar bolalar chuqurlashtirilgan ta`lim jarayonlariga tayyor bo`lishadi.

Boshlang`ch tayyorlov jarayonida olgan bilimlarini mustahkamlab boradilar.Kollej tizimida esa o`quv amaliyotlariga alohida e`tabor berib borishimiz shart va zarur.O`quv amaliyotlarini to`g`ri tashkil qilinishi, metodlarning yangilanib borilishi har doim tugal natija beradi.Chunki har bir ish amalda bajarilib borilsa eslab qolish ham oson, ham tasavvur qilish qulay.Nima uchun maktabgacha ta`limni va boshlang`ich ta`lim tizimlarini, kollej o`qitish tizimi bilan bog`layapman? Bu tizimlar bir-biri bilan chambarchas bog`liqdir.Negaki qurayotgan uyimiz mustahkam bo`lishini har birimiz xoxlaymiz, har birimiz uyimizni qurayotganimizda uyning asosini, negizini, poydevorini mustahkam qilib quramiz.Qulashini, nurashini also istamaymiz.Shunday ekan kelajagimiz poydevori bo`lgan maktabgacha ta`lim va boshlang`ich ta`lim dargohlarida umid bilan borayotgan bolalarimizga asosli, kerakli, zamonaviy bilimlarni berishimiz talab qilinadi.Alisher Navoiy, Mirzo Ulug`bek, Amir Temur, Ibn Sino, Al-Xorazmiy bobolarimiz zamonasida kompyuter, telekommunikatsion qurulmalar bo`lmagan bo`lsada etarlicha bilimga, tafakkurga ega bo`lishgan va o`z zamonasining, hozirgi zamonda ham, kelajak zamonlarda ham ular qoldirgan madaniy meroslari, ko`rsatgan jasoratlari unut bo`lmaydi.Ammo sivilizatsiyaning rivojlanishi, texnologiyalarning, telekommunikatsion qurulmalarning kun sayin rivojlanib borayotganligi, zamonaviy bilimlarni berishimizni, har bir bilimni, mavzuni asoslaydigan video roliklar, electron darsliklar, multimedia ishlanmalari bilan boyitilgan holda zamonaviy metodlardan foydalanilgan holda berishimiz kerakligini ko`rsatayapti. Masalan bola bog`cha yoshida electron doskadan foydalanib o`z qo`llari bilan geometrik figuralarni, matematik oddiy misollarni, harflarni yozsa, psixologiyasidan kelib chiqib rasmlar chizsa, bu uning ongining rivojlanishiga, dunyoqarashini shakllanishiga muhim o`rin tutadi.Yangi texnologiyadan foydalanish, uni darslarda samarasini kuzatish, bolalarning qiziqishlarini oshirish, kasb tanlashida, hunar tanlashida, san`atning qaysidir yo`nalishiga qiziqishni oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.Boshlang`ich ta`lim tizimida ham zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini qo`llashning pedagogik-psixologik asoslari muhim ahamiyatini ko`rish mumkin.Boshlanishida to`g`ri foydalanish bir-oz qiyinchilik tug`diradi, ammo bundan mustaqil foydalana olishni o`rganayotgan bolada boshqacha ta`sir, qiziqish, intilish uyg`otadi.O`qituvchi dars jarayonida turli rang-barang metodlardan foydalangan holda, zamonaviy pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini qo`llasa, bir xillikga chek qo`ysa bola har darsda yangi nimanidir ko`rsa, unda maktabga, o`qishga, fanlarga nisbatan qiziqishi yanada chuqurlashadi.Yangiliklar bilan, yangi texnologiylar bilan, zamon bilan hamnafas yashash davr talabi.Prezidentimiz ta`birlari bilan aytganda “Farzandlarimiz bizdan ko`ra bilimli, aqlli, dono va albatta baxtli bo`lishlari shart “ Shunday ekan ularning bilimli, aqlli, dono va baxtli bo`lishi uchun qo`llarimizni uzataylik, ularga sidqu-dildan bilim beraylik.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ВА ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИДА КЕЙС УСУЛИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Самиева Г.Т. - ҚВХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси,
Жумаева Р – ҚВХТХҚТМОИ ўқитувчиси

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга амалдаги таълим замонавий илм-фаннинг илғор тажрибаси ва ютуқларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими муассасаларининг барча шакл ва турларида ўқув-тарбиявий жараённи илмий-методик жиҳатдан тўла таъминлаган ҳолда, ўқитишнинг замонавий шарт-шароитларини яратган ҳолда эришиш мумкин. Ушбу ўқитишнинг замонавий шарт-

шароитларига янги педагогик технологиялар киради. Бу технологиялар таркибида ўқишга бўлган қизиқишни уйғотувчи усуллар, билимни оширишга хизмат қилувчи ўйинлар, мунозара дарслари, конкрет-ўқув вазиятларини тузиш (кейс-стадилар), репродуктив ва муаммоли усуллар, ташкилий, фаолликни оширувчи ўйинлар (ролли ўйинлар), масъулият ва мажбуриятни ҳис қилдирувчи услублар, ўз-ўзини назорат қилиш, якка тартибдаги анкеталар, оғзаки ва ёзма усуллар, амалий ишлар, тажрибалар усули ва ҳоказолар киради. Шу усуллар ичида репродуктив ва муаммоли усуллардан бири ва энг замонавийси бўлган кейслар ҳақида тўхталмоқчимиз.

Кейс сўзининг луғавий маъноси “case»– инглизча “ҳолат, вазият” демакдир. Ҳозирги илм-фанни ўрганишнинг энг замонавий ва самарали усули сифатида “case-study”лар қўлланилмоқда. Кейсга бир қанча таърифлар бериш мумкин:

1. Кейс- бу ўз ичига ечилиши зарур бўлган муаммони олган реал вазият тасвиридир.
2. Кейс – бу тингловчиларга ҳавола этиладиган муаммолар ечимига тайёр бўлган, менежерлар ҳолатини ифодалайдиган вазият.
3. Кейс – бу аудиторияда мавжуд шароитлар ва таваккалчиликка асосланган конкрет вазият бўйича қарорлар қабул қилиш муҳитини яратиш имконияти.

Кейс-стадиларнинг бир қанча кўринишлари мавжуд: классик (Гарвардча), тактик, стратегик, кўргазмали, фирмалар ривожланиш тарихини ўз ичига олган кейслар, таҳлилий, муаммоли ва ечимни талаб қилувчи кейслар, халқаро молия кейслари, иқтисодиётни бошқаришга доир ва иқтисодий тизимларга бағишланган кейслар.

Юқорида номлари саналган кейслар ўз таркибига катта-кичик муаммоларни олади, муаммосиз кейс мукаммал ҳисобланмайди. Шунингдек, ушбу кейслар айнан иқтисодий ва бошқарув фанларини ўқитиш учун қўлланилади. Кейслардан фойдаланишнинг бир нечта усули мавжуд: индивидуал тақдимот, гуруҳ бўлиб ишлаш, гуруҳлардаги муҳокама (дибатлар), аудиториядан ташқари мунозара (дискуссия), муаммони ҳал этиш йўллари муҳокамаси.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бозор тамойилларига бўйсунган ҳолда иқтисодий фанлар: менежмент, маркетинг, корхоналар иқтисодиёти, тадбиркорлик; табиий фанлар: физика, география, химия каби, шунингдек билимга асосланган инновацион иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш ҳамда мос тарзда мутахассислар тайёрлаш давр талабидир. Кейслар мутахассисларни тайёрлаш вақтида ўқувчи, талаба ва тингловчиларни мустақил муаммони шакллантириш ва ечишга, конкрет ўқув вазияти таҳлилини амалга оширади, аниқ муаммони ечишнинг турли хил усуллари ёрдамида мунозаралар олиб бориш имконияти яратади, назарий билимларини амалиётда қўллаш, олинган ечимлар натижасидан бошқа жойларга тарқатиш имкониятини беради, ташкилот фаолиятида мавжуд ўзгаришлар бошқарувига йўл очади.

Ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаши учун ёшлар билимга чанқоқ, мослашувчан, ҳаракатчан ва ишбилармон бўлиши керак. Бу хусусиятларни шакллантириш учун эса ўқитувчилар ҳам жон куйдириб, фидойи бўлишлари ва замонга мос ҳолда доим янгиликлардан, коммуникацион ва инновацион технологиялардан бохабар бўлишлари шарт. Кейс усули ёрдамида бу нарсаларга эришиш мумкин. Қашқадарё вилоятининг ўқув юртларида ўтказилган тажрибалар ўзини оқлаб, ижобий натижалар берди ва юқоридаги фикрлар ўз исботини топди.

Европа мамлакатларида, Америка Қўшма Штатларида анъанавий таълим тизимидан деярли воз кечилган. АҚШнинг Оксфорд, Гарвард университетларида, бизнес мактаблари ва коллежларида талабаларнинг эркин, мустақил таълим асосида шуғулланиши, Германия университетлари, коллежларида аниқ, конкрет вазиятлар ёрдамида дарсларнинг олиб борилиши, Буюк Британиянинг Манчестер бизнес мактаби ва бошқа олий, ўрта махсус ўқув юртларида, Канаданинг Ғарбий Онтарио университетида, Япониянинг Кейо университетида, Россия ва Швейцария олий ўқув юртларида таълимнинг ноанъанавий тус олиши фикримизнинг далилидир. Санаб ўтилган университет ва бизнес мактаблари иқтисодий ва

бошқарув фанларидан пухта билим эгаллаган, рақобатбардош кадрлар ва етук мутахассисларни тайёрлаб беради. Бу мутахассислар иқтисодий сўз билан айтганда жуда “қиммат»саналадилар, улар қайси жабҳада ишламасин, қаерда бўлмасин ўз ишини осонгина уддалайди ва барча муаммоларни мустақил ҳал қилади.

Иқтисодий фанларда (жумладан, иқтисодий география фанида ҳам) кейс усулини қўллаш қулай, осон ва қизиқарлидир. Чунки бу соҳа эгалари келажакда жамоа билан ишлашга, нутқ маданияти ва нотиқлик санъатига, раҳбар ва ташкилотчи бўлишга, корхона ва фирма муаммоларини ҳал қилишга, мустақил бартараф этишга кўникма ҳосил қилишлари шарт. Шуларни инобатга олиб, кейс усули мутахассисларни шакллантиришга хизмат қилувчи муҳим омил десак, муболаға бўлмайди.

Фикримиз сўнгида кейсдан намуна келтирамиз:

CASE-STUDY: “Ширин жуфтлик»(фирма тарихига бағишланган иқтисодий кейс).

1992 йилнинг декабрида Россия биринчи чеклар ким ошди савдоси ўтказилиб, унда Москванинг “Большевик” кондитер фабрикаси акциялари савдога қўйилди. “Большевик” йилига 28-30 млн. АҚШ долларига тенг бўлган маҳсулот ишлаб чиқаради, бу эса Россия печенье ва вафлилар бозорининг 30 %га яқин миқдорини ташкил этади. Фабрика 5,6 га ер участкасини ташкил қилиб, 58 та бино ва иншоотларда жойлашган. Ташкилотнинг 44 % акцияси савдога қўйилган эди. Буларнинг тенг ярмини “Альфа-капитал” инвестиция фонди сотиб олди. У вақтда инвестиция фонди Россия давлат мулкчилик қўмитасидан ҳали лицензия олмаган эди, шунинг учун аукционда иштирок этиш учун ваучерлар сотиб олиниб, “Альфа-капитал” ишчи-хизматчиларига тарқатилган эди. Улар эса аукционда жисмоний шахс сифатида иштирок этиб, “Большевик” акцияларини сотиб олишди. Аукцион тугагандан кейинги кун эса, бу “жисмоний шахслар»ишончнома билан “Альфа-капитал”га ўз акцияларини топширишди. Бу ҳол эса акционерларнинг биринчи йиғилишдаёқ овоз берувчилар томонидан норозилик уйғонишига сабаб бўлди. Улар фақат “Альфа-капитал реестрда йўқ!” деб овоз беришда қатнашишларига рози бўлишмади. “Большевик” маъмурияти директор Олег Шиманов раҳбарлигида “бегона”, “ёт»акционерлар билан ҳисоблашишни хушламаётган эди. “Альфа-капитал” ходимлари эса акция пакетига эга эканликларини рўкая қилиб, бошқарувда иштирок этишни талаб қилишди.

Учинчи томон аралашуви билангина муросага келинди. “Большевик” аукционининг ташкилотчиси ва молиявий маслаҳатчиси Россия давлат мулкчилик қўмитаси буюртмаси билан Credit Suisse First Boston (CS) эди, бу ташкилот Олег Шимановга ташқи инвестор билан муомала зарурият эканини тушунтириб, кўндирди. Муомала натижаси шу бўлдики, ишбилармонлик муносабатлари нафақат меъёрлашди, балки кейинги босилажак қадамлар координацияси ҳам белгилаб олинди. “Альфа-капитал” ўз ходимларининг “Большевик” Директорлар Кенгашида иштирок этишида бошқа тўхталмади.

“Большевик” – Россиядаги ширинликлар, печеньелар, бошқа кондитерлик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик компания, у ҳам бошқа юзлаб ташкилотлар каби молиявий қийинчиликларни ўз бошидан кечираётган эди. “Большевик”нинг бош иқтисодчиси Г.Каплунова шундай деди: “Инвесторларсиз ишимиз яхши натижага олиб келмасди. Фабриканинг 85 % асбоб-ускуналари моддий ва маънавий эскирганди – қолган ресурсларни ишлатиб бўлиб, ташкилот банкрот деб эълон қилишгача келиб қолган эдик”. Ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Шунинг учун инвесторларни излаш ва жалб этиш “Альфа-капитал” ва CS фирмалари билан биргаликда амалга оширилди. 1993 йил февралида ташкилот ҳақидаги умумий тавсифга эга бўлим ва цехлари учун мелиорандум ўтказилди. Апрел-май ойларида эса “Альфа-капитал” CS билан биргаликда кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фирмалар ўртасида очиқ тендер ўтказишди. Бунда акция пакети ва унинг 50 %дан юқори кўпайтириш кафолати тақдим этилди. Фақат ғолибликни аниқлашнинг асосий шарти – инвестициялар ҳажми эди.

1994 йил декабрида “Большевик”нинг акцияларини жаҳондаги “ширин” маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик француз компанияси “DANONE»сотиб олишга аҳд қилди. Бу компаниянинг илмий-тадқиқот базаси ниҳоятда машҳур эдики, унда янги

маҳсулотлар маркаси ва шунга яраша асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Ғарбий Европада ҳар бир яшовчи ўртача 30 дан 80 кг гача турли кондитер маҳсулотлари истеъмол қилишади, у ерда “DANONE»печеньелар ишлаб чиқариш бўйича тан олинган “лидер” эди.

“DANONE» CS ёрдами билан Россия фабрикасини ривожлантирувчи, 6 йилга мўлжалланган инвестицион дастурни таклиф қилди. Унга кўра:

1. “Большевик” 30 млн. АҚШ доллари миқдоридаги янги жиҳозлар билан таъминланади, асосий воситалар 4 минг $м^2$ майдонга жойлаштирилади.
2. “Большевик” ўзининг савдо маркасини ва барча маҳсулотларини сақлаб қолади.
3. Маҳсулот ассортименти кенгайтирилади ва печенье, кекс, қуруқ тортлар – барчаси француз рецепти асосида тайёрланади.

Бундай дастур асосида ишлаш учун “DANONE»ва “Большевик”нинг олдинги директорлари ва фабриканинг маъмурияти Директорлар Кенгаши билан ҳамкорликда ишлашни давом эттиришга рози бўлдилар. Ва ниҳоят, икки томон яқин 5 йил ичида олинадиган даромадни янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сафарбар этишларига келишиб олдилар. Лекин олди-сотди масалаларини, “DANONE»билан акция пакети қиймати ва CS хизмат ҳақини “Альфа-капитал” ҳал қиларди. Декабр ойида охирги пакет – 82,6 % акциялар “DANONE”га сотилди. “Альфа-капитал” Директорлар Кенгаши Президенти А.Косогов “Большевик” акциялари воқеаси якунида шундай деди: “Олег Шиманов (“Большевик»директори) оддий инсон эмас. Биз кўп тортишдик, лекин ўйлайманки, бу директор фабриканинг тарихида ҳақиқий куюнчак инсон сифатида қадрланади ва эсда қолади...”

Кейснинг якуни бўйича мунозара саволлари берилади:

1. Россиянинг “ширинликлар” саноатини баҳоланг.
2. Чет эллик ёки россиялик инвесторлар номидан қандай иш тутардингиз?
3. Нима учун “DANONE»Россияда бундай катта (30 млн. АҚШ доллари) инвестицияга қўл урди деб ўйлайсиз?
4. Россия бозорларида “DANONE» стратегияси қанчалик тўғри ёки нотўғри?
5. Бу ишнинг қандай афзаллиги ёки хавфи бор?

Бундай кейслар ёшларни мушоҳадага, ўйлашга ва ўзаро фикрлашга ундайди. Таълим муассасаларида бундай усулдан фойдаланиш яхши самара беради деб ўйлаймиз, чунки ёшлар ўзлари ҳам кейсларни излаш вақтида кўпгина ахборот ресурсларини кўздан кечирадилар.

ПРИМЕНЕНИЯ МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИИ И ИХ СОЧЕТАНИЯ С ДРУГИМИ НОСИТЕЛЯМИ УЧЕБНОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИИ БИОЛОГИИ

Сапарбаев Ж., Нукусский государственный педагогический институт им.Ажинияза к.б.н.,доцент кафедры методики преподавании биологии.

Существует много способов развития познавательной активности учащихся. Один из способов это, использования современных информационные технологии, в том числе мультимедиа. позволяют реализовать большинство методов обучения биологии. Технология мультимедиа способно во многих случаях усовершенствовать или даже частично заменить в учебном процессе такие классические методы обучения биологии, как метод устного изложения учебного материала (лекция, рассказ, объяснение и др.), методы наглядного и практического обучения, методы закрепления полученных знаний, методы самостоятельной работы.

Мультимедиа - подразумевает диалоговую компьютерную систему, которая обеспечивает синтез текста, графики, звука, речи и видео.

Таким образом, в широком смысле»мультимедиа»означает спектр информационных технологий, использующих различные программные и технические средства с целью

наиболее эффективного воздействия на пользователя (ставшего одновременно и читателем, и слушателем, и зрителем).

Педагогические возможности средств мультимедиа определяются не простым суммированием возможностей компьютерной техники и технологий, в них входящих. Увеличение педагогических возможностей отдельных составляющих средств мультимедиа, которые взаимно развивают и дополняют друг друга, приводит к переходу количества этих возможностей в качества, открывая доступ к нетрадиционным источникам информации.

Многолетняя педагогическая практика показывает, что удачные комментария преподавателя и их сочетание с видеоинформацией или анимацией не только активизирует внимание слушателей к содержанию излагаемого учебного материала и повышает интерес к новой теме. Обучение становится занимательным и эмоциональным, принося эстетическое удовлетворение и повышая качество излагаемой преподавателем информации. При этом существенно изменяется роль преподавателя в учебном процессе. Преподаватель эффективнее использует учебное время, сосредоточив внимание на обсуждении наиболее сложных фрагментов учебного материала.

Интерактивный урок по биологии сочетает в себе преимущества традиционного способа обучения под руководством педагога и индивидуального компьютерного обучения. Особенно информационно-познавательным содержанием учебные материалы по биологии приобретают эмоциональную окраску, так как благодаря использованию в процессе изложения демонстрируется занимательные природные явления с помощью компьютерных слайдов.

Кроме того технология мультимедиа можно рассматривать еще как средство эмоциональной разгрузки т.к. программы биологическим содержанием смотрятся как видеофильм о природных явлениях. Возможно, прерывать его по необходимости и вмешиваться в ход действий и вести диалог.

Отдельные иллюстрации или тексты мультимедиа можно использовать как средство для изготовления раздаточного дидактического материала. Словом, персональный компьютер в руках преподавателя, в дополнении со сканером и принтером дает возможность создания раздаточных материалов.

Следует отметить, что заранее готовясь к лекции, преподавателю биологии необходимо разработать на компьютере в приложении»Power Point»программы»Office»необходимое количество слайдов, дополняя видеоинформацию на них звуковым сопровождением и элементами анимации. Все это значительно повышает требования к квалификации преподавателя. Он должен обладать необходимым уровнем знания компьютерной техники и владеть навыками работы с программным обеспечением.

Эффективность применения мультимедиа в ходе преподавания биологии объясняется своеобразием оформления текстовой информации в виде графиков, логических схем, рисунков, таблиц, широко используемых преподавателями биологических дисциплин. Применение их особенно выгодно в тех случаях, когда необходимо показать динамику развития какого-либо природного процесса.

Таким образом, участие в процессе обучения одновременно педагога и компьютера значительно улучшает качество образования. Использование предложенной методики активизирует процесс преподавания, повышает интерес студентов к изучаемой дисциплине и эффективность учебного процесса, позволяет достичь большей глубины понимания учебного материала.

Создание любого компьютерного приложения, а особенно курса мультимедиа-лекций сегодня не мыслится без тщательно продуманного плана разработки. В настоящее время существует хорошо отработанная методология создания компьютерных обучающих систем. Как и всякая методология проектирования, она включает целый ряд последовательных этапов. Для создания обучающей программы предлагается нижеследующие последовательности:

1.Выбрать тип программы. На этом этапе определяются основные цели и задачи программы, а также средства её реализации.

2.Собрать подходящие исходные материалы — тексты, репродукции и иллюстрации, аудиозаписи, видеокассеты, компьютерные файлы. Полнота собранных материалов говорит о готовности к реализации программы и определяет уровень её качества.

3.Написать сценарий программы и взаимодействия преподавателя с ней, определяющий композицию всех собранных материалов. Здесь определяется вся логика программы. Сценарий описывает связи между слайдами, структуру и изменения на этих слайдах, а также звуковые и видеоэффекты.

4.Обработать собранные материалы на компьютере, подготовив их к включению в обучающую программу, т.е. создать и отредактировать текстовые, графические, анимационные, видео, звуковые сопровождения. Здесь используются как стандартные средства самой операционной системы, так и ставшие стандартными пакеты редактирования текстов (Microsoft Word), компьютерной графики и анимации (3D Studio, Adobe PhotoShop), видеомонтажа (Adobe Premiere), Web-мастеринга (Microsoft FrontPage). Реализовать сценарий в виде действующей программы, внося необходимые изменения в материалы и сценарий в процессе опытной эксплуатации. Для преподавателей биологии (авторов), не являющихся программистами, лучшим вариантом является использование таких средств визуального программирования, как Power Point из Microsoft Office, Macromedia Director, а также средства Web-мастеринга. Наконец, профессиональные программисты могут использовать системы программирования Visual C++, Visual Basic, Delphi, Java и др., но оптимальных сроков разработки они добьются, если будут их использовать в дополнение к перечисленным выше системам.

Подготовить методические материалы для пользователей программы — преподавателей. Такие материалы необходимы, так как пользователи программы, как правило, не обладают квалификацией её авторов.

В настоящее время появились комплекты автоматизированного рабочего места учителя(АРМУ),включающие в себя компьютер (Intel Pentium 4 2800), монитор, принтер, сканер, цифровой микроскоп, аудиосистем, интерактивную доску или экран, наборы CD (сидером) дисков с учебными программами и материалами. Во многих учебных заведениях преподаватели биологии пока не имеют подобных оборудовании. Применением новых информационных технологий пока с имеющимися техническими средствами уже отказались от таких традиционных технических средств обучения, как телевизор, видео- и аудиомагнитофон, диа- и слайд-проекторы, кодоскопы и киноустановки. Живых растений и животных, неудобных в хранении, влажных препаратов, чучел муляжей, моделей, таблиц и репродукций, словно все использовавшиеся ранее наглядные пособия можно легко перевести в цифровой формат, хранить в памяти компьютера и также быстро выводить при необходимости на экран монитора. Но с этим не рекомендуется от них полностью отказаться. Опыт обучения биологии свидетельствует о том, что формирование у учащихся необходимых представлений о живых объектах и явлениях, успешное развитие умений и навыков работы с различными носителями учебной информации происходит при условии раздельного или комплексного применения натуральной (живой или фиксированной) и компьютерной наглядности.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ОЛИЙ АЛГЕБРА КУРСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЁРИТИБ БОРИШ

Турганбоева О, Фарғона шаҳар 5-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Маълумки мактаб математика курсида натурал сонлар, бутун сонлар, рациональ сонлар, иррациональ сонлар ва ҳақиқий сонлар тўплами тушунчалари бериб ўтилади. Дастлаб ушбу сонли тўпламлар тушунчаларини бериб ўтайлик.

1-таъриф: *Натурал сон* деб санокда ишлатиладиган сонларга айтилади. Масалан, 1, 2, 3, 4 ва ҳ.к. Натурал сонлар тўплами N={1, 2, 3, 4, …, n, …} каби белгиланади. Энг кичик натурал сон бу 1 сони ҳисобланади. Энг катта натурал сон мавжуд эмас.

2-таъриф: *a* ва *b* сонларининг йиғиндиси нолга тенг бўлса, улар ўзаро қ*арама-қарши сонлар* дейилади. Масалан, 1 сонига қарама-қарши сон -1 ҳисобланади. Чунки, 1+(-1)=0 бўлади. Демак, *а сонига қарама-қарши сон -а га тенг бўлади*.

3-таъриф: *Бутун сонлар* деб натурал сонлар, уларга қарама-қарши сонлар ва нолга айтилади. Бутун сонлар тўплами Z={0, ±1, ±2, ±3, …} каби белгиланади. Энг катта ва энг кичик бутун сонлар мавжуд эмас.

4-таъриф: *Рациональ сон* деб $\frac{m}{n}$ кўринишида ёзиш мумкин бўлган сонларга айтилади, бунда $n \neq 0$. Рациональ сонлар тўплами $Q = \left\{ \frac{m}{n} : m \in Z,\ n \in N \right\}$ каби белгиланади.

5-таъриф: *Иррациональ сон* деб даврий бўлмаган чексиз ўнли касрга айтилади. Масалан, π, 1,202002000200002... ва ҳ.к. Иррациональ сонлар тўплами I={a: a – *даврий бўлмаган чексиз ўнли каср*} каби белгиланади.

6-таъриф: R=Q U I тўплам х*ақиқий сонлар* тўплами ҳисобланади.

Мактаб ўқув курсида сонли тўпламлар ҳақида умумий тушунчалар берилсада, ушбу сонли тўпламлар устида бажарилиши мумкин бўлган ёки бўлмаган амалларга эътибор берилмайди. Масалан, натурал сонлар устида фақатгина қўшиш ва кўпайтириш амалларини бажариш мумкин, яъни ихтиёрий иккита натурал сонни қўшсак ёки кўпайтирсак яна натурал сон ҳосил бўлади. Лекин, натурал сонлар устида айириш ва бўлиш амалларини бажариб бўлмайди. Масалан, 1 ва 5 натурал сонлари учун $1-5=-4 \notin N$ муносабат, ҳамда 3 ва 5 натурал сонлар учун $\frac{3}{5} \notin N$ муносабат ўринли бўлади. Демак, ҳар қандай иккита натурал сонни устида айириш ёки бўлиш амалини бажариш натижасида доим ҳам натурал сон ҳосил бўлмайди.

Бутун ва рационал сонлар тўпламларида қўшиш, кўпайтириш ва айириш амалларини бажариш мумкин. Бўлиш амали бажарилиш ёки бажарилмаслигини рационал сонлар тўплами мисолида ўрганиб чикайлик. Масалан, нолга тенг бўлмаган ихтиёрий иккита а ва b рациональ сонлар олайлик. Рациональ сон таърифига кўра, $a = \frac{m}{n}$ ва $b = \frac{k}{p}$ кўринишга эга бўлади. Демак, $a : b = \frac{m}{n} : \frac{k}{p} = \frac{mp}{nk} \in Q$ муносабат ўринли бўлади. Лекин, агар ушбу мисолда b=0 деб олсак, у ҳолда $a : b = a : 0 = \infty \notin Q$ муносабатга эга бўламиз. Демак, рациональ сонлар тўплами учун бўлиш амали ўринли эмас. Лекин, $Q^* = Q \setminus \{0\} = \left\{ \frac{m}{n} : m \in Z,\ n \in N \right\} \setminus \{0\}$ – нолдан бошқа барча рациональ сонлар тўпламида бўлиш амалини ҳам бажариш мумкин.

Иррациональ сонлар тўплами устида ҳар қандай арифметик амал ўринли бўлмайди. Ушбу тасдиқни мисоллар келтириш орқали ушбу фикрни исботлаб ўтамиз. Маълумки, $\sqrt{2} \in I$, лекин $\sqrt{2} \cdot \sqrt{2} = 2 \notin I$. Демак, иккита иррациональ сони бир бирига кўпайтириш натижасида ҳар доим ҳам иррациональ сон ҳосил бўлмайди. Ҳудди шундай, $\pi \in I$, лекин $\pi + (-\pi) = 0 \notin I$. Демак, иррациональ сонлар устида қўшиш (айириш) амалини бажариш натижасида доимо иррациональ сон ҳосил бўлмас экан.

Ҳақиқий сонлар тўплами R устида ҳам қўшиш, кўпайтириш ва айириш амалларини бажариш мумкин. Лекин, бўлиш амали ушбу сонлар тўплами устида ҳам ўринли эмас. Лекин, R*=R\{0} – нолдан бошқа ҳақиқий сонлар тўплами устида 4 та арифметик амалларни бажариш мумкин.

Бундаш ташқари, мактаб математика курсини ўқитишда, $N \subset Z \subset Q \subset R$ ва $I \subset R$ муносабатлар ўқувчилар онгига сингдириб борилишига эътибор берилмайди.

Юқоридаги тушунчаларни қандай қилиб мактаб ўқувчилари онгига сингдириб бориш тўғрисида тўхталиб ўтсак.

Сонли тўпламлар, улар устида ўринли бўлган арифметик амалларни ўқувчилар онгига сингдириб бориш турли ноанъанавий дарслар давомида амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, ушбу дарсларда ўқувчига унинг ўзи англамаган ҳолда олий алгебра курсидаги *тўплам, қисм тўплам, алгебра, группа, ҳалқа* ва *майдон* каби тушунчалар элементларини сингдириб бориш имконияти мавжуд.

Ушбу мақолада, юқоридаги фикрни такрорлаш ёки очиқ дарслар давомида амалга ошириб бориш тўғрисида тўхталамиз.

Дастлаб ўқувчиларни 3 гуруҳга бўламиз. Шундан сўнг, уларга натурал, бутун, рациональ, иррациональ ва ҳақиқий сонлар тўплами тўғрисида тушунчалар берилади.

Ўқувчиларга ҳар-бир сонли тўпламда ўринли бўлган арифметик амаллар қисқача тушунтирилади. Шундан сўнг, ўқувчиларга вақтни инобатга олган ҳолда топшириқлар эълон қилинади ёки ҳар бир гуруҳга топшириқларнинг ёзма варианти тақдим қилинади. Ушбу мақолада, қуйидаги саволларини кўриб чиқайлик.

1) 3, -5, $\frac{701}{153}$, $\sqrt{75}$ сонларнинг ҳар бирини қайси тўпламга тегишли эканлигини аниқланг?

2) $x^2+10x=39$ тенгламанинг ҳар бир илдизи учун уни қандай сонли тўпламга тегишлилигини аниқланг.

3) Радиуси 3 га тенг айлана юзасининг қийматини берувчи сон қайси сонли тўпламга тегишли?

4) Баландлиги 16,7 см, ўткир бурчаги 30^0 бўлган ромбнинг юзасининг қийматини берувчи сон қайси сонли тўпламга тегишли?

5) Бутун сон ва натурал сон йиғиндиси қайси сонли тўпламга тегишли бўлади?

Ушбу мисолларни ечиш давомида ўқувчиларда сонли тўпламлар ва улар устидаги амаллар тўғрисидаги билимларини ошириш билан бир вақтда, уларда мантиқий фикрлаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, гуруҳ бўлиб ишлаш каби ижобий ҳислатлар шаклланади. Жумладан, 1) саволга жавоб бериш давомида, ўқувчилар 3 сони натурал, бутун, рациональ ва ҳақиқий сон эканлигини тушуниб етишади. Шунингдек, -5 сони бутун, рациональ ва ҳақиқий сон эканлигини, $\frac{701}{153}$ сони эса рациональ ва ҳақиқий эканлигини, $\sqrt{75}$ сони эса иррациональ ва ҳақиқий сон эканлгини тушуниб етишади.

Бундан ташкари, 2) саволни ечиш ўқувчиларни дастлаб квадрат тенгламани ечишга ва ушбу тенглама ечимлари бўлган 3, -13 сонларини қайси тўпламга тегишли бўлишини аниқлашга мажбур қилади. Ушбу саволга жавоб бериш давомида ўқувчилар ҳар қандай натурал сон бутун сон бўлиши, ҳамда ҳар қандай натурал ва бутун сон рациональ сон бўлишини тушуниб етишига олиб келади.

Мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш умумтаьлим мактаблари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири саналади. Зеро, мустақил ижодий фикр юритувчи ёшларгина мамлакатимиз келажагининг порлоқ бўлишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўша оладилар. Топшириқ саволларини ечиш давомида ўқувчиларни мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш шунингдек дарсдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАРДА АКТ ВА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ДАРС ЎТИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Б.ф.н. Умарова Ж.Қ. Нав ДПИ

Ўқит. Ражабова О.Р. Нав ДПИ ҳузуридаги 1-академик лицей

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин таълим муассасаларида ўқитишнинг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилди. Таълимни модернизациялашдан

мақсад таълимнинг тараққиётини таъминлаш, қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун амалда ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунда ДТС, ўқув режалари қайта кўриб чиқилди. Фаннинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар, фаннинг таълимдаги ўрни, ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги, ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни қамраб олган фан дастурлари, замон талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётларининг яратилганлиги ҳар томонлама ривожланган баркамол рақобатбардош мутахасислар тайёрлаш учун амалга оширилган вазифалардир.

Узлуксиз таълимнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик масалалари мустаҳкамланиб бормоқда. Ўқув-услубий ва илмий ҳамкорликни таъминлаш, таълим самарадорлиги ва кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўртасида “Ҳамкорлик дастурлари” ишлаб чиқилди.

Навоий давлат педагогика институти “Биология ўқитиш методикаси” кафедраси билан бизнинг 1-Академик лицей ўртасида ҳамкорлик дастури доирасида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш уларни ўтказиш тартиблари белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 18 июлдаги 303-сонли буйруғида белгиланган соҳалар бўйича “Таълим жарёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларни кенг тадбиқ этиш ва таълим сифатини ошириш”га бағишланган доимий фаолият юритувчи услубий семинарлар ва очиқ дарслар ташкил этилди.

Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётган жамиятда турли фан соҳалари, айниқса биологияда билимларнинг тез янгиланиб бориши, ўқитувчилар ва талаба-ўқувчилар олдига уларни жадал суръатларда эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда. Ҳамкорлик асосида таълим тизимига қўйилган вазифаларни амалга ошириш, АКТ ва илғор педтехнологиялар, интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш, уларнинг мувоффақиятли ҳал этилишини таъминлаш, таълим сифатининг ошишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб номутахасисларга биологияни ўқитишда АКТ дан фойдаланиб мавзу юзасидан муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, маъруза, семинар, бахс-мунозара, суҳбат, конференция, муаммоли таълим дарслари ташкил этилмоқда.

Мен Т-жадвал технологияси, “Кластер”, “Вен диаграммаси”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Муаммоли вазият”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим»методларидан кўпроқ фойдаланаман ва қуйида мисоллар келтирмоқчиман.

“Дарвин таълимотининг моҳияти»мавзусида дарснинг якуний қисмида Т-жадвал технологиясидан фойдаланиб қовун навлари бўйича аралаштириб тузилган тўғри ва нотўғри жавоблар экранга чиқарилади.

Бир партада ўтирган талаба-ўқувчилар ҳамкорликда қовун навлари жадвалга ажратиб ёзадилар. Топшириқни бажариб бўлганларидан сўнг тўғри ва нотўғри жавоблар ажратиб ёзилган жадвал экранга чиқарилади.

Талаба-ўқувчилар ўзларининг жавобларини экрандаги жадвал билан таққослаб тегишли хулосаларга келишади.

“Кластер” методи калит сўз “Товуқ зотлари”.

Ушбу метод педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, мавзу хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. “Класстер»методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта

ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Т-жадвал технологияси

Тўғри жавоблар	Нотўғри жавоблар
1.“Сарик хандалак”	1. “Тўёна”
2. “Босволди”	2. “Самарқанд”
3. “Зармитон”	3. “Оқ қантак”
4. “Чўгари”	4. “Баҳор”
5. “Бўрикалла”	5. “Сари гўзал”
6. “Аравакаш”	6. “Салом -2”
7. “Умрбоқи”	

“Яшаш учун кураш ва табиий танланиш” мавзусини ўқитишда»Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим»методи. Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхати техник восита ёрдамида талаба-ўқувчиларга тақдим этилади.

Талаба-ўқувчилар ўзлари биладиган ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунадаги жадвални тўлдирадилар:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади:

1. Талаба-ўқувчиларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.
2. Талаба-ўқувчиларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.
3. Талаба-ўқувчиларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Натижа АКТ ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларни илмий фикрлашга, фанга нисбатан қизиқиш ортишига, билимларни чуқурлаштириш, дарс жараёнида фаолликни ошишига олиб келади, бу таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА АКТНИНГ АҲАМИЯТИ.

Ахмедова С.М., Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-ихтисослаштирилган мактаб – интернати физика фани ўқитувчиси

Инсоннинг яшашдан мақсади- жамиятдаги ўрнини юксалтиришдир. Бу юксалиш инсонни комиликка етаклайди. Комил инсон эса биз ҳозирда интилаётган фуқаролик жамиятининг асосидир. Комил инсонни вояга етказиш мураккаб, маъсулиятли ва ўз навбатида давомли жараён. Бунинг учун жамиятда ёш авлодни тарбиялашга муҳим эътибор қаратилмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам ҳар доим ёш авлод тарбияси асосан ўқитувчилар зиммасида қолади. Сир эмаски, аниқ фанларни ўзлаштириш ўқувчиларда бироз қийинчиликлар туғдиради.Ҳозирги замон таълимида педагогик технология ва АКТнинг қўлланилиши ниҳоятда кенг қамровлидир. Айниқса эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларда физика фанини ўқитишда педагогик технология ва АКТдан фойдаланиш самарадорликни оширишда ёрдам беради. Қуйида педагогик технологияларни физика дарси учун татбиқ этишнинг бир неча усуллари берилган.

ФИЗИК ДИКТАНТ.

Эшитиш имкояти чекланган ўқувчиларда нутқий чегараланиш билан бир қаторда тасаввур олами ҳам чекланган бўлади. Нутқни ривожлантириш мақсадида физика дарсларида ўқувчилардан физик диктант олиш, уларда физик атама ва тушунчаларни мустаҳкамлаш, талаффуздаги камчиликларини кузатиш ва тузатиш мавзуда учрайдиган ўзлаштириш қийин бўлган билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади.

Берилган , , лар ёрдамида ҳосил қилинг.

Ток кучи ёрдамида ўлчанади. Кучланиш ёрдамида ўлчанади.

Истеъмолчиларнинг   уланишида нинг ҳамма қисмларида ток кучи бир хил бўлади.   уланишда ток кучи айрим ўтказгичлардан ўтаётган токларнинг йиғиндисига тенг.

Эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларга физикани ўқитишда кўргазмалилик, ҳар бир жараённи тажрибалар асосида таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Бу қурилма ёрдамида истеъмолчиларнинг параллел ва кетма-кет уланганда сарф бўладиган ток кучи, кучланиш ва қуввати аниқланади. Занжирга Амперметр, Вольтметр уланган, махсус калит ёрдамида занжир кетма-кет уланади ва занжирдаги ток кучи, кучланиш ойнада акс этади. Ўқувчилар истеъмолчиларни кетма-кет улаганда қанча қувват сарф бўлишини кўришади, яна махсус калит ёрдамида занжирда истеъмолчиларни параллел улаш амалга оширилади ва ўз навбатида ўқувчилар истеъмолчилар параллел уланганда занжирда ток кучи, кучланиш ва электр қуввати сарфини кўриб ажратиб, фарқлашлари мумкин.

РАСМЛИ ТЕРМИН.

Эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш ва физик терминларни билиш самарасини оширишда расмли терминлардан фойдаланиш яхши натижа беради. Қуйидаги расмларда иккита физик термин акс этган. Бу проектор ёрдамида бутун синфга кўрсатилади. Бу технология ёрдамида биз ўқувчиларда физик жараёнларни, ҳар бир предмет, нарса ва ҳодисанинг номини билиш, тезкор фикрлаш, топқирлик, зийраклик қобилиятларини ривожлантирамиз. Физикани ўрганишда ранг-баранглик, кўргазмалилик таъминланади.

“ФИЗИК СКАНВОРД”

Нь	Т	А	И	Ш	Қ	И	Ш	Т
Ю	Т	Р	О	Ш	А	Н	Р	О
Н	О	И	З	И	Л	А	Т	И
М	Т	Е	З	Н	Б	К	И	Ш
Е	Т	Р	Л	А	Л	О	Ш	

Ўқувчида физика фанига қизиқиш ўйғотилган бўлса, у ҳолда ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишлари ва фикрлаш қобилияти учун имконият яратилади, улар билимларга, уни

эгаллаш йўлида турли қийинчиликларни енгишга интилади. Агар қизиқиш»жалб қилинмаган»

бўлса, мия орқали ахборот ўқувчиларнинг бутунлай бефарқлигида, ижобий эмоциялар уйғотмасдан изсиз ўтади. Шунинг учун бу усулда қизиқарли физикавий ўйин ўтказилади. Бундай қизиқарли ўйин сўраш, такрорлаш ва умумлаштириш дарсларида ўз самарасини беради. Ўқувчиларни тезкорликка, ҳамжиҳатликка, бир-бирини фикрини эшитишга ўргатади.

"**КЎПБУРЧАК**" усулидан фойдаланиш. Физика табиат ҳақидаги фандир. эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларда бу технологияни қўллаш уларда сезги анализаторларини кучайтиришга, фикрини баён этиш ва таҳлил қилишга ўргатиш, инсоннинг табиат ҳодисалари билан уйғунликда яшаши ҳақида янги-янги билимлар ҳосил қилиш мумкин. Ўқитувчи бунда дарс жараённи узвийлаштиришга, берилаётган фикрларни жамлашга эришади.

Кўпбурчак бурчакларидаги сўз ҳақида ўқувчилар тушунча беришади ва умумийликни аниқлаш натижасида энди у олтибурчак эмас, бешбурчак ҳосил бўлади, жараёндавом эттирилади, бунда берилаётган ҳар бир сўз учун олтибурчак томонларида

1) *Ҳис қилинг*- кўриш, ҳидлаш, ушлаб кўриш орқали шакли, ҳажмига таъриф бериш.
2) *Таҳлил қилинг*- ҳолати, молекуляр тузилиши
3) *Табиатда топинг*-табиатда қандай ҳолатда учратиш мумкин?
4) *Ўхшатинг*- нималарга ўхшаш хусусиятлари бор?
5) *Фойдасини топинг*- фойдали томонларини сананг
6) *Зарарини топинг*-табиатда зарарли томонларини сананг каби изоҳларни беришлари зарур. Изоҳ бериш жараёни ёрдамида ўқувчилар нутқини ривожлантиришга, физик ҳодисалар, катталикларни ўрганиш, фикрини баён этиш, бир-бирини тинглаш, фикрларни боғлашга эришиш мумкин.



Ўқувчилар фанни ўрганишда маъруза эшитиши ва формула ўрганиши мия фаолиятига секин кириб келади ва чуқур из қолдириши қийин. Инновацион технологиялар ёрдамида фаннинг ёритилиши эса мия фаолиятини тезлаштиришга, мантиқ юритишга ундайди ва бу ахборот хотирада узоқ сақланади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳасанов А, Асланова Ҳ – БВХТХҚТ ва МОИ Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш маркази ходимлари

Барчамизга маълумки, ахборот – уни узатиш, қайта йиғиш босқичлари ўзига хос хусусиятга эга. Яъни инсоннинг оддий кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларнинг асосини ҳам ахборот ташкил этади. Шунинг учун XX асрнинг иккинчи ярмида ахборот технологияларининг тараққий топиши, янги ахборот узатиш воситалари юзага келиши билан ахборотнинг янги қирралари пайдо бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан бири - таълимда ахборот тизимини жорий этишни жадаллаштиришдан иборатдир. Ҳозирги замон ўқувчи- ёшлар таълимини ахборот коммуникацион технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки улар келажакда эгаллайдиган касб-ҳунарларнинг деярли барчасида замонавий компьютер технологиялари жорий этилмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида таълим муассасаларининг моддий техник ва ахборот базасини мустаҳкамлаш

ҳамда педагогик технолгиялар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Ҳозирги кунда таълим соҳасини компьютерлаштириш икки йўналишда давом этмоқда: компьютер саводхонлигини таъминлаш ва ахборот коммуникация технологияларидан ўқув предметларини ўқитишда фойдаланиш. Компьютер саводхонлигини таъминлаш босқичида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари билан бирга ўқувчиларни ҳам ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланишларини ташкил этиш, яъни ахборот коммуникация технологияларидан ўз билим ва малакаларини кенгайтириш учун, таълим соҳасида қўлланилаётган янги тажрибалар, усулларни ўзлаштириш, интернет саҳифалари ва таълим порталларидан маълумотларни олиш учун компьютер саводхонлиги ўргатилса, ахборот коммуникация технологияларидан ўқув предметларини ўқитишда фойдаланиш босқичида ўқитувчилар ўз фанлари бўйича олиб борадиган машғулот ва дарсларни лойихалаштиришдан бошлаб, янги мавзуни тушунтириш, уларга кенгроқ маълумотлар бериш, ўқувчилар билимини баҳолаш, мавжуд таълим порталларидан олинган маълумотларни амалиётга жорий қилиш учун фойдаланиш, тақдимот асосида ўқув материалини ўқувчиларга етказиш ишларини амалга ошириш учун зарур. Ўқувчиларни фикрлашга мажбурлаш (ақлий ҳужум), видеофильмлар намойиши, кассеталарни тинглаш, компакт дисклар ва кўргазмали материаллардан самарали фойдаланиш, схематик (графиклар, диаграммалар, чизмалар) материаллардан фойдаланиб янги мавзуни баён қилиш жуда яхши самара беради. Педагогик тажрибаларга кўра ўқувчилар:

-эшитганларининг 5 фоизини;

-ўқиганларининг 10 фоизини;

-видео, расм, кўргазма кўрганда билимларининг 20 фоизини;

-тажрибани намойиш қилишганида кўрган ва эшитганларининг 30 фоизини;

-музокара орқалибирга таҳлил қилганларининг 40 фоизини;

-машқ қилганларида, яъни ўқиган, ёзган, гапирганларининг 50 фоизини;

-педагогик технологиялар асосида ўтилган мавзу топшириқларини мустақил бажариб, таҳлил этиб, ҳимоя қилганда билимларнинг 75 фоизини;

-мавзуга оид топшириқни бошидан охиригача ўзи бажариб, ишонч ҳосил қилганида маълумотларнинг 90 фоизини эсида сақлаб қолар экан.

Шу тажрибалар натижасидан маълум бўладики, саводхонлигини таъминлаш ва ахборот коммуникация технологияларидан ўқув предметларини ўқитишда мактабда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчиларга ахборот коммуникация технологиялари асосида сабоқ олиш муҳим аҳамият касб этади.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ахборот коммуникация технологияларидан, хусусан ўз фанлари бўйича билим ва малакаларини янада бойитишлари учун uz доменида 25000дан ортиқ саҳифалар мавжуд. Шулардан таълим соҳасига оид бўлган баъзи вебсайтлардан мисол келтирамиз.

www.uz – миллий ахборот қидирув тизими бўлиб**,** сайтда **uz** доменида фаолият кўрсатаётган вебсаҳифалар каталоги жойлашган.

ziyonet.uz – Республика жамоавий ахборот таълим портали ҳисобланади. Сайтда таълимга оидбарча йўналишдаги маълумотлар мавжуд.

kitob.uz – Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонасининг расмий вебсайти ҳисобланиб, унда MP 3 файлли китоблар, кўпгина китобларнинг электрон варианти жойлашган.

dtm.uz – Республика Давлат тест марказининг расмий вебсайти бўлиб, сайтда Республикамизнинг барча олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари асосида тест топширган абитуриентлар ўз балларини шахсий кодлари асосида билиб олишлари имконияти мавжуд.

lex.uz – Давлат интерактив хизматлар портали бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар маҳкамасининг барча қарорлари, шунингдек, мамлакатимиздаги барча соҳалардаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг электрон варианти саналари бўйича каталог тартибида жойлаштирилган.

uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг портали бўлиб, сайтда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари учун барча фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар, методик қўлланмалар, маъруза матнлари жойлаштирилган.

test.uzedu.uz – ушбу вебсайтда ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича тестларни бажариб, билимини синаши имконияти мавжуд.

avloniymtk.uz – А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти қошида ташкил этилган масофадан ўқитишни ривожлантириш марказининг вебсайти бўлиб, вебсайт орқали ҳар бир тингловчи 144 соатлик малакасини масофадан туриб ошириши мумкин.

gov.uz – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали бўлиб, сайтда республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар ўз аксини топган.

muz.uz – вебсайт орқали ҳар бир фойдаланувчи ўзига керакли миллий, жаҳон қўшиқ ва мусиқий асарларни, уларнинг муаллифларини алифбо тартиби бўйича топишлари, санъат соҳасидаги янгиликлардан воқиф бўлишлари мумкин.

taxi.uz – Республикамизнинг барча ҳудудларидаги маршрут - таксилар, транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари, уларнинг тўхташ жойлари тўғрисидаги маълумотлар шу вебсайтда ўз аксини топган.

Ҳар йили Республика миқёсида ташкил этилаётган вебсайтлар кўрик танловида вилоятимиздан 100дан ортиқ ўқувчи ва ўқитувчилар фаол иштирок этмоқдалар. Веб саҳифаларда фойдаланувчилар учун янги маълумотлар, ўқув материаллари, ўқув тажриба-лабораториялар, тажрибалар, ютуқлар, ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ва ижодига оид рефератлар, фанлар бўйича ўқув қўлланмалари, таълим соҳасига оид мақолалар, тезислар жойлаштирилади.

Таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишнинг мақсади – педагогик жараённи лойихалаштиришдан бошлаб, янгиликка, ижодга интилишга, ўқувчилар билимини назорат қилишга, шу билан бирга рейтинг тизимида бехосдан рўй бериши мумкин бўлган баъзи хатоликларнинг олдини олишга имкон беради.

РОЛЬ ИНТЕРНЕТА ПРИ ОБУЧЕНИИ ХИМИИ

Худойбердиев Ш – БухГУ, преподаватель кафедры химии
Сулаймонова З– БухГУ, преподаватель кафедры химии
Анваров Г – БухГУ, студент факультета естественных наук

Технологии компьютерного обучения обозначили кибернетический этап развития педагогической науки. При этом учебная информация может использоваться на всех этапах учебного познания. Компьютерные программы выполняют разные функции: учителя, рабочего инструмента, объекта обучения, досуговой (игровой) среды, средства коммуникации и Интернета.

Информатизация и широкая компьютеризация позволяют не только выбрать логику изложения учебной информации, но и дают возможность сочетать тексты и графическую информацию со звуком, видео- и кинофрагментами. Компьютерную технику, способную работать в таком режиме, объединяют термином “многовариантная среда»(мультимедиа).

Материал химии – благодатное для применения технологии мультимедиа. Мультимедиа не только обеспечивает множественные каналы подачи информации, но и создает условия, когда различные среды, обладающие каждая своим языком, дополняют друг друга. К тому же, сегодня образование должно носить не только внутрипредметный, но и межпредметный характер и быть направлено на межпредметную интеграцию знаний студентов и способов их действий. Это позволит изменить не только цели, содержание и предполагаемые результаты предметного обучения, но и сам характер деятельности субъектов- преподавателя и студента – в учебном процессе. На уроках информатики преподаватели вырабатывают у студентов особый стиль мышления при работе с компьютером, формируют у них информационную культуру, которая предполагает интеллектуальную свободу в выборе средств для решения поставленных задач. Прерогатива

курса информатики- научные основы информационной технологии, а формирование навыков использования информационной технологии в различных областях деятельности человека-задача всех других школьных предметов, в частности химии.

Следует обратить особое внимание на изучение обзорно-теоритических тем, для преподавания которых в школе, как правило, используется репродуктивный метод. Изучению таких разделов можно придать выраженный исследовательский характер, что в более полной мере раскроет их научный и мировозренческой потенциал. На смену иллюстративно-объяснительным методам обучения и механического усвоения фактологических знаний должно прийти умение самостоятельно приобретать новые знания, пользуясь современными методами представления и извлечения информации. В этом случае компьютер выступает не только орудием труда преподавателя в обучении школьников, но и орудием школьников в изучении предмета.

Применяя компьютер в школе, необходимо следить за тем, чтобы ученик не превратился в автомат, который умеет мыслить и работать только по предложенному ему кем-то алгоритму. Для решения этой проблемы необходимо наряду с информационными методами обучения применять и традиционные. Используя различные технологии обучения, можно приучить учащихся к разным способам восприятия материала: чтение страниц учебника, объяснение учителя, получение информации с экрана монитора и др. С другой стороны, обучающие и контролирующие программы должны предоставлять пользователю возможность построения своего собственного алгоритма действий, а не навязывать ему готовый, созданный программистом. Благодаря построению собственного алгоритма действий, ученик начинает систематизировать и применять имеющиеся у него знания к реальным условиям, что особенно важно для их осмысления.

Педагогическая целесообразность использования компьютера в учебном процессе определяется педагогическими целями, достижение которых возможно только с помощью компьютера, т.е. благодаря его возможностям.

На каждом конкретном уроке могут быть использованы определенные программы, исходя из целей урока, при этом функции учителя и компьютера различны. Программные средства для эффективного применения в учебном процессе должны соответствовать курсу химии профильного обучения, иметь высокую степень наглядности, простоту использования, способствовать формированию общеучебных и экспериментальных умений, обобщению и углублению знаний и т.д.

Использование программных средств в обучении химии дает возможность:

1) индивидуализировать и дифференцировать процесс обучения за счет возможности изучения с индивидуальной скоростью усвоения материала;

2) осуществлять контроль с обратной связью, с диагностикой ошибок и оценкой результатов учебной деятельности;

3) осуществлять самоконтроль и самокоррекцию;

4) осуществлять тренировку в процессе усвоения учебного материала и самоподготовку учащихся;

5) визуализировать учебную информацию с помошью наглядного представления на экране компьютера данного процесса, в том числе скрытого в реальном мире;

6) проводить лабораторные работы в условиях имитации в компьютерной программе реального опыта или эксперимента;

7) формировать культуру учебной деятельности обучаемого и обучающего.

На уроках информатики учащиеся изучают различные информационные технологии, представленные в пакете Microsoft Office. Для успешной работы возможно использование различных программных продуктов, например:

- Текстового редактор Microsoft Office: Microsoft Word, Microsoft Pover Point, Microsoft Excel, Microsoft Outlook;
- Графических редакторов Corel Draw, Paint;\
- Программ для Web- дизайна – Microsoft Front-Page, Macromedia Drean weaver ;

- Программы для версткий текста Microsoft Publisher;
- Программы для создания и обработки изображения Adobe Photoshob.

Каждый из них направлен на реализацию определенных целей

С помощью программы Power Point создаются презентации к урокам по различным темам, в которых содержатся иллюстративные материалы, занимательные задания, тесты. Применяются при изложении нового материала, применении знаний в стандартных и нестандартных ситуациях, обобщении и систематизации материала и на этапе контроля.

Программа Excel позволяет хранить и обрабатывать информация в виде электронных таблиц. С их помощью можно выполнять различные расчеты и строить разного рода диаграммы. Например, при изучении Периодической системы химических элементов Д. И. Менделеева на основе базы данных можно предложить учащимся составить диаграммы зависимости свойств элементов от величины заряда ядер атомов.

С помощью программы для верстки текста Microsoft Publisher и текстового редактора Microsoft Word составляются буклеты и путеводители к урокам, семинарам, внеклассным занятиям.

Программы для Web-дизайна Microsoft FrontPage и Macromedia Dream weaver позволяют создавать гипертекстовые документы, строить странички и сайты по разным учебным темам.

Использование перечисленных выше программных средств на уроках химии имеют следующие достоинства:

- значительный объем материала, охватывающий различные раздели курса школьной химии;
- улучшается наглядность подачи материала за счет цвета, звука и движения;
- наличие демонстраций тех химических опытов, которые опасны для здоровья детей (например, опыты с ядовитыми веществами);
- ускорение на 10-15% темпа урока за счет усиления эмоциональной составляющей;
- учащимися проявляют интерес к предмету и легко усваивают материал.

Большие возможности для личностного развития предоставляет использование Интернет в учебно-воспитательном процессе. Опыт работы показывает, что в условиях инновационного образовательного учреждения, располагающего соответствующей материальной базой, применение Internet-технологий открывает принципиально новые возможности для познавательной и творческой самореализации всех субъектов образовательного процесса.

Саморазвитию учителей разных предметов способствует самостоятельное освоение работы в Интернет, использование информации, размещенной в нем, на уроках и во внеурочной работе.

Учащиеся с высоким уровнем познавательной активности, используя Интернет, получают расширенной доступ к интересующей их информации. Они самостоятельно разыскивают сообщения о проведении конкурсов, олимпиад, конференций, тестирования и т. д.

Работа в Интернет позволяют и учебному заведению, и каждому участнику образовательного процесса успешно включиться в единое образовательное пространство.

«ПОЛИМЕРЛАРДА ИЗОМЕРИЯ ХОДИСАСИ»МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Худойназарова Г – Бухоро давлат университети к.ф.н., доценти, Қозоқова Д – 2 курс талабаси

Макромолекулаларнинг конфигурациясини характерлашда органик кимё курсидаги тушунчалардан фойдаланилади. Масалан, таркибида қўшбоғ бор полимерлар макромолекулаларида икки хил изомер кўринишидаги бўғинлар жойланиши мумкин: ***сис*** – (I) ва ***транс*** – (II).





I II

Бу бўғинларда қўшбоғ стереоизомерлар маркази ҳисобланади. Цис шаклдаги ўринбосарлар қўшбоғ текислигининг бир томонига жойлашса, транс шаклда текисликнинг иккала томонига жойлашади. Полимерларда бундан ташқари яна L; D оптик изомерлар ҳам мавжуд бўлади.

Маълумки, полимерланиш жараёнида $CH_2 = \overset{H}{\overset{|}{C}} - R$ типидаги мономерларнинг учламчи $= \overset{}{\underset{H}{\overset{|}{C}}} - R$ углерод атомлари, макромолекула занжирида ассиметрик бўлади, натижада мономер бўғинида оптик фаоллик намоён қилади ва ҳар хил оптик изомерларга эга бўлади: булардан бири L - изомер, у қутбланган нур текислигини чапга буради; (I), иккинчиси - D изомер, у нурнинг қутбланиш текислигини ўнгга буради: (II)

I II

Бир турдаги мономерлар, яъни стереоизомерлар (L ва D) бирикканда изотактик структура, стереоизомерлар макромолекула занжирида мунтазам навбатма- навбат алмашиб жойлашган бўлса, синдиотактик структура ҳосил бўлади. Полимерларни атактик структурасида эса L ва D стереоизомерлар тартибсиз жойлашган бўлади. Изотактик ва синдиотактик тузилишдаги полимерлар умумий ҳолда стереотартибли полимерлар деб юритилади. Стереотартибли полимерларда мономер бўғинлари»бошга –дум»кўриниша бирикади. Агар ўринбосарлар макромолекула асосий занжирида тартибли жойлашган бўлса бундай полимерлар *стереотартибли ёки фазовий изчил полимерлар* деб аталади. Ёки уларнинг ҳаммаси занжир текислигининг бир томонида жойлашади(бундай полимерлар изотактик дейилади)



- Ёки улар катъий занжир текислигининг бир ва бошқа томони бўйича жойлашади (бундай полимерлар **синдиотактик,** яъни»синдио»«усти-ости»**дейилади**)



Агар мос келадиган расм устига курсорни келтириб боссангиз стереорегуляр полимерларнинг VRML-моделини куриш мумкин.

Стереотартибли полимерлар CHX –CHY кўринишидаги мономер бўғинларидан ҳам ҳосил бўлади. Бу ҳолатда ҳам молекулалар»бошга - дум»кўринишида бирикади; улар дисиндиотактик конфигурацияли полимерлар.



Полимер макромолекулаларининг кимёвий тузилишини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг фазовий геометрик тузилишига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Макромолекулалар геометрик шаклига қараб ч***изиқсимон, тармоқланган, ва тўрси*мон** тузилишларда бўлади. Ўз навбатида тўрсимон полимерлар нарвонсимон, паркетсимон ва уч ўлчовли фазовий тузилишга эга бўлган полимерларга бўлинади.



Полимерларнинг фазовий тузилишини схематик тасвири
а) чизиқсимон; б) тармоқланган; с) нарвонсимон; д) паркетсимон;
е,ж) тўрсимон

Юқоридаги тасвирларни анимация кўринишда бериш орқали талабаларнинг полимерларанинг фазовий геометрик тузилишини тассавур қилиш имконияти яратилади. Макромолекула учун 3 та асосий турли кўринишдаги геометрик формалар ҳарактерли (расмдаги ҳар бир шарлар шартли равишда структура бўғинни ифодалайди).

- **Чизиқли** форма (масалан, паст босимдаги полиэтилен, вулканланмаган табиий каучук ва ҳоказо):



- **Тармоқланган** форма (юқори босимдаги полиэтилен ва бошқалар):



VRML-моделни кўриш учун курсорни расмга келтириб босилади.

- **Фазовий** (уч ўлчамли ёки тўрсимон) форма (масалан, вулканланган каучук):



VRML-модель – расмга курсорни келтириб босиш билан анимацияни кўриш мумкин.

Чизиқсимон полимерларда макромолекуланинг узунлиги, унинг кўндаланг ўлчамидан юз ва минг марта катта бўлади. Бундай полимерларга целлюлоза, табиий каучук, фиброин, казеин, шунингдек, кўпгина синтетик полимерлар киради.

Тармоқланган полимерларнинг макромолекулалари ён томондан шохчалаган кўринишга эга бўлади. Бундай полимерларга крахмал, гликоген, шунингдек, синтетик йўл

билан олинадиган кўпгина пайванд сополимерлар мисол бўла олади. Тўрсимон полимерларда макромолекулалар чокланган бўлади, бундай полимерлар эритувчиларда эримаслиги, иссиқлик таъсирида суюқ ҳолатга ўтмаслиги билан ажралиб туради. Вулканланган каучук, резина, дивинилсополимерлари фазовий тузилишдаги фенолформалдегид ва карбамидформалдегид смолалари бундай полимерларга мисол бўла олади.

Дарс жараёнида талабалар компютердаги анимацияларни кузатаётганда айрим қисмларга тушунмаса, уни такроран кўриши ва ўқитувчидан сўраб олиш имконияти яратилади. Талабаларнинг ўзлаштириш даражалари тест орқали таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, анъанавий дарс ўтилганга қараганда педагогик технологияларни қўллаш талабаларнинг билим даражаси 20% га ошганлиги аниқланди.

Демак, дарс ўтишда анимациялардан фойдаланиш дарснинг самарадорлигини оширади, талабаларнинг фанга бўлган қизиқиши ортади ва мавзу ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида тушунтириш орқали талабаларга бериладиган билим осон, аниқ ва тез етказилади.

ФОРМИРОВАНИЕ НАУЧНО – ЛОГИЧЕСКИХ МЫШЛЕНИЕ НА УРОКАХ ФИЗИКИ С ПОМОЩЬЮ ИНТЕРНЕТ

Навоийский государственный педагогический институт

Науч. рук. Стар. Преп. Тошпулатова Ш.,магистр 1- курса Хамроева С

Большинство студентов, не имеющих отношения к науке, думают, что физика - что-то очень сложное, недоступное для понимания нормальному человеку. Это не так, друзья мои, убедитесь сами! Перед вами учебный Интернет сайты к, в котором максимально доступным языком и буквально на нескольких страничках изложена суть важнейших разделов этой области знаний. Любознательный читатель найдет здесь много полезного. Надеемся, статья вам покажется интересным и в трудную минуту поможет блеснуть своими знаниями в компании друзей!

http://www.cacedu.unibel.by/partner/bspu/ -Активная физика. Изучение физики с помощью информационных технологий. Описывается оригинальное программное обеспечение для поддержки преподавания школьного курса физики. Содержание материала соответствует программам и учебникам для 6-11 классов. Доступны демо-версии, описание применения программно-методических комплексов в учебном процессе, публикации. http://www.convert-me.com/ru/
Интерактивный калькулятор для перевода физических величин Автоматизированный взаимный перевод разнообразных физических единиц измерения. Интерактивные калькуляторы для множества систем измерений, как широко используемых (метрическая, американская), так и довольно экзотических.http://www.infoline.ru/g23/5495/physics.htm. Анимация физических процессов. На сайте размещена анимационная графика (gif, avi) с изображением физических процессов и даны теоретические объяснения. Есть материал по механике, оптике, волнам и термодинамике.http://metodist.i1.ru
Сайт»Методист.Ру": Методика преподавания физики Попытка свести воедино информацию по методике преподавания физики. Большая подборка тезисов, статей, обзоры рефератов диссертаций и ссылок на другие сайты. http://physics.ioso.iip.net Лаборатория обучения физики и астрономии Лаборатория обучения физике и астрономии – ведущая лаборатория России по разработке дидактики и методики обучения этим предметам в средней школе. Сайт содержит информацию по разработкам в области методики преподавания физики и астрономии, созданным за последние годы в крупнейшем институте на территории бывшего СССР, занимающемся этой проблематикой.http://www.phizik.cjb.net
Физик представляет Сайт, посвященный курсу физики общеобразовательной школы. Создатель данного сайта ставит перед собой цель облегчить подготовку учащихся к

экзаменам по физике. http://www.irnet.ru/olezhka2/prosvet/wnuclear/wnuclear.shtml Ядерная физика и строение Солнца Научно-популярное пособие всего на 4 страницах. В развлекательной форме дается представление о современных проблемах ядерной физики. http://babuta.narod.ru/prog1.html Бесплатные обучающие программы по физике Набор ссылок на бесплатное программное обеспечение, а также на бесплатные демонстрационные версии. http://www.spin.nw.ru Физика для школ через Интернет Сайт создан преподавателями Санкт-Петербургского государственного университета. Содержит большое количество учебно-методических материалов, страницу ответов на вопросы пользователей. Предлагается услуга по размещению материалов. http://astronom-ntl.narod.ru Астрономия и физика на ладони Архив лекций по астрономии в формате zip по следующим темам: телескопы, элементы небесной сферы, законы Кеплера, галактики и др. Ответы на контрольные вопросы по астрономии. Возможность загрузки описаний лабораторных работ по физике. Подборка ссылок на астрономические институты, общества, каталоги и тласы.http://physicomp.lipetsk.ru Физика Электронный журнал по физике для школьников. Материалы для изучения физики: задачи, тесты, демонстрационные программы, справочники, игры. Сайт ориентирован прежде всего на школьников, увлекающихся изучением физики, а также абитуриентов, готовящихся к поступлению в вуз. http://www.edu.nsu.ru/noos/fizika/ Новосибирская общеобразовательная сеть. Раздел по физике Информация об обучающих программах. Методические рекомендации школьному преподаванию. Подборка статей по проблемам обучения физике. http://www.umsolver.com/rus/phys.htm ТПО»Северный очаг»Сайт одной из ведущих фирм в России в области создания компьютерных мультимедийных программ по физике и математике.

КОМПЬЮТЕРНАЯ ПОДДЕРЖКА УРОКОВ ФИЗИКИ

Тошпулатова Ш., методика проведения уроков физики с компьютерной поддержкой
Навоийский государственный педагогический институт, Халилов Ш., магистр 1-курса

Активное внедрение персональных компьютеров в учебный процесс позволяет учителю-предметнику обеспечить компьютерную поддержку урока. Она поможет учителю использовать в обучении современные технологии и технические средства. Не менее важна задача воспитания у школьников умений находить, преобразовывать и целесообразно использовать учебную информацию. Поэтому компьютер на уроке следует рассматривать как современное техническое средство обучения, помогающее учителю решать насущные задачи активизации познавательной деятельности и развития нестандартного, творческого мышления учащихся. На первом месте не должна стоять техническая сторона внедрения компьютеров. Хотя наличие мощного компьютера преподавателя с локальной сетью ученических ПК - необходимое условие реализации идеи. Большее значение имеет качество создаваемых (используемых) учебных программ, простота их включения в урок, возможность сочетания с другими средствами обучения. При этом важно понять, что никакое, даже самое совершенное средство, не может обеспечить всех задач обучения и тем более воспитания. Для каждого средства имеется своя педагогическая ниша.

Цель применения компьютера на уроке физики - создание дидактически активной среды, способствующей продуктивной познавательной деятельности в ходе усвоения нового и развитию мышления учащихся. В комплексе средств обучения компьютеру может принадлежать системно-образующая роль, что связано с его возможностями: мультимедийного представления учебного материала; моделирования изучаемых физических явлений в реальном времени; разнообразия видов учебной деятельности, реализуемых компьютерными программами; интерактивностью, т.е. немедленной реакцией на действия учащегося; наличием постоянной обратной связи между учеником и комьпютером, учащимся и учителем; обращением к удалённым источникам информации (в том числе - Internet). Использование специального мультипроектора позволяет проецировать изображение на большой экран не только с компьютера, но и видеомагнитофона,

видеокамеры. Что обеспечивает важное условие развивающего обучения, сформулированное известным психологом В.В. Давыдовым и Пиаже. При формировании научных понятий выход на теоретический уровень обобщения обеспечивается сочетанием коллективно-распределённой учебной деятельности с непосредственным взаимодействием учителя со всем классом.

Содержательно компьютерная поддержка урока физики может быть разнообразной: видео-, и анимационные фрагменты-демонстрации физических явлений, классических опытов, технических приложений (их источниками могут служить всевозможные компьютерные программы по физике, сайты Internet; но они не должны подменять живые демонстрации на уроке!);

- материалы для тестового контроля (итогового, рубежного и особенно - диагностического); комплекты задач для самостоятельной и групповой работы, с образцами решений и возможностью проверки результатов компьютерным экспериментом; проведение компьютерных лабораторных работ
- использование в лабораторных работ встроенных математических программ вычисления результатов, построения графиков, расчёта погрешностей;
- создание физических моделей технических устройств и процессов в специальных средах, развивающих интуитивное мышление;
- включение в ход урока исторического и справочного материала; наборы нестандартных, творческих заданий креативного типа, для которых ребятам требуется дополнительный поиск и преобразование информации;
- анимационные рисунки, логические схемы, интерактивные таблицы и т.п., используемые в ходе объяснения, закрепления, систематизации изучаемого. Творческим заданием для учащихся может быть создание

Наиболее простой и распространённой формой диагностического контроля являются тесты. Компьютерный вариант тестов реализуется просто, нет проблем в немедленном обсуждении ответов. Анимация позволяет предъявлять тесты по частям в необходимом темпе. В целом, психолого-педагогическая модель обучения на уроке с компьютерной поддержкой реализует личностно ориентированный подход, а основное внимание уделяется интерактивной деятельности учащихся. Пора понять, что компьютер пришёл в школу не на время, а навсегда. Впереди - информационное общество. В силу этого, целесообразное включение компьютера в урок является насущной потребностью современного образования и требует его освоения всеми учителями - предметниками. Испольванная нами серия компьютерных слайдов является дидактическим материалом в помощь учителю физики при изучении темы»Давление твёрдых тел, жидкостей и газов»(6 класс, 1-я четверть). Содержит четыре блока:»Презентация 1»- Давление твёрдых тел и закон Паскаля (20 кадров);»Презентация 2»- Давление в неподвижных жидкостях и газах (20 кадров);

BIOLOGIK TA’LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO`LLARI.

Jabborov B., Buxoro Davlat Universiteti biologiya kafedrasi katta o`qituvchisi

O`zbekiston Respublikasining mustaqillikka erishishi, jahon hamjamiyatiga yuz tutishi, rivojlangan mamlakatlar bilan iqtisodiy,ma’daniy-ma’rifiy, diplomatik aloqalarning yo`lga qo`yilishi barcha jabhalar kabi ta’lim tizimini isloh qilishni talab etdi.

Shu sababli O`zbekiston Respublikasining “Ta’lim to`g`risida»gi Qonunida ta’lim mamlakatimizning ijtimoiy taraqqiyot sohasida ustuvor yo`nalish deb e’lon qilingan.

Mazkur hujjatda mamlakatimizning ta’lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplari etib,jumladan quyidagilar qayd etilgan:

1.Ta’lim va tarbiyaning insonparvar,demokratik xarakterda ekanligi;
2.Ta’lim uzluksiz va izchilligi;
3.Ta’lim tizimining dunyoviy xarakterda ekanligi;
4.Davlat ta’lim standartlari doirasida ta’lim olishning hamma uchun ochiqligi’
5.Ta’lim dasturlarini tanlashga yagona va tabaqalashtirilgan yondashuv;

6.Bilimli bo`lish va iste'dodni rag`batlantirish;
7.Ta'lim tizimida davlat va jamoat rag`batlantirish;

Ma'lumki,mamlakatimizning ta'lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplari uzviy ravishda uzluksiz ta'lim tizimining faoliyat ko`rsatish prinsiplariga bevosita ta'sir ko`rsatadi va ularni taqazo etadi.

O`zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"da ta'lim tizimini tubdan isloh qilish,zamon talablari asosida qayta qurish, uzluksiz ta'lim tizimining turlari,ta'lim muassasalari oldidagi vazifalari Kadrlar tayyorlash Milliy modelini amaliyotga tadbiq etish masalalari bilan bir qatorda uzluksiz ta'lim tizimining quyidagi faoliyat ko`rsatish prinsiplari qayd etilgan.

1.Ta'limning ustuvorligi-ta'lim-tarbiya jarayoning samarali tashkil etilishi va rivojlantirilishi jamiyatimizdagi ustuvor yo`nalish sanaladi.Ta'limning ustuvorligi yuksak ma'naviyatli,bilimli va salohiyatli barkamol shaxsning shakllanishiga zamin yaratadi.

2.Ta'limning demokratlashuvi-ta'lim va tarbiyaning uslublarini tanlashda ta'lim - tarbiya jarayoni tashkil etish va boshqarishda ustoz va tahsil oluvchining hamkorligiga asoslanadi.

3.Ta'limning insonparvarlashuvi-inson qobiliyatlarini to`liq ochilishi va bilim olishga bo`lgan ehtiyojlarni qondirilishi,milliy va umuminsoniy qadriyatlar ustuvorligining ta'minlashuvi,inson,jamiyatning o`zaro uyg`unlashuviga asoslanadi.

4. Ta'limning ijtimoiylashuvi-ta'lim oluvchilarga ongli intizom,insoniy qadriyatlar tuyg`usi,yuksak ma'naviyat,estetik boy dunyoqarash,mantiqiy va ijodiy fikrlarni tarkib toptirish nazarda tutiladi.

5. Ta'limning milliy yo`naltirilganligi- ta'limning milliy tariximiz,xalq an'analari va urf-odatlari bilan uzviy uyg`unligi, O`zbekiston xalqlarining madaniyatini saqlab qolish va boyitish, ta'limni milliy taraqqiyotning o`ta muhim omili sifatida e'tirof etish,boshqa xalqlarning tarixi va madaniyatini hurmatlashni ta'minlaydi.

6. Ta'lim va tarbiyaning uzviy bog`liqligi - har tomonlama kamol topgan insonni shakllantirish.

7.Iqtidorli yoshlarni aniqlash-ta'lim jarayonini diferensiallashtirish va iqtidorli yoshlarga ta'limning eng yuqori darajasida, izchil ravishda fundamental va maxsus bilim olishlari uchun shart-sharoitlar yaratishni ko`zda tutadi.

Ta'lim - tarbiya jarayonida qo`yilgan buyurtmalarni bajarish uchun avvalo ta'lim jarayonini diferensiallashtirish va individuallashtirish, pedogogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratizatsiyalash, ta'lim dasturlarini tanlashga yagona va tabaqalashtirilgan yondashuvni talab etadi.

Pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratizatsiyalash prinsipi o`zida falsafa, psixologiya va pedogogikaning insonparvarlik g`oyalarini mujassamlashtiradi. Ushbu prinsip diqqat markazida o`z imkoniyatlarini maksimal darajada amaliyotga qo`llaydigan ijodiy va ijtimoiy faol,turli hayotiy vazifalarni anglab,tahlil qiladigan mo`ljalni ongli ravishda mustaqil, to`g`ri ola oladigan shaxsni shakllantirish g`oyasi turadi.

Pedagogik munosabatlarni insonparvarlashtirish va demokratizatsiyalash prinsipi orqali pedagogik jarayonda hamkorlik, ijod qilish va o`z-o`zini rivojlantirishga ijtimoiy va psixologik muhit yaratadi.Mazkur jarayonda o`quvchi o`z o`quv faoliyatining sub'yekti sanaladi va o`qituvchi bilan yagona ta'lim jarayonining 2 subyekti hamkorlikda o`quv - tarbiyaviy vazifalarni hal etadi.

Pedagogning o`quvchi shaxsiga bo`lgan insonparvarlashtirilgan munosabati bolalarni sevish,ularning taqdiri uchun qayg`urishi bolalarga bo`lgan ishonchining yuqoriligi, o`zaro hamkorlikning vujudga kelishi bolalar faoliyatida uchraydigan kamchiliklarga chidamli bo`lish,ularni bartaraf etishning eng samarali yo`llarini qo`llashda namoyon qiladi.

Ta'lim-tarbiya jarayonini demokratizatsiyalash o`qituvchi va o`quvchilarning fuqarolik huquqlarini tenglashtirish, o`quvchilarga tanlash huquqining berilishi,ular bu borada xatoga yo`l qo`yishi mumkinligi, O`zbekiston Respublika Konstitutsiyasi va "Bola huquqlari "konvensiyasiga amal qilinishini talab etadi.

Respublikamizda rivojlangan huquqiy demokratik davlat va adolatli fuqarolik jamiyatni qurish tamoyillari uzluksiz ta’lim-tarbiya jarayonini demokratsizatsiyalash va insonparvarlashtirishni talab etadi.

Demokratizatsiyalash ta’lim tizimidagi formalizm, buyrokrotizmni yo`qotib, pedogogik hamkorlikni yuzaga keltiradi.

Hamkorlik-tahsil oluvchilarning o`quv-bilish faoliyatini takomillashtirish, ularni ma’naviy, axloqiy, intellektual jihatdan rivojlantirish, bu jarayonni bir-biriga uyg`unlashtirish faoliyatining natijasi va borishini hamjihatlikda tahlil qilish imkonini beradi.

Demokratizatsiyalashtirilgan jarayonni insonparvarlashtirish o`quv-tarbiyaviy jarayonining maqsadini amalga oshirish, tahsil oluvchilarning o`quv bilish jarayonining xarakterini o`zgartiradi va psixologik muhit yaratadi.

Yangi yondashuvning asosiy mohiyati,an’anaviy ta’limda ko`zda tutilgan natijalarni bermayotgan majburan o`qitishdan voz kechish va uning o`rniga:

__ zamonaviy pedogogik va axborot texnologiyalaridan foydalanish orqali ta’lim jarayoni samarali tashkil etish;

__ mustaqil ish va mustaqil faoliyatni amalga oshirish;

__ tegishli talablarni jamoa orqali qo`llashni amalga oshirish muhim sanaladi.

Mazkur prinsiplar asosida ta’lim jarayonini tashkil etishda :

__ o`rta saviyali o`quvchiga nisbatan mo`ljal olishdan voz kechish;

__ har bir shaxsning eng yaxshi sifatlarini aniqlash va uni rivojlantirish qobiliyati,yo`nalishi,sifatlari aqliy jarayoninig xususiyatlarini aniqlash;

__ har bir o`quvchining ehtiyoji,qiziqishi,iqtidori va imkoniyatiga yarasha o`quv topshiriqlarini tayyorlash;

__ ta’lim-tarbiya jarayonlarida shaxsning o`ziga xos xususiyatlarini hisobga olish lozim bo`ladi.

__ Ta’limni diferensiallashtirish va individuallashtirish o`qitish jarayonida individual va guruhli yondashish prinsipini talab etadi.

__ O`qitish prinsiplari negizida o`qitish qonunlari va qonunyatlarini o`qitish prinsipining nazariy asoslarini ishlab chiqishga va pedagogik faoliyat amaliyotiga qo`llashga zamin tayyorlaydi.

__O`qitish prinsiplari avvalo muayyan davlatning ta’lim sohasidagi davlat siyosatining asosiy prinsiplari, uzluksiz ta’lim tizimining faoliyat ko`rsatish prinsiplari, so`ngra ta’lim tizimining faoliyat ko`rsatish prinsiplari, so`ngra ta’lim tizimi oldidagi buyurtmalariga mos kelishi, shuningdek, jamiyatda sodir bo`layoygan ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, ma’naviy ma’rifiy o`zgarishlarni o`zida aks etturib, yangilanib, o`zgarib, rivojlanib, o`zgacha ahamiyat kasb etadigan jarayondir.

KIMYO FANINI O`QITISHDA AXBOROT – KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI

Avezov H.T. – Buxoro VXTXQT va MOI tabiiy va aniq fanlar kafedrasi mudiri.
Latipova M.J. – Buxoro tuman 4 – umumta’lim maktabining oliy toifali kimyo – biologiya fani o`qituvchisi.

Prezidentimiz I.I.Karimov ta’kidlaganidek, “Kelajakda O`zbekiston yuksak darajada taraqqiy etgan iqtisodi bilangina emas, balki bilimdon, ma’naviy jihatdan yetuk farzandlari bilan ham jahonni qoyil qilishi lozim”.Hozirgi kunda ta’lim jarayonida interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o`quv jarayonida qo`llashga bo`lgan e’tibor kundan –kunga kuchayib bormoqda. Buning sabablaridan biri, shu vaqtgacha an’anaviy ta’limda o`quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o`rgatilgan bo`lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini chuqur o`zlashtirishlariga, mustaqil o`rganib tahlil qilishlariga, hatto ijodiy xulosalar chiqarishlariga ham o`rgatadi. O`qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo`naltiruvchilik vazifasini bajaradi.

Zamonaviy ta’limni amalga oshirishda interfaol metodlardan foydalanish katta ahamiyatga ega. O`qitish jarayoni, agar bir xil davom etaversa, o`quvchining eshitish qobiliyati

susayadi va charchaydi. Bu holat o`quvchini loqayd eshituvchiga aylantiradi, natijada samaradorlik shuncha kamaya boradi, mashg`ulotlarning ham sifati pasayadi.

Shuning uchun mashg`ulotlarni ilg`or pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish o`quvchilar uchun qulaylik tug`diradi, ularni passiv tinglovchidan faol ishtirokchiga aylantiradi.

Kimyoni o`qitishda AKT

Axborot-kommunikastiya texnologiyalari (AKT) biznes, iqtisodiyot, sayohat, nashriyot, ta'limning asosiy sohalarida tubdan o`zgarishlarga olib keldi. AKT globallashuvga ta'sir etadigan, butun dunyoni yagona yaxlit qiladigan kuch va imkoniyatlarga ega. AKT ning o`quv jarayoniga integrastiyasi yangi imkoniyatlar yaratadi hamda o`qituvchilar oldida yangi vazifalar qo`yadi.

Biz bo`r va sinf taxtasidan foydalanish usulini proyektorlar, yanada dinamik texnologiyalar, axborotni izlash va u bilan ishlash, axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga alamashtirishimiz kerak.

Kimyo fan sifatida yuqori darajadagi abstrakt mazmunga ega. Kimyoda biz kimyoviy voqealarni»makro-darajada»kuzatamiz,»mikro-darajada»talqin qilamiz va tushuntiramiz, so`ngra»ramziy darajada»(formula, tenglama, grafik va b. asosida) taqdim etamiz.

Haqiqatan ham o`quvchi uchun bilimlar va mazmunning uch darajasini muvofiqlashtirish juda murakkab. Bugungi kunda veb va interaktiv o`qitish, animatsiya, modellashtirish va b. dan foydalanish imkonini berayotgan AKT sohasida erishilgan taraqqiyot kimyo fanini tushunishni yengillashtirishda muhim ahamiyatga ega. Biz Internet resurslaridan onlayn rejimida ochiq axborotlardan foydalanishimiz zarur. O`quvchilarga grafik tasvirlar ko`rsatilishi ularning molekulalar tuzilishini uch o`lchamli shaklda ko`rishlariga, xuddi shunday laboratoriya eksperimentlarini modellashtirish o`quvchilarimizga real maktab laboratoriyasida o`tkazilishi muammo bo`ladigan murakkab eksperimentlarni boshqarish imkonini beradi.

Biz o`qituvchilar va o`quvchilar o`rtasidagi kim`yo fanining dunyoviy muammolari bilan bog`liq bo`lgan munozara yig`ilishlardagi aloqalarga ko`maklashish maqsadida AKT dan foydalanishimiz, shuningdek, o`quvchilarning fikrlash qobiliyati va ushbu fanning yanada rivojlanishini ta'minlashimiz zarur.

Akt o`quvchilarga axborotni vizual qabul qilish imkonini beradi.

Kimyo fanida murakkab atom (molekulyar) jarayonlarni abstraksiya orqali tushunishga harakat qilishimizga misollar ko`p. Masalan, elektron bulut va elektronlar qo`zg`alishi, izomeriya strukturasi, molekulyar konfiguratsiya doirasidagi o`zgarishlar, gibrid orbitallar va h.k., ro`yxatni davom ettirish mumkin.

Ilmiy tadqiqotlar shuni ko`rsatadiki, animatsiya va modellashtirish harakatning molekulyar shakllarining konseptual tushunchalarini sezilarli darajada yaxshilaydi. Dasturiy ta'minotning molekulyar vizualizatsiyasi dinamik tasvir tushunchasini yaratadi, bu esa boshqa yo`l bilan yaratish qiyin bo`lgan jarayonlar konseptuallashining kuchli va muhim ko`magini ta'minlaydi. Shunday qilib, vizual ko`nikmalar va fikrlash sezilarli darajada animatsiyalar va dasturiy ta'minotni modellashtirish bilan bog`liq bo`lishi mumkin.

Animatsiya va simulyatsiya

Kompyuter **animatsiyasi** va modellashtirish kimyoviy tuzilmalar va jarayonlarni tushunish uchun universal asbob bo`ladi. Animatsiyalarda ketma-ket diagrammalar, ramziy tasvirlar, strukturalar hamda kimyoviy reakstiyalar paytida sodir bo`ladigan turli jarayonlar namoyish etiladi.

Simulyatsiya kompleks vaziyatlarni qabul qilish uchun ajoyib vaziyat yaratadi hamda dasturiy ta'minot yordamida tasvirni va reakstiyaning ma'lum parametrlarini o`zgartirish imkonini beradi.

Animatsiyaning bir necha misollari (o`qitish simulyatsiyasi):

- laboratoriyalarda virtual eksperimentlarni tashkil qilish kamroq vaqt talab qilib, yaxshi natijalarga erishishda yordam beradi;
- kimyoviy reaksiyalar jarayonlarini ishlaydi;
- atomlardan molekulalar quradi;
- titrlash bilan bog`liq eksperimentlarni simulyatsiya qiladi.

Boshida ta’kidlaganimizdek, kimyo o`qituvchilarining asosiy maqsadi o`quvchilarning kimyoni ko`rinadigan (makro), molekulyar, atom (mikro) va ramziy darajalarda tushunishini osonlashtirishdan iborat.

Shuning uchun animatsiyadan foydalanish o`quvchilarning ushbu fanni tushunishini yengillashtiradi, ko`pchilik kimyoviy jarayonlarni ko`rinadigan qilib ifodalaydi.

Virtual kimyoviy laboratoriya

Uning dasturi (animatsiya) tenglama va boshqalar shaklida foydalanish mumkin bo`lgan reaksiyalar bazasi va laboratoriya jihozlari hamda kimyoviy moddalar to`plamiga ega.

Virtual laboratoriya dasturi turli moddalar bilan eksperimentlarni vizual o`tkazish imkonini beradi.

Turli dasturlar – virtual laboratoriyaning dasturiy ta’minoti qo`shimcha o`ziga xos xususiyatlarga ega.

Kimyodan Akt resurslari:

Virtual laboratoriya bo`yicha dasturiy ta’minot – bu o`quvchilar tajriba o`tkazishlari uchun kerak bo`lgan kimyoviy moddalar va ularning miqdori, idish va boshqa jihozlarni tanlash imkonini beradigan dasturdir.

Bunday dasturlarni yuqori darajadagi moslashuvchanlik va nazorat darajasi tavsiflaydi.

Virtual laboratoriya yana bir qancha afzalliklarga ega, ular yordamida o`qituvchi va o`quvchilar qo`yilgan maqsadlar, jihozlar, kimyoviy moddalar va reaksiyalar hamda sharoitlar mavjudligini hisobga olgan holda eng samarali eksperimentlarni tanlashlari mumkin. Bunday rejalashtirish mustaqil o`rganish orqali potensial qobiliyatlarni rivojlantiradi. Aslida virtual eksperimentlar – bu amalda o`tkaziladigan laboratoriya mashg`ulotlariga qo`shimcha mashg`ulotlardir.

AKT dasturlaridan foydalangan holda ishtirokchilarni baholash bu bilimlarni, o`qitilayotgan materialni va Internet hamda CD ROM kabi texnologiyalardan foydalanish ko`nikmasini baholashdir.

U o`z ichiga bir qator faoliyatni mujassamlashtirgan:

- o`qituvchi savollarni elektron pochta yoki xat, axborot shaklida jo`natishi mumkin;
- o`quvchi ushbu savollarga javob berishi yoki masalalar yechishi va o`qituvchiga tekshirish uchun Internet orqali taqdim etishi hamda tez javob olishi mumkin;
- onlayn tizimida test olish joriy qilingan bo`lishi mumkin;
- unda ishtirokchi avtomatik baholashning tizimi orqali baholanadi;
- o`quvchilarni baholash uchun test olishning turli variantlari ishlab chiqilishi mumkin;
- interfaol vazifalar baholashning eng samarali variantlaridan bo`lishi mumkin;
- savolnoma shaklidagi test ishtirokchilarning tayyorgarlik darajasini aniqlovchi usullardan biri bo`lishi mumkin.

Xulosa qilib aytiladigan bo`lsa, axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o`quvchilarning kimyo fanini o`zlashtirishlarini osonlashtirishga hamda bilimlarini chuqurlashtirishga muhim omil bo`lib xizmat qiladi.

Ш.ХОЛМИРЗАЕВ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ЎРНИ.

Мамаюсупова С.М.-Жиззах Давлат Педагогика институти ўқитувчиси

Ер юзидаги ҳар бир миллат ўзига хос бўлган анъана ва қадриятлари билан алоҳида ажралиб туради. Табиийки, ҳар қайси халқнинг бебаҳо бойлиги бўлган бундай қадрият ва анъаналар бир-икки йилда пайдо бўлиб қолмаган. Инсониятнинг неча минг йиллик тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, бирор-бир нарсанинг анъанага, айниқса, қадриятга айланиши узоқ даврни талаб қилади. Йиллар, асрлар давомида турли қараш, одат тушунча, тажрибалар замонлар, авлодлар синовидан ўтади, сайқал топиб боради. Агар улар кейинги авлодлар томонидан ҳам қабул қилинса, давом эттирилиб,урф-одатга айланса демакки, энди уларни

миллий анъана ва қадрият деб аташ мумкин. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи,маънавияти ҳамда маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўзбек халқининг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган миллий қадриятлари ҳам узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Жумладан, ўзи туғилиб ўсган она юртига эҳтиром, ўз тақдирини мана шу юртсиз тасаввур қила олмаслик, ўтган аждодлар хотирасида садоқат, катталарга доимий ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаё ва андишани сақлаш, турмушда покликка алоҳида эътибор бериш сингари фазилатлар бизнинг миллий қадриятларимиз асосини ташкил этади.

Қадриятлар муайян шароитда шаклланади. Шунга кўра, бир миллат қадриятларининг бошқасиникидан фарқ қилиши ўша қадриятларнинг бошқасиникидан фарқ қилиши ўша қадриятнинг шаклланиш шароити билан изоҳланади. Юқорида биз ўзбек миллатига хос бўлган айрим айрим қадриятларини санаб ўтдик. Ўша қадриятлардан бири-кишиларимизнинг ўзи туғилиб ўсган уйи, маҳалласи, қишлоғи ёхуд шаҳрига чуқур эҳтиром билан қараши, ҳаётини шу масканларсиз тасаввур қила олмаслигини таниқли адиб Шукур Холмирзаев ижодида кўриб чиқишимиз мумкин. Ёзувчи Ш.Холмирзаев ўзининг дастлабки ҳикояларидан бири “Милтиқ отилди”да икки воҳа одамларига хос бўлган миллий анъаналарни жуда ишонарли тарзда тасвирлашга эришган. Асар қаҳрамонлари-уруш қатнашчиларидан бири фарғоналик, иккинчиси сурхондарёлик тинч қурилиш йилларида, туманлардан бирига райком котиби бўлиб ишга келади. Сурхондарёлик жангчи дўстини ўз қишлоғида кўриб қолар экан, ҳаёжонини ўз хотинига шундай ҳикоя қилади.

“Биласанми, мен шу одам билан урушда бирга бўлган эдим.Мен уни жанг майдонидан олиб чиққан эдим.Оёғим шунда кетган. Ҳа-хотинининг ҳайрон кўзларига қараб давом этди: - Кейин госпиталдаям бирга ётганмиз.Гурунглашган ҳам эдик. У фарғоналик эканлигини айтиб эди.Уруш тамом бўлса, борди-келди қиламиз, деб эдик. Мен тўқайга, овга опчиқаман, борди-келди қиламиз, деб эдик. Мен тўқайга, овга опчиқаман, деган эдим.У Фарғонага обориб, ош қилиб бераман, деган эди. Кампир, биз ош қилишни билмаймиз, Самад бултур Тошкентдан келганда қилган ош эсингдами? Шундай ош қилади улар ”.

Бу парчада Сурхондарё ва Фарғонада яшовчи кишиларнинг турмуш тарзи, анъаналари, характеридаги ўзига хослик ўз ифодасини топган.Сурхон воҳасида тоғлиқ ҳудудларнинг кўплиги ва тоғда ов қилиш учун турли хил парранда ҳамда ҳайвонларнинг мўл бўлиши воҳа аҳлининг ҳаётида ов муҳим ўрин тутишини таъминлаган. Демак, ов воҳа одамлари тирикчилик манбаи, айни пайтда дам олишнинг ҳам ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Азиз меҳмонни овга таклиф этиш ўзига хос анъана ёки урф-одатга айланган. Сурхондарёликлар ўртасида бундай анъана мавжудлиги ёзувчининг бошқа ҳикояларида ҳам ўз ифодасини топган.(“Соғинч”). Ош қилиш эса Фарғона водийсида дам олишнинг энг юксак намунаси сифатида анъанавийлашган. Азиз меҳмонлар фарғонача ош билан кузатилмаса, мезбоннинг кўнгли жойига тушмайди.

Ёзувчи бир мақоласида шундай деб ёзган эди: “Биз Ер фарзандларимиз, табиат бойликларига эгамиз. Мундайроқ қилиб айтсам, биз-Ернинг зарраларимиз, табиат эса, у жонлими, жонсизми, бизга қондош, қардошдир. Лекин аср-асрлар ўтиб, биз, Ер фарзандлари, ундан узоқлашаётганимизни пайқаб қолдикми? Ҳа. Унга яқин бўлиш, уни ардоқлаш ғами бошимизга тушдими? Ҳа.

Хўш, инсоният асрлар давомида яратган маданий-маънавий бойликлар-чи Уларга ҳам муносабатларимиз ўзгармадими?...

Фольклор анъаналари, эскириб кетган шартли приёмларга... қизиқишни ўйлаганда, уни... умуман ўтмишга, барча маданий бойликларга қизиқиш боғлаш истагингиз йўқми?

Мен шуни истайман ва бунда “чуқур бир қонуният бўлса керак ” дейман”.

Демак, Шукур Холмирзаев бугунги кун ўзбек адабиётининг ўзига хос услубга эга бўлган ижодкоридир. Унинг ҳикояларидаги қаҳрамонлар маънавий оламининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Қаҳрамонларининг характерларида ўзбекона жиҳатлар умуинсонийлик даражасига кўтарилганлиги билан таҳсинга лойиқдир. Чунки, қаҳрамонларининг маънавий оламига алоҳида маъно ва жозиба бағишланган ўша жиҳатлар,

бугунги кунимиз даврмиз ҳодисалари билан, яъни замондошларимизнинг турмуш-тарзи, қувончу ташвишлари, қолаверса, шаклланаётган янги ҳаёт мезонлари билан бевосита боғлиқдир. Шукур Холмирзаев бу хислатларни усталик билан ўз қаҳрамонлари маънавий оламида тасвирлар экан, албатта, бу ёзувчининг ўзига хос маҳорати, қолаверса XX аср ўзбек адабиётининг катта ютуғи ҳамдир. Юқоридагилардан айёнки, миллий қадрият ва анъаналар ёзувчи ижодида бирламчи аҳамиятга эга экан. У маълум бир шароитда шаклланган кишиларнинг ўй-кечинмалари, расм-русм, улар яшаган юртнинг табиати, иқлими, жуғрофий муҳитини тасвирлаш орқали очади. Биз бунга Шукур Холмирзаев ўз ҳикояларида тўла даражада эришганлигини кўрамиз.

BIOLOGIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Xasanova sh.Navoiy VXTXQTMOI o`qituvchisi

Uzluksiz ta’lim tizimi oldidagi muhim vazifalardan biri, o`quvchilarni o`quv fanlaridan DTS bilan me’yorlangan bilim, ko`nikma va malakalar bilan qurollantirish barobarida, ularning barkamolligini ta’minlaydigan mustaqil va ijodiy fikr yuritish ko`nikmalarini tarkib toptirish orqali tadqiqotchilik faoliyatiga yo`llash sanaladi. O`qituvchilar nafaqat o`zlari ijodiy yondashuv balki o`quvchilarni ham tadqiqot faoliyatiga o`rgatishlari zarur.

Tadqiqotchilik yondashuvi ta‘lim jarayonida qadim zamonlardan, insoniyatda bilim olishga ehtiyoj tug`ilgan davrlardanoq mavjud bo`lgan. O`qitishning tadqiqot usuli pedagogik g`oyaning o`sib borishi jarayonida rivojlanib kelgan Tadqiqotchilik texnologiyalarining asosiy maqsadi – uzluksiz ta’lim tizimining barcha bosqichlarida ta’lim oluvchilarni fan sohalari bo`yicha ijodiy va mustaqil bilimlarni izlash va egallashga, o`zicha yoki o`qituvchining ko`magida yangilik ochishga yo`llashdir.

O`quvchilarni tadqiqotchilik faoliyati bir necha texnologik yo`nalishlarni o`z ichiga oladigan integrativ texnologiyalardan foydalanish jarayonida ham shakllanadi

Biologiya darsliklarida tasvir va diagrammalar ko`p. Odam tanasining uch o`lchamda tasvirlangan va har bir organ faoliyati aks ettirilgan virtual taqdimotini tasavvur qiling. Bunday taqdimotlarni o`quvchilar uzoq vaqt esda saqlaydilar. Hujayraning tuzilishini darslikdan o`qib tushunish bir muncha murakkab. Ko`rgazmali tasvirlardan foydalanilsa, tasavvurlar yanada yorqin va tushunarli bo`ladi.

Malaka oshirish instituti biologiya kursi mashg`ulotlari davomida 9-sinfda biologiya (Sitologiya va genetika asoslari) fanidan “**Hujayra va tirik organizmlarning kimyoviy tarkibi**»mavzusini elektron darslik va elektron doskadan foydalanib o`quvchilarni mustaqil ishlarini tashkil etish tajribasini havola etamiz. Bunda o`qituvchi mavzu to`g`risida qisqacha tushuncha berib, tinglovchilar bilan savol-javoblar tashkil etilgach, ular mavzu mohiyatini tushunib olgach mustaqil topshiriqlarni elektron doskada bajarishga yo`naltiriladi.

Mustaqil topshiriqlar quyidagilardan iborat.

1-topshiriq. Quyidagi elementlarni organizmda uchrashi va bajaradigan vazifasiga ko`ra o`z o`rniga joylashtirib jadvalni to`ldiring.

1-topshiriq.

T/r	Element nomi	Organizmda uchrashi	Bajaradigan vazifasi
1		Qonda-gemoglobin tarkibida uchraydi	O_2 ni o`pkadan hujayralarga olib boradi
2		B_{12} vitamini tarkibiy qismi	Qon hosil bo`lishida ishtirok etadi
3		Fermentlar tarkibiga kiradi	Jinsiy qormonlar faolligini oshiradi
4		Suyak to`qimasini hosil qiladi	Suyakning mustahkamligini ta’minlaydi

5		Suyak to`qimasini hosil qiladi	Suyakning mustahkamligini ta’minlaydi
6		Qalqonsimon bez qormoni tarkibiga kiradi	Yetishmasa buqoq kasalligi kelib chiqadi
7		Hujayra membranasi tarkibiga kiradi	Hujayraga moddalar o`tkazilishini ta’minlaydi
8		Hujayra membranasi tarkibiga kiradi	Hujayraga moddalar o`tkazilishini ta’minlaydi

1-topshiriq javoblari

T/r	**Element nomi**	**Organizmda uchrashi**	**Bajaradigan vazifasi**
1	**Fe**	Qonda-gemoglobin tarkibida uchraydi	O_2 ni o`pkadan hujayralarga olib boradi
2	**Co**	B_{12} vitamini tarkibiy qismi	Qon hosil bo`lishida ishtirok etadi
3	**Zn**	Fermentlar tarkibiga kiradi	Jinsiy qormonlar faolligini oshiradi
4	**Ca**	Suyak to`qimasini hosil qiladi	Suyakning mustahkamligini ta’minlaydi
5	**P**	Suyak to`qimasini hosil qiladi	Suyakning mustahkamligini ta’minlaydi
6	**I**	Qalqonsimon bez qormoni tarkibiga kiradi	Yetishmasa buqoq kasalligi kelib chiqadi
7	**Na,K**	Hujayra membranasi tarkibiga kiradi	Hujayraga moddalar o`tkazilishini ta’minlaydi
8	**Cl**	Hujayra membranasi tarkibiga kiradi	Hujayraga moddalar o`tkazilishini ta’minlaydi

2-topshiriq. Quyidagi elementlardan makro va mikroelementlarni ajratib yozing
1.C, 2.Cu, 3.O, 4.H,5. N,6. Mo, 7.Zh,8.F, 9.Mg, 10.Mn,11.P, 12.Cr, 13.S, 14.K, 15.Co, 16.B,17. Ca,18. Cl, 19.Fe, 20.I, 21.Mo, 22.Na.
2-topshiriq javoblari.
Makroelementlar: C, O, H, N,Na, Ca, Mg, K,S, Cl, P, Fe
Mikroelementlar: Zn, Cu, I, Mn, F, Co, Mo, Cr, B

Tinglovchi malaka oshirish kursini tugallab ketgach o`z maktabi o`quvchilari bilan shunday darslarni tashkil etadi.

Ana shunday darslar tashkil etilganda pedagogik va axborot texnologiyalaridan integrativ asosda foydalanish imkoniyati yaratiladi.

Ta’lim tizimining barcha turlarida elektron darslik va elektron doskadan foydalanib mustaqil ishlar tashkil etilgan darslar jarayonida o`quvchilarda axborot texnologiyalaridan foydalanish ko`nikmalari rivojlanadi, o`z-o`ziga ishonch hissi ortadi, fanni o`rganishga qiziqish kuchayadi, mustaqil ishlash va fikrlash qobiliyati shakllanadi, o`quvchilarni kelajakdagi faoliyatiga tayyorlashga ko`mak beradi.

O`qituvchilarda esa kasbiy o`sishi uchun ularga o`z fanlari bo`yicha o`qitishning yangi usullarini kiritishga, yangi yondashuvlarni qo`llashga, g`oyalarni ro`yobga chiqarish va yangi ko`nikmalarini rivojlantirishga imkoniyat yaratadi, darslarga tayyorgarlik jarayonini qisqartiradi.

Xulosa qilib aytganda bu jarayonda o`quvchilarga bilimlar tayyor holda uzatilmaydi, balki muammo tarzida qo`yiladi, o`quvchilar qo`yilgan muammoni o`zlari mustaqil yechadilar. Bilimlar o`qitishning maqsadi bo`lmay, muammoni hal etish vositasiga aylanadi. O`quvchilar yangi bilimlarning o`zlari uchun qanchalik zarur ekanini his qiladilar (chunki usiz qo`yilgan muammoni

yecha olmaydilar), bu esa ularda motivatsiyaning sezilarli darajada o`sishiga olib keladi. ularning o`quv faolligi kuchayadi, mustaqil ishlash darajalari ortadi. O`quvchilar kichik gurqhlarga bo`linib, muammoni aniqlab oladilar, uni hal qilish uchun qanday manba va bilimlar kerakligini belgilaydilar, mazkur manbalar bilan ishlaydilar, muammoni hal etishning olingan variantini umumlashtiradilar. Bunda o`qituvchi shunchaki jimgina kuzatib turuvchi bo`lmay, zarur paytda kichik guruhlarga kerakli maslahat va yordamini beradi.

O`quvchilar muamoli savollarga javoblar tayyorlash uchun darslik, o`quv qo`llanmalar, internet manbalari, elektron darslik asosida ishlaydilar. Olgan ma'lumotlarni tizimga soladi. Taqdimot uchun asosiy tushunchalarni ajratadi. Berilgan muammo echimlarini asoslab berish uchun izlanadi. Shu orqali o`quvchilar tadqiqotchilik faoliyatiga yo`naltiriladi.

БИОЛОГИЯ ФАНИДА ДАРСНИ ТАШКИЛЛАШ

Юсуфжонова Н, Фарғона шаҳар, 30-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси

Юртбошимиз ташаббуслари билан 2016 йилнинг "Соғлом она ва соғлом бола йили" деб аталаши маънавий аҳамият касб этиб қолмасдан мамлакатимиз тараққиётида қудратли куч ҳисобланган бўғин — ўсмир ва ёшларимизга янада кучлироқ эътиборни билдиради. Бу эса мактабда биология фанинини ўқитишни янада юксак савияда ўтказиш вазифаларини қўяди.

Маълумки, ўқиш жараёнида кўргазмали қуролларнинг аҳамияти жуда каттадир. Кўргазмали воситалар ўқитувчи томонидан ўтилаётган мавзу объектларининг тасаввурга келадиган абстракт тушунча ҳолатида қолишига барҳам беради. Чунки ҳар қайси ўқувчида ўтилаётган мавзу хусусида ўз идрокидан келиб чиқиб турлича тасаввур ҳосил қилишлари мумкин.

Мулътимедиядан фойдаланиб ўтилган дарсда мавзу тўлиғича ўқувчиларнинг кўз ўнгида намоён бўлади. Аммо, дарс жараёни фақатгина қизиқарли анимацион ва ҳужжатли филъм лавҳаларининг шунчаки монтажининг намойишига айланиб қолмаслигига ҳам эътибор қаратиш лозим. Дарс жараёнидаги асосий бошқарув техникавий жиҳатларда эмас, фан ўқитувчисининг ўзида қолиши дарс ташкиллашнинг муҳим жиҳатидир. Ўқитувчи мавзуга оид берилган маълумотларни баён қилиш баробарида уларни кўргазмали далиллаш сифатида мулътимедиялардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда дарсда ўқитувчининг иштирокини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Мавзуга оид слайдларгбаёни ва изоҳи.
2. Ҳужжатли фильмлар роликлари орасида ўқувчиларга мустаҳкамлаш саволлари билан мурожаат.
3. Намойишлар орасида паузалар ташкиллаш орқали ўқувчиларнинг мавзу юзасидан индувидуалъ муносабат билдиришларини юзага чиқариш.

Масалан, 9 синф " Ҳужайраларда моддалар ва энергия алмашинуви " мавзусини олайлик. Ўқитувчи ўқувчиларга инсон танасида юз берадиган химиявий реакциялар ҳақида баён қилиш баробарида экранда мулътимедия тасвирини намойиш этиб боради. Ўқитувчининг иштирокини қуйидагича кўринишда ташкиллаши мақсадга мувофиқ:

Ўқитувчи баёни- экрандаги маълумот- ўқитувчи билан савол-жавоб – экрандаги маълумот – ўқувчи мулоҳазаси – ўқитувчи хулосаси.

Юқоридаги шаклда дарсни тизимлаштириш биология фанини ўқитишда самара бериб, ўқувчиларни экрандаги ранг-баранг филъмларни шунчаки "томоша қилиш»дан мулоҳазали ўқувчи бўлишига ёрдам беради

Дарс материалларини бериб бориш орасида ўқувчиларни фанга қизиқтириш мақсадида ***"Биологик диктант", "Энг, энг. Энг", "Ҳикоя қилиш", "Кластер"*** усулларидан фойдаланиш мавзуни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, янги мавзу материалларини мустаҳкамлашда ўқувчиларнинг ижодкорлигидан фойдаланиш ҳам самарали натижа беради. Бунда ўқувчиларга маълум бир биологик муаммони қўйиш орқали уларни фантазия қилиш, илмий гипотезаларни илгари суриш имконияти яратиб берилади.

“Илмий ғоя дақиқаси” деб номланадиган бу усулда ўқувчилар ўзларининг мушоҳадалари ва илгари сурган “илмий ғоялари»билан ўртоқлашишади. Ўз ғоялари билан бундай иштироклари орқали фанга қизиқишлари янада ортади. Шу билан бирга фан-техника соҳасида сўнгги маълум қилинган илмий кашфиётларидан хабардор бўлиб боришларига замин яратади.

Дарсда “Илмий ғоя дақиқаси” қўлланишини қуйидагича:

- Дарсларда ўқувчиларга маълум бир биологик муаммони қўйиш орқали уларни фантазия қилиш, илмий гипотезаларни илгари суриш имкониятини “Илмий ғоя дақиқаси” да яратиб берилади. Улар ўзларининг мушоҳадалари ва илгари сурган “илмий ғоялари»билан ўртоқлашишлари орқали фанга қизиқишлари янада ортади.
- Ўқувчилар дарс жараёнида ноанъанавий усуллардан, қўшимча адабиётлардан биологияга оид сўнгги фан-техника ютуқлари хабарларидан фойдаланади. Ўқувчилар берилган топшириқлар ва олган таассуротларини, албатта, ота-оналарига ҳам билдирадилар, бу билан ўз навбатида ота-оналар ҳам биологик муаммоларга, гиёҳвандлик, носоғлом турмуш тарзи масалаларига эътибор қаратадилар, шу орқали биология фани жамият ҳаётидаги ўзига хос ўрнини эгаллайди. Бу билан жамиятда зарарли одатларни олдини олишга огоҳлик муҳити юзага келади.

Бундан ташқари ўқувчиларни фан-техника соҳасида сўнгги маълум қилинган илмий кашфиётларидан хабардор қилиб бориш асосий мақсадлардан биридир.

Барча жараёнларнинг самараси сифатида қуйидагини таъкидлаш мумкинки, ўқувчилар берилган топшириқлар ва олган таассуротларини, албатта, ота-оналарига ҳам билдирадилар, бу билан ўз навбатида ота-оналар ҳам биологик муаммоларга, гиёҳвандлик, носоғлом турмуш тарзи масалаларига эътибор қаратадилар, шу орқали биология фани жамият ҳаётидаги ўзига хос ўрнини эгаллайди. Бу билан жамиятда зарарли одатларни олдини олишга огоҳлик муҳити юзага келади.

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Шихова И, Жуманиёзова Т ХВХТХҚТМОИ “Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси катта ўқитувчилари, Ражабов Ш УрДУ “Математика»факультети 4- курс толиби

"Аслида замонавий таълим методлари муқаддас қизиқувчанликни ҳозирча батамом бўғиб ташламагани деярли мўжиза, чунки бу нозик ниҳол (яъни қизиқувчанлик) рағбатлантириш билан бир қаторда, энг аввало, эркинликни талаб қилади, йўқса, у шаксиз, маҳв бўлади".

(А.Ейнштейн)

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор.Ўқув жараёнида технология бу - педагогик технологиядир. Бу аниқ кетма- кетликдаги яхлит жараён бўлиб,у ўқувчининг эхтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган олдиндан пухта лойиҳлаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.Бу жараённи ташкил этиш ўқитувчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.Ўқитувчи аввалом бор,таълимнинг мақсадини тўғри англаши лозим.Таълим олишнинг мақсади мавҳум, ноаниқ бўлса, ўқувчи билим олишга қизиқмай қўяди, муаллимлар, ота-оналар болаларнинг ўқигиси келмайди, деб нолиб юрадилар. Бу ўқув жараёнининг мотив хосил қилиш босқичи бўшлигидан далолатдир. Бунда бола муаллимнинг талабларини тушунмай, хафсаласиз ҳолатда ўқув топшириқларини номигагина бажаради.Демак, таълимнинг мақсади ҳар бир ўқувчининг аниқ бир касбни (мутахассисликни) егаллашига йўналтирилган бўлса, ўқувчида шу касбни егаллаш учун керак бўладиган фанларни, билимларни егаллашга майл, қизиқиш - мотив ҳосил бўлиши учун қулай шароит яратилади. Баъзи ўқувчилар математикани зерикарли,оғир,қийин фан деб уни ёмон кўрадилар.Бу фикр унчалик ҳам тўғри эмас, аксинча, математика ҳаётда энг кўп қўлланиладиган,қизиқарли фан.Уни бу даражага олиб чиқиш учун ўқитувчилар ижодкор бўлиши,ўқувчиларда мотив ҳосил қила олиши лозим.Мазкур мақолада ўқувчида

қизиқиш - мотив ҳосил қиладиган янги педагогик технологиялар, интерфаол методлар устида тўхташни жойиз деб топдик.Интерфаол методлар–таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлардир. Ақлий ҳужум, Пинборд, Кластер, Ўргимчак тўри, Венн диаграммаси, Музёрар, Бумеранг, Чархпалак, Елпиғич, ФСМУ, Б-Б-Б, Ролли ўйин, Ишбилармонлик ўйини ва бошқалар мазкур методлар тоифасидандир. Математика дарсларида энг кўп қўлланиладиган интерфаол усулардан бири**“Ақлий ҳужум”**дир. Мазкур метод орқали бирор муаммо ёки савол бўйича ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинади. “Ақлий ҳужум”методини қўллашдаги асосий қоидалар қуйидагича:барча таълим олувчилар қатнашишлари шарт;билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, ҳатто улар нотўғри бўлса ҳам инобатга олинади;билдирилган фикр-ғоялар баҳоланмайди. “Ақлий ҳужум”методининг тузилмаси. Гуруҳга янги мавзу бўйича савол берилади, ўқувчилар томонидан фикр ва ғоялар билдирилади, фикр ва ғоялар жамланади ва гуруҳланади, аниқ ва тўғри жавоблар танлаб олинади. Мазкур методнинг психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар. Бунда эса баҳслашувчиларга мияга қандай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда»эркин ассоциациялар»га имкон берилади ва охир оқибат гуруҳнинг ўзи маълум рационал»мағзни»ажратиб олади. Гуруҳда усулининг қўлланилиши турли-туман ва қарама-қарши фикрларнинг баён этилишига шароит яратади. Акс холда муҳим муаммолар бўйича мунозарани бошлаш ва унда фикрлар ранг-баранглигига эришиш жуда қийин бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш»методи-таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш. **“Кичик гуруҳларда ишлаш»**методининг тузилмаси қуйидагича: мавзу ёритилади, кичик гуруҳлар шакллантирилади, 1-гуруҳга топшириқ, 2-гуруҳга топшириқ, 3- гуруҳга топшириқ, 4- гуруҳга топшириқ, кўрсатма бериш ва йўналтириш, 1-гуруҳ тақдимоти, 2-гуруҳ тақдимоти, 3-гуруҳ тақдимоти, 4- гуруҳ тақдимоти, муҳокама, таҳлил ва баҳолаш. Кичик, тор доиралардаги гуруҳларда уюштирилган мунозараларнинг эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир («диспут»сўзининг луғавий маъноси -»фикрлаяпман»,»тортишаяпман», деган маънони билдиради). Кичик гуруҳлардаги мунозаралардаги асосий нарса - гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гуруҳда бошловчи ҳам қаторда ўтириб, мавзунинг ечимини батамом хал бўлмагунича фаол мулоқотларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Лекин асосий рол гуруҳнинг аъзоларига юкланганлигини ва бевосита ажралиб чиққан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи бўлиши мумкинлигини унутмаслиги зарур.

“КЛАСТЕР” методи -фикрларни тармоқлаш, кенгайтириш усулидир. Фикрларни тармоқлаш бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларнинг бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма -кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Таълим олувчиларда берилган мавзу хусусида эркин фикрлаш ва турли жавоблар ўртасида боғлиқлик ўрнатиш ва гуруҳлаш имкониятини яратувчи методдир. **“КЛАСТЕР”** методининг тузилмаси, калит сўз ёзилади, калит сўзга тааллуқли сўзлар ёзилади, сўзлар ўртасида боғланиш ўрнатилади, сўзлар тармоқлаб чиқилади, тармоқлар таҳлил қилинади, ушбу метод тингловчилар билимларини онгли, пухта эгаллашга ва фикрлаш доираси кенгайишига ёрдам беради, шахсни мавҳум фикрлашга нисбатан қобилиятини ривожлантиради. Тингловчи оддий нарсалар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чегараланиб қолмайди, балки ҳодисалар моҳиятини очишга интилади, оддий турмуш ҳақиқатидан умумий ижтимоий қонуният яратишга ҳаракат қилади.

“БАҲС -МУНОЗАРА»методи- бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс-мунозара ва фикр алмашув тарзида ўтказиладиган методдир. Бирор муммони ечиш, масалани ҳал қилиш жарёнида қўлланилиб, ўқувчилар ўз ғоя ва қарашларини, усулларини оғзаки баён қиладилар. Ўқувчиларнинг ўз фикрларини қанчалик илмий асослашлашлари, қандай манбалардан фойдаланганлигига эътибор қаратиш лозим. Ушбу метод-тингловчиларда мустақил мантиқий фикрлашни, ижодий изланишни, ўз фикрини асослашга, таҳлил қилишга ўргатадиган ақлий фаолият усулларини шакллантиришга ёрдам беради.

Эвристик суҳбат методи. Бу сўз юнонча “ Henrisko” излайман, топаман, кашф этаман деган маънони бўлиб, ўқитувчининг моҳирлик билан қўйган саволларига ўқувчининг мустқил фикрлашлри, тиришқоқлиги билан янги билимни ўзлаштиришларини таъминловчи услуб ҳисобланади. Эвристик методи грек математиги Паппанинг “Масалалар ечиш санъати”асарида биринчи марта қўлланилган. Эвристик суҳбат усули дейилганда,шахснинг муаммони ҳал қилишда ички ҳис туйғуларига, ҳиссий билишига асосланган иш усули тушунилади.Бунда муаммонинг ечиш усуллари,математик моделлари,алгоритмларини танлаш,натижаларни тасаввур қилиш ва ечиш йўлини танлаш, қарор қабул қилиш асосий масала ҳисобланади.Бу усул натижасида буюк кашфиётлар,ихтиро ва кутилмаган янгиликлар юзага келиши кузатилган.

ББББ (Билардим, билмоқчиман, билиб олдим) методи.Бу методни “янги билим берувчи “типидаги дарсда фойдаланиш мумкин.1 Қадам: Доскага янги мавзу ёзилади ва ўқувчилар дафтарига»Билардим»- деб ёзиб янги мавзу бўйича билганларини, ёзиш таклиф этилди. (3 дақиқа вақт берилади). Тақдимот ўтказилади. Тақдимот давомида ўқувчилар янги мавзу бўйича билганларини айтиб берадилар. Тақдимот давомида фикрларни гуруҳлар томонидан қайтиб такрорламаслик қоидасига қатъий риоя қилинади.2 Қадам: ўқувчиларга дафтарларига»Билмоқчиман: «- дебёзиб янги мавзу бўйича нималарни билишни хохлашини ёзиш таклиф этилади. (1 дақиқа вақт берилади.) Тақдимот ўтказилади.3 Қадам: ўқувчиларга дарсликни очиш ва дафтарларига»Билиб олдим»- деб ёзиб қўйиб тушуганларини ёзиш таклиф этилади. (10 дақиқа вақт берилади). Вақт ўтгандан сўнг тақдимот ўтказилади. Янги мавзу ўқувчилар томонидан айтиб берилади. Барча қадамларда ўқувчилар бир - бирини тинглаш қоидасига риоя қилинади. Ўқитувчи томонидан янги мавзу бўйича айтилмасдан қолган қисмлари ва қўшимча адабиётлардан топилган материаллардан фойдаланиб тўлдирилади.

Кубик методи.Кубик методидан дарсни мустаҳкамлаш вақтида фойдаланса яхши натижа беради. Биринчи қадам: ўқувчиларга мавзу ўтилгандан сўнг унда бирор тушунча шаклланади. Шаклланган тушунчани қуйидагича ёзиш таклиф этилади.1. Тасвирланг,2. Таққосланг,3. Ўхшатинг,4. Таҳлил қилинг,5. Ишлатинг6. Фойдали ва зарарли томонлари.Масалан “Призма»мавзусини ўтишда қўлласак,қуйидаги натижага эга бўламиз.

1. Асоси тўғри тўртбурчак, қарама- қарши ёқлари ўзаро тенг ва паралелл бўлган призма тўғри призма дейилади.
2. Тўғри параллелопипед ва тўртбурчакли призма.
3. Синф хонаси, гугурт қутиси, яшик, шкаф.....
4. 2 та асос, 4 та ёқ, 4 та ён қирра, 12 та умумий қирра, 8 та учи бор.
5. Шкаф (кийимлар сақланади), гугурт(гугурт доналари сақланади), хона (одам яшайди)....
6. Гугурт- олов ёқиш учун фойдали. Гугурт- болалар учун ҳарфли.

Синквейн методи.Бу усул ўқувчиларда ҳусусий компитентцияни шаклланишига олиб келади.Синквейн французча сўз бўлиб»беш»деган маънони билдиради. Ўқувчиларга дарсни мустаҳкамлаш босқичида бирор математик катталик, тушунча, формула, олимнинг номини қуйидагича беш қаторли мисрага солишни таклиф этиш лозим.От(1 сўз),Сифат (2 сўз),Феъл(3 сўз),Ибора (гап билан таърифи берилади),Синоним (1 сўз ёзилади, отга ёзилган сўз билан маъноси бир хил бўлсин).Синквейн методидан фойдаланиш ўқувчиларни чуқур мулоҳаза қилишга ўргатади.Хулоса қилиб айтганда, математикани қизиқарли, жонли фан сифатида шакллнтиришда янги педагогик технологиядан кутилган мақсад нима, унинг

афзаликлари, дарснинг самарадорлигини ошириш тамойиллари нимадан иборат деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:Янги педагогик технология энг қулай ва содда усул;мустақил фикрлашга ўргатади;кўп тармоқли;эсда қолиши кучли;билим бойлигини оширади;вақтдан ютамиз; дарс қизиқарли ўтади;дарснинг самарадорлигини оширади;тафаккурни ривожлантиради;ўқувчиларнинг диққат-эътиборини тортади;ҳар бир ўқувчи билан индивидуал муносабат пайдо бўлади;хотирани кучайтиради;изланишга чорлайди; ўқувчиларни ўз устида ишлашга даъват этади,мотивация ва компитентлик ҳосил қилади.

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Нуримова Л, Навоий шахридаги 12-ИДУМ ўқитувчиси

Кейинги йилларда компьютер технологияларининг ривожланиши билан боғлик ҳолда дарс машғулотларни ташкил этишнинг янги усуллари шаклланмоқда. Улардан, кенг фойдаланаётган амалий ишлардан бири компьютерда махсус дастурлар ёрдамида кузатилиши қийин бўлган физик жараёнларни электрон дарсликлар, анимациялар, виртуал тажрибалар ва тақдимотлар воситасида кўргазмали тушунтиришдир. Бундай ҳил кўринишдаги ишланган физика курсига тегишли электрон воситалар кўплаб мавжуд бўлиб, улар асосан академик лицей ва коллежлар учун қўлланилиши кўрсатилган. Чунки, ушбу электрон воситаларни малака ошириш институтларида умумий ўрта мактабда физика фанини ўқитишда физикавий жараёнларни, электрон дарсликлар, анимациялар, виртуал лаборатория ва тажрибаларни курс тингловчиларига дарс давомида кўрсатиб бормоқдамиз. Ушбу виртуал лаборатория ишлари одатдаги лаборатория ишлари каби ишнинг мақсади, керакли асбоб ва қурилмалар, ишни бажариш тартиби, назорат саволларига эга. Физика курсини ўқитиш жараёнига компьютер технологияларини қўллаш ва улар асосидаги мультимедия воситалардан фойдаланиш педагогик ва психологик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга бўлиб, қўйидаги муҳим натижаларга олиб келиши маълум:

- Ўқув-тарбия жараёни фаоллашади, дарс самарадорлиги ошади;
- Ўқув материалларининг турли шаклда (овоз, матн, видео, графика, анимация ёрдамида) ўзатилиши ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортади;
- Юқори даражадаги кўргазмалилик ўқувчида, тингловчида ўрганилаётган фанга нисбатан катта қизиқиш уйғотади;
- Ўрганилган ўқув материалининг узоқ муддатга хотирада сақланишини таъминлайди;
- Тингловчиларнинг, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятлари кўпаяди ва вақт танқислиги муаммоси камаяди;

“Жамиятни ахборотлаштириш ва ахборот технологияларини янада ривожлантириш»ҳақидаги ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган 2002-йил 6-июндаги №200, 2004-йил 29-октябрдаги №493 бир қатор қарорлар “Таълим тўғрисида»ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг сўнги босқичини амалга оширишда бажариши лозим бўлган ишларнинг долзарблигидан далолат беради.

Бундан 3500 йил олдин Конфуций “эшитганимни ёдимдан чиқараман, кўрганимни эслаб қоламан, мустақил бажарсам тушуниб оламан” деган экан. Чунки, таълимда информацион ҳамда педагогик технологияларни қўллаганда тингловчи, ўқувчи эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятларига эга бўладилар. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкиллаштириш учун маълум бир шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиш керак.

Биринчидан, ахборот ресурсларига:

- Шахсий компьютер;
- Проектор;
- Мультимедия воситалар;

- Сканер (мураккаб схемалар ва чизма, тасвирларни компьютерга ўтказиш учун);
- Видео камера (видео анжуманлар ўтказиш учун ва яна бошқа мақсадларда);
- Принтер, нусха кўчирувчи қурилма (тарқатма материалларни қоғозга тушириш ва кўпайтириш, яна бошқа мақсадлар учун) ва бошқа ресурслар.

Иккинчидан, махсус дастурий таъминотлар хисобланади.

Таълим тизимида мультимедиали электрон ўқув адабиётлар, маърузалар виртуал лаборатория ишлари, ҳар ҳил анимацион дастурлар ва электрон версия, слайдлар яратишда керак бўладиган махсус дастурлар ҳисобланади.

Таълим жараёнида мультимедия технологияларидан “Открытая физика” умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тингловчилари учун мўлжалланган, мультимедия – физика курси бўлиб, у қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади. “Механика”, “Механик тебранишлар ва тўлқинлар”, “Оптика”, “Қизиқарли физика” ва ҳоказолар. Бу дастурда мактаб физика курсининг ҳамма бўлимларига оид мингтага яқин масалалар берилган. “Репетитор по физике” ўқувчиларни тезкор метод усулида олий ўқув юртларига физика фанидан интерфаол услубда тайёрлашга имкон беради.

6-9 синфлар учун электрон дарсликлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Таълим тизимида юқорида келтирилган дастурлар яъни, физикон компаниясининг дастурларида тайёр моделлар мавжуд бўлиб бунда фойдаланувчи бошланғич параметрларни киритиб бир неча туркум ишларни (лаборатория, масалаларни таҳлил қилишда, тақдимот маърузаларида анимациялар) дан кенг фойдаланиши мумкин. Физик жараёнларини моделлаштириш имкониятини берадиган дастурларига: MatCad, MatLab, Maple, Matematika тизимлари, Crocodile, Physics, Electronics Workbench ва бошқа дастур пакетларини мисол келтириш мумкин.

Ахборот технологияларнинг имкониятидан фойдаланган ҳолда компьютер моделларини ўқув жараёнларида фойдаланиш ўзининг самарасини беради. Компьютер моделларини ўқув жараёнларида қўллаш тамойиллари қуйидагилар:

- компьютер дастури тажрибани ўтказиш мумкин бўлмаган ёки тажриба кузатиб бўлмас даражада ҳаракатланган пайтда қўлланилиши лозим;
- компьютер дастури ўрганилаётган детални аниқлашда ёки ечилаётган масаланинг иллюстрациясида ёрдам беради;
- иш натижасида ўқувчилар модель ёрдамида ҳодисаларни ҳарактерловчи катталикларнинг ҳам сифатий, ҳам миқдорий боғланишларини билишлари керак;
- дастур билан ишлаш пайтида тингловчиларнинг вазифаси турли қийинликдаги топшириқлар устида ишлашдан иборат, чунки бу ўз устида мустақил ишлашга имкон беради.

Бугинги кунда ўқитишнинг анъанавий кўринишидан фарқ қиладиган замонавий ахборот технологияларини қўллаш юқори самарадорликка эришишга имконият яратади. Физика фанини ўқитиш борасида тингловчилар (ўқувчилар) онгида назарияларга оид моделнинг тасаввурларини шакллантириш, ҳодисалар ва жараёнлар билан таништиришнинг самарали методларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Компьютерлаштириш жараёни шундай кетмоқдаки, бир неча йилдан кейин ҳар бир тингловчи компьютер билан таъминланади. Шунинг учун компьютерлардан ўқув жараёнларида фойдаланишнинг услубий-ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш керак. Ўқитувчилар ўқувчи ва тингловчиларга физика дастурига мос келувчи дастурларни қўллаши, электрон дарсликлар ва топшириқларнинг қулай ва тушунарли томонини кўрсатиши керак. Электрон дарсликни барча фан педагогларига ўз дарсларида қўллаш ва шу ёрдамида маъруза ўтиш вазифаси юклатилади.

Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш учун ахборот технологияда физик билимлардан кенг фойдаланилади.

Шунингдек, моделлаштиришнинг ўзига ҳос муҳим томонлари шундаки, унда турли ҳил физик восита ва асбоблар тайёрлаш шарт эмас, ҳодисаларни жонли ва табиий кўринишда тасвирлаш, тажрибани оз фурсат ичида исталган пайтда такрорлаш, кўзатиш қийин бўлган ва

умуман кўзатилиши мумкин бўлмаган жараёнларни ҳам намойиш эта олиш имкониятига эга бўлади.

Ўқитувчига компьютер мониторида, шунингдек, мультимедиа проектори ёрдамида кўпгина физик ҳодисаларни намойиш этишни ҳамда янги ноанъанавий ўқитиш турини такомиллаштириш мумкин. Ҳар бир физика фани ўқитувчиси ўзининг физика маърузасини режалаштиришда компьютер ўқув дастуридан тўғри фойдаланиши керак, чунки компьютерларни ҳар қандай дарсда қўллаш мумкин. Шунинг учун уни режалаштириш ва ижобий натижага эришишда компьютердан қачон ва қандай фойдаланишини билиши зарур. Компьютер дастурини қўллаш билан компьютердаги ўтилган маърузалар оддий маърузалардан кўра яхшироқ самара беради. Бу эса ўқув режасининг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди. Ўз тажрибаларимизда физика ва физиканинг қисқа соҳаларига доир курсларни ўқитишда компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда, анимацияли турда машғулотлар олиб бориш ўқитувчига ва тингловчига қўлайлик яратиб қўймасдан, балки физик жараёнларнинг юз бериш механизмлари ва босқичларини тушуниб етишда яхши самара бериши керак. Шуни эътиборга олган ҳолда, физик жараёнлар механизмларини, уларнинг юз бериш босқичларини компьютерда анимацион турда намойиш этишни ташкил қилиш тингловчилар ва ўқувчилар учун кўргазмали, қизиқарли ва яхши эслаб қолишига ёрдам берадиган машғулот бўлиши аниқланди. Физик жараёнлар механизмларини, уларни маъруза, амалий ва айниқса тажриба машғулотларида намойиш этиш ва бу ҳолатларни компьютер технологияларига таянган ҳолда олиб бориш ўқитиш жараёнида тингловчи ва ўқувчига билим бериш ва фан асосларига доир кўникмалар ҳосил қилиш самарадорлигини оширувчи омиллардан эканлиги аниқланди.

Демак, физик ҳодисаларни намоён қила олишда ахборот технологияларидан фойдаланиш яхши натижалар бермоқда. Ўқувчилар тасаввурларини кенгайтиришда ва уларнинг билимларини янада оширишда замонавий технологияларни қўллаш энг қўлай восита ва унумли усул бўлиб ҳисобланади. Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган дастурлардан маъруза жараёнида қўллаш натижасида қисқа вақт ичида керакли ахборотни тингловчи ва ўқувчиларга кўргазмали қилиб ўтказиш имконияти бор. Бу эса ўқув самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат этади.

FIZIKA O`QITISHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALAISH USULLARI

Toshpulatova SH. – Navoiy DPI o`qituvchisi, Sayfullayeva G 1-bosqich magistri

Mamlakatimizda ta’lim tizimini modernizatsiyalashtirish tomon yuz tutgan bugungi davrda erkin fikrlovchi, barkamol, yetuk shaxsni tarbiyalash uchun ta’lim – tarbiya jarayoni pedagogik texnologiyalarni o`zgartirish muammosini qo`ydi. Bu o`quvchilarni o`qitishga emas, o`qishga o`rgatish tizimiga o`tib, yangicha usullardan tajriba elementlari bo`lgan bilim, ko`nikma, malaka, ijodiy faoliyat tajribalari ma’lum tizim doirasida kiradigan pedagogik jarayon mahsuli bo`lganligi uchun ham bugungi kunda ijodkorli, bilish faoliyatini ilmiy asosda boshqarish, shaxs psixologiyasini e’tiborga olgan holda o`zini – o`zi boshqarish tizimiga o`tish, qisqasi yakuniy natijalar samaradorligiga erishish bugungi kunning eng dolzarb muammosidir. Pedagogik texnologiya turlicha ta’riflanayotgan bo`lsada, u o`qituvchidan o`qitish vositalari yordamida o`quvchilarga muayyan sharoitda ta’sir ko`rsatish va bu faoliyat mahsuli sifatida ularga oldindan belgilangan shaxs sifatlarini intensiv shakllantirish jarayoni hisoblanadi.

Darsning qanchalik qiziqarli o`tishi innovator o`qituvchilarni darsni qanday tashkil etish usullari, ijodkorligiga bog`liqdir.

O`rta yoshli maktab o`quvchilariga fizika darslarini turli o`yinlar yordamida tashkil etish o`quvchilar xotirasida fizik kattalik, formula va o`lchov birliklarini tez o`rganib olish imkonini beradi.

Ta’lim mazmunini yangilash, ilmiylik darajasini oshirish, o`qitish metodlarini uzluksiz takomillashtirish, o`quvchilar bilimiga bo`lgan talablarni oshib borishi – o`qituvchining o`z bilimini uzluksiz ravishda to`ldirib va yangilab borish, malaka va metodik mahoratini yuksaltirishini talab qiladi.

Barcha ijtimoiy gumanitar va tabiiy fanlarni o`qitishda xususan fizika fanini o`qitishda o`qituvchidan katta mahorat va malaka talab qilinadi. Zamon talabi bo`yicha fizika fanini o`qitishda noan'anaviy metodlardan foydalanib, har bir mavzuni tabiat bilan bog`lab, o`quvchilarni ijodkorlikka, tashabbuskorlikka, mantiqiy fikrlashga o`rgatadigan metodlardan foydalanish lozimligini ilmiy – metodik taraqqiyot taqozo etmoqda.

Bunday metodlardan biri bu ilyustratsiyadir. Ilyustratsiya – hodisa, narsa, jarayonlarni tasviriy shaklda sxema, reproduksiya, yassi modellar yordamida ko`rsatish va qabul qilishni ko`zlaydi. Bu usulning vositasi bo`lib tasvirlar, jadvallar, rangli xaritalar, albomlar va atlaslar xizmat qiladi. Bu metod nafaqat o`quvchini balki o`qituvchini ham mantiqiy fikrlashga, ijodiy faolligini oshirishga xizmat qiladi. Masalan 6 – 7 sinflarda fizika fanini o`qitishda o`quvchilarni abstrakt fikrlash darajasi past ekanligini e'tiborga olib, ularda ko`rsatma obrazli fikrlash ustunlikka egaligi va shuning uchun fizik hodisalarni, jismlarning xossalarini o`rganishga sezgi aniq qabul etishga to`laroq yoritish maqsadida turli ko`rinishdagi ko`rgazma va sxemalardan foydalanish kerak. Bunda o`qituvchi har bir mavzuga doir misollarni fizik jismlar orqali tasvirlarda ifodalab o`quvchilarga havola etadi.

Masalan: 6 sinfda o`quvchilarga»Vaqt va uning o`lchov birliklari»mavzusini o`tishda shunday sxemalardan foydalanish mumkin:



Yuqoridagi fizik jismlardan tuzilgan tasvirlardan quyidagi savolni hosil qilish mumkin:

1 soat necha minutdan iborat?

Ilyustratsiya metodidan foydalanish o`quvchilarni ijodiy va mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishga yordam beradi.

Shunday o`yinlar qatoriga»Qo`shningni top» o`yinini misol qilish mumkin;

Bunda barcha sinf o`quvchilariga kartochkalar beriladi. Kartochkalarga fizik kattaliklarni belgilari yozilgan bo`ladi. O`quvchilar 5 minut davomida o`ziga berilgan fizik belgi bilan formula tuzish mumkin bo`lgan belgini ya'ni qo`shnisini topishi kerak, topgandan keyin esa uchta belgini joylashtirib, qaysi fizik kattalikni belgisi hosil bo`lganini aytib berishlari kerak va bu fizik kattalik haqida to`liq (ta'rif, o`lchov birliklari, o`lchaydigan asbobi,...) ma'lumot beradi.

Bunday usullardan foydalanish o`quvchilarda yodda saqlash, o`z mustaqil fikriga ega bo`lish va ijodiy fikrlash qobiliyatlarni shakllantirib, fizika faniga bo`lgan qiziqishlarini orttiradi.

“ELEKTR ENERGIYASINI ISHLAB CHIQARISH VA UZATISH»MAVZUSINI OQ’ITISHDA PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING IMKONIYATLARI

Bisenova B. – Navoiy davlat pedagogika instituti, “Fizika va astronomiya o`qitish metodikasi” kafedrasi katta o`qituvchisi

Yo`ldoshev O Konimex agroservis kasb-hunar kolleji, “Maxsus fanlar” kafedrasi o`qituvchisi

Rus pedagogi K.D. Ushinskiy aytganidek, hozirgi zamon talabiga mos, har qanday o`qituvchi, o`z bilimini rivojlantirib, oldingi darslardan ko`ra, yangi talabga mos, innovatsion texnologiyalarni o`z darslarida har doim foydalansa, dars qiziqarli, ma’noli va foydali bo`lishi tabiiy.

Hozirgi davrda jamiyat eng sharafli kasb egalari bo`lgan o`qituvchilar oldiga o`quvchilarga faqatgina bilim berish emas, balki ularning shaxsiy xususiyatlarini rivojlantirishdek dolzarb masalani qo`ymoqda. Ta’limni insonparvarlashtirish o`quvchilarning turli shaxsiy xususiyatlarini e’tiborga olib, ularga individual munosabatda bo`lishni talab etadi. Ta’lim jarayonida asosiy maqsad o`quvchilarga bilim va tarbiya berishgina emas, balki ularning shaxsini shakllantirish usuli sifatida o`rin tutadi. Bu borada zamonaviy axborot kompyuter texnologiyalari keng doiradagi sermazmun imkoniyatlarga ega.

Axborot texnologiya – hozirgi kompyuter texnikasi asosida axborotni yig`ish, saqlash, tashish ishlarini bajaradigan matematik va kibernetik usullar bilan hozirgi texnik qurollar yig`indisi.

Kommunikatsiya – axborotni ko`chirish usullari va mexanizmlarini, ularni yozib, yig`ib yetkizish qurollarini qamraydigan umumiy tushuncha.

Axborot – kommunikatsiya texnologiya sharoitidagi umumiy o`qitishning funksiyalari: o`qitish, tarbiyalash, rivojlantirish va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish bilan aniqlanadi.

Fan bo`yicha mashg`ulotlarda AKT dan foydalanish: o`qituvchi va o`quvchilarning faoliyatlarini jadallashtirishga imkon beradi; fanda o`qitish sifatini oshirish; ko`rgazmalilik tamoyilini hayotga amaliy tatbiq etib, obyektlarning muhim tomonlarini aks ettirish; o`rganilayotgan ob’ektlar va tabiiy hodisalarning eng muhim xususiyatlarini (o`quv maqsadlari va vazifalari nuqtai nazaridan) ko`rib chiqish imkonini beradi.

AKT turli yoshdagi o`quvchilar, turli darajadagi o`qituvchilar uchun moslashtirilishi mumkin, hamda ta'lim jarayonida o`qituvchilar va o`quvchilar uchun ko`mak hisoblanadi.

Multimediya - bilim berish sohasidagi video va audio namunasidagi ma’lumotlarni o`quvchining oson qabul qilib, yodida saqlab qolishiga imkoniyat beradigan qurol.

Fanlar bo`yicha materiallarni eng samarali taqdim etish shakllariga multimediyali taqdimotlarni kiritish zarur. Ushbu ishni tashkil etish shakli o`quv materialini algoritmik tartibda to`la tizimlashtirilgan axborotlar bilan to`ldirilgan yorqin tayanch namunalar tizimi sifatida taqdim etish imkonini beradi. Ushbu holatda o`quvchilarning idrok etishning turli kanallari ishtirok etadi, bu esa axborotni o`quvchi xotirasiga faqat faktografik emas, balki assotsiativ ko`rinishda berilishiga imkon yaratadi.

O`quv axborotlarini mana shunday taqdim etishdan maqsad — o`quvchilarda xayoliy obrazlar tizimini shakllantirish hisoblanadi. O`quv materialini multimediyali taqdimot ko`rinishida berilishi o`quv **vaqtini** qisqartiradi, bolalar salomatliklari resurslarini tejaydi. Bu o`quvchilarning idrok etish faoliyatlarini mustaqil tashkil etishlari uchun juda yaxshi tarzda moslashgan elektron o`quv ilovalari interfaolligi xususiyatlari hisobiga mumkin bo`ladi. Bundan tashqari, printerdan dars materialini chop etish orqali qog`oz nusxasiga aylantirish mumkin.

Darslarda multimediyali taqdimotlardan foydalanish o`quv-tarbiyaviy jarayonni diqqat, xotira, fikrlash faoliyatini faollashtirib, psixologik aniq rejimlar, ta’lim va pedagogik o`zaro munosabatlarni insonparvarlashtirish, yaxlitlik nuqtai nazaridan ta’lim jarayonini shakllantirish asosida qurishga imkon beradi. Mavzuni o`rganishning **har qanday bosqichida** multimediyali taqdimotlardan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Kasb-hunar kollejlarida “Elektr energiyasini ishlab chiqarish va uzatish»mavzusini oq’itish bo`yicha tayyorlangan tovushli videolavha yordamida o`quvchilarga elektr stansiyalari haqida, ularda elektr energiyasini ishlab chiqarish va uzatish haqida to`liq ma’lumot berish mumkin.

Bu videolavhada issiqlik elektr stansiyalarining ikki guruhi: kondensatsion va issiqlik elektr markazlari, gidroelektr stantsiyalari, O`zbekistondagi 1926 yilda birinchi marta Bo`zsuv kanalida, keyinchalik Tovoqsoy, Oqtepa va Oqqovoq, Farxod, O`rjan, Shaxrixon va shu kabi IES haqida, gidroelektr stansiyalarining ishlashi, ularning erishilgan quvvati, turbinalari soni haqida ma’lumotlar bor.

Bu lavhalarni ko`rib, eshitib o`quvchi ularni taqqoslaydi. Bundan tashqari bu lavhalarda atom elektr stansiyalari haqida gapirib, O`zbekistonda qurilmaganligini ta’kidlab o`tgan. Shamol elektr stansiyalari haqida ham ma’lumotlar yetarlicha keltirilgan. Elektr energiyasini uzatishda yuzaga keladigan muammolar haqida, ya’ni o`tkazgichlarda bo`ladigan isroflar haqida gapirilib, buni Djoul- Lens qonuni bilan tushuntirib bergan. Bu jarayonda o`quvchining mantiqiy fikrlash qobiliyatini ham rivojlantirish mumkin. Hozirgi kunda O`zbekistonda ishlab turgan 20 ta IES, 27 ta GES, ularning umumiy o`rnatilgan quvvati 11,5 mln. kvatt-soat ekanligi bayon qilingan.



Bundan 3500 yil oldin Konfutsiy»...eshitganimni yodimdan chiqaraman, ko`rganimni eslab qolaman, mustaqil bajarsam tushunib yetaman", degan ekan.

Xulosa qilib aytganda, ta'lim sohasida AKT dan foydalanish o`quvchilarni rag`batlantiradi va qiziqishini oshiradi; ularni kelajakdagi faoliyatiga tayyorlashga ko`mak beradi; o`rganish va o`qitishning yangi imkoniyatlarini ochib beradi; o`z resurslaridan oqilona foydalanishga imkoniyat yaratadi, dars samaradorligini oshirishni ta'minlashda ta'lim-tarbiya jarayonining barcha bosqichlarini jadallashtiradi; o`quvchini har tomonlama rivojlantiradi; axborot jamiyati sharoitlarida bitiruvchilarni hayotga tayyorlash; global axborotlashtirish jarayonlari sababli kelib chiquvchi ijtimoiy buyurtmani bajarish kabi vazifalarni amalga oshirish imkonini beradi.

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ.

Сафарова Л., Ғиждувон туман 42- мактаб ўқитувчиси

Мустақиллик йилларида таълим –тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар амалда, ҳозирда ўз самарасини бериб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда. Дарҳақиқат ўқувчиларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб етишишида биз –педагогларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кун ўқитувчиси фақатгина дарсликдан фойдаланиб қолмасдан таъбир жоиз бўлса, ҳар бир дарс учун ўзи ҳам кичик кашфиётлар яратиши керак. Чунки ўқувчиларни 45 дақиқалик дарс мобайнида диққатини фаоллаштириб билим бериш –бу мураккаб жараён. Қолаверса ҳозирги кунда ўқитиш ва ўрганиш жараёнида ахборот – коммуникация технологиялари, интернет ва мулътимедия ресурсларидан фойдаланиш ўқувчилар билим сифатини оширишга ва таълим самарадорлигини ошишига асос бўлмоқда.

Шунинг учун ўқувчиларга турли мулътимедия воситалари:Аудио-видеодарс, Электрон дарслик, электрон тест дастурлари, видео, МП3, СД, ДВД плеерлар, коммуникация технологиялари: мобиль телефонлар, мобил интернет, интернет тизими хизмати: Қидирув тизимлари, Веб саҳифалар, электрон почта ва янги пед техналогиялар асосида тайёрланган кўргазмалар ва ўйинлардан фойдаланиб таълим бериш уларнинг нутқи ривожланишига ва фикр доираси кенгайишига имкон беради. Энг асосийси, дарсда самарадорликка эришилади ва ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишлари ортишига эришилади.

Ҳозирги кунда нафақат шаҳар жойларида, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам ахборот коммуникация технологиялари кириб борган. Мамлакатимиз ёшларига зиё ва илм улашувчи интернет хизматларидан бири бўлган "Зиёнет»тармоғини мисол қилиш мумкин. Бу тармоқда ўқувчи- ёшлар, талабалар, ёш педагоглар ва таълимга қизиқувчи барча инсонлар учун таълимга оид миллий, ўзлигимизга хос маълумотлар мужассам.

Замонавий педагогик техналогияларнинг асосий талабларидан бири- ҳар бир дарс жараёнида турли мазмунли дарс мохиятини очиб берувчи, ўқувчиларни зерикарли тингловчидан фаол иштирокчига айлантира оладиган ўйинлардан фойдаланиб, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини, фанларга бўлган қизиқишларини шакллантиришдан иборат. Бугунги кунда мактабларда ўйинлар орқали дарс ўтиш анъанага айланиб бормоқда. Маълумки дарснинг турли хил ўйинлар асосида ўтилиши ўқувчиларнинг имкониятларини намойиш қилиш, диққатини жамлаш, билим ва кўникмаларини ошириш ва кучли бўлишларини таъминлайди. Ўйиннинг янги педагогик техналогиянинг энг самарали усулларидан бири сифатида тан олиниши ҳам фикримиз далилидир.

Ўйин техналогиясидан фойдаланишнинг асосини ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолият ташкил этади.

Ўқитиш - икки томонлама жараён бўлиб у ўзида ўқитувчининг фаолиятини (ўқитишни) ва ўқувчилар фаолиятини (ўрганишни) мужассамлаштиради.

Ўқувчилар учун шундай техналогик ўйинлар яратиш керакки улар шогирдларда қизиқиш уйғотсин, уларнинг эҳтиёжларини қондирсин, уларга тезда сингадиган бўлсин. Ҳар бир ўқитувчи ўйин методларидан фойдаланаётганида танлаш имкониятига эга, яъни у ўз

ўқувчиларининг қобилиятларига, қизиқишларига, билимларига ва интилишларига қараб ўйин танлай олади.

Ўтувчиларга дарсларни ташкил этишда қуйидаги интерфаол метод ва усуллар тавсия этилади.

“Бумеранг”, “Эссе”, “Чархпалак”, “Блиц-сўров”, “Венн диаграммаси”, ”Идрок харитаси”, “ББББ”, “Ақлий ҳужум”, “ФСМУ”, “Дебат”, “Тушунчалар таҳлили”, “Кластер”, “Зинама-зина”, “Зиг-заг”, “Гуруҳларда ишлаш”, ”Муаммоли вазият яратиш”, “Муҳокама”, “Тақриз”, “6х6”, “Т-чизмаси”, “Резюме”, “Эссесмент”, “Ўйлаб топ”, “Бошқотирма”, “Занжир» ва бошқалар

«M’ojizalar maydoni»o`yini

Maqsad: O`quvchilarni matematika faniga qiziqtirish,o`z ustida ishlashiga ko`maklashish va dunyoqarashini kengaytirish.

O`yin 5-6 sinflarda o`rganilgan mavzular bo`yisha o`tkaziladi.

1. Kirish so`zi:

O`qituvchi arifmetika,algebra,matematika fanlari haqida ma’lumot beradi (Matematik adabiyotlar ko`rgazmasi tashkil etiladi).

2. O`yin qoidasi:

1. Uchta o`quvchi tanlab olinadi. Qatnashuvchilar mustaqil ravishda krossvordlar, matematik boshqotirmalar tayyorlaydilar.

Rasmda baraban tasvirlangan

Birinchi harfni ochib berish

Oxirgi harfni ochib berish

Syurpriz(Kutilmagan savol)

Imkoniyat(shans)

Harf aytich

Navbatdagi yurish

1	2	3	4	5	6	7

б) 2-uchlik uchun savollar::

Gramplastinka yo`llari Javob : (spiral).

в) 3-uchlik uchun savollar:

Uchta kesma bilan chegaralangan geometrik figura. Javob: (uchburchak).

r) 4-uchlik uchun savollar:

Fransuz imperatori,sarkardasi,Korsikda tug`lgan,matematikani juda yaxshi ko`rgani kim? Javob : (Napoleon).

4. Final uchliklarini tanlash:

(Har biri quyidagi topshiriqlarni oladi va tez bajargan 3 nafar o`quvchi finalga yo`llanma oladi).

1. Rasmda 180^0 dan kichik burchak tasvirlangan? Javob : (10).
2. Qaysi uchburchak ortiqcha?



5. Tomoshabinlar bilan o`yin:

Tomoshabinlarga topshiriq:

Grek shifokori,birinchi geometriya darsligini yozgan olim kim?.

(Avval 3 ta harfni ochish mumkin). Javob: (Gippokrat).

6. Final:

Kub va oltiburchakni qadimgi yunonlar qanday atagan? Javob: (Geksoedr).

7. Supero`yin:

1. Asosiy matematik tushunshalardan biri. (1 ta harfni ochish mumkin). Javob: (son).

Qoshimcha daqiqalar:

1. Agar oquvchiga syurpriz tushib qolsa,billet oladi va savolga javob beradi.Javob togri bolsa o`yinni davom ettiradi,aks holda o`yinni tark etadi.
2. Agar oquvchiga shans(imkoniyat) tushib qolsa, tomoshobinlardan yordam olishi mumkin.

8. Syurpriz:

1. Ko`pburchak tomonlari yig`indisi (perimetr)
2. Ikki nisbatning tengligi? (proporsiya)
3. Rasmda nechta to`rtburchak bor ? (18)
4. Burchklarni o`lchvchi va yasovchi asbob (transportir)

5. Rasmda nechta uchburchak bor? (18)



Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарга эга бўлган ёшларгина маклакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

ФИЗИКА ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

Очилов Ш, Канатбаев С НДПИ. "Физика ва астрономия ўқитиш методикаси" кафедраси

Илмий техника тараққиётига таянган инсон фаолияти атроф муҳитга катта таъсир қилаётган бир шароитда табиат қонунларини яхши билиб, унда келажакни олдиндан кўра билиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади. Инсон фаолиятининг табиатга таъсири натижасида тузатиб бўлмайдиган фалокатлар келтирмаслиги учун, унинг оқибатларини олдиндан кўра билиш зарур. Бунинг учун эса, табиат ва унинг доимий қонунлари тўғрисида атрофлича тушунчага эга бўлиб, уни амалиётда синаб, қўллай билиш керак. Ҳамда табиат ва унинг қонуниятлари тўғрисида аниқ билимга эга бўлиши зарур. Бу масалалар мактаб физика курсининг юқори босқичларида, асосан, молекуляр физика фанини ўрганишда амалга ошириш яхши натижа беради. Бу масалаларни ҳал этишда фанлараро боғланишга таянган ҳолда иш кўрмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактаб физика таълими жараёнида ўқувчиларга 9-синфда "Буғланиш ва конденсация»мавзусини ўтганда ўқувчилар қуйидагиларни билишлари тушунтириб ўтилади. Иқлим шароитига ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар, одамлар яшашга мослашган. Ўқувчиларни тўйинган буғ босими, атмосфера ҳавосини тўйиниши, конденсация маркази, атмосферада конденсация ҳодисаларнинг содир бўлиши, тўйинган буғ босими, туман, булут ҳосил бўлишининг физик моҳияти каби маълумотлар билан таништириш уларнинг билимларини чуқурлаштиради ва илмий дунёқарашини шакллантиришга имконият яратади. Бунинг учун ҳавонинг ҳарорати кўтарилганда ва пасайганда ҳаводаги буғ қандай ҳолатда бўлишига ўқувчиларда кундалик хаётимизда руй бараётган табиий ҳодисаларни фикрини қўйидагиларга қаратмоғимиз лозим. Ўқувчиларга шўр сувларни чучук сувга айлантирадиган Қуёш сув чучуткич қирилмаларининг тузилиши ва қўлланиши батафсил баён этилади.

Ўқувчилар шуни билиб олишлари керакки, буғланиш фақат сув юзида руй бермасдан, ўсимликларда, тупроқда, киши организмида, кимёвий қаттиқ ва суюқликларда ҳам содир бўлишини билишлари учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

1. Ўсимликларда буғланишнинг содир бўлиши, ёз даврида, айниқса, шамол эсган вақтларда сув кўп буғланиши туфайли суғорилмаган ўсимликлар қуриб қолади.

2. Тупроқдаги буғланишлар табиатдаги тўрт фаслнинг айланиб келиши натижасида тоғ, адир, чўл, ҳамда қуруқликларнинг барча жойларига ёмғир, қор, дулларнинг ёғиши, қиров, шудрингларни тушиши туфайли динамик мувозанат сақланиши.

3. Киши организми юқори ҳароратда ёки спорт билан шуғулланаётганда буғланиш катта бўлиб, унинг танасидаги сув буғланиб, ҳавога чиқади. Бундан ташқари иссиқ кунларда кишилар кўплаб сув ичишадилар, бу сув организмга, асосан, юракка салбий таъсир этади.

4. Кимёвий қаттиқ ва суюқ моддалар буғланганда, диффузия туфайли атроф-муҳитга тарқалиб ҳавони ифлослайди. Бундай ҳаводан нафас олган киши сальбий таъсир лурсатиши мумкин.

Дарс жараёнида буғнинг конденсацияланиши ҳодисасига ҳам эътибор бериш лозим, бунда ҳавога учиб чиқаётган барча чанг зарралари, конденсация маркази вазифасини ўтайди. Ёмғир туфайли бу чанглар, конденсация натижасида Ерга қайтиб тушади. Шу йўл билан ҳаво турли-туман чанг зарраларидан тозаланиб, ердаги динамик мувозанат сақлаб туради. Ўқувчиларга физика фанининг ҳар бир мавзуси ва қонуниятларини маълум технологик жараён асосини ташкил этилиб, табиатдаги ҳодисаларга боғлиқлигини, табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тушунчалари пайдо бўлади.

AKADEMIK LITSEY VA KASB HUNAR KOLLEJLARIDA KIMYONI O`QITISHDAGI PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK YONDASHUVLAR

Sharipov M BuxDU t.f.n dotsenti, G`aniyev B BuxDU magistri, Xoliqova G "Armechan»maishiy xizmat ko`rsatish kasb-hunar kolleji o`qituvchi

O`zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan boshlab, malakali, yetuk mutaxassislarga bo`lgan ehtiyoj keskin ortganligining guvohi bo`lib turibmiz. Maktabdan boshlab mustaqil fikrlovchi yigit-qizlarni tarbiyalash shu kunning dolzarb vazifalaridan biridir.

Yosh avlod ma'lum bilimlar yig`indisini bilibgina qolmay, mustaqil davlat quruvchiga xos ma'naviyat va ma'rifat egasi bo`lib, o`zining mehnatga munosabati va xulq atvori hammaga havas qildiradigan bo`lishi kerak.

Bizning mamlakatda o`qituvchiga, yosh avlodni tarbiyasiga katta imtiyozlar berilmoqda. Shu sababli oliy ta'lim oldida birinchidan studentlar jamoasiga bilimli, ma'naviyatli hamda o`zbek millatiga xos tafakkurga ega bo`lgan yoshlar qabul qilish, ularni bilim bilan qurollantirish va yuqori ma'nosida buyuk inson darajasiga etkazish kerakdir. Buni bajarishda fan o`qituvchilari xizmati kattadir.

O`qituvchi-mukamal shakllangan kimyo fani bo`yicha mutaxassis bo`lishi kerak. U kimyo fani, kimyoviy bilimlar va amaliy uslublardan tashqari bolalarning yoshiga qarab psixologiyasini bilish kerak. U oldindan bilim berishning hamma bosqichlarini amalga oshirish uslublarini mukammal egallashi kerak. O`zi dars beradigan fanning didaktik asoslarini bilib, bilimni berish umumiy uslublarini bolalar yoshlarini hisobga berib, o`zining hayotiy tajribasiga asoslanib bilimni etkazishi kerak.

O`qituvchi o`zining bilimini hamma vaqt to`xtamay oshirib borishi shart, ya'ni pedagogik texnologiyalarini egallashi, o`quv jarayoni mukammallashtirishga harakat qilishi kerak. Chunki o`qituvchi o`z izlanishlarida to`xtab qolsa, ertasiga u shablon qotgan fikrlab qoladi va yuqori xavas qiladigan darajadagi insonlar orasidan chiqib qoladi va o`quvchilar orasida unga nisbatan xurmat ozayadi, bolalar unga taqlid qilishi, havas qilishi yo`qola boshlaydi.

Har bir o`qituvchi boshqalar tajribalarini quruq nusxa qilmasdan, o`zining tajribasi bilan to`ldirishi kerak va shunda o`quv jarayoni mukammalashadi chunki har bir inson uziga xos uslub va unga xos shaxsiy xislatlarga ega.

Fan va texnikaning rivojlanishi o`quvchilarni bilimlar oqimiga va voqealar to`lqiniga bo`lgan qiziqishini kuchaytirmoqda. Bugungi kun nuqtai-nazaridan qaraydigan bo`lsak, o`quvchilar bilim faoliyati yuqori, aqliy faoliyati yaxshi va mustaqil fikrlay olishi zarur. O`quvchilardagi bunday xislatlarni maktab o`qituvchilari rivojlantirib boradilar. Mustaqil yurtimiz ravnaqi uchun, kelajak avlodimiz uchun bunday sharafli ishda mas'uliyat bilan ishlash har bir pedagogning burchi hisoblanadi. Bunday mas'uliyatli ishni hal etish o`quvchilarni chuqur va mustahkam bilimlar bilan qurollantirish, fanga qiziqtirish, mustaqil ishlash va fikrlashga qaratishni uslubiga bog`liq. Har qanday mutaxassis o`z ishi metodikasiga qanchalik e'tibor bersa, u shunchalik katta natijalarga erishadi.

Kimyo o`qitish metodikasi asosida quyidagi metodologik yo`nalishlar mavjud:

1. Umumiy dialektik uslub, bunda tushunchalarning fikrlash davomida rivojlanishi, o`qitishning har xil qismlarining o`zaro bog`liqligi, ichki qarama-qarshilikning o`zaro bog`liqligi, ularni yechishda muammoli yondashish.

2. Sistematik-struktur yondashish, bunda o`qitish uchun asosiy bo`limlarni ajratish, ularning o`zaro bog`liqligini topish, hamda elementlar o`zaro ta'sirining barqarorligini, yaqinligini ko`rsatish va maktab kimyo o`qitish metodikasini birligini ko`rsatish.
3. Yuqoridagi metodik kategoriyalarni uchta o`qitish funkziyalari: bilim berish, tarbiyalash va rivojlantirishga asoslanib qarash.
4. Kimyo o`qitish metodikasining asosini didaktik yondashish orqali qarab chiqish.

Kimyo o`qitish metodikasida o`qitish uslubini didaktik tarbiyalashni tarbiya qonuniyatlari, bilimini rivojlantirishni-psixologiya fanlari o`rgatadi. O`qitish davrida bu uchala tarkibiy qismlar o`zaro ta'sirlanadi va kimyo o`qi tish metodikasi asosida turadi. Demak, kimyo o`qitish metodikasi maktabda o`quvchilarga bilim berish, tarbiyalash va bilimini rivojlantirishni kimyo darslarini o`qitish davomida o`rgatadigan pedagogik fan ekan.

Kimyo o`qitish metodikasi falsafa, siyosiy iqtisod kimyoviy va boshqa tushunchalar bilan kelajak o`qituvchinini qurollab, o`rta maktab sharoitiga moslashishiga tayyorlaydi.



Kimyo fanining xulosalari hayot bilan chambarchas bog`liq holda bo`lishini va falsafali talqin qilishini talab qiladi. Kimyo o`qitish o`quvchilarda asta-sekin kimyoviy dunyoqarash hosil qilinishi kerak. Bu esa kimyo o`qituvchisining oldiga quyidagi vazifalarni qo`yadi:

- kelajagi buyuk mustaqil O`zbekistonimiz uchun o`quvchilarni hozirgi zamon kimyo fani asoslarini ongli ravishda va puxta o`zlashtirishga erishishi;
- o`quvchilarni kimyoning atrofdagi tabiatni izohlab berish va undan foydalanish uchun zarur bo`lgan ilmiy asoslari bilan tanishtirish;
- o`quvchilarda tabiatga to`g`ri, materialistik nuqtai nazardan qarash xususiyatlarini hosil qilishga alohida e'tibor berish;
- o`quvchilarni ilmiy bilishning vositalaridan biri bo`lgan kimyoviy eksprimentdan foydalana oladigan qilib tarbiyalash;
- o`quvchilarni mehnatga o`rgatish-ularni kelgusi amaliy faoliyatga tayyorlash zarurdir;
- o`quvchilarni kimyo faniga nisbatan qiziqishlarini yanada orttirish;
- o`quvchilarni mustaqil ravishda izlanuvchanlikka va bilim olishga o`rgatish;
- o`quvchilarda kundalik turmushda, hayotda bo`ladigan o`quv va malakalarini hosil qilish;
- o`quvchilarning qo`lidan keladigan ijtimoiy foydali ishga jalb qilish;

- kimyo fanining hayotimizdagi ahamiyatini tushuntirish;
- jismoniy baquvvat, aqlan yetuk insonlar darajasiga etqazish;
- elementlar davriy qonuni va davriy sistemasi bilan konkret tanishish kimyo kursining asosiy mazmunini tashkil etadi;

Shu o`rinda yana bir fikrni keltirib o`tish joizdir. O`qituvchi kimyo o`qitish jarayonida, o`quvchilarni:

a) moddalarni bilib olish va ular bilan ishlay bilishga;
b) kimyoviy hodisalarni kuzatish va ularni izohlab berishga;
v) laboratoriyadagi asbob uskunalar bilan ishlay olishga;
g) eng muhim kimyoviy operatsiyalarni bajarishga;
d) osonroq kimyoviy tajribalarni bajara olishga;
e) kimyoviy masalalarni yecha olishga;
j) darsliklardan, qo`llanmalardan va boshqa kimyoviy adabiyotdan foydalana olishga o`rgatib borishi kerakdir.

MATEMATIKA O`QITUVCHISI UCHUN MS EXCEL ELEKTRON JADVALIDAN FOYDALANISH

Aslonov U – Buxoro VPKQTMOI Tabiiy va aniq fanlar kafedrasi katta o`qituvchisi
Hasanov A – Buxoro VPKQTMOI MO`HMM rahbari

Hozirgi paytda kompyuterlar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Shu bilan bir qatorda maktablarimiz ham kompyuter sinf xonalari bilan jihozlanayapi. Kompyuterlardan ta’lim-tarbiya jarayonida foydalanish, nafaqat IHTA o`qituvchisi balki barcha fan o`qituvchilari o`z ish faoliyatlarida qo`llashlarini zamon talab etayapti. Shuning uchun ham hozirgi davrda o`qituvchilarning o`z kompyuter savodxonliklarini oshirishlari zarur bo`lib qoldi.

Hozirgi zamonaviy kompyuterlarning MS Word, MS Power Point, Paint, MS Excel kabi dasturlari o`qituvchilarning o`z ish faoliyatlarini tashkillashtirishda, dars ishlanmalari, taqdimotlar yaratishda hamda test sinovlarini o`tkazishda, test natijalarini tahlil qilishda qulay vosita hisoblanadi.

Quyida biz matematika o`qituvchisining o`z pedagogik faoliyatida Excel elektron jadvalidan foydalanishi mumkin bo`lgan ba’zi bir misollardan namunalar keltiramiz.

1. Arifmetik progressiyaga doir misol.

Arifmetik progressiyaning birinchi hadi a_1, ayirmasi d beriladi. Arifmetik progressiyning dastlabki 10 hadi yig`indisi topilsin.

Arifmetik progressiyaning birinchi hadi a_1 A1 katakka kiritiladi. Uning ayirmasi d B1 katakka kiritiladi. A2 katakka =A1+B1 formula kiritiladi. A2 katakdan A3, A4, … , A10 kataklarga nusxa ko`chiriladi. $S_n$ arifmetik progressiyaning n ta hadi yig`indisi A11 katakka A1:A10 kataklarning jamisi hisoblanadi.

Birinchi o`quvchiga a1=4, d=7 qiymat berilib javob Sn=355 qiymat, ikinchi o`quvchiga a1=3, d=5 qiymat berilib javob Sn=185 qiymat, vahokazo 30 ta o`quvchiga qisqa vaqt davomida 30 ta topshiriq va ularning javob variantlarini hosil qilib olish mumkin.

2. Geometrik progressiyaga doir misol.

Geometrik progressiyaning birinchi hadi b_1, maxraji q beriladi. Geometrik progressiyning dastlabki 10 hadi yig`indisi topilsin.

Geometrik progressiyaning birinchi hadi b_1 A1 katakka kiritiladi. Uning maxraji q B1 katakka kiritiladi. A2 katakka =A1*B1 formula kiritiladi. A2 katakdan A3, A4, … , A10 kataklarga nusxa ko`chiriladi. $S_n$ geometrik progressiyaning n ta hadi yig`indisi A11 katakka A1:A10 kataklarning jamisi hisoblanadi.

Birinchi o`quvchiga b1=1, q=2 qiymat berilib javob Sn=1023 qiymat, ikinchi o`quvchiga b1=2, q=2 qiymat berilib javob Sn=2046 qiymat, vahokazo 30 ta o`quvchiga qisqa vaqt davomida 30 ta topshiriq va ularning javob variantlarini hosil qilib olish mumkin.

3. Kvadrat tenglamalarni yechish mavzusiga doir.

Kvadrat tenglamaning oldindan berilgan x1, x2 yechimlari va a hadi asosida b, c hadlarini hosil qilamiz. A1 katakka ‘x1=’, B1 katakka 1,5, A2 katakka ‘x2=’, B2 katakka 4, A3 katakka ‘a=’, B3 katakka 2 sonlari, A4 katakka ‘b=’, A5 katakka ‘c=’ matnlari kiritiladi. Viyet teotemasiga asosan, B4 katakka =-B3*(B1+B2), B5 katakka =B3*B1*B2 formulalari kiritiladi.

Shunday qilib biz x1=1,5, x2=4 va a=2 qiymatlar uchun $2x^2$-11x+12=0 kvadrat tenglamani olamiz. B1, B2 va B3 kataklarga 2, 3, 1 qiymatlarni berib x^2-5x+6=0 ko`rinishdagi kvadrat tenglamani hosil qilib olamiz. Shunday qilib biz B1, B2 va B3 kataklarga ixtiyoriy qiymatlar berib qisqa vaqt mobaynida juda ko`p kvadrat tenglama variantlarini hosil qilib olishimiz mumkin.

4. Ikki noma’lumli chiziqli tenglamalar sistemasini yechishga doir.

MS Excel da $\begin{cases} a_1x + b_1y = c_1 \\ a_2x + b_2y = c_2 \end{cases}$ ko`rinishdagi Ikki noma’lumli chiziqli tenglamalar sistemasini yechishni ko`rib o`tamiz. A1 katakka a_1, B1 katakka b_1, C1 katakka c_1, A2 katakka a_2, B2 katakka b_2, C2 katakka c_2 hadlarning qiymatlarini kiritamiz.

A3 katakka “x=”, A4 katakka “y=«matnlarini, B3 katakka =(B2*C1-B1*C2)/(A1*B2-A2*B1) formulasini, B4 katakka =(A1*C2-A2*C1)/(A1*B2-A2*B1) formulani kiritamiz.

Natijada biz Excel electron jadvalida ikki noma’lumli chiziqli tenglamalar sistemasini yechadigan dasturni hosil qilamiz. Masalan, A1 katakka 3, B1 katakka 4, C1 katakka 17, A2 katakka 4, B2 katakka -2, C2 katakka 8 qiymatlarini kiritsak, x=3 va y=2 yechimlarni hosil qilamiz.

OPTIK TUSHUNCHALARNI TIZIMLI BOG`LANISHLLARNI LOYIHALASHTIRISH

Qudratov E, Bisenova B, XushvaqtovB Navoiy DPI.”Fizika va astronomiya o`qitish metodikasi” kafedrasi

Fizika fanini o`qitish o`ta murakkab va ko`p qirrali bo`lib, inson dunyoqarashining shakllanishiga o`ziga xos hissa qo`shadi. Fizikaning texnologik va amaliy tadqiqotlarining keng ekanligi uni fan-texnika taraqqiyotining asosiy quroliga aylantirdi. Demak, fizika fanini o`qitish jarayonida o`qituvchi o`z fanining yuqorida aytilgan muhim tomonlarini o`quvchilarga yetarli darajada yetkaza oladigan tayyorgarlikka ega bo`lishi lozim. Chunki fizik bilimlarning asosiy elementlari deyilganda ilmiy dalillar, tushunchalar, kattaliklar, qonunlar, nazariyalar va qo`llanilish sohalari to`g`risidagi tushunchalar kiradi.

Shuning uchun yosh avlodga tabiiy fanlarni o`qitishda uzviylashgan tizimlar tarzda tashkil etilishi, qo`yilgan maqsadga erishish uchun o`quv-biluv jarayonini turli metod va usullardan foydalanib bayon etish lozim. Buning uchun dars jarayonida o`qitishning an’anaviy usullari bilan birga yangi pedagogik texnologiyalarni qo`llash yaxshi samara beradi. An’anaviy usulda, bir xil ritmda dars o`tish o`quvchilarda zerikish, mavzudan chalg`ish xissini uyg`otadi. O`rta maxsus ta’lim tizimida o`quvchi-yoshlarga bilimlarni uzviylashgan tizimli tarzda taqdim etishda o`quvchi shaxsini har tomonlama rivojlantiruvchi o`qitishning faol metodlari sirasiga kiruvchi qo`yidagi tizimlardan foydalanish maqsadga muvofiq:

Birinchi tizim — *modellashgan mashqlar*. Dars jarayonida aniq bir muammoli vaziyat vujudga keltiriladi. O`quvchilarga muammoni yechish bosqichlari taqsimlanadi, maqsad tushuntiriladi. Natijada o`quvchilar mazkur tizim doirasida kuzda tutilgan maqsadga erishishlari kerak bo`lgan bosqichlarni tanlab oladi.

Aytaylik, “Optika»bo`limidagi “Yorug`lik dispersiyasi” mavzusida o`quvchilarga moddalarda yorug`likning tarqalishi, yorug`lik dispersiyasi, prizmada yorug`lik dispersiyasi, nur sindirish ko`rsatkichi, sindirish ko`rsatkichining tulqin uzunlikka bog`liqligi kabi fizik parametrlarni ifodalarini bayon etish talab qilinadi.

Ikkinchi model — *tadqiqot darsi*. O`quvchilar oldiga yuqoridagi mavzuning amaliy qo`llanilish sohalari muammo sifatida qo`yiladi. Ular mazkur muammoni yechish yo`llarini izlaydilar, turli fikrlarni bildiradilar. So`ngra o`quvchilarga faktlarga asoslangan material taqdim etiladi, masalan, yorug`likning fizik xossalardagi fizik parametrlarning amaliy qo`llanish soha(astronomik kuzatishlar, tibbiyot asboblari, xarbiy texnikalardagi ko`rish asboblari)laridagi o`rni ilmiy jihatdan asoslab beriladi.

Uchinchi tizim — *guruhiy ta'lim berish*. Ta'lim berish jarayonida mustahkamlash va baholash bosqichlarida o`quvchilarni kichik guruhlarga ajratib, tabiatdagi optik hodisalar, optik qonuniyatlar, ularning matematik modellari, qo`llanilish sohalari va amaliy ahamiyati kabi tushunchalar guruhlar tamonidan bayon etiladi

Turtinchi tizim — *modulli ta'lim berish*. Modulli ta'lim berishda o`qituvchi va o`quvchi orasidagi muloqot turi o`zgaradi. Masalan, "Yorug`lik dispersiyasi" mavzusi bo`yicha nazariy va amaliy jihatdan ma'lum bir ko`nikmalarga ega bo`lgach mavzu yuzasidan laboratoriya ishini bajarish tavsiya etiladi. Bu laboratoriya ishini bajarish jarayonida o`quvchi yuqoridagi fizik kattaliklarning son qiymatlarini aniqlaydi, hisoblab topilgan qiymatlarning xatoliklarini tekshiradi, nazorat savollariga javoblar topadi va xulosa chiqaradi.

Beshinchi tizim — *loyihalash metodi*. Loyihalash metodi ta'lim berishning shundayi shakliki, unda o`quvchilar qo`yilgan maqsadga erishishlari uchun ijodiy harakat qilish, bajariladigan ish va harakatlarini birgalikda rejalashtirish, yakuniy natijaning taqdimotini yaratish, hamda o`z fikirlarini ximoya qilish imkoniga ega bo`ladilar.

Qo`yida biz *guruxiy ta'lim beris* modelini "Yorug`lik dispersiyasi" mavzusiga tadbiq etgan holda fizik kattaliklarni kichik guruhlar yordamida ajratib olamiz: mavzudagi fizik qoida va qonunlar, tuli xil moddalarning tulqin uzunlikka bog`liqligi, mavzuga oid formulalar, qo`llanilish sohalari va hakozo. Bunda ular qo`yidagicha taqdimotlarni tavsiya etish mumkin:

Ҳар хил моддаларда синдириш кўрсаткичининг тўлқин узунлигига боғлиқлиги

λ тўлқин узунлиги (ранги)	Синдириш кўрсаткичи			
	Шиша, оғир флинт	Шиша, енгил минерал	Углерод сулфиди	Сув
656,3 (қизил)	1,6444	1,5145	1,6219	1,3311
589,3 (сариқ)	1,6499	1,5170	1,6308	1,3330
486,1 (ҳаворанг)	1,6657	1,5230	1,6799	1,3371
404,7 (гунафша)	1,6852	1,5318	1,6990	1,3428



Mazkur tizimli bog`lanishning o`ziga xos xususiyati shundan iboratki, kichik guruhlar yuqoriagi fizik tushunchalarni uch, to`rt yoki bir necha xil ko`rinishda bayon etadi.

Yuqoridagi tizimlardan tashqari o`qituvchi intellektual salohiyati samarasida munozara darslarini ham o`quv jarayoniga tatbiq etish mumkin

Ushbu tizimlar yordamida o`qituvchi o`quvchi bilan individual suxbatlashishi, uning fikrlashini faollashtirib borishi, o`quvchini rag`batlantirib turishi, erkin fikrlash va mustaqil ishlashga yullash samaradorligini oshiradi.

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ КОНТРОЛЯ ЗНАНИЙ ПО МАТЕМАТИКЕ

Камолов И – преподаватель кафедры»Естественных наук»БухОИП и ПКРНО

Для обучения, развития и воспитания современных детей недостаточно традиционной системы обучения. Необходимо использовать такие методы, приемы и средства обучения, чтобы ребятам на уроке было интересно. Только в этом случае повышается познавательная активность школьников, мышление начинает работать более продуктивно и творчески.

Успешное обучение математике в значительной мере связано не только с повышением уровня мотивации к учению, но и с организацией контроля и проверки знаний учащихся. Это побуждает учителей более тщательно подходить к проблеме контроля знаний школьников, искать новые формы и методы контроля.

Интенсивное внедрение в учебный процесс новых информационных технологий обучения открывает широкие перспективы относительно углубления и расширения теоретической базы знаний, активизации познавательной деятельности, создания условий для раскрытия творческого потенциала учащихся, а также становится почти незаменимым помощником во время создания контролирующих заданий для учащихся, привлечения их к самостоятельной и поисковой работе. Поэтому нужно выработать систему, в которой гармонично соединились бы традиционное обучение и обучение с использованием информационных технологий.

Однако не следует думать, что применение компьютера на уроке – это залог его успешности. Необходимо тщательно продумывать структуру урока, применяемые методы, приемы и средства обучения, целесообразность применения тех или иных информационных ресурсов.

Применять компьютерные программы можно на любом этапе урока: при изучении нового материала, закреплении, на обобщающих уроках, при повторении. Конечно, для того, чтобы использовать ИКТ, и учитель, и ученик должны быть знакомы с технологией работы на компьютере. Данный момент нужно учитывать при планировании программного материала.

Таким образом, включение в урок информационно-компьютерных технологий делает процесс обучения математике интересным и занимательным, облегчает преодоление трудностей в усвоении учебного материала.

Во время проведения учителем проверки знаний и умений учащихся необходимо пытаться реализовывать все функции контроля: диагностическую, учебную, развивающую, воспитательную, стимулирующую и корректирующую. Это не всегда удаётся с использованием традиционных методов контроля. Использование тестовых заданий дает возможность обеспечить не только диагностическую и корректирующую функции контроля, но и обучающую. Это приводит к расширению возможностей использования тестовых заданий на разных этапах учебного занятия и увеличению эффективности обучения. Тестовые задания можно использовать как во время проведения занятий, так и для самостоятельной подготовки учащихся к будущим проверкам, а также для самоконтроля.

Использование компьютера позволяет создать информационную обстановку, стимулирующую интерес и пытливость ребенка. При этом практически неограниченно увеличивается количество тренировочных заданий; достигается оптимальный темп работы ученика; легко достигается уровневая дифференциация обучения; поддерживается интерес у ребенка, его активность на протяжении всего урока.

В своей практике я применяю использование тренажеров, обучающих и контролирующих программ по отдельным темам курса математики для работы с учащимися, способными достаточно быстро усваивать учебный материал на обязательном уровне. Такие ученики поочередно работают в индивидуальном режиме за компьютером и после успешного выполнения заданий переходят к упражнениям более высокого уровня сложности. Учитель в это время с классом отрабатывает материал обязательного уровня обучения. Такая деятельность позволяет этой группе учащихся не скучать, не расслабляться, а быть занятыми собственным делом.

Разнообразить, сделать более увлекательной, наиболее объективной проверку знаний учащихся позволяют готовые электронные издания. Они обеспечивают вариативность представления информации и форм контроля – текст, графику, звук, видео и применяются на уроках математики как дополнительные учебники, позволяющие осуществлять подготовку учителя к урокам, а также для подготовки учащихся к олимпиадам, конкурсам.

Множество методических новинок, большая медиатека, книги, видео-лекции, занимательные математические факты, различные по уровню и тематике задачи, истории из жизни математиков помогают ученикам окунуться в удивительный и увлекательный мир математики.

Работая с презентацией, в первую очередь необходимо определиться с целесообразностью её применения. Например, если слайд содержит динамические фрагменты, повышающие эффективность процесса усвоения новых знаний учащимися, то его применение на уроке более обоснованно, чем статистических слайдов.

С помощью презентации успешно проходит взаимопроверка самостоятельных работ с помощью ответов на слайде, проведение тестов, рефлексии.

Проверку теоретических знаний учащихся целесообразно проводить при помощи заданий с использованием программы Microsoft Excel. В данной программе могут быть реализованы тестовые задания, кроссворды, диаграммы.

Осуществлять индивидуальный контроль в игровой форме можно при помощи флеш-анимированных заданий, что способствует снятию стрессовой ситуации и тем самым повышает результативность ответов учащихся.

Таким образом, ИКТ становятся неотъемлемой частью современного учебного процесса, способствующей повышению качества образования.

ПРИМЕНЕНИЕ ИКТ КАК НОВОГО СРЕДСТВА ИЗУЧЕНИЯ ФИЗИКИ

Сатторов Ф – БухОИП и ПКРНО

Физика – это фундаментальная наука, изучающая простейшие и вместе с тем наиболее общие закономерности явлений природы, свойства и строение материи и законы ее движения.

Среди всех учебных дисциплин физика – наиболее поддающийся компьютеризации предмет. Уже давно компьютер здесь успешно применяется для облегчения рутинной работы по выполнению расчетов. Но информационные технологии можно использовать и для изучения теоретического материала, тренинга, в качестве средства моделирования и визуализации и т.д. Выбор зависит от целей, задач и этапа урока (объяснение, закрепление, повторение материала, проверка знаний и др.).

В последнее время наблюдается понижение интереса к физике как предмету, а вместе с этим понижение уровня знаний. Эту проблему можно объяснить недостаточностью наглядного материала, отсутствием оборудования, дефицитом научной и дополнительной литературы, сложностью самого предмета. Возникшие проблемы связаны и с бурно и непрерывно растущим объемом человеческих знаний. В условиях, когда каждые несколько лет объем информации удваивается, классический учебник и преподаватель неизбежно становятся поставщиками устаревших знаний. Но также можно отметить и то, что число детей, умеющих пользоваться компьютером, стремительно растет, и эта тенденция будет ускоряться независимо от парадигмы школьного образования. Для И возникает вопрос, а почему бы не использовать новые педагогические возможности компьютера как **средства обучения**. Компьютер для учащихся – как источник получения новой информации и как инструмент интеллектуальной и в целом – познавательной деятельности. Работа на компьютере может (и должна) развивать также такие личностные качества, как рефлексивность, критичность к информации, ответственность, способность к принятию самостоятельных решений, наконец, толерантность и креативность, коммуникативные умения.

Компьютер для учителя – современное средство решения дидактических задач организации новых форм развивающего обучения.

В связи с этим можно отметить значение компьютеров в учебно-воспитательном процессе. Они:

Вписываются в рамки традиционного обучения.

Используются с успехом на различных по содержанию и организации учебных и внеклассных занятиях.

Способствуют активному включению обучаемого в учебно-воспитательный процесс, поддерживают интерес.

Дидактические особенности компьютера:

Информационная насыщенность.

Возможность преодолевать существующие временные и пространственные границы.

Возможность глубокого проникновения в сущность изучаемых явлений и процессов.

Показ изучаемых явлений в развитии, динамике.

Реальность отображения действительности.

Выразительность, богатство выразительных приемов, эмоциональная насыщенность.

Такое богатство возможностей компьютера позволяет внимательнее отнестись к изучению его в роли нового дидактического средства.

Рассмотрим возможности ИКТ как средства изучения физики.

Для поиска и получения знаний, их хранения и передачи человек искал и находил дополнительные средства, которые оказывали значительное, подчас революционное, влияние на жизнь общества. Письменность, печатный станок, телефон, телевидение и, наконец, сеть Internet – вот наиболее впечатляющие вехи в передаче знаний.

Образование – непрерывный и динамичный процесс, который должен продолжаться и за пределами урока. И не последнюю роль здесь играет способность учителя заинтересовать ученика, в том числе, и посредством применения современных технологий.

Проблема нехватки демонстрационных средств стала разрешима – первоначально, подключение телевизора к компьютеру, далее – использование мультимедиа проектора.

Применение цвета, графики, звука, современных средств видеотехники позволяет моделировать различные ситуации и среды. Это позволяет усилить мотивацию учащихся к учебе.

Особенности психологического развития учащихся при применении ИКТ на уроке.

Ведущей деятельностью для всех школьных возрастов является учение. Ведущей деятельностью среднего школьного возраста является взаимодействие и общение школьника в ходе учения с другим человеком (взрослым, сверстником), что сближает учение в этом возрасте с разными видами общественно полезной деятельности.

Увеличивается число учебных предметов, которые усваивает ученик; появляется несколько учителей; усложняется материал школьных программ и т.д. И грамотное применение современных компьютерных технологий на уроках позволяет сделать их интересными и красочными, живыми и динамичными. Развитие абстрактного, логического мышления детей происходит через образное.

Использование ИКТ как средства наглядности.

Из психологии известно, что поисковая деятельность более продуктивна и целенаправленна, если учебная проблема визуализирована (“вижу и думаю”). Поэтому на начало изучения новой темы очень, полезно предъявлять кадры с четкой формулировкой учебной проблемы (этап мотивации и постановки учебной проблемы).

И поэтому при изучении нового материала слайды совместно с натурным экспериментом создают единую активную познавательную среду, в которой учитель серией умело подобранных вопросов и заданий возбуждает и направляет мысль учащихся к новым теоретическим выводам. Далее в ходе закрепления уточняет, корректирует понимание учащимися нового знания, формирует первоначальные умения.

Таким образом, так как уроки физики отличаются постоянным дефицитом времени и сложностью оборудования преимущества включения ИКТ по сравнению с традиционными многообразны. К ним, кроме возможности более наглядного представления материала, что способствует развитию и образного, и логического мышления, кроме эффективной проверки знаний и т.д., можно отнести и многообразие организационных форм работы учащихся, методических приемов. Но при всем этом, здесь должен действовать и принцип необходимости и достаточности. Все пользователи (в том числе и дети) должны знать о вредных аспектах работы на компьютере и о некоторых мерах безопасности и профилактики – этому тоже надо обучать.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Астанов И.Тошкент Давлат юридик университети. Юридик фанлар номзоди.

“Бумеранг» технологияси.

1 – вариант.

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта билиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс давомида ўқитувчи томонидан барча талаба (ёки ўқувчи)ларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатидаўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) томонидан ўз баҳо (ёки балл) ларини эгаллашга имконият яратиш.

Технологиянинг қўлланилиши. Амалий машғулотлар, семинар ёки лабаратория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда якка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланилиши мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар. Талаба (ёки ўқувчи) дарс жараёнида мустақил ўқишлари, ўрганишлари ва ўзлаштириб олишлари учун мўлжалланган тарқатма материаллар (ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича қисқа матнлар, суратлар, маълумотлар).

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

- талаба (ёки ўқувчи)лар кичик гуруҳларга ажратилади;
- талаба (ёки ўқувчи)лар дарс (машғулот)нинг мақсади ва тартиби билан таништирилади;
- талаба (ёки ўқувчи)ларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади;
- берилган матнлар талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан якка тартибда мустақил ўрганилади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади;
- янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бир гуруҳ ичида навбат билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар, матнни ўзлаштириб олишларига эришадилар;
- берилган маълумотларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан савол-жавоб қиладилар;
- янги гуруҳ аъзолари дастлабки ҳолатдаги гуруҳларига қайтадилар;
- дарснинг қолган жараёнида талаба (ёки ўқувчи)лар билимларини баҳолаш ёки тўплаган балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси»тайинланади;
- талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан барча матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчи (ёки оппонент гуруҳ) талаба (ёки ўқувчи)ларга саволлар билан мурожаат этадилар, оғзаки сўров ўтказадилар;
- саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларни тўплаган умумий баллари аниқланади;
- ҳар бир гуруҳ аъзоси томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузилади;

- гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади (“гуруҳ ҳисобчилари»берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб борадилар);
- гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланади;
- гуруҳлар тўплаган умумий баллар гуруҳ аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

2 – вариант.

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материалларини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга мўлжалланган бўлиб, оғзаки ва ёзма иш шакилларида амалга оширилиши мумкин. Технология машғулот мобайнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариш, навбат билан талаба (ёки ўқувчи) ёки ўқитувчи ролида бўлиш ва мос балларни тўплаш имкониятини беради.

“Бумеранг»технологияси талаба (ёки ўқувчи)ларга танқидий фикрлаш, уларда мантиқни шакиллантиришда имконият яратади, шунингдек уларнинг хотирасини, ғояларини, фикрларини, далилларини ёзма ва оғзаки шакилларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур услуб талаба (ёки ўқувчи)ларга таълим билан бир қаторда тарбиявий характердаги:

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомалалилик;
- хушфеъллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- фаоллик;
- ишга ижодий ёндошиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини баҳолаш каби қатор сифатларини ҳам шакиллантириш имкониятини беради.

Технологиядаги асосий тушунчалар:

Очиқ саволлар – бундай саволлар муомала қилиш ва ўзаро сўзлашувни давом эттиришга имкон беради, шу билан бирга уларга қисқа, бир хил жавоб бериш учун эмас.

Ёпиқ саволлар – бундай саволлар олдиндан “ҳа»ёки “йўқ” туридаги тўғри ва очиқ жавобларни беришни кўзда тутади.

Кўндаланг сўроқ - талаба (ёки ўқувчи)лар бир-бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қаторидан иборат бўлиб, ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар эгаллаган ҳолатини аниқлаш, шунингдек муаян қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўроқ пайтида ўзаро мунозарага киришиш мумкин бўлмай, балки фақат саволлар берилишига рухсат берилади.

“Муаммо» технологияси

Технологиянинг мақсади: талаба (ёки ўқувчи)ларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишларига ўргатиш, уларда муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шаиллантириш, муаммони ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва муаммони ечишда мос услубларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммони келиб чиқиш сабабларини ва уни ечишдаги ҳатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларни гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштиргандан сўнг, машғулотни ўтказиш-тартиб қоидалари ва талабларини тушунтиради, яъни у машғулотни босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич талаба (ёки ўқувчи)лардан максимум диққат-эътибор талаб қилишини, машғулот давомида улар якка, гуруҳва жамоа бўлиб ишлашларини айтади. Бундай кайфият талаба (ёки ўқувчи)ларга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва бажаришга

қизиқиш уйғотади. Машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади:

- талаба (ёки ўқувчи)лар томонидан машғулот учун тайёрланган кинолавҳани диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарларига белгилаб қўйиш (агар кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи ўқув предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бирор муаммо баён қилинган матн, китобдаги ўқув материалидан фойдаланиши мумкин);
- ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ушбу лавҳадан (расмдан, матндан, ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни ватман ёки А-3 форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқади;
- берилган аниқ вақт тугагач, тайёрланган ишни гуруҳ вакили томонидан ўқиб эшиттирилади;
- ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатилади;
- тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;
- ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Масалан:

Муаммонинг тури	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечиш йўллари ва Сизнинг ҳаракатларингиз
Тоза ичимлик сувининг камлиги	Сувни тоза сақлашга эътиборнинг камлиги	Табиат ва сувни сақлашга оид тадбирлар ўтказиш

- якка тартибдаги фаолият тугагандан сўнг ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) бажарган таҳлилий ишини барчага ўқиб эшиттиради;
- муаммолар ва уларнинг ечими бўйича жамоавий фикр алмашилади;
- ҳимоядан сўнг ўқитувчи машғулотга якун ясайди. Кичик гуруҳларга қизиқарли ишлари учун миннатдорчилик билдиради.

Бундай технология билан ўтказилган машғулот натижасида талаба (ёки ўқувчи)лар қайсидир муаммони ечишдан аввал унинг сабабини аниқлаши кераклигини, кейин эса уларга зарур бўлган услуб ва усулларни танлаши ҳамда ўз ҳаракатларини аниқ белгилаб олишлари кераклигини билиб оладилар.

ФСМУ технологияси.

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўқув машғулотлари ҳамда ўтилган мавзу ва бўлимлардаги баъзи мавзулар, муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида ёки ўқув режаси асосида бирор-бир бўлим ўрганилгач қўлланилиши мумкин. чунки бу технология талаба (ёки ўқувчи)ларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан қаторда ўқувчи-талабалар томонидан ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга ва эгаллаганлик даражасини аниқлашга, баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ушбу технология талаба (ёки ўқувчи) ларни тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи ҳар бир талаба (ёки ўқувчи)га ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларини тарқатади ва якка тартибда уларни тўлдиришни илтимос қилади. Бу ерда:
- **Ф**-фикрингизни баён этинг;

- **С**-фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;
- **М**-кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;
- **У**-фикрингизни умумлаштиринг.
- ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)лар билан баҳс мавзуси (ёки муаммо)ни белгилаб олади;
- якка тартибдаги иш тугагач, талаба (ёки ўқувчи)лар кичик гуруҳларга ажратилади ва ўқитувчи кичик гуруҳларга ФСМУ технологиясининг тўрт босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади;
- кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда тўрт босқич бўйича ёзишларини таклиф этилади;
- ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ёзган фикрларинижамоа ўртасида ҳимоя қилишларини сўрайди;
- машғулот ўқитувчи томонидан муаммо бўйича билдирилган фикрларни умумлаштириш билан якунланади.

OLIY O`QUV YURTLARIDA EKOLOGIYA DARSLARINI O`QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VOSITALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Ataqulova M – Navoiy davlat pedagogika instituti

XXI asr axborot asridir. Hozirgi vaqtda oily ta`lim tizimida axbotot texnologiyalari vositalaridan foydalanish, komyuterda dasturlash, ilmiy-tadqiqot natijalarini modellashtirish keng qo`llanilib kelinmoqda. Ta`lim tizimining bugungi qiyofasi tubdan o`zgarmoqda. Bular to`g`risida "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"da ta`limning tabiiy yo`nalishi bo`limida ko`rsatib o`tilgan. Bunda o`zlashtirish talablarining tabiat haqidagi dunyoqarashini yanada boyitish, ularda mustaqil fikrlash tuyg`ularini qaror toptirish, komyuter texnologiyalarini mukammal o`zlashtirish, olingan nazariy va amaliy bilimlarni amaliyotga tatbiq etishni amalga oshirishga qaratilganligi bilan belgilanadi. [1].

Axborot texnologiyalarining hozirgi zamon taraqqiyoti hamda yutuqlari fan va inson faoliyatini barcha sohalarini axborotlashtirish zarurligini ko`rsatmoqda va mana shu narsa jamiyatning axborotlashtirilishi uchun asos bo`ladi.

Ta`limning zamonaviy texnologiyalar asosida tashkil etish jarayonida o`quv fanini o`zlashtirmoqchi bo`lgan ta`lim oluvchining kayfiyati, qiziqishlari, hayot tarsi, aqliy va kasbiy qobiliyati kabi xususiyatlari maydonga chiqadi. Pedagogik va axborot texnologiyalardan foydalanib ta`lim oluvchilarning fanlararo integratsiyada, integrativ yondashuv asosida ta`lim berishi, kasbiy rivojlanishi uchun qo`yidagi imkoniyatlari mavjud.

- ko`p marotaba foydalanishga mo`ljallangan o`quv materiallarini yaratish
- internet orqali talabalarning o`zaro fikr almashinuvi
-mavzuni tushinarli qiluvchi mul`timediyali materiallarini tayyorlash
- ta`lim oluvchilar ishini samarali boshqarish, saqlash va olib boorish hamda vaqtni tejashdan iborat. [2]..

Talabalar pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalangan holda nafaqat o`z bilimlarini yangilaydilar, balki nazariy bilimlarini orttiradilar. Zamonaviy axborot texnologiyalarini qo`llash talabalarni dars jarayoniga qiziqtirish, ularni faolligini oshirish uchun xizmat qiladi. Bu boradagi ishlarni rivojlantirish maqsadida respublikamizning 2005 yil 29-dekabrda "Ziyonet"axborot texnologiyasini rivojlantirish to`g`risidagi"gi, 2011 yilda "Axborot-kutubxona faoliyati to`g`risida"gi, 2002 yilda "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to`g`risida"gi, 2005 yilda "Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada rivojlantirishga oid qo`shimcha chora-tadbirlar to`g`risida"gi, 2012 yilda "Alisher Navoiy nomidagi O`zbekiston milliy kutubxonasi-axborot resurs markazi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to`g`risida"gi, 2012 yilda "Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada joriy etish va rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi, 2005 yilda "O`zbekiston Respublikasining jamoat ta`lim axborot tarmog`ni tashkil etish to`g`risida»gi Qarorlari qabul qilingan [1]..

Xususan, Ekologiya darslarini o`qitishda ham axborot vositalaridan foydalanish, jonli hujjatli fil`mlarni qo`yib berish talabalarni ko`rish va esda qolish qobiliyatini shakllantiradi. Ekologiya darslarida “Global ishish”, “Orolning hozirgi holati”, “Chiqindisiz texnologiyalardan foydalanish”, “Organizmlarga radiatsiyaning ta`siri”, “Suv toshqinlari»kabi mavzulardagi hujjatli fil`mlarni qo`yib berish talabalarda ekologiyaga oid bilimlarni har tomonlama mukammal egallab olinishiga imkon beradi va insoniyatni tabiatga bo`lgan ta`sirini chuqurroq anglab etadilar. Bu ularda fanga bo`lgan qiziqishlarini orttiradi hamda tabiatning inson hayotida naqadar ahamiyatli ekanliklarini anglab yetishlariga sabab bo`ladi. Ayniqsa, hozirgi vaqtda dunyo bo`yicha har xil ekologik muammolarning vujudga kelishi, tabiat qonunlarini yaxshi bilmaslik, yoshlarda ekologik madaniyatni etishmasligi, atrof-muhitga insonning miyoridan ortiq ta`siri ekologiya fanini barcha ta`lim yo`nalishi talabalariga chuqur o`rgatishga asos bo`ladi. [3]..

Ekologiya darslarini o`qitishda zamonaviy axborot vositalaridan foydalanish bugungi kunda eng doljarb bo`lgan ekologik muammolarni oldini olishga hamda talabalarda Ona sayyoramiz tabiatiga ziyon etkazmasdan farovonlikni oshirishi, tabiiy boyliklardan oqilona foydalanishi va yashash muhitini toza saqlashdek muqaddas ishga munosib hissasini qo`shishda bilimlarini mukammal shallantirishda katta ahamiyarga egadir.

V ШЎЪБА

МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК - ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ш.Э. Неъматов, Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси,
Д.М. Рахмонова, Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси МТМ мутахассиси

Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир.
И.А. Каримов

Бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қарорлари айнан баркамол авлодни шакллантириш борасида яратилган асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. “Таълим тўғрисида”ги қарорда мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг дастлабки бўғини – пойдевори ҳисобланади.

Педагогик атамалар луғатида “мактабгача таълим”га қуйидагича таъриф берилган: “Мактабгача таълим – узлуксиз таълимнинг болаларни ақлий, маънавий, жисмоний ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга йўналтирилган дастлабки бўғини” эканлиги таъкидланган.

Бугунги кунда республикамизда 4916 та мактабгача таълим муассасалари бўлиб, мазкур муассасаларда нафар 54 058 нафар педагоглар фаолият кўрсатмоқдалар. Улардан 4916 нафари мудиралар, 1133 нафари услубчилар, 5057 нафари мусиқа раҳбарлари, 37680 нафари тарбиячилар, 600 нафари логопедлар, 887 нафари дефектологлар, 2142 нафари жисмоний тарбия йўриқчилари ҳамда 1629 нафари психологлар ҳисобланадилар. Мазкур муассасаларда жами 668 497 нафар тарбияланувчиларга таълим-тарбия берилмоқда.

Умуман мактабгача таълим муассасаларини шаҳар ва қишлоқлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2282 та муассасалар шаҳарларда, 2634 таси эса қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Шаҳар мактабгача таълим муассасаларида 399 465 нафар тарбияланувчилар, қишлоқ мактабгача таълим муассасаларида эса 269 032 нафар тарбияланувчилар таълим-тарбия олмоқдалар.

Республикамиз демократик давлат бўлганлиги учун хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам мавжуд. Хусусий мактабгача таълим муассасалари 83 тани ташкил этади. Уларда 5715 нафар тарбияланувчиларга таълим-тарбия берилмоқда.

Мактабгача таълим муассасалари учун яратилган “Болажон” таянч дастури қайта ишланиб, такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Болаларимизнинг тарбиясини маҳкам ушлашимиз лозим. Йўқ, болам, бундай эмас, мана бундай, сен кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлодисан, қандай бебаҳо маънавий мероснинг ворисисан, деган гапларни уларнинг қулоғига қуйиш керак. Бугун яхши яшаяпмиз, деб талтайиб кетмаслигимиз, оёғимиз ердан узулмаслиги зарур. Аслида бу ҳам жиддий бир хавф”, деб таъкидлайди.

Зеро, шундай экан, бугунги кун боласи, ўзининг ким эканлиги, кимнинг вориси эканлигини яхши билиши зарур. Бунинг учун эса мактабгача таълим муассасалари педагоглари тарбияланувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишлари талаб этилади. Бунда тарбияланувчилар билан ўтказиладиган мустақил фикрлаш, она ватанни мадҳ этишга ундовчи машғулотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ўтказиладиган машғулотлар орқали улар аста-секинлик билан нарса ва буюмларни, рангларни, шу билан

бир қаторда, эртакни шеърдан, шеърни топишмоқдан, мақолни тез айтишдан фарқлай бошлайдилар.

боришни тақозо қилади. Халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари болалар руҳий-маънавий дунёқарашини ривожлантиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳар бир жанр болаларда она-Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуси, ватанпарварлик ҳиссини Тарбиячилар мазкур жанрларни фарқлашни ўргатиш жараёнида бир қатор принципларга таянишлари лозим. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Турли жанрларнинг тушунарлилик принципи. Масалан, топишмоқлар, мақоллар, эртакларнинг тарбияланувчилар учун тушунарли бўлиши уни танлашнинг энг муҳим принципидир. Болалардан ушбу жанрларнинг мазмун-моҳияти билан чуқур танишишлари талаб этилади. Бу принцип болаларнинг билиш имкониятлари, қизиқишлари, лаёқатларини ҳисобга олиш, билиш имкониятларининг ўсиши билан эса юқорида кўрсатилган жанрларнинг мазмун-моҳиятини мураккаблаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда осондан мураккабга, маълумдан номаълумга қараб бориш принциплари ёрдам беради.

Ушбу жанрларларнинг болаларни руҳий-маънавий оламини ривожлантириш ва уларни тарбиялашга қаратилганлиги принципи. Ҳар қандай мақол, эртак, топишмоқ тарбияланувчилардан мустақил, эркин фикрлаш, ўз ақлий фаолиятини тарбиялаш, нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос белгиларини зукколик билан кузатиш, уларнинг инсон ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг моддий борлиқдаги ўрнини баҳолай билишни талаб этади. Бу эса, болаларнинг диққати, кузатувчанлиги, теварак-атрофга нисбатан зийраклиги, билимини мунтазам равишда ошириб уйғотади, она юрти ва унинг бой, гўзал табиатига нисбатан муҳаббатини оширади, эстетик дидини тарбиялайди.

Турли жанрларнинг кўрсатмалилиги принципи. Уларда нарса ёки ҳодисаларнинг белгиси, шакли, хатти-ҳаракати, ҳолати, вазифалари атайин яширинган ёки очиқ ҳолда тақдим этилади. Тарбияланувчилар учун эса ушбу жанрларни танлашда кўрсатмалилик принципи муҳим аҳамият касб этади. Шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, кўргазмали қуроллар болаларнинг қизиқишини оширади, уларнинг мазмунини тушунишни осонлаштиради. Болалар дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган турли диафильмлар, жонли ва жонсиз нарсаларни кўздан кечириш, нарса-предметлар тест, ребус ва техника воситалари топишмоққа жавоб топишни осонлаштиради.

Халқ оғзаки ижодининг турли жанрларининг машғулот мавзуси билан алоқадорлиги принщипи. Улар муайян мавзу доирасида аниқ тизимга солиниб, болаларга ниманидир ўргатиш мақсадида тизимлаштириб айтилиши болаларнинг дунёқараши ва билимни ривожлантиришга хизмат қилади ва машғулот мазмунини тушунишни анча енгиллаштиради.

Халқ оғзаки намуналари турли жанрларининг тарбияланувчилар реал билиш имкониятлари ҳамда қизиқишларига асосланганлиги принципи. Бу принцип, аввало, болаларнинг олдиндан ушбу жанрлар билан ишлашга ўргатилганлиги билан боғлиқ. Бунда болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Топишмоқлар, мақоллар, эртаклар мазмунини босқичма-босқич мураккаблашиб бориш принципи. Уларни болалар ҳукмига ҳавола этаётганда уларни босқичма-босқич мураккаблаштириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, кичик мактабгача ёшдаги болалар учун тили содда, кам сўзли топишмоқлардан фойдаланилса, катта мактабгача ёшли болалар учун ўйлаш, фикрлаш, қиёслаш ва хулосалар чиқаришни талаб қиладиган нисбатан мураккаброқ тузилишли топишмоқлар, мақоллар ёки эртаклар тавсия этилади.

Хлақ оғзаки ижоди турли жанрларидаги намуналарининг болалар фаоллигини оширишга қаратилганлиги прициpи. Бу принцип, аввало, халқ оғзаки намуналарига нисбатан қизиқиш уйғотиш билан белгиланади. Чунки ҳар қандай фаолликнинг замирида қизиқиш ётади. Қизиқиш орқали болалар билишга интиладилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда мактабгача таълим тизимини модернизациялаш, унинг мазмунини такомиллаштириш зарур.

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ФАОЛ, ИЖОДКОР СУБЪЕКТЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сафарова Р. – ЎзПФИТИ профессори, педагогика фанлари доктори, Халқаро Педагогика Фанлари Академияси академиги

Бугунги кунда ахборотлар жамият тараққиётида таъминловчи, шахсни ҳар томонлама ривожлантирувчи манбага айланмоқда. Шу билан бир қаторда аксарият ахборотлар ўзининг долзарблигини қисқа муддат ичида йўқотиб қўймоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ахборотлар оқимининг жадаллашуви ва уларнинг тез-тез янгиланаётганлигидадир. Бу эса ўқув ахборотларини тез-тез янгилашни тақозо қилмоқда. Бу эса таълимга узлуксиз педагогик жараён сифатида янгича нуқтаи назар билан ёндашишни талаб қилмоқда. Бу, ўз навбатида, бошланғич синфларда ўқувчилар олдига мақсадлар қўйиш истиқболлари оралиғини алмаштириш зарурлигини назарда тутади. Бошланғич таълим жараёнида ўқув-тарбиявий фаолиятнинг натижаси ўқувчиларнинг зарур ахборотларни излаб топиш, билимларни мустақил ўзлаштиришлари учун мазкур ахборотлардан фойдалана олиш кўникмасини шакллантиришдан иборат бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда ўқувчиларни ўз устларига масъулият олиш, муаммоларни биргаликда ечишга ўргатиш талаб этилмоқда. Бу эса ўқитишнинг иллюстратив тушунтиришга асосланган шаклидан фаолиятли шаклига ўтишни тақозо этади. Фаолиятли ўқув жараёнида ўқувчилар таълим жараёнининг фаол субъектига айланадилар.

Маълумки, синфда турли даражадаги ўзлаштириш имкониятига эга бўлган ўқувчилар таҳсил оладилар. Синфдаги ўқувчиларни ўзлаштириш даражаларига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўқув материалларини юқори даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар.
2. Ўқув материалларини ўрта даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар.
3. Ўқув материалларини паст даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда синфдаги барча ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Мазкур вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун модулли ўқитиш технологиялари катта имкониятларга эга. Ушбу технология доирасида ҳар бир ўқувчи билимларни ўзлаштириш билан бир қаторда уларни излаб топиш ва қўллаш кўникмасига ҳам эга бўлади. Натижада улар ўзлари ва имкониятларини объектив баҳолаш, мустақил ишлаш, синфдошлари ва катталарга кўмаклашиш, улар билан мулоқотга киришиш қва ўз меҳнати натижалари учун жавоб бера олиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Модулли ўқитиш технологиялари блокли ўқитиш воситаларининг ранг-баранг кўринишларига эга. Ўқув курси доирасида мавзувий блоклар ажратилади. Иккиламчи дидактика доирасида мазкур блокларни ўқитувчининг ўзи ҳам ажратиши мумкин. Бунда ўқитувчи ўзининг нуқтаи назарлари, ўқувчининг ўзлаштириш даражаларига таяниши лозим. Ўқитувчи соатлар миқдорини мақсадга мувофиқ тарзда тақсимлай олиши керак. Модулли ўқитиш технологияси доирасида ўқувчи ўқув дастурига мувофиқ тарзда фаолият кўрсатади. Мазкур дастур модуллардан ташкил топиши, индивидуал ҳамда табақалаштирилган ёндашувга асосланган бўлиши лозим. Модулли ўқитиш технологиялари мустақил билим олишга асосланиб, ўқув материаллари мазмуни ҳамда иш маромини бошқаришга мўлжалланган. Модулнинг ўзи ўқув курси мазмунини уч даражада ифодалайди:

а) тўлиқ;

б) қисқартирилган;

с) чуқурлаштирилган шаклларда.

Ўқув материаллари бир вақтнинг ўзида барча даражаларда тақдим этилиши мумкин. бунда қуйидаги шакллардан фойдаланиш назарда туитмилади:

- Рамзлар, яъни расмлар ва чизмалар ёрдамида тасвирлаш;
- Сўзлар, бунда сўз ёрдамида ёзиш, гапириб бериш;

- Чизмалар, яъни диаграммлар, чизмали ифодалар ёрдамида ўқув ахборотларини ўқувчиларга тақдим этиш имконияти вужудга келади.

Таълимий модулларга ўқув материалининг мустақил қисми сифатида қаралади. Улар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Аниқ шакллантирилган ўқув мақсадлари, яъни мақсадли дастур;
- Ахборотлар банки - таълимий дастур шаклидаги хусусий ўқув материаллари;
- Мақсадга эришиш имконини берадиган методик кўрсатмалар;
- Ўқувчиларда зарур кўникмаларни шакллантиришга қаратилган амалий машғулотлар;
- Муайян модул олдига қўйилган мақсадга эришилганлигини аниқлашга йўналтирилган назорат ишлари кабилар.

Ўқувчиларнинг ўқув ютуқларини текшириш ва назорат қилиш тизими, яъни беш балли баҳолаш рейтинг характерига эга. Рейтинг баҳолаш жорий, оралиқ ҳамда якуний назорат жараёнида амалига оширилади.

Модулли ўқитишнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари ва ижодий фаолият кўрсатишларини таъминлашдан иборат. Модулли ўқитиш жараёни ўзаро узвий алоқадор бўлган ўқув мақсадларини англаш асосида ташкил этилади. Шунинг учун модулли ўқитиш технологияларига асосланган ўқув жараёнининг самарадорлиги юқори бўлади. Агар ўқувчилар билимлаирни мустақил ўзлаштира олсалар, бу жараёнда ўқитувчилар уларни йўналтириш, фаолиятларини ташкил этиш, маслаҳатлар бериш, назорат қилиш билан мунтазам шуғулланадилар.

Модулли дарслар ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишлари, ўзаро мулоқотга киришишлари, бир-бирларига кўмаклашишлари, ўзлари ва ўртоқларининг ишларини баҳолай олишлари билан одатдаги дарслардан кескин фарқланади.

Модулли ўқитиш технологияси доирасида ҳар бир ўқувчининг дарс мақсадини аниқ англаб олишига эътибор қаратилади. Бунда қуйидагиларга алоҳида аҳамият берилади: нимани қандай қилиб ўрганиш кераклиги, нимага эътибор қаратиш лозимлиги каби.

Ўқув фаолияти моҳиятини англаш ўқитувчиларни ахборот беришдан маслаҳатчилик ва ўқув жараёнини бошқариш фаолиятига ўтишга ундайди. Ўқитишнинг мазкур методи ўқувчиларни модул доирасида ҳаракатланишга ундайди. Ўқитувчи эса ахборот берувчилик вазифасидан озод бўлиб, бошқаришнинг бир қатор вазифаларини модулли дастур зиммасига юклайди. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини мустақил бошқаришларига асос бўлади.

Модулли дарсларда ўқитувчининг фаолияти ўқувчиларга мустақил ишларини назорат қилишга йўналтирилади. Мазкур педагогик жараёнда ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Шу тариқа у бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларга кўмаклашади, аълочи ўқувчиларга маслаҳатлар беради.

Маълумки, баъзи ўқувчиларда ўзига ишонмаслик, муваффақиятсизликлардан чўчиш, апатия ҳолатлари учрайди. Бу эса дарсларда ўқувчиларнинг ноқулай вазиятларга дуч келишларини англатади. Модулли дарслар эса ўқувчиларга ёзма ва оғзаки иш турлари учун кўплаб баҳолар олиш имкониятини яратади. Салбий баҳо олган ўқувчилар эса уни мустақил тузатиш учун ҳаракат қиладилар. Бундай дарсларда ўқувчилар иккита баҳо оладилар: биринчиси, назарий билимларни ўзлаштирганликлари учун; иккинчиси, амалий кўникмаларга эга бўлганликлари учун. Ўқувчиларнинг дафтарлари ўқитувчи томонидан ҳар куни текширилади. Бунда педагог назарий ҳамда амалий кўникмалар учун олинган баҳоларнинг ўзаро мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Уй вазифалари дарсда бажарилган ишларнинг сифатига бевосита боғлиқдир. Агар ўқувчи барча ўқув элементлари устида самарали ишлаган бўлса юқори баҳога эга бўлади. Бундай ўқувчилар уй ишларини ҳам муваффақиятли бажарадилар. Агар ўқувчи дарсда бажариладиган ишларда хатоликка йўл қўйса, у муайян ўқув материалларига қайта мурожаат қилиши керак. Ҳар бир дарс якунида модул таркибида ўқитувчининг тавсиялари назарда тутилиши лозим. Ушбу тавсиялар муайян ўқув материалини такрор ўрганишга ўқувчиларни жалб этишга йўналтирилиши зарур. Модулли ўқитиш технологиялари ўқувчиларнинг

лаёқатларини фаоллаштиради. Шунинг учун ҳам модулли ўқитиш жараёнида ўқувчиларга мунтазам тарзда ижодий характердаги топшириқлар берилиши назарда тутилади. Бу, ўз навбатида, уларнинг мустақилликлари, ижодий фикрлаш лаёқатларини самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

BOSHLANG`CH SINF ONA TILI DARSLARIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYADAN FOYDALANISH

Hamroyev A, BuxDU p.f.n.,dotsen. Isroilova R, BuxDU 1-kurs magistranti

Respublikamizda olib borilayotgan islohotlarning taqdirida yuqori malakali mutaxassislarning roli benihoyat katta. Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek: "Ertangi kun yangicha fikrlay oladigan zamonaviy bilimga ega bo`lgan yuksak malakali mutaxassislarni talab etadi". Shu sababli, xalqimizning boy intellektual merosi va fan-texnika va texnologiyalar asosida yetuk mutaxassislar tizimi ishlab chiqildi.

Ta'lim tizimidagi chuqur va keng ko`lamli islohotlarning mazmuni va amalga oshirish muddatlari O`zbekiston Respublikasining "Ta'lim to`g`risidagi»Qonun va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da o`z ifodasini topgan.

Ma'lumki, umumta'lim maktablari o`quvchilari aqliy salohiyatining o`sib borishi, ularni axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanib, ko`proq bilishga, bilim olishga, ma'naviy barkamollikka erishishda boshlang`ich sinf o`qituvchilaridan ham o`z ustida tinimsiz ishlashlari, bugungi kun nafasi bilan yashashlarini talab etadi. Hozirgi zamon o`qituvchisi ilg`or pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda zamonaviy darslarni tashkil etishi lozim. Boshlang`ich sinflarda bolaning dunyoqarishi, didi, salohiyati shakllanadi. Shuning uchun kichik maktab yoshidagi o`quvchilarning ta'lim, tarbiya jaroyinida yetuk, kasb tayyorgarligi bor, malakali mutaxassis pedagoglarni jalb etish lozim. Shu o`rinda, I.A. Karimovning: "Barkamol avlod – O`zbekiston taraqqiyotining poydevori»nomli O`zbekiston Respublikasi Oliy majlisining IX sessiyasida so`zlagan nutqida shunday degan edi. *"Tarbiyachilarning o`ziga zamonaviy ta'lim berish, ularning ma'lumotini, malakasini oshirish kabi paysalga solib bo`lmaydigan dolzarb masalaga duch kelmoqdamiz. Mening fikrimcha ta'lim-tarbiya tizimini o`zgartirishdagi asosiy muammo ham mana shu yerda. O`qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim berish uchun, avvalo, murabbiyning o`zi ana shunday bilimga ega bo`lishi kerak".* Boshlang`ich sinf ona tili darslari kelajakdagi har bir o`quvchida shakllanadigan o`zbek tiliga bo`lgan muhabbatni, nutq madaniyatini yuzaga keltiruvchi dastlabki poydevordir. Bundan tashqari, ona tili ta'limi bolalarning tafakkur qilish faoliyatlarini kengaytirishga, o`z fikrlarini og`zaki va yozma tarzda ifodalay olishga va mustaqil harakat qilish darajasini o`stirishga xizmat qiladi. Boshlang`ich sinf ona tili darslarining ta'lim mazmuniga muvofiq ilmiyligini oshirishda hamda darsning o`quvchilar xotirasida ongli mustahkamlashda yangi savodxonligini ona tili darslarini tashkil etishda mavzu mazmuniga mos pedagogik texnologiyani qo`llay va tanlay olish biz pedagoglardan talab qilinadigan ma'suliyatli vazifadir.

Nazarimda, boshlang`ich sinflardagi ona tili darslaridagi samaradorlik kaliti bu - o`yin faoliyatining ishtirokidir. Jumladan, 4-sinf darslarida esa bu faoliyat kamaytirilishi va ilmiylikni o`quvchi dunyoqarishiga mos ravishda oshirilishi muhimroq. Ta'lim uslubi – o`qituvchi bilan o`quvchilarga bilim berish va uni amalga olish maqsadida amalga oshiriladigan o`zaro aloqalarni tizimga soluvchi pedagogik tadbirdir.

O`qitish uslublari o`quv jarayonining asosiy qismi hisoblanadi. Tegishli uslublarsiz pedagogik faoliyatni amalga oshirib bo`lmaydi.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ДИДАКТИКАНИНГ ЎРНИ

Исокова Г. Эргашева С, Жиззах ВХТХҚТ ва МОИ

Бошланғич синф ўқувчиларини илғор педагогик тажрибалар билан таъминлаш таълим самарадорлигини оширишда муҳим босқич ҳисобланади. Таълимда ҳар хил касб ва унга оид

фан асосларини, фаолият услублари ва уни қўллаш ўзига хос метадологик база ва тамоилларга асосланади.

Педагогик назария ва амалиёт бирлиги ўқитиш жараёнида, шу жумладан бошланғич таълим жараёнида ҳам асосий мақсадга эришишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, бунда турли иш усуллари ва шакллари асосида амалга оширилади.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий талабларидан бири бу ўқитувчи кадрларни тайёрлаш сифати ва уларни замонавий илғор техналогиялар, ахборот ва ўқитиш воситалари билан қуроллантиришдан иборат.

Давлат таълим стандартларида илгари сурилган ғоялар ва вазифаларни амалга ошириш ҳар бир педагогнинг олдига юксак талаб қўйиши, уларга белгиланган масъулиятга янгича ёндошувни тақозо этади. Замонавий педагогик техналогия жараёнлари дидактик қоидаларда ҳам янгича ўзгаришлар киритишни талаб этади. Бошланғич синф ўқитувчилари ана шу қоидалардан хабардор бўлиши, бу қоидаларни турли вазиятларда қўллай олишлари, кутилган натижаларга эришиш тажрибаларини эгаллашлари лозимдир.

Бошланғич синф ўқитувчиларини таълимнинг янги қоидалари билан таништириш натижасида улар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

-Педагогика, методика, таълим техналогиясининг мазмун – моҳиятини тушуниш.

- Педагогик нарария ва амалиётнинг ўзаро алоқадорлигини билиш
- фундаментал тадқиқот ва амалий тажрибаларни ўз фаолиятига қўллаш.
- ўқув предмети ва аниқ мавзуга тегишли замонавий педагогик техналогияни қўллаш
- машғулотлари ташаббускорлик, ижодкорлик кўрсата олиш.
- турли педагогик вазиятлардан моваффақиятли чиқа олиш.
- ўзининг шахсий услубига эга бўлиши.

Ҳозирги пайтда бошланғич таълим методикаси ва метадологияси замонавий педагогик техналогиялар асосида таркибли – тизимий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Шундай шароитда бошланғич таълимга ижодий ёндашув муаммоси пайдо бўлди. Таълим тизими ўқиш – ўқувчи фаолиятидан, ўқувчи таълим субьекти тарзига кўчирилди. Бошланғич таълимга ана шу тарзда ёндашиш ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини ҳамда ўқитувчининг иш услубини тубдан ўзгартиришни талаб этади.

Бошланғич синфларда таълим ижодкорлиги ўқитишда амалий фаолиятни ҳисобга олиб ташкил этилса, у ижодий натижа бериши мумкин.

Замонавий педагогик техналогияларни қўллашда унинг сифат кўрсатгичларини ифодалайдиган қуйидаги тамоилларга эътибор бериш муҳим:

-Замонавийлик - таълим жараёнига илмий асосланган, тажрибадан ўтган дидактик янгиликлар, метод, воситалар киритилиши

- Илмийлик – бу ўқитиш мақсад вазифаларини белгилашда абстракликда аниқликка кўчиш.

- Ўқитиш техналогияси – бу таълим жараёнини илмий, услубий, техналогик жиҳатдан қайта қуриш.

- Ўқув жараёнини мақбуллаштириш – ўқитишнинг аптимал вариантларини аниқлаш.

- Ўқитувчи – ўқувчи фаолиятини дастурлаш – таълимда ҳамжиҳатлик, ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш. Дарсга кучли тайёргарлик кўриш.

- Ўқув – тарбия жараёнларини обьектив назорат қилиш – баҳолаш учун оддий, аниқ, муайян қоидаларга риоя қилиш.

Демак, таълим учун зарур бўлган бу дидактик қоидаларга амал қилинса, бошланғич таълим ўқитувчилари юқори самарадорликка эришишлари тайин бўлади деб ўйлаймиз. Шу билан бирга таълим самарадорлигини оширишда интерфаол усулларга доир тажрибалар ҳам етакчи ўрин тутишини ёддан чиқармаслик керак.

МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРНИНГ САМАРАСИ

Ўсарова С, Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани 9-мактаб бошланғич синф ўкитувчиси
Исокова Г, Жиззах МОИ "Мактабгача бошланғич ва махсус таълим" кафедраси ўкитувчиси

Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбиясига асосан ўқитувчилар билан боғлиқ масала эканлигини Президентимиз ***"Ўқитувчи бола тимсолида шахсни кўриш керак. Шахсда Оллох берган ихтидорни аниқлаш, рўёбга чиқариш керак»***дея таъкидлаган. Бу фикрлар эса педагогик технология тамойилининг таълим-тарбия жараёнида ўқувчини кўпроқ ўз устида ишлаш, суст холатдан фаолроқ айлантириш керак дейилган қисмига айнан хамохангдир. Демак, ўқувчиларни таълим-тарбия жараёнида самарадорлигини оширишда ноанъанавий, интерфаол, иновацион ва мативация усулларидан кенгроқ фойдаланишни тақазо этмоқда.

Математика фани дарсларида анъанавий услублар, яъни гапириб бериш, тушунтириш, маъруза қилиш хам ўқувчиларнинг фаоллашувига қаратилган бўлиши керак. Умуман, ўқитиш усулларини янги педагогик технология асосида танлаш катта ахамиятга эга бўлиб, улар ўқув материалларининг мазмуни, ноанъанавийлиги, интерфаоллиги, янгилиги, синфдош ўқувчиларнинг қизиқиши ва етуклик даражаси, савияси, дарсдаги кўргазмалар ва жихозларнинг сифати орқали белгиланади. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг хар бир математик мавзуни ўзлаштириши мумкин бўлган барча имкониятларни бошланғич синф ўқитувчиси пухта тахлил қилиб, улардан энг самарасини дарс учун алохида танлаб олиш керак. Чунки бошланғич синф ўқитувчиси вақтни мумкин қадар кам сарфлаб, ўқувчилар билимларини чуқур ва мустахкам ўзлаштириши, қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган усулларни қўллаш самарали хисобланади. Шу боис, қизиқиш уйғотиш воситаларидан бири ўрганиладиган мавзуга боғлиқ бўлган билимларнинг илмий ва амалий ахамиятини ўққувчиларга кенгроқ очиб кўрсатишдир.

Математика фани дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўлаб дарслар ўтиш мобайнида кузатилган.

Масалан, 2-,3-синфларда масала ечиш жараёнини ***"Эртаклар оламига саёхат"*** мавзусида ўтказиш мумкин. Доскани эртак мавзусида жихозлаб, хар бир жихозга масалалар киритамиз. Бу жихозлар хамма ўқувчиларнинг диққатини ўзига қаратади. Бунда ўқувчининг масала ечиш қобилияти билан бирга унинг чаққонлигини ва актёрлик санъатини хам билиш хамда бахолаш мумкин.

бошланғич синфларда ўқувчилар мехнатидан фойдаланиб хам, уларни дарсга жалб этиш ва қизиқтириш мумкин. Бу усул такрорлаш, масалалар ечиш дарсларига қўл келади. Сотувчи ва харидор ўйинида ўқувчилар ўзлари қўлда ясаб келган нарсаларни ўзаро айирбошлайди. Сотувчининг масаласини ечса, харидор нарсага эга бўлади. Бу усулнинг тарбиявий ахамияти жуда каттадир.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчилар билан бирга хамкорлик ўрнатиб, синфдаги ўқувчиларнинг иқтидорли ва аълочиларини синфнинг ўнг томонидаги биринчи парта қаторига, бўш ўзлаштирувчи ва қолоқ ўқувчиларни чапдаги учинчи партадаги қаторга ўтқазади. Ўқувчилар ичида рақобат мухитини яратиш мақсадида ўқитувчи дарс жараёнида қайси қатордаги ўқувчи "аъло»деб жавоб берса, ***"Сен энг юқори поғонага ўтишинг керак»***деб, уни бўш ўзлаштирувчилар қаторидан яхши ўзлаштирувчилар қаторига, агар яхшилар сафида бўлса, уни аълочилар қаторига ўтказади. Бу ўқувчини рағбатлантиришдир. Ушбу дарс психологик ўйин дарси бўлиб, ўз навбатида таълим-тарбия самарадорлигини оширишни таъминламоқда.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИ АСОСИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ

Атамуродова З , Исокова Г, Жиззах МОИ ўқитувчиси

Инсоният жуда қадим замонлардан буён табиат билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга интилиб келган. Сабаби, ибтидоий инсон табиатдаги барча мавжуд нарса-ҳодисаларни ўзи каби жонли (руҳи бор) деб ўйлаб, улар билан эҳтиётлик билан муомала

қилган. Қадимги одам тасаввурича, тоўу-тошлар, дарёю-кўллар, осмон жисмлари барчаси жонлидир. Ибтидоий инсоннинг бундай қараши анимизм деб юритилади. Қадимги инсонларнинг тотемистик тасаввурича, бутун ҳайвонлар ва ўсимликлар олами инсоният олами билан қон-қариндошдир ва улар ўртасида айрим ўхшашлик ва яқинликлар мавжуд. Ибтидоий инсон бу ўхшашлик ва яқинликни дарахтларнинг йил фаслларига қараб ўз кўринишини ўзгартиришида ва ҳайвонларнинг одамзот сингари баҳси хатти-ҳаракатларни бажаришида кўради. Масалан, ҳайвонларнинг ўзига егулик ахтариши, болаларига ўамхўрлиги, ўзи учун эҳтиёткорлик чораларини кўриши, хавфдан огоҳ бўлиб яшашга интилиши, кези келганда ҳатто садоқатлилиги каби хусусиятлари инсоний хатти-ҳаракатларни эслатади. Ёки дарахтларнинг йил фаслларини ҳис қилган ҳолда ҳар фаслга мос тарзда ўз кўринишини ўзгартириб туриши унинг жонлилигидан дарак бериб туради. Шунинг учун инсон имкон қадар уларни авайлашга интилади. Уларни ҳуда-беҳуда ранжитиб қўйишдан чўчийди. Чунки у ўзининг яшаши, турмуш кечириши, кундалик истеҳмоли зарур бўлган аксарият истеҳмол товарларини айнан ўсимлик ва ҳайвонот оламидан олади. Шу боисдан инсон уларнинг ранжишидан ва ўзига керакли бўлган нарсалардан маҳрум этилишидан қаттиқ чўчийди.

Ибтидоий инсон ўз эҳтиёжларини қондирадиган, шунингдек, гўзал кўринишли, ёқимли, фойдали нарсаларда яхши руҳлар, аксинча, ёқимсиз, бадбўй, зарарли нарсаларда ёмон руҳлар макон қурган деб тушунган ва шу асосда табиат предметларига муомала қилган. Шунинг учун ибтидоий инсон гуллар, дарахтлар, тоўликлар, сувликлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлган. Улардаги яхши ва ёмон руҳларга озор етказишдан қўрққан, шу қўркув ва эҳтиёткорлик замирида аста-секин экологик тарбиянинг илк шартлари, кўрсатмалари ва талаблари шакллана бошланган. Ибтидоий жамиятда табиат инсон учун ҳомий-мададкор саналган. Инсон уни жонли деб тасаввур қилган ва шунинг учун унинг тилини топиб яшашга, у билан сирлашишга ҳаракат қилган.

Экологик тарбиянинг илк илдизлари инсониятнинг қадим турмуш тарзига бориб тақалади. ўша кезлардан инсонлар табиат билан эҳтиёткорона муомалада бўлишга интилишган ва буни ёш авлод онгига сингдиришга ҳаракат қилишган.

Кадимги аждодларимиз табиатни жиддий кузатар экан, ундан ўзи учун фойдали кўп нарсаларни кашф этишга муваффақ бўлган. Шу кузатишлар заминида инсон табиатдан нусха кўчириб, жуда кўп бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Масалан, ари уясига қараб, кўп қаватли уйлар қура бошлаган. Қушнинг парвози самолёт яратилишига туртки бўлган. Қуёшга қараб, лампочкалар кашф этилган ва ҳоказо. Буларнинг барчаси кузатиш-табиатни билишнинг, тушуниш ва ҳис этишнинг энг асосий воситаси эканлигини намоён этади. Шундай экан, ҳозирги ёшлар ҳам табиат билан яқиндан ошно тутинсинлар, уни жиддий кузатиб, ўрганиб борсалар, ҳали кўп янги нарсаларни кашф қилишга мушарраф бўлишлари мумкин. Чунки табиат азалдан инсонни тўйдириб, едириб, ичириб, кийинтириб келаётган она каби ўамхўр ва меҳрибондир. У ҳалигача инсондан ўз саховатини дариў тутмай келаётир. Бунга жавобан, инсоният ҳам она каби меҳрибон табиатни ҳар томонлама асраб-авайлаши, унинг бойликларидан оқилона ва режали фойдаланиши жуда муҳимдир.

Демак, табиатни асраш ҳар кимнинг инсоний бурчидир. Табиатни асраб авайлаш қадимий аждодларимиздан меросдир. Халқда экологик тарбияни амалга оширишнинг, ўз йўллари бўлган. Бу борадаги халқона анъаналарни ўрганиш ва уларнинг ҳозирги турмуш тарзимизга мос келадиган томонларини аниқлаб, экологик тарбия жараёнида фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Халқ орасида сувни, айрим жониворларни, ўсимлик ва дарахтларни асраб-авайлаш мақсадида жуда кўп табу-таҳқиқлар яратилган бўлиб, ёшларга экологик тарбия беришда самарали фойдаланиш мумкин.

Экологик тарбия инсоният ижтимоий ва маънавий тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда амалга оширилган. Дастлаб ибтидоий тузум шароитида шакллана бошланган экологик тарбия мезонлари қадимги одамнинг анимистик ва

тотемистик тасаввурлари асосида тарғиб қилина бошланган бўлса, кейинчалик унинг қўрқуви ва ихлоси заминида яратилган табу-таққиқлар кўмагида сингдирила бошланди. Ниҳоят, инсониятнинг бадиий тафаккури ривожланиши билан унинг донолиги, ақлу-заковати билан яратилган эртак, қўшиқ, топишмоқ, мақол каби халқ оғзаки ижоди намуналарида экологик тарбияга оид айрим фикр ва қарашлар тарғиб қилина бошланди. Хусусан, бунда топишмоқнинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Топишмоқ ўз хусусиятига кўра табиат предметлари ва ҳодисаларини тўппадан-тўғри эмас, балки яширин тилда ифодалаб келиб, у ёки бу табиат нарса-ҳодисалари ҳақида аниқ маълумот бера олиш имкониятининг мавжудлиги туфайли узоқ ўтмишда ёшларга экологик билим ва тарбия беришда, уларнинг теварак-атрофга нисбатан кузатувчанлигини ва ўамхўрлигини, экологик маданиятини оширишда жуда қўл келган. Қизғи шундаки, топишмоққа хос халқона анъана ҳозиргача ўз қимматини йўқотмай келаяпти. ҳар бир инсон қайўурмоўи шарт.

Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқалар табиатни асраш, унга меҳр кўзи билан қараш лозимлигини қайта-қайта уқтирганлар. Абу Али ибн Сино ўзининг»Тиб қонунлари»китобида йил фаслларининг табиати ва ундаги ўзгаришлар, ҳавонинг табиий ҳолатига зид бўлган ёмон ўзгаришларнинг таҳсири, айрим касалликлар ва уларни даволаш учун ишлатиладиган содда ва мураккаб дориларга оид қатор тавсияномалар берган.

BOLA TARBIYASIDA MAQOLLARNING O`RNI

Isoqova G, Jizzax MOI

Maqollar-xalqning axloqiy qarashlari va turmush tajribalaridan tug`ilgan saboqlarni ifodalaydi.

Maqol atamasi-QAVLUN-gapirmoq, aytmoq so`zidan olingan bo`lib, u aytilib yuriladigan ibora, ifodalar, asosan maqol janrini hosil qiladi.

Dono xalqimiz hayotiy tajribalarini maqollar shaklida kelgusi avlodga qoldiradi.

Maqollar kichik hajmda bo`ladi. Shu kichik hajmli maqollarda dostonlarga jo bo`lgan voqealar mujassamlashgan. Maqollarda fikr aniq, tugal xulosa, lo`nda hukm tarzida ifodalanadi.

Maqollarning muhim xususiyatlaridan biri shundaki, u yo tasdiqni, yo inkorni bildiradi:»Aytar gapni ayt, aytmas gapdan qayt»,»Husnli tuyda kerak, muhabbat kunda kerak». Dono xalqimiz maqollariida mehnatkash xalq ideallari aks etgani uchun ham har bir shaxsni, mehnatkash xalqni, vatanni, adolat va sadoqatni, mardlik va qahramonlikni, insonparvarlik, to`g`rilik, halollik, omonatga xiyonat qilmaslik, mehr-muhabbat, ota-ona hurmatini joyiga qo`yish singari insoniy fazilatlar ulug`lanadi: Masalan,»Vatan gadosi bo`lguncha, kafan gadosi bo`l»,»Oshing halol bo`lsa, ko`chada ich»,»Ota rozi xudo rozi»kabi maqollar sog`lom bolalar ta`lim-tarbiyasida beminnat tarbiya vositasi bo`lib xizmat qilishiga ko`plab misollar keltirishiliz mumkin.

Hayotimizda uchrab turadigan yaramas illatlarni keskin qoralash, insoniylikni ulug`lash ko`pchilik maqollarda uchraydi. Bunday maqollarning axloqiy-tarbiyaviy ta`siri ijtimoiy hayotdagi jami yaramas hatti – harakatlarni inkor etish orqali ifodalanadi.»Dangasaga ish buyursang senga aql o`rgatar»,»Gap desang qop-qop, ish desang Samarqanddan top»,»Dangasaning vaji ko`p, ohangsizning avji».

Maqollarda butun koinotning yaratuvchisi xudo haqida ham ibratli fikrlar bayon etiladi:»Bekorchidan xudo bezor»,»Sabr qilsang menga, yana ham beraman senga»,»Xudoyim qulim desin, payg`ambar ummatim desin».

O`zbek xalqining boy adabiy merosi mavjud. Dono xalqimizning maqollari shunday sermazmun ahamiyatga egaki ulardan foydalanib so`zlaganda tilimizning go`zalligi yanada nomoyon bo`ladi. Shu bilan birga maqollar kelajagimiz egalari bo`lmish sog`lom bola tarbiyasida ayniqsa muhim ahamiyatga ega. Bola tarbiyasida maqollarni aytish, mazmuni qisqagina so`zlash bilan cheklanib qolmay, shu maqollarga mos ertaklar, kichik hikoyalar, ibratli hayotiy voqealar orqali yetkazilsa maqsadga muvofiq bo`ladi. Shu o`rinda xalqimiz orasida tez-tez takrorlanib turadigan „Tig` yarasi bitar, Til yarasi bitmas“ maqolini tanlab oldik va bu maqol mag`zini

chaqishda, bolalar ongiga singdirishda yaxshi ko`makchi bo`ladigan bir ertakni ham tavsiya qilmoqdamiz. Tavsiya etayotgan ertagimiz sog`lom bola yilida bolajonlarimizni sog`lom fikrli shaxs qilib tarbiyalashda o`z o`rniga ega bo`ladi degan umiddamiz.

O`tinchi yigit bilan sher

Bir bor ekan, bir yo`q ekan. Qadimda bir o`tinchi yigit bo`lgan ekan. Yigit oilali, turmush o`rtog`i va bitta o`g`li bilan yashar ekan. U har kuni o`tin tayyorlash uchun kerak bo`ladigan boltasini va o`tinni bog`lab ko`tarib kelish uchun kerak bo`ladigan arqonini ko`tarib, o`rmonga borar va u yerda kerakligicha o`tin olib qaytar ekan. O`tinlarni bozorda sotib, puliga uy-ro`zg`origa kerakli mahsulotlarni olib qaytar ekan. Kunlari shu tariqa davom etar ekan. Bir kuni odatdagidek o`rmonga o`tin olib kelish uchun boribdi. U o`rmonda bir ayiqni ko`rib qolibdi. Ayiq undan qo`rqmasligini, unga yomonlik qilmasligini, aksincha o`zining yolg`izligini, bir do`st orttirmoqchiligini aytibdi. Bu gap yigitga ham yoqibdi. Chunki uning ham do`sti yo`q ekan. Ayiq unga o`tinni tayyorlashda yordam berar ekan. Ular o`rmonda uzoq-uzoq suhbatlashar ekanlar.

Bir kuni yigit ayiqni uyiga mehmonga taklif etibdi. Ular o`tinni ko`tarib, darvozasidan kirib kelibdi. Uyga kirgach turmush o`rtog`ini chaqirib, mehmon olib kelganini aytibdi. Turmush o`rtog`i mehmon kimligini so`rabdi. Yigit unga ayiq do`stini olib kelgani haqida gapiribdi. Turmush o`rtog`i oshxonadan turib, voy do`stim deb uyga sassiq, chirkin ayiqni olib keldingizmi debdi. Bu gapni eshitga ayiq qattiq xafa bo`libdi. Yigitni qo`lidagi boltani olib boshimga tushir debdi. Yigit sen do`stimsan, seni qanday o`raman deydi. Ayiq agar meni boshimga bolta bilan o`rmasamg, senga ham, oilang a`zolaringa ham zarar yetkazaman debdi. Shunda jajjigina o`g`liga qarabdi-yu, voqeani tasavvur qilib, boltani olib ayiqni boshiga tushiribdi. Shunda ayiq o`kirib, o`rmonga ketib qolibdi. Yigit yana o`rmonga borib o`tinni terib, uni sotib kun kechiraveribdi. Kunlar shi tariqa o`taveribdi. Bir kuni yigit odatdagidek o`rmonga o`tin olib kelish uchun boribdi. O`rmonda ayiqni ko`rib qolibdi. Ayiq bilan gaplashibdi. Ayiq unga boshini ko`rsatibdi. Yigit ayiqning boshinini silab ko`ribdi, yarasi bitgan ekan. Yigit ayiqdan kechirim so`rabdi. Ayiq unga tanasidagi jarohatni bitganini, lekin yuragidagi, qalbidagi yarasi bitmagani aytibdi. Shu tariqa „Tig` yarasi bitar, Til yarasi bitmas“ degan maqol yaralgan ekan.

MAKTABGACHA TA’LIMNI AXBOROTLASHTIRISH DAVR TALABI

Ibragimova F

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning “Kelgusida kompyuterlashtirish va axborot kommunikatsion texnologiyalarni joriy etish»haqidagi qarorida shunday deyiladi: “Kompyuterlashtirish va axborot texnologiyalarini xalq xo`jaligi, boshqaruv, fan taraqqiyoti, tadbirkorlik va ta’lim sohasida qo`llash eng muhim vazifalardan biridir”. Darhaqiqat, kompyuter texnologiyalarining globallashuvi va rivojlanishining hozirgi davrida jamiyatni har bir sohasini rivojlanishida kompyuterning ahamiyati katta.

«Kompyuter atamasi»inglizcha computers so`zidan oligan bo`lib, hisoblovchi ma’noni anglatishiga qaramay, hozirgi davrdagi kompyuterlar matn, tovush, video va boshqa axborotlar ustida ham amallarni bajaradi. Shu tufayli hozirgi zamon kompyuterlaridan turli sohalarda, jumladan ta’limda faol foydalanilayotganligini guvohi bo`lib turibmiz.

Hozirgi kunda kompyuter hayotimizning barcha sohalariga jadallik bilan kirib bormoqda. Turli mutaxassislar, tadbirkorlar, olimlar, ijodkorlar o`z mehnat faoliyatida kompyuterlardan keng foydalanmoqda. Kompyuter yordamida ajoyib mo``jizalar yaratilayotgani sir bo`lmay qoldi. Bugun kompyuterda hisoblash, yozish, o`qish, o`rganish, gapirish, saqlash, chizish, qayta ishlash, saralash, musiqa yozish, axborotni olish va biror manzilga yuborish, tahrirlash, maketlar tayyorlash, audio va video yaratish, o`ynash mumkin. Uning imkoniyatlari kundan - kunga ko`paymoqda, shuning uchun u ishda, o`qishda, uyda va hatto dam olishda insonning eng ishonchli do`stiga aylandi.

Respublikamiz ta’lim muassasalarining o`quv-tarbiya jarayonida kompyuterlardan foydalanish 1985-90 yillardan boshlangan.

Kompyuterlardan nafaqat oliy va o`rta ta’lim muassasalari ta’lim-tarbiya jarayonida, balki maktabgacha ta’lim muassasalarning ta’lim-tarbiya jarayonida ham keng foydalanish mumkin.

Maktabgacha ta’lim muassasalarda shaxsiy kompyuterlardan foydalanish uchun, uning tarbiyachilari va tarbiyalanuvchilari elementar kompyuter savodxonliklariga ega bo`lishlari shart, chunki kompyuterda ishlashni o`rganmasdan turib, ulardan foydalanib bo`lmaydi.

Maktabgacha ta’lim muassasalar tarbiyalanuvchilarining elementar kompyuter savodxonliklarini shakllantirish hozirgi davrdagi dolzarb masala hisoblanadi. Uning dolzarbligini quyidagilar bilan asoslash mumkin: *birinchidan*, O`zbekiston Respublikasining»Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»da maktabgacha ta’lim muassasalarni zamonaviy texnik vositalar bilan ta’minlash, kompyuterlashtirish, bolalarga kompyuter savodxonligi asoslarini o`rgatish masalalarini amalga oshirish ta’kidlab o`tilgan. *Ikkinchidan*, hozirgi kunda jahon miqyosida jamiyat kompyuterlashtirilmoqda, ta’lim tizimiga kompyuter texnologiyasi jadal joriy etilmoqda. Shu bois, har qanday tashkilotlarga, shu jumladan ta’lim tizimi muassasalariga ishga kiruvchilardan birinchi navbatda - “Kompyuterdan foydalana olasizmi?”- degan savol berilmoqda. Xorijiy davlatlarda har bir oila o`zining shaxsiy kompyuterlariga ega, oila a’zolari multimedia vositalarisiz hordiq chiqarmaydigan bo`lib qolganlar. Sekin-astalikda O`zbekiston Respublikasi ham shunday darajaga chiqmoqda va har bir oila o`z kompyuteriga ega bo`lmoqda. *Uchinchidan*, kompyuter – multimedia texnologiyasining asosiy vositasi bo`lib, usiz ta’lim muassasalarida ushbu texnologiyani amalga oshirib bo`lmaydi.

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda bolalarning kompyuter savodxonliklarini maktabgacha ta’lim muassasalarda boshlash zaruriyati tug`ilaëtganligi ayon. Maktabgacha ta’lim muassasa tarbiyalanuvchilarida kompyuter savodxonligini shakllantirishda, ularning yoshlarini, pedagogik-psixologik jihatlarini, muassasaning texnik vositalar bilan ta’minlangan darajalarini hisobga olish zarur.

Maktabgacha ta’limni axborotlashtirishning afzaliklarini avvalo, quyidagilarda ko`rishimiz mumkin:

1. Tarbiyalanuvchining daftariga chizgan rasmi harakatlanmaydi (statik holat). Kompyuter xotirasiga kiritilgan rasm esa, harakatlanib turishi mumkin (animatsiya).

2. Tarbiyalanuvchi daftariga 15-20 ta rasm chizganda daftar sahifalari to`lib qoladi. Kompyuter esa, minglab rasmni xotirasiga saqlashi mumkin.

3. Tarbiyachi,,A»harfini doskaga yozib ko`rsatgandan keyin ma’lum vaqtdan keyin u o`chirilib tashlanadi. Kompyuterga kiritilgan,,A»harfi esa, uning xotirasida uzoq vaqt saqlanib turadi va istalgan vaqtda ochib ko`rsatilishi mumkin.

4.Tarbiyalanuvchi geometrik shakllarni uchburchak, to`rtburchak, ko`pburchaklarni chizish uchun ko`p vaqt sarflaydi, kompyuterda esa, tezgina bajariladi.

Maktabgacha ta’lim muassasalarining ta’lim-tarbiya jarayonida kompyuterlardan foydalanilganda tarbiyalanuvchilarning mashg`ulotlarga qiziqishlari hosil bo`lishidan tashqari, ularning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari shakllanadi, o`rganiladigan materialga mos bilim, ko`nikma va malakalari shakllanadi.

“Maktabgacha ta’limni axborotlashtirishning afzalligi va kamchiligi” mavzusida talabalar orasida so`rov o`tkazilib, “T-chizma»asosida tahlil qilinganda, quyidagi xulosani oldik.

MAKTABGACHA TA’LIMNI AXBOROTLASHTIRISHNING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI

AFZALLIKLARI	**KAMCHILIKLARI**
Texnika taraqqiyoti jadalashmoqda Bolalar tafakkuri rivojlanmoqda Zamon bilan hamnafaslik Dunyo bilan raqobatlashish Vaqtni tejash Qog`oz va shunga uxshash materiallarni tejash va hakozo…	Ko`zning xiralashishi O`yinlarga “mukka”dan ketish

Xulosa: Maktabgacha ta’limni axborotlashtirish davr talabi! Har bir tarbiyachi, ota-ona kompyuter texnologiyasini to`liq o`zlashtirishi va zamon bilan hamnafas bo`lishi zarur. Zero, kelajak bugundan boshlanadi! Kelajagimiz vorislari bo`lmish yosh avlod to`liq axborot texnologiyalari bilan qurollanmog`i va undan oqilona foydalanmog`i zarirdir.

Shunday qilib, maktabgacha ta’lim muassasalari tarbiyalanuvchilarining kompyuter savodxonliklarini shakllantirishda ko`proq e’tiborni amaliy mashg`ulotlarga va bu mashg`ulotlarda bolalarning kompyuterlarda mustaqil ishlashlariga qaratish lozim.

BOSHLANG`ICH TA`LIMDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO`LLASHNI TAKOMILLASHTIRISH SHART – SHAROITLARI

Melibayevna G.-Farg`ona shahar 6- maktab boshlang`ich sinf o`qituvchisi

Mustaqil O`zbekistonda yosh avlodning bilish faoliyatini shakllantirish va uzluksiz rivojlantirib borishning maqsad-vazifalari, mazmuni va metodlarini o`rganib borish, ilmiy pedagogik asoslarga tayangan holda olib borilishi o`z navbatida o`quvchilarning ijodiy fikrlashi, ularda bilimni egallash faolligi, mustaqil bilish faoliyatini shakllantirish masalalariga bog`liq. Bunda boshlang`ich sinflarda o`quvchilarining o`quv –biluv faoliyatini shakllantirib, rivojlantirib borishda o`qituvchilar ta’limning innovatsion texnologiyalaridan foydalangan holda darslarni qiziqarli tashkil etishlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Boshlang`ich ta’limda interfaol metodlardan foydalanish o`quvchilar faolligini oshirishga, bilim olishga ijodiy yondashuv ko`nikmalarini shakllantirishga olib kelmoqda. Shuningdek, pedagogik texnologiyalar o`quvchilarning o`z qobiliyati va imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga yordam beradi, jamoa bilan ishlash mahoratini shakllantirib ularda turli vaziyatlarda mustaqil qaror qabul qilish mahoratini shakllantiradi, o`z faoliyatining natijalariga mas’ullik va qiziqish uyg`otadi, muammolarga diqqatni jamlay olish, o`z bilimlarini yangi sharoitlarda, yangicha vaziyatlarga ko`chirish malakasini shakllantirishga yordam beradi.

Kuzatuvlar shuni ko`rsatmoqdaki, boshlang`ich ta’limga pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish ta’lim samaradorligi va ta’sirchanligini oshirib o`quvchilarning bilim olishga intilish motivlarini rivojlantirmoqda. Ta’lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun, avvalo, darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur. Dars loyihasini tuzishda o`qituvchi o`zining ish shakllari va o`quvchilarning ko`nikmani egallash jarayonidagi faoliyati doirasini aniq belgilab olishi lozim. Bunda ko`proq interfaol usullarga e’tiborni qaratish ta’lim samaradorligini oshiradi.

Ko`p yillik tajribaga ko`ra har bir boshlang`ich ta’lim o`qituvchisi pedagogik texnologiyalarni uchta asosiy guruhga bo`lib olishi kerak. Bular:

- ommaviy tarzda ishlash uchun pedagogik texnologiyalar («b.b.b.»usuli, zanjir, aqliy hujum, klaster, debat, muzyorar va boshqa usullar);
- kichik guruhlarda ishlash uchun pedagogik texnologiyalar (baholovchi munozara, egri-bugri, qarorlar shajarasi va boshqalar);
- yakka tarzda ishlash uchun pedagogik texnologiyalar (insert, 2 qismli kundalik, esse va boshqa usullar).

Shu o`rinda boshlang`ich ta’lim uchun pedagogik texnologiyalarni loyihalashning o`ziga xos tomonlarini ko`rsatib o`tish joizdir, ya’ni:

1) Har bir mashg`ulotdan natijani kafolatlovchi maqsad aniq o`rnatiladi;

2) Mashg`ulot mazmunini belgilashda, bir tomondan - o`quvchilarning qiziqishi, ehtiyoji, qobiliyatlari; ikkinchi tomondan - o`qituvchining ijodkorligi, mahorati; uchinchidan – sinfdagi mavjud shart-sharoitlar hisobga olinadi;

3) Didaktik jarayon tuzilmasi keskin farqlanadi, ya’ni uning motivatsion bosqichi kuchaytiriladi. Boshqacha qilib aytganda o`yinli didaktik jarayon loyihalanayotgan texnologiyaning asosini tashkil etadi;

4) Darsdagi boshqaruv faoliyati funksiyasi ham o`zgaradi. Bunda o`qituvchi boshqaruvchi va “rejissyor”, o`quvchi esa asosiy faoliyatni amalga oshiruvchi hisoblanadi; O`quvchi ta’lim -

tarbiya jarayoni sub'ektiga aylanishi kerak.

5) Texnologiyalarni qo`llash samarasi yoki yakuniy natija - bu o`quvchi shaxsida ijtimoiy sifatlarni shakllantirish va rivojlantirish ekanligiga o`qituvchi alohida e'tibor qaratishi lozim.

Ma'lumki, boshlang`ich ta'limda o`yin texnologiyalari faoliyat ustuvorligiga ega bo`lib, bolaning ruhiy jihatdan rivojlanishini bir qadar tezlashtiradi. O`yin bolalar yaxshi o`zlashtira oladigan faoliyat hisoblanib, bu faoliyat jarayonida ular o`qishga, mehnatga, badiiy ijodga oid hayotiy muammolarni tezda ilg`ab oladilar. Tadqiqotlardan ma'lumki, o`yinli vaziyatlardan maqsadli foydalanish g`oyasi ilg`or va samaralidir. Turli yoshdagi odamlar faoliyatini o`yin tarzda tashkil etish va kasb mahoratini takomillashtirish tajribasi pedagogika fani uchun yangilik bo`lmasa-da, o`yinli didaktik jarayonini loyihalash texnologiyasi etarlicha ishlanmagan. Mavjud adabiyotlarda o`yinning ishbilarmonlik, rolli, ishlab chiqarish, tadqiqotchilik va o`qishga oid turlari mohiyati va mazmuni uchrab turadi, biroq ular o`yinga qo`yiladigan asosiy talablarga javob bermaydi, ya'ni, o`yin jarayonining kuchaytirilgan va turg`un motivatsiyasi, o`yinning asosiy bosqichida ishtirokchilarning muvaffaqiyatga erishishi va qanoat hosil qilishi bilish faoliyatini maqsadli boshqarish hamda o`yin so`ngida faoliyati o`zlashtirish sifatining ta'minlanishiga erishish.

Kichik maktab yoshi o`quvchilari uchun o`yinning quyidagi turlari mavjud: mavzuli-rolli o`yinlar, o`yin-mehnat, didaktik o`yinlar, harakatli o`yinlar, sayr-tomosha o`yinlari, majmuali bayram o`yinlari.

Mavzuli-rolli o`yinlar o`quvchilarning mustaqil yoki kattalar yordamida ijtimoiy tajribani, milliy ob'ektni, hayotiy va badiiy taassurotlar asosida ijodiy tafakkurni yaratish faoliyatidir. Bu faoliyag natijasida bolalar ichki fikrlashi, hayol surishi va boshqa axloqiy sifatlari tarkib topadi. Buning uchun bola yoshiga xos kichik hajmdagi hayotiy mavzular sahna ko`rinishida ijro etiladi. Misol uchun,»Bozor»sahnasini ijro etishi bilan o`quvchilar yangi iqtisodiy tushuncha va munosabatlarga (haridor, sotuvchi, narx, savdo, qiymat, pul va boshqa) duch kelishadi va ularda iqtisodiy ong va tadbirkorlik, ishbilarmonlik xislatlari shakllanadi.

O`yin-mehnat jarayonida bolalar atrofdagi olam to`g`risida chuqurroq tasavvurga ega bo`ladi, ushbu jarayonni va harakatlarning umumiy ko`rinishini o`rganadilar. O`quvchilarda hozirgi kunda ko`proq dolzarblik kasb etayotgan konstruktiv tafakkur, induktiv va deduktiv bilish ko`nikmalari rivojlanib boradi.

Didaktik o`yinlar o`quvchilarning aqliy rivojlanishida, ularni bilishga undashda bir necha afzalliklarga ega. Bu o`yinlar o`qituvchi-tarbiyachi tomonidan o`quv-tarbiyaviy maqsadlar uchun maxsus tashkil etiladi. Foydalanilayoggan materiallar turiga qarab didaktik o`yinlar predmetli-didaktik o`yinchoqlar va materiallar; mantiqiy -"qiziqarli sayohat",»labirint"; so`zli - o`yin: topishmoqlar, masallar, o`yin -sayohatlar kiradi.

Harakatli o`yinlar bolalarni tarbiyalashda muhim vosita sanaladi. Ular har doim o`yin ishtirokchilaridan faol sensorli va harakatlarni o`rnatilgan maqsadga erishish uchun bajarishni talab etadi. Musobaqa tarzida tashkil etilgan bu tur o`yinlar bolalarda ijodkorlik, epchillik, tezkorlik, zehnlilik kabi sifatlarni shakllantirishga xizmat qiladi.

O`yin turlarini tanlash bevosita o`quvchilar yoshiga bog`liq ekanligini ta'kidlash joiz. Misol uchun, etti yoshli bolalar uchun o`yin mazmun jihatdan ahamiyat kasb etmaydi, balki ularga ba'zi bir»ma'suliyatli»topshiriqlar berilishi lozim: bayroqni olib kel, dustingni yonida tur va hokazo. O`yinning asosiy vazifasi darsni tashkil etish shakli sifatida bolalarni bilishga oid faoliyatga jalb etishdir. SHu boisdan»Hayoliy orol"ga sayohat, multfilmda sevgan qahramonlarining harakatlarini kuzatish, topishmoqlar aytish, bolalar bayramlari kabi o`yinlar bola shaxsiyati mazmunini ochib berishga, uning faoliyatini rivojlantirishga, umumiy qiziqish va fikrlar mushtarakligi asosida ularni jipslashtirishga imkoniyat beradi.

Lekin, boshlang`ich ta'lim amaliyotida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo`llashda quyidagi muammolar ham kuzatilmoqda, ya'ni:

- ayrim o`qituvchilar nazariy jihatdan pedagogik texnologiyalar haqida aniq tassavurga ega emas;

- ular interfaol usullarni an'anaviylardan ajrata olishda qiynalmoqda;

- o`z amaliyotida faqat bir yoki ikkita texnologiyalardan foydalanadi hamda ularni qoidasiz qo`llaydi (masalan, “Aqliy xujum”ni oddiy suhbatga o`xshatadi, kichik guruhlar o`rniga sinfdagi 3 qator ishlatadi), o`quvchilarni joylashtirishda, shakllarni tanlash masalasida qiynaladi va hokazo.

Ushbu muammolarni bartaraf etish uchun maktabda quyidagi ishlarni amalga oshirishni tavsiya etamiz:

-o`qituvchilar uchun uslubiy seminarlarni kengroq uyushtirish, unda pedagogik texnologiyalar, ularning turlari haqida muntazam bilim berish;

- o`qituvchilarning o`zaro darsga kirishini, tajriba almashishni tashkil etish;

-ular o`rtasida ommaviy axborot vositalarida pedagogik texnologiyalarni amalda qo`llash bo`yicha ilg`or tajribalar haqida chop etilgan maqolalarni muhokama qilishni uyushtirish;

- ilg`or pedagogik texnologiyalarni o`rganish borasida novator o`qituvchilar bilan haftalik o`quv kurslarini tashkil etish.

Demak, boshlang`ich ta’lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish ta`lim – tarbiya sifatini hamda natijasini kafolatlash garovidir.

MODULLI TA’LIM ORQALI BOSHLANG`ICH SINF O‘QUVCHILARINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O‘RGATISH

Xolmo`minova B. Jizzax VXTXQTMOI

“Modulli o`qitish” termini xalqaro tushuncha-modul bilan bog`liq bo`lib (modul **“modulus”** so`zidan olingan bo`lib-me‘yor, o`lchov degan ma‘noni anglatadi.) Modul ta’lim jarayonida o`rganilayotgan predmetni ma‘lum qismlarga bo`lib, uni o`rganishning aniq tizimini yaratadi.

Moduluning bitta ma'nosi faoliyat ko`rsata oladigan o`zaro chambarchas bog`liq elementlardan iborat bo`lgan tugunni bildiradi.

1982 yilda YUNESKOning anjumandagi ma'ruzasida modulga “Mashqlarni xususiy tezlikda diqqat bilan tanishish va ketma-ket o`rganish orqali individual yoki guruh mashg`ulotlarida bir yoki bir necha malakaga ega bo`lish uchun mo`ljallangan alohida o`rgatuvi paket (to`plam)»deb ta'rif berilgan edi.

Modul-yuqori darajadagi yaxlitlik tizimida o`quv mazmuni va uni o`zlashtirish texnologiyasini birlashtiruvchi maqsadli funksional tarmoq.

Modul-bu o`quvchilarning bilim va ko`nikmalarini majburiy tarzda nazorat qiluvchi o`quv materialining mantiqiy tugallangan qismi.

Modul deganda, ma'lum o`quv predmeti bo`yicha aniq maqsadni ko`zda tutib, ob'ektlarning muhim jihatlarini mantiqan tugal va mukammal holda yorituvchi o`quv materialining didaktik birligini tushunamiz.

Ta'limiy modul-unga tegishli metodik materiallar bilan birgalikdagi o`quv kursining mazmunli qismi.

**O`quv moduli**-har bir o`quv topshiriqlarini bajarish vaqti, nazorat va hisobga olish usullari, o`quv materiallari (paragraf, mavzu, bo`lim, fan)ni o`rganish bo`yicha ko`rsatmalar. Ko`proq oddiy va o`ziga xos tarzda o`quv moduli uni o`rganishning ko`proq oqilona shakl va metodlari bilan birgalikda odatiy o`quv dasturlari mavzu(bo`lim)larini aks ettiradi.

**Modulli o`qitish**-o`rganishning istiqbolli tizimlaridan biri hisoblanadi, chunki u odam bosh miyasining o`zlashtirish tizimiga eng yaxshi moslashgandir.

O`qish darslariga qo`yilgan zamonaviy talablar o`qituvchidan boshlang`ich sinf o`quvchilarini o`qishga jalb qilish, badiiy adabiyotni san‘atning bir turi sifatida qarashga, asarlarning badiiy mazmunini, estetik ahamiyatini va obrazlar mazmunini tushunishiga e‘tibor qaratish talab etiladi. Ta’limning an‘anaviy tizimidan farqli ravishda modulli o`qish darslarining asosida uning har bir bosqichida o`quvchining faolligiga asoslangan mustaqil faoliyati, o`zlashtirish qobiliyatini hisobga olgan har xil darajali modullar algoritmi asosida ta’lim jarayoniga to`liq jalb etish yotadi.

O`quvchilar modul topshiriqlarini mustaqil o`qiy oladigan davrdan boshlab modulli o`qishga o`tish maqsadga muvofiq bo`ladi.

Boshlang`ich sinf o`qish darsining algoritmi

1-modul

Uy vazifasini tekshirishga tayyorgarlik.

Darslikning...betini oching (Agar u she‘r bo`lsa takrorlang (hikoya bo`lsa birinchi xatboshigacha o`qing).

She‘rning bir bandini o`qib, partadoshingizga aytib bering. (hikoya bo`lsa mazmunini partadoshingizga so`zlab bering).

She‘rda yoki hikoyada nima haqida aytilgan. Qaysi voqea yoki hodisani eslab qoldingiz, nima uchun?

O`z-o`zingizni baholang va o`rtog`ingiz bahosini eshiting.

2-modul

Quvnoq daqiqa:

1.Nafas olishga oid mashqlar: “pufakni puflang”, “choyni soviting”, “gulni hidlang”, “shamni puflab o`chiring”.

2. Ovozga oid mashqlar: tovushlar artikulyatsiyasi, tez aytish, kichik she‘rni sekin, tez, past, baland ovozda, ichda o`qish, jo`r bo`lib o`qish, intonatsiyaga rioya qilib o`qish, yoddan aytish.

3 –modul.

Tez o`qish. O`qituvchining “Boshla»degan buyrug`idan keyin boshlang.

1. Lablaringni bir-biri bilan jipslashtiring.

2. Faqat ko`zing bilan o`qing.

Imkon boricha tezroq o`qing, tushunmaydigan so`zlaringizni belgilab boring.

Savollarga matndan javob toping.

Javobingizni o`rtog`ingiz bilan muhokama qiling va maslahatlashing. Umumiy muhokamada faol qatnashing.

4- modul

Tez o`qish malakasini egallash uchun intensiv mashqlar.

Yarim ovoz bilan boshlovchiga taqlid qilib o`qish.

Ritmik chertmalar asosida o`qish.

Matndan nigohni olib o`qish.

Tezlashtirib o`qish.

Juftlikda o`qish.

Tez aytish tempida o`qish..

Pichirlab o`qish.

Faqat ko`z bilan ichda o`qish.

Tez o`qish.

5-modul

Tavsiyalar

Intonatsiyaga rioya qilib o`qing, o`qiyotganda so`zlarga urg`ularni to`g`ri qo`ying.

O`qiyotganda pauzalarga to`g`ri rioya qiling.

Ovoz kuchining baland yoki pastligini o`zingiz belgilashga harakat qiling.

Tempning tez yoki sekinligini aniqlang.

His-hsyajon bilan o`qishga harakat qiling.

Intonatsiya bilan asarga o`z munosabatingni bildiring.

6-modul

Ijodiy daftardagi ish. (tanlash bo`yicha topshiriqlar).

Darsni xulosalash-o`z fikringni aytishni, dialogga kirishish, muammoga baho berishni odatlaning.

Tavsiyalar har bir o`quvchiga beriladi.

O`quvchilarda algoritmlardan foydalanish malakasini shakllantirish.

Mustahkam bilim va malakalarga ega bo`lish maqsadli mustaqil faoliyat tufayli amalga oshadi.

Mustaqil ishlashga mo`ljallangan topshiriqlarning asosida matnni birinchi o`qishdan o`qiganlarining mazmunini tahlil qilish va berilgan savollarga javob berish kabi ishlar yotadi. Mazmunni chuqurroq idrok etish va tushunish uchun quyidagi tavsiyalarga amal qilish kerak:

Hikoyani o`rganishning metodik modeli

Asosiy mazmunni aniqlash.

Hikoyani bayon etuvchini ajratish. (hikoyani kim aytayapti, u hikoya voqealarining ishtirokchisimi?)

Hikoya qahramonini aniqlash, uning harakatlari va bu harakatlarning sabablarini aniqlash.

Qahramonlar xarakteridagi o`ziga xos xususiyatlarni aniqlash.

Ta‘sir qiluvchi shaxsning hislari va holatini aniqlash va tushungani bo`yicha qahramonni og`zaki tavsiflash.

Hikoya qahramoniga muallifning munosabatini aniqlash. Matndan shunga doir so`zlarni topish.

Hikoya qahramoniga o`quvchilarning shaxsiy munosabatlarini aniqlash.

Asarning asosiy g`oyasini tushunish.

Hikoya kompozitsiyasi ustida ishlash.

Ertakni o`rganishing metodik modeli

Aniq voqelikni aniqlash:

Ertak qahramonlari;

Ular rolining xususiyatlari (yaxshilik va yovuzlik);

Voqealarning izchilligi:

a) asosiy voqeaning xarakteri;

b) voealarning ketma-ketligi;

Xulq motivlari;

Ertak qahramonlarining xarakterli xususiyatlari;

Ertak qahramonlarining o`zaro munosabatlari.

Ertak qahramonlari yoki ertakdagi ayrim epizodlarni o`ylagani bo`yicha og`zaki tavsiflash.

Ertakdagi asosiy g`oyani aniqlash.

Ertak qahramoniga yoki undagi voqea-hodisalarga o`quvchilarning shaxsiy munosabatini aniqlash.

Ertak janrining xususiyatlarini farqlash;

Kompozitsiya(tarkibiy tuzilishi);

Voqelik bo`lib o`tgan joy; (real voqelik yoki uydirma);

Ertak voqealarini badiiy ifodalash.

She‘rni o`rganish ning metodik modeli

1. She‘rning umumiy hayajonli qismlarini aniqlash;

2.She‘rdagi tabiat manzaralarini tasvirlashga doir joylarni topish;

3.Qiziqarli obrazlar va aniq bo`rttirib ko`rsatilgan joylarni topish;

4.Ta‘sirli joylarini alohida ta‘kidlovchi ovoz bilan o`qish;

5.She‘rdagi tasvirlangan jarayonni grafik tasvirlash (rasmda ifodalash);

6.Shoirning hislari, ichki kechinmalari, kayfiyatini aniqlash;

7.Shoirning hislari, ichki kechinmalari, kayfiyatini va munosabatini ifodalovchi so`zlarni she‘rdan topib o`qish;

8.She‘rning asosiy mazmunini aniqlash;

9.She‘rda tasvirlanganlarga o`quvchining munosabatini aniqlash;

10.She‘rdagi aytuvchi shaxsini aniqlash.

BOSHLANG`ISH TA’LIMDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA

To`lakova X, To`rayeva D Qashqadaryo VXTXQTMOI o`qituvchilari

Materiyaga doimiy ravishda bog`liq bo`lgan, lekin o`zi ma’lum materiya shakliga ega bo`lmagan shakl yoki miqdor kabi narsalarni o`rganadigan fan matematika deb ataladi.

Abu Ali ibn Sino

Hozirgi kunda ta'lim-tarbiya tizimida pedagogik texnologiyalardan foydalanish dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Prezidentimiz I.Karimov o`zining "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" nomli asarida ta'kidlaganidek, **"Inson o`z umri davomida qanday yutuq natijalarga erishmasin, qayerda qanday lavozimda ishlamasin maktab dargohida olgan ta'lim-tarbiyasi uning yetuk shaxs va malakali mutaxassis bo`lib shakllanishida ulkan ahamiyatga ega ekani shubhasiz.** (Karimov I.A. "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" – T.:"Ma'naviyat, 2008. 130-bet)

Boshlang`ich ta'lim – ta'lim imoratining poydevori ekanligi hech kimda e'tiroz to`g`dirmaydigan haqiqatdir. Shunday ekan, ta'lim imoratining pishiq – puxtaligi, ko`rkamligi, salobati, avvalo, boshlang`ich ta'limning saviyasiga, boshlang`ich ta'lim o`qituvchilari tarkibiga, ularning zaruriy bilim va malakalarini, pedagogik mahoratini puxta egallaganligiga bog`liq. O`qituvchi qanchalik bilimdon bo`lsa, o`z ishini sevsa, kasb mahoratini tinmay takomillashtirib borsa, yangi samarali usullarni, tajribalarni egallash ustida tinimsiz ishlasa, o`zi ham yangiliklar ijod etish uchun izlansa, u bergan ta'limning samarasi yuqori bo`lishi shak-shubhasiz.

Ta'lim samaradorligini oshiradigan omilardan biri ta'lim jarayonida ilg`or pedagogik texnologiyalardan o`z o`rnida mohirona foydalanishdir. Bu boshlang`ich ta'lim uchun ham taalluqlidir. Innovatsion texnoligiyalar, interfaol dars usullaridan, axborot kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari boshlang`ich sinflarda ham juda mo`l. Ma'lumki innovatsiya yangilik yaratish, kiritish degan ma'nolarni bildiradi. Ta'lim jarayonida ham innovatsiya shu yoki shunga yaqin ma'noda qo`llaniladi hamda o`qituvchilarni yoppasiga faollashtiradigan, dars jarayonida ularni passiv tinglovchidan mustaqil fikr yurituvchi, xulosalar chiqara oluvchi faol ishtirokchiga aylantirishda qo`llaniladigan metodlar majmui tushuniladi. Biroq hech bir yangilik o`z – o`zidan yoyilmagani singari, innovatsion dars usullari ham ta'lim jarayoniga o`z-o`zidan kirib bormaydi, balki ularni reja asosida o`qituvchilarga tinimsiz singdirib borishni, shu yo`nalishda samarali usullar qo`llashni talab etadi. Kafedramiz professor o`qituvchilari shu yo`nalishidagi ishlarni boshlab yuborganiga ancha bo`ldi. Biz o`quv rejasidagi "Pedagogikaning dolzarb masalalari" aspektidagi mavzulardan tashqari "Fanni o`qitishda axborot texnologiyalari", "Fanni o`qitishda pedagogik texnologiyalar" va "Fanning nazariyasi o`qitish metodikasi" bo`limlaridagi barcha mavzularni axborot kommunikatsion texnologiyasi, yangi pedagogik texnologiyalar asosida interfaol usul qo`llab o`tishni ham yo`lga qo`ydik. Bu tinglovchilarga nafaqat yangi pedagogik texnologiyalar shakllari, interfaol dars usullari haqida tushuncha va bilim berish, balki har bir usulni qanday qo`llashni ham ko`rsatish imkoniyatini yaratmoqda. Masalan, men "Boshlang`ich sinflarda murakkab masalalar yechish metodikasi" mavzusida amaliy mashg`ulotni olib boraman. boshlang`ich ta'lim 3-4 sinflarda yechilishi ancha murakkab bo`lgan masalalar uchraydi. Men ana shu masalalarni yechish jaraonida mantiqiy izchillikka asosiy e'tiborimni qarataman. Chunki mantiqiy izchillik masalalarni yechishda xatoga yo`l qo`yishdan asrash bilan birga, o`quvchilarda mantiqiy fikrlash malakasini o`stiradi. "Arirmetik amallar, harfiy ifodalar, tenglamalar yechich metodikasi" mavzusidagi mashg`ulotni axborot kommunikatsion texnologiyalari asosida tashkil etaman. Har bir tinglovchi mavzuning nazariyasini alohida-alohida kompyuter oldida o`tirib o`zlashtirishiga muvaffaq bo`ladilar. Hamda har bir amaliy topshiriqlarni mustaqil bajaradilar.

Umuman olganda o`quvchilarning mantiqiy fikrlashini rivojlantiradigan pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etiladigan matematika darslari qanday bo`lmog` lozim? Fikrimcha, bunda quyidagila muhim o`rin tutadi.

- har bir darsda interfaol usullarni qo`llash;
- har bir masala yechimini tashkil etishda muammoli vaziyat yarata olish;
- yangi pedagogik texnologiya asosida tashkil etilgan darslarda didaktik o`yinlardan o`rinli foydalanish. Masalan: "Ko`rganni eslab qolish", "Jimjitlik","Nima o`zgardi?", "Teatr", "Narvoncha", "Zinama-zina" va boshqalar;
- matematika darslarida masala yechish jarayonida o`quvchilar masalalarni mustaqil tahlilil qilib, yechimini to`g`ri topa olishiga erishishni ta'minlash;

- o`quvchi bilimini baholashda test sinovlaridan va diagnostik tahlil usullaridan foydalanish.
- har bir dars jarayonida o`quvchilardagi yozma va og`zaki hisoblash uyg`unligini ta'minlab borish;
- geometrik materiallarni o`rgatishda amaliy yondashuvni ta'minlash;
- bir necha noma'lum masalalarni yechishda o`zgaruvchili qiymat berib tenglama shaklida yechish malakalarini shakllantirish.

4-СИНФ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА "ҚУШЛАР ВА ҲАШОРАТЛАР" МАВЗУСИГА ДОИР КОМПЬЮТЕР МАШҒУЛОТЛАРИНИ УЮШТИРИШ

Кубаева М-Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ХТМФМТТЭБ методисти.

4-синф ўзбек тили дарсида "Қушлар ва ҳашоратлар" мавзусини ўрганишда "Қушларга севгим" шеъридан бошқа барча дарслик материаллари, яъни мавзу бўйича барча сўзларни ўқувчилар биладиган, таниш сўзлардир. Ушбу дарсда мавзу доирасида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, табиат уларнинг табиат олами ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш оид материаллар етарли даражада берилган. Ўқувчилар мазкур мавзу доирасида барча машқларни бажариш жараёнида лингвистик талаблар асосидаги топшириқларни бажариб, берилган матнлардаги сўзларнинг изоҳини ўқитувчи тушунтиришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ўқитувчи дарс материали бўйича 1-дарсда барча топшириқларни бажартириш жараёнида 1-топшириқ юзасидан берилган капалак, ипак қурти, чумоли, пашша, чивин, суваракнинг анимацияли расмларини слайдлар орқали намойиш этилади. Бу анимацион (жонлантирилган) расмлар ўқувчиларнинг тасаввурида худди кўзи билан кўргандек туюлади. Шундан сўнг уларнинг фойдали ва зарарли томонлари ҳақида суҳбат ўтказилади. Улар билан 2-машқда берилган саволлар устида ишлаш жараёнида анимацион расмли слайдларда мусича, чумчуқ, лайлак, қалдирғоч, турна каби қушларнинг ини қурилган жойлар тасвири намойиш этилади. Тажрибамдан маълум бўлдики, мана шу жараёнда болаларнинг баъзилари шаҳарда яшаганлиги учун қайси қуш қаерга ин қуришини билмаскан. Масалан, турнанинг дарахтларнинг энг тепасига, чумчуқнинг ҳовлидаги бинолар девори билан томи оралиғига, мусича ва қалдирғоч одам- лар яшайдиган уй, дарвозахоналар пештоқига ин қурганлигини кўриб ўқувчиларда қизиқиш жудаям ортди. Натижада дарсликда берилган "Билиб олинг»рукнидаги "-га" қўшимчасининг қандай сўзларда ишлатилишини осонгина ўзлаштириб олди.

Болаларнинг ўлкамиз табиатига бўлган меҳр-муҳаббатини оширишда 2-дарсда 3-топшириқ юзасидан анимацияли расмлар композициясидан фойдаланганимда, 4-топшириқни ўқувчилар яхши бажарганлигини тажрибамда кўрдим. Улар анимациион расмлардаги кўрган тасаввури асосида қийналмасдан гапларни бемалол туза олди.

3-машқнинг 5-топшириғи устида ишлашда овозли анимацион расмлар айниқса ўқувчиларда эстетик завқ уйғотишда муҳим ўрин тутади. Булбул, тўти ва бедананинг сайроқи овози бола қалбида гўзал туйғулар ҳиссини шакллантириш баробарида у бу ноёб қушларни асраш кераклигини англайди. Чунки ўқитувчи анимацион расмларни намойиш қилиш жараёнида бедана, булбул, тўти "Қизил китоб"га киритилганлигини, бу қушларнинг камайиб бораётганлигини ҳам тушунтиради. Шу дарсда Ўзбекистонда яшовчи қушларни тавсифловчи анимация ва слайдлар кўрсатилса, булар орқали ўқувчилар республикамиз табиат олами ҳақида энциклопедик (қомусий) маълумотларга ҳам эга бўлади.

Демак, мазкур мавзуни ўргатишда ўқувчилар кўп сўз изоҳи билан танишади, республикамизда қушлар ва ҳашоратлар материаллари билан танишадилар. Менинг 4-синф ўзбек тили дарси учун тайёрлаган компьютер орқали экранлаштирилган, таблицалар ҳамда слайдлар ҳажмини жуда катта миқдорни ташкил этади. Бу материалларни компьютер хотирасида сақлаб бораман. Булардан эса туман ва шаҳар мактабларида ўтказилан ўқув-семинарларида маъруза учун бир неча бор материал сифатида фойдаланганман.

O`QISH DARSLARIDA TA'LIMIY O`YINLARDAN FOYDALANISH

Tursunova O, Jizzax XTXQTMOI"Maktabgacha, boshlang`ich va maxsus ta'lim»kafedrasi o`qituvchisi

O`qish darslarida o`quvchilarning yaxshi o`qish sifatlari:ongli, to`g`ri, ifodali, tez va ichdan o`qish malakalarini shakllantirish usullari ko`p va ular ustida ishlashda o`qituvchi bir qator ta'limiy vositalarni qo`llaydi. Ana shu vositalardan biri ta'limiy o`yinlardir. Ta'limiy o`yinlar boshlang`ich sinflarda quyidagicha ahamiyatga ega:

- ✓ O`yin darsda o`quvchilarning faolligini oshiradi, mashg`ulot qiziqarli bo`lishini ta'minlaydi;
- ✓ Darsda o`quvchilarning zerikishi, sustkashligi barham topadi, bolalarning o`qilayotgan matnga qiziqishi ortib boradi;
- ✓ O`quvchining fikrlash darajasi kuchayib boradi.U o`yin davomida qo`yilayotgan topshiriqni mantiqiy xulosa chiqarish yo`li bilan bajaradi;
- ✓ O`quvchida mustaqil fikrlash kuchayib boradi;
- ✓ O`quvchida o`z jamoasi muvaffaqiyati uchun kurashish hissi tarkib topadi;
- ✓ Matnlarni ongli o`qish rivojlanib borgan sari bola xarakteridagi fazilatlar ko`payib boradi.

Ma'lumki, o`quvchi qancha yosh bo`lsa, darsda qo`llaniladigan qiziqarli o`yin elementlari shuncha ko`p bo`lishi lozim. Chunki ta'limiy o`yin, bir tomondan, ayrim bolalar tabiatiga xos bo`lgan qiziquvchanlik, sho`xlik, zukkolik xususiyatlariga xos bo`lsa, ikkinchi tomondan, ba'zi bolalardagi odamovilik, indamaslik, tortinish, uyatchanlik kabi sifatlarni bartaraf etib boradi. Ta'limiy o`yinda ishtirok etish o`quvchilarda shiddat bilan harakat qilishni tarkib toptiradi.Shuning bilan birgalikda o`yin jarayoni o`quvchi psixologiyasida jiddiy o`zgarishlarni yasaydi: diqqati kuchayib boradi, faoliyati rivojlanadi, qiziqishi ortib, nuqsonlari yo`qolib, xotiralari mustahkamlanib boradi. Matnlar mazmunini idrok eta olish qobiliyati kuchayadi.

O`yin davomida o`quvchilarda quyidagi ko`nikmalar hosil bo`lib boradi:

- Badiiy asar g`oyasini tushuna olish ko`nikmasi;
- Badiiy asar mazmunini hikoya qilish qobiliyati;
- Badiiy asar matni mazmunini tahlil qilish ko`nikmasi;
- Nutqda so`zlarni o`z o`rnida qo`llay olish qobiliyati;
- She'riy matnlarni tezlik bilan yodlay olish qobiliyati;

Boshlang`ich sinflarda o`qish darslarida har qanday matn ustida ishlashda ta'limiy o`yi nni tashkil qilishmumkin. Ayniqsa, she'riy matnlar ustida ishlashda turli o`yinlarni o`tkazish imk oniyati ko`p.

3-sinfda shoir Miraziz A'zamning "Vatan" sh'eri ustida ishlashda quyidagi tartibda ta'limiy o`yin o`tkazilishi mumkin:

O`yin nomi: "**Qofiyani top"**

O`yin tartibi: 4 tadan (jami 12 nafar) o`quvchi uch qator bo`lib saflanadi. Birinchi qatorga she'rning 1- bandidagi, ikkinchi qatorga esa 2-bandidagi va 3-qatorga esa 3-banddagi **qofiyadosh** so`zlarni "**kim avval`yozish"** sharti bilan musobaqa tarzida xattaxtaga navbat bilan tezda yozish topshiriladi.

Namuna:

1-qator:	**2-qator:**	**3-qator:**
uyimiz	*tog`i'miz*	*konimiz*
suvimiz	*bog`imiz*	*nonimiz*
ko`chamiz	*dalamiz*	*onamiz*
ichamiz	*qilamiz*	*o`rganamiz*

Ta'limiy o`yin nasriy matnlar-ertak, hikoya va rivoyatlar ustida ishlashda ham qiziqarli tashkil etilishi mumkin. Masalan, 3-sinfda qirg`iz xalq ertagi "**Ahillik-ulug` baxt"** matni ustida ishlashda ta'limiy o`yin quyidagicha tashkil qilinishi maqsadga muvofiq.

O`yin nomi: **"Savolga javob"**

O”yin tartibi: Uch nafar o`quvchi xattaxta oldiga taklif qilinadi, ularga o`yin sharti tushuntiriladi: Ertak mazmuni bo`yicha berilgan savollarga ***kim avval bir so`z bilan javob beradi?***

Savollar:

1.Donishmand cholning nechta o`g`li bor ekan? *(yettita)*

2.Odamlar uning o`g`illariga qanday baho berishar ekan?*(Ahmoq)*

3.Chol o`rmondan nechta novda qirqib kelibdi?*(yettita)*

4.Chol bir dasta novdani nima qilishni buyuribdi? *(Sindirishni)*

5.O`g`illari qanday ahvolga tushibdilar? *(Sindirolmabdilar)*

6.O`g`illar keyin qanday yashabdilar? *(Inoq).*

O`yin nomi:**,,Koptokni ilib ol”**

,,Koptokni ilib ol “ o`yinida o`qituvchi o`quvchilarga koptokni uloqtira turib turli mavzularga oid ( Vatan so`zida nechta bo`g`im bor? Tabiatshunoslik so`zida nechta undosh tovush bor? Bahor fasli kirib kelishini nimalarni bilasiz?,,Qish” she’rida shoir nimalarni tasvirlagan ?) savollar berish mumkin. Ushlab olgan yoki koptok borib tushgan o`quvchi zudlik bilan savolga javob qaytaradi. Bevosita o`yinda ishtirokchi bo`lishni hohlagan o`quvchida topshiriqlarni tez o`zlashtirishga harakat qilish natijasida yangi g`oya, yangi fikr, do`stona muloqatga kirishish xislatlari shakllanadi va rivojlanadi. Bu o`yin darslarni mustahkamlash yoki o`tgan darsni mustahkamlash yoki o`tgan darsni takrorlash qismida o`tkazilishi mumkin

O`yin nomi:**,,Yo`qolganlarni qidirib top”**

Bu o`yinda yo`qolgan harflar, so`zlar yoki gaplar o`rniga tegishlisini topib qo`yish talab qilinadi. Bunda o`rganilayotgan mavzudan kelib chiqib, lug`ati quyin so`zlarni berilishi mumkin.,,Sardoba” sar…oba. Bu yerga undosh harflardan mosini tanlab qo`ying. So`zni to`g`ri topilsa, usti yopilgan hovuz ma’nosidagi so`z chiqadi. So`ng ushbu so`zni ko`rgazmali qog`ozda,, Sardoba»– usti yopilgan hovuz ko`rinishida yozib qo`yish lozim va uni so`z topilgandan keyin ko`rsatiladi.

Bulardan tashqari bu o`yinni o`quvchilarni so`z boyligini oshirish, sinonim so`zlarni o`rgatishda ham qo`llash yaxshi samara beradi. Ma’nodosh so`zlarni topib birontasini qo`yishlari mumkin.

1. Do`stim, nonni isrof qilmang.
   Do`stim, nonni ……qilmang (uvol)
   Do`stim, nonni ……qilmang (oyoq osti)
2. Erta bahorda ertalab, maysalarustida shabnam bo`ladi.
   Erta bahorda ……, maysalar ustida ……. bo`ladi.
   Erta bahorda ……., maysalar ustida ……. bo`ladi.
   (saharda, tomchilab)
   Erta bahorda …….., maysalar ustida …….. bo`ladi
   (subhidamda, suv) va h. k.

O`yin nomi:**,,U nima qilayapti”**

,,U nima qilayapti»o`yini pantomimo tarzida tashkil qilinib, o`quvchilardan biri ovozsiz harakatlarini izohlab, u nima demoqchi ekanini topadilar. Bundan o`qish darslarida she’r va hayvonlar ishtirokidagi ertaklarni o`rganishda qo`llaniladi. Quddus Muhammadiyning,,O`quvchiga esdalik “ she’ri yozib stol ustiga qo`yiladi va doskaga chiqqan o`quvchi uni o`qib o`z harakatlari orqali tasvirlab berish vazifasi topshiriladi.

Bo`lay desang bog`bon,
Yo Vatanga posbon.
Yo osmonda uchuvchi,
Yo dengizda suzuvchi.
Nimaki qilsang tilak,
Bariga o`qish kerak

Shuningdek, biror ertakni o`qishdan oldin stol ustiga quyon, sher, maymun, bo`ri, tulki singari ertak qahramonlari nomi yozilgan qog`ozlar qo`yiladi. O`quvchilar o`z harakatlari bilan ushbu qahramonlarni tasvirlab beradi.

Xulosa qilib aytganda ta'limiy o`yinlar xilma-xil materiallar asosida tashkil qilinib, ular bolalarning aqliy va jismoniy kamol topishida g`oyat katta tarbiyaviy ahamiyatga egadir. Ta'limiy o`yinlardan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish o`quvchilarning fan asoslarini o`rganishini yanada yengillashtirishi shak- shubhasizdir.

Dars jarayonida didaktik o`yinlarni tanlash uning maqsadi va mohiyati tarbiyaviy va ta'limiy xususiyatiga e'tibor berish asosiy dolzarb masala hisoblanadi.

Yuqoridada keltirilib o`tgan ta'limiy o`yinlarimiz bolalar bilan ishlash jarayonida boshlang`ich sinf o`qituvchilari uchun kerakli vosita bo`la oladi va didaktik o`yinlar asosida dars o`tish bugungi kunda samarali natija bermoqda.

ЭШИТИШИДА НУКСОНИ БУЛГАН ЎҚУВЧИЛАР МАТЕМАТИК БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА MC EXCEL ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Саидова С. Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-эшитиш имконияти чекланган ўқувчилар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат математика фани ўқитувчиси

Президентимиз И.Каримов "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир»мавзусидаги нутқида: "Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз",- деган эди.

Президентимиз томонидан келажак авлод тарбиясига берилаётган бундай катта эътибор таълим тизимини ва педагоглар зиммасига улкан вазифаларни юклайди. Бу вазифаларни амалга ошириш чуқур билим ва катта маҳоратни талаб этади. Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда ўқувчилар учун информацион саводхонлик таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Айниқса, таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, технология, ахборот, компьютер, мултимедиа, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва шунга ўхшаш ахборот-коммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ўзининг самарасини бермоқда. Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун барча мавжуд воситалардан кенг фойдалана билиш лозим.

Жисмоний ёки ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар назарий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда ўта қийинчиликларни бошдан кечиради. Ўқитувчи болаларга бўлган илиқ муносабати, моҳирона қўллаб – қуватлови, мулоқат ўрната олиши ўқувчиларда нафақат дарсларга фаол иштирок эта олишларини уйғотади, балки улардаги ўз имкониятларига ишончини юзага келтиради.

Таълимнинг самарали ташкил этилишида АКТ нинг ўрни беқиёсдир. Айниқса эшитишида нуқсони бор ўқувчилар учун бу ниҳоятда муҳим.

Турли кўринишдаги функция қийматларини ҳисоблаш ва графикларини тайёрлаш MC Excel дастурида осон ва тез бажарилади. Масалан, алгебра фанида чизиқли функция, квадрат функция, тригонометрик функциялар мавзуси MC Excel дастури ёрдамида олиб борилса, мавзуни чуқурроқ ва кенг кўламли қилиб тушунтириш имкони мавжуд бўлади. y=2*x-5 чизикли функция графигини ясаш учун жадвал тузиш, кўпайтириш жадвалини тузиш MC Excel дастурида осон ва тез бажарилади. Бу жараён ўқувчилар учун жуда кулай. Назарий билимларнинг амалиёт билан чамбарчас олиб борилиши, эшитиш имконияти чегараланган ўқувчилар билимларининг янада чуқурлашишига асос бўлади. Бундан ташқари Excel электрон жадвали математик формулалар билан ишлаш учун кенг имконият очиб беради.

Шулардан бири функциялар тўпламининг мавжудлигидир. Excel функциялар тўпламида 400 дан ортиқ функция бўлиб, улар математик, мантиқий, статистик, матн, молия ва бошқа турларга бўлинади.

Шулардан айримларини кўриб чиқамиз. Масалан:

Математик функциялар		
Excel даги номи	Бажарадиган вазифаси	Мисоллар
ABS (сон)	Соннинг абсолют қийматини ҳисоблайди	ABS(-274)=274; ABS(48)=48; ABS(- 1,23)=1,23; ABS(0)=0
Знак (сон)	Сон манфий бўлса -1, 0 бўлса 0, мусбат бўлса 1 қийматга тенг	Знак (-7,5)= -1; Знак(0)=0; Знак (2011)= 1
Корень (сон)	Соннинг квадрат илдизини ҳисоблайди	Корень (4)=2; Корень (81)=9; Корень (0,04)=0,2
Остат (сон; бўлувчи)	Сони бўлувчига бўлгандаги қолдиқни ҳисоблайди	Остат (45;7)=3; Остат (15;3)=0; Остат (-191;10)=9
Степень (сон; даража кўрсаткичи)	Сонни даражага кўтаради	Степень (3;4)=81; Степень (2;10)=1024;

Ҳажм ўлчов бирликларига оид геометрик фигураларни ҳам турли кўринишда ва ўлчамда осон чизиш ва ўлчовларини ҳисоблаш мумкин. мавжуд бўлади.

$y=x^2$ функция графигини MC Excel дастурида қуйидагича чизиш мумкин.



BOSHLANG`ICH SINF O`QUVCHILARIDA YOZMA NUTQNI SHAKLLANTIRISH

To`rayeva S. – BXTXQT va MOI metodisti

"Ta'lim to`g`risida"gi Qonunda ta'limning ravnaqi, uning insonparvarligi, ta'lim va tarbiya tizimining uzluksizligi, ilmiyligi va dunyoviyligi, ta'limda umuminsoniy va ilmiy qadriyatlarning ustuvorligi, davlat ta'lim standartlari doirasida hammaning bilim olishi uchun imkoniyat yaratilishi ta'kidlangan.

Uzluksiz ta'lim tizimida boshlang`ich ta'lim muhim bosqich hisoblanadi va unda ona tilini o`qitish asosiy o`rin egallaydi. Biz bilamizki, nutq - kishi faoliyatining turi, til vositalari (so`z, so`z birikmasi, gap) asosida tafakkurni ishga solishdir. Nutq o`zaro aloqa va xabar, o`z fikrini his-hayajon bilan ifodalash va boshqalarga ta'sir etish vazifasini bajaradi. Yaxshi rivojlangan nutq jamiyatda kishi faoliyatining muhim vositalaridan biri sifatida xizmat qiladi. O`quvchi uchun esa nutq maktabda muvaffaqiyatli ta'lim olish quroli hisoblanadi. Maktabda o`quvchilarning og`zaki va yozma nutqini shakllantirish eng dolzarb masalalardan biridir.

Bugungi kunda har qanday insonda ham yozma nutq malakalari bor deb ayta olmaymiz. Ba'zi kishilarning oddiy arizani yoza olmay, "qanday yozay?", "nima deb yozay» degan savollarini ham eshitganmiz, ba'zan eng yaxshi she'r ayta oladigan o`quvchimiz do`stiga yaxshi tilaklar bitilgan xatni yoza olmasligini ham kuzatganmiz. Bu shundan dalolat beradiki, bu kabi shaxslarda yozma nutq yaxshi rivojlanmagan. Yozma nutqni shakllantirishning tamal toshi boshlang`ich ta'limda qo`yiladi. Endigina maktabga kelgan jajjigina bolaga o`qish, yozishni o`rgatish bilan birgalikda ularning ijodiy fikrlashi ustida ham nazorat olib boriladi. Bola o`qish va yozish bilan gaplar tuzishni ham o`rganib, undan so`ng kichik hajmli matnlar tuzadi. Mana shu matnlarni tuzayotgan bolaning so`z boyligi qancha ko`p bo`lsa u shuncha mazmunli matn yaratadi. Hozirgi kunda boshlang`ich ta'limda ona tili o`qitishning asosiy maqsadi o`quvchilarga nazariy tushuncha berib grammatik qoidalarni o`rgatish emas, ularni og`zaki va yozma nutqlarni o`stirib, o`z fikrlarini qiynalmay bayon etishga va topshiriqlarni mustaqil bajarishga o`rgatish dolzarb masala bo`lib qolmosda.

Kichik yoshdagi o`quvchilarning so`z boyligi doirasi torligi sababli, o`qish va ona tili darslarida ularning nutqiy malaka va ko`nikmalari doimiy rivojlantirib borilishini taqozo etadi. Shu asosda o`quvchlarda ijodiy fikrlash qobiliyatlari rivojlantirib boriladi. Ijodiy fikrlarni yozma nutqda mazmunli, to`g`ri va xatosiz yoritish o`quvchilar oldiga qo`yilgan keyingi vazifa hisoblanadi.

"Uzviylashtirilgan Davlat ta'lim standarti»da ham o`quvchilarning yozma nutqlariga alohida talablar qo`yilgan. Jumladan, boshlang`ich ta'limda ona tili fanidan Davlat ta'lim standartining bosh maqsadi, bolalarning tafakkur qilish faoliyatlarini kengaytirish, erkin fikrlay olish, o`zgalar fikrini anglash, o`z fikrlarini og`zaki va yozma ravishda ravon bayon qila olish, jamiyat a'zolari bilan erkin muloqotda bo`la olish ko`nikma va malakalarini rivojlantirishdan iboratdir. Bu o`rinda ona tili ta'limiga o`quv fani emas, balki, butun ta'lim tizimini uyushtiruvchi ta'lim jarayoni sifatida qaraladi. Ona tili ta'limi standarti ko`rsatkichlari bolani fikrlay olish, ifodalangan fikrni anglash va o`z fikrini savodli, mantiqiy izchillikda bayon eta olishga o`rgatish nuqtai nazaridan belgilanadi. Standart talablariga ko`ra boshlang`ich ta'lim bosqichida o`quvchilarning ona tili ta'limi bo`yicha tayyorgarlik darajasiga qo`yiladigan talablar uch parametrli mezonlar asosida amalga oshiriladi, ya'ni o`quvchilarda o`qish texnikasini rivojlantirish, o`zgalar fikrini va matn mazmunini anglash hamda fikrni yozma shaklda bayon etish malakasi shakllantirishdan iborat. Bu parametrlar ichida fikrni yozma shaklda bayon etish malakasi murakkab jarayon bo`lib, ona tili ta'limining maqsadi shu parametrda mujassamlashadi va o`quvchi tomonidan yaratilgan matnda aks etadi. Bu parametr bo`yicha ta'lim sifatini baholashda o`qituvchi tomonidan o`quvchilarning ko`nikma darajasi quyidagicha aniqlanadi:

- fikrni mantiqiy izchillikda ifodalay olish;
- mavzuning murakkablik darajasi (sodda, murakkab, aniq va h.k.);
- berilgan tavsifning mavzuga muvofiq va mukammal bo`lishi;
- tavsifda tilning ifoda vositalaridan foydalana bilishi;
- imloviy (yozma) savodxon bo`lishi.

Aniqlangan malakalar asosida o`quvchilarga yozma nutqni rivojlantiruvchi mashqlar turi belgilanadi. Bu mashqlar turiga diktant, bayon, insho, ijodiy ish va esse kabilarni kiritish mumkin. Mashqlarning har biri o`quvchining yozma nutqini shakllanishida yetakchi o`rinni egallaydi. 1-sinfda o`quvchi 2-3 gapdan iborat matn yozsa, 2-sinfda endi u 10-20 gapdan iborat matn, ya'ni bayon, insho yoza olishi kerak bo`ladi. Keyingi sinflarda bu ko`rsatkich yana oshadi. Demak, bola qancha ko`p diktant, insho, bayon yoki ijodiy ish yozsa, uning yozma nutqi ham shuncha rivojlanib, takomillashib boraveradi. Shu o`rtada, shuni unutmaslik kerakki, yozilgan matnda o`quvchi so`zlarning ma'nodoshlarini qo`lay olishni o`rganishi, ya'ni uning bog`lanishli nutqdan unumli fodalanishi, matnni imlo qoidalariga ko`ra to`g`ri yoza olishi juda muhim. O`quvchidagi yozma nutqning rivojlanishida o`qish darslarining o`rni benihoya katta. O`qish darsida bola badiiy asarni o`qiydi, og`zaki qayta so`zlab beradi, unga notanish bo`lgan so`zlar lug`ati ustida ishlaydi va natijada uning so`z boyligi har bir darsda oshib boradi. O`qish darslarida o`quvchilar bilan ko`pincha og`zaki nutq ustida ishlanadi. Og`zaki nutq aksariyat hollarda dialog tarzida, yozma nutq esa monolog tarzida bo`ladi. Yozma nutq logik izchillikka rioya qilgan holda, ayrim til shakllarini

tushirib qoldirmay, ortiqcha takrorga yo`l qo`ymay bayon qilishni talab etadi, shuning uchun yozma nutq ancha murakkab va mavhum hisoblanadi. Yozma nutqni shakllantirsh ancha murakkab va uzoq davom etadigan jarayon ekanligini inobatga olib, boshlang`ich ta'lim o`qutuvchisi bunga alohida e'tibor qaratishi lozim. Shu o`rtada savol tug`iladi, o`qituvchi o`z o`quvchilarining yozma nutqi shakllanishi uchun nima ishlar qilishi kerak bo`ladi?

Maktabda o`quvchilar nutqini o`stirishga ona tili o`qitishning asosiy vazifasi deb qaraladi. Nutq o`stirish faqat ona tili va o`qish darslaridagina emas, balki o`quv rejasidagi barcha fanlar (tabiatshunoslik, matematika, mehnat, tasviriy san'at, ashula darslari)ning, shuningdek, sinfdan tashqari o`tkaziladngan tadbirlarning ham vazifasidir. Bunda avvalo o`qituvchi o`quvchilariga nutq va uning turlari haqida umumiy tushunchalarni berib borishi, nutqning o`quvchi hayotidagi o`ziga xos o`ringa ega ekanligini tushuntira olishi lozim. Yosh o`quvchilar yozma nutqini rivojlantirish uchun o`qituvchi o`quv dastur va rejaga ko`ra, har bir sinfda diktant, bayon, insho kabi mashq turlaridan foydalanadi. Bu mashqlardan takror-takror foydalanish o`quvchini zeriktirib qo`yishi mumkin. Shu sababli o`qituvchi bu mashqlardan tashqari, quyidagi yozma nutqni o`stirishga asoslangan mashqlardan ham foydalanishi mumkin:

a) do`stlariga xat yozish;
b) to`garakka a'zo bo`lish uchun ariza yozish;
c) yaqinlariga tabriknoma yozish:
d) SMS orqali bir-biriga tabrik yuborish;
e) "Kelajakka xat»yozish;
f) bir-biriga elektron pochta orqali xat yuborish;
g) darslarda "FSMU", "Dumaloq stol", "BBB", "Rotatsiya metodi bilan fikrlarni ko`rib chiqish", "Ruchka stol ustida" va "Bumerang»kabi pedagogik texnologiyalardan foydalanish;
h) darslarda "O`zim tekshiraman", "Hikoya", "Davom ettir", "Jumlani davom ettir»kabi didaktik o`yinlardan foydalanish va boshqalar.

Bu mashqlar qatorini yana davom ettirish mumkin, endi bu o`qituvchining pedagogik qobiliyatiga bog`liq. Boshlang`ich ta'limda yozma nutqni shakllantirish bugungi kun o`qituvchisi oldidagi eng dolzarb vazifalardan biri bo`lib qoladi.

TA'LIM-TARBIYA JARAYONIGA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROTKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI SAMARALI JORIY ETISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

Xomidova H, Farg`ona shahar 6-umumiy o`rta ta'lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi

O`zbekistonimizda mustaqillik sharofati bilan barcha sohalarda tub islohotlar amalga oshirildi, iqtisodiy rivojlantirishning o`zbek modeli, kadrlar tayyorlashning milliy dasturi ishlab chiqildi va bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda.

Bugungi kunda dunyo miqiyosida axborot kommunikatsiya tizimining yuksak darajada rivoj topib borayotganligi va bu boshqa sohalar qatorida ta'lim jarayoniga ham kirib kelib, uni yanada sifatli tashkil etishga o`z ta'sirini ko`rsatayotganligi barchamizga ma'lum. XXI asrni olimlarimiz tomonidan axborot texnologiyalari asri deb tan olinganligi pedagogik va axborot texnologiyalari kun sayin barcha sohalarda rivojlanayotgani, jumladan, ta'lim sohasida ham yangi axborot texnologiyalaridan keng foydalanish an'anaviy o`qitish usullaridan ko`ra samarali va yuqori natijalarga olib kelmoqda. "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ko`zda tutilganidek, pedagogik va taxborot texnologoyalari, kompyuterlashtirish va kompyuter tarmoqlari negizida ta'lim jarayonini yangi axborotlar bilan ta'minlash rivojlanib bormoqda.

O`quv-tarbiya ishlari jarayonida o`quvchilarni ijodiy fikrlashga, o`zgaruvchan vaziyatlarga o`rgatish, erkin raqobat asosida faoliyatni tashkil etish hamda ularning amaliy mashg`ulotlarda pedagogik texnologiyalar, axborot texnologiyalari, elektron darsliklar, versiyalar va multimedialardan foydalana olishi muhimdir. Bu esa o`quvchilarda mutsaqillik, erkin fikrlashni

tarbiyalash, o`quv faoliyatini tahlil qilish, itsiqbolda kasbiy mahorat va kompyuter savodxonligini orttirish ularning ichki ehtiyojiga aylantirilishini talab etadi.

Mamlakatmiz kelajagi bugun maktablarda ta’lim tarbiya olayotgan farzandlarimizga, ularning har tomonlama yetuk va barkamol insonlar bo`lib yetishishlariga bog`liq. Bu mas’uliyatli vazifani bajarish hozirgi zamon o`qituvchisi, ayniqsa boshlang`ich sinflarda ta’lim beruvchi o`qituvchilardan o`z kasbiy mahoratlari, ilg`or pedagogik texnologiyalarning izchil metodlari mohiyatini to`liq anglashlari va uni darslarida mohirona qo`llashlarini taqozo etadi. Ta’lim jarayonida ilg`or pedagogik texnologiyalarni o`rinli qo`llash, ta’lim samaradorligini oshirish, tahlil qilish va amaliyotga joriy etish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. Ta'lim tizimiga yangiliklarni olib kirish,
zamonaviy pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanish bugungi kun ta'limi oldiga qo`yilgan muhum vazifalardir.

Darhaqiqat, zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta'lim jarayonining unumdorligini oshiradi, o`quvchilarning mustaqil fikrlash jarayonini shakllantiradi, o`quvchilarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, bilimlarni mustahkam o`zlashtirish, ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko`nikma va malakalarini shakllantiradi. Pedagogik texnologiyaga asoslangan ta'lim jarayonida o`qituvchi faoliyati va o`quvchi faoliyati doirasi aniq belgilanadi, ta'limni tashkil etishning aniq texnologiyasi ko`rsatiladi. Bolaning ongi va tafakkuri endi shakllanib kelayotgan boshlang`ich sinflarda o`qituvchining mahorati, uni pedagogik texnologiyalarni ta’lim jarayoniga mohirona tadbiq eta olishi, ta’limning yangi-yangi yo`l va usullarini izlashi, pedagogik tajribalardan ijodiy foydalana olishi juda muhimdir. Shuning uchun ham bo`lajak boshlang`ich sinf o`qituvchilarini kelgusi faoliyatga tayyorlashda, pedagogik texnologiyalarni amaliyotga tatbiq etishga tayyorlash bugungi ta’limning oldiga qo`yilgan talablardan biridir. Chunki pedagogik texnologiyalar, birinchidan, o`quvchilarni bilim, ko`nikma va malakalarini oson va qiziqib o`rganishlari uchun imkoniyat yaratsa, ikkinchidan, o`qituvchining ham professional o`sishiga, ham ma’naviy rivojlanishiga yordam beradi.

Boshlang`ich sinf darslarining sifat va samaradorligi oshadi agar:
- Boshlang`ich sinf o`qituvchilari pedagogik texnologiyalarni mukammal egallagan bo`lsa;
- O`qituvchi o`z ustida muntazam ravishda ishlasa va doimiy ravishda yangiliklardan boxabar bo`lsa;
- Pedagogik texnologiyalarni o`qish darslarida to`g`ri qo`llab, ulardan unumli foydalana olsa;

O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A. Karimov o`zining “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asarida o`qituvchilarning o`quvchilarni har tomonlama rivojlantirishga ta’sirini yuqori baholab shunday degan edi:“Barchamizga ayonki, inson qalbiga yo`l avvalo ta’lim-tarbiyadan boshlanadi. Shuning uchun qachonki bu hamqda gap ketsa, ajdodlarimiz qoldirgan bebeho merosni eslash bilan birga, ota-onalarimiz qatori biz uchun eng yaqin bo`lgan yana bir buyuk zot – o`qituvchi murabbiylarnining olijanob mehnatini hurmat bilan tilga olamiz. Biz yurtimizda yangi avlod, yangi tafakkur sohiblarini tarbiyalashdek ma’suliyatli vazifani ado etishda birinchi galda ana shu mashaqqatli kasb egalariga suyanamiz va tayanamiz, ertaga o`rnimizga keladigan yoshlarning ma’naviy dunyosini shakllantirishda ularning xizmati naqadar beqiyos ekanini o`zimizda yaxshi tasavvur qilamiz”.

O`qituvchilarning mustaqil, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish usullaridan biri-dars jarayonida multimediyalardan foydalanishdi.

Dars jarayonida qisman yoki dars jarayonini to`liq qamrab oluvchi multimediyali dars ishlanmalaridan foydalanishlari mumkin. Yangi o`quv ma’lumotlarini namoyish etilishi, egallagan bilim va ko`nikmalarni tekshirib ko`rishga imkon beruvchi materiallarni ko`rsatilishi o`quvchilarni darsni puxta o`zlashtirishlariga yordam beradi.

Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo`yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o`quvchilarga etkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko`nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o`quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko`nikma hamda malakalar darajasini baholash o`qituvchidan yuksak

pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Darslarda AKT dan foydalanishning qulayliklari:

- XXI asr ko`nikmalarini rivojlantiradi.
- Darsda vaqtni tejaydi.
- Bilimlarni to`liq nazorat qiladi.
- O`qitishni individuallashtiradi.
- Materiallarni namoyish qiladi.
- O`qituvchi va o`quvchi faoliyati samaradorligini oshiradi.
- Fanni o`qitish sifatini orttiradi.

AKTdan samarali foydalanish natijasida:

- o`qituvchini takrorlanuvchi mehnatdan xalos etadi va uning vaqtini tejaydi;
- yaqqol tasvirlar natijasida o`quvchilarda fazoviy tasavvurlar shakllanadi;
- o`quvchilarning ish tartibini tez o`zlashtirishini ta'minlaydi;

Kompyuter ekranida sodir bo`layotgan hodisalarni o`quvchi ko`rib va eshitib, fikrlash orqali bilishga intiladi. O`quvchi sezgi organlari yordamida ekranda sodir bo`layotgan voqea-hodisalarni idrok eta boshlaydi. Chunki ekranda ularning xossa va xususiyatlari aks ettiriladi.

Boshlang`ich sinf o`quvchilarini o`qitishda darslarni ko`rsatmali qurollar bilan jihozlash va ulardan unumli foydalanish katta ahamiyatga egadir.

Rus pedagogi K.D.Ushinskiy aytganidek, bolaning tabiati o`qitishnnig ko`rsatmali bo`lishini juda talab etadi. "Agar bolaga uning aslo xabari bo`lmagan beshtacha so`zni o`rgatsangiz, u bu so`zlarni bilolmay uzoq vaqtgacha qiynalib yuradi, lekin agar shunday so`zlardan yigirmattasini olib, surat bilan tushuntirsangiz bola bu so`zlarni darrov bilib oladi".

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014-yil 119-fevraldagi "Sog`lom bola yili","Davlat dasturi to`g`risida"gi PQ-2133-sonli qarorining 71-bandida, boshlang`ich ta'lim sifat samaradorligini oshirishga oid vazifalar belgilangan.Ular ijrosini ta'minlash maqsadida 1-sinf o`qituvchilari uchun yetti nomdagi metodik qo`llanma va multimediya ilovalari yaratildi va biz o`qituvchilarga taqdim etildi.2015- 2016 – o`quv yilida esa 2-sinflar uchun xuddi shunday metodik qo`lanmalar taqdim etildi.Bunday qo`llanmalar darslar sifatini oshirishda va darslarni qiziqarli chiqishida hamda o`quvchilarning katta qiziqish bilan bilim egallashida muhim ahamiyatga ega bo`lmoqda.

Ayniqsa, matematika darslarida multimediali elektron ko`rgazmalar o`quvchilarni matematik masalalarning hayot bilan aloqalarini anglab yetishlari ularda o`rganilayotgan fanga bo`lgan qiziqishini oshirmoqda, o`quvchilar tomonidan bilim, ko`nikma va malakalarni egallash jarayonini tezlashmoqda.Masalani yechishga kirishayotib, eng avvalo, uni yaxshi tushunish va qabul qilish kerak. Buning uchun masalada aks ettirilgan hayotiy vaziyatni multimediali elektron ko`rgazmada ifodalash,hayot bilan hamnafas olib borish samarali natija bermoda.

O`qish va ona tili darsligi uchun yaratilgan qo`llanmalarda har bir dars uchun berilgan mavzudagi topshiriqlar 2- yoki 3 tadan oshmasa.Bu fanlarni o`qitishda o`quvchilar e'tiborini ko`proq o`qish va yozishga qaratamiz.Shunda boshqa topshiriqlar bajarilmay qolmas edi.Shuningdek yana bir muammo biz o`qituvchilarni qiynaydi, boshlang`ich sinflarga ham ingliz tili faniga berilgani kabi videoproyetorlar berilsa maqsadga muofiq bo`lar edi.

ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТГА ЎРГАТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.

Нуруллаева Г-Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-ИМИ методисти
Нурова Н-Навоий вилояти Кармана туманидаги 25- ИМИ дефектолог – ўқитувчиси

Ўқувчилар эшитиш идрокини ўстириш - эшитиш имконияти чекланган болаларни ўқитишга ихтисослашган мактабларда олиб борилаётган коррекцион – педагогик фаолиятнинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу иш дарс машғулотлари ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида турли усуллардан

фойдаланиб амалга оширилади. Ўқувчилар эшитиш идрокини ўстириш ва талаффузга ўргатиш мақсадида ташкил килинадиган якка эшитиш машғулотлари ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тартибда олиб борилади. Якка машгулот дарсларида иннавацион усуллардан фойдаланиш дарс жараёнига янгича руҳ бағишлайди, таълимий ўйинлардан фойдаланиш орқали дарснинг қизикарли ташкил этилишига эришилади, таклиф этилаётган машқлар ўкувчининг эшитиш идрокини ўстириш билан бир қаторда унинг ақлий қобилияти, руҳий жараёнлари сезги, идрок, хотира, тафаккур, диққати ҳамда тасаввурини ривожлантириш орқали мулоқот қилишга хизмат килади.

Якка машғулот дарсларининг мақсади – ўқувчиларни атрофдаги инсонларнинг нутқини эшитиш, ҳамда кўриб – эшитиш оркали идрок қилишга, паст эшитиш имконияти шароитида мулоқот воситаларини эгаллашга ўргатиш, ўқувчилар сўз бойлигини, боғланишли нутқини ўстириш, тўғри талаффузга ўргатишдан иборатдир.

Якка машғулот дарсларинг иккинчи қисми ўқувчилар эшитиш идрокини ўстиришга қаратилади.

Ўқувчилар эшитиш идрокини ўстириш орқали мулоқот қилишга ўргатишда қуйидаги инновацион усуллардан фойдаланиш мумкин.

1. **Тасмалар (карточкалар) билан ишлаш усули.**

Ўқувчи олдига топшириқлар ёзилган бир нечта тасмалар туради. Улар бир- биридан феъларнинг турли тарзда ёзилгани билан фарқ қилади.

Масалан: Китоб (дафтар,..) ни ол (бер, сўра) китобни стол тагига қўй ва ҳоказо.

Ўқувчи топшириқни эшитгач керакли тасмани топади ва топшириқни бажаради. Сўнг ўқитувчига бажарган топшириғи асосида ахборот беради.

Масалан: Мен китобни олдим деб айтади. Тасмалар билан ишлаш бошқача тарзда ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда топшириқ ёзилган тасмалар ўқувчига кўринмайдиган қилиб ағдариб қўйилади. Ўқувчи хохлаганича танлаб олади. Ўқитувчи экран билан топшириқни ўқийди, уни ўқувчи бажаради ва бажарганлиги ҳақида ахборот беради.

2. **Расмлар билан ишлаш усули.**

Ўқитувчи ўқувчи ёнига ҳаракатни билдирувчи расмларни териб қўяди.

Масалан: Тишни даволар эди.

Тишни даволаяпти.

Тишни даволаб бўлди.

Кейин эса ўқитувчи микрафондан жумлани ўқийди.

Доктор Маликани тишини даволаяпти.

Доктор Маликани тишини даволамоқчи.

Доктор Маликани тишини даволаб бўлди.

Ўқувчи гапларни эшитиб кўриб қабул қилгач, керакли расмларни кўрсатади ва гапни қайтаради.

Ўқувчига расм орқали сўз ва сўз бирикмаларини фарқлашга ҳам бериш мумкин.

Масалан: [доктор, касал, Малика, оғрияпти, тиш, бош, кўз, қулоқ, тиши оғрияпти, доктор даволаяпти, даволаб бўлди] Шундан кейин ўқувчига расмга қараб ўзинг савол бер деб ҳам топшириқ бериш мумкин ва ҳоказо.

3. **Конструктив суратлар ёки макетлар билан ишлаш усули.**

Бу ҳолда ўқитувчи топшириқларни ўқувчи фарқлаши учун турли хил предметларни макетдан кўрсатиш, жойини алмаштириш каби ҳаракатни бажартиради.

Масалан: “Хона»мавзуси ўтилганда қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

“Хона»макети тайёрланади.Ўқувчига ўқитувчи топшириқ беради.

Масалан Хонадаги жиҳозлар жойини ўзгартир

Столни қаерга қўйдинг?

-столни хонанинг бурчагида (ўртасида) қўйдим

Стол атрофида нималарни қўйдинг?

-стол артофида 6 та стулни қўйдим.

Телевизорни хонанинг бурчагига қўй.

-мен теливизорни хонанинг бурчагига қўйдим.
Полга гиламни ташла ва ҳоказо.
Қўшимча тарзда ўқитувчи яна қўйидаги топшириқларни бериши мумкин.
-Стол атрофидан айлан
-Устига гулдонни қўй

1. **Қоғоз ёки магнит палоскаларида гапнинг схемаларини чизиш усули.**

Ўқитувчи экран орқасидан туриб гапни ўқийди, ўқувчи эса шу гапни схемасини қоғоз ёки магнит бўлакчаларида тузиб чиқади.
Масалан: Ўқитувчи расмни доскага осди.



Шу вақт гапдаги сўзларини бўғинларга, бўғинларни товушларга ажратишни хам таклиф қилиши мумкин.



2. Расмлар танлаш усули. Бунда хар бир эшитган гапига мос расм танлаш ўқувчидан сўралади.
Ўқитувчи экран орқасидан гапни ўқийди. Ўқувчи эса, керакли расмни топади ва гапни такрорлайди.
3. Расмга қараб ёки қарамай гапни тўлдириш усули. Ўқитувчи экран орқасидан гапни бир қисмини ўқийди, ўқувчи эса, гапни давом эттириши керак (расмга қараб)
Масалан: Она дўкондан... (турли расмлар кўрсатилади) нон, қанд, чой сотиб олди.
4. Керакли гаплар ёзилган тасмаларни бир – бирига ўхшаганлари ичидан топиб олиш усули.
Масалан: Гуллар деразада турибди. Гуллар столда турибди. Гуллар ўқитувчида.
3. Боғланган матнларни қабул қилиш учун қўйидаги ишлардан фойдаланиш мумкин:
Ажратилган матндан хикоя тузиш, танлаб ўқиш, матнни режасини тузиш, матнни айтиб бериш.
Матн устида ишлаганда қўйидаги босқичлардан фойдаланиш мумкин.
“Навбатчи»матни
Бугун синфда Насиба навбатчи. Насиба синфни тозалашга болалардан (ўртоқлари, синфдошларидан) ёрдам сўради. Болалар синфни тозалашни бошладилар. Лола деразани очди. Малика доскани артди, Вали гулларга сув қўйди.
1 – машғулотда:
а) Ўқитувчи матнни экрансиз ўқийди, ўқувчи кузатиб боради.
б) матн юзасидан 3 – 4 та сўз ва сўз бирикмаси эшиттирилади ва маъноси тушунтирилади.
[Навбатчи синф, дераза, доска, гул, болалар, ёрдам, доскани артди, деразани очди, тоза бўлди.....]
Сўнгра сўз ва сўз бирикмалари алмаштирилиб берилади (эшиттирилади)
в) матн мазмуни 2 ва 3 та савол билан тушунтирилади
г) матн ўқитувчи томонидан экран билан қайта ўқилади
д) матн юзасидан алохида сўз ва сўз бирикмалари эшиттирилади. Ўқувчи эшитган сўзини матндан топиб ўқийди
2 – машғулот
а) Ўқитувчи матнни экран билан ўқийди
б) Ўқитувчи матндаги гаплардан 2 та 3 тасини аралаштириб экран билан ўқийди, ўқувчи эшитган гапини расмини ёки тасмасини топади ва гапни кайтаради
в) матндаги аралаш берилган гапларни экран ортидан фарқлаш
г) навбатчининг иши хақида сухбат
3 – машғулот
а) Ўқитувчи матнни экран билан ўқийди

б) Матн бўлимларга бўлиниб экран билан ўқилади
в) матн мазмунини сўзлаш
г) Матндаги гапларни ўқувчининг қулоғига айтиб фарқлатиш ва қабул қилдиришга эришиш (аппаратсиз)
д) Яна қандай жамоат ишларини навбатчи бажариши хақида сухбат.

Матн устида ишлаганда ўқувчи қабул қилиш қобилиятига қараб материал соддалаштирилиши ёки мураккаблаштирилиши мумкин. Матн устида ишлаганда турли ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бундай пайтда “Тўғри” ёки “Нотўғри” деб аталагаги ўйиндан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи доскани артаётган боланинг расмини кўрсатиб, бола гулга сув қуйяптими? деб сўрайди. Шунда ўқувчи “Йўқ бола доскани артяпти»деб жавоб беради ва хоказо. Шу каби ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Режанинг яна бир бўлимидан бири математик материални эшитиб фарқлашдир.

Ўқитувчи ўқувчига сонларни эшиттириб шу рақамни рақамлар ичидан топ, шунча предмед ол каби топшириқлар бериши мумкин. Ҳар хил рақамлардан мисоллар туздириш хам мумкин. Ўқитувчи ўқувчига масала шартини эшиттириб ёздириши мумкин. Бу пайтда берилган масала мисоллар қийин бўлмаслиги керак чунки, якка эшитиш машғулоти ўқитувчиси олдида турган асосий мақсад. Математик материални фарқлаш орқали ўқувчининг эшитиш қобилиятиги ўстириш ва нутқини ривожлантиришдир. Математик материални фарқлашда қўйидаги ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА БОРЛИҚНИ ИДРОК ЭТИШ МАШҒУЛОТЛАРИ МЕТОДИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Қурбонова Б, ФДУ ўқитувчи
Қурбонова Н, Фарғона шахар 3- француз тилиги ИУЎТМ тасвирий саньат ўқитувчиси

Таълим жараёнида бошланғич таълимнинг вазифаси – жиддий машғулотни болага кизикарли тарзда намаён этишдир. Ҳар қандай соғлом бола илм олишда жиддий фаолиятга муштоқ бўлади. У ўз тенгқурлари билан ўйнашдан кўра ота-онасига бирон жиддий ишда кўмаклашишни афзал кўради. Лекин бу ишга уни кучи етадиган бўлиши ва узоқ давом этмаслиги зарур. Шундай экан, болани дастлабки машгулотларданок ўз вазифасини севишга ва уни бажаришга ўргатиш лозим.

Ҳар бир ўқитувчи ўқув материалларини таълим-тарбиявий вазифаларга риоя қилган ҳолда ўзи мустақил равишда аниқлайди. Бунда ўқитувчи танланадиган материалларнинг болаларга яқинроқ ва тушунарлироқ ифодалашга ҳаракат қилади.

Тасвирий санъат машғулотлари тўрт турдан иборат- *нарсанинг ўзига қараб ва тасаввурдан расм ишлаш, декоратив расм ишлаш, мавзу асосида расм ишлаш, тасвирий санъат ҳақида суҳбат ўтказиш*дан иборат.

Мактабда тасвирий санъат курсида *нарсага қараб* ва *тасаввур асосида расм чизиш* асосий ўринлардан бирини эгаллайди.Нарсанинг ўзига қараб ва тасаввур асосида расм чизиш машғулотларида болалар борликдаги нарсаларнинг шакли, тузилиши, ранги ва бошқа шу каби хусусиятларини, уларнинг бир-биридан фарқи ўхшашлигини ўзида ифода этади.

Шунингдек, нарсаларнинг қайси геометрик шаклга хос эканлигини аниқлаган ҳолда уларни перспектив жиҳатдан тасвирлаш юзасидан билим ва малакалар ҳосил қиладилар. Борлиқнинг ёруғлик манбаига нисбатан жойлашувини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ёруғ, соя, яримсоя, рефлекс(тасвирланаётган жисмлардаги рангларнинг бир-бирига таъсири), блик(тасвирланаётган жисмдаги энг ёруғ нуқта кабилар хақида мулоҳаза юритишга ундайди. У асосан ялтировчи чинни, шиша ва шунга ўхшаш бошқа буюмларда кузатилади)ва тасвирлашни ўрганадилар. Энг муҳими, нарсаларни

кузатиш орқали қалам ва бўёқлар билан уларнинг расмини ишлаш малакаларини ҳосил қиладилар ва ўстирадилар. Бундай машғулотларда болалар рангшуносликдан бошланғич билимларга эга бўладилар, образли фикр юритиш малакаларини ҳосил қиладилар.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш машғулотларида турли-туман буюм расмларини чизиш билан бирга, ўсимликлар, гуллар, дарахтлар қуш ва ҳайвон расмларни ҳам чиздирилади. Чизишдан аввал уларни таҳлил қилиш ва ўрганиш жараёни болалардаги энг яхши сифат борлиқни билишга хизмат қилади, уларнинг билим доирасини кенгайтиради. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш эса материалистик дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Расм чизиш жараёнида болаларда ақлий фаолиятнинг ўсиши ҳам борлиқни кузатиш, унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш, нарсаларнинг тузилишини билиш билан боғлиқдир. Дарс жараёнида нарсалар ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш, фикр юритиш, улар ҳақида ўйлаб кўриш, солиштириш, ушлаб кўриш, хулосалар чикариши болаларда фикрлаш қобилиятининг ўсишига самарали таъсир кўрсатади.

Нарсанинг ўзига қараб ва тасаввурдан расм чизиш кишилар учун энг зарур хусусиятлардан ҳисобланган хотирани ўстиради. Тасвирий санъат дастурида ўқувчиларда бундай хусусиятларни ўстиришга қаратилган вазифалар жуда кўп. Масалан, нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарсларининг ҳаммаси тасаввурдан расм чизишга асосланган. Синфдаги борлиқ ўқувчининг кўз ўнгида дарс охиригача турсада, ўқувчи чизиш жараёнида ундан маълум вақтга кўзини узади.

Дастурда шундай машғулотлар ҳам борки, бу дарслар тўла равишда тасаввур асосида расм чизишга асосланади, бундай дарсларда борлиқ ўқувчилар олдига маълум чегараланган вақтга (4-5 дақиқа) белгиланади, сўнгра у беркитиб қўйилади, болалар эса тасаввур асосида эслаб, кузатилган нарсанинг расмини чизадилар. Шунингдек, синфда кузатилган буюмнинг уйда қайтадан эслаб, расмини чизиш каби вазифалар ҳам берилади.

Нарсага қараб расм чизишда ўқувчиларда фазовий тасаввур ва тафаккур ўстирилади.Ўқувчиларда бу хусусиятларни ривожлантиришда, айниқса, ҳажмли буюмларнинг перспектив жиҳатдан расмини чиздиришнинг аҳамияти катта. Уч ўлчовли нарсаларни (бўйи, эни, қалинлиги) текисликда икки ўлчовда тасвирлаш ҳам болаларда ана шундай хусусиятларни ўстиришга ёрдам беради. Чизиладиган нарсалар шаклининг конструктив тузилиши(қурилиши)ни тахлил қилиш абстракт(мавҳумлик) тафаккурни ўстириш билан боғлиқдир.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарслари таълимий характерга эга бўлиши билан бир қаторда, тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Айниқса у ўқувчиларнинг эстетик ва ватанпарварлик, меҳнат тарбиясига самарали таъсир кўрсатади.

MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA BOSHLANG`ICH SINF O`QITUVCHILARIGA MATEMATIKANI O`QITISHNING ZAMONAVIY METODOLOGIYASINI O`RGATISH TA'LIM SIFATI OMILI

G`ulomova G, VXTXQT va MOI "Maktabgacha, boshlang`ich va maxsus ta'lim» kafedrasi o`qituvchisi

Matematika o`qitish metodikasi eng avvalo kichik yoshdagi o`quvchilarni umumiy tizimda o`qitish va tarbiyalash vazifasini qo`yadi.

Umumiy metodika boshlang`ich sinf matematikasining mazmunini va tizimliligini aks ettiradi, har bir bo`limni o`qitishning o`ziga xos xususiy metodlarini o`rgatsa, xususiy metodika matematika o`qitishning asoslangan metodlarini va o`qitish formalarini, shuningdek o`quv faoliyatini tashkil

qilish yo`llarini ko`rsatadi. Ma'lumki o`qitish tarbiyalash bilan o`zaro mustahkam bog`liqdir. Ushbu metodika o`qitishni tarbiyalash bilan qo`shib olib borish yo`llarini o`rgatadi.

Boshlang`ich matematika o`qitish metodikasi bir necha fanlar bilan chambarchas bog`liqdir.

1) O`qitish asosi bo`lgan matematika bilan;

2) Pedagogika;

3) Psixologiya;

4) Boshqa o`qitish metodikalari bilan (ona tili, mehnat...).

Boshlang`ich matematika o`qitish kursi o`quv predmetiga aylangan.

Boshlang`ich matematika o`qitish metodikasining o`qitish vazifalari:

1) ta'lim-tarbiyaviy va amaliy vazifalarni amalga oshirishi,

2) nazariy bilimlar tizimini o`rganish jarayonini yoritib berishi kerak;

3) o`quvchilarning dunyoqarashini shakllantirish yo`llarini o`rgatishi kerak;

4) ta'limni insonparvarlashtirish;

5) matematika o`qitish jarayonida insonni mehnatni sevishga, o`zining qadr-qimmati, bir-biriga hurmati kabi fazilatlarini tarbiyalashni ko`rsatib beradi;

6) o`qitish metodikasi I–IV sinflar matematikasining davomi bo`lgan V–VI sinf matematikasi mazmuni bilan bog`lab o`qitishni ko`rsatadi.

Boshlang`ich matematika kursining vazifasi maktab oldiga qo`yilgan "o`quvchilarga fan asoslaridan puxta bilim berishda yangi pedagogik va axborot kommunikatsion texnologiylardan foydalanish, ularga hozirgi zamon ijtimoiy-iqtisodiy bilimlarni berish, turmushga, kasb-hunarga yo`naltirish, kasblarni ongli tanlashga o`rgatish»kabi vazifalarni hal qilishda yordam berishdan iborat.

Shunday qilib, boshqa har qanday o`quv predmeti kabi matematika boshlang`ich kursi matematika o`qitishning maqsadi quyidagi uch omil bilan belgilanadi:

1.Matematika o`qitishning umumta'limiy maqsadi.

2.Matematika o`qitishning tarbiyaviy maqsadi.

3.Matematika o`qitishning amaliy maqsadi.

Matematika o`qitishning umumta'limiy maqsadi o`z oldiga quyidagi vazifalarni qo`yadi:

a) o`quvchilarga ma'lum bir dastur asosida matematik bilimlar berish. Bu bilimlar matematika fani to`g`risida o`quvchilarga yetarli darajada ma'lumot berishi, ularni matematika fanining yuqori bo`limlarini o`rganishga tayyorlashi kerak.

Bundan tashqari, dastur asosida o`quvchilar o`qish jarayonida olgan bilimlarning ishonchli ekanligini tekshira bilishga o`rganishlari, nazorat qilishning asosiy metodlarini egallashlari lozim.

b) o`quvchilarning og`zaki va yozma matematik bilimlarni tarkib toptirish lozim bo`ladi;

Matematikani o`rganish o`quvchilarning o`z ona tillarida nutq madaniyatini to`g`rishakllantirish, o`z fikrini aniq, ravshan va lo`nda qilib bayon eta bilish malakalarini o`zlashtirishlariga yordam berishi kerak.

d) o`quvchilarni matematik qonuniyatlar asosida real haqiqatlarni bilishga o`rgatish.

Bunday bilimlar berish orqali esa o`quvchilarning fazoviy tasavvur qilish xususiyatlari shakllanadi hamda mantiqiy tafakkur qilishlari yanada rivojlanadi.

Boshlang`ich matematika o`qitishning tarbiyaviy maqsadi o`z oldiga quyidagi vazifalarni qo`yadi:

a) o`quvchilarda ilmiy dunyoqarashni shakllantirish.

b) o`quvchilarda matematikani o`rganishga bo`lgan qiziqishlarni tarbiyalash.

Boshlang`ich sinf o`qituvchisining vazifasi o`quvchilarda mustaqil mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish bilan birga ularda matematikaning qonuniyatlarini o`rganishga bo`lgan qiziqishlarini tarbiyalashdan iboratdir.

d) o`quvchilarda matematik tafakkurni va matematik madaniyatni shakllantirish.

Matematika darslarida o`rganiladigan ibora, amal belgilari, tushuncha va ular orasidagi qonuniyatlar o`quvchilarni atroflicha fikrlashga o`rgatadi.

Boshlang`ich sinflarda matematika o`qitishning amaliy maqsadi o`z oldiga quyidagi vazifalarni qo`yadi:

a) o`quvchilar matematika darsida olgan bilimlarini kundalik hayotda uchraydigan elementar masalalarni yechishga tatbiq qila olishga o`rgatish, o`quvchilarda arifmetik amallar bajarish malakalarini shakllantirish va ularni mustahkamlash uchun maxsus tuzilgan amaliy masalalarni hal qilishga o`rgatish,

b) matematika o`qitishda texnik vosita va ko`rgazmali qurollardan foydalanish malakalarini shakllantirish. Bunda asosiy e'tibor o`quvchilarning jadvallar va hisoblash vositalaridan foydalana olish malakalarini tarkib toptirishga qaratilgan.

d) o`quvchilarni mustaqil ravishda matematik bilimlarni egallashga o`rgatish.

O`quvchilar imkoni boricha mustaqil ravishda qonuniyat munosabatlarini ochishlari, kuchlari etadigan darajada umumlashtirishlar qilishlari, shuningdek, og`zaki va yozma xulosalar qilishga o`rganishlari kerak.

O`qitish sifati va samaradorligining zaruriy hamda muhim sharti o`quvchilarning o`rganilayotgan materialni o`zlashtirishlari ustidan nazoratdir. Didaktikada uni amalga oshirishning turli shakllari ishlab chiqilgan. Bu o`quvchilardan og`zaki so`rash; nazorat ishlari va mustaqil ishlar; uy vazifalarini tekshirish, testlar, texnik vositalar yordamida sinash kabi usullardir. Didaktikada dars turiga, o`quvchilarning yosh xususiyatlariga va h.k. bog`liq ravishda nazoratning u yoki bu shaklidan foydalanishning maqsadga muvofiqligi masalalari, shuningdek, nazoratni amalga oshirish metodikasi yetarlicha chuqur ishlab chiqilgan.

Boshlang`ich maktabda matematika o`qitish metodikasida mustaqil va nazorat ishlari, o`quvchilardan individual yozma so`rov o`tkazishning samarali vositalari yaratilgan. Ba'zi didaktik materiallar dasturning chegaralangan doiradagi masalalarining o`zlashtirilishini reyting tizimida nazorat qilish uchun, boshqalari boshlang`ich maktab matematika kursining barcha asosiy mavzularini nazorat qilish uchun mo`ljallangan. Ayrim didaktik materiallarda (ayniqsa, kam komplektli maktab uchun mo`ljallangan) o`qitish xarakteridagi materiallar, boshqalarida esa nazoratni amalga oshirish uchun materiallar ko`proqdir.

Boshlang`ich maktab matematikasida barcha didaktik materiallar uchun umumiy topshiriqlarning murakkabligi bo`yicha tabaqalashtirilishidir. Bu materiallar tuzuvchilarning g`oyasiga ko`ra ma'lum mavzu bo`yicha topshiriqning biror usulini bajarishi o`quvchining bu mavzuni faqat o`zlashtirganligi haqidagina emas, balki uni to`la aniqlangan darajada o`zlashtirganligi haqida ham guvohlik beradi.

Shunday qilib, didaktik materiallarni o`quvchilarning o`quv materialini o`zlashtirish darajasini nazorat usullaridan biri sifatida qarash lozim. Shu bilan birga muayyan usul mazkur sinf, mazkur o`qituvchi uchun eng yaxshi usul bo`lmasligi ham mumkin. Shu sababli didaktik materiallar o`qituvchini o`quvchilarning bilimlarni o`zlashtirish darajasini aniqlash imkonini beradigan individual tekshirish uchun nazorat turlarini tuzishdan xalos eta olmaydi. Bu umummetodikaning asosiy vazifalaridan biridir.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ВА КАСБИЙ ХИСЛАТЛАРИ ДАРС ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРОДОРЛИГИ ОМИЛИ

Қурбонова Д, "Педагогика, психология ва таълим менежменти" кафедраси ўқитувчиси

Ҳозирги шароитда жамиятнинг мактаб олдига қўяётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ҳал қилиш вазифаси ўқитувчига боғликдир.

Замонавий мактаб ўқитувчиси қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи – синфдаги ўқув жараёни ташкилотчисидир. Ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайтида, қўшимча дарсларда ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаидан биридир. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлиши ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

Ўқитувчи мактабнинг педагог жамоа аъзоси сифатида мактаб ҳаёти фаолиятини уюштиришда бевосита иштирок этиб, турли фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг

методик бирлашмаларида ишлайди, топшириқларни бажаради. Ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ота-оанлари ва жамоатчилик олдида маърузалар ўқиб, суҳбатлар олиб борар экан, демак, у педагогик билимлар тағриботчиси ҳамдир. Вазифаларнинг шу қадар кўплиги учун ҳам жамиятнинг ўқитувчилар олдига қуядиган талаблари тушунарлидир.

Маълумки, педагогик фаолият – киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир. Шунинг учун, жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчининг шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларига қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим ижтимоий психологик ҳислатлари қуйидагилардан иборат:

-юксак маънавий, ахлоқий, интеллектуал хислатларга эга бўлиши;

-ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, болаларни севиш, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатининг мустақиллиги ғоясида яшашидан иборатдир;

-ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;

-олижаноблик, ақли-фаросати, маънавий поклик маънавият ва маърифат бўйича юксак мақсадларни болаларга сингдириб бориши;

-ўзини –ўзи ва бошқаларни самарали бошқара олиши;

-юксак мулоқотмандлик ва муомала сифатларини эгаллаши ва улардан оқилона фойдалана олиши;

Унинг касбий хислатлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

-кенг билимга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

-ёш педагогик психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;

-ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;

-таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;

-ўз ишига ижодий ёндашиши ва узлуксиз фани соҳасидаги янгиликлардан хабардор бўлиши;

-болаларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;

-педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;

-ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.

-замонавий педагогик технологиялар, методикалар, усулларни эгаллаши;

-ахборот коммуникацион технологиялар ва улардан самарали фойдаланишни билиши;

-глобал тармоқдан ҳам техник, ҳам мазмунан ва мантиқан самарали фойдалана олишни билиши;

-чет тилларни ўрганиши ва билиши ва ундан оқилона фойдаланишни билиши ва хоказо;

Ҳар бир ўқитувчи ана шу талабларга тўла жавоб бера оладиган бўлишига интилиши лозим.

Ўқитувчи жамият томонидан қуйилган талаблар билан бир қаторда ўз фаолиятида теварак-атрофидаги кишилар мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ундан нималарни кутишини ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

Ўқитувчининг ўз ишидан ниманидир кутаётганлигининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эгадир, мана шу тариқа кутишлар, гарчан жамият томонидан ўқитувчига қуйладиган талабларга мос келсада, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Ўқитувчига жамият томонидан қўйиладиган талаблар, турли хилда ижтимоий кутишлар, педагогнинг индивидуаллиги, унинг, шу тариқа талабларга жавоб беришга субъектив тайёрлиги муайян ўқитувчининг педагогик фаолиятига нақадар тайёрлигидан далолат беради.

Шуниси муҳимки, ҳозирда замонавий ўқитувчи учун зарур бўлган шахсий хислатларни ўз ичига қамраган прфессограмма бўлиб у уни батафсил намоён қилади.

Профессиограмма психологик нуқтаи назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикаси (аниқ бирорта касб бўйича келгуси амалий ишлар учун зарур бўган мазмундаги барча томонларини ўз ичига олиши керак) ҳисобланади

Ўқитувчи профессиограммаси муайян фан томонидан ўқитувчига қўйиладиган махсус талабларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳар бир мутахассислик бўйича ўқитувчининг иқтисослашган характеристикасини назарда тутган профессиограммаси тузилади. У ўқитувчининг қуйидаги хислатлари кўрсатиб бериши лозим:

1) Ўқитувчининг шахсий хислатлари:

2) Касбига хос билими:

3) Ўз касбига хос индивидуал хислатлари:

4) Шахсий – педагогик уддабуронлиги:

5) Ташкилотчилик малакалари:

6) Коммуникатив малакалари:

7) Гностик малакалари:

8) Ижодий хислатлари:

Шундай қилиб, кўрсатиб ўтилган моделнинг асосий тузилиши тариқасида қуйидагилар келтирилади;

-шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;

-педагогик маҳорат ва қобилияти;

-характерининг психологик хусусиятлари;

-билиш фаолияти;

-ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Профессиограммани касбга хос равишда ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг муваффақияти қандай билим ва кўникмаларга, айниқса, шахснинг қандай қобилият ва шахсий хислатларига боғлиқ эканлигини албатта кўрсатиш зарурдир.

Мана шу профессиограммага асосан мутахассис – ўқитувчиларнинг сифат жиҳатидан ўз касбига нақадар тайёрлиги ҳақида бир фикрга келишимиз мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА СОНЛАР ҚАТНАШГАН МАҚОЛ, ТОПИШМОҚЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Нарзиева М БВХТХҚТваМОИ ўқитувчиси

Серқуёш Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиши миллий маданиятимиз, урф-одат ва қадриятларимиз тилимиз равнақига катта имконият яратиб берди. Ёш авлодни дунёнинг мазмуни ундаги воқеа – ҳодисалар, она Ватанга, миллатга, халқига садоқатли, одамларга ҳурмат, самимий муносабат ва юксак инсоний хислатлар эгаси бўлиши учун уларни миллий ва ахлоқий тарбиялаш бошланғич синф ўқитувчиси зиммасига тушади. Ана шу ва фазилатларни шакллантиришда ўқитувчилар дарсларда мақол ва топишмоқлардан оқилона фойдаланишлари жоиздир. Бу эса ўқувчиларнинг билиш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг шаклланиши, уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби хусусиятларни пайдо қилиш билан когнитив жараёнларни самарали ривожлантиради. Топишмоқ ва мақоллар ўқувчилар учун қизиқарли она тили, математика, ўқиш дарсларида доим фойдаланиб бориши лозим бу эса дарс сифати ва самарадорлигини ошиб боришига ёрдам беради.

Топишмоқ ўзи нима ? Топишмоқ – Халқ оғзаки ижодининг кичик, мантиқан лўнда ва қадимий жанри ҳисобланади. Топишмоқни ўрганиш, унга жавоб топиш орқали болалар предмет, нарса, воқеа, ҳодисаларнинг келиб чиқиши, унинг инсон ҳаётидаги, жамият ва табиатдаги ўрни ва роли ҳақида тасаврга эга бўладилар, бу жараёнда уларнинг ички қизиқиши ортиши боис билишга оид мотивлври ортади ва ўсади, бевосита фикрлаш жараёнлари ривожланади, табиат ва жамият уни ташкил қилувчи фауна ва флора оламини

севиш ардоқлаш, қадрига етиш каби ҳиссиётлари тарбияланади. Топишмоқлардан дарс жараёнида ўрнида оқилона фойдаланилса ўқувчининг нутқи бойийди, такомиллашади, ифодали мазмунли ўқиш имкони очилади. Бундан ташқари дарс мазмун моҳиятини осон хотирага киритиш уни эсда сақлаш амалга ошибгина қолмай, ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини, ҳамкорлигини ошириб биргаликда ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Шу билан бирга дам олиш муҳитини яратади, экологик тарбия беради, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топтиради.

Сонлар қатнашган топишмоқлар:

Усти тош ости тош
Тўрт оёқли битта бош (тошбақа)

Бўйлари тенг тўрт ўртоқ
Тўртовига бир қалпоқ (стол)

Бордир тўртта қулоғи
Йўқдир кўз қўл оёғи (қарох)

Ўзи бир қарич
Қуйруғи 11 қарич (Нина ип)

Беш хонага бир йўлак
Қўлингга лойиқ кўйлак. (қўлқоп)

Беш жуфт ошма
Доимо ишга ташна (қўл)

Симга қўнган қушчалар
Зақчалар, мусичалар
Ҳар бири оҳанг бўлиб
Етти хилда куй чалар (нота)

Етти ака-уканинг
Биттадан синглиси бор
Уларнинг ҳаммаси нечта ? (8 та)

Бир ва юз ўртасида
Ўрним билиб тураман
Бирдан кейин қўшиб нол
Юксакликка юраман (10 расми)

Ўнта жаноб хонаси
94 та донаси
Ашуласи чақ-чуқ-чақ
Риёзиёт онаси (чўт расми)

Бир эдик, бир эдик
29 та қиз эдик
бирин-кетин тизилдик
маъно бўлиб тузилдик (ҳарфлар)

Келишарди излаб булоқ
Бир эчкию, икки улоқ
Уларда бор неча қулоқ
Қанча оёқ, қанча туёқ

Ўқувчилар топишмоқларнинг жавобини топишда қийналиб қолишса ўқитувчи томонидан фикрлар бериб ёрдам бериб бориши билан субъект субъект интерактив фаолияти йшлга қўйилади.

Бошланғич таълим дарс жараёнларида топишмоқ каби, халқ мақолларининг ўзига хос ўрни бор. Мақоллар халқнинг бир неча авлодларнинг ақли фаросати ҳамда тажрибасининг якуни улар донишмандлигининг маҳсулидир. Чунки уларда билишга оид билимлар сермаъно, сер мазмун, йиғиқ, ихчам равишда муммоли қилиб берилган. Шунинг учун ҳам бола таълим тарбиясида мақоларнинг ўрни катта. Мақоллар она-ватанни севишга, касб-ҳунар

эгаси бўлишга, меҳнатсеварликка тўғри сўз ва ҳалол кишилар бўлиб камол топишга одоб ахлоқли бўлишга ундайди. Мақолнинг турлари жуда кўп. Шундан жонли мақолларни кўриб ўтамиз:

Йигит кишига 70 ҳунар оз
Бир йил тут эккан киши
Юз йил гавҳар теради

Бир кун бурун сочсанг
Ҳафта бурун ўзасан
Бирни кессанг, ўнни эк
Етти ўлчаб бир кес

Икки тингла бир сўзла
Билаги зўр бирни йиқитар
Билими зўр мингни
Санамай саккиз дема

Бир майизни қирқ киши бўлиб ебди
Икки ўн беш-беш ўттиз
Олтовлон ола бўлса оғзидагин олдирар
Тўртовлон тугал бўлса тепадагин ундирар

Кўп оғиз бир бўлса
Бир оғиз енгилар
Бир кун туз ичган жойингга
Қирқ кун салом қил
Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг
Бир томчи сув чумолига дарё кўринибди

Бир кўришган таниш
Икки кўрган қариндош
Бир кўз билан ёш тўкиб
Бир билан им қоқма

Уйда бир чақаси йўқ
Белида бир даста калит.

Шундай қилиб мақол ва топишмоқлар ўқувчининг ижодий индивидуал қобилиятларни ривожлантиради ақлни чархлайди ҳозир жавобликка ундайди, савол бўлишга ҳамда оғзаки нутқини ривожлантиришда катта ёрдам бериб, дарс жараёнларини қизиқарли муаммоли қилиб ўтилишини таъминлаб, унинг сифат ва самарадорлигини оширади.

ZAMONAVIY TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA O`QUVCHI YOSHLARDA FUQAROLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH

Olimov T-"Pedagogika-psixologiya va talim menejmenti" kafedrasi o`qituvchisi

Vatanparvarlik haqida so`zlar ekanmiz, mustaqillik bizga in'om etgan vatanparvarlikning oliy ramzlari haqida so`zlamasdan iloj yo`q. Vatanparvarlikning oliy ramzlari xalqimiz, yoshlarimiz qalbidan mustahkam o`rin olayotganligi nihoyatda quvonchlidir. O`zbekiston Respublikasining Davlat bayroппg`i Birlashgan Millatlar Tashkilotining Nyu-Yorkdagi qarorgohi oldida 180 tadan ortiq mustaqil davlatlar bayroqlari qatorida mag`rur hilpirab turishini ko`rish va his etish naqadar katta baxt, insonni naqadar kuchli bir hissiyotga chulg`ab oladi... Davlatimiz mukofotlari - »O`zbekiston qahramoni»oliy unvoni, orden va medallar, faxriy unvonlar ham mamlakatimiz fuqarolarida o`z Vatanidan qururlanish tuyg`ularini oshirishga xizmat qiladi. O`z milliy valyutamiz so`mimiz ham vatanparvarlik ramzidir. Vatanparvarlik tushunchasi insonparvarlik tushunchasi bilan uyg`undir. Vatanparvarlik uchun intilish, vatanparvarlik uchun kurashning zaminida insonparvarlik yotadi.

Insonparvarlik bu o`zbek xalqi milliy ruhiyatining ajralmas fazilatidir. U purma'no va sermazmun tushunchadir. Insonparvarlik o`zbek xalqining ajralmas xislati tarzida ko`zga tashlanadi. Insonparvarlik kishilarning bir-biriga hurmatida, qadr-qimmatida, mehr-shafqatida,

diyonatda, o`zaro ko`maklashuvda, hamdardlikda, boshqalar qaygusiga sherik bo`lib, quvonchidan va baxtidan sevinishda, xalq baxti va yutuqlaridan faxrlanishda ko`rinadi.

O`zbek xalqining turmush tarzi, mehnat faoliyati, o`zaro munosabatlari, hamkorlik, hamdardlik, vafodorlik, bir-biriga suyanishi, yaxshi qo`shnichilik, bolajonlik, ota-onaning bolaga, bolaning ota-onaga hurmati, sadoqati kabi qadriyatlari insonparvarlik g`oyalari bilan sug`orilgan. O`zbek xalqi bir umr mehr-shafqatli bo`lgan, barchaga yordam qo`lini cho`zgan.

O`zbek xalqi doimo umuminsoniyat dardini kuylab kelgan. Al-Xorazmiy, al-Beruniy, Ibn Sino, az-Zamahshariy, Pahlavon Mahmud, Alisher Navoiy, Ogahiy asarlaridagi qoyalar - insonparvarlik ruhi bilan ajralib turadi. Xususan, Navoiy ijodida insonparvarlik alohida ahamiyat kasb etadi. Uningcha, vatanga, xalqqa sadoqat eng avval uning taqdiri ustida g`amxo`rlikdan iboratdir. Insonga nisbatan beparvolik, uning taqdiri va baxtu saodati ustida g`am yemaslik sharafli inson uchun tamomila yotdir. Navoiyning barcha-barchani insonga g`amxo`r bo`lishga chaqirgan, insonparvarlikni kuylagan quyidagi bayti asrlar osha hammamiz uchun ibrat yangliq yangrab turibdi:

Odami ersang, demagil odami,
Oniki, yo`q xalq g`amidin g`ami.

Navoiy ijodida bu mavzuning alohida o`rin egallaganligi tahsinga sazovordir. U nafaqat badiiy ijodda, balki o`z amaliy faoliyatida ham yuksak insonparvarlikka sodiq qolgan mutafakkirdir. U xalq uchun, el-ulus uchun, beva-bechora, yetim-yesirlar uchun madrasalar, tabobat xonalar, shifo maskanlari qurdirgan. Doshqozonlarda ovqat pishirib tekinga tarqatgan. Dardmanlarga bepul tabobat ko`rigi uyushtirib tibbiy yordam bergan. Bunday insonparvarlik namunasidan hammamiz har qancha o`rnak olsak arziydi.

Mustaqil O`zbekiston otliq davlatimizning butun siyosati insonparvarlik g`oyalari bilan sug`orilganligi va uni amaldagi namunasi ekanligi bilan har birimiz har qancha faxrlansak arziydi. Davlatimizda inson huquqlari va demokratiyaga oid masalalarni maxsus qonun bilan belgilab qo`yilgan.

1992 yil 8 dekabrda qabul qilingan O`zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi o`zining insonparvarlik g`oyalari bilan ajralib turadi. Bu haqda Islom Karimov shunday yozadi:»Shu ko`hna zamin odamlari ko`nglida ustivor bo`lgan adolat, haqiqat, iymon, mardlik, tantilik, bag`ri kenglik kabi ulug` xislatlar bu muborak hujjatdan munosib o`rin olgan». Bu tarixiy hujjatda insonparvarlik o`z ifodasini to`la topgan. Chunonchi:»39-modda. har kim qariganda, mehnat layoqatini yo`qotganda, shuningdek boquvchisidan mahrum bo`lganda va qonunda nazarda tutilgan boshqa hollarda ijtimoiy ta'minot olish huquqiga ega. Pensiyalar, nafaqalar, ijtimoiy yordam boshqa turlarining miqdori rasman belgilab qo`yilgan tirikchilik uchun zarur eng kam miqdordan oz bo`lishi mumkin emas». Davlatimizning asosiy qonuni o`zining insonparvarlik kafolati ustivorligi tufayli xalq oldida katta obro`-e'tiborga ega.

Mustaqil Respublikamiz fuqarolari, xususan yoshlari ruhiyatida vatanparvarlik va insonparvarlik tuyg`ularini shakllantirish, ularni rivojlantirish demokratik, adolatli va huquqiy jamiyatni barpo etishning muhim kafolati sanaladi. Shuning uchun vatanparvarlik va insonparvarlik tuyg`ularini shaklantirish butun tarbiyaviy ishimizning muhim yo`nalishlaridan biri bo`lib qolmog`i lozim.

Bugun mustaqil O`zbekistonning jahonda o`z munosib o`rnini topishi, millatimizmining qadr-qimmatini joyiga qo`yish ona zaminda yashayotgan barcha millat va elatlar vakillari bilan barqaror rivojlanish yo`lida faoliyat ko`rsatayotgan O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov nomi millatparvarlikning yorqin ifodasi sifatida xalqimiz qalbidan chuqur o`rin olgan.

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

Қосимов У, Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ «Педагогика, психология в таълим менежменти»кафедраси мудири, пс.ф.н.

Таълим инсоннинг(таълим олувчининг) ҳаётий тажрибаларини бойитиш орқали ривожлантириш бўлиб у жараён ёки оқибат натижа сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи

назардан педагогика таълим тўғрисидаги фан инсон ҳаётий тажрибаларини бойитиш орқали ривожлантиришдир. Шахснинг структуравий иерархияасида таълим ва шахс ҳаётий тажрибаси ривожланишини қуйидаги контекстда схематик ифода этиш мумкин:



ЎРГАНИШ -бу шахс тажрибасининг ривожланиши бўлиб у ўз навбатида қуйидаги унсурлардан таркиб топади:

1. Индивидуал билим
2. Маълум бир фаолиятни мувафаққиятли омилкорлик, моҳирлик билан эплай олишлик, қила олишлик лаёқат ва қобилиятлари-компетенция.
3. Малака
4. Одатлар

Аввало **компетенция** тушунчасини изоҳлаб ўтсак.

“Компетенция” лотинча сўздан олинган бўлиб, **“ўз касбига яроқли, лойиқ»**деган маънони билдиради. Компетенция – бу нафақат олинган назарий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси, балки олинган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражасидир.

Компетенция - Маълум бир фаолиятни мувафаққиятли омилкорлик, моҳирлик билан эплай олишлик, қила олишлик лаёқат ва қобилиятлари бўлиб, у эгалланган назарий ва амалий билимлар, малакалар ва кўникмалар асосида намоён бўлади.

Компетенция шахснинг мураккаб таълимий структураси бўлиб, у ўзида шахснинг сенсор, субсенсор ва экстрасенсор, сенсомотор, идео динамик(идеомотор, идеосенсор, идеоэмотив, идеокогнитив) интеллектуал, иродавий, креатив, эмоционал сифатларини ўзида жамлаганки, улар фаолиятдан кўзланган мақсадга унинг ўзгариб борувчи шароитида амалга ошувини таъминлайди.

Шундай қилиб компетенция шахснинг юксак сифатий хислати бўлиб, унинг шаклланиши таълимнинг ҳал қилувчи оқибат, натижаси ҳисобланади.

Ўқитувчи компетенцияси – унинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаси, дунёқараши, эътиқоди ва барча шахсий индивидуал ижтимоий психологик сифатларининг намоён бўлишидир. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири, бу – ўқитувчининг ўз фани бўйича компетенцияга эга бўлишидир. У педагогик мослашув тизими асосида намоён бўлади. Булар:

- илмий билиш;
- гносеологик билиш;

- педагогик фаолиятни эпчиллик, омилкорлик, моҳирлик билан бажара олиш;
- ҳар қандай муаммоли вазиятларнинг самарали ечимини топишга ижодий креатив ёндашиш;
- таълимий, тарбиявий таъсир жараёнида юксак ижтимоий психологик хусусиятларни намоён этиш;
- ўзининг интеллектуал, когнитив, эмотив, ахлоқий салоҳиятини, ўрганиш ва ички психологик заҳирасидан самарали фойдаланиш орқали ўзини муттасил ривожлантириш.
- жамият ва инсонларга, табиатга борлиққа ижобий эмоционал муносабатда бўлиш ижобий позитив фикрлашга ўтиш тажрибасидан иборат.

БОЛА ТАРБИЯСИ ЖАРАЁНИДАГИ ИЗЧИЛЛИК ВА УЗВИЙЛИК ШАХСДА ЕТУК МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МУҲИМ ОМИЛ

Хасанова М, БВХТХҚТ ва МОИ "Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим" кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, тарбиянинг узлуксизлиги ва изчиллиги, ва босқичма босқич умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим кўринишида давомийлиги дунёвий характерда эканлиги, мажбурийлиги, таълим ва тарбия тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш кабилар белгилаб берилган. Шуни таъкидлаш жоизки таълим ва тарбия жараёнини ажратиб бўлмас яхлит жараён бўлиб, у аслида бир ҳодисанинг икки томонидир. Тарбия таълим орқали ўзлаштирилган билимларни оқилона намоёнида ўз ифодасини топади. Узлуксиз таълим ва тарбия тизимида тизимида тизимлилик ва изчиллик ва фанлараро билишга оид ва тарбиявий алоқадорлик принципи муҳим аҳамият касб этади. У ттарбияда маълум мантиқий изчиллик бўлиш зарурлигини билдиради, чунки тарбия ва билимлар ворислик характерига эга. Билим ва тарбия олишдаги тизимлилик ва изчиллик ҳамда алоқадорлик назария ва амалиётни таълим-тарбия жараёнига босқичма-босқич жорий этиш билан таъминланади.

Дарҳақиқат умумий ўрта таълим тизимида тарбия ва таълим жараёнлари ўзаро бир-бири билан боғлиқ, лекин алоҳида олинган мустақил таркибий элементлардан ҳам иборат. Таълим ва тарбиянинг таркибий элементларига таълим – тарбия мақсадлари, вазифалари, омиллари, таълим мазмуни, ташкилий шакллари, методлари, воситалари ва шарт–шароитлари киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим-тарбия мақсадларида баркамол авлодни – ақлан етук, маънавий бой, жисмонан бақувват мустақил Республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида унумли меҳнат қила оладиган шахсни тарбиялаш назарда тутилади ундан ташқари болаларни амалий фаолиятга тайёрлашнинг маълум бир даражадаги босқичлари ҳам ҳисобланади. Шунга асосан мактабгача таълим ва асосан умумтаълим мактабларида ўқувчиларга умумий меҳнат тайёргарлиги, чуқурлаштирилган политехника ва касбга йўналтирилган меҳнат тайёргарлигини бериш мақсад қилиб қўйилган.

Таълим тарбия жараёнида фанлараро тарбияга ва билишга оид жараёнларни боғлиқликни таъминлашнинг педагогик аҳамияти шундаки, у ўқув–тарбия жараёнини барча элементлари: мазмуни, шакл, усул ва воситаларини яхлит тарзда бирлаштириб, унинг самарали бўлишига ёрдам беради. Узвий ва изчил алоқадорлик деганда таълим ва тарбия жараёнининг бир компонентидан иккинчисига йўналган бир томонлама алоқадорлик тушунилади. Алоқаларнинг универсал шакли, ўрганилаётган компонентлари орасидаги ўзаро таъсир икки томонлама йўналган бўлса, узвий ўзаро алоқадорлик деб аталади. Бунга мисол сифатида тарбиячилар, педагоглар ва болалар, ўқувчилар орасидаги ўзаро таъсирни кўрсатиш мумкин. Баъзи ҳолларда ўзаро таъсирда диққат–эътибор ўзаро алоқадор объектларга кўчирилади. Предметлараро сўзи ўзига предметлараро ўзаро таъсир тушунчасини қамраб олади. Предметлараро алоқалар сўзи ўқув, тарбия предметлари

орасидаги ўзаро таъсир натижасида ёки уларнинг таркибий қисмлари орасида ривожланиш жараёни кечишини, яъни ниманидир пайдо бўлишини англатади. Демак, янгини ўзлаштириш учун предметлар орасида алоқадорлик жараёнининг ўзи амалга оширилади.

Таълим ва тарбия мазмуни ёки ҳодисалар орасида ўзаро алоқадорлик мавжуд, лекин махсус педагогик ва тарбиявий фаолият амалга оширилмаса узвийлик ва изчиллик амалга оширилмайди. Узвийлик ва изчиллик таълим ва тарбия жараёни компонентлари орасида амалга оширилган алоқадорликдир.

Таълим ва тарбиянинг жараёни компонентларининг алоқадорлигини яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўқитувчи ва тарбиячи бу жараённи амалга оширишда уни ўқувчига етказишдан олдин жуда кўп адабиётларга мурожаат қилишига тўғри келади. Айниқса ҳозирги кунда ахборот мўл кўллиги асри бўлгани учун интернет тизимидан самарали фойдаланиш ва илму фанга, ҳаётимизга кириб келаётган янги маълумотлар ва янгиликлардан хабардор бўлишни тақазо этади. Бу эса албатта ўқитувчига ва тарбиячига жуда катта маъсулият ва тинимсиз меҳнатни юклайди.

Хулоса қилиб айтганда, бола етук маънавий ахлоқий хислатларини шаклланишида тизимли равишда изчиллик, узлуксизлик ва алоқадорлик аҳамияти муҳим бўлиб, тайёрланаётган кадрларни умумий дунёқараши эътиқоди ва касбий маҳоратини оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГНИНГ РОЛИ

Шарипова Х, БВХТХҚТ ва МОИ “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси кабинет мудири

Замоннинг шиддати ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига, фаолиятимизнинг ҳар бир қиррасига ўзининг таъсирини ўтказаётганлигини, барча соҳада тараққиёт билан ҳамқадам, ҳамнафас яшашни, даврнинг талаби, келажакнинг эҳтиёжини зийраклик билан илғаш, шунга муносиб қадам ташлаш туфайлигина олға босиш, кўзланган марраларга етиш мумкинлигини аниқ-равшан кўриб турибмиз.

Замонавий таълим самарали бўлади, қачонки ўқувчини жараён объектидан субъектга, яъни суст тингловчидан фаол иштирокчига айлантиришга эришилса. Бу эса фаннинг хусусияти, ўрганилаётган мавзунинг мазмун – моҳиятидан келиб чиқиб педагогик технологияни танлаш ва ундан дарс жараёнида ўринли фойдаланиши орқали амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, замонавий таълимнинг кўлами, мақсад ва вазифалари кенг қамровли бўлиб асосий мақсад таълим самарадорлигини ошириш, ўқувчиларга билим бериш баробарида **билим олиш йўлларини ўргатиш**, хуллас ҳар бир жараён ўзининг пировард натижаси билан баҳоланади.

Педагогик технология самара берувчи усул бўлиб, ўқувчиларни мукаммалроқ билимларга эга бўлиши, ижодкор бўлиши, ҳар доим изланишда, ўйланишда, ўрганишда, ечим топишга интилишда, муаммолар яратишда, аниқ фикр айта олишда, эркин фикр баён этишда, хатоликларни тузатишда, дўстона муносабатда бўлишда, қизиқувчанлигини оширишда, ҳамиша биринчи бўлишга интилишида, зарур нарсаларни излаб топишга, янгиликлар яратишга берилаётган топшириқ ва машқларни талаб даражасида бажаришга, интилишга ҳамда дунёқарашларини кенгайтиришга ёрдам берувчи усуллардан бири эканлигини намоён этмоқда.

Янги педагогик технологияларни шакллантириш ҳар бир педагогнинг касбий вазифаси эканлигини англаб етиши, кундалик иш тажрибасида қўллаши, бугунги талаб қилинаётган энг долзарб мавзу деб ўйлайман. Педагогик технологияни маҳорат мактаби десак ҳам адашмаймиз. Чунки, ҳар бир ўқитувчининг ўз услуби ва шу усуллардан фойдаланиш имкони бўлади.

Янгича усуллар, янгича қарашлар таълим самарадорлигинии янада оширади. Малакали ходимлар хеч қийналмай ўқувчи қалбига йўл топа олади. Ўшандагина уни дарсини

орзиқиб кутувчилар сони кўпаяди. Ўқитувчи тайёр технологияларнинг ижрочиси бўлмай, ўзи изланиши ва янги усуллар ўйлаб топиши лозим. Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлиги, ўзаро ишонч, ёрдами, ўқувчиларда ҳақиқий инсон бўлиш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш кўникмаларини шакллантиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий ўқитувчи замон янгиликларини тез илғай олиши ва уни таълимда қўллай олиши керак. Айниқса, замонавий ўқитувчи **халқаро методика**да яратилган янгиликларни миллий методикамиз билан уйғунлаштириб, таълим-тарбия жараёнида қўллай билиши шарт.

Зеро, Юртбошимизнинг мана бундай ҳаққоний гаплари бор: "Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ана шундай замонавий билимга эга бўлиши керак".

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИИМИЗ ДУРДОНАСИ А.НАВОИЙ МЕРОСИНИНГ РОЛИ

Авлиёқулова Д - Қарши ВХТХҚТ ва МОИ "Ижтимоий, иқтисодий фанлар" кафедраси ўқитувчиси

А.Навоий асарларида асарларида бола таълими ва тарбияси билан оилада ва мактаб услубидан фойдаланиш тавсия этилган. Унда тарбия ва таълим ота—она ҳамда ўқитувчи томонидан олиб борилиши лозим топилади. Алишер Навоий болаларга жисмоний жазо бериш эмас, балки хушмуомалалик билан муомалада бўлишни, лекин бунда ҳам меъёридан ошмаслик лозимлигини уқтиради. Навоий ўқитувчини талабчан бўлишга ундагани, аммо ҳар иккаласида ҳам маълум меъёрни билиш зарурлигини уқтиргани маълумдир. У таълим ва тарбия ҳақида гапирар экан,»қобилиятини тарбия қилмаслик зулмдир, қобилиятсизга тарбия ҳайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, бунга тарбиятингни нобуд қилма»— дейди.

Алишер Навоий илм олиш йўллари ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этади. У билимларни тинмай, узлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Бунда ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкинлигини, қунт билан ишлаш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, изчиллик билан иш кўриш, уни охирига етказиш, чидам ва сабот билан ўрганишни таъкидлайди. Демак, буюк аллома илм олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини узлуксизлигини ҳам белгилаб беради, яъни Алишер Навоий таълим тизимини ўз даврида мақтаб, мадрасаларда ўқиш, ё олим, ҳунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил ҳолда илм олиш имкониятларидан изчил, алоқадорликда, узлуксиз фойдаланишни тавсия этади. Мутафаккир ёшларга чуқур билим беришда муаллимлар–домлалар, мударрислар ҳамда устоз—мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон, мутаассиб, жоҳил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи эга бўлиши зарур бўлган маълумотли, ўқитишни самарали йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур, дейди. Масалан,»Маҳбуб ул—қулуб»асарида мактабдорлар ҳақида фикр юритар экан, уларнинг қаттиққўл, жоҳил ва таъмагирликларини қоралайди, ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги, мураббийлик ҳаққини холисона баҳолайди.

Демак, Навоий ҳар бир ёшнинг интелектуал ва маънавий, ахлоқий камолотга етишда илм—у фаннинг аҳамиятини кўрсатиш билан бирга жамият тараққиётининг асоси саналган илм аҳли, илмни тарқатувчи олим—у фозилларга ҳурмат ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш масалаларига ҳам эътибор беради.

Навоий»Маҳбуб ул—қулуб»асарида ўз замонасидаги баркамол инсонга ҳос фазилатларни акс эттириб, уларнинг мақсад ва моҳиятини асослаб берди.

Шунингдек, шоирнинг беш достондан иборат шоҳ асари»Ҳамса"да инсон камолотининг барча масалалари қамраб олинган.

Навоий одамларни баркамол қилиш асосида энг адолатли ва етук жамият барпо этишни мақсад қилган эди. У кишиларни ўзини—ўзи англашига, ижтимоий бурчини англаб уни сидқидилдан бажаришга чақиради:»Эл нетиб топкай мениким, мен ўзумни топмамен. Бўйлаким ишқу жунун саҳросида аворамен..."("Лисонут—тайр»Алишер Навоий).

Баркамоллик даражасига етишида шахс ақлан, жисман ва руҳан пок бўлишга ҳаракат қилиши, зоҳирий – ташқи жиҳатдан покланиш билан, асосий ички покликка етиши ва кўнгил поклиги—бирор вужудга ва нарсага нисбатан гараз сақламаслик ҳолатига етишиши зарур. Ҳазра Навоий шахс қобилиятига ҳам жуда юксак баҳо бериб, у олам моҳиятини англай олади деган фикрни олга суради:»Ўз вужудингни тафаккур айлагил, ҳар не истарсен ўзингдан истагил".

Алишер Навоий, ҳудди ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд муридликка қабул қилишни сўраб келганлардан талаб қилганлари каби, бу дунёда касб ўрганиш кераклигини таргиб этади. Ҳатто, касб ўрганмай яшаб ўтган одамни олам уйидан ғамгин бўлиб чиққан кишига ўхшатади.

"Камол эт касб»сўзларини»камолга етишни касб қил»деб ҳам,»Касб ўрганишни камолга етказ»деб ҳам тушуниш мумкин. Ҳар иккаласида ҳам инсоннинг бу дунёда комилликка эришиш сари интилиши кўзда тутилган. Касб ўрганиш ҳам — комиллик сари ташланган қадам. Шу ҳам»даст — ба кор"лик шартларидан»Илм ва ҳикмат эр кишининг зеб—у зийнатидир", деб талқин этади.

А.Навоийнинг»Ҳайратул аброр»достонида баркамол шахснинг маънавиятидаги яхшилик, саҳоват, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, бағрикенглик, камтарлик, инсоф, адолат сингари фазилатлари таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилади.

А.Навоий»Оламдан ғамсиз ўтай десанг, илм—у ҳунар ўрган". Унинг фикрича, ёш авлодни баркамол бўлишини халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга кишилар қилиб етиштиришдир. Бунда таълим ва тарбия етакчи роль ўйнайди. Шу билан бирга у таълим ва тарбия таъсирига берилувчи, қобилиятли ўқувчи болалар бўлгани сингари ёмон хулқли болаларни тузатиш мумкинлигига ишонч билдиради.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ФАНЛАР ОРАСИДАГИ УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Болтаева З, Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ «Ўқув бўлими»мутахасссиси

Жаҳон таълими тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, жамият тараққиёти таълимнинг такомиллашиши ва тараққий этиши билан чамбарчас боқлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек:»Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади».

Узлуксиз таълим малакали, раобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, Давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

Маълумки, Давлат таълим стандартларида узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир мустақил таълим тури бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлик ва узвийлик тамойилиги асосан боғланиши кўзда тутилган. Шу ўринда ҳар бир таълим тури ва босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, олдингисидан кейингисига ўтишда таълим жараёни самарали кечиши учун ўқитувчи ва ўқувчидан алоҳида тайёргарликларни талаб этиши аниқ. Бундай муаммолар асосан ўрта умумий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари ўртасидаги таълим мазмуни ва жараёнини ташкил этишда фанлар орасидаги узлуксизлик ва узвийлик масаласини ҳал этишда мавжуддир.

Бошланғич таълимда узлуксизлик ва узвийлик масаласи бола шахсининг шаклланишида муҳим ўрин тутиб, ўқувчиларни ижтимоий ҳаёт ҳамда меҳнат фаолиятига тайёрлайди, шунингдек, навбатдаги таълим босқичида билим олишини давом эттириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришни таъминлайди. Бунда фанларни изчил алоқадорликда, узвийликда ўрганиш ўқувчилар билимларини пухта ўзлаштириш учун бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур турлари, хотира ва ижодий тасаввурни мунтазам ривожлантириш ва индивидуал лаёқатларини рўёбга чиқариб боришнинг кенг имкониятлари очилади.

Таълим турлари орасида ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, ва изчилликни ўрнатиш фанлар (предметлар), боблар, мавзулар, ўқув материаллари орасида узвийликни таъминлаш асосида амалга оширилади. Бинобарин, бошланғич таълим фанлари асосларини ёритувчи мавзулар ўртасида узвийликни таъминлаш, ўқув материалларини ўқувчиларининг индивидуал ёш даврлари хусусиятларига мос ҳолда танлаш, уларнинг муайян мантиқий кетма-кетлик, фанлараро мавзулараро узвийлик ҳамда изчиллик асосида жойлаштириш, ўқув жараёнида узвийлик тамойилининг етакчи ўрин тутишига эришиш ва бу ҳолатни педагогик жиҳатдан асослаш муаммосини юзага келтиради.

Таълимда узвийлик икки хил турда қўлланилади. Биринчидан, таълим турлари (бўғинлари) орасидаги изчиллик ва узвийлик. Бунда таълимнинг кейинги тури мазмуни аввалгисини қисман такрорлаб, мазмун жиҳатидан узвий боғланган ҳолда унинг кейинги таълим турларида давом этади. Иккинчидан, ўқув фанлари ва мавзулари орасидаги изчиллик ва узвийлик. Бу одатда фанлараро ёки мавзулараро боғланиш орқали амалга оширилади.

Узвийлик тушунчаси узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир турида ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни характерлайди.

Узвийлик ўқув материалининг муайян кетма-кетликда, тизимли жойлаштирилиши, билимларни ўзлаштиришда мавжуд билимларга таяниш, ўқув материалининг маълум даражада навбатдаги босқичларда қўлланилиши, ўқув-тарбия жараёни босқичларининг давомийлигини англатади. Мазкур ҳодиса ўқув предмети материалларини жойлаштириш ҳамда ушбу предмет (фан) асосларини ўзлаштириш фаолияти турларининг самарали танланишига ёрдам беради. Бу жараёнда қуйидаги омилларнинг роли мавжудлигини таъкидлаш жоиз:

- муайян фаннинг мазмуни мантиқи (ўқув предметида узвийликнинг мавжудлигини аниқловчи жиҳатлар;
- ўқув предмети мазмунини ташкил килувчи тушунча, қонун ва далиллар;
- ўзаро органик боғланувчи аввал ва кейин ўзлаштирилган муайян соҳа билимлари моҳиятини маълум кетма-кетлик асосида аста-секин очиб берилишини таъминловчи ҳаракатлар;
- билимларини ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари (дидактик жиҳатдан қайта ишланмаган муайян соҳа билимларининг ўқув предметига тўғридан-тўғри сингдирилишига йўл қўймайдиган ҳаракат, амаллар).

BOSHLANG`ICH TA'LIM SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA O`ZLASHTIRMASLIKNI OLDINI OLISH VA BO`SHLIQLARNI TO`LDIRISHNING AHAMIYATI

Murodova SH Buxoro VXTXQT va MOI o`qituvchisi

Mamlakatimizda sog`lom va barkamol avlodni tarbiyalsh, farzandlarimizni ijodiy va intellektual salohiyatini ro`yobga chiqarish, ularni XXI asr talablariga to`liq javob beradigan shaxslar qilib voyaga yetkazish barchamizning ezgu vazifamiz.

Har tomonlama yetuk, sog`lom, mustaqil fikrlovchi shaxslarni tarbiyalashda boshlang`ich sinflarda beriladigan ta`lim va tarbiyaning roli beqiyosdir, chunki o`quvchi oladigan bilimlari, ko`nikma va malakalariga asos xuddi shu boshlang`ich sinflarda qo`yiladi. Bu haqda yurtboshimiz I.A.Karimov 1997-yilda bo`lib o`tgan Oliy Majlisning IX sessiyasida so`zlagan nutqlarida quyidagilarni ta`kidlagan edilar: "Eski ta`lim tiziminig eng yomon qusuri boshlang`ich ta`limga ikkinchi darajali ish deb qaratyotganligimizdadir. Ochiq aytishimiz kerak, bilimi sayoz o`qituvchilar ham boshlang`ich sinfga dars beraveradi… Vaholanki, bolaning dunyoqarashi va salohiyati shakllanadigan boshlang`ich sinflarga eng yetuk, eng tajribali murabbiylar biriktirib qo`yilishini oddiy mantiqini o`zi talab etadi. "

Bundan ko`rinib turibdiki, ma`naviy jihatdan mukammal rivojlangan insonni tarbiyalash ma`lum va maorifni yuksaltirish milliy uyg`onish xosiyatini ro`yobga chiqaradigan yangi avlodni voyaga etgazish davlatimizning eng muhim vazifalaridan biri qilib belgilangan.

Bugungi kunga kelib, ta'lim sohasida o`zlashtirish xususida keng fikrlar bayon etilmoqda. O`zlashtirish tushunchasi o`z mohiyatiga ko`ra kompleks muammo bo`lib, u jamiyatning iqtisodiy siyosiy, ma'rifiy, madaniy tarbiyalanganligi, maktab o`qituvchilarining zamonaviy o`qitish vositalari, usullari, tamoyillari bo`yicha atroflicha bilimga ega ekanliklari, yoshlarning o`qish-o`rganishga ishtiyoqmandligi bilan uzviy boliq hodisadir. Mustaqil mamlakatimizning erkin fuqarolari tilimiz va tariximizning inson hayotidagi ahamiyatini, milliy va umuminsoniy qadriyatlarini har qachongidan aniqroq, to`laroq his qila boshlashdi. Maktab hayotida tub o`zgarishlar yuz berdi, o`qituvchilar faoliyati sifat jihatdan yangilanish bosqichini o`z boshidan kechirmoqda. Mamlakatimizning iqtisodiy taraqqiyotida, jamiyat a'zolarining fikrlashida, tarbiyachilarining faoliyatida, yoshlarni fan-texnika, kasbga chanqoqligida paydo bo`lgan tub o`zgarishlar o`zlashtirish muammosini atroflicha asoslash har tomonlama tadqiq qilish ehtiyojining yanada oshganlidan dalolat beradi. Bolalarning o`zlashtirishlarini ta'minlash uchun ularga didaktik ta'sir tadbirlarini ishlab chiqishga ehtiyoj tug`ildi.

Baxtga qarshi har bir sinfda 3-4 ta bo`lsada, o`zlashtirmoqchi o`quvchilar mavjud. Bunday o`quvchilarning bilish jarayonlari orqaga qolibgina qolmay, bevosita sinfdoshlarining ham o`zlashtirishlariga, bilim asoslarini egallashlariga ma`lum darajada salbiy ta`sir ko`rsatadi. Xuddi shu sababli, boshlang`ich sinflardagi o`zlashtiruvchi o`quvchilarning psixologik xususiyatlarini o`rganishi va uni korreksiya qilish dolzarb masala hisoblanadi.

Bugungi kunda boshlang`ich sinflarda o`zlashtirmovchilikka ta`sir etuvchi omillarni aniqlash, chora tadbirlar tizimini ishlab chiqish shaxs kamolotining asosiy mezoni sanaladi. Shu bois o`quvchilardagi o`zlashtirmovchilik muammosini o`rganish muhim sanaladi.

Har bir alohida olingan o`zlashtirmovchilikning vujudga kelishi har xildir. Bu shaxsning individual-ijtimoiy-psixologik xususiyatlari o`zini o`zi nechog`lik oqilona boshqarishi, nazorat qilishi va atrofdagilar bilan muomala, munosabatlari, xususiyatlariga bog`liqdir.

Bizning fikrimizcha:

1) Bolaning o`qishga psixalogik jixatdan tayor bo`lmasdan kelishi.

2) O`quvchilarda ixtiyoriy diqqat, assosiativ xotira, tafakkur operatsiyalari hamda ijobiy o`quv motivatsiylarinig sust shakllanganligi.

3) Ota –Onaning farzandi o`qishini nazorat qilmasligi hamda o`qituvchining bunday o`quvchilar bilan indivudual shug`ullanmasligidir.

Bularni oldini samarali tarzda olish uchun o`qituvchilar, ota – onalar, jamoatchilik va o`quvchilar tashkilotlarining kuchlarini o`quvchilarning o`qish muvafaqqiyatiga tarbiyaning ta'sirini oshirish maqsadida birlashtirish bilan bog`liq. O`qishda qiynalayotgan bolalarga nisbatan qulay ahloqiy iqlim yaratish muhimdir. Bunda birinchi navbatda bolaning ustidan kulish, haqoratlashlariga yo`l qo`ymaslik, ta'sirini antipedagogik usullarga yo`l bermaslik zarur.

Barcha tarbiyaviy kuchlarning maqsadga yo`naltirilgan ta'siri va birlashishi natijasida bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchi o`zini-o`zi tarbiyalashi va o`qishga qiziqishi oshadi.

O`quvchilarni o`zlashtirmaslik sabablari haqidagi psixologik pedagogik konsilium xulosasi bilan tanishtirib borish maqsadga muvofiq, uy vazifalarini bajarishning oqilona yo`llarini ko`rsatish, uy vazifalarini bajarishga ketadigan vaqtni doimo tahlil qilish zarur.

Boshlanich sinflarda o`zlashtirmaslik o`quv ishlari bo`yicha maxsus mashulotlar tashkil e'tilishi maqsadga muvofiq. O`quvchilarning o`z kun tartibini oqilona tashkil e'tishga o`rgatish, uyda va maktabda mustaqil o`quv ishlarini asosiy bosqichlarini ajratish, kitob bilan to`ri ishlash, o`quv va mehnat topshiriqlarini bajarishda domiy o`z o`zini tekshirishni, amalga oshirishga qaratish lozim. Diqqat, xotira, tafakkur kabi bilish jarayonlarini rivojlantirish muhim.

Bunday ishlarni tashkil etishda o`il va qiz bolalarning qiziqishlari hisobga olinishi, o`quvchilarda mustaqillikni rivojlantirishga olib keladi. Bu ishda o`quvchilarga ota onalari yordam berishi mumkin. O`quv yili boshida bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchilar ota – onalar bilan yaqin aloqa o`rnatish uchun barcha chora tadbirlarini ishlab chiqish, ularning uylariga borish, farzandlari o`zlashtirmasliklarini oldini olish bo`yicha hamkorlikda ishlarini tashkil etish lozim. Xuddi shunday oilaning tarbiyaviy ta'siri mahsuldorligini oshirish maqsadida ota – onalar majlislarida

bolalarning har tomonlama rivojlanishi va tarbiyasidagi ularning rolini oshirish haqidagi masalalarni muhokama qilish zarur.

O`qishda orqada qolishning oldini olish borasida jamoaviy tadbirlarni, individual ishlar bilan birgalikda olib borish lozim. Bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchilarning o`quv ishlarni oqilona rejalashtirish, o`qishda o`z o`zini nazorat qilish uy vazifalarini bajarishga, oraliq va mustaqil ishni bajarilishiga e'tibor berish kerak.

Bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchilarda o`qishga qiziqishni ortirish uchun turli xil ommaviy tadbirlarga jalb etish lozim, bu ularda irodaviy sifatlarni shakllantiradi.

Jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchilarda o`qishda har xil turdagi yordam uyushtirishi lozim. Bunda yaxshi o`qiydigan bolalarga biriktirishi, har xil fanlar bo`yicha maslahatchilar guruhini tashkil e'tish lozim. O`qish va jamoat faoliyatlarida bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchilarning kichik muvaffaqiyatiga ham e'tibor berish, maqtash muhim.

Ba'zi hollarda topshiriqlarni almashtirib turib, oldindan turlicha yordam ko`rsatib, o`ziga ishonch va hissiy faollikka undash uchun o`qishda va mehnatda muvaffaqiyat vaziyatlarini yaratish ham mumkin. Javobgarlik va tartib – intizom evaziga bazi o`quvchilarning o`zlashtirishi yaxshilanayotganligini doimo ta'kidlash lozim. Bo`sh o`zlashtiruvchi o`quvchilar, tarbiyasi qiyin o`quvchilar bilan ishlashda ba'zi hollarda qattiq turish choralarini qo`llashlari mumkin, lekin ulardan foydalanish vaqti – vaqti bilan bo`lib, tarbiyaviy ta'sirining boshqa usullari bilan birgalikda olib borilishi maqsadga muvofiq. Talabchanlik, adolatli, to`ri va me'yor bo`lishi darkor.

O`zlashtirmaslik hodisasi bilimlar hamda maxsus ko`nikma va malakalar mavjudligiga uzulish bilan tavsiflanar ekan, tanlanadigan chora – tadbirlar tuzish dasturdagi mavzularni o`zdashtirishdagi uzulishlarni bartaraf etishga qaratilishi maqsadga muvofiq.

O`quvchilar bilimidagi bo`shliqni to`ldirishga qaratilgan chora va tadbirlarni tuzish maxsuldor bo`lishi uchun bilim va ko`nikmalardagi bo`shliqning chuqurligi va xarakterini birinchi navbatda aniqlash zarur. Bilimdagi bo`shliqlarni to`ldirishda dasturlashtirilgan tipdagi mashqlar katta ahamiyatga ega. Muammoni kichik qismlarga bo`lish, har biri to`ri o`zlashtirilganligini nazorat qilish, barcha muammoni, o`qishda orqada qolish sababini bartaraf etishda mahsuldor hisoblanadi.

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИ УНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЎҚУВЧИ ҚОБИЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Нарзиев М, Бухоро ВХТХКТ ва МОИ ўқитувчиси

Хар бир инсон туғма лаёкатлар йигиндиси нишоналари, яьни инсон тана аъзоларининг ирсий, генетик тугма физологик, морфологик хамда функционал хусусиятлар сохиби булиб дунёга келади. Келгусида бирор кобилиятни ривожлантиришга булган муайян мойиллик ана шунга богликдир. Кейинчалик кобилиятга айланадиган лаёкат нишоналарининг мажмуи кишининг истеьдодидир. Истеьдод инсон кобилияти тараккиётининг энг юксак даражасини таьминловчи тугма табиий индивидуал биологик ва психик имкониятлар йигиндисидир. Истеьдоднинг ривожланиши шахснинг яшаш шароитига(индивидуал, моддий, ижтимоий, экологик ва хоказо) ижтимоий таьлим-тарбияга, уни фаолиятдаги фаоллигига богликдир. Кишининг истеьдод даражасини унинг маълум бир фаолиятдаги операция, харакат, саъи харакатларни канчалик муваффакият билан ва самарали амалга ошириш борасида муайян кобилиятларнинг канчалик тез усишига, билим ва малакаларни канчалик тез ва сифатли эгаллашига караб аниклаймиз.

Бирор сохада кобилияти сезиларлирок булиб куринадиган айрим кишиларни кобилиятли киши: кобилиятли математик, мусикачи, конструктор, рассом ва хоказо дейдилар. Фаолиятнинг бирор тури сохасида кобилиятнинг пайдо булиш даражаси муайян кишининг индивидуал-психологик хусусияти билан характерланади. Кобилиятнинг бундай хусусиятлари мактаб болаларида хам куринади. Баьзи бир укувчилар узларининг зехни уткирликлари билан, бошкалари поэтик асарларни аник идрок килишликлари билан, учинчиси эса, техник ижодкорлиги билан, туртинчиси эса, узининг лаборатория машгьулотларига уста булиш ва хоказолар билан ажралиб туради.

Айрим кишиларнинг кобилияти биргина сохада эмас, балки бир неча сохаларда яккол намоён булади. Бундай кишилар хар томонлама кобилиятли кишилардир. Қобилият кишининг индувидиал имкониятларини характерлайди. Бир хил шароитда қобилиятли кишилар ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам қобилиятли паст кишиларга қараганда кўпроқ ютуқларга эришадилар.

Қобилият шахснинг ҳам умумий, ҳам махсус ривожланишида тезроқ тараккий килиб боришини унинг ижрочилик ва ижодкорлик фаолиятларида энг юқори маҳоратга эришганида яккол намоён булади. Қобилият осон ва самарали, муваффакиятли билим олиш учун зарурий имкониятдир. Қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакадир. Улар фаолият механизимини ташкил қиладилар, улар қобилият билан биргаликда маълум бир фаолиятни бажаришда юксак маҳоратга эришишни таъминлайдилар. Албатта, юксак даражадаги малака ва куникмаларнинг шаклланишида тугма лаёкатлар асос булиб хизмат килади

Талантли деб шундай одамларни айтиладики, улар маьлум сохада мураккаб назарий ва амалий масалаларни хал килишга, янгилик ва прогрессив ахамиятга эга булган кимматли нарсалар яратишга кодир буладилар. Талантли деб, шунингдек, билимларни тез, муваффакият билан узлаштириб оладиган ва шу билимларни турмушда, уз фаолиятларида самарали, муваффакият билан татбик киладиган одамларни хам айтилади. Талантли одам, ёзувчи, шоир, рассом, конструктор, укувчи, талаба, тингловчи, скрипкачи, пианист, мухандис деганда биз буни ана шу маьнода тушунамиз.

Гениал ёки гений деб, биз шундай кишиларни айтамизки, улар нихоятда катта масалаларни хал киладилар, инсоният учун ахамиятли булган, мисли курилмаган кимматли нарсалар яратадилар. Бунда улар яратган нарсалар тарихда гуё бурилиш нуктаси булиб хизмат килади, тарихни олдинга прогрессив томон харакатга келтирувчи мадад булиб хизмат килади. Гений – бу янгилик яратувчи ва кашф килувчи одам, талантли
одам эса, бу янгиликларни тез узлаштириб олади ва шу билимларни
турмушда татбик килиб, уларни олдинга суради. Хар бир гений талантли хам була олади, бирок хар бир талантли одамни гениал деб булмайди.

Гениаллик ва талантлилик нафакат юксак индивидуал психологик, балки юксак ижтимоий-психологик хусусиятлар хамдир. Улар кишини хайратда колдирадиган даражада мехнатсевар ва мехнат килиш кобилиятига эга буладилар. Бундай кишилар фаолиятининг юксак даражада серунум булиши улардаги тугма, ирсий ва ижтимоий орттирилган мураккаб, интеграл психик хусусиятлар ва компонетларнинг узига хос синтези зухуридир.

Кулай шароит(индивидуал, моддий, табиий-экологик, ижтимоий) таълим ва тарбиянинг сифати ва мазмуни одамдаги лаёкатнинг барвакт уйгонишига имкон беради. Истеьдод айни таьлим-тарбия жараёнида, кишининг таркиб топаётган кобилиятларида равшанрок курина бошлайди.

Лаёкатнинг усиб камол топиши учун зарур булган шароитнинг асосларидан бири ижтимоий мухитдир. Кулай ижтимоий мухит кишидаги»мудраб ётган»лаёкатларни уйготади.

Хозирги мустакиллик даврда таълим тарбияни самарали ташкил килишщда яратилган барча моддий ва ижтимоий шароитлар усиб келаётган авлоднинг лаёкатларини кулай фурсатларида яъни сезитив ёш даврларида узвактида барвакт кобилиятларга айланишини кафолатлайди, албатта. Чунки лаёкатнинг кбилиятга айланиши учун кулай шароит булиши кишининг болалик чогларида, айникса, мухимдир. Нокулай ижтимоий мухит шароитида кишидаги тугма лаёкатларнинг»уйгонмай»колиб кетиши мумкин. Бундай нокулай мухит кишида тасодифий равишда курина бошлаган бирон кобилият ва истеьдод аломатларини йукотиб юбориши ёки уларнинг пайдо булиш вактини чузиб юбориши хам мумкин.

Мустакиллик туфайли миллий аньаналар урф-одатларимизнинг тикланиши, миллий, умумбашарий ва умуммаьнавий кадриятларимизни хаётимизга татбик этилиши халкимизнинг турмуш шароитини, ижтимоий мухитини узгаришига бу оркали усиб келаётган ёш авлоднинг кобилиятларининг самарали шаклланишига ижобий таъсир курсатди.

Миллий кадриятларимиздаги юксак ва олийжаноб максадлар кишининг барча рухий куч ва кобилиятларининг усишига катта стимул булиб хизмат килади.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Садуллаева В Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ ўқитувчиси

Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ўрқали таълим жараёнини самарали ташкил этиш муаммоси педагогикада долзарб муаммоларидан бири бўлиб, унинг назарий асослари педагогик синергетика доирасида тадқиқ этилмоқда. Педагогик синергетика, яъни ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини ҳамкорликда, мустақил тарзда ташкил этишга оид назарий ёндашувларни ўз ичига олиб, мазкур назария фаолиятни ташкил этиш ҳодисаси билан боғлиқ бўлган янги дунёқарашдир.

Синергетика (юнон. sunergeia — ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) — таълим жараёни субъектлари фаолиятини ўзаро ҳамкорликда мустақил тарзда ташкил этиш назарияси, ўз-ўзини бошқариш, номунтазам ҳодисаларни ўрганиш, дунёни янгича изоҳлаш, табиий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга қаратилган илмий йўналиш, янгича тафаккур услуби.

Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш назариясини яратиш XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида педагогиканинг ўта долзарб муаммоси сифатида намоён бўла бошлади. Педагогик ҳамкорлик таълим жараёни субъектлари ривожланишининг тадрижий йўлини намоён қилади. Педагогик ҳамкорлик жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятлари ва муносабатлари уйғунлашади ҳамда кўпроқ ижодий характер касб эта бошлайди. Бунинг натижасида жамият аъзолари орасида дўстона муносабатларга асосланган ижодий ҳамкорлик муҳити вужудга келади. Педагогик ҳамкорлик таълим жараёни субъектлари орасидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олишни тақозо қилади. Бундай мақсадга эришиш учун эса мазкур йўналишда кенгкўламли фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи мавджуд.

Ҳамкорликда таълим олиш ва ўқувчиларнинг ўзаро дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ўқитишнинг муҳим методи ҳисобланади. Бу жараёнда ўқувчилар ўқув вазифалари билан боғлиқ тарзда бир қатор муаммолар устида изланадилар, муайян лойиҳаларни ишлаб чиқадилар. Дўстона муносабатларга асосланган ҳолда ҳамкорликда фаолият кўрсатиш синф-дарс тизими таркибида вужудга келиб, ривожланадиган педагогик ҳодисадир.

Ўқув жараёнида ўзаро ҳамкорликка асосланган дўстона муҳитни вужудга келтириш шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Мактабдаги ўқув-билув жараёни ўқувчининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосида ташкил қилиниши лозим. Ўқувчиларда ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмалари вужудга келганда уларнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўзаро тенглик муҳити ҳукмронлик қилади. Ўқувчиларга нисбатан дўстона муносабат муҳити ўзаро адолатли муносабатлар замирида яратилади. Адолат бор жойда ҳақиқат, ҳақиқат бор жойда ўзаро ҳурмат муҳити ҳукм суради. Ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат шаклланган таълим жараёнида дўстона муносабат, ўзаро ғамхўрлик, меҳр-мурувват қарор топади. Бу жараёнда барча ўқувчилар бир-бирларига меҳр кўрсатадилар, уларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари кенгаяди.

Ҳамкорликка асосланган педагогика ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ифодаловчи тизим бўлиб, бу жараёнда жамоанинг ижодий қувватлари ва фаолият самарадорлиги намоён бўлади. Янги мақсадларни рўёбга чиқариш имконияти таъминланади. Бу мақсад – ўқувчилар жамоасини уларнинг кучлари ёрдамида қўшимча ижодий натижани қўлга киритишга ўргатишдан иборат. Ҳамкорлик педагогикаси янги ўқув воситалари

ёрдамида мулоқот жараёнини оптималлаштиради ҳамда ахборотли маҳсулотларни ишлаб чиқади ва ўқув жараёнига татбиқ этади. Шунинг учун ҳам, ҳамкорлик педагогикаси таълим жараёнида қўллаш учун ўқув материалларига ишлов беришда янги таълим методлари ва технологияларидан фойдаланади. Шу мақсадда ҳамкорлик педагогикаси бир қатор фан соҳалари билан кесишади. Жумладан, ижтимоий мулоқот назарияси, ахборот технологиялари, мантиқ, тилшунослик, шунингдек, шахсий кузатишлар ва тажриба-синов натижалари, психологияга оид билимлар кабилар.

Ҳамкорликдаги ўқув жараёнини ташкил этишда нафақат ўқитувчи балки ўқувчи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам ҳамкорликка асосланган ўқув жараёни ўзаро бир қатор педагогик, психологик хусусиятларига эга. Унинг самарадорлигини таъминлаш учун, худди мана шу хусусиятларни мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишни талаб этади. Ҳамкорликка асосланган ўқув жараёнининг муҳим жиҳати шундаки, унда ўқувчиларнинг узлуксиз ривожланишлари ва ўқув-билув фаолиятининг эркин, инсоний муносабатлар ва демократия тамойилларига асосланганлиги кафолатланади. Бу эса, таълим жараёнини самарадорлиги ва сифатини оширишга эришиш имконини беради.

ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Турдиева Ш. – Бухоро ВХТХКТ ва МОИ "Табиий фанлар" кафедраси ўқитувчиси

Республикамизда миллий таълим тизимини янгилаш ва такомиллаштириш жараёнида кадрларнинг назарий ва амалий тайёргарликлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг»Таълим тўғрисида»ги Қонуни,»Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг касбий – педагогик йўналишида тайёрланадиган мутахассисларда илмий дунёқараш асосларини шакллантириш, меҳнатга ижодкорлик нуқтаи - назаридан ёндашиш, ҳис – туйғуларини тарбиялаш, уларни халқ, Ватан олдида бурчли, маъсулиятли қилиб тайёрлаш ҳамда касб - кор малакаларини доимий такомиллаштиришга ўргатиш каби масалалари қўйилмоқда. Бу масалани ҳал этишда ўқув юрти остонасидаёқ ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини уйғотиш муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кун билан ҳамнафас замон талабига асосан барча илм масканларида ўқув жараёнини тўғри тащкил этиш, ҳар бир илм олаётган ўқувчиларга замонавий талаб даражаларида таълим бериш ҳар бир ўқитувчи, педагог олдига қўйиладиган биринчи талабдир.

Педагогик инновация педагогиканинг сохаси сифатида таълимнинг турли сохаларида инновацион жараённи назарий асослаб, юзага келаётган янгиликларни ўзлаштириш бўйича амалий маслаҳатлар беришга интилади. Инновацион жараёнларни бошқариш-масалаларини таҳлил қилади.

Тадқиқотчилар Л.Н.Седова, Е. В.Редькина, О.Б.Капичниковалар педагогик инновациялар яратиш ва ўзлаштириш жараёнини инновацион педагогик фаолият деб атайдилар. Инновацион педагогик фаолият мазмуни сифатида улар давр талаби билан замонавий мактаб олдига қўйилган долзарб муаммоларни хал этиш самарали йўлларини излаш учун алоҳида педагоглар ва бутун ижодий жамоалар яратадиган ўқитиш ва тарбиялаш амалиётини тушунадилар. Инновацион фаолиятни турларга ажратиш алоҳида эътиборга лойиқдир. Тадқиқотчи К.Ангеловски»педагогик инновацияларни аниқ турларга ажратиш мумкин эмас, чунки ҳар қандай турлашда схематизм мавжуд, етарлича тўла ва кетма — кетлик тартибига эга бўлмайди»деб таъкидлайди. В.С.Лоренсов, М.М.Потишник, О.Т.Хомерлар инновацион педагогик фаолиятга доир таснифлари қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1.* Ўқув—тарбиявий жараённинг *у ёки бу* қисми *билап алоқадорлиги бўйича:

— таълим мазмунида;

— ўқув — тарбиявий жараённинг методикалари, технологиялари, шаклида, метод, усуллари, воситалари, услубларида;

— ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этишда;

— мактабни бошқариш тизимида;

2. ***Қайта тузиш ҳажми асосида:***

— алоҳида (локал, ягона бўлган) боғлиқ бўлмаган;
— модулли (алохидалар тўплами), боғлиқ бўлган;
— тизимли, бутун мактабни ўз ичига олувчи.

3. *Фаолиятнинг инновацион имкониятлари асосида:*

— модификацион, оммавий амалиётда мавжуд бўлганни рационализациялаш, такомиллаштириш билан болиқ.
— комбинаторлик, турли хил педагогик технологиялардан элементларни бирлаштиришга асосланган;
— радикал, умуман янги, илгари қўлланилмаганни яратишга қаратилган.

4. Ўзидан аввалгиларга муносабати асосида:

— ўрнини босувчи, эскириб қолгани ўрнига янги воситани киритишга асосланган;
— алмашув фаолиятини якунлашга асосланган;
— очиб берувчи, янгини ўзлаштиришга қаратилган;
— эскисини киритиш, яъни эсдан чиққан эскисидан фойдаланиш.

К.Ангеловски, Роджерс, Майле (АҚШ) Броинсуик, Болен (Франция), Найхоф, Марклунд (Англия), Н.Потконяк, М.Мандис (Югославия) ва бошқа тадқиқотчилар инновацион педагогик фаолиятни турларга ажратиш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар. Бу ишларга қуйидаги мезонлар асосида инновацион педагогик фаолиятнинг турлари берилади:

1) тарқатилиши доирасита қараб:
— таълим мазмунида;
— ўқитиш ва тарбиялаш технологияларида;
— таълимни бошқариш тизимларида;
— экологик таълимда.

2) янгини амалга ошириш усулига қараб:
— мунтазам, режалаштирилган, олдиндан тайёрланган;
— тўсатдан, тайёргарликсиз, тасодифий;

3) новаторлик тадбирлари кенглиги ва чуқурлашишига қараб:
— оммавий, фундаментал;
— қисман, кичик,

4) янгининг юзага келиши характерига қараб:
— ташқи, ўқитиш ва тарбиялаш шаклларига тааллуқли;
— ички, ўтқитиш ва тарбиялашнинг мохиятига тааллуқли.

Инновацион педагогик фаолият бўйича баъзи педагогик тадқиқотлар бу фаолиятни қуйидагиларга асосланиб турларга ажратади:

1. Янгилик амалга ошириладиган доирага алоқадор:
•ўқитишнинг мазмуни ва тузилиши;
•ўқитиш технологияси;
•ўқитиш, дарс ўтиш ва билим бериш жараёнини ташкил этиш;
•ўқитиш воситалари;
•ўқув тарбиявий жараённи бошқариш тизимига.

2. Янгилик киритишни амалга ошириш усулига қараб, бу қуйидагиларни ажратиб кўрсатишга имкон беради:
•мунтазам, режалаштириш (кўзда тутилган), олдиндан ўйлаб олинган;
•тўсатдан, тайёргарликсиз, тасодифий.

3. Инновациялар чуқурлиги ва тўлалигига қараб:
•оммавий, катта, глобал, стратегик, муҳим, чуқур ва бошқалар;
•кичик, майда, қисман ва бошқалар.

4. Инновацион фаолиятнинг боришига қараб:
•ташқи (ўқитиш ва тарбиялашнинг ноанъанавий технологиялар, методлар, шакл ва воситалари. Ўқувчиларнинг ҳаёт тартиби бошқа ролининг, муассасанинг ишчан янги шароитлари ва бошқалар);

•ички, маълум вақт давомида эришилган ўқитишнинг анча юқори натижаларини берувчи (билимлари сифати ва мустаҳкамлилиги, билимлар тизимини ўзлаштириш даражаси, ўрганиш ва тадқиқотчилик амалларининг, интегратив ва умумлаштирилган малакаларнинг шаклланганлиги).

Л.Н.Седова, Е.В.Редькина, О.Т.Капичниковалар инновацион педагогик фаолиятга қуйидагича ёндашиб, улар инновацион педагогик фаолиятни қуйидагича тушунадилар:
•шаклланаётган шахсга таъсир кўрсатиш шахсга йўналтирилган усулларини ташкил этиш;
•ўқитиш ва тарбиялашнинг янги методлари, усул, шакл ва воситаларини ўзгартириш;
•инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитувчи ишлари тизимидан фойдаланиш;
•инновацион таълим муассасаларининг фаолияти.

Шундай қилиб, инновацион жараёнларнинг педагогик асосларини, уларнинг вазифалари, ривожланиш қонуниятларининг механизми ва уларни амалга ошириш технологияларини тахлил қилиш, ўқув жараёнини дунё стандартлари даражасида ва педагогик — психологик фанларнинг ютуқларини хисобга олиб ташкил этиш имконини беради.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Асланова Н-Бухоро ВХТХҚТ ва МОИ МТҲММ администратори
Асланова Н-Бухоро тумани 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Фарзанд-инсон хаётининг мазмуни, қувончи. Улар эзгу ишларимиз давомчилари, фахру ифтихоримиз, буюк келажагимиз ворислари. Шу боисдан мустакиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда фарзандларимиз тарбиясига беқиёс эътибор, рағбат ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмокда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч”китобида “... шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргохларида яратилади, бошкача айтганда, халкимизнинг эртанги куни кандай бўлиши фарзандларимизнг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий хар бир бола тимсолида аввало шахсни кўра олиши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга булган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш - таълим-тарбия сохасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса, таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”, дея алохида таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳартомонлама етук булиб вояга етиши учун таълим ва тарбия ишини анча илгари бошлаш муҳим. Чунки бола бамисоли ниҳол. Уни кайси томонга қайирсангиз, ўша томонга қараб ўсади. Боланинг тарбияси билан ҳали у дунёга келмасидан шуғулланиш кераклигини ҳаким бобомиз Абу Али ибн Сино таъкидлаб ўтганлар. Мамлакатимизда бу борада улкан ишлар олиб борилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида, аввало болаларимиз саломатлигига, таълим-тарбиясига, илм олиши, спорт билан шуғулланишига катта эътибор каратилган. Шунингдек, болаларнинг ижодий кобилиятларини ривожлантириш, уларнинг тасвирий санъат, мусиқа, нутқ борасидаги имкониятларини рўёбга чиқариш, уларга чет тилларини ўргатиш ишлари самарали йўлга қўйилмокда. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимида болаларга ижодий, тасвирий санъат кўникмаларини шакллантиришнинг асосий максади - уларнинг атроф-муҳитдаги гўзалликларни кўра билишга ва уларга эстетик муносабат билдиришга, санъатнинг ижтимоий моҳиятини ва аҳамиятини теран англаган ҳолда меъморий ёдгорликларни, тасвирий, амалий ва дизайн санъати асарларини миллий ифтихор, қадрият сифатида эътироф этиш ва муҳофаза қилишга ўргатишдан иборат.

Болаларда тасвирий санъат кўникмаларини шакллантиришда уларни тасвирий, амалий ва дизайн санъати, меъморчиликнинг тасвирий воситалари, халқ амалий безак санъати намуналари билан таништира бориб, улардаги тасвирий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, санъат билан мунтазам шуғулланиш эҳтиёжини таркиб топтириш, уларнинг санъат билан мулоқот жараёнида олган мурғак тушунчаларини, тасвирий санъат

кўникмаларини ўзларининг ижодий фаолиятларида қўллай билишга ўргатиш, уларда эстетик дид, эстетик онг, бадиий тасаввур ва тафаккурни таркиб топтириш ҳамда ривожлантиришга йўналтириш орқали маънавий баркамол авлод тарбиясига замин яратиш, ижодий-тасвирий фаолиятга мойиллиги бор болаларнинг бадиий истеъдодларини ривожлантиришга имконият яратишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб мактабгача таълим ёшидаги болаларда тасвирлай олиш **компетенцияларини** шакллантириш орқали уларни мустақил фикрлаш, эгаллаган кўникмаларини тўғри қўллай олиш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш қобилиятларини ривожлантириш кўзда тутилади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мустақиллик, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиш, ташаббускорлик, медиаресурслар ва ахборот-коммуникация технологияларидан ўз фаолиятида оқилона фойдалана олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, соғлом рақобат ҳамда умуммаданий кўникмаларини шакллантиради. Бунинг учун мактабгача таълим сохаси вакиллари, хусусан тарбиячилар тасвирий санъат компетенцияларини эгаллашлари зарур. Болаларга расм чизишдан олдин тасвирланадиган нарса хакида маълумот бериб, уларнинг тасаввурлари шакллантирилади. Тасвирланадиган нарса хакида эртак, хикоя, мультфильм намойиши боланинг тасаввурини янада бойитиб, унинг диккатини машгулотга каратилишига олиб келади. Болаларга аввало расм чизишда яхлит шаклни тасвирлаш учун уни кисмларга ажратиб тасвирлаш, кейинчалик бу кисмларни яхлит холатга келтириш усулларини ургатиш лозим. Куйида болажонларга таниш булган жониворларни тасвирлашнинг соддарок усулларини тавсия киламиз.



Кенгуруни тасвирлашдан олдин унинг яхлит тасвири болаларга курсатилади.

Аввал кенгурунинг асосий гавда кисмини тасвирлашга харакат киламиз.

Кейин кенгурунинг бош, дум ва оёк кисмларини содда фигуралар оркали гавда кисмига туташтирамиз.

Расмни яхлит холатга келтириб, уни буяб чикамиз.



Машҳур эртак кахрамонларидан тулкини тасвирлаш хам қийин эмас. Уни тасвирлашдан олдин тулкининг яшаш жойи, унинг хусусиятлари, ранги, тулки ҳакидаги

эртаклар болаларга эслатиб ўтилади. Тасвирлаш давомида эстетик талабларга риоя қилишни унутмаслик даркор. Шу асосда болаларда эстетик дид ривожлантирилади. Тасвирий воситаларни танлашда хар бир тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиши зарур. Кичик ёшдаги болаларга оддий, бир-икки элементларни камраб олувчи расмларни танлаш тавсия этилади. Расм чизиш оркали уларда қўл майда моторикаси такомиллашади. Яъни қаламни тўғри ушлаш, уни юргизиш, коғозда ориентир олиш кўникмалари ривожлантирилади. Катта ва тайёрлов гурух болалари учун бирмунча мураккаб рамслар танланиши мақсадга мувофик. Хулоса килиб айтганда, мактабгача таълим муассасасининг вазифаларидан бири-болага тасвирлашнинг оддий йуллари орқали расм чизиш кўникмаларини шакллантириб, уларни мактаб таълимига тайёрлаб беришдан иборатдир.

Президентимиз Ислом Каримов 2016 йилни бежизга “Соғлом она ва соғлом бола йили” деб атамадилар. Зеро фарзандлари соғлом юртгина кудратли ва мустаҳкам бўлади. Қачонки бола соглом ва бақувват, она мехрини хис килиб улғайса, у келажакда уз она Ватанига содиқ, яқинларини, ёру дўстларини, боринги, ўзи яшаётган она заминини ҳимоя килишга қодир бўлиб вояга етади. Унинг вояга етишишига эса биринчи навбатда оиласи, боғча, мактаб, маҳалладаги катта ёшли инсонлар ўз ҳиссаларини қўшмоғи даркор. Баркамол, юксак маънавиятли авлод она юртининг тақдири, ўтмиши, бугуни, келажагига бефарқ қарамайди. Қачонки фарзандларимиз теран фикрлай оладиган, юксак фахм-фаросатли, инсофу диёнатли, соғлом ва бақувват бўлиб ўссагина, уларнинг насли хамда келажак авлоди хам соғлом ва бақувват бўлиб ривожланади. Соғлом миллат ва соғлом жамиятни эса фақатгина соғлом кишилар қура олади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎЙИН ОРҚАЛИ ФАН АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Саидахмедова Л, Зарафшон шаҳар ЎКЙППДМТ кичик гуруҳ психологи.

Ҳозирги кунда республикамизда ўқув жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича кўплаб қўлланма ва услубий тавсиялар мавжуд. Республика таълим марказининг “Ўқув-тарбия жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштириш (интенсивлаш) асосидаги педагогик технологиялар»услубий тавсиясида педагогик технология, методика, ўйинли технологиялар, муаммоли таълим технологияси ҳақида атрофлича тушунча берилган. Зарафшон шаҳар мактабларида таълим рус, ўзбек, қозоқ тилларида олиб борилади. Албатта, биз Республика таълим маркази томонидан берилган услубий кўрсатмаларни таълим тилидан қатъий назар ўқитувчилар билан ишлаб чиқиб, уларни ўқув жараёнида қўллашни амалга оширамиз. Бундан ташқари, ижодкор ўқитувчилар билан ҳамкорликда бошқа методик қўлланмалардан ҳам фойдаланамиз. Педагог-олим Л.С. Выготскийнинг ўйин технологиялари ҳақидаги назарий маълумотларини ҳам ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Л.С. Выготскийнинг таъкидлашича: “шахсни камол топтиришда ўйин муҳим таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга ва ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантиришда ҳам ўйиннинг муҳим ижобий томонлари мавжудлиги эътироф этилган”[1.217]. Шунингдек, ўйин ўқувчиларнинг мотивацион, интеллектуал ва билиш қобилиятларини ривожлантиришда педагогик ва психологик аҳамиятга эга бўлган муҳим илмий хулосаларга асосланган омиллардан ҳисобланиши илгари ҳам, ҳозир ҳам дунё олимлари томонидан ижобий натижалар бериши илмий асосда исботланган.

Жумладан, Россия Федерациясида чоп этилган “Психология игры” (Ўйин психологияси) номли монографияда таъкидланишича, ўйиннинг бир қанча психологик ва педагогик омиллари кўрсатиб ўтилган ҳамда кичик мактаб ёшидаги болалар психик тараққиётида, ўйиннинг ижобий роли ҳақида жуда ҳам изчил фикрлар баён этилган. Бизда ҳам кичик мактаб ёшдаги мактаб ўқувчиларининг мотивацион, интеллектуал ва билиш қобилиятларини ривожлантиришда ўйиннинг аҳамияти ҳақида жуда ҳам кўп мақола ва китоблар чоп этилган. Лекин ундаги педагогик ва психологик омилларнинг аҳамияти атрофлича тадқиқ этилмаган[2.109].

Демак, юқоридаги олимларнинг фикрига таянган ҳолда кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар учун ўйиннинг педагогик-психологик асослари ва уларнинг омилларини таснифлашда тавсия этиладиган ўйинларнинг асосий қисмини миллий ҳаракатли ва интеллектуал ўйинлардан ташкил топиши муҳимлиги кундалик тажрибаларимиздан кузатилмоқда. Мактабларда, айниқса, мактабда психологик хизмат кўрсатиш мутахассисларининг тавсиялари бўйича ўйин ўқувчиларга "разменка"(толиққан пайтида зериктирмаслик учун қўлланиладиган восита сифатида) тавсия этилмоқда. Бу тавсияларни эса ҳар томонлама ижобий томонларини ўрганган ҳолда, ўқувчиларнинг психологик ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тартибдаги ўйинлар тавсия этилиши методик жиҳатдан ишлаб чиқилмоқда:

1. Ҳаракатли ўйинлар.
2. Мотивацион ўйинлар.
3. Интеллектуал ўйинлар.
4. Ўқувчилар билиш қобилиятларини чиниқтирадиган ўйинлар

Демак, ўйинлар мактаб ўқувчиларининг ёшлигидан то катта ёшга ўтгунча давом этадиган муҳим педагогик ва психологик жараён эканлиги ўзини оқламоқда

Юқорида таснифланганларнинг барчаси ўйин дарслари сифатида ўзининг методик ишланмаларига эга ва концептуал хусусиятларга асосланган.(Спорт ўйинлари алоҳида жисмоний тарбия дарсларида ўзининг талаблари асосида ўрганилганлиги учун уларни биз мазкур ишимизга киритмадик. Спорт ўйинлари алоҳида таҳлил этилади.).

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар фаолиятида ўйинларни ташкил этишнинг умумметодологик асосларини ёритишда қуйидаги хулосаларни тавсия этамиз:

-ўйиннинг полифункционаллиги –(кўп қирралиги) кўпгина функция(вазифаларни) бажаради: жумладан, билиш қобилияти, интеллектуал, эстетик, эмоционал, ахлоқий-тарбиявий вазифаларни;

-ўйиннинг коммуникативлиги- ўйин ўқувчиларнинг фаоллигини, ички руҳий эркинлигини, ёш-психологик барьер(тўсиқлар)ни енгиб ўтишни ўқувчиларда тараққий эттиради;

-ўйин фаолиятининг адаптацияси(мослаштирилиши)да болалар жамоаси ўртасидаги ўйин фаолиятини ташкил этишда уларнинг ёш-ривожланувчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўйин турларини(айниқса мантиқий ўйинларни) адаптация қилиш зарурати туғилади;

-ўйиннинг мақсадга қаратилганлиги – бунда ўқитувчи ўйин ситуациясини ташкил этишда дарс мақсади талабидан келиб чиқиб, дарс мавзуси,унинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиши зарур. Бунга мос келмаса, мазкур дарсда ўйиндан фойдаланиш ҳеч қандай эффект бермайди;

-ўйинларнинг вариативлиги - бунда ўқитувчи математика дарс машғулотида фойдаланган ўйин ситуацияси(вазиятини) она тили дарсида қўллаш тавсия этилмайди. Шу сабабдан ҳам ўйин вариативлиги деган тушунча, педагогикада ҳам, методикада ҳам, психологияда ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар учун дидактик жараёнларни ташкил этишда ўйин технологиясидан фойдаланишда уларнинг педагогик ва психологик асосларига изчил риоя этилиши шарт ва зарур. Акс ҳолда фойдаланилаётган ўйин технологияси самарасиз натижа беради.

ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА АКТ ДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН

Иргашева Х, Навоий вилояти Кармана туманидаги 25- ИМИ ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари

Н. Мухторова, Навоий вилояти Кармана туманидаги 25- ИМИ тарбиячиси

Замонавий таълим тизими таълим жараёнига компьютер техникаси ва ахборот технологияларини кенг қўлланилишини талаб этади.

Компьютер технологияси коррекцион таълимда дидактик восита сифатида мухим ахамиятга эга. Маълумки эшитиш идроки йўқолганда кўриш идроки ўзига хос ахамият касб этади, яъни кўриш анализатори атроф муҳитни англаш ва нутқ шаклланишида етакчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун хам эшитиш имконияти чекланган болалар таълимида кўргазмалилилик маълумотни самарали ўзлаштиришга олиб келади. Шу билан бир қаторда эшитиш имконияти чекланган ўқувчилар таълимида компьютер техникасидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил фаолият юритишларини таъминлайди, ўқувчининг таълим олишга қизиқиши ортади, таклиф этилаётган маълумотни аудиовизуал (кўриб –эшитиб) идрок қилиш имконияти ошиб, ёрқин безак, қизиқарли материал, оддийлик ва тушунарлилик болаларнинг ўқув фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни таъминлайди.

Эшитиш имконияти чекланган ўқувчиларнинг жамият билан уйғунлашуви, уларнинг оғзаки нутқдан нечоғли фойдаланишига боғлиқ. Оғзаки нутқни ривожлантириш болада мавжуд эшитиш қолдиғидан фойдаланиб, кўриш, тактил, ҳаракат анализаторларига таянилган ва техник воситаларни қўллаган ҳолда махсус таълим шароитида амалга оширилади.

Маълумки инсонлар мулоқот жараёнида кўпинча диологик нутқдан фойдаланадилар. Бу эшитиш имконияти чекланган болаларни диологик нутққа ўргатишнинг муҳимлигини тақозо этади. Таълим жараёнида диологик нутққа ўргатишда турли усуллардан фойдаланилади. Шулардан бири **мавзу бўйича диалог тузиш усули** бўлиб у дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида самарали қўлланилиши мумкин. Усулнинг моҳияти ўқувчига маълум бир мавзу атрофлича тушинтирилади, кейин мустақил диалог тузишга топшириқ берилади. Тузилган диалог асосида ўқувчилар ўртасида суҳбат ташкил этилади. Диологик нутқни ўстиришда ролли ўйинлар усули хам юқори самара беради. Ўқувчилар томонидан нутқ ўстириш дарсида тузилган диалогдан фойдаланиб, тарбиявий машғулотларда ролли ўйинлар ташкил этилади.

Нутқ ўстириш машғулотларида диологик нутқни шакллантириш иши қуйидагича ташкил этилади. Матнларни диалогга айлантиришдан олдин матн устида иш олиб борилади. Бунда компютер ресурсларидан фойдаланиб тайёрланган электрон тақдимотлардан фойдаланиш мумкин. Компютер ресурслари ёрдамида давлат таълим талабларига асосланиб, боланинг оғзаки нутқи ривожланиш даражаси, индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда ўзига хос дидактик материал тайёрланади. Шуни таъкидлаш лозимки Microsoft PowerPoint дастуридан фойдаланиб тайёрланган тақдимотлар эшитиш имконияти чекланган болалар билиш фаолиятини фаоллаштиради, тафаккури, нутқини ўстиришга, ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Дастурнинг қулайлиги ўқувчининг имкониятига қараб слайдлар мазмунини ўзгартириш, аудио, видео ёзувлар, графика ва анимациядан фойдаланиб, машғулотларда иш турларининг турли-туманлигига эришиш мумкин.

Мавзу юзасидан тузилган компютер тақдимот слайдларида ўқувчиларга саволлар берилади. Саволларга жавоб бериш орқали ўқувчи бирламчи диалог тузади. Бу босқичда сўз ва товушлар талаффузи, гап оҳанги устида ишланади. Ўқувчилар эшитиш–кўриш орқали саволларни идрок этиб, уларга жавоб қайтарадилар. Кейин ўқувчилар бир – бирларига ёки тасаввурларидаги суҳбатдошларига савол бериб, жавоб оладилар. Мавзу юзасидан керакли маълумотга эга бўлган ўқувчилар нутқ материали ҳажмига кўра сочма матнга асосланиб ёки эгаллаган билимига кўра ўзлари мустақил диалог тузадилар.

“Сартарош ҳузурида”, “Саломатлик ва тиббий хизмат” каби матнлар ўқувчиларни мустақил ҳаётда нутқдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилса, фанлардан олинган матнлар билан ишлаш ўқувчилар сўз бойлигини ошириш, нутқни ўстириш ва мавзуларни чуқур ўзлаштиришига ёрдам беради.

Диологик нутқ қонуниятларини ўрганишни осонлаштиришда ўқувчиларнинг диолог намуналири билан ишлаши катта аҳамиятга эга.

“Саломатлик ва тиббий хизмат” мавзусида диалог намунаси:

— Салом. Келинг, ўтиринг.

— Раҳмат
— Сизни нима безовта қилаяпти?
— Мен шамолладим. Йўталаяпман, бошим кучли оғрияпти.
— Танангизнинг ҳароратини ўлчадингизми?
— Ҳа 36,6 даража.
— Қачондан буён касалсиз?
— Бугун учинчи кун.
— Кўкрак қафасингизни рентген қилиш ва таҳлил топширишингиз керак.
— Рентген хонаси қаерда жойлашганини айта оласизми?
— Рентген хонаси учинчи қаватда жойлашган.
— Марҳамат мана Сизга таҳлил учун йўлланма ва дорилар олишингиз учун рецепт. Сешанба куни яна қабулга келасиз.
— Рахмат. Хайр.
— Хайр тезроқ тузалинг.

Бунда ўқувчилар диологик нутқда гапнинг қурилиши, айнан диологик нутқда учрайдиган лексик қоидаларни ўзлаштирадилар. Ўқитувчи томонидан таклиф этилган диалог шакли тақлид учун намуна, ўқувчиларнинг шахсий нутқ фаолиятида фойдаланиш учун йўналиш вазифасини ўтайди. Ўқувчилар намунага қараб, уни янги шароитга қўллаб ёки тўлдириб янги диолог тузадалир. Диолог устида мунтазим иш олиб бориш ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширади, мустақил суҳбатга тайёрлайди, турли мазмун ва ҳажмдаги диологларни тузиш орқали ўқувчиларда мулоқот кўникмалари шаклланади.

TA’LIM VA KOMMUNIKATIV TEXNOLOGIYALAR

Halimova S. Farg`ona shahar 29-umumiy o`rta ta’lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi

Pedagoglarning chuqur va puxta bilimi, kasbiy mahorati dars sifati va samaradorligi garovi ekan, bunda yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari-dan unumli foydalanish savodxonligi yuqori bo`lishi zarur. Shundan kelib chiqqan holda, zamonaviy ta’lim texnologiyalarini dars jarayoniga samarali tatbiq etilmoqda.

“Yaxshi muallim – sifatli ta’lim»an’anasi doirasida boshlang`ich ta’lim samaradorligini oshirish, o`quvchilarning diqqatini darslarga to`la jalb qilish maqsadida mashg`ulotlarni xorijiy tillarga bog`lagan holda tashkil etish, bunga ijodkorona yondashish lozim.

Darslarni yanada qiziqarli va samarali tashkil etishda turli mavzulardagi ta’limiy – tarbiyaviy videolavha, rolik va multfilmlarning ham alohida o`rni bor.

Shoir va yozuvchilar, allomalar haqida ma’lumotlarni videoroliklar orqali tushuntirish o`quvchilarning ularning ijodiga bo`lgan qiziqishini yanada orttiradi.

1-sinf o`quvchilari uchun yaratilgan metodik qo`llanma ish faoliyatimizda juda muhim quroldir.

Har bir mashg`ulotimiz ochiq darsdek o`tmoqda, o`quvchilarim ko`rib, eshi-tib mavzu yuzasidan bemalol fikr yuritishyapti. Katta qiziqish bilan kompyuterda ishlashmoqda “Biz O`zbekistonda yashaymiz”, deb nomlangan mavzuni o`tganda
unda tasvirlangan yurtimizning go`zal tabiati, qir – adirlari, osmon o`par binolarini ko`rib, o`quvchilarim “Ustozim biz bu yerlarga borganmiz, ko`rganmiz”, deb xursand bo`lib ketishadi.

Multimedia ilovalari ta’sirida o`quvchilarning darsga ijobiy, o`qituvchilar-ning esa ijodiy munosabatlari yana kuchayib, uning samarali va qiziqarli o`tishi ta’minlanmoqda.

Zamonaviy pedtexnologiya o`qituvchini davr talabiga mos bo`lishiga undaydi, lekin bu kompyuterni har kuni va har bir darsda qo`llash shart emas. O`qituvchi o`zi tayyorlagan dars mavzusini zerikarli, bir xil qolipda o`tishidan voz kechib, qiziqarli, harakatli va eng asosiysi – o`quvchi mavzuni unutmasligi kerak.

Darhaqiqat, yosh avlodni komil inson qilib tarbiyalashning muhim omillaridan biri -bu ta’lim va tarbiya jarayonini davr talablari asosida, uzviylik tamoyillariga asoslanib ilg`or, zamonaviy pedagogik texnologiyalaridan samarali foydalangan holda darslar tashlik etishdir.

Boshlang`ich sinf ona tili darslarida o`rganiladigan mavzular xususiyatiga qarab metodlar tanlanishi, o`quvchilarda mavzular yuzasidan mulohaza yurita olish, o`z fikirlarini erkin bayon etish imkoniyatlarini tug`diradi.

Ma'lumki, sintaksis bo`limida so`z birikmasi, gap, gap turlari ustida samarali ishlash talab qilinadi. Shunga ko`ra sintaktik mavzularni o`rganish jarayonida turli ta'limiy o`yinlardan foydalanish o`quvchilarning bilish faoliyatini oshirish bilan birga ularning aqliy charchog`ining ham oldini oladi.

"Toping-chi"

O`qituvchi bir necha gap yozilgan tarqatma materiallarni guruhlarga beradi, o`quvchilar gaplarning mazmuniga ko`ra turlarini aniqlashi va gap oxiriga tinish belgilarining mosini qo`yishlari kerak bo`ladi. O`yin orqali ular gaplarning maz-muniga ko`ra turlarini bir – biridan farqlay turib, olgan nazariy bilimlarini ham mustahkamlaydilar

- Biz do`stlikni ulug`laymiz(.)
- Qish qaysi oydan boshlanadi(?)
- Oh, asal juda mazali(!)

"Imkon shou"

Bu o`yindan chorak so`ngida, takrorlash darsida yoki yil yakunida o`tkazish mumkin. Buning uchun dars avvalida o`quvchilarga o`yin tartib – qoidalari tushun-tiriladi. Oq vatmin qog`ozga javoblarning to`g`ri yoki noto`g`ri ekanligini aniqlovchi chizmalar chiziladi. "Imkon shou"da tezkor savollarga tezkor javoblar beriladi.

O`yin orqali bola bilimini charxlaydi va so`z boyligini oshiradi.

1-sinf o`quvchilari bilan yangi mavzuga o`tishdan avval o`tgan mavzuni mustahkamlash uchun "Davom ettir»didaktik o`yinini o`tkazish mumkin.

"Davom ettir …"

1-sinf **"Berkinmachoq»**she'ri

Birgalashib uch …	Berkinmoqchi bo`lsam …
Men, Aziza va …	Har lola …
Keng lolazor …	Deydi, "Kelaqol, …"
O`ynadik …	Deydi, "Kelaqol, …"

Bu o`yin orqali o`quvchilarning she'rini yod olganliklari tekshirildi.

"Pantomima" o`yini

Bu muammoli o`yinni hamma fanlar uchun moslashtirish mumkin. Masalan, ona tili darsida "Fe'l»so`z turkumini o`rganishda, o`quvchilarga turi harakatlarni bajartirib, to`xtatib qo`yib yozdirish mumkin. Pantomimada eng sho`x, uddaburon o`quvchilar quvnoqlik bilan ishtirok etadi. Olaylik, harakat fe'llarining o`quvchilar yodida tez saqlanib qolishi uchun o`ynayapti, kuylayapti, raqs tushyapti, chopyapti, uloqtiryapti, o`tiribdi kabi fe'llar misol tarzida aytiladi. Bu harakatlarni ikki o`quvchi bajaradi, qolganlar esa so`zlarni yozadi va lug`atdan tekshiradi.

O`qish darsida matn tuzish jarayonida, odobnomada, ma'naviyat soatlarida zararli odatlar pantomima tarzida kulguga olinadi. Masalan, o`quvchining sigareta chekayotgani, kitob yirtayotgani, daraxt shoxlarini sindirayotgani ko`rsatilib, bu odatlar tahlil qilinsa, matematikada masala shartlarini tushuntirishda bu o`yin qo`l keladi.

"Uch haqiqiy bir yolg`on»texnologiyasi

Ushbu texnologiya o`quvchilarni mavzu bo`yicha ma'lumotlarni tahlil qilish mustahkamlovchi bosqichida mashg`ulot sifatida olib boriladi.

- O`quvchilar guruhlarga bo`linadi: "Nihol", "G`uncha", "Kamalak"
- O`quvchilarga mavzuga mos bo`lgan biror uchta to`g`ri ma'lumotni hamda bitta noto`g`ri ma'lumotni yozishlari aytiladi.

  Masalan, 3-sinf "O`qish". "Cho`pon yigit Shiroq " mavzusida

1-guruh: 1. Eron davlatining podshosi Doro.

2. Cho`pon yigit Shiroq bir o`zi qudratli shahanshohni yengdi.
3. Doro bosqinchi, aldangan shaxs.
4. Doro Shiroqning so`zlariga ishonmadi.

2-guruh: 1. Doro Shiroq huzurida.
2. Shiroq cho`pon.
3. Doro Eron shohi.
4. Shiroq mag`rur.

3-guruh: 1. Doro bosqinchi.
2. Shiroq O`rta Osiyoni bosib olmoqchi bo`ldi.
3. Shiroq yurt uchun jonini qurbon qilgan.
4. Shiroq boylikka qiziqmaydi.

O`quvchilar guruhda bu ishni bajarib bo`lgach, yozgan qog`ozlarini o`zaro almashtiradilar. Boshqa guruh o`quvchilari tomonidan javoblar o`zaro tekshiriladi. Tog`ri, notog`ri javob belgilanadi. Qog`ozdagi ma'lumotlar guruh sardorlari tomo-nidan himoya qilinadi. Qog`ozlar o`z guruh o`quvchilariga qaytgach o`qituvchi tomonidan muhokama qilinadi.

Bu texnologiyadan boshlang`ich sinflarning o`qish, ona tili, matematika, atrofimizdagi olam, odobnoma fanlarida qo`llash mumkin. Bolalarning bu texnologiya orqali ijodiy fikirlash ko`nikma va malakalari oshadi.

"Mozaika" texnologiyasi

Bu texnologiya o`quvchilarni ijodiy fikirlashga yordam beradi, tezkorlik bilan bir fikrga kelish ko`nikmasini rivojlantiradi.

- O`quvchilar guruhlarga ajratiladi. O`qituvchi tomonidan konvertlarga solingan topshiriqlar yozilgan qirqmalar tarqatiladi.

Bu muammoli o`yin turlariga kirib, bir butun manzara olti, to`rt, sakkiz qism ga teng bo`linadi (geometrik shakllar, uy maketi …) va orqasiga topshiriqlar yoziladi. Javoblar natijasi topilganda manzara o`z – o`zidan hosil qilinadi. Qaysi guruh topshiriqlarni belgilangan vaqtda to`g`ri bajarsa qirqilgan shakl yaxlit butun holatga keladi, ya'ni "Mozaika" hosil bo`ladi. Topshiriqni birinchi bo`lib bajargan guruh g`olib deb e'lon qilinadi.

Masalan, matematika darslarida misol yozilgan qirqma alohida, javobi yozilgan qirqma alohida berilsa o`quvchilar javobni o`z o`rniga qo`yadilar.

35+15=	100
72+20=	50
53+47=	52

"Pochta qutisi" texnologiyasi

Ushbu texnologiya boshlang`ich sinf o`quvchilari uchun juda qiziqarli bo`lib ularning dars jarayonida faol qatnashishlariga va hozirjavoblikka o`rgatadi.

- O`qituvchi mavzu nomi yozilgan konvertlarni doska yoniga ilib qo`yadi.

Masalan, ona tili darslarida so`z turkumlarini mustahkmlash mavzusi bo`yicha u usulni qollaydigan bo`lsak "Ot", "Sifat", "Fe'l", "Son" deb yozilgan pochta qutilari tayyorlanadi. O`quvchilarga tarqatma materiallar tarqatiladi. Unda so`z turkumlariga oid bo`lgan so`zlar yozilgan. Olma, keldi, ikki, oppoq, kitob, Vali, yaxshi …

O`quvchilar so`z qaysi so`z turkumiga tegishli bo`sa shu pochta qutisiga soladilar.

"Videotopishmoq»texnologiyasi

Boshlang`ich ta'lim jarayoniga bu metodni tatbiq etib, o`quvchilarda ijodiy fikrlash qobilyatlarini o`stiruvchi vazifalarni bajarish mumkin. Masalan, syujetli slaydlar namoyish etib, o`quvchilarga gap tuzish vazifasini topshirish mumkin. Videolavha namoyish etib turib bayon yoki insho yozishlarini taklif etish mumkin.

Bugungi kun o`quvchidan kechagidan-da ko`proq bilishni, sharoitga moslashish uchun o`z mustaqil fikr va qarashlari asosida yo`l topishni talab qilmoqda. Demak zamonaviy o`qituvchining har bir darsi o`quvchini ana shu ulkan maqsadga yetaklamog`i, uni har tomonlama ijodkorlikka tayyorlab bormog`i kerak. Bu ezgu maqsad yo`lida barcha boshlang`ich sinf o`qituvchlariga kuch va iroda tilayman.

MAKTABGACHA VA BOSHLANG`ICH TA`LIM – TARBIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AKT VA INNAVATSION TEXNOLOGIYALARNING O`RNI

Shixova I, Xorazm VXTXQTMOI katta o`qituvchisi, Jumaniyozova T, Rajabov SH. UrDu talabasi

Bu yil hukumatimiz tomonidan “Sog`lom ona va sog`lom bola” yili deb e`lon qilindi. Yilni yaxshi tashkil etish borasida bir qator dasturlar,ishlar rejalashtirilib amalga oshirilmoqda.Sog`lom bolani kamol topshirishda sog`lom muhit, sog`lom oila, sog`lom onaning o`rni beqiyos.Shu sababdan farzand tug`ilmasidanoq sog`lom muhitni tashkil etib bo`lajak Onaning sog`ligiga, ruhiyatiga,bilim doirasining boyitishga,ta`lim sifatini samarali o`zlashtirishiga katta e`tabor qaratishimiz lozim. Prixologlarimiz fikricha, farzandlarimiz kamolotida onaning 70-80 foiz aqliy salohiyati, fe`l-atvoridagi xususiyatlar o`tar ekan. Farzandimiz dunyoga kelishidanoq uning kelajagiga g`amho`rlik qilib,5 yoshigacha butun hayoti davomida foydalanadigan axborotlarning 90 foizigacha o`rganishini e`tiborga olib aynan shu davrda farzandimiz tarbiyasiga jiddiy yondashishimiz darkor.Bunda farzandlarimizni maktabgacha tarbiya maskanlariga, bog`chalarga,piru-badavlat qariyalar tarbiyasiga,yaxshi tarbiya ko`rgan insonlar qoliga topshirishimiz,o`zimiz ham butun diqqatimizni ular tarbiyasiga qaratmog`imiz lozim.O`zimiz har jihatdan ularga o`rnak, namuna, ibrat bo`lmog`imiz,sog`lom turmush tarziga amal qilmog`imiz joiz.Farzandimiz tarbiyasida maktabgacha va boshlang`ich ta`lim muassasalarida ta`lim-tarbiya sifatini oshirish muhim o`rin tutadi.Bu vazifani bajarishda ta`lim-tarbiya jarayonini rivojlantirishda turli innovatsion texnologiyalar,turli AKT imkoniyatlaridan foydalanish yaxshi samara beradi.Ta`lim jarayonida “Aqliy hujum”,”Debatlar”,”O`yla,izla,top”,”Sirli sandiq”,”Manzilga kim tez yetadi”,”Bilimlar saltanati”,”Kim epchilu-kim chaqqon”,”Do`stingni top”,”Davom ettir”,”Sanamay sakkiz dema!”,”Matematik diktant”,”Aqlli poyezd”,”Rasmni tikla”,”Ertaklar yaxshilikka yetaklar”,”Ertakchi bolajonlar” kabi didaktik o`yinlar maqsadga muvofiqdir.Yuqorida ta`kidlangan o`yinlar bola psixikasi, yosh xususiyatlaridan kelib chiqib tanlanadi.Bu innovatsion texnologiyalarni AKTdan foydalanib o`tkazsak yanada yaxshi samara beradi. Chunki, yuz bora eshitgandan ko`ra, bir bora ko`rgan afzal naqliga amal qilsak, kompyuter texnologiyasi orqali ko`rsa, tomosha qilsa, o`rgansa, o`zi mustaqil bajarsa,farzandimizning aqliy salohiyati,hayotga qiziqishini,mehnatsevarlikga, dunuoqarashini shakllanishiga olib keladi. Jumladan,farzandlarimiz bilan “Sanamay sakkiz dema” oyinini o`ynash jarayonini ko`rib chiqamiz. Kopyuter ekranida biror geometrik shakl beramiz. Savol qo`yamiz:anashu geometrik shaklda nechta uchburchak, to`rburchak, aylana bor?Bola ularni topib har bir shaklni kompyuterda Paint va Word dasturlari orqali chizib natijani topishi lozim yoki farzandimizga yuqoridagi shakllar orqali odam rasmini chizish topshiriladi. Rasm asnosida farzandimiz temperamenti, qiziqishi, xarakterini, qobiliyatini aniqlab olishimiz mumkin.Bu vazifani bajarishda 15-20 daqiqa vaqt beramiz. Bundan ortiqcha vaqt esa farzandimiz sog`ligiga jiddiy ta`sir etadi. Buni inobatga olib, farzandimiz kompyuter oldida ko`p qolib ketmasligini ta`minlashimiz lozim. “Ertaklar yaxshilikka etaklar»nomli o`yinimizda esa kopyuter orqali farzandlarimizga qiziqarli ertaklarni qo`yib eshttirishimiz,rangli tasvirini monitorda ko`rsatish orqali fikrlash doirasini kengaytirishimiz mumkin. Ertaklar yuzasidan savol-javoblar uyushtirib nutqiy qobiliyatini, insoniy fazilatlarini oshirib boramiz. Bolajonlarning sevimli ertagi bo`lmish “Zumrad va Qimmat” ertagini olaylik. Ertak asosida savol-javob uyushtiramiz:kim yaxshiyu, kim yomon ekanini, o`zi ko`proq kimga o`xshashni hohlashini, yomonlikning mag`lub, yaxshilikning g`olib bo`lishini sabablarini, odob-ahloq qoidalarining foyda –zarari haqida suhbatlar o`tkazsak maqsadga muvofiq bo`lar edi.

“Davom ettir»oyini orqali matematik maqolning birinchi jumlasini boshlab qolganini farzandimizni davom ettirishga undaymiz. Masalan,

- Etti o`lchab …kes
- Sanamay … dema
- Birni kessang … ek
- Qars … qo`ldan chiqar
- Bilagi zo`r … ni yiqitar, bilimi zo`r … ni

- Ilimsiz … yashar, ilimli …
- … ni birov beradi, …ni mehnat beradi
- … oyoq ham bir manzilga eltadi
- … mard butun elni tanitar
- … quloqdan ko`ra, … ko`zga ko`proq ishon

Bu kabi maqollar sonlar haqida bilimlarni boyitibgina qolmasdan aqliy qobiliyatlarini o`stirib chuqur mushohada yurutishga chorlaydi, tarbiyalaydi.

Boshlang`ich ta`limda ham shirin so`z orqali farzandlarimizni yaxshi sifatlarini oshirishimiz mumkin. Har bir sabog`imizda quyidagi tartibda kirish qismi tashkil qilsak, darsimiz yanada ham jonli, o`quvchilarimiz faol, intizomli, intiluvchan bo`lishini kuzatishimiz mumkin.

-Bolalar bugun qaysi kun?

-Bugungi ob-havo sizga qanday kayfiyat bag`ishlaydi?

-Ko`nglimiz ham qorday oppoq va tinch bo`lishi uchun nima qilishimiz kerak? (jilmayish)

-Yaxshi kayfiyatingizni atrofingizdagilarga ulashing, bir-birimgizga jilmayib qarang.

-Men ham sizlarga o`z tabassumimni hadya etaman.

-Men sizlarni sevaman va sizlarga omad tilayman.

Shu kabi iliq, do`stona muhit farzandimiz kamolotida etakchi o`rin egallaydi. Donolar fikriga ko`ra, farzandlarimizga qanchalik samimiy, mexribon, shirinso`z bo`lsak ulardan buyuk insonlar, daholar etishib chiqadi.Tarixdan ma`lumki, Napalion Banapartni oyisi har kuni “O`g`lim, turing: sizni buyuk ishlar kutmoqda” deya uyg`otib, uni oddiy askardan imperator darajasiga ko`tarilishiga sabab bo`lgan. Bu kabi misollarni ko`plab keltirishimiz mumkin.

Farzand tarbiyasida Psixologlarimiz e`tirof etgan ushbu qoidani ham unutmaslik lozim. Inson:

1. Mustaqil oqisa 10%
2. Eshitsa 20%
3. Ko`rsa 30%
4. Ko`rsa va eshitsa 50%
5. Gapirib bersa 60%
6. Mustaqil bajarib ishtirok etsa 90% ma`lumotni eslab qoladi degan shiorga amal qilib ta`lim-tarbiya jarayonida turli xil innovatsion texnologiyalar, AKT lardan unumli foydalanish mumkin. AKTdan foydalanish jarayonida kompyuter o`yinlarining o`rni beqiyos. O`yinlar ham foydali yoki zararli bo`lishi mumkin.Bunda ayniqsa,ota _onaning,ustozlarning roli katta. Ular doimo nazorat ostida bo`lishi kerak. Kompyuter o`yinlarini saviyasiga ko`ra bir qancha guruhlarga bo`lish mumkin.

1.Ta`limiy o`yinlar.

2.Ro`lli sarguzashtli o`yinlar.

3.Sport o`yinlari.

4.Jangari o`yinlar.

5.Strategik o`yinlar

Bu o`yinlar ustida qisqacha to`xtalib o`tishni joiz deb bilib ular ustida to`xtalamiz.

Ta`limiy o`yinlar_ Bu toifa o`yinlar ma`lum bilimlarni qiziqarli tarzda oshirishga yo`naltirigan.Ular shakllar, ranglar,harflar,raqamlarni eslab qolishga yordam beradi. O`qish,sanashni,chet tillarni tez va oson o`rganadi.Bu xil o`yinlar 3-8 yoshli bolarga,keng kitobxonlar ommasiga mo`ljallangan.Ular turli darajada tuzilgan boshlovchilar uchun mo`ljallangan alifbodan,oddiy so`zlardan tortib, yuqori darsjadagi animatsiyalar,rasmlar, qiziqarli viktorinalardir.

Muayyan ishga solish, takrorlash,og`zaki,yozma mashqlar,ertak qahramonlari orqali olib boriladi.

Rolli-sarguzashtli o`yinlar.Doimo yangi-yangi topshiriqlar bilan murakkab vaziyatlarga yechimlar topishga,o`ylashga undaydi.Bolaning qanday qarorga kelishi keyingi voqea-hodisalar rivojini belgilab turadi.

Sport o`yinlari -Bola ruhiyatiga kamroq zarar qiladi.«Fifa»,NBA LIVE,basketbol,shaxmat-shashka o`yinlari kiradi.

Jangari o`yinlar.O`yin keskin,tajovuzkor ruhda o`tadi.O`yinchining maqsadi raqib bolani yo`q qilmasdan uni bartaraf qilish yo`llarini izlashdan iborat.

Turli bosqichlar, vaziyatlar raqibni o`rganib,o`yinni o`z foydasiga og`dirib olishga,qasoskorlikka undaydi.

Strategik o`yinlar aniq reja asosida ishlashga undaydi. O`yinlar mavzulari xar-xil

BOSHLANG`ICH TA'LIMNI O`QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Qurbonova X, Hamdamova N. Navoiy viloyat XTXQTMOI

"Ta'lim to`g`risida"gi qonun, hamda "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"ning qabul qilinishi O`zbekiston Respublikasida ta'lim tizimini keng miqyosda isloh qilishning boshlanishi bo`ldi. Ta'lim tizimini dunyo standartlari darajasiga yetkazish ushbu islohotning muhim vazifalaridan biridir. Jahonda zamonaviy ta'limning xarakterli tomoni shundaki ta'limni axborotlashtirish va axboriy jamiyatning ehtiyojini hisobga olgan holda kadrlarni tayyorlash hisoblanadi. Bu O`zbekiston Respublikasi ta'limida ham ro`y bermoqda, axborotlashtirish sohasidagi davlat siyosati "axborot resurslari, axborot texnologiyalari va axborot tizimlarini rivojlantirish hamda takomillashtirishning zamonaviy jahon tamoyillarini hisobga olgan holda milliy axborot tizimini yaratishga qaratilgan".

Axborot – kommunikatsiya texnologiyalari – bu bilim, dalil va qonunlarni taqdim etishda barcha imkoniyatlarni o`zida jamlab olgan usul va metodlar demakdir. Har qanday texnologiya – bu axborot texnologiyalari bo`lib, uning negizini ma'lumotlarni qabul qilish va qayta ishlashni tashkil etadi.

Boshlang`ich sinf o`qituvchisi o`quv texnologiyasining bevosita yetkazuvchisi sifatida dars jarayonini qiziqarli olib borishi lozim. Dars berayotgan sinfga taalluqli didaktik materiallarni, darsliklarni, uslubiy qo`llanmalarni va elektron o`quv vositalarini ham mukammal o`rganishi, ularni darslarda qo`llay olishi darkor.

Boshlang`ich sinf o`qituvchilari axborot texnologiyalari vositalari bilan ishlash uchun quyidagi ko`nikmalarga ega bo`lishi lozim:

- ishchi dastur va texnologik xaritalar tuzish;
- ma'ruza matnlari va amaliy mashg`ulotlar bilan bog`liq topshiriqlarni tayyorlash;
- metodik ko`rsatmalar va nazorat savollarni tuzish;
- o`zlashtirish natijalarini tahlil qilish.

Axborot texnologiya - ob'ekt, jarayon yoki hodisa (axborot mahsulot) holati haqida yangi sifatdagi ma'lumotlarni olish uchun foydalanadigan ma'lumotlarni (birlamchi) yig`ish, ishlov berish va o`zatish vositalari, hamda usullari majmuasidir.

Ayni paytda axborot texnologiya haqida fikr yuritganda, ko`pgina "yangi", "kommunikatsion»yoki»zamonaviy»so`zlarini qo`shib ishlatiladi.Zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiya-bu zamonaviy kompyuterlar va telekomunikatsion vositalaridan foyidalanadigan, foydalanuvchi ishlashi uchun "do`stona»interfeysga ega bo`lgan axborot texnologiya demakdir.

Hozirgi kunda AKTlar ta'lim tizimida asosan to`rt yo`nalishda:

o`rganish ob'ekti sifatida;

o`qitishning texnik vositalari sifatida;

ta'limni boshqarishda;

ilmiy-pedagogik izlanishlarda foydalanilmoqda.

O`zbekistonda ta'lim-tarbiya sohasini isloh qilishning asosiy omillaridan biri bu ta'lim jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bilan bog`liq bo`lib, respublikamiz Prezidenti Islom.Karimov bu masalada

"… bugun hayotimizga chuqur kirib borayotgan Internet tizimini keng joriy etish, yoshlarimizni O`zbekistonning qadimiy va boy tarixi, ezgu qadriyatlarimiz, yuksak axloqiy fazilatlar ruhida

tarbiyalashga xizmat qiladigan milliy axborot resurslarini shakllantirish va rivojlantirish, bu borada o`zbek tilining imkoniyatlaridan samarali foydalanish masalasi doimo e'tiborimiz markazida turishi lozim"ligini ta'kidlaydi.

Bu kabi vazifalarni bajarish kadrlar tayyorlash milliy modelini amalga oshirishning bosqichlarida belgilab berilgan bo`lib, uning kelajakdagi istiqboli Prezidentimiz tomonidan ilmiy asoslab berildi. Modelni amaliyotga tatbiq etish o`quv jarayonini texnologiyalashtirish bilan uzviy bog`liqdir. Ilmiy texnikaviy taraqqiyot ishlab chiqarishning ko`p sonli tarmoqlari bilan bir qatorda ta'lim sohasiga ham zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishni taqozo etmoqda. Shu boisdan, Kadrlar tayyorlash milliy dasturida "o`quv-tarbiyaviy jarayonni ilg`or pedagogik va axborot texnologiyalari bilan ta'minlash»zarurati e'tirof etildi, uning ikkinchi va uchinchi bosqichlarida bajariladigan jiddiy vazifalardan biri sifatida belgilandi".Nima uchun bugungi kunda ta'limda axborot texnologiyalarini joriy etishning nazariy asosini yaratish va amaliyotga tatbiq etish zaruriyati paydo bo`ldi? Birinchidan, o`qituvchini o`quv jarayonining tashkilotchisi sifatida emas, balki bilimlarni egallash manbalaridan biriga aylanib qolayotganligi bo`lsa, ikkinchidan, ilmiy-texnik taraqqiyotning rivojlanayotgan bosqichida axborotlarning keskin ortib borayotganligi va ulardan o`qitish jarayonida foydalanish uchun vaqtning chegaralanganligi, shuningdek, talabalarni kasbiy faoliyatga mukammal tayyorlash talablari ta'lim tizimiga zamonaviy texnologiyalarni joriy etishni taqozo etmoqda. Mamlakatimizda ta'lim sohasida ro`y berayotgan tub yangilanishlar har bir ta'lim muassasasida o`quv jarayoni metodik ta'minotini rivojlantirishni talab etadi. Zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari yaqin yillar ichida pedagogik innovatsiyalarning asosiy manbai bo`lib qoladi.Ta'lim oluvchilar uchun mustaqil bilim olish imkoniyatlarini oshirish, ta'limning elektron axborot resurslarini shakllantirish va rivojlantirish uchun zarur sharoitlarni yaratish ta'lim mazmunini takomillashtirishning zaruriy shartlaridan biri sanaladi. Zamonaviy ta'lim tizimining asosini sifatli va yuqori texnologiyali muhit tashkil etadi. Uning yaratilishi va rivojlanishi texnik jihatdan murakkab, ammo bunday muhit ta'lim tizimini takomillashtirishga, ta'lim jarayoniga axborot va kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishga xizmat qiladi.

Ta'limda zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etilishi:

- fan sohalarini axborotlashtirishni;
- o`quv faoliyatni intellektuallashtirishni;
- integratsiya jarayonlarini chuqurlashtirishni;
- ta'lim tizimi infratuzilmasi va uni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirishga olib keladi.

Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim jarayonlariga joriy etilishi:

- talabaga kasbiy bilimlarni egallashiga;
- o`rganilayotgan hodisa va jarayonlarni modellashtirish orqali fan sohasini chuqur o`zlashtirilishiga;
- o`quv faoliyatining xilma-xil tashkil etilishi hisobiga talabaning mustaqil faoliyati sohasining kengayishiga;
- interaktiv muloqot imkoniyatlarining joriy etilishi asosida o`qitish jarayonini individuallashtirish va differensiyalashtirishga;
- sun'iy intellekt tizimi imkoniyatlaridan foydalanish orqali talabaning o`quv materiallarini o`zlashtirish strategiyasini egallashiga;
- axborot jamiyati a'zosi sifatida unda axborot madaniyatining shakllanishiga;
- o`rganilayotgan jarayon va hodisalarni kompyuter texnologiyalari vositasida taqdim etish, talabalarda fan asoslariga qiziqishni va faollikni oshirishga olib kelishi bilan muhim ahamiyat kasb etadi.
-

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КУЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Толлибоева У, проф. Жонибеков А, Сирдарё МОИ Мактабгача, бошлангич ва махсус таълим кафедраси ката укитувчиси.

Ахборот технологияларини татбиқ этиш иқтисодиёт, фан, таълим ва бошқаришнинг барча соҳаларида давом этмоқда. Ахборот технологияларининг фан ва таълим соҳасидаги кўплаб замонавий техника воситалари: кодоскоп, аудио ва видеомагнитофонлар, телевизор, компьютер, сканер, микрофон, колонка, мультимедиа проектор ва нусха олиш аппаратларидан машғулот ўтиш жараёнида максимал фойдаланиш таълим самарадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Ахборот технологияси бу - объект, жараён ёки ҳодисалар ҳолати ҳақидаги маълумотларни бир кўринишдан иккинчи, сифат жиҳатдан мутлақ янги кўринишга келтирувчи маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш узатишнинг восита ва усулларидан фойдаланиш жараёнидир.

Ахборот технологиясининг вужудга келиши ва ривожланишини белгиловчи ички ва ташқи омиллар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

Ички омиллар – ахборотнинг пайдо бўлиши (яратилиши), турлари, хоссалари, ахборот билан турли амалларни бажариш, уни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳоказо;

Ташқи омиллар – ахборот технологиясининг техник-ускунавий воситалари орқали ахборот билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради.

Ахборот технологиясининг мазмунини қуйидаги оддий мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз

Ахборот – барча органларимиз орқали қабул қила оладиган маълумотлар мажмуи ва уларнинг ўзаро боғланиш даражаси.

Коммуникация – мулоқот.

Технология сўзи (юнонча techne) “санъат, маҳорат, ўқув” маъноларини англатади, бу эса жараён демакдир. Жараён деганда олдинга қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ҳаракатларнинг муайян йиғиндиси тушунилади. Ахборот технологияларининг мақсади инсон таҳлил қилиши учун ахборотни ишлаб чиқариш ва унинг асосида бирор хатти-ҳаракатни бажариш бўйича қарор қабул қилишдан иборатдир.***Зийрак бўлинг, ҳамма нарсага шай туринг. Токи ҳаётнинг англаб бўлмас сирларигача сизга етиб борсин. Кўпинча энг ажойиб имкониятлар биз учун аҳамиятсиз бўлган ҳодисаларда яширинган бўлади. Агар шу ҳодисага эътибор бермасак, осонгина ўз омадимизни қўлдан бой берамиз. Демак, сизни қуршаб турган нарсаларга нисбатан яхши кузатувчи ва эътиборли бўлинг. Жим Рой***

Замонавий таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш уларнинг имкониятларини тўлиқ татбиқ этишга асосланади. Ҳозирда маълум педагогик мақсадларга эришиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юқори самара беради:

Жамиятнинг оммавий ахборотлашуви ва глобаллашуви шароитида бола шахсини ривожлантириш ва ҳаётий фаолиятида қулайликлардан фойдаланишга тайёрлаш;

- фикрлашни ривожлантириш мақсадида ўз ақлий фаолияти структурасини қуриш имкониятини берувчи психологик-педагогик таъсирни кучайтириш;
- бир вақтнинг ўзида ахборот турли манбалардан олинганда фикрлаш ва оптимал қарорлар қабул қилиш ёки оғир ҳолатларда ўз вариантини таклиф қила билиш қобилиятини ривожлантириш ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш, архивлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш интеграциялашган ахборотни тушуниш қобилиятини ривожлантириш;
- ката ҳажмли ахборотни алмашиш жараёнида коммуникатив қобилиятни ривожлантириш; моделлаштириш жараёнини ташкиллаштириш асосида ахборотни қидирув, эксперименталтадқиқий фаолият олиб бориш қобилиятини ривожлантириш.

2. Жамиятнинг ахборотлашув, глобаллашув шароитида ижтимоий буюртмани бажариш:

- инсон фаолиятининг керакли соҳаларида информатика воситалари ва методлари имкониятларидан фойдалана олувчи малакали кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш;
- фойдаланувчини турли даражадаги ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланишга тайёрлаш.

3. Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида таълим жараёнини жадаллаштириш:
педагогик татбиқ жиҳатидан ноёб бўлган АКТ имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига таълим жараёнининг сифат самарадорлигини ошириш;
АКТ воситаларидан фойдаланиб билим олишга интилишни ошириш;
- турли предметлар бўйича масалалар ечишда ахборотни қайта ишлашнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш ҳисобига предметлар аро боғлиқликни чуқурлаштириш;
- тақсимланган ахборот ресурсларидан фойдаланиш асосида оммавий таълим ғояларини татбиқ этиш.

Таълим жараёнида ўқувчи /талабаларнинг билимини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мураккаб жараёнларни яққол кўз олдиларига келтиришлари ва визуал қабул қилишларида компьютер ва ахборот технологияларининг ҳиссаси катта. Ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш ўқувчи/талабалар ўзлаштириш кўрсаткичларининг юқори бўлишини таъминлайди.

BOSHLANG`ICH TA'LIM JARAYONIDA INNAVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Qorayev Z, Ro`ziyeva G, Navoiy VPKQTMOI katta o`qituvchilari

Hozirda ta'lim metodlarini takomillashtirish sohasidagi asosiy yo`nalishlardan biri interfaol ta'lim va tarbiya usullarini joriy qilishdan iborat. Barcha fan o`qituvchilari dars mashg`ulotlari jarayonida interfaol usullardan borgan sari kengroq foydalanmoqdalar.

Interfaol usullarni qo`llash natijasida o`quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o`z fikrini bayon qilish, uni asoslangan holda himoya qila bilish, sog`lom muloqot, munozara, bahs olib borish ko`nikmalari shakllanib, rivojlanib boradi.

Interfaol ta'lim usuli – har bir o`qituvchi tomonidan mavjud vositalar va o`z imkoniyatlari darajasida amalga oshiriladi..

Interfaol ta'lim texnologiyasi - har bir o`qituvchi barcha o`quvchilar ko`zda tutilgandek o`zlashtiradigan mashg`ulot olib borishini ta'minlaydi. Bunda har bir o`quvchi o`z motivlari va intellektual darajasiga ega holda mashg`ulotni oldindan ko`zda tutilgan darajada o`zlashtiradi.

O`quv-biluv qiziqishini vujudga keltirishning muhim vositalaridan biri-bu ta'lim jarayonida o`qitishning interfaol usullaridan foydalanishdir.

O`qitishning interfaol usuli yordamida o`quv jarayoni shunday tashkil etiladiki, bunda barcha ta'lim oluvchilar o`quv-biluv jarayoniga to`la jalb etiladi,ular o`zlari o`ylagan va bilgan narsalar to`g`risida erkin fikr yuritish imkoniyatiga ega bo`ladilar.Yangi o`quv materialini idrok etish va o`zlashtirish jarayonida o`quvchilarning birgalikdagi faoliyati natijasida har bir o`quvchi ta'lim jarayoniga o`zining alohida hissasini qo`shadi,o`quvchilar o`z fikrlari,bilim va faoliyat usullari bilan o`zaro o`rtoqlashadilar.Eng muhimi, bu jarayon o`zaro xayrixoxlik va bir-birini qo`llab-quvvatlash muhitida amalga oshadi.

Interfaol usulda dars olib borilganda:

-o`quvchilarga darsdan kutilayotgan natija e'lon qilinadi;
-o`quvchilar bir-birlari bilan hamkorlikda ishlashga o`rganadi;
-savollarga javob topish va javob uchun yetarli vaqt beriladi;
-o`quvchilarning ko`pchiligi darsga faol qatnashadi;
-o`quvchilar tahlil va qiyoslashga o`rganadi;
-o`quvchilar muammolarni hal etish uchun o`z ustilarida birgalikda ishlashadi;
-mustaqil ishlash va fikrlashga o`ganadi.

Bu usulda o`quvchilar o`rganadi:

-bilganlarini tartibga solishni;
-bilmaganini so`rab olishni;

-xotirasini ishga tushirishni;
-faolligini oshirishni;
-qiziqishni kuchaytirishni;
-o`z tushunchalarini nazorat qilishni;
-maqsadni qo`ya bilishni;
-mustaqil o`rganish va mustaqillikni;
-manbaalar bilan ishlashni;
-axborot almashishni.

Interfaol usullardan foydalanish uchun o`qituvch ham,o`quvchilar ham,o`tkazish joyi ham maxsus tayyorlanishi kerak.Eng yaxshi usul-bu o`quvchi va o`qituvchilarga o`rgatilgani emas,balki ularning o`zaro hamkorligi natijasida ehtiyoj ko`proq seziladigan usuldir.Shuning uchun o`qituvchi interfaol usullardan boshlang`ich sinflarda foydalanganda quyidagi qoidalarga amal qilishi lozim:

1.Xonani ishlash uchun tayyorlashga e'tibor berish,ya'ni sinf o`quvchilarining kichik guruhlarda ishlashlari o`rin almashishlari uchun qulay qilib tayyorlangan bo`lishi kerak.Ijodiy topshiriqlar uchun kerakli materiallar oldindan tayyorlab qo`yilishi maqsadga muvofiqdir.

2.Vaqt taqsimoti masalalariga amal qilish.Ishni boshlashdan oldin bu haqda kelishib olib, unga rioya qilish.Masalan,o`quvchilarga har bir bolaning fikrini sabr bilan tinglash,boshqalarning so`z erkinligi huquqini hurmat qilishni tushuntirish.

3.O`quvchilarni guruglarga bo`lishga ahamiyat qaratish.

4.Topshiriqni bajarish jarayoniga barcha o`quvchlarni bir xilda jalb eta olish.

5.Dars jarayonida o`quvchilarni psixologik tayyorgarligiga e'tiborni qaratish.

Yurtimizda ta'lim mazmuniga alohida e'tibor qaratilib, DTS o`quv dasturlarining yangi tahrirdagi variantlari tajriba sinovdan o`tkazilmoqda, pedogogik texnologiyalar asosida o`quv jarayonining samaradorligini oshirish maqsadida pedagogik texnologiyalardan, axborot komminikatsiya vositalaridan foydalanilmoqda.

Boshlang`ich sinf o`quvchilarini o`qitishda o`quvchilarning dunyoqarashini kengaytirish, bilimlarni keng va oson o`zlashtirish maqsadida pedagogik texnologiyalarning usul, vosita va shakllarini to`g`ri tanlab, ulardan foydalanish muhim sanaladi Boshlang`ich ta'lim davri ta'lim jarayonidagi eng mas'uliyatli davrdir. Bu paytda bolaning savodi chiqishi bilan birga, uning dunyoqarashi shakllanadi, tafakkur qilish malakasi rivojlanadi.

Bu davrda bolaning zehnini o`stirishga qaratilgan har bir mashg`ulot bola aqlining tarkib topishi va rivojlanishiga katta ta'sir ko`rsatadi. Shuning uchun ham bu davrda, avvalo, ta'lim jarayonini qiziqarli, ta'sirli qilib tashkil etishga, motiv hosil qilish va uni rivojlantirishga e'tibor qaratish lozim. Chunki bu muddat bolaning o`yin faoliyatidan aqliy faoliyatga, ya'ni o`quv faoliyatiga o`tganligi bilan xarakterlanadi.

Ayniqsa boshlang`ich ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda darslarni qiziqarli olib borish natijasida o`quvchilarni darsga jalb etish samarali bo`ladi. Shunday darslarda bolalar diqqati to`liq jalb etiladi, xotirasi yaxshi ishlaydi. Motivlar o`quvchilarning bilimlarini chuqur egallashlariga yordam beradi. Shuning uchun ham boshlang`ich sinf o`qituvchilari ta'lim jarayonini qiziqarli motivlar asosida tashkil etishga e'tibor qaratishlari zarur.

„BOLAJON'' DASTURI SAMARASI.

O`quvchilarning boshlang`ich sinfda ona tili ta'limi bo`yicha egallaydigan bilim, ko`nikma va malakalari, ularga qo`yiladigan talablar davlat hujjati bo`lgan o`quv dasturida belgilab berilgan. Dasturga ko`ra birinchi sinfga kelgan bolalarning savodini chiqarish elementar o`qish va yozishga o`rgatishdan boshlanadi.Savod o`rgatish dasturida savod o`rgatish jarayoni ikki davrga bo`lib ko`rsatilgan: alifbogacha bo`lgan tayyorlov davri va alifbo davri.Tayyorlov davrida o`quvchilarning og`zaki nutqini o`stirish uchun maktabgacha ta'lim muassasalariga jalb qilinmagan o`quvchilarning ota-onalari uchun metodik qo`llanma "Bolajon" tayanch dasturi asosida 5 ta kitob yaratildi. Ota-onalar uchun loyiha doirasida nashr etilgan 1-kitob "Nutq o`stirish, o`qish va savodga tayyorgarlik", 2-kitob "Matematik tasavvurlarni shakllantirish",3-kitob "She'riy asarlar to`plami", 4-kitob "Nasriy asarlar to`plami", 5-kitob "Sog` tanda-sog`lom aql".

Maktabda yaxshi o`qishda muhim hisoblangan o`qish va savodga tayyorgarlik jarayoni qiziqarli usullar, voqeaband rasmlar, jonli suhbatlar, mantiqiy o`yinlar orqali tavsiya etilgan.Bunday o`yinlar bolalarning nutqini shakllantiradi, jumlani grammatik jihatdanto`g`ri tuzish, nutq tovushlarini aniq eshitib, to`g`ri talaffuz etish,bosma harflarni o`zlashtirib, so`zlarni bo`g`inlab o`qishga o`rgatadi.To`plamda bolaning ma'naviy-axloqiy tarbiyasida muhim o`rin kasb etuvchi o`zbek xalq maqollaridan namunalar, ularni mazmunan boyituvchi rangli rasmlar berilgan.Bola hayotiy ko`nikmalarini egallashi va hayotiy tajribalarga ega bo`lishi, faolligi, ijodkorligini, mas'uliyatini namoyon qilishida yuqoridagi metodik qo`llanmaning ahamiyati juda katta.

Biz ta'lim berayotgan 36-maktab joriy yilda ushbu qo`llanmadan samarali foydalangan ota-onalarning farzandlarida kutilgan natijalarga erishganini maktabda ko`ryabmiz. Qisqa muddatli maktabga tayyorlash kurslarida metodik qo`llanma yordamida izchil ravishda har kuni shug`ullanib borgan oila farzandlarining o`quvchilik ilk kunidayoq saviyasi, dunyoqarashi, so`zlarni ravon talaffuz qilishi, mustahkamligi rasmlarni farqlashi, ularga qarab gaplar tuzishi, mantiqiy mustaqil fikrlashi,sonlarni qo`shib-ayirishi, sanash ko`nikmasiga egaligi hamda shakllarni ajrata olishi kishini quvontiradi.

Prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek: "Farzandlarimiz bizdan ko`ra kuchli, bilimli, dono va albatta baxtli bo`lishlari shart".Shu dasturni amalda qo`llanishi natijasida bunga yana bir bor amin bo`ldik.Saylanma ravishda maktabimizda 1-sinfda qabul qilinadigan bolalarning ota-onalari bilan o`tkazilgan suhbatlarda shunga amin bo`ldikki, ushbu metodik qo`llanmalar nafaqat farzandlarimiz, balki bizni ham bilib-o`rganishga undamoqda.Farzandlarimizning har kuni yangi bilim olayotganini ko`rib, xursand bo`lyapmiz, degan fikrlari har birimizni quvontiradi.Har haftada juma,shanba kunlari tayyorlov kursi ochdik. Ota-onalar hamda farzandlarining bir hafta davomida ushbu qo`llanmadan qanday foydalanayotganini,erishgan yutuqlari samarasini kuzatib,kerakli maslahatlarimizni berib bordik.Ota-onalarda tug`ilgan savollarga javob berib bordik. Daftarlarga bir haftalik topshiriqlarni berib, keyin mashg`ulot davomida ularning o`zlashtirish samaradorligini kuzatdik. Metodik qo`llanmalar to`plamidan samarali foydalangan har bir ota-ona o`z farzandlarining ana shunday qiziqish va intilishlariga uning ong-u tafakkurida har kuni bir o`zgarish ro`y berib ko`zida yangi-yangi savollar paydo bo`layotganiga ahamiyat bergani ta'kidga sazovordir.

Yangi o`quv yilida 1-sinfga o`quvchilarni qabul qilgan har bir sinf rahbar oldingilarga nisbatan o`quvchilar anchagina maktabga tayyor ekanini kuzatdik. Bunday tayyorgarlikni oilalar bilan bevosita olib borish sinf rahbarlari zimmasiga tushgandi.Bizning ota-onalar bilan uzluksiz olib borgan ishlarimiz samarasini bu yilgi o`quv yilimizning dastlabki kunlaridayoq yaqqol ko`rindi. Albatta, zarur hollarda har bir oilaga pedagogik maslahatlarni berib bordik. Maktabda ota-onalar uchun maxsus qabul kunlari tashkil qilindi. Bunda maktab ma'muriyati ota-onalarga kerakli tavsiyalar, maslahatlarni berib bordi.Maktabgacha ta'lim bola intelekti, mantiqiy fikrlashi rivojlanishida eng qulay davr hisoblanadi.Shunday ekan bola aqli va tafakkurini rivojlantiruvchi ko`rgazmali qurol va didaktik materiallardan unumli foydalanishi lozim. Eng asosiysi, bolalarni maktab ta'limiga intelektual jihatdan tayyorlash hisoblanib, ularda:

- figuralarni idrok etish;
- diqqatni jamlay olish;
- tahlil qilish va umumlashtirish;
- mantiqiy xotira yoki mantiqiy eslab qolish;
- estetik tarbiya olish;
-gigiyenik tarbiyadan saboqlar olish;
-turli harakatlarning bir-biriga uyg`unlashuvi, moslashuvini rivojlantirish zarur. Bolaning jismonan rivojlanishida vazni va bo`yi me'yorida bo`lishiga e'tibor qaratish, ota-onalar bilan tushuntirish ishlarini olib borish hamda davlat talablaridagi jismoniy yetuklik me'yorlarini bajara olishiga erishish lozim deb hisoblayman. Farg`ona shahridagi 36-umumiy o`rta ta'lim maktabining boshlang`ich sinf o`qituvchilari bu borada quyidagi fikrlarni bildirishdi:

-Maktabimiz majlislar zaliga yig`ilgan ota-onalarga maktabgacha ta'lim muassasalariga qatnashmaydigan 7 yoshli bolalar uchun 5 ta kitob zaruriy qo`llanmadir. Bu metodik qo`llanmani

slayd orqali birma-bir ko`rsatib berildi.Har bir dasturdan ko`zlangan maqsad alohida-alohida ota-onalarga tushuntirildi.Maktab kutubxonasi rahbari qo`llanmadan foydalanish tartib-qoidalari va kerakli hujjatlarni topshirish zarurligini tushuntirib o`tdi.Biz 1-sinf o`qituvchilari va psixologlar metodik qo`llanmadan foydalanishda qiynalgan ota-onalarga kerakli maslahatlarni berib bordik. Bolaning psixologik holatini o`rganib chiqib o`rgatish usullarini ota-onalarga ko`rsatib, muammolarni hal qilish yo`llari haqida kerakli maslahatlar berdik.Onalarimiz oldindan kitobni o`zlari o`qib chiqib, bolaga o`rgatish uchun tayyorgarlik ko`rish kerakligini o`rgatdik. 5 ta kitobni ketma-ket o`rgatish mumkin emasligini, uy sharoitidan kelib chiqib, kun davomida o`yinlar va rag`batlantirish orqali bolani qiziqtirish yo`llarini aytib o`tdik. Ayniqsa bolalarni estetik, gigiyenik jihatdan tarbiyalashda 5-dastur “Sog` tanda-sog`lom aql»kitobi katta ahamiyatga egadir.Yuqoridagi fikrlarni jamlangan holda shuni aytish mumkinki, bolaning har tomonlama rivojlanishida “Pedagog-bola-ota-ona»hamkorligini yo`lga qo`yish zarur. Bu dasturni 4-5 yoshdagi bolalar uchun ham sotuvga chiqarilsa yaxshi bo`ladi.

BOSHLANG`ICH SINFLARDA TA’LIM SIFATINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINI QO`LLASH

Hamdamova N., Qurbonova X., Navoiy viloyat XTXQTMOI

Hozirgi kunda ta‘lim jarayonida interfaol uslublardan foydalanib, ta‘limning samaradorligini ko`tarishga bo`lgan qiziqish va e’tibor kundan – kunga kuchayib bormoqda. Ma’lumki, ta’lim – tarbiya uzluksiz, muayyan maqsadga yo`naltirilgan jarayon bo`lib, unda barkamol shaxsni shakllantirishga alohida e’tibor qaratiladi. Demak, pedagogik jarayonning asoiy maqsadi barkamol inson shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazishdan iboratdir.

Boshlang`ich ta’limning asosiy maqsadi bolaning ta’lim olishga bo`lgan motivatsiyani rivojlantirish, o`qish, tinglash, mantiqiy izchillikda fikrlash ko`nikmalarini shakllantirish hamda yozma va og`zaki muloqot madaniyatini tarkib toptirishdan iborat. Shuning uchun ham boshlang`ich ta’lim barcha ta’lim turlarining asosiy poydevori hisoblanadi. O`quvchilarning har tomonlama yetuk inson bo`lib yetishishida biz - pedagoglarninig o`rni beqiyos. Bugungi kun o`qituvchisi faqatgina darslikdan foydalanib qolmasdan, ta’bir joiz bo`lsa, har bir dars uchun o`zi ham kichik kashfiyotlar yaratishi kerak. Chunki zamon ilgarilab borayotgan bugungi davr bolasini qirq besh daqiqalik dars mobaynida diqqatni faollashtirib bilim berish- murakkab jarayon. Shuning uchun bolalarga turli ko`rgazmalar va o`yinlar orqali ta’lim berish ularning nutqi rivojlanishiga va fikr doirasini kengayishiga imkon beradi. Eng asosiysi, darsda samaradorlikka erishiladi. Mavzuni idrok etish osonlashadi va hech kim zerikmaydi. Fikrlay olish bolalar o`yinlarida ham, o`qishda, mehnatda ham rivojlanadi. Fikr esa inson oldida, eng oddiy bo`lsa- da, biror muammo yoki vazifa turgandagina paydo bo`ladi. Bunda ko`p narsa insonning aql- zakovatiga, intellektual qobiliyatiga ham bog`liq.

Zamonaviy texnologiyalar qo`llanilganda mashg`ulotlar o`quvchilar egallayotgan bilimlarni o`zlari qidirib topishlariga, mustaqil o`rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o`zlari chiqarishlariga qaratilgan.O`qituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo`naltiruvchilik vazifasini bajaradi. Bunday o`quv jarayonida o`quvchi asosiy figuraga aylanadi.

Maktabga ilk qadam qo`ygan bola qalbida o`qishga havas uyg`otish,ilm olishga mehr uyg`otish,har bir boshlang`ich sinf o`qituvchisining asosiy maqsadidir.

Chunki boshlang`ich ta’lim ta’limning poydevoridir.Har bir pedagog zamon bilan hamnafas bo`lmog`i, yangiliklardan xabardor bo`lmog`i darkor, ta’lim sifatini oshirishga o`z hissasini qo`shmog`i lozim.Avvalom bor har bir boshlang`ich sinf o`qituvchisi ongli o`qishga e’tibor qaratmog`i lozim. Chunki har bir o`qigan jumlasini tushunmagan o`quvchi uchun har qanday darsni qizig`i yo`q

Buning uchun birinchi navbatda, o`qituvchi ta’lim – tarbiya jarayoni oldiga qo`yilgan talablar, ta‘limni tashkil etish va boshqarish prinsiplari hamda yo`llari, o`quvchining aqliy va jismoniy jihatdan rivojlantirish usullari, u bilan hamkorlik qilish, uni o`qishga o`rgatishga yo`naltirish, o`quvchi shaxsi faoliyatini to`g`ri tashkil etish, ular bilan muloqotga kirishishi,

muammo va kelishmovchiliklarni bartaraf etish, sinfdan ijodiy, ishchan muhitni vujudga keltirish, o`quvchi faoliyatini aniq va to`g`ri baholash metodlari bilan qurollangan bo`lishi lozim.

Ta'limda yangi pedagogik texnologiyalarni qo`llash ta'limning butun jarayonini aniq reja asosida tashkil qilish hamda o`quv jarayonini maqsadga ko`ra indivudallashtirishni nazarda tutadi.

Boshlang`ich ta'lim ta'limning poydevori.Kelajak uchun qurilgan binoning poydevori qanchalik mustahkam va pishiq bo`lsa, bu bino abadiyat uchun beminnat xizmat qiladi. Bino poydevoriga qo`yiladigan tamal toshi kabi,o`sib kelayotgan kelajagimiz ham ilm dargohida qo`yilgan ilk tamal toshidir.

Har bir darsda o`quvchi bir-biriga o`xshamagan dunyoga kirib borishi kerak.Buning uchun dars jarayonida foydalanilgan interfaol usullar o`quvchi bilan o`qituvchi orasidagi faollikno oshirib, o`zaro harakat ta'sir ostida bilimni o`zlashtirishni kafolatlaydi. Bu borada guruhlarga bo`lib dars o`tish, bahs-munozarali darslarni tashkil etish,o`quvchi imkoniyatlaridan foydalanish uchun zamin yaratadi.

Dars jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanganda esa o`quvchi go`yoki bugungi o`tilayotgan mavzu ishtirokchisidek o`zini tasavvur etadi va mavzuning mazmun –mohiyatini chuqur anglab oladi.

Husnixatimizning jozibali bo`lishini o`rgatish bilan birga tilimizga bo`lgan mehr va uning sirlaridan voqif qiladigan fan bu ona tili fanidir.

Ona tili darslarida tashkil etiladigan didaktik o`yinlar o`quvchining ijodiy faolligini oshirib qolmay, o`z fikrini himoya qilishga o`rgatishi kerak. Masalan 4-sinf ona tili fanidan "Ot yasovchi qo`shimchalar»mavzusini o`tgan vaqtda turli kasb egalarini eslaymiz; Shifokor, soatsoz, ishchi,,tennischi, futbolchi,yoki

joylar:maysazor, toshloq, qumloq shunda so`z o`zaklarini ajratib oladilar faqat –k, -q,qoshimchalari tushuntiriladi.

Ela-elak, fe'l+k=ot tara-taroq, fe'l+q= a – o=ot tovush o`zgarishi yuz beradi.Bu amaliydan nazariyga o`tish orqali tushuntirish ya'ni, induktiv usuldir.

Masalan, darslarda chiroyli rasm chizgan o`quvchiga "Yosh rassom", yaxshi test tuzganga "Iqtidorli o`quvchi", sahnalashtirgan vaqtda yaxshi rolga kirgan o`quvchiga"Kichik san'atkor»nominatsiyasi beriladi. Bu usul o`z-ozini boshqarishga o`rgatadi.Rasm chizish tasavvur ko`lamini boyitib,ijodkorlikka yo`naltiradi.Test tuzish esa hikoyani chuqur o`rganishga,ziyraklikka o`rgatadi.Mustaqil kitob bilan ishlashga undaydi. O`quvchilarning ozaro fikr almashinuviga yo`naltiradi. Bu "Interaktiv» usuldir.Bunda odob-axloq, ma'naviy,estetik tarbiya beriladi.Hamkorlikda ishlashga, sinfning o`zlashtirishininig yuqori bo`lishiga yordam beradi

Zamonaviy ta'limni tashkil etishga qo`yiladigan muhim talablardan yana biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni tahsil oluvchilarga yetkazib berish, ularda ma'lum faoliyat yuzasidan ko`nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, tahsil oluvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko`nikma hamda malakalar darajasini baholash o`qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta'lim jarayoniga nisbatan yangicha yondashuvni talab etadi.

Ona tilidan ilg`or pedagogik va axborot texnologiyalarini qo`llab dars o`tishda o`quvchilarda kommunikativ kompetensiyani tarkib toptirishga qaratilgan interfaol usullarni saralab olish muhim ahamiyatga ega. Chunki ular o`quvchida nutq faoliyatini rivojlantirishi bilan birga, ularda faollik, muloqotga kirishuvchanlik, dadillik, o`z fikrini yetkaza bilish, o`zgalar fikrini tinglay olish, bag`rikenglik kabi qator ijtimoiy ahamiyatga ega bo`lgan sifatlarni shakllantiradi.

Boshlang`ich ta'limda ushbu metodlar qo`llanilganda:

-muayyan nazariy bilimlarni puxta o`zlashtirilishiga;
- vaqtdan unumli foydalanishga;
-o`quvchining erkin fikrlashining shakllanishiga;
- dars jarayonida o`quvchilarning faol ishtirok etishiga;
- o`zgalar fikrini tinglay olishiga;
- bildirilgan fikrdan xulosa chiqarish ko`nikmasining shakllanishiga olib keladi.

Shunday qilib, boshlang`ich ta'limda interfaol metodlarni qo`llashda o`qituvchi ta'lim jarayonining boshqaruvchisi vazifasida bo`lib, bunda boshqaruv maqsadi ta'limning obyekti va subyekti sifatida o`quvchiga yo`naltiriladi.

Boshlang`ich sinflarda turli xildagi o`quvchilar yoshiga mos bo`lgan qiziqarli darslarni tashkil etishda o`qituvchi doimo ijod va izlanishda bo`lmog`i lozimdir.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОНИТОРИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Раупова М. НДПИ "Педагогика ва психология" кафедраси ўқитувчиси

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб, вояга етказиш жараёнини мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, болаларни тарбиялашда тарбиячи педагогларни янги педагогик билим, кўникма ва малакалар билан таъминлаш давр тақазосидир. Бу борада таълим тизимининг бошланғич босқичи бўлган мактабгача таълимга ҳам катта эътибор берилиб, болаларни соғлом, ҳар томонлама камол топиб шакилланишини таъминлаш, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилиниб келинмоқда.

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи тури бўлибгина қолмай, балки ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантирувчи биринчи поғона ҳамдир. Мактабгача таълим муассаса(МТМ)ларида таълим ва тарбия жараёни қанчалик юқори савияда ташкил этилса, тарбияланувчи болалар, шунчалик таълимнинг кейинги турларида қийналмасдан муваффақият қозона олишларига имконият яратилади.

Мактабгача таълим – боланинг индивидуал, ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг жисмоний ва психик ривожланишини, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи – мактабга ўз вақтида ва тўлақонли ўтишини таъминловчи ҳар томонлама, мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнидир. Мактабгача таълимдаги таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш учун лозим бўлган ишлар кўлами кенгаймоқда, мазмуни сифат жиҳатидан янгиланмоқда. Бу ўз навбатида таълим –тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим мутахассисиларидан ижодий изланишни, педагогик технология асосида таълим-тарбия беришни, фидойиликни, масъулятни ҳам ўз касбини ҳақиқий устаси, жонкуяри бўлишни, ўз устида тинмай ишлашни талаб қилади.

Мактабгача таълим муассасасида олиб борилаётган ишларга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндашиш, ишни сифат мазмун жиҳатидан тўғри ташкил этиш мақсадида, мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари асосида бажарилаётганлигини мониторинг қилиб боришдир.

Мониторинг-инглизча сўз бўлиб, *кузатиш* демакдир**.** Эндиликда мазкур сўзнинг луғавий маъноси жуда кенг миқёсда қўлланила бошлади.

Ҳозирги вақтда мониторинг деганда кузатиш, назорат қилиш, муассаса фаолиятини бошқариш ҳамда муассасанинг истиқболини башорат қилишни тушунамиз. Тахлил ва назорат қилиш мактабгача таълим муассасасидан нафақат камчиликларни аниқлаб уни танқид остига олиш балки йўл қўйилган камчиликларни бартарф этишдан иборат.

Мониторинг хизматининг асосий вазифаси кузатув бўлиб, муассасанинг бугунги кундаги ва истиқболдаги салоҳиятини такомиллаштириш ҳамда бошқарув, таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида олиб борилаётган ишларни мунтазам равишда назорат қилиш, ўрганиб боришдир.

Таҳлил эса кузатув ҳамда режаланган ишларнинг бажарилиш жараёнини ўрганиш натижалари асосида ҳар бир йўналишдаги салбий ва ижобий ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларни пухта, мукаммал саралашдир.

Хулоса ва ечим кузатув ва таҳлил натижаларига асосланиб, муассаса фаолиятидаги салбий ҳолатларни бартараф этиш, ижобий ҳолатларни янада такомиллаштириб бориш мақсадида муассаса шарт-шароитлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда турли тезкор,

мукаммал чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқилган чора- тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш ҳамда унинг назоратини ҳам мунтазам кузатиб боришдан иборат.

Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнида қуйидаги **асосий йўналишлари кузататилиб мониторинги** ўтказилганда;

-МТМнинг катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида касбга йўналтириш бўйича таҳлил;

-Муассасада болаларни қобилиятига кўра ташкил этилган тўгаракларга жалб этиш таҳлили;

-Болаларнинг ДТлари асосида дастур бўлимларини ўзлаштириш таҳлили (чораклик, йиллик);

-1-синфга чиққан болаларнинг ўзлаштириш таҳлили;

Юқоридаги кузатув натижалари асосида ҳар бир йўналиш таҳлил этилиши натижасида қуйидаги муаммоларга дуч келиниши кузатилди;

1.МТМнинг катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида касбга йўналтириш бўйича таҳлил этилганда

- Болаларни касбга йўналтириш борасида таълим-тарбия жараёнида қандай ишлар олиб борилмоқда?
- Болалар қанча касб йўналишларини билади?
- Касблар юзасидан муассаса ахборот базасига эгами?
- Касблар билан таништиришда тарбиячи қандай методик қўлланмалардан фойдаланмоқда?
- Тарбиячи қандай педагогик технологиялардан фойдаланмоқда?
- Касбларган оид қанча ўйин машғулотлари мавжуд?
- Касбларга оид тушунчаларни тарбиячи тўла ёритиб бера олаяптими?

2.Муассасада болаларни қобилиятига кўра ташкил этилган тўгаракларга жалб этиш таҳлил этилганда

- Тўгаракларни ташкил этишда муассасанинг материаллар ва ахборот базалари қай даражада?
- Тўгараклар қандай асосларга кўра ташкил этилмоқда?
- Тўгаракларга болаларни жалб этишда болаларнинг қобилияти қандай усулларда таҳлил этилди.
- Тўгараклар бугунги кун талабига жавоб бера оладим?
- Тўгарак раҳбарларига қандай шартлар қўйилган?
- Тўгараклар фаолияти тўғрисида ота-оналарнинг фикр ва мулоҳазалари қандай?
- Тўгаракларга болаларнинг иштирок этиш ҳолати қай даражада? Нима сабабдан?
- Болаларнинг ДТлари асосида дастур бўлимларини ўзлаштириш таҳлили (чораклик, йиллик) Муассасанинг методик адабиётлар билан таъминланиш даражаси.
- Муассасанинг кўргазмали қуроллар билан таъминланиш даражаси.
- Тарбиячининг педагогик салоҳияти ва маҳорати.
- Машғулотлар жараёни.

1-синфга чиққан болаларнинг ўзлаштириш таҳлили

- Муассаса болаларни мактабга чиқаришда уларнинг билим-кўникмалари даражаси қандай эди.
- 1-синфга чиққан болаларнинг билим-кўникмалари истиқболи қандай ҳолатда?

Таҳлил натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак;

- Кузатиш йўналашлари ортиб кетмоқда
- Барча йўналишларни кузатиш учун вақтнинг кўп сарфланиши
- Кузатув натижаларини таҳлил этишда ҳисоблаш ишларининг мураккаблашиши
- Баҳолаш мезонларининг мураккаблашиши
- Таҳлил натижаларини умумлаштиришнинг мураккаблашиши каби муаммоларнинг юзага келиши табиий ҳолат.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

• Муассасанинг ахборот базасини такомиллаштириш
• Тарбиячиларнинг илмий салоҳиятини кўтариш
• Ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш
• Болаларнинг ўзлаштириш даражаларини кўтариш

Ушбу талабларни амалга ошириш мақсадида МТМларнинг таълим–тарбия жараёнига татбиқ этиш учун самарали АКТ ишлаб чиқилганлиги, мактабгача таълим муассасаларда ахборот коммуникация технологияларнинг туб мазмуни- компьютер таълимни амалга оширишдан иборат.

Демак, мактабгача таълим муассасаларида мониторинг хизматини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги давр талаби ҳисобланмоқда.

МТМларда таълим жараёнига татбиқ этиладиган АКТ анъанавий услубларга нисбатан маьлум бир афзалликларга эга.

- болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиради;
- бола бир вақтнинг ўзида ҳам кўради, ҳам эшитади (миянинг ўнг ва чап ярим шарлари бир вақтда фаоллик кўрсатади);
- анъанавий усулга нисбатан болаларга ўргатиладиган материалларнинг ҳажми ортади;
- машғулотларнинг самарадорлиги ошади;
- МТМ болаларининг компьютер саводхонликларини шакллантиришга ёрдам беради;
- болалар машғулотда толиқиб қолмасликлари учун дидактик
- материалларни анимациялар орқали кўрсатиш имконияти мавжуд;

-ўрганилаётган материалларни кичик лавҳаларга ажратган ҳолда намойиш этиш ёки қайта намойиш этиш мумкин.

МТМларда АКТдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, бу хусусиятларни ўрганиш технологияларни жорий этиш жараёнида болаларнинг ёшларини ҳисобга олиш ва дидактик материалларни уларга мос танлаш, таълим жараёнида педагогик ва психологик таъсир этиш усулларини ўрганиш ва жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади

BOSHLANG`ICH SINFDA FANLARARO UZVIYLIK ALOQALARINI TA`MINLASHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Jiyanova M. , Navoiy viloyati Navbahor tumanidagi 21-umumta'lim maktabi o`qituvchisi.

Boshlan g`ich ta`lim koncepsiyasida boshlan g`ich ta`limning maqsad va vazifalari aniq belgilab berilgan. Tayanch o`quv rejasida ko`rsatilgan barcha fanlardan bolalarning o`zlashtirishi zarur bo`lgan bilimlar majmui belgilangan. Shuningdek, ularning ongi va tafakkurida mavjud bo`lgan yashirin imkoniyatlarni ani qlash va rivojlantirish orqali kichik maktab yoshidagi bolalarda ta`limning dastlabki davridan boshlab yangi imkoniyatlarni faqat o` quv materialini muvaffa qiyatli o`zlashtirishgagina emas, balki hayotiy muammolarni echishga ham tayyorlash, o`quvchilarda o`rganish va ta`lim jarayoniga bo`lgan qizi qishini oshirish ko`zda tutilgan.

Barchamizga ma'lumki, boshlang`ich sinf darsliklari bir-biri bilan uzviy bog`langan bo`lib, o`quvchilarning barcha fanlardan yaxshi o`zlashtirishiga e'tibor beriladi. Ijobiy natijaga erishish uchun o`qituvchi pedagogika va psixologiyaning metodologik asoslariga tayanishi zarur. Bunda o`qituvchining darslarni bolalarning yoshiga, ruhiyatiga mos keladigan usullar asosida tashhkil etishi hamda o`qituvchi turli interfaol usullardan unumli foydalanishi muhim o`rin tutadi

Bugungi kunda interfaol uslublardan o`qituvchilar darslarida keng foydalanmoqda. Chunki bu uslub o`qituvchi va o`quvchilarning birgalikda faoliyat ko`rsatishi orqali amalga oshiriladigan jarayon bo`lib, sinfdagi barcha o`quvchi qamrab olinadi. Bundan har bir o` quvchi dars davomida mustaqil fikrlash, ijod qilish va izlanishga harakat qiladi hamda ularning fanga bo`lgan qiziqishlari kuchayib boradi Ta'lim jarayonida fanlararo uzviylik tamoyillari dars samaradorligini belgilovchi bosh mezonlardan sanaladi. Darslarni fanlararo uzviylikda o`tish o`quvchilarning tafakkur olamini kengaytiradi.

Darslarda fanlararo uzviylikda ta`minlashda **"Kichik guruhlarda**

ishlash»texnologiyasidan foydalanish yaxshi samara berdi. O`quvchilarda ijodiy izlanuvchanlik qobiliyati rivojlanadi, o`zaro hamkorlik munosabatlari shakllanadi va bosh qa fanlardan olgan bilimlari musta hkamlanadi.

Men 2-sinfda “Atrofimizdagi olam” fani bo`yicha o`tkazgan bir soatlik darsim bo`yicha o`z tajribamni quyida keltiraman.

IV chorakning yakuniy darsida shu fandan “Yoz – o`tadi soz»mavzusiga 1 soat ajratilgan. “Yoz – o`tadi soz»matnini olti qismli bo`lganligi uchun sinf o` quvchilar 6 ta guru hga ajratiladi va har bir qism bitta guru hga bo`lib beriladi. Keyin o` qituvchi har bir guru h o`ziga tegishli matnni guru h a`zolariga navbatma-navbat darslikdan ifodali o`qittirib chiqadi. Masalan:

1 guru hdan:

1-o`quvchi: Yoz fasli iyun oyidan boshlanadi.

**2-o`quvchi:** Ammo bizning Vatanimizda may oyining o`rtalaridan havo yozdagidek issiq bo`ladi.

**3-o`quvchi:** Yozda yomg`ir kam yog`adi.

4-o`quvchi: Erta ekilgan sabzavot ekinlari, handalak, bodring, pomidor pishib yuiladi

2 guru hdan:

**1-o`quvchi:** Mevalardan qulupnay, o`rik, gilos, ertangi olma pishadi.

**2-o`quvchi:** Maktablarda o`qishlar yakunlanib, o`quvchilar yozgi ta’tilga chiqishadi.

3 guru hdan:

**1-o`quvchi:** Bu vaqtda bolalar dam olish maskanlari, sog`lomlashtirish oromgohlarida dam oladilar.

**2-o`quvchi:** Mamlakatimizda bolalar oromgohlari juda ko`p.

3-o`quvchi: Ular tabiati chiroyli, havosi toza joylarda qurilgan.

4 guru hdan:

**1-o`quvchi:** Tabiat qo`yniga sayohatga chiqilganda yurishning, kiyinishning, suvda cho`milishning o`z qoidalari bor.

5 guru hdan:

**1-o`quvchi:** Oftobda bosh kiyimsiz yurish, gullar, o`tlarni yulish, hasharotlarga, hayvon va qushlarga tegish, kattalar nazoratisiz suvga tushish, cho`milish mumkin emas.

6 guru hdan:

1-o` quvchi: Bu qoidalarga, albatta, rioya qilishi kerak.

**2-o` quvchi:** Shunda turli ko`ngilsiz hodisalar yuz bermaydi.

1-o` quvchi: Yana bosh qa qoidalarni sayo hat ra hbarlari tushuntiradi.

Keyin o` qituvchi guru hlarga o`ziga tegishli matn mazmunini aytib berishni so`raydi. Shundan so`ng o` qituvchi darslikdagi 63-rasmda nima tasvirlanganini so`raydi. O`qituvchi guru hlarning fikr-mulo hazalarini umumlashtirib, o` quvchilarga mavzu haqida batafsil ma’lumot beradi. Darsni musta hkamlash qismida “Tasavvuringni tasvirla” o`yin-mash qi o`tkaziladi. O`qituvchi o` quvchilarga o`qigan matni va rasm bo`yicha olgan tushuncha va tasavvuri asosida har bir o` quvchiga rasmli albom va rangli qalamlarni foydalanib rasm chizishini aytadi. Bunda o`quvchilar yoz fasli haqidagi tasavvurlarini rasmlarda aks ettirishi lozim.

O`quvchilar rasmda nima tasvirlanganiga qarab, unga nom qo`yadi. Masalan: “Bolalar oromgohda”, “Sayohat”, “Mevalar pishdi”, “Yozning issiq kunlari”, “Tabiatni asraymiz”, “Cho`milish”, “Go`zal oromgoh”, “Oilaviy dam olish”, “Tabiat qo`ynida”, “Hayvon va qushlar bilan”, “Yozgi ta’til»kabilar.

Topshiriq bajarib bo`lingach, har bir o`quvchi sinf doska (taxta)siga chiqib, o`z rasmini do`stlariga ko`rsatadi. Rasmlarida nima tasvirlaganini gapirib berishadi.

O`yin so`ngida eng chiroyli rasmlar tanlab olinadi va bu rasmlarni chizgan o`quvchilar ra g`batlantiriladi.

O`yin-topshiriq bolalarning bilim va tasavvurlarini erkin ifodalash, fanga bo`lgan qiziqishini orttirish, tabiat ne’matlarini asrab-avaylash, kichik bolalarning yozgi ta’tilda kattalar ruxsatsiz qilishi mumkin bo`lmagan ishlar bilan tanishtirishda qulay usul hisoblanadi. Shuningdek, bolalar

tasviriy san’at fanidan olgan bilim, ko`nikma va malakalarini atrofimizdagi olam fanidan sinovdan o`tkazib ko`rishadi.

Fanlararo uzviylikni ta`minlashda “Ijodiy o`yinlar” didaktik o`yinining a hamiyati katta. Masalan, bu didaktik o`yindan o`qish darsida esa “Tabiatni asrang, avaylang” bo`limidagi barcha mavzularni o`tish jaraonida “Atrofimizda olam” darsligidagi materiallardan foydalanishi imumkin.

Jumladan, o`qish darsida G`ani Abdullayevning “Zilol suv»va Qambar Otaning “Yershunos bo`laman” she’rlarini o`rganishda “Atrofimizdagi olam” darsligida berilgan “Ona zaminimiz»bo`limidagi “Suv—hayot manbayi»va Yer haqida berilgan ilmiy ma’lumotlar asosida o`ꞏquvchilarda ijodiy fikr yuritish va ilmiy izlanuvchanlik malakalarini shakllantirshsh mumkin. Bunda o` quvchilar guru hlarga teng bo`linadi. “Yosh suxandonlar»va “Yosh tabiatshunoslar»guru higa bo`linadi. O` qish darsligidagi G`ani Abdullayevning “Zilol suv»matnini “Atrofimizdagi olam” darsligida berilgan “Suv—hayot manbayi»matni bilan o`zaro bog`liqliqni taqqoslaydi. “Yosh suxandonlar»guru hi o` qish darsligidagi G`ani Abdullayevning “Zilol suv»matnini badiiy vositalar or qali, so`zning turli ifoda vositalari or qali gapi rib beradi. “Yosh tabiatshunoslar»guru hi esa “Atrofimizdagi olam” darsligida berilgan “Suv—hayot manbayi»matni ilmiy xulosalarga tayangan holda asoslab beradi. Ular bu jarayonda o`qish fanidan berilgan matnlar badiiy, atrofimizdagi olam fanidagi materiallar ilmiy xulosalarga asoslanganini farqlashni o`rganadi, har bir fandan berilayotgan bilimlar kelajakda zarur ekanligini tushunib oladi.

“Atrofimizdagi olam” darslarida mavzular yuzasidan o`quvchilarning bilim salo hiyatini oshirishda axborot-komminikaciya texnologiyalari ham mu him rol o`ynaydi. O`qituvchi darslik bilan chegaralanib qolmasdan qo`shimcha materiallardan foydalanishi zarur. O`lkamiz tabiat olamini chiroyli tasvirlar vositasida namoyish etishga oid slaydlar tayyorlab, mavzuni tushuntirish yaxshi natija beradi. Bu o`quvchilarni estetik ruhda tarbiyalashga xizmat qiladi. Masalan, “Shahar va qishloq»mavzusiga oid berilgan darslikdagi “Toshkentdan bir ko`rinish»nomli 60-rasmda poytaxtimizning ko`rinishi kichik tasvirda berilgan. Men ushbu mavzuga doir 20 ta slayd tayyorladim. Hududimizdagi ta`lim muassasalari, yangi barpo etilgan qishloq qurilish uylari, bo g`lari, ko`chalar rasmi bo`yicha 6 ta slayd, Toshkent shahrining ko`chalari, madaniyat, istiro hat, san`at, dargo hlari, tarixiy joylari, binolar, xiyobonlar, buyuk ajdodlarimiz nomi bilan ataluvchi qutlu g` joylar rasmini 14 ta slaydga joylashtirdim. Matnni o` qib-o`rganish jarayonida darslikdagi rasm haqida ham su hbat o`tkazdim. Keyin slaydlarni kompyuterda katta ekran or qali o` quvchilarga ko`rsatdim. Shundan so`ng o`quvchilarga mavzu yuzasidan “Kim so`zlab beradi?»degan savolni berganimda, deyarli barcha o`quvchi javob berishga tayyor ekanligini guvohi bo`ldim.

Sha har va qishlo qlarimizni jonli tarzda namoyish etilishi o`quvchilarning o`lkamiz tabiatiga mehrshni jo`shtiradi, qalblarida vatasnparvarlik tuyg`usi shakllanib, tabiat olamini asrab-avaylash lozimligini anglaydi.

ИННОВАЦИОН ВА ПЕДАГОГИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА “МЕХНАТ»ФАНИ ДАРСЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ.

Ахмедова Ш.Б. АВХТХҚТУМОИ “Табиий ва аниқ фанлар таълими»кафедраси “Информатика” фани ўқитувчиси

Абдурахимова М.Ў. “Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим” кафедраси ўқитувчиси

Бекпулатова Ф.А. Андижон вилояти Хонобод шаҳри 5-умумтаълим мактаби, бошланғич синф ўқитувчиси

Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида»Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими, ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда”- деб, алоҳида уқтириб ўтади.

Таьлим – тарбия тизимини тубдан ислоқ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тузилишини барпо этиш келажак учун баркамол салохиятли авлодни тайёрлаш мақсадида;»Таьлим тўғрисидаги» қонун

ва»Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устивор йўналиши бўлиб хисобланмоқда. Шу асосда такомиллашган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини яратиш, илмий услубий мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва шу асосида бошланғич синфларга меҳнат тарбиясини бериш вазифалари белгиланган.

Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилган таълим-тарбия моделини амалиётга татбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғликдир. Шу боисдан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида»ўқув тарбиявий жараённи илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланди». Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратиш лозим. Республикамизнинг педагогика соҳасида фаолият юритаётган олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни татбиқ этишга интилмоқдалар. Ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг зарурлиги шундаки:

Биринчидан, жамиятимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши ҳамда аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида.

Иккинчидан, ўқитувчи фаолиятига фақатгина ўқув жараёнининг ташкилотчиси эмас, балки нуфузли билимлар манбаи сифатида қаралаётганлиги.

Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг жадал кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга етказиш учун вақтнинг чегараланганлиги.

Тўртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

Бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилаётганлиги.

Педагогик технологиялар оқими деярли барча ривожланган мамлакатларда тез тарқалди ва ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Таълимни технологиялаштиришнинг асосини таълим жараёни ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда таълим олувчиларнинг берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичида лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этилди. Таълим технологиясининг предмети таълим тизимининг концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларини қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материалларини танлаш ва структуралаштиришдан, таълим модулини танлашдан уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача бўлган тизимни лойиҳалаштиришдан таркиб топган. Педагогик технология педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатилган тизимли таъсир натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларнинг пайдо бўлишини интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса, деб таърифлаш мумкин. Таълим технологияси таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир. Таълим жараёни таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги маълум мақсадлар асосида белгиланган билим ва кўникмаларни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро таъсирлашув жараёнидир. Бу жараённи бир тизим деб қарайдиган бўлсак, таълим берувчи ва таълим олувчидан ташқари

унга қуйидаги ташкил этувчи элементларни ҳам киритиш мумкин: таълим мақсади, кутилаётган натижалар, талим мазмуни,таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, мониторинг ва баҳолаш. Таълим жараёнини ташкил этишда юқорида санаб ўтилган элементларнинг барчаси муҳимдир. Улардан бирортаси четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса, тизим ишламайди. Демак, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришилмайди. Таълим мақсадларини бошқача тарзда ўқув мақсадлари, деб ҳам аташади. Ўқув мақсадлари таълим жараёни охирида кутилаётган натижанинг ёзма тавсифидан иборат. Маълумки, жонли таълим жараёнида икки томон: таълим олувчи ва таълим берувчи иштирок этади. Ўқув мақсадлари таълим жараёни иштирокчиларнинг қайси бир томонидан қаралишига қараб ўрганиш ва ўргатиш мақсадларга ажратилади. Таълим жараёни натижасида, таълим берувчи, яъни ўрганувчининг нимага эришгани муҳим бўлгани учун келгусида ўқув мақсадлари деганда, ўрганиш мақсадларини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Уни тўғри танлаш таълим жараёни учун ўта муҳимдир. Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган, хатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни ифодалайди. Демак, таълим жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим самарадорлигини таъминловчи, таълим олувчиларнинг фаолликларини оширувчи омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, бугунги ахборотлашган жамият давр билан ҳамнафас тарзда таълимни технологиялаштирилган кўринишларда ташкил этишни тақозо этади. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсон сифатида тарбиялаш учун имкон берувчи, мукаммал таълим тизимини яратиш, унинг самарадорлигини ошириш каби масалалар ташкил этади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ғояларига мувофиқ жамиятда кадрлар тайёрлаш борасида ўзига хос миллий модел яратилди. Миллий модел ўз моҳияти билан баркамол шахс ва малакали кадр тайёрлашга хизмат қилади.»Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда белгиланган каби вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдан иборатдир.»Таълим тўғрисида»ги қонун ва»Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу ташкилийпедагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг замонавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

1-синфда иш жараёнини режалаштириш, таҳлил қилиш, уни кўриб чиқиш, тасвирлашдан бошланади. Бу иш таҳлил ва синтез кўникмасини, кузатувчанликни ривожлантиришга хам хизмат қилади. Бундан ташқари бу иш жараёнида ўқувчиларнинг нутқи ривожланади, янги терминлар билан бойийди. Мақсадга мувофиқ кўриб чикиш ва тасвирлаш болалар меҳнатини англанган меҳнатга айлантиради. Оғзаки тасвирлаш ва таҳлил қилиш қуйидаги саволлар буйича амалга оширилиши мумкин.

1.Предметнинг умумий шакли қандай у қандай геометрик шаклга ўхшайди.

2. Нарса қандай қисмлардан иборат. Уни тайёрлаш учун қандай деталлар талаб қилинадиа

3. Асосий қисми қайси?

4. Нарсани тайёрлаш учун қандай материал керак бўладиа

5. Қандай асбоблар керак7

6. Бу нарсани ясашда қандай харакатлар амалга оширилиши керак

7. Нарса деталларининг ўлчамлари қандай

1-синфда нарсани разбор қилишда ва тайёр чизма мавжуд бўлганда предмет деталларини уларнинг чизмадаги тасвири билан киёслаш жуда мухдмдир. Бундай иш болаларда изланувчанликни таркиб топтиради, уларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантиради. 2-3- синфларда болалар мазкур предметнинг ёйишини ўзлари чиза оладилар. 1-синф ўқиш планини ўқиш ва ёзишни ўрганиб олганларидан сўнг уни доскага ёзиш мумкин булади. Ишнинг план буйича таниш усулларини болалар мустақил бажарадилар.

Чизма асосида иш жараенини планлаштириш. Бошлағич синфларда қўлланадиган чизмаларда махсулотни тайёрлаш учун зарур бўлган барча харакатлар кўшимча кўрсатилган бўлади. Ўқувчиларга уларни бажариш тартибини топишгина қолади. Болалар ишни планлаштиришга аста секин одатланар эканлар, улар шу орқали операцияларни бажариш изчиллигининг схемасини ўзлаштириб борадилар.

а) нарсанинг умумий ўлчамлари ва керакли материалларни хисоблаб чиқиш

б) ёйиш ёки андазани ёйишни ташкил қилиш ва чизиш {аввал умумий улчамларни, сўнгра ёрдамчи чизицларни, шундан сўнггина развертканинг контурини чизиш лозим).

в) материални бичиш;

г) махсулотни йириш.

Иш жараёнини оғзаки тасвир асосида планлаштириш. Предметнинг оғзаки тасвири болаларга нарсанинг ташқи ва ички конструкциясини аниқлашларига ёрдам бериши керак Масалан, сиз икки қисмдан ташкил топувчи арча ясайсиз. Иккаласининг хам ярмигача кесиги бор. Фақат биттасининг кесиги пастда, иккинчисиники тепада. Кесиклар бир-бирига ўрнатилади ва натижада хажмли арча хосил булади. Бундай оғзаки тасвирда ишнинг тартиби ҳам, берилган. Ўқувчиларни ўқитишнинг бу усуллари яхши натижа беради.

Тайёрланаётган предметлар юзасидан назоратни фақат ўқитувчигина амалга оширмайди, бу ишга у иш жараёнида ва тайёр ишларни тахлил қилишда саволлар бериш йули билан ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб қилади. Болаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг олднни ола билишга ўргатиш жуда мухимдир. Бу ўринда»Қаерда хатога йул қуйилиши мумкин»,»Агарда бундай қилсак унда нима бўлади»каби саволлар бериш мақбулдир. Ўқитувчи меҳнат натижаларини қиёслаш ва бахолаш бўйича хам саволлар бериши мумкин. Масалан,»Тайёрлаиган нарсалардан қайси бири яхши ва нима учун»каби саволлар болаларни қилинган барча операцияларни тахлил қилишга, ўз ишини энг яхши намуна ва бошқа ишлар билан қиёслашга мажбур қилади. Қўл меҳнати дарсларидаги юзада ўлчаш усуллари унчалик мураккаб эмас ва улар математика дарсларида кўлланадиган асбоблар ёрдамида бажарилади. Болалар киёслаб ва умумлаштириб, объектив танқидий бахолашни ўрганадилар. Ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бу АКТни ўзлаштириши - ҳар бир педагог олдига катта маъсулият қилиб кўйилган. Ҳозирги кундаги педагог модернизацияланган бўлиши(фикрлашлари), дарс ўтиш жараёнлари инновацион технологиялардан фойдаланиши, компетенцияни сингдириши, бу ёндашув мультимедиа ва “MS POWER POINT»тақдимотлардан фойдаланиши дарсни моҳиятини кшрсатади ва педагог ўқувчилрга назарий билимларини амалийга сингдириб бориш натижасида мақсадга мувофиқ бўлади, булар - визуал кўриш хотирасини мустаҳкамлайди, уқиш ва ақл хотирасини кучайтиради. Меҳнат дарсларида аввал “Интерактив доска»ва “Электрон доска”лардан фойдаланса, педтехнология усулларини киритса дарс янада катта таъсурот ва амалий бажаришга олиб келади. Бу компетенцияни боғлаш демакдир.

Инновацион ва педагогик ёндашувлар педагогик фаолиятида катта ўзгаришлар олиб келади ва таълим самарадорлиги сифатини оширади.

ТВОРЧЕСКОЕ ОБУЧЕНИЕ ПРЕДМЕТОВ НА УРОКАХ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ПРИМЕНЯЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНКАЦИОННЫЕ, ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Ахмедова Ш.Б. АОИППКРНО (АВХТХҚТУМОИ) преподаватель "Информатики" кафедры»Естественные и точные науки»

Каюмова Д.Х. Андижанская область город Андижан учитель начальных классов общеобразовательной школы № 33

Главная идея нового подхода состоит в переходе от объяснения к пониманию, от социального контроля – к развитию, от управления – к самоуправлению. Основная установка учителя – не на передачу знаний о предмете, а на общение с учениками, на взаимопонимание, на их»освобождение»для творчества. Творчество, исследовательский поиск являются основным способом существования ребенка в пространстве личностно-ориентированного образования. Но духовные, физические, интеллектуальные возможности детей еще слишком малы, чтобы самостоятельно справиться с творческими задачами обучения и жизненными проблемами. Ребенку нужна педагогическая помощь и поддержка. Это ключевые слова в характеристике технологий личностно-ориентированного образования. Поддержка выражает существо гуманистической позиции педагога по отношению к детям. Это ответ на естественное доверие детей, которые ищут у учителя помощи и защиты, это понимание их беззащитности и сознание собственной ответственности за детскую жизнь, здоровье, эмоциональное самочувствие, развитие. Поддержка основывается на трех принципах: любить ребенка; очеловечить среду, в которой он живет; прожить в ребенке свое детство. Чтобы поддержать ребенка, педагог должен сохранять в себе ощущение детства; развивать в себе способность к пониманию ребенка и всего, что с ним происходит; мудро относиться к поступкам детей; верить, что ребенок ошибается, а не нарушает с умыслом этические нормы; защищать ребенка; не думать о нем плохо, несправедливо и, самое важное, не ломать детскую индивидуальность, а исправлять и направлять ее развитие, помня, что ребенок находится в состоянии самопознания, самоутверждения, самовоспитания. Современные личностно-ориентированные образовательные технологии учитывают возрастные, индивидуально-психологические особенности учащихся, ориентируются на ученика как на субъект образовательного процесса, который совместно с учителем может определять учебную цель, планировать, подготавливать и осуществлять образовательный процесс, анализировать достигнутые результаты. Среди новых педагогических технологий выделяется технология проектов и метод проектов. Педагогика, в которой роль учителя сводится лишь к передаче знаний, постепенно отходит на второй план и заменяется другими формами работы. Творческое развитие способностей ребенка в репродуктивной педагогике вряд ли возможно. Развитие ребенка – это прежде всего развитие личности. Слушая на уроке учителя, ребенок, к сожалению, привыкает не работать. Творческий потенциал ученика не проявляется. Что такое знание, образование, обучение в традиционной системе преподавания? Это деятельность учителя, который понуждает ученика, вынуждает его выполнять определенные действия, властвует над волей ребенка. В такой ситуации ученик угадывает цели учителя, чего именно добиваются от него, но редко он осознает эти цели как собственные.

Современный этап развития общества выдвигает особые требования к школьному образованию. Цель его – воспитание активной, творческой личности, способной к саморазвитию, умеющей самостоятельно добиваться знания в условиях исследовательского поиска, самостоятельно выбирать средства и способы решения задач, умеющей контролировать и оценивать самостоятельную деятельность, способной организовывать дискуссию по выработке критериев правильности решения, а также представлять продукт своей деятельности. Именно проектная форма педагогической предполагает отход от авторитарных и репродуктивных методов обучения и предусматривает продуманное и обоснованное сочетание разных форм деятельности с многообразием методов и средств обучения. Метод проектов привлекателен как для учителя, так и для учеников:- проект

разрабатывается по совместной инициативе учеников и учителя; - работа по проекту является исследовательской, моделируя настоящую научную работу; - проект имеет педагогическое значение: ученики самостоятельно приобретают знания, развивают свои мыслительные способности, овладевают необходимыми способами решения учебных проблем, выстраивают взаимоотношения; - проект заранее спланирован, но вместе с тем допускает и изменения в ходе работы; - проект позволяет постепенно двигаться к цели.
Какие цели мы ставим, используя метод проектов на уроках? Образовательные – развивать в учениках мыслительную по математике и языковую рефлексию, продумывать работу с учениками так, чтобы они задумывались над тем, как мы говорим, почему мы так говорим, как эти знания использовать в дальнейшем. Ученики, работая над своей темой, учатся собирать языковой материал, анализировать его, делать выводы, читать специальную литературу, осваивать терминологию и т.п., то есть приобщаться к культуре исследования и углублять свои знания в лингвистике, а также в других областях гуманитарной и естественной науки. Воспитательные – воспитывать терпимость к чужому мнению, внимательное, доброжелательное отношение к суждениям других учеников, нести личную ответственность за выполнение коллективной работы и т.п.. Развивающие – развивать умение работать самостоятельно со специальной дополнительной литературой, расширять кругозор, повышать эрудицию, развивать интерес к различным источника знаний, развивать творческие способности учеников, умение предъявлять свою работу другим и т.п.. В процессе работы над проектом могут возникнуть такие проблемные ситуации: ученики не знают способов решения поставленной задачи, не могут ответить на»проблемный»вопрос, дать объяснение новому факту в учебной ситуации; ученики не умеют использовать ранее усвоенные знания в новых практических условиях; ученики не владеют теоретическими знаниями для объяснения выполненного учебного задания. Метод проектов предполагает совокупность учебно-воспитательных приемов, которые позволяют решить ту или иную проблему путем самостоятельных действий учеников, с обязательной презентацией этих результатов. Основные этапы и содержание проектной деятельности.

Этап Содержание деятельности

Поисковый Определение тематического поля и темы проекта.

Поиск и анализ проблемы.

Выдвижение гипотезы проекта.

Обсуждение методов исследования.

Аналитический Анализ имеющейся информации.

Поиск оптимального способа достижения цели проекта.

Построение алгоритма деятельности.

Пошаговое планирование работы.

Практический Самостоятельная работа учащихся в группах, обсуждение задания каждого участника группы.

Промежуточное обсуждение полученных данных.

Презентационный Оформление конечных результатов.

Подготовка и проведение презентации, защита проекта.

Контрольный Анализ результатов.

Корректировка.

Оценка качества проекта.

Внутренняя оценка работы каждого участника группы.

Внешняя оценка работы групп.

Наиболее характерны для учебных проектов следующие организационные нормы:

- работа в группах,»мозговой штурм»,»круглый стол»;
- самостоятельная работа учащихся;
- консультации экспертов;
- творческий отчет, просмотр,»защита»проекта.

Проектная работа будет иметь большое значение для ученика и учителя, если замысел работы, ее идея возникнут при изучении той или иной темы на уроке или на занятиях спецкурса. Тема проекта может касаться теоретического вопроса учебной программы и будет способствовать углублению знаний ученика по этому вопросу, разнообразие тем поможет дифференцировать процесс обучения. Темы проектов касаются актуальных практических вопросов и требуют привлечения знаний учащихся не по одному предмету. Таким образом, достигается вполне естественная интеграция знаний. Работая над темой»Использование новых педагогических технологий как способ активизации учебного процесса», данные формы работы позволяют усовершенствовать методику обучения, углубить и расширить знания учащихся, исходя из их способностей, интересов и индивидуальных особенностей. А создание на уроке благоприятных психолого-педагогических условий обеспечит активное стимулирование у учащихся самоценкой образовательной деятельности на основе самообразования, саморазвития, самовыражения в ходе овладения знаниями.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НА УРОКАХ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Ахмедова Ш.Б. АОИППКРНО (АВХТХҚТУМОИ) преподаватель "Информатики" кафедры»Естественные и точные науки»

Юлдашева Д.А. Андижанская область город Андижан учитель начальных классов общеобразовательной школы № 33

Использование на уроках новых педагогических и инновационных технологий как способ активизации учебного процесса»позволяют усовершенствовать методику обучения, углубить и расширить знания учащихся исходя из их способностей, интересов и индивидуальных особенностей. А создание на уроке благоприятных психолого-педагогических условий обеспечит активное стимулирование у учащихся самооценкой образовательной деятельности на основе самообразования, саморазвития, самовыражения в ходе овладения знаниями, технологии личностно - ориентированного образования. С традиционными педагогическими понятиями формы, средства и методы обучения, в последние десятилетия широко употребляются термины педагогические технологии, технологии образования, новые педагогические, инновационные учебные технологии и т.п. В чем состоит принципиальное различие этих понятий и вносят ли новые термины ощутимую новизну и прогресс в современную методическую науку и практику преподавания? Чтобы ответить на этот вопрос, попробуем разобраться в понятии образовательная технология. Учителя часто употребляют образовательную технологию, определяют как совокупность определенных форм и методов обучения, обеспечивающую создания учениками образовательной продукции. В основе определения образовательных технологий лежат те цели, которые должны быть достигнуты (образовательный результат), способ взаимосвязанной деятельности учителя и ученика и их роль в образовательном процессе. Современный образовательный процесс характеризуется общей направленностью на дидактические системы гуманно-личностные ориентации, одна из главных задач которых состоит в том, чтобы не только дать знания учащимся, но и пробудить личностный мотив, привить интерес к обучению, тягу к самосовершенствованию,»научить учащихся учиться».

В связи с этим перемещается акцент с методов, позволяющих обеспечить общее развитие личности ребенка и гарантированно обеспечить доступность, качество и эффективность образования. Личностно-ориетированные технологии воплощают гуманистические идеи в педагогике, психологии и методике. В данных технологиях ребенок рассматривается как уникальная личность, которая стремится к максимальной реализации своих качеств, открытая для понимания смысла деятельности и восприятия нового опыта, способна осознавать жизненные явления и процессы и ответственно выбирать правильное решение в различных ситуациях. В отличии от простой передачи воспитаннику знаний и социальных норм в традиционных технологиях здесь главное для педагога – осознавать ценность

развития личности ребенка, а для обучаемых – развивать перечисленные качества. Приоритетные задачи личностно-ориентированных технологий в педагогике – формировать и развивать интеллект и речь учеников, развивать критическое и творческое мышление. С помощью инновационных технологий можно рассмотреть три режима информационного обмена: Экстраактивный режим; ИнтерАактивный режим; Интерактивный режим. **Экстраактивный режим**: информационные потоки направлены от субъекта к объекту обучения. Ученик выступает в роли пассивного обучаемого.Этот режим характерен для традиционных технологий. **ИнтерАактивный режим**: информационные потоки идут на ученика или группу, вызывают их активную умственную деятельность, замкнутую внутри них. Этот режим характерен для технологий самостоятельной деятельности, самообучения, саморазвития. **Интерактивный** режим: информационные потоки проникают в сознание, вызывают его активную деятельность и порождают обратный информационный поток, от ученика к учителю. Этот режим и характерен_для интерактивных и инновационных технологий.

Рассматривая три режима подходим для использования технологии «Развитие критического мышления». Критическое мышление — это один из видов интеллектуальной деятельности человека, который характеризуется высоким уровнем восприятия, понимания, объективности подхода к окружающему его информационному полю. Технология разработана в конце X1X в.. В ней синтезированы идеи и методы отечественных технологий коллективных и групповых способов обучения, а также сотрудничества, развивающего обучения: она является общепедагогической, надпредметной.Технология представляет собой целостную систему, формирующую навыки работы с информацией. Она направлена на освоение базовых навыков открытого информационного пространства, развитие качеств гражданина открытого общества, включённого в межкультурное взаимодействие. Технология открыта для решения большого спектра проблем в образовательной сфере.

Цели технологии

- Формирование нового стиля мышления, для которого характерны открытость, гибкость, осознание внутренней многозначности позиций и точек зрения, альтернативности принимаемых решений.
- Развитие таких базовых качеств личности, как рефлексивность, коммуникативность, креативность, мобильность, самостоятельность, толерантность, ответственность за собственный выбор и результаты своей деятельности.

Стимулирование самостоятельной поисковой творческой деятельности, запуск механизмов самообразования и самоорганизации.

- Развитие аналитического мышления:
- научить выделять причинно-следственные связи;
- рассматривать новые идеи и знания в контексте уже имеющихся
- выделять ошибки в рассуждениях;
- уметь делать вывод о том, чьи конкретно ценностные ориентации, интересы, идейные установки отражают текст или говорящий человек;
- избегать категоричности в утверждениях;
- определять ложные стереотипы, ведущие к неправильным выводам;
- выявлять предвзятые отношение, мнение и суждение;
- уметь отличать факт, который всегда можно проверить, от предположения и личного мнения;
- подвергать сомнению логическую непоследовательность устной или письменной речи;
- сортировать информацию с точки зрения её важности,»отсеивать»второстепенную, критически оценивать новые знания, делать выводы и обобщения.

Особенности технологии

Не объём знаний или количество информации, уложенное в

голову ученика, является целью образования, а то, как он умеет управлять этой информацией: искать, наилучшим способом присваивать, находить в ней смысл, применять в жизни.

♦ Не присвоение»готового»знания, а конструирование своего, которое рождается в процессе обучения.

♦ диалоговый, интерактивный режим занятий, совместный поиск решения проблем.

♦ Умение мыслить критически — это не выискивание недостатков, а объективная оценка положительных и отрицательных сторон в познаваемом объекте.

Особенности организации

В основу технологии положен базовый дидактический цикл, состоящий из трех фаз. Каждая фаза имеет свои цели и задачи, а также набор характерных приёмов, направленных сначала на активизацию исследовательской, творческой деятельности, а потом на осмысление и обобщение приобретённых знаний.

Первая стадия —»вызова»,_во время которой у учащихся активизируются имевшиеся ранее знания, пробуждается интерес к теме, определяются цели изучения предстоящего учебного материала.

Вторая стадия —»осмысление»— содержательная, в ходе которой и происходит непосредственная работа ученика с текстом, причём работа направленная, осмысленная. Процесс чтения всегда сопровождается действиями ученика (маркировка, составление таблиц, ведение дневника), которые позволяют отслеживать собственное понимание. При этом понятие»текст»трактуется весьма широко: это и письменный текст, и речь преподавателя, и видеоматериал.

Третья стадия — стадия»рефлексии»—размышления. На этом этапе ученик формирует личностное отношение к тексту и фиксирует его либо с помощью собственного текста, либо своей позиции в дискуссии. Именно здесь происходит активное переосмысление собственных представлений с учётом вновь приобретённых знаний.

Кроме развития критического мышления нам необходимо направлять умения учеников на развития мелкой моторики. Это надо разрабатывать на уроках труда, используя ручной работы с разноцветным песком, пластилином размазывая руками на бумаге рисунок разными цветами, создавать гамму цветов, иллюстрируя рисунок. А для визуала восприятия нужны мультимеда и презентации, которые развивают умственные способности восприятия и дают отличный эффект овладения знаниями, укрепляя память. На сегодняшний день актуальные проблемы с ИКТ внедряются ещё больше, улучшается самообразование учеников через»Интерактивные доски»и»Электронные доски». Надо признать все лучшие технические базы снабжения дают лучшие показатели связи с компетенцией.

BOSHLANG`ICH SINF O`QUVCHILARINI O`YIN OR QALI FAN ASOSLARINI O`RGANISHGA QIZIQTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK OMILLARI

L. Saidaxmedova, Zarafshon shahar O`KYPPDMT kichik guruh psixologi.

Hozirgi kunda respublikamizda o`quv jarayonida pedagogik texnologiyalardan foydalanish bo`yicha ko`plab qo`llanma va uslubiy tavsiyalar mavjud. Respublika ta`lim markazining “O`quv-tarbiya jarayonini faollashtirish va jadallashtirish (intensivlash) asosidagi pedagogik texnologiyalar” uslubiy tavsiyasida pedagogik texnologiya, metodika, o`yinli texnologiyalar, muammoli ta`lim texnologiyasi haqida atroflicha tushuncha berilgan. Zarafshon shahar maktablarida ta`lim rus, o`zbek, qozoq tillarida olib boriladi. Albatta, biz Respublika ta`lim markazi tomonidan berilgan uslubiy ko`rsatmalarni ta`lim tilidan qat`iy nazar o`qituvchilar bilan ishlab chiqib, ularni o`quv jarayonida qo`llashni amalga oshiramiz. Bundan tashqari, ijodkor o`qituvchilar bilan hamkorlikda boshqa metodik qo`llanmalardan ham foydalanamiz. Pedagog-olim L.S. Viugotskiyning o`yin texnologiyalari haqidagi nazariy ma`lumotlarini ham ishlab chiqishga harakat qildik. L.S. Viugotskiyning ta`kidlashicha: “shaxsni kamol toptirishda o`yin muhim ta`limiy va tarbiyaviy ahamiyatga ega va o`quvchilarning bilish qobiliyatlarini rivojlantirishda ham o`yinning

muhim ijobiy tomonlari mavjudligi e`tirof etilgan”[1.217]. Shuningdek, o`yin o`quvchilarning motivatsion, intellektual va bilish qobiliyatlarini rivojlantirishda pedagogik va psixologik ahamiyatga ega bo`lgan muhim ilmiy xulosalarga asoslangan omillardan hisoblanishi ilgari ham, hozir ham dunyo olimlari tomonidan ijobiy natijalar berishi ilmiy asosda isbotlangan.

Jumladan, Rossiya Federatsiyasida chop etilgan “Psixologiya igri” (O`yin psixologiyasi) nomli monografiyada ta`kidlanishicha, o`yinning bir qancha psixologik va pedagogik omillari ko`rsatib o`tilgan hamda kichik maktab yoshidagi bolalar psixik taraqqiyotida, o`yinning ijobiy roli haqida juda ham izchil fikrlar bayon etilgan. Bizda ham kichik maktab yoshdagi maktab o`quvchilarining motivacion, intellektual va bilish qobiliyatlarini rivojlantirishda o`yinning ahamiyati haqida juda ham ko`p maqola va kitoblar chop etilgan. Lekin undagi pedagogik va psixologik omillarning ahamiyati atroflicha tadqiq etilmagan[2.109].

Demak, yuqoridagi olimlarning fikriga tayangan holda kichik maktab yoshdagi o`quvchilar uchun o`yinning pedagogik-psixologik asoslari va ularning omillarini tasniflashda tavsiya etiladigan o`yinlarning asosiy qismini milliy harakatli va intellektual o`yinlardan tashkil topishi muhimligi kundalik tajribalarimizdan kuzatilmoqda. Maktablarda, ayniqsa, maktabda psixologik xizmat ko`rsatish mutaxassislarining tavsiyalari bo`yicha o`yin o`quvchilarga “razmenka”(toliqqan paytida zeriktirmaslik uchun qo`llaniladigan vosita sifatida) tavsiya etilmoqda. Bu tavsiyalarni esa har tomonlama ijobiy tomonlarini o`rgangan holda, o`quvchilarning psixologik va jismoniy xususiyatlarini hisobga olgan holda quyidagi tartibdagi o`yinlar tavsiya etilishi metodik jihatdan ishlab chiqilmoqda:

5. Harakatli o`yinlar.
6. Motivacion o`yinlar.
7. Intellektual o`yinlar.
8. O`quvchilar bilish qobiliyatlarini chiniqtiradigan o`yinlar

Demak, o`yinlar maktab o`quvchilarining yoshligidan to katta yoshga o`tguncha davom etadigan muhim pedagogik va psixologik jarayon ekanligi o`zini oqlamoqda

Yuqorida tasniflanganlarning barchasi o`yin darslari sifatida o`zining metodik ishlanmalariga ega va konseptual xususiyatlarga asoslangan.(Sport o`yinlari alohida jismoniy tarbiya darslarida o`zining talablari asosida o`rganilganligi uchun ularni biz mazkur ishimizga kiritmadik. Sport o`yinlari alohida tahlil etiladi.).

Kichik maktab yoshdagi o`quvchilar faoliyatida o`yinlarni tashkil etishning umummetodologik asoslarini yoritishda quyidagi xulosalarni tavsiya etamiz:

-o`yinning polifunksionalligi –(ko`p qirraligi) ko`pgina funksiya(vazifalarni) bajaradi: jumladan, bilish qobiliyati, intellektual, estetik, emocional, axloqiy-tarbiyaviy vazifalarni;

-o`yinning kommunikativligi- o`yin o`quvchilarning faolligini, ichki ruhiy erkinligini, yosh-psixologik bar`er(to`siqlar)ni engib o`tishni o`quvchilarda taraqqiy ettiradi;

-o`yin faoliyatining adaptatsiyasi(moslashtirilishi)da bolalar jamoasi o`rtasidagi o`yin faoliyatini tashkil etishda ularning yosh-rivojlanuvchi xususiyatlarini hisobga olgan holda o`yin turlarini(ayniqsa mantiqiy o`yinlarni) adaptaciya qilish zarurati tu g`iladi;

-o`yinning maqsadga qaratilganligi – bunda o`qituvchi o`yin situaciyasini tashkil etishda dars maqsadi talabidan kelib chiqib, dars mavzusi,uning maqsadi va vazifalarini amalga oshirishga qaratilishi zarur. Bunga mos kelmasa, mazkur darsda o`yindan foydalanish hech qanday effekt bermaydi;

-o`yinlarning variativligi - bunda o`qituvchi matematika dars mash g`ulotida foydalangan o`yin situaciyasi(vaziyatini) ona tili darsida qo`llash tavsiya etilmaydi. Shu sababdan ham o`yin variativligi degan tushuncha, pedagogikada ham, metodikada ham, psixologiyada ham mavjud.

Xalq ta`limi vazirligi Respublika ta`lim markazi hamda Qori Niyoziy nomidagi O`zbekiston pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti tomonidan ishlab chiqilgan “Bola shaxsini rivojlantirishga yo`naltirilgan ta`lim texnologiyalari»tavsiyasida ta`limning o`yin modellari va ta`limiy o`yinlardan foydalanishning metodik talablari atroflicha tavsiflab berilgan. Dars jarayonida didaktik o`yinlarni hama fanda ham qo`llab bo`lmasligini mazkur tavsiyada ko`rsatilgan. Ammo, ushbu tavsiyada “Ma`lumki, harakatli mashqlar ta`limning har bir turida maktabgacha ta`limdan

tortib umumta`limgacha keng qo`llaniladi. Bunday harakatli metodlarning sinab ko`rilgan bir necha turlarini keltirib o`tamiz»degan mulohaza berilib bir qancha o`yinlarni o`tkazish texnologiyasi ko`rsatilgan. Masalan, **“Poyezd»mashqining**

tavsifi: o`quvchilar partadan tashqariga chiqib, bir qator bo`lib tiziladilar. Keyingi qadam:o`quvchilar poezdga o`xshab birin-ketin partalar orasidagi yo`laklardan yuradilar.O`qituvchi ular “poezd bo`lib” yurayotganlarida “poez bo`lib yuramiz, poez bo`lib yuramiz, uch burchakka bo`linamiz” deyilganda 3 tadan turib olishlari lozim bo`ladi. Ortib qolgan yoki burchaklarga bo`lina olmagan o`quvchilar o`z joylariga o`tiradilar.

Ushbu harakatli mashq o`quvchilar miya faoliyatini yaxshilaydi, kayfiyatini ko`taradi. Ishchanlik va hamjihatlikni oshiradi.

Bu o`yinni maktabgacha hamda boshlang`ich sinflarda o`tkazish mumkin. Shuningdek, ona tili, matematika, adabiyot, kimyo, biologiya darslarida qo`llash o`rinli emas, deb o`ylaymian. Bu harakatli o`yin-mashqini mehnat, jismoniy tarbiya, tasviriy san`at kabi darslarda qo`llash mumkin.

Fikrimcha, maktab o`qituvchilari uchun tavsiyalarda berilayotgan didaktik o`yinlarni qo`llanilishi fanlar va sinflar kesimida ko`rsatib berilishi maqsadga mmuvofiqdir.

“Koptokli mashq»mashqi haqida ham yuqori dagi fikrlarni aytish mumkin. Yuqori sinf o`quvchilar koptokni bir-biriga otib savol-javob o`tkazishi zerikarli bo`ladi.

Mazkur tavsiyadagi “Xo`p”, “Bayroqcha kimda?”, “estafeta “mashqlarini 1-4-sinf o`quvchilari bilan o`tkazish mumkin. Chunki, bugungi yoshlarning tafakkuri keng, ular internetdan foydalanishni mukammal biladi, dunyo yangiliklaridan xabardor. Shu bois ular bilan chuqur mulohaza yuritishga yo`naltirilgan pedagogik texnolgiyalar asosida dars jarayonini tashkil etish lozim.

Shunday qilib, richik yoshdagi o`quvchilar uchun didaktik jarayonlarni tashkil etishda o`yin texnologiyasidan foydalanishda ularning pedagogik va psixologik asoslariga izchil rioya etilishi shart va zarur. Aks holda foydalanilayotgan o`yin texnologiyasi samarasiz natija beradi.

BOSHLANG`ICH SINF ONA TILI TA`LIMIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKATIYA TEXNOLOGIYALARINING O`RNI

Hasanova R., Navoiy viloyati Navbahor tumanidagi 21-umumta’lim maktabi o`qituvchisi.

Mamlakatimizda ijtimoiy hayotning hamma jab halarida modernizatsiya jarayonining faollashuvi, jumladan, ta`lim tizimida har tomonlama barkamol insonni voyaga etkazish borasidagi islo hotlar o`qituvchilar zimmasiga ulkan mas`uliyatni yuklamo qda. O` qituvchi davr bilan hamnafas holda ta`lim samaradorligiga erishmog`i lozim. Samaradorlikka erishish uchun, ayniqsa, boshlan g`ich sinfda har bir bolaning individual-psixologik xususiyatlarini hisobga olishgan t holda ularning bilish faoliyatini rivojlantirish kerak. Ma`lumki, ta`lim samaradorligida zamonaviy pedagogik va yangi axborot texnolgiyalarining o`rni kattadir. Samara o`quv mavzularining o`quvchilar tomonidan to`li q o`zlashtirilishiga erishish demakdir. Boshlang`ich sinf ona tili fanidan o`z tajribamda qo`llagan texnolgiyalardan namnalarni misol qilib ko`rsatmo-qchiman.

2-sinf ona tili darslarida “Bilaman. Bilib oldim. Bilishni xohlayman»usulidan foydalanish

2-sinf ona tili fanidan 4-chorakda “Gap. Gap tugallangan mazmunni bildiradi (245-, 246-mashqlar)”, “Gapda tinish belgilarining vazifasi (247-, 249-mashqlar)”, “Gap kimlar yoki nimalar haqida aytiladi (250-, 252-mashqlar)”, “Gap haqidagi bilimlarni umumlashtirish (253-, 255-mashqlar)»mavzulari tugatilgach, shu mavzular yuzasidan “Takrorlash»darsini “Bilaman. Bilim oldim. Bilishni xohlayman»interfaol usulidan foydalanib o`tkazgan tajribamni tavsiya etaman. Ushbu interfaol usul va ta`limiy o`yin o`quvchilarning gap haqida olgan bilim va ko`nikmalarini mustahkamlashda yaxshi samara beradi. “Bilaman. Bilib oldim. Bilishni xohlayman»usuli yordamida o`qituvchi o`quvchining gap to`g`risidagi tushuncha va fikrlarini umumlashtiradi, aniqlaydi. Sinf o`quvchilari beshta guruhga bo`linadi, guruhlar nomlanadi. Yozuv taxtasiga 3 ta oq plakatga, 1-birinchisiga-“Bilaman”, ikkinchisiga “Bilib oldim”, uchinchisiga esa “Bilishni xohlayman»degan so`zlar yoziladi. So`ngra o`qituvchi o`quvchilardan o`tilgan mavzular yuzasidan

qanday ma`lumotlarga ega ekanliklarini so`raydi va bildirilgan fikrlarni “Bilaman” nomli bandga yozib qo`yadi. Guruhlar gap haqida o`tilgan mavzular yuzasidan olgan bilimlarini quyidagicha bayon etishi mumkin:

“Bilaman”

1-guruh: Gap so`zlardan tashkil topadi. Masalan: “O`quvchilar o`z maktablarini sevadilar»gapi “O`quvchi, o`z, maktab, sevadi” (245-mashq 100-bet) so`zlaridan tashkil topgan.

2-guruh: Gap orqali biz o`z fikrlarimizni bayon qilamiz. Masalan: Men dars tayyorlayman.

3-guruh: Gap oxiriga tinish belgilarini qo`yamiz.

4-guruh: Gap kimlar haqida aytilganini bildirgan so`zlar tagiga bitta chiziq chizamiz. Masalan: “**Bolalar** donxo`rak **yasadilar**»(253-mashq 103-bet) gapini tahlil qilganimizda, gap bolalar haqida aytilganini aniqladik. Shu so`z tagiga bitta chiziq chizamiz. Bolalar haqida nima deyilganini bildirgan so`z tagiga ikkita chiziq chizamiz. Demak, yasadilar so`zini tagiga ikkita chiziq tortamiz. Hamma gaplarni shu tarzda tahlil qilishni bilamiz.

5-guruh: Gapning boshini katta harf bilan boshlaymiz. Masalan: “Hammaga to`n tikadi, O`zi yalang`och” (252-mashq 103-bet) topishmog`ini tahlil qilsak, u ikkita gapdan tashkil topgan. “Hammaga” va “O`zi»so`zlari bosh harf bilan boshlangan.

Keyingi bosqichda o`quvchilarga o`tilgan mavzularga oid matnlar tarqatiladi. Ushbu matnlar mavzular bo`yicha eng asosiy tushunchalarni o`z ichiga oladi. O`quvchilar matn bilan tanishib chiqqandan so`ng fikr yuritishlari hamda mavzuga oid yana qanday ma`lumotlarni o`zlashtirganliklarini aniqlashlari lozim.

O`qituvchi o`tilgan mavzular yuzasidan quyidagicha matnlarni tarqatishi mumkin:

1-matn: Gap biror narsa haqida xabar mazmunini bildirsa, oxiriga nuqta qo`yiladi.

Gap so`rash mazmunini bildirsa, oxiriga so`roq belgisi qo`yiladi.

Gap kuchli his-hayajon bilan aytilsa, oxiriga undov belgisi qo`yiladi. (101-bet)

Xabar, so`roq va his-hayajon mazmunini bildirgan uchta gap tuzing. Har bir gapga tegishli tinish belgisini qo`ying.

2-matn: Gap kim (kimlar) yoki nima (nimalar) haqida aytiladi va ular haqida fikr aytiladi. (Kim?) **Shifokor** bemorlarni (nima qiladi?) davolaydi. (Nima?) **Oltin** o`tda (nima qiladi?) bilinadi. (103-104-betlar)

Quyidagi gaplar (kim? kimlar?) yoki (nima? nimalar?) haqida aytilganini topib, tagiga bitta chiziq chizing. **Bolalar gulni yaxshi ko`radi. Gul ochiladi.**

O`quvchilar o`z xulosalari asosida fikrlarini bayon etadilar, ushbu fikrlar “Bilib oldim»nomli ustunga yozib qo`yiladi:

“Bilib oldim”

1) Gap biror narsa haqida xabar mazmunini bildirsa, oxiriga nuqta qo`yamiz. **Masalan: O`qituvchi darsga kirdi.**

2) Gap so`rash mazmunini bildirsa, oxiriga so`roq belgisi qo`yamiz.

Masalan: O`qituvchi darsga kiradimi?

3) Gap kuchli his-hayajon bilan aytilsa, oxiriga undov belgisini qo`yamiz.

Masalan: O`qituvchi biz uchun aziz!

4) **Bolalar** gulni yaxshi ko`radi. Gap bolalar haqida aytilgan. Bolalar so`zining tagiga bitta chiziq chizamiz.

5) **Gul** ochiladi. Gap gul haqida aytilgan. Gul so`zining tagiga bitta chiziq chizamiz.

So`nggi bosqichda o`qituvchi o`quvchilardan gap haqidagi yangi mavzular bo`yicha qanday ma`lumotlarni o`zlashtirish istagida ekanliklarini so`raydi. Guruhlardan navbati bilan fikr so`raladi. O`quvchilar tomonidan bildirilgan fikrlar “Bilishni xohlayman»nomli ustunga yozib boriladi.

“Bilishni xohlayman”

1) Gapda so`zlar qanday bog`lanadi?

2) Gap bitta so`zdan iborat bo`lishi mumkinmi?

3) Biz a`lochi o`quvchilarmiz. Gapda so`zlar qanday bog`lovchi vositalar yordamida bog`langan.

4) Gap tuzishda yana nimalarga e`tibor beraylik.

5) Gapni kengaytirish mumkinmi?

O`quvchilar shu tarzda o`zlarini qiziqtirgan savollarni berishadi. O`qituvchi ularning savollariga javob beradi. Keyingi darslarda o`tiladigan mavzular davomida yana yangi ma`lumotlar bilan tanishtirishini aytadi.

O`quvchilar 3-sinf ona tili darslarida berilgan mash qlarni darslikda berilgan savol-topshiri qlar asosida bajarib, o` qituvchining tushuntirishga hech qanday e htiyoj yo` q, nazarimizda. O`quvchilarda ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirishda darslar jarayonida darslikdagi berilgan materiallardan tash qari ijodiy ish olib borish lozim.

Darslikdagi "Ot ha qida ma`lumot" mavzusini o` qituvchi komp`yuter or qali tayyorlangan ko`rsatma asosida mash g`ulotni quyidagicha tashkil etish mumkin:

1. O`qituvchi 199-mash q matnini komp`yuterda animaciyali rasmlar or qali ko`rsatsa, o` quvchilar bunda, birinchidan, so`zlarning o` qilishi hamda yozuvini o`rganadi, mazmuni bilan tanishadi hamda rasmli ko`rgazmada o` quvchilar mazkur predmetning aynan tasvirini ekranli doskada ko`radi.

2. Mazkur mash q bo`yicha darslikda berilgan savol-topshiri qlar ham komp`yuter or qali ekranli doskada namoyish etiladi. O`quvchilar "Matn necha qismdan iborat? Birinchi qismda nimalar ha qida gapirilgan? Ikkinchi qismda-chi?»Matndagi nima so`ro g`iga javob bo`lgan so`zlarni ko`chirib yozing? degan topshiri qlarni bajarishda qiynalmaydi.

Ikkinchi darsda o` quvchilarga otlarning yasalishi yuzasidan tushunchalar beriladi. O`quvchilar dastlab 202-mash qda berilgan matnnni o`qiydi, keyin matndagi har bir so`zga so`ro q berish or qali bu so`zlar ot so`z turkumiga kirishini ani qlaydi. Bu mavzuni o` quvchilar oson va tez o`zlashtirishi uchun animaciyali rasmlardan foydalanishning a hamiyati katta. Rasmlarni ko`rgan o`quvchilar bu so`zlarni ma`noviy guru hlarga tez ajratadi.

Yoki "Otlarda birlik va ko`plik»mavzusi yuzasidan berilgan 221-222-mash qlar ustida ishlashda ham aniaciyali rasmlardan foydalanish yaxshi samara beradi.

221-mash qda ajratib ko`rsatilgan savollarga o` quvchilar javob berish or qali bu otlarning birlik va ko`plikdaligini ajratishni o`rganadi.Shu o`rinda quyidagicha animaciyali rasmdan foydalanib, uni ekranli doskada namoyish etilsa, o` quvchilar birlikdagi ot birgina predmetligini, ko`plikdagi ot esa bir necha predmet ekanligini tezda anglab oladi.

Masalan: 1. **O`quvchi** topshiriqni to`g`ri bajardi. 2. **O`quvchilar** sayo hatga tayyorgarlik ko`rdilar.

1-gapdagi "O`quvchi»so`zining yoniga bir o`quvchi faoliyati tasvirlangan rasm, 2-gapdagi "O`quvchilar"ga esa bir guruh bolalar faoliyati haqidagi rasm namoyish etiladi.

Tajribamdan ma`lum bo`ldiki, birinchidan–ushbu mash q turlarini barcha o` quvchi bajaradi. ikkinchidan, dars jarayonida o`quvchilar orti qcha zo`riqmaydi.

95-darsda "Birlik va ko`plikdagi otlarni farqlash" mavzusi bo`yicha 227-228-mashqlar berilgan. 227-mash qda "Istiro hat bo g`ida»nomli matn berilgan. Bu mash q ustida ishlashda avval istiro hat bo g`i tasvirlangan slaydlarni ham animacion (jonlantirilgan) holatda, uzviy ketma-ketlikda o`quvchilarga ko`rsatiladi. Bu topshiri q kompyuter or qali etilganligi uchun uncha uzo q va qtni olmaydi. Keyin o`quvchilar o`z bilganlarni, tushunchalarini so`zlab beradi. Bunda o`qituvchi ham va qtni tejaydi, ham barcha o` quvchilarning faol qatnashishiga erishadi. Chunki keyingi 228-mash qda rasm asosida hikoya tuzish berilgan. Bu esa o` quvchilarning "Issi qxonada»nomli hikoya tuzishida imkoniyat yaratadi.

"Ot yasovchi qo`shimchalar", "Ot yasovchi qo`shimchalarning turlari»mavzularini o`quvchilarga tushuntirishda slayd oldindan tayyorlanib, ularga ko`rsatiladi.

235-mashqdagi otlardan so`zlarning asosi-o`zakni bir ustunga, so`z yasovchi qo`shimcha olgan otlarni ikkinchi ustunga yozilgan jadvalni namoyish etib, ularning farqlanishi haqida o`quvchilar bilan savol-javob o`tkaziladi. O`zakka qo`shilib, yangi ma`noli so`z hosil qilishi ko`rgazmali misollar o`quvchilarg

aniq misolar asosida tushuntirilsa, otlarning yasalishni yaxshi o`rganib oladi. Quyidagi matnni ham slayd orqali ko`rsatilishi lozim:

So`z asosi – o`zakka qo`shilgan -chi, -kor, -dosh qo`shimchalar shaxs ma`nosini, -zor, -lo q qo`shimchalari o`rin-joy bildiradigan otlar yasaydi.

Navbat-navbatchi, su hbat-su hbatdosh, paxta-paxtakor, olma-olmazor, tosh-toshlo q.

Ot yasovchi qo`shimchalarni o`rgatish jarayonida o`quvchilar so`zlarning ma`nolari o`rtasidagi uy g`unlashuv haqida ham ma`lumotga ega bo`ladi.

Demak, ona tilidan har bir mavzuni kompyuter orqali ekranlashtirilgan, tablitsalar hamda slaydlar asosida o`quvchilarga o`rgatish dars samaradorligini oshiradi.

BOSHLANG`ICH SINFLARDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING SAMARALI USULLARI

SHodiyeva S, Navoiy viloyati Navbahor tumanidagi 21-umumta'lim maktabi o`qituvchisi.

O`z kasbini sevgan o`qituvchi avvalo o`z fani hamda yondosh fanlar bo`yicha chuqur bilimga hamda yuksak pedagogik mahoratga ham ega bo`lmog`i lozim.

O`qituvchi o`z bilimini o`quvchilarga bera olishi, ularda bilim olishga intilishni uy g`ota olishi, darslarda bolada mustaqil fikrlash malakalarini shakllantirish va undagi qobilyatlarni rivojlantira olishi kerak. Buning uchun oq‘tuvchi dars lar davomida pedagogik ta`sir ko`rsatish usullaridan unumli foydalana bilishi lozim.

Darsda eng avvalo o`qituvchining asosiy tayanchi darslik va o`quv dasturidir. Darslikda berilgan mavzularning o`quchilar tomonidan qanday o`zlashtirishi kerakligini belgilovchi me'yor davlat ta'lim standatlari hisoblanadi. Boshlang`ich ta'lim darsliklariga kiritilgan o`quv materiallari o`quvchilar ehtiyojini ma'naviy-ma'rifiy, axloqiy-tarbiyaviy tomondan qondirishga moslangan holda tuzilgan. O`qituvchi darslik materiallarini o`quvchilar tomonidan to`liq o`zlashtirishlari uchun darsning ta'limiy maqsad va metodlarini pedagogik talablar asosida tashkil etishi lozim. Bugun zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikaciya texnoligiyalaridan xabardor bo`lmagan o`qituvchining o`zi bo`lmasa kerak. Yetakchi pedagog-olimlar va metodistlar tomonidan zamonaviy pedagogik va yangi axborot-kommunikaciya texnologiyalarini o`quv jarayonidan qanday foydalanish keraklig ishlab chiqilib, amaliyotda qo`llanilayotgani yangilik emas. Hatto, darsliklardagi mavzularni o`tishda o`qituvchi mavzu yuzasidan nazariy ma'lumotlarni birdan o`quvchiga tushuntirmasdan avval bolalarni mushohada qilishga chorlaydigan savol va topshiriqlar ham interfaol usullarga asoslangan. Ammo, ta'lim samaradorligini oshirishda o`qituvchi asosiy rol o`ynaydi. Ta'lim samaradorligi o`quvchilarning mavzularni qaydarajada bilib olganligi va amaliyotda qo`llay olish malakasi bilan o`lchanadi. Ta'lim sifat-samaradorligini oshirishda o`qituvchi o`quvchilarni ko`proq mustaqil fikrlashga o`rgatishi va zehnini charxlashi lozim.

Buning uchun o`qituvchi dasturga kiritilgan va darsliklarda berilgan materiallar bilan cheklanmay, o`rganiladigan mavzuga yondosh qo`shimcha materiallarni bilishi, har bir mavzuni o`tishda uning tarbiyaviy a hamiyatini ham hisobga olib, o` quvchilarning bilim-saviyasini va ularning o`ziga xos shaxsiy psixologik xususiyatlarini, qiziqishi va dunyo qarashlarini ham nazarda tutisha lozim. Bunda darsning rejasini tuzayotganda o`qituvchi zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnoligiyalarni darsda o`rinli qo`llashni ham nazarda tutushi kerak.

Xalq ta'limi vazirligi hamda Respublika ta'lim markazi tomonidan maktab o`qituvchilari amaliyotda qo`llashi uchun zaruruy metodik qo`llanma va tavsiyalar biz uchun muhim vositalar bo`lib qolmoqda. Men darslarimda ushbi metodik qo`llanmalarda berilgan innavatsiyon texnologiyalardan foydalanish texnologiyalar bo`yicha berilgan nazariy ma'lumotlarni doimo o`qib-o`rganib boraman.

Masalan, Ta'lim markazi tomonidan (2011-yil) ishlab chiqilgan "Innovacion texnologiyalar:nazariya va amaliyot" qo`llanmasida berilgan zamonaviy pedagogik texnologiyalari asosida darslarni tashkil etish yaxshi samara beradi. Masalan, "Savollar berish metodikasi" bo`yicha o`quvchilarga beriladigan savollar ham metodika talablariga mos bo`lishi kerakligi haqida tavsiyalar berilgan. Unda pedagogikada savol berish turlari olti xilga bo`lishligi ko`rsatilgan. Men dasrlarimda aniqlovchi savollar, ijodiy savollar, amaliy savollardan ko`proq foydalanaman. Quyida o`z tajribamdan misol keltiraman. 3-sinf o`qish fanidan Hamidulla Yoqubovning "Inson insonga

o`rtoq” she’rini o`rganish o`quvchilarda mehnatga muhabbat, do`stlik hissini shakllantirishda, odamlar o`rtasidagi hamjihatlik va o`zaro hamkorlikning ahamiyatini anglashlariga muhim o`rin tutadi. (3-sinf “O`qish kitobi” 208-bet). She’r mazmuni mohiyatiga ko`ra, insonlarni mehnat qilishga, og`ir ishni bajarishda bir-birlariga yordam berishga, ko`pchilikdan ish qolmasligiga, birlashishga, ahilikka undaydi.

O`qituvchi bu mavzuni o`tayotganda she’rni yod oldirishdan tashqari, turli savollar yordamida she’rda ilgari surilgan g`oyani o`quvchilarning kundalik hayoti bilan bog`lagan holda amaliyotga tatbiq qilsa, darsda o`z maqsadiga erishadi. O`qituvchi avval she’rni o`quvchilarga ifodali o`qittiradi. Keyin esa she’rdagi mazmundan kelib chiqib, o`quvchilarga o`zlarining maktab, oila, mahalla hayotida qanday ishlar bilan mashg`ulliklari haqida savollar beradi. Masalan:

1. Kim she’rdagi Turobga o`xshab uyida ko`k piyoz ekkan?

Yoki gul ekkan?

2. Daladagi ekinlarni begona o`tlardan tozalaganmisiz?
3. Agar biror ishni qilishda qiynalsangiz, qaysi o`rtoqlaringizni yordamga chaqirasiz?
4. O`rtog`ingiz sizdan yordam so`rasa, nima qilasiz?
5. Maktab hasharlariga ishtirok etasizmi?
6. Onangizga uy ishlarida yordamlashasizmi?
7. Mahallangizda odamlar sizni odobli, ishchan bola-da, deydimi?

Bundagi 1-, 2-savollar amaliy savollar, 3-, 4-savollar shartlilik tamoyiliga mos bo`lganligi uchun ijodiy savollar,5-, 6-, 7-savollar oddiy savollar. O`qituvchi savollarni berganda, agar bola kundalik hayotida bu ishlarni bajargan bo`lsa, zavqqa to`lib javob beradi. Erinchoq, dangasa bolalar esa uyalib, mulzam bo`lib qoladi. Buni ularning gapirish ohangidan sezib olsa bo`ladi. O`quvchilar mehnat qilish, ahillik insonning eng yaxshi xislatlari ekanligi haqida xulosa chiqaradi. Dangasa bolalar ham o`z kamchiligini to`g`rilashga harakat qiladi. Dars davomida o`qituvchi o`quvchilar o`rtasida ahillik, birdamlikni yanada mustahkamlashga erishadi. O`quvchilarda insoniylik, mehr-oqibat, bir-biriga yordam berish, mehnat qilish kabi yaxshi xislatlar shakllanadi.

Bugun fan va texnika taraqqiy etgan davrda yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari o`quv jarayonida muhim o`rin tutmoqda. AKTlarining o`quvchilarni tabaqalashtirib o`qitishdagi imkoniyati kattadir. Sinfdagi o`quvchilarning o`zlashtirish va qobiliyatiga qarab toifalarga ajratib, har qaysi o`quvchining bilimiga qarab topshiriqlar tayyorlanadi. 3-sinf ona tili fanidan ”So`z tarkibi»bo`limida o`zak va o`zakdosh so`zlarni o`rganishga 5 soat, ta`limiy bayonga bir soat, nazorat ishi va uning tahliliga bir soat hamda o`tilganlarni mustahkamlashga bir soat ajratilgan. Mana shu mustahkamlash darsida o`zak va o`zakdosh so`zlar yuzasidan olingan nazorat ishida o`quvchilarning o`zlashtirish darajasi aniq bo`ladi. Shundan so`ng ular toifalarga ajratilib, avvaldan komp`yuterga topshiriqlar kiritiladi. 1-topshiriq a`lochi va qobiliyatli o`quvchilar uchun, 2-topshiriq o`rtacha o`zlashtirishga ega bo`lganlar uchun, 3-topshiriq o`zlashtirish darajasi sust bo`lgan o`quvchilar uchun, 4-topshiriq o`zlashtirish darajasi past bo`lgan o`quvchilar uchun tayyorlanadi. 1-topshiriq uchun 20 ga yaqin so`zlar komp`yuterga kiritiladi: Ilmli, bog`la, suvchi, bilimsiz, aqlli, o`yla, to`quvchi, kuyla, ishchi, nurli, o`quvsiz, gulli, tog`li, tajribasiz, uxla, o`rinsiz, ovchi, tashla, ongsiz. O`quvchilarga bu so`zlarni aval -la, keyin -siz, so`ngra -chi, oxiri -li qo`shimchasi bilan yasalgan so`zlarni to`rt ustunga ajratib yozish topshiriladi. 2-topshiriq. 1.... kitob o`qiydi. 2.... tulki ovlaydi. 3.... bolalarni o`qitadi. 4.... zavodda ishlaydi. O`quvchilar berilgan gaplardagi nuqtalar o`rniga so`zlarni qo`yib ko`chiradi va bu so`zlar qanday qo`shimchalar bilan yasalganini izohlaydi. 3-topshiriq: Bog`bon daraxt o`tqazyapti. Gulzorda rang-barang gullar bor. Baliqchi baliq ovlamoqda. Ilmsiz ming yashar. Tuzsiz osh. O`quvchilar ushbu berilgan gaplardan so`z yasovchi qo`shimchali so`zlarni ajratib yozadi. 4-topshiriq: Olma, suv, oq, ish, bog`, gul, so`zlariga o`quvchilar so`z yasovchi qo`shimchalarni qo`yib ko`chiradi.

So`z turkumlari bo`yicha o`quvchilarda bilim va malakalarni shakllantirishda ham komp`yuter ta`limining ahamiyati katta. Masalan, sifat so`z turkumi bo`yicha berilgan mavzularni o`tib bo`lgandan so`ng mustahkamlash darslarida komp`yuterga avvaldan kiritilgan sifatga oid so`zlar ekran orqali bolalarga ko`rsatiladi. Masalan, 30-40 ga yaqin rang, maza-ta`m, shakl-hajm, xil-xususiyatni bildirgan nomlar qizil, qora, mayda, keng, shirin, qalin, achchiq, baland, chiroyli,

go`zal, nordon, yaxshi, mayin, yumshoq, oq, odobli, past, malla, mehribon, moviy, chaqqon, dumaloq, dono,mosh rang, nafarmon, och ko`k, ziyrak, pushti, sariq, safsar, qirmizi, och qizil, qoramag`iz, qo`ng`ir, havo rang, yashil, katta, kichkina, aqlli, oppoq. Bolalarga namoyish etilgan so`zlarni o`qib, eslab qolish uchun 5 daqiqa vaqt ajratiladi. Keyin ekran o`chirilib, har bir o`quvchi ushbu sifatlarni eslab, daftariga to`g`ri va xatosiz yozish topshiriladi.

Bunda o`quvchining xotirlash qobiliyati rivojlanadi hamda sifat so`z turkumiga oid so`z-lug`atini boyitishga erishiladi.

O`qituvchi tomonidan kompyuterga oldindan kiritilgan kiritilgan topshiriqlar sanoqli daqiqalar ichida o`quvchilarning ona tili bo`limlari bo`yicha olgan bilimlarini mustahkamlashga xizmat qiladi. Bu esa darsda vaqtdan tejashga va o`quvchilar bilan ko`proq shug`llanishga imkon beradi.

РОЛЬ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ВОСПИТАНИЕ МАЛЫШЕЙ

Джамилова Б. доцент БухГУ, Ибрагимова Н., Шакирова Г., приподаватели русского языка Каганского профессионального колледжа дошкольного образования и сервиса

Различия возрастной психологии у детей достаточно обоснованы в сфере педагогике и психологии. Своеобразие периодов развития новорожденного малыша, детства, дошкольного этапа, подросткового этапа, юношества, совершеннолетия, зрелости и процесс старости объясняется не только годами жизни человека, но и общими физиологическими и психологическими изменениями в организме данного субъекта.

Художественная изучения»сердечного мира»у детей, зеркальное отражение внутреннего мира детей в художественных образах, эстетическое изображение духовной гармонии внутреннего и внешнего мира ставит очень ответственную задачу перед писателем детской литературы. Здесь должны учитываться духовные, умственные и физические особенности детей младшего возраста. Как и кому адресованы эти литературные произведение? - имеет большое значение для воспитания наших детей.

Период образования детей тесно связанного с процессом чтения можно разделить на следующие этапы:

а) период дошкольного образования: от 1,5 – 2 лет до 6 – 7 лет;

б) период начального образования: от 7 до 11 – 12 лет;

в) период среднего образования: от 13 до 16 – 17 лет.

Значимость воспитательной силы детской литературы ещё были отмечены Л.Н. Толстым. Обобщая итоги семидесяти лет своей жизни он писал:»Между мною и пятилетним ребенком один шаг, а с новорожденным и пятилетним ребенком ужасная дистанция»[1.36]. Он прав. Ребенок до пяти лет научится говорит, ходить, у него начинает формироваться разум и психологические особенности. С пяти до семи лет формируется положительные и отрицательные черты характера личности. В этом смысле в высказываниях великих людей о начальном периоде жизни ребенка есть один поучительный секрет: воспитание ребенка очаровательной силой языка имеет очень большой социальный и эстетический значимость. Это показывает многовековой опыт воспитания народа. Разные колыбельные песни, убаюкивание, умилительные хвалебные обращение и интересные сказки – рассказы играли очень большую воспитательную роль в жизни ребенка. Мягкая обращения к ребенке со сладким успокоительным тоном действует положительно в плане формирования личности ребенка. Это единодушно отмечается психологами, педагогами и литературоведами фольклористами. Дети дошкольного возраста еще не умеет читать и не знает смысл книги. Но интерес к окружающему миру у них бывает очень сильный и разнообразный. Все эти вещи они стараются освоит путем подражания. Все персонажи сказок животного и растительного мира для ребенка как люди. В мировоззрение ребенка они говорят, плачет и обижается как люди. С 2 – 3 лет у детей прослеживается сильный потребности к речи и понимание смысла слова. С каждым годом продолжается рост словарного запаса. Если в трехлетнем ребенке оно равна к 1200 – 1500 словам, то в 4 – 5 лет это уже будет около 2500 слов [5.40]. В это время каждая слова имеет только одну смысл или значения. Они еще не

понимает переходного смысла слов. Их интересует музыкальность, игривость и мелодичности слова. Писатели детской литературы большое внимание должны уделят на радостный и шутливый тон текста.

Ребенок дошкольного возраста еще не может самостоятельно выбирать нужную для него книгу. Но они слушает избирательно. Опытные воспитатели и родители быстро улавливает настроению ребенка по изменениям их взгляда. Это может быт восхищение, задумчивость или радость. Опытные родители или воспитатели умеет интересно и с удовольствием прочитать рассказ, сказку и песни.

Слова и поступки ребенка имеет неординарный характер. Например»Рассказ о ребенке который съел самолет»[6.36]. Это 2 – 3 летний ребенок Хуран. То что найдет он берет сразу в рот. Однажды в магазине он от родителей потребовал, чтобы они купили ему самолет. Хотя отец был против этого, мать все ровно купила ему это самолет. Три дня играл он самолетиком. Четвертый день он из улицы пришел с пустыми руками. Когда родители спросили где игрушка, он ответил, что съел этого самолетика. В начале они не поверили своим ушам. Потом начали допрос с пристрастием. Но ребенок повторял одно и то же. Вызвали»скорую». Ребенка забрали в больницу. Уложили в кровать. Потом врач поглаживая живот ребенка спрашивает: -»не болит – ли у тебя живот или где ни будь около у живота?». От страха ребенок начал еще громче плакать. Потом сделали рентген. В организме ребенка чужого предмета не нашли. Родители не зная что делать, ребенка обратно отвезли домой. В доме мать опять громко спрашивала:»Ты точно съел самолетика?». Хуран со слезами на глазах ответил утвердительно. В это время пришла соседка, которая работала учителем для младших классов. Узнав о чем идет речь, она начала ласково спрашивать ребенка:

– Ты и в правду съел самолетик?
– Да.
– Как ты съел? Частями или целиком.
– Я поменял на мяч Карима.
– Где мяч Карима?
– Поменял на ружье Салима.
– Где ружье.
– Поменял на пирожный.
– Где это пирожный?
– Я съел это пирожный. [6.39]

Здесь ребенок по своему ответил кратко. Если детям сказать, что вы будете рассказывать о»Ребенке, который съел самолет» все они превращается в»уши». Потому что, они искренно верят этому. Когда они до конца дослушают это рассказ, учитель или родители должны объяснить неправильные слова и действий главного героя этого рассказа.

Есть еще рассказ»Утренние слова». Когда ребенок Ахмад проснулся, он услышал разные голоса своей деревни. Это голос: миёв – миёв, гу – гу – гу, чирик – чирик, гав – гав – гав, га – га – га. Это друзья Ахмада: кошка, ветер, рысь, собака, гусь. Они приветствует пробуждение Ахмада. В этом рассказе преобладает стиль подражания в детской литературе. Рассказы такого типа не только воспитывает, но и дает радость маленьким слушателям. Именно такая влияния на образы детского мировоззрения приводит к формированию творческого начала в сознаниях детей.

Детская психология и мировоззрения меняются параллельно с развитием науки, техники и культуры. Например книга К. Мухаммадийа»Алфавит природы»в 70-е годы XX века был своего рода методической энциклопедией для передачи тайны мира на детское сознания. Есть яркие примеры детских образов по животному и растительному миру. В книге лаконично и доступно дается ответы на вопросы: почему кожура ореха горько и жестко? почему вишня красная? почему абрикос желтый? почему ива цветет, но не дает плоды? почему лоза винограда одна, но плоды разные? почему корова жует? почему дрозд есть дрозд? и.т.д. Точные и интересные ответы на разные вопросы детей для истинно детского писателя и любителя природы не составляла какие то трудности. И сейчас не

угасает интерес к таким произведениям для маленьких читателей. Но только сейчас основное внимание уделяется на логические загадки, секреты тайного мира и отношениям человека и природы. Вместе с этим до сих пор с большим интересом читается сказки Шарль Пьеро, Христиан Андерсена, братья Гримм и.т.д. Сказка Э. Рапсе»Приключение барона Мюнхаузена», А. Толстого»Золотой ключ или приключения Буратино», Ж. Родари»Приключение Чипполино»,»Сказки по телефону», А. Линдгрена»Малыш и Карлсон, который живет на крыше»со стороны детей принимается очень тепло и радостно. Потому что, они одинаково интересны и радостны для детей всех времен. От этого дети получает огромное духовное наслаждение. А это основа для формирования творческого человека.

Добрые сказки для детей это как воздух для их интересов по окружающему миру. Дети всегда стремились быть похожими на личности героического склада. Они всегда в образе сильного человека себя противопоставляли к силам темноты, зла и несправедливости. В их мировоззрениях они сами, родители и хорошие учителя были символами правды и добра.

Исходя из высшее сказанных слов можно констатировать следующие черты присущие к детской литературе:

– новорожденный ребенок имеет генетические черты развития своих родителей и в нем немаловажную роль играет специфика формирования их сознания;

– влияние детской литературы начинается с возникновением элементов разума в детском сознание;

– творческое начало и богатая фантазия в детской психологии тесно связано с влиянием детской литературы;

– детская литература имеет богатые традиции фольклора, поэзии, прозы и современная система этой отрасли творчества берет импульс развития именно с этих традиций народного созидания;

– в развитие детской литературы в современном мире большое место занимает резкий и разнообразный рост информационного потока. Появляется все новые и новые кинофильмы, мультфильмы, комиксы, компьютерные игры, игры телефонных вариантов и другие новые элементы влияния на воспитание младших школьников. В основном они имеет агрессивный характер. Они отвлекает ребенка от чтения художественных книг. Поэтому родителям, учителям и воспитанникам необходимо создать эффективную систему контроля информации получаемые со стороны своих детей и учеников. Информация должна сохранит чистоты сознания ребенка. Если информация негативная, тогда мы можем быть свидетелями разрушения сознания и психологии наших детей. Это прослеживается в постепенном отчуждение ребенка от своих родителей, учителей и друзей. Характер постепенно становятся замкнутым. Родители и учителя не должны допустит этого опасного явления в жизни своего ребенка.

Раскрыт возможности ребенка и зажечь огонь добра в их сердцах основная цель детской литературы и системы воспитания молодого поколения. А это одно из основных задач современной педагогики и детской литературы.

BOSHLANG`ICH SINF SAVODXONLIK DARSLARIDA MUSTAQIL O`QISHDAN FOYDALANISH

Jamilova B., BuxDU dotsenti. Rajabova N., BuxDu magistranti.

Ta’lim mazmuni doirasida 1-sinf o`quvchilari savod o`rganish davrini o`tagandan keyin ularning so`z boyligi ustida ishlash yanada murakkablashtiriladi. Har bir darsda so`z va matnni ifodali o`qish texnikasi va malakasini mustahkamlash ko`zda tutiladi.

“Alifbe»darsligini o`tishda, o`quvchilarga tovushlar tizimini, shu tovish va harflar ishtirokidagi so`z boyligini o`rgatishhda mustaqil o`qishga e’tibor qaratish ijodiy muvoffaqiyat garovidir. Bunda ayniqsa alifbe she’rlardan foydalanish ko`zlangan maqsad kafolatidir.Chunki, boshlang`ich sinfga endigina qadam qo`ygan, harflar so`zni taniy boshlagan kichkintoylar ma’naviy olamini boyitishda, xotirasini charxlashda, eng muhimi o`quvchilarda kompitentsiyalarni shakllantirishda alifbe she’rlarning xilma-xil ko`rinishlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Alifbo-she’rlar alifbe manzuma-abidsedariylar asosida paydo bo`lgan. Alifbe-manzumalar o`tmishda ham bolalar va yoshlarning xat-savod chiqarishlarini, ilm o`rganishlarini yengillashtirish maqsadida yozilgan. U ispancha ABSDario, yoki AlfaBetto so`zlaridan olingan bo`lib, qaysi yozuv, til bo`lmasin, o`shandagi harflarning umumlashmasini bildiradi. Jumladan, bugungi o`zbek alifbosi o`zining targixiy tadrijiga ega va bunga doir talay tadqiqotlar yaratilgan Alifbolar tarixi bilan birga uni o`qitish va o`rgatishning qulay usullariga qiziqish ham ortib borgan. Bu harakat adabiyotimiz tarixida XIX asr boshlaridan ko`zga tashlanadi. Ma’rgifatparvar adiblar va pedagoglar faqat alifbo majmualar tayyorlabgina qolmay, u orqali savod chiqargishning oson yo`llarini ishlab chiqishga harakat qilishgan. Aniqrog`i, adabiy yo`nalishda erishilgan yutuqlar savod o`rgatish darslarini takomillashtirishga samarali hissa qo`sha olgan. Jumladan Shermuhammad Munisning “Savodi ta’lim”, A.Otinning “Yakka baytglar”i arab alifbosidagi harflarni yod olish va ularni eslab qolishga asoslangan she’riy baytlargi badiiy va metodik xususiyatlari bilan adabiyot tarixida o`z o`rniga ega. Muhimi shundaki, ular yaratgan majmualar aynan o`quvchilarning ilk savod chiqarishlari, boshlang`ich maktablarda o`qitishga mo`ljallangan bo`lib, metodik ahamiyatga ega. Yanada e’tiborlisi esa bu an’ana o`zbek adabiyoti tarixi bag`rida qolib ketmadi. XX asr boshlarida yaratilgan o`zbekcha alifbolar mazmuniga turli ko`rinishhda singdirilib borilgan. Ya’ni, har bir harfni o`tishda shu harflar bilan boshlanuvchi she’rlar bitila borgan. Asr o`rtalaridan boshlab esa harflar majmuini-alfavitni o`zida yaxlit mujassam etuvchi alifbe she’rlar maydonga kelgan. Bu dastavval bolalar adabiyotida pedagogik she’rlari bilan mashhur Sulton Jo`raning “Harflar paradi”, “Tinish belgilarining majlisi»singari she’rlarida ko`zga tashlansa, keyinchalik bunday ijod namunalari ommalasha bordi. Natijada, savodxonlik–alifbe bayramlarini endilikda alifbe she’rlarsiz tasavvur qilish qiyin. Alifboni yod olish va uning ahamiyati har bir savodli inson uchun naqadar zarurgligini yaxshi bilamiz. Uni yosh avlod ongiga muhrlashda esa alifbe she’rlarning ahamiyati katta. O`quvchining shu tovush alliteratsiyasiga oid she’r orqali ham talaffuzi yaxshilanadi, ham alifbo tartibini esda saqlashi uchun she’r mazmuniga singdirgilgan mazmun va badiiy ifoda tarbiyaviy-ta’limiy ahamiyatga ega.

Alifbe she’rlar o`quvcilarga ikki maqsadga xizmat qiladi: birinchidan, alfavitdagi harflar tartibi va u bilan boshlanuvchi so`zlar orqali tanishtirish; ikkinchidan, she’r mazmuniga singdirilgan badiiy-g`oyaviy ifodalar orqali o`quvchilar bilimi, dunyoqarashi shakllanadi, xotirasi charxlanadi. Bu boshlang`ich sinf o`quvchilariga alifbeni tanitishda ana shunday vazifani bajaradi. Muhimi esa shunday she’rlar orqali nafaqat harf tanish, u bilan boshlanuvchi she’riy misralar, balki, bolalar she’riyatida harfiy san’atlardan foydalanib, badiiy yuksak saviyali asarlar yaratish ko`zga tashlanmoqda.

Binobarin, o`zbek bolalar adabiyotining yetakchi namoyandasi Kavsar Turdiyeva ijodida alifbe-she’rlarning rang-barang namunasi mavjud. Shoira “Biz shunaqa bolamiz»she’rini “ she’riy alifbo” deb ko`rsatadi.[3,156] Unda lotin alifbosidagi 29 harfning har biri bilan boshlanuvchi so`zlar alifbo tartibida she’riy vazn va qofiyaga solingan. Mazmunidagi so`zlarda esa esa **a**qlli, **b**esh baho oladigan, **d**o`stlari ko`p va **e**li mustahkam, **j**ajji botirlar, **V**atanga qo`shqanot bo`lgan e**ng** ibratli avlod madhi ifoda etilgan.

K.Turdiyeva “Alifbeda nasihat”, “Topishmoqli alifbe” she’rlarda har bir harf bilan boshlanuvchi o`gitlarlarni alifbo ipiga marjondek tizadi:

“**A**” aql, adolat, azal, asli hammadan Afzal,
“**B**” botir bo`lsang bil shafqat, bemehr bo`lma faqat.
“**D**” dono so`zdan yarar dil, donolarni do`sting bil,
“**E**” eshit, esingda tutgin, erinishni unutgin.
“**F**” fahm, farosat albat, eng foydali fazilat.
“**G**” go`zaldir gul-u giyoh, gullarni toptash gunoh.
“**H**” hadis, hikoya, hikmat, uyg`otar mehr, himmat.
“**I**” intil ilm izlashga, shu maqsadni ko`zlashga.
“**J**” jahlingni jilovlab ol, janjal naf bermas biror.
“**K**” kamtarga kamol chopar. Kekkaygan zavol topar…

**Alifbe-o`git**da harflarga mos so`z va ulardan yaxshilik xislatini topish, she'riy shakl, qofiya, vaznga solish ijodkor mahoratidan dalolatlbh, albatta. Ayni paytda bunday o`gitlarni Alifbe darsliklariga kiritish, tovush va harflarni o`tishda rang-baranglikka erishilishiga olib keladi. Bu alifbe she'rning pandnoma ko`rinishi ham mumtoz adabiyotdagi an'analarning qayta tiklanishi sifatida e'tirofga loyiq.

Alfavitdagi harflar ketma-ketligi asosida yaratilgan yana bir janr topishmoqli alifbe ham bugungi o`zbek bolalar she'riyatida yangi hodisa. K.Turdiyeva topishmoqlarni shunday ketma-ketlikda beradiki, ularning javobi alfavitdagi harflar bilan boshlanadi:

A– Asal yig`ar, nishi bor. (Asalari)
B– Sariq meva dorivor.(Behi)
D– Marjonlardek terilgan. (Do`lana)
E – Aqlliga berilgan. (Es)
F – Juda ham ulkan jonzot. (Fil)
G – U bilan go`zal hayot. (Gul)
H – Qovunga kichik ini. (Handalak)
I– Qushlar quradi uni. (In)

Shu tariqa, shoira topishmoq aytish bahonasida alifbeni yod bo`lishi, uni esdan chiqarmaslikni maqsad qilib qo`yadi. Alifbe she'rlarning bunday ko`rinishi savod o`rgatish jarayonida qo`l keladi. Kichkintoylarni topqirlikka, zukkolikka o`rgatishda, shuningdek, dam olish daqiqalarida shunday topishmoq she'rlardan foydalanish mumkin.Muhimi, alifbe kitoblarida ana shu topishmoqda yashiringan predmetlarining rasmi bor.

Bundan tashqari, shoira o`quvchilarni harflar orqali tanishtirishning xilma-xil usullari o`ylb topgan va bolalarbop she'rlar yozgan. Uning "Qofiyali topishmoqlar" she'rida bu jihat yanada yaqqolroq namoyon bo`lgan. Endi, topishmoqlarning boshlanuvchi harflari ham alifbe she'r orqali namoyon bo`ladi:

"Q"dan boshlansam qachon
Qarangiz poliz tomon.
"S"dan boshlansam har choq,
Tozalikka men hamroh***.(qovun, sovun)***

Demak bu topishmoqli alifbe she'rlarning ikinchi xil ko`rinishi. Bunday she'rlar o`quvchilarni keyingi sinflarda o`rgatiladigan bir bo`g`inli so`zlarga o`rgatish, bir tovush bilan farqlanadigan paronim so`zlar bilan tanishtirib borishga zamin yaratdi.Ayni paytda so`zning oxiri bir xil alliteratsion harflar bilan tugaydigan qofiya haqida tushuncha paydo qila boradi. Har bir paronim so`zga bag`ishlangan misralar o`zaro mustaqil band hisoblaib, qofiyalanish tizimiga egaligi uning she'riy shakllardagi to`rtlik ko`rinishiga misol bo`la oladi. K.Turdiyeva harflarni tasvirlashda kichkintoy o`quvchilar tasavvuridan foydalanadi: "O" dumaloq go`yo shar,"N»o`xshaydi narvonga,"L"ilingan javonga,"S" o`xshaydi oqqushga,"V»qanot yozgan qushga,"A»o`xshab ketar tomga,

Yoki: "**A**" harfi nimaga o`xshaydi?
Ikkita uzun tayoq,
Suyashar bir-birini,
O`rtasida belbog`cha,
Chirmab turar belini.
Ajralmas ikki o`rtoq
Biz kabi do`st va inoq.
"**O**»nimaga o`xshaydi?
Oymomaning o`zidek.
Misli cho`ziq qovundek.
"O»deb qaytar o`zing ham,
Lablaringning shaklida
"O»harfi mujassam
…….

"P»harfin bilib oldim,
Boltanii eslab qoldim".
"B»harfi nimaga o`xshaydi?
Buvimning ko`zoynagi,

Umuman, harflarning shakllarni turli predmetlarga o`xshatish, ularni jajji o`quvchilarning osongina eslab qolishi uchun zavqovar she'rlar yozish K.Turdiyeva ijodining salmoqli qismini tashkil qiladi."Harflar she'r yozishgani haqida" sarlavhali she'rida barcha harflar bir joyda to`da bo`lib,she'r yoki hikoya yozish haqida o`ylaydilar. Ammo nima haqda yozish ular o`rtasidagi bahsga sabab bo`ladi. "T" harfi "tog`»mavzusini ma'qullasa, "Q" qisqichbaqa, qarqunoq, qarg`a haqida yozamiz deb turib oladi. "O" harfi esa oqlikni, B–bo`g`irsoq, bo`rini maqtaydi; A-ahillikda gap ko`p desa, "S", "M" harflari ham o`z so`zida turib oladi. Natijada ularning har biri o`zicha tanlagan so`zi va mavzusidan hech narsa chiqmaydi. Shunda "A" harfi ahillikka boshlaydi, hamma harflarni chaqiradi.A-**a**tirguldan, **O**–oshdan, P–**p**o`latdan, "Q", "R"-**q**izil **r**omlardan, "S", "T"–**s**ariq **t**omlardan, "U", "V"–**u**lkan **v**arrakdan, "**X**"xatdan, "**Y**"yurakdan va tushib kelishadi. Ana shunda barcha harf birdan jo`shib, tutuq belgisini ham qo`shib Alifbega borishadi, o`sha yerda qolishadi. Shundan so`ng ular tartibni buzmay, qatorlarini uzmay she'r yozishga tushadilar. Chunki bunda harflarning barchasi kerak bo`ladi.

Ko`rinadiki, bu she'rda 29 ta harf orqali shuncha miqdordagi yangi so`z o`quvchi xotirasida muhrlanadi. Binobarin, alifbe asosida yozilgan she'r, topishmoq, o`git va ertaklar boshlang`ich sinf o`quvchilarini savodini chiqarishga xizmat qilibgina qolmay,ularning ijodiy salohiyatga ega bo`lish kompitentligini ham shakllantirishga xizmat qilar ekan. Sinfdan tashqari o`qish darslarida shunday ijod namunalaridan keng foydalanilsagina zamonaviy pedagogik-psixologik tarbiya asoslari yana bir qirrasi amalga oshadi.

BOSHLANG`ICH TA`LIMDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO`LLASHNI TAKOMILLASHTIRISH SHART – SHAROITLARI

Gafirova F.M.-Farg`ona shahar 6- maktab boshlang`ich sinf o`qituvchisi

Mustaqil O`zbekistonda yosh avlodning bilish faoliyatini shakllantirish va uzluksiz rivojlantirib borishning maqsad-vazifalari, mazmuni va metodlarini o`rganib borish, ilmiy pedagogik asoslarga tayangan holda olib borilishi o`z navbatida o`quvchilarning ijodiy fikrlashi, ularda bilimni egallash faolligi, mustaqil bilish faoliyatini shakllantirish masalalariga bog`liq. Bunda boshlang`ich sinflarda o`quvchilarining o`quv –biluv faoliyatini shakllantirib, rivojlantirib borishda o`qituvchilar ta'limning innovatsion texnologiyalaridan foydalangan holda darslarni qiziqarli tashkil etishlari muhim ahamiyat kasb etadi.

Boshlang`ich ta'limda interfaol metodlardan foydalanish o`quvchilar faolligini oshirishga, bilim olishga ijodiy yondashuv ko`nikmalarini shakllantirishga olib kelmoqda. Shuningdek, pedagogik texnologiyalar o`quvchilarning o`z qobiliyati va imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga yordam beradi, jamoa bilan ishlash mahoratini shakllantirib ularda turli vaziyatlarda mustaqil qaror qabul qilish mahoratini shakllantiradi, o`z faoliyatining natijalariga mas'ullik va qiziqish uyg`otadi, muammolarga diqqatni jamlay olish, o`z bilimlarini yangi sharoitlarda, yangicha vaziyatlarga ko`chirish malakasini shakllantirishga yordam beradi.

Kuzatuvlar shuni ko`rsatmoqdaki, boshlang`ich ta'limga pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish ta'lim samaradorligi va ta'sirchanligini oshirib o`quvchilarning bilim olishga intilish motivlarini rivojlantirmoqda. Ta'lim jarayonini innovatsion metodlardan foydalanib tashkil etish uchun, avvalo, darsning rejasi va loyihasi aniq ishlab chiqilishi zarur. Dars loyihasini tuzishda o`qituvchi o`zining ish shakllari va o`quvchilarning ko`nikmani egallash jarayonidagi faoliyati doirasini aniq belgilab olishi lozim. Bunda ko`proq interfaol usullarga e'tiborni qaratish ta'lim samaradorligini oshiradi.

Ko`p yillik tajribaga ko`ra har bir boshlang`ich ta'lim o`qituvchisi pedagogik texnologiyalarni uchta asosiy guruhga bo`lib olishi kerak. Bular:

- ommaviy tarzda ishlash uchun pedagogik texnologiyalar («b.b.b.»usuli, zanjir, aqliy hujum, klaster, debat, muzyorar va boshqa usullar);

- kichik guruhlarda ishlash uchun pedagogik texnologiyalar (baholovchi munozara, egri-bugri, qarorlar shajarasi va boshqalar);
- yakka tarzda ishlash uchun pedagogik texnologiyalar (insert, 2 qismli kundalik, esse va boshqa usullar).

Shu o`rinda boshlang`ich ta'lim uchun pedagogik texnologiyalarni loyihalashning o`ziga xos tomonlarini ko`rsatib o`tish joizdir, ya'ni:

6) Har bir mashg`ulotdan natijani kafolatlovchi maqsad aniq o`rnatiladi;

7) Mashg`ulot mazmunini belgilashda, bir tomondan - o`quvchilarning qiziqishi, ehtiyoji, qobiliyatlari; ikkinchi tomondan - o`qituvchining ijodkorligi, mahorati; uchinchidan – sinfdagi mavjud shart-sharoitlar hisobga olinadi;

8) Didaktik jarayon tuzilmasi keskin farqlanadi, ya'ni uning motivatsion bosqichi kuchaytiriladi. Boshqacha qilib aytganda o`yinli didaktik jarayon loyihalanayotgan texnologiyaning asosini tashkil etadi;

9) Darsdagi boshqaruv faoliyati funksiyasi ham o`zgaradi. Bunda o`qituvchi boshqaruvchi va "rejissyor", o`quvchi esa asosiy faoliyatni amalga oshiruvchi hisoblanadi; O`quvchi ta'lim - tarbiya jarayoni sub'ektiga aylanishi kerak.

10) Texnologiyalarni qo`llash samarasi yoki yakuniy natija - bu o`quvchi shaxsida ijtimoiy sifatlarni shakllantirish va rivojlantirish ekanligiga o`qituvchi alohida e'tibor qaratishi lozim.

Ma'lumki, boshlang`ich ta'limda o`yin texnologiyalari faoliyat ustuvorligiga ega bo`lib, bolaning ruhiy jihatdan rivojlanishini bir qadar tezlashtiradi. O`yin bolalar yaxshi o`zlashtira oladigan faoliyat hisoblanib, bu faoliyat jarayonida ular o`qishga, mehnatga, badiiy ijodga oid hayotiy muammolarni tezda ilg`ab oladilar. Tadqiqotlardan ma'lumki, o`yinli vaziyatlardan maqsadli foydalanish g`oyasi ilg`or va samaralidir. Turli yoshdagi odamlar faoliyatini o`yin tarzda tashkil etish va kasb mahoratini takomillashtirish tajribasi pedagogika fani uchun yangilik bo`lmasa-da, o`yinli didaktik jarayonini loyihalash texnologiyasi etarlicha ishlanmagan. Mavjud adabiyotlarda o`yinning ishbilarmonlik, rolli, ishlab chiqarish, tadqiqotchilik va o`qishga oid turlari mohiyati va mazmuni uchrab turadi, biroq ular o`yinga qo`yiladigan asosiy talablarga javob bermaydi, ya'ni, o`yin jarayonining kuchaytirilgan va turg`un motivatsiyasi, o`yinning asosiy bosqichida ishtirokchilarning muvaffaqiyatga erishishi va qanoat hosil qilishi bilish faoliyatini maqsadli boshqarish hamda o`yin so`ngida faoliyati o`zlashtirish sifatining ta'minlanishiga erishish.

Kichik maktab yoshi o`quvchilari uchun o`yinning quyidagi turlari mavjud: mavzuli-rolli o`yinlar, o`yin-mehnat, didaktik o`yinlar, harakatli o`yinlar, sayr-tomosha o`yinlari, majmuali bayram o`yinlari.

Mavzuli-rolli o`yinlar o`quvchilarning mustaqil yoki kattalar yordamida ijtimoiy tajribani, milliy ob'ektni, hayotiy va badiiy taassurotlar asosida ijodiy tafakkurni yaratish faoliyatidir. Bu faoliyag natijasida bolalar ichki fikrlashi, hayol surishi va boshqa axloqiy sifatlari tarkib topadi. Buning uchun bola yoshiga xos kichik hajmdagi hayotiy mavzular sahna ko`rinishida ijro etiladi. Misol uchun,»Bozor»sahnasini ijro etishi bilan o`quvchilar yangi iqtisodiy tushuncha va munosabatlarga (haridor, sotuvchi, narx, savdo, qiymat, pul va boshqa) duch kelishadi va ularda iqtisodiy ong va tadbirkorlik, ishbilarmonlik xislatlari shakllanadi.

O`yin-mehnat jarayonida bolalar atrofdagi olam to`g`risida chuqurroq tasavvurga ega bo`ladi, ushbu jarayonni va harakatlarning umumiy ko`rinishini o`rganadilar. O`quvchilarda hozirgi kunda ko`proq dolzarblik kasb etayotgan konstruktiv tafakkur, induktiv va deduktiv bilish ko`nikmalari rivojlanib boradi.

Didaktik o`yinlar o`quvchilarning aqliy rivojlanishida, ularni bilishga undashda bir necha afzalliklarga ega. Bu o`yinlar o`qituvchi-tarbiyachi tomonidan o`quv-tarbiyaviy maqsadlar uchun maxsus tashkil etiladi. Foydalanilayoggan materiallar turiga qarab didaktik o`yinlar predmetli-didaktik o`yinchoqlar va materiallar; mantiqiy -"qiziqarli sayohat",»labirint"; so`zli - o`yin: topishmoqlar, masallar, o`yin -sayohatlar kiradi.

Harakatli o`yinlar bolalarni tarbiyalashda muhim vosita sanaladi. Ular har doim o`yin ishtirokchilaridan faol sensorli va harakatlarni o`rnatilgan maqsadga erishish uchun bajarishni

talab etadi. Musobaqa tarzida tashkil etilgan bu tur o`yinlar bolalarda ijodkorlik, epchillik, tezkorlik, zehnlilik kabi sifatlarni shakllantirishga xizmat qiladi.

O`yin turlarini tanlash bevosita o`quvchilar yoshiga bog`liq ekanligini ta'kidlash joiz. Misol uchun, etti yoshli bolalar uchun o`yin mazmun jihatdan ahamiyat kasb etmaydi, balki ularga ba'zi bir»ma'suliyatli»topshiriqlar berilishi lozim: bayroqni olib kel, dustingni yonida tur va hokazo. O`yinning asosiy vazifasi darsni tashkil etish shakli sifatida bolalarni bilishga oid faoliyatga jalb etishdir. SHu boisdan»Hayoliy orol"ga sayohat, multfilmda sevgan qahramonlarining harakatlarini kuzatish, topishmoqlar aytish, bolalar bayramlari kabi o`yinlar bola shaxsiyati mazmunini ochib berishga, uning faoliyatini rivojlantirishga, umumiy qiziqish va fikrlar mushtarakligi asosida ularni jipslashtirishga imkoniyat beradi.

Lekin, boshlang`ich ta'lim amaliyotida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo`llashda quyidagi muammolar ham kuzatilmoqda, ya'ni:

- ayrim o`qituvchilar nazariy jihatdan pedagogik texnologiyalar haqida aniq tassavurga ega emas;
- ular interfaol usullarni an'anaviylardan ajrata olishda qiynalmoqda;
- o`z amaliyotida faqat bir yoki ikkita texnologiyalardan foydalanadi hamda ularni qoidasiz qo`llaydi (masalan, "Aqliy xujum"ni oddiy suhbatga o`xshatadi, kichik guruhlar o`rniga sinfdagi 3 qator ishlatadi), o`quvchilarni joylashtirishda, shakllarni tanlash masalasida qiynaladi va hokazo.

Ushbu muammolarni bartaraf etish uchun maktabda quyidagi ishlarni amalga oshirishni tavsiya etamiz:

-o`qituvchilar uchun uslubiy seminarlarni kengroq uyushtirish, unda pedagogik texnologiyalar, ularning turlari haqida muntazam bilim berish;

- o`qituvchilarning o`zaro darsga kirishini, tajriba almashishni tashkil etish;

-ular o`rtasida ommaviy axborot vositalarida pedagogik texnologiyalarni amalda qo`llash bo`yicha ilg`or tajribalar haqida chop etilgan maqolalarni muhokama qilishni uyushtirish;

- ilg`or pedagogik texnologiyalarni o`rganish borasida novator o`qituvchilar bilan haftalik o`quv kurslarini tashkil etish.

Demak, boshlang`ich ta'lim jarayonida pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish ta`lim – tarbiya sifatini hamda natijasini kafolatlaash garovidir.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ПРИ ЕДИНСТВЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ И УЧАЩИХСЯ

Акрамова Феруза к. пс. н., доцент ИП и ПКРНО Ташкентский области

Образовательный процесс представляет собой многоплановое и полиморфное взаимодействие. Это и собственно учебное или, точнее, учебно-педагогическое взаимодействие ученика и учителя; это и взаимодействие учеников между собой; это и межличностное взаимодействие, которое может по-разному воздействовать на учебно-педагогическое взаимодействие. В настоящее время учебно-педагогическое взаимодействие обретает организационные формы сотрудничества, такие как деловые, ролевые игры, совместно-распределенная деятельность, работа в триадах, группах, тренинг-классах. При этом сотрудничество предполагает прежде всего взаимодействие самих учеников. В образовательном процессе создается ситуация множественности планов и форм учебного взаимодействия, усложняется и его общая схема.

Ученик рассматривался как объект обучения и воспитания. Основываясь на такой характеристике взаимодействия, как активность всех его участников, схему учебного взаимодействия в последние годы трактуют как двухстороннее субъектно-субъектное взаимодействие $S_1 \longrightarrow S_2$, где S_1– учитель (преподаватель) и S_2 - ученик (студент) образуют общий совокупный субъект S_Σ, характеризующийся общностью цели этого взаимодействия. Складывающаяся схема учебного взаимодействия представляет собой многоярусное

образование, прочность которого основывается, в частности, на установлении психологического контакта между всеми участниками взаимодействия.

Психологический контакт возникает в результате общности психического состояния людей, вызванной их взаимопониманием и связанной с обоюдной заинтересованностью и доверием друг к другу взаимодействующих сторон.

Сотрудничество – это гуманистическая идея совместной развивающей деятельности детей и взрослых, скрепленной взаимопониманием, проникновением в духовный мир друг друга, коллективным анализом хода и результатов этой деятельности.

В основе стратегии сотрудничества лежат идеи стимулирования и направления педагогом познавательных интересов учащихся. Сотрудничество как совместная деятельность, как организационная система активности взаимодействующих субъектов характеризуется: 1) пространственным и временным соприсутствием; 2) единством цели; 3) организацией и управлением деятельностью; 4) разделением функций, действий, операций; 5) наличием позитивных межличностных отношений.

Учебное сотрудничество в учебном процессе представляет собой разветвленную сеть взаимодействий по следующим четырем линиям: 1) учитель – ученик (ученики); 2) ученик – учение в парах (диадах) и в тройках (триадах); 3) общегрупповое взаимодействие учеников во всем учебном коллективе, например, в языковой группе, в целом класса и 4) учитель – учительский коллектив. Г.А.Цукерман добавляет еще одну важную генетически производную от всех других линий – сотрудничество ученика «с самим собой» (а может быть, это справедливо и для учителя).

При анализе сотрудничества необходимо отметить, во-первых, что линия учитель – ученик(и), как правило, дополняется взаимодействием по линии ученик + ученик, что обусловливается самим групповым характером учебной деятельности. Во-вторых, основные исследования направлены на изучение влияния сотрудничества на личностное развитие обучающегося (обучающихся), на эффективность его (их) учебной деятельности. В результате убедительно показано, что учебное сотрудничество ученик – ученик как организационная форма обучения предоставляет значительные резервы не только для повышения эффективности обучения конкретному учебному предмету, но и для развития, формирования личности учащегося).

При совместной учебной деятельности:

- возрастает объем усваиваемого (материала) и глубина понимания;
- растет познавательная активность и творческая самостоятельность детей;
- меньше времени тратится на формирование знаний и умений;
- снижаются дисциплинарные трудности, обусловленные дефектами учебной мотивации;
- ученики получают большее удовольствие от занятий, комфортней чувствуют себя в школе;
- меняется характер взаимоотношений между учениками;
- резко возрастает сплоченность класса, при этом само- и взаимоуважение растут одновременно с критичностью, способностью адекватно оценивать свои и чужие возможности;
- ученики приобретают важнейшие социальные навыки: такт, ответственность, умение строить свое поведение с учетом позиции других людей, гуманистические мотивы общения;
- учитель получает возможность индивидуализировать обучение, учитывая при делении на группы взаимные склонности детей, их уровень подготовки, темп работы;
- воспитательная работа учителя становится необходимым условием группового обучения, т.к. все группы в своем становлении проходят стадию конфликтных отношений…

Анализ этих преимуществ сотрудничества показывает, что оно косвенно положительно влияет и на деятельность самого учителя, который получает значимое для него положительное подкрепление.

Учебно-педагогическая деятельность, осуществляемая в сотрудничестве учеников друг с другом и с учителем по схеме субъектно-субъектного взаимодействия, имеет результативные преимущества перед индивидуальной деятельностью, которые зависят от формы организации сотрудничества, количества сотрудничающих людей, их отношения к совместной деятельности.

ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Қ.Шарипова Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси МТМ мутахассиси

Ҳар бир ота-она ўз боласининг мактабда яхши таълим олишини ва мактабни тугатгандан сўнг ҳаётда ўз ўрнини топишини хоҳлайди. Лекин, ҳамма ота-оналар ҳам болани мактаб таълимига тайёрлаш нималардан иборат бўлишини ва у нималарни билиши кераклигидан хабардор эмаслар. Давлат талаблари асосида мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларига қўйилган минимал талабларни болалар онгига сингдиришда услубчи ва тарбиячиларнинг роли каттадир.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, хулқи, қизиқиши ва кундалик муносабатларида анчагина жиддий ўзгаришларни юзага келтиради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани МТМда ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида унча қийин бўлмаган билим, тушунча, кўникма ва малака билан таништириш керак бўлади. Бундай таништириш ўз навбатида, болада кечадиган мослашув даврининг жиддий қийинчиликларсиз ўтишига ёрдам беради. Боланинг мактабга қадам қўяётганида нечоғли билимга эга эканлиги эмас, унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади. Болага бирор нарсани ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш,ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Мактабгача таълим ёшидаги бола ўйнаган, кўрган, эшитган нарсаларини тасаввурида акс эттиради, синаб кўради, ўйлайди, ўлчайди, текширади. Инсонийлик фазилатлари болаликдан куртак ёза бошлайди. Айни шу пайтда инсон қалбига яхшилик уруғи ташланади. Бола ҳаётида теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларни ҳис этсада, уни тўғри тушунишга ожизлик қилади. Бироқ, турли таассуротлар унинг характерини шакллантиради. Дарҳақиқат, болаларнинг тасвирий фаолиятига разм солсангиз, уларнинг теварак-атрофдаги оламни мусаффо туйғулари билан ёркин ва мўъжизакор бир тарзда кўра олишларини кузатамиз.

Болаларда ҳаётий тажриба, билим ва кўникма етарли даражада бўлмасада, улар самимият ва сохталик, ёмонлик ва яхшиликни ниҳоятда кучли ҳис этадилар. Оқ қоғоз юзасида бола ниманидир тасвирини акс эттиради ва ясайди ҳамда ўзининг меҳнати маҳсулидан эстетик завқ олади. Меҳнат, машғулот, ўйин, сайр, байрам, кўнгил очиш каби эстетик фаолиятнинг хилма-хил шакллари асосида болаларнинг ҳар бирини ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этиш имконияти мавжуддир.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим –тарбиясига қўйилган давлат талаблари ва шу асосда тузилган “Учинчи минг йилликнинг боласи” таянч дастури болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш, дастур талабларини амалиётга жорий этишда замонавий илғор педагогик технологиялар болаларга машғулотларда нафақат маълум билимлар бериш, балки машғулот жараёнида болаларнинг айрим томонларини шакллантириш ёки ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга бошқа кўникмаларни: тасаввур ва ижодий фикрлаш, берилган ҳар қандай муаммога кўп сонли ечимлар топиш, ўз фикрини эркин ва очиқ билдириш, қофиядош

сўзларни топиш, диққат билан эшитиш, хулоса чиқариш, билимларни жамлай олиш каби кўникмаларни ҳам ўзлаштиришига ёрдам бермоқда.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ ҚУЛАЙ ФУРСАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Д.Содиқова -Ғиждувон тумани ТМФМТваТЭБ 12 сон МТМ мудираси

Таълим тарбия тизимиинг бугунги кундаги асосий вазифаси ўсиб келаётган ёшларни ватанпарвар, замонавий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирган ҳамда жамиятда ўз муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлган - комилликка интиладиган баркамол авлод қилиб тарбиялашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 январдаги 07-07/1-840-сонли мажлиси баёни, Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 8 январдаги 8-сонли буйруқларида ўсиб келаётган ёш авлодга инглиз тилларни самарали ўргатиш вазифалари белгиланган. Айтиш жоизки, инглиз тилни ўрганиш мактабгача давр ёши 5-6 ёшдан сензитив қулай фурсатдир. Шу нуқтаи назардан бу ёшда уларга инглиз тилини дастлабки сабоқларини бериш айни муддаодир. Бу сабоқларни МТМларда ҳар хил интерфаол мизуал, когнитив ўйинлар орқали ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланиш билан ўтказиш, дастлабки сабоқларни осон, енгил, ўзлаштирилишига шароит яратади, албатта. Бу эса ўз навбатида мактаб ёшида 1-синфдан бошлаб инглиз тилни самарали эгаллашни давом эттиришга нафақат қулай имконият балки таълим ва тарбияни узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлайди.

АКТ орқали интерфаол ўйинли усуллар болада эркин фикрлаш, мустақил ижодий қобилиятни шакллантиришга хизмат қилади. Масалан

АКТ орқали интерфаол "Кичик гуруҳларда ишлаш" усулини инглиз тили машғулотларида қўллаш самарадорлиги таҳлил қилсак:

"Кичик гуруҳларда ишлаш" усули.

Кичик гуруҳларда ишлаш – тарбиячи томонидан берилган маълум бир топшириқни ёки бериладиган сабоқни ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда, уларнинг бир бирига қизиқишларини юқтириш орқали когнитив жараёнларни фаоллаштирувчи усуллардан бири ҳисобланади. Ушбу усул қўлланганда болалар кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ишлаб, машғулот жараёнига фаол тортилади. Бундай фаол ўамжиҳат , биргаликдаги ҳаракат уларни нафақат бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига балки уларни бир бирига яқинлаштиради ва янги сифатий хулқий хислатлага ҳам эга бўлиш имкониятини очади. Ўйин жараёнида овозли мултимедия, мултипликациялар, слайдларнинг бериб борилиши уларнинг билиш жараёнларини фаоллаштириб ривожлантиради. Кичик гуруҳлардаи ишлаш усули қўлланилганда тарбиячи бошқа ноанъанавий усулларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки тарбиячи бир вақтнинг ўзида барча болаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

"Кичик гуруҳларда ишлаш " усулининг афзаллиги:

- Машғулот мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- Мулоқотга киришишнинг ҳар хил кўринишлари дистант, контакт кўникмаларини такомиллашишига олиб келади;
- Вақтни тежаш имконияти очилади;
- Барча болалар жалб этилади;
- Ҳамкорликда ишлаш билан умумий қарорга келиш;
- Мустақил фикрлаш имкони орқали, мантиқий тафаккурни ривожлантиради;
- Биргаликда ишлаш билан болалар хулқида сифатий ўзгаришлар содир бўлади;
- Ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

"Кичик гуруҳларда ишлаш " усулининг қўллаш босқичлари:

- Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. Гуруҳ ичида кичик гуруҳлар белгиланади. Болалар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин;
- Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар;
- Тарбиячи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва тарбиячи томонидан йўналтириб турилади;
- Кичик гуруҳлар ўз фикр мулоҳазаларини эркин баён этадилар ва тақосслаш ва қиёслашлар орқали умумий хулосаларини тавсифлайдилар;
- Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади;
- Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Юқоридаги баён этилган фикрларни хулоса қилиб айтганда, болаларни мустақил, эркин фикрлаши, изланиши, ҳар бир масалага ижодий мустақил ёндошиши, масъулиятни сезиш, таҳлил қилиш, жамоада ишлаш хулқи, ҳамкорликда ишлаш малакаси, энг асосийси инглиз тилни самарали , осон, енгил ўрганиши рўёбга чиқади. Бундай натижага эришиш машғулотларда инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади.

ЗАМОНАВИЙ СИНФ РАҲБАРИНИНГ ИШИ - МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ИЛДИЗИ

Нуруллаева Саломат Файзуллаевна Қоракўл тумани 18 сон умумий ўрта таълим мактаби рус тили ўқитувчиси

Мустакиллик йилларида халкимиз кўплаб соҳаларда, алалхусус таълим соҳаси бўйича ҳам муваффақиятларга эришиб келмокда. Бу ўзгаришлар албатта, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Та`лим тўғрисида»ги Қонун ва таълимни ислоҳ қилиш бўйича ҳукуматнинг кейинги қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, таълимда инновациялар асосида кенг фикрлилик, шижоат, ижодкорлик, ўзаро ҳамжихатликнинг натижасидир. Келажаги порлок мамлакатнинг фуқаролари эса - бу, эзгу мақсад сари интилаётган ёш авлод ҳисобланади. Авлодлар қалбига аждодлар ибратини сингдириш учун эса, оила ва мактаб тарбияси тўғри йўлга қўйилган бўлиши керак. Бугунги кунда, яъни ривожланиш даврининг ушбу жараёнларида ёшлар тарбияси ҳам анча чуқур ёндашувни талаб қилаяпти. Ушбу жараённи ҳис қилган ҳар бир педагог ўзини тубдан ислоҳ килиши керак.

Умумий ўрта таълим мактабларида асосий тарбия негизи - бу синф раҳбарининг фаолияти, шахсий намунаси ҳисобланади. Синф раҳбарининг роли ўқувчилар ақли, иродаси, маънавий эҳтиёжлари, ижодий қобилиятлари, мантиқий тафаккурининг умумий ривожланишига эришишга йўналтирилган. Бу ишда ташаббус, ижодий изланиш, новаторлик асосий шиор ҳисобланади. Синф раҳбари ҳар бир ўқувчига ҳар томонлама кенг билимлар бериш билан когнитив жараёнларини ривожлантириш, миллий ва маънавий қадриятлар асосида юксак ахлоқий хусусиятларни шакллантириш орқали ўз Ватанининг келажагига жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, ўқишга ва ўзининг кейинги фаолиятига қизиқишни тарбиялаш учун зарур тайёргарликни бериши керак.

Хўш, замонавий синф раҳбари кандай маъсулиятларга эга?

- Синфни ҳамжихатлиликка ўргатиш;
- Ўқитувчи- ўқувчи ва ўқувчи- ўқувчи орасидаги ҳамкорликни шакллантириб бориш;
- Ўқувчиларни толерантлик руҳида тарбиялаш;
- Ота-оналар билан мустаҳкам ва узлуксиз алокани ўрнатиш;
- Ҳар бир болага индивидуал ёндашиш;
- Ҳар бир боланинг индивидуал-ижтимоий-психологик хусусиятларига мос муомала қилиш орқали:
  - Эркин, мустақил фикр юритиш ва иш бажаришга ундаш;
  - Ватанга мехр-садоқатли бўлишга интилтириш;

- Миллий қадриятларимиз мазмун моҳиятини сингдириш билан одамларга ва она заминга нисбатан юксак ҳис туйғуларни таркиб топтириш;

- Ҳар қандай ижтимоий вазиятларда ижобий хулқни намоён қилишга ўргатиш.

Ҳозирги кунда синф раҳбари ўқувчини қизиқтираётган ҳар бир саволга оқилона ҳар томонлама тушунарли, мантиқан лўнда қилиб жавоб бериши керак. Мактаб шундай даргоҳки, у ерда жамиятимизда яшаб келаётган турли миллатдаги ва даражадаги оилаларнинг фарзандлари таҳсил олади. Айтайлик, бир синфда 25 та ўқувчи таълим ва тарбия олади. Бу ўқувчилар ҳар хил оилада турлича тарбия кўрган болалардан таркиб топган. Эҳтимол ўқувчи ишчи боласи, катта лавозим эгасининг боласи, гиёҳванднинг боласи, ночор оила боласи бўлиши мумкин. Синф раҳбарининг вазифаси эса ана шундай оилаларнинг фарзандлари билан уларнинг эҳтиёжларига мос равишда муросаа билан, адолатли, камтарона, оқилона иш олиб боришдир. Ҳар бир бола шахсида ижобий фазилатларни карор топтириб, эзгу ниятли, ўз максадига эга бўлган шижоатли, мардонавор йигит-қизни етиштиришдир.

Бола ўрта мактабни битиргунча, 1-4- синфларда доимо ёнида юрувчи биринчи муаллими, бошланғич синф ўқитувчисига суянса, 5-9- синфларда иккинчи муаллими бўлган синф раҳбарига таянади. Зехнли ва фаросатли синф рахбари синфдаги ҳар бир болани жуда чукур ўрганиши керак. Агар инсонни чукуррок билсанг, унга ва унинг сенга бўлган ишончи ортади. Синф раҳбари ҳар бир ўқувчини ўрганар экан, аввало унинг оиласини ўрганиши лозим. Шунинг учун синф раҳбарининг асосий иши нафақат ўқувчилар, балки, ота-оналар билан олиб борилган мулоқот ҳам хисобланади. Бугунги кун педагоги "оиласи шунака, менга нима", деган фикрда бўлмай, оқилона болалар тарбиясига чин юракдан ёндошмоғи лозим. Синф раҳбари ўзи раҳбарлик килаётган синфни ардоклаб, ҳатто, чиройли кўринишга келтирса ҳам, мактаб, оила, жамиятнинг ривожига хисса кўшди деганидир. Чунки, мактабда оддий мавзу ёинки, глобал муаммоларни ўз ичига қамраган масалалар ҳақида маънавият соатларини ташкил этиш хам синф раҳбарининг асосий вазифасидир. Бу билан синф раҳбари синф болаларини ўз уйидаги, мактабдаги, жамиятимиздаги, қонун-қоидаларга эътиборини қаратиш, дунё воқеаларини, янгиликларини ўрганиш билан уларнинг дунёқараши, эътиқодини, хуллас ички оламини ривожлантиради.

Кейинги йилларда ота-оналарнинг ҳар хил ижтимоий ва иқтисодий сабаблардан келиб чиққан ҳолда, болалар тарбиясини сусайтираётганликлари, мактабга, синф раҳбари зиммасига оғир маъсулият юклайди. Ҳар хил дунёқарашли ота-оналар билан ишлаш хам жуда кўп куч, укув талаб килади. Болалар тарбияси жуда нозик масала бўлиб, бунга ҳар бир инсон ўз хиссасини қўшмоғи зарур. Чунки соғлом фикрли ва тарбияли бола келажагимиз кафолатидир.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUVCHILARNING YOZUV MALAKALARI USTIDA ISHLASH USULLARI

Ваҳобова Муқаддас Вобкент тумани 4сон умумий ўрта таълим мактаби бошланғич таълим ўқитувчиси

Yozuv sifati uning aniq va toza, bir xil qiyalikda, bir xil qalinlikda, bir xil balandlikda, tekis va chiroyli bo'lishidir. O'quvchilarning yozuvlarida bu sifatlarni shakllantirish uchun har bir o'qituvchi quyidagi ko'rsatmalarga amal qilishi lozim:

- Yozuvga o'rgatishning birinchi kunidan boshlab harflarning shaklini takomillashtirib borish.
- Harf unsurlari va harflarni to'g'ri bog'lab yozishga o'rgatish.
- Yozuvning bir tomonga qiya qilib yozish qoidalarini takrorlash va takomillashtirish.
- Har bir qatordagi harflarning bir xil balandlikda bo'lishishiga erishish.
- Harf unsurlari, harflar va so'zlar orasidagi masofani bir xilda saqlash.
- Butun sinfdagi o'quvchilarning bir xil tezlikda ravon qilib yozishlariga erishish.

- Yozuvning bir maromda chiroyli va pavon bo’lish yo’llarini topish.

Harflarning shakli ustida ishlash husnixatga o’rgatishning asosiy shartidir. Har bir harfning aniq yozilishi yozuvning aniq va ravon bo’lishini ta'minlaydi. 1-sinfning oxirlariga borib, hamma o’quvchilar harflarning shakli haqida aniq tasavvurga ega bo’lishlariga qaramay, ayrim harf yoki harf unsurlarining shaklini unutib qo’yadilar. 1- va 2-sinflarda o’quvchilarning harflarning shaklini ongli ravishda egallashlari muhim ahamiyatga ega. Bu davrda o’quvchilarda harflarni ko’rib eslab qolish va chiroyli yozish qobiliyatlari tarkib topadi. Harflarning shaklini ongli ravishda egallash uchun quyidagilar talab qilinadi: har bir harf uchun xarakterli bo’lgan asosiy va yordamchi ulash unsurlarini bir-biridan farqlash, harflarning bir-biriga nisbatini to’g’ri aniqlash, har bir harfning yozilish qoidalariga (qayerdan boshlash, qayerda tugatish, burish, tugunchaklarni bog’lash) amal qilish, to’g’ri va noto’g’ri yozilgan harflarning farqini ajratish va ulardagi xatolarni tuzatish.

Namuna tarzida kichik **m** harfining yozilish jarayonini eslatib o’tamiz. Kichik **m** harfi uchta unsurdan: tayoqcha, ikkita ilmoqchadan iborat bo’lib, har bir unsuri bir xil qiyalikda yozilishi kerak. Bu harfni bog’lovchi unsur asosiy unsurlarga qaraganda bir oz qiyaroq bo’ladi. O’qituvchi doskada shunday unsurlardan tashkil topgan **h, n, u, i** harflarini yozib ko’rsatadi. O’quvchilar esa daftarlariga har bir harfni bir qatordan yozib mashq qiladilar. O’qituvchi sinfni aylanib chiqib, o’quvchilarning yozuvlarini kuzatib chiqadi va ularning qanday xatoga yo’l qo’yganliklarini hisobga oladi, o’quvchilar yo’l qo’ygan tipik xatolarni doskada yozib ko’rsatadi hamda ularning kamchiligi nimada ekanligini ko’rsatadi. O’quvchilar o’z xato va kamchiliklarini faqat doskada emas, o’z yozuvlarida ham sezishlari muhimdir. O’quvchilarga bir-birlarining daftarlarini tekshirtirish ham yaxshi natija beradi. Ayrim o’quvchilarga esa o’qituvchining o’zi daftarda namuna ko’rsatishi muhimdir. Bunday o’quvchilar o’qituvchining qo’l harakatiga qarab turib o’z xatolarini tuzatishlari mumkin. Ba'zi hollarda o’qituvchi harflarning shakli haqidagi tasavvurlarni kengaytirish uchun ruchkani havoda mashq qildirib ko’rsatishi mumkin. 1-sinfda alifbe davri tugagandan so’ng ayrim o’quvchilar ba'zi harflarning yozma shaklini unutib qo’yadilar. Shuning uchun o’qituvchi husnixat darslarida **b, g, k, p, s, f, h, q** kabi murakkab harflar va **ng, sh, ch** harfiy birikmalarini yozdirib mashq qildirishi lozim.

Dastlab harf unsurlarini tahlil qilishda alfavitdagi yozma shakldagi harflarning xususiyatlari hisobga olinar edi. Bu holat barcha kichik va bosh harflarni majburiy ravishda unsurlarga ajratib yozishni talab etar edi. Endilikda harflarni, iloji boricha, qo’l harakatini uzmasdan bog’lab yozish umumiy qoidaga aylandi. Harflarni bir butun shaklda qo’l harakatini uzmay yozishga o’tilgan taqdirda ham o’qitishning boshlang’ich davrlarida, ya'ni alifbegacha bo’lgan davrda, bolalarga tushunarli bayon etish uchun, o’qituvchi har bir harfning nechta unsurdan iborat ekanligini va ularning nomlarini aytib o’tishlari kerak. Bu unsurlardan o’qituvchi faqat harflarning shaklini tahlil qilib yozdirish vaqtida foydalanishi mumkin. Ammo harflarning unsurlarini surunkali ravishda yozdirib mashq qildirish mumkin emas. Harflarni unsurlarga bo’lib tahlil qilishda dastlab asosiy unsurlar yozilishi hamda bog’lovchi qo’shimcha unsurlar ham eslatib o’tilishi kerak. Ko’pchilik harflarning asosiy unsurlari yuqoridan pastga qarab yurgiziladi, bog’lovchi unsurlari esa, aksincha, pastdan yuqoriga qarab yurgizish uchun moslashtirilgan. Bunday unsurlarni bog’lovchi chiziqlar deb atash mumkin. Ammo yozuv mashqlarini bajarishda asosiy va yordamchi unsurlar qo’l harakati uzilmay bog’lab yoziladi. Harf unsurlarini bog’lab yozish vaqtida o’quvchilarga ruchkani yuqoridan pastga yurgizish zarurlgini eslatib turish lozim. Harflarning asosiy unsurlarini mashq qildirishni alifbedan keyingi davrda ham davom ettirish mumkin. Buning uchun o’qituvchi quyidagiga o’xshash mashqlarni o’tkazishi lozim:

Harflar bilan yordamchi chiziqlarni yonma-yon mashq qildirish o’quvchilarga harflarning qiyaligini to’g’ri saqlab yozishga yordam beradi.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Тўхтаева Розия Қоракўл тумани 18 сон ўрта умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

Айтиш жоизки, АКТ орқали интерфаол ўйинли усуллар болада эркин фикрлаш, мустақил ижодий қобилиятни шакллантиришга хизмат қилади. Чунки бунда таълим олувчи боланинг ахборотни аудал, визуал ва кинестетик тарзда қабул қилиш шарт шароити яратилади. Масалан: АКТ орқали интерфаол ўйинли "Кичик гуруҳларда ишлаш" усулини дарсларида қўллаш самарадорлиги таҳлил қилсак:

"Кичик гуруҳларда ишлаш" усули.

Кичик гуруҳларда ишлаш – ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топшириқни ёки бериладиган сабоқни ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда, уларнинг бир бирига қизиқишларини юқтириш орқали тарбиявий ва когнитив жараёнларни фаоллаштирувчи усуллардан бири ҳисобланади. Ушбу усул қўлланганда болалар кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ишлаб, машғулот жараёнига қизиқиш асосида фаол тортилади. Бундай фаол ҳамжиҳат, биргаликдаги ҳаракат уларни нафақат бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига, балки уларни бир бирига яқинлаштиради ва янги сифатий хулқий хислатларга ҳам эга бўлиш имкониятини очади. Қизиқарли ўйинли, интерфаол машғулот жараёнида овозли мултимедия, мултипликациялар, слайдларнинг бериб борилиши уларнинг билиш ва ҳиссий жараёнларини фаоллаштириб ривожлантиради. Кичик гуруҳлардаи ишлаш усули қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий усулларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча болаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

"Кичик гуруҳларда ишлаш " бизнингча қуйидаги афзалликларга эга:

- Машғулот мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- Мулоқотга киришишнинг ҳар хил кўринишлари дистант, контакт кўникмаларини такомиллашишига олиб келади;
- Вақтни тежаш имконияти очилади;
- Барча болалар жалб этилади;
- Ҳамкорликда ишлаш билан умумий қарорга келиш имконини яратади;
- Мустақил фикрлаш имкони орқали, мантиқий тафаккурни ривожлантиради;
- Биргаликда ишлаш билан болалар хулқида сифатий ўзгаришлар содир бўлади;
- Ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.
- Амалий такрорлашлар орқали янги ўрганилган сўзларнинг ишлатилиши уни ўзлаштиришни осонлаштиради.
- Ахборотни қабул қилишнинг визуал. аудал ва кинестетик қабул қилиш имконинини яратади.
- Таълим ва тарбия жараёнини технологиялаштириш учун қулай шарт педагогик ва психологик шарт шароти пайдо бўлади.
- Рағбатлантириш самарадорлиги ошиши оқибатида таълимий тарбиявий мотивациялар шаклланади ва улардан кўзланган мақсадлар эришуви осонлашади.

"Кичик гуруҳларда ишлаш " усулининг қуйидаги босқичлар орқали амалга ошириш мумкин:

- Гуруҳ ичида кичик гуруҳлар белгиланади. Болалар гуруҳларга 3-7 кишидан бўлинишлари мумкин;
- Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар ва топшириқлар белгиланади. Йўриқнома бериш
- Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар;
- Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади; Қайтар алоқа пайдо қилиш.
- Назорат қилиш.

- Кичик гуруҳлар ва гуруҳла қатнашчилари ўз мустақил фикр мулоҳазаларини эркин баён этадилар ва тақосслаш ва қиёслашлар орқали умумий хулосаларини тавсифлайдилар; Тақдимотга тайёрлаш.
- Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади;
- Кичик гуруҳлар баҳоланади, ва рағбатлантирилади.
- Хулосалаш.

Кичик гуруҳда ишлаётганлар учун вазифани биргаликда ўқиш, мусобоқалашиш эмас, балки ҳамкор бўлиш; биргаликда ишлашга ўрганиш, ўқиш ва ижод қилиш. ҳар доим бир-бирига ёрдам беришга, муваффақият қувончи ёки маваффақиятсизлик сабоғини бирга тотишга тайёр бўлиш асосий қоидалардан саналади. Машғулот янги дарс усуллари билан бойитилиб, аниқ натижаларга эришилади. Бунда ўқитувчи гуруҳларга бўлиш, уларни тўғри жойлаштиришга эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчининг кейинги вазифаси гуруҳларга ўқув топшириғини бериш ва топшириқни бажариш бўйича ўқувчиларга махсус йўриқнома асосида кўрсатма беришдан иборатдир. Ўқитишнинг бу шаклида мақсад ва натижа аниқ белгиланган бўлсагина самарали натижага эришиш имконияти яратилади.

Навбатдаги босқичда ўқитувчи қайта алоқа ёрдамида гуруҳлардан топширилган вазифани қай даражада тушунганлигини текшириб олади.

Юқоридаги баён этилган фикрларни хулоса қилиб айтганда, болаларни мустақил, эркин фикрлаши, изланиши, ҳар бир масалага ижодий мустақил ёндошиши, масъулиятни сезиш, таҳлил қилиш, жамоада ишлаш хулқи, ҳамкорликда ишлаш малакаси, энг асосийси билимни самарали , осон, енгил ўрганиши рўёбга чиқади. Бундай натижага эришиш машғулотларда инновацион ва ахборот технологияларни смарали қўллашни тақозо этади.

МУНДАРИЖА

IV ШЎЪБА – ТАБИИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.... , Юсупова Ф.....3
ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИНГ ЎРНИ...., Астанов Р. 5
MAKTAB TA'LIMIDA OTA-ONALAR YIG`ILISHLARINI O`TKAZISH ORQALI ULAR BILAN HAMKORLIKNING SIFATINI OSHIRISH USULLARI... , Astanov R., Aslanova N..... 7
ГЕНЕТИКАНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИДИР .., Умарова Ж.....11
INTERNET GLOBAL TARMOG`IDA AXBOROT XAVFSIZLIGI, Zaripov N, Hasanova N .... .13
BA'ZI NOSTANDART TENGLAMALARNI YECHISH....., Shukurov G`.....15
BIOLOGIYA DARSLARIDA VIRTUAL LABORATORIYALAR ASOSIDA O`QUV JARAYONI SAMARADORLIGINI OSHIRISH, Nazarova F, Jo`raqulov T 17
BIOLOGIYA DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, Latipova M, Avezova M 20
KIMYOVIY REAKSIYA TURLARI MAVZUSINI "KICHIK GURUHLARDA ISHLASH» USULIDA O`TISH BO`YICHA TAVSIYALAR, Ergashov M.Y. 22
O`QUVCHILARDA TABIATNI ASRASH HAMDA QO`RIQXONALAR BILAN TANISHTIRISHDA AXBOROT VOSITALARINING AMALIY AHAMIYATI, Rabbimova F Ravshanova A 24
FIZIKA FANINI O`QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI QO`LLASH IMKONIYATLARI (Macromedia Flash dasturi misolida), Jo`raqulov T 27
MATEMATIKANING AYRIM MASALALARINI YECHISHDA MICROSOFT EXCEL DASTURINING IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI, Xayriyev F, Jo`raqulova S 28
TABIIY FANLARNING O`QITISH SAMARDORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O`RNI, Shamsidinova G., Bekmurodova O., Kuychieva M., Axmedov M 29
GEOGRAFIYA DARSLARIDA GEOGRAFIK O`YINLARDAN FOYDALANISH, Kalonov B31
GEOMETRIYADAN MASHQ QILUVCHI DASTURLAR, Jumayev J, Nigmatova N 32
ЭКОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА КОМПЬЮТЕР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ, Ҳасанова Л 34
DARS JARAYINIDA PEDAGOGIK INNOVATSIYA VA TEXNOLOGIYALAR, METODLARDAN FOYDALANGAN HOLDA ZAMONAVIY DARSLAR TASHKIL ETILSIN, Hoshimova N 35
MAKTAB GEOGRAFIYA TA`LIMIDA TURIZM GEOGRAFIYASINI O`QITILISHI, Obloqulov H.A. 38
ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАР МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ,Мансурова З 40
ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ, Калонов Р 41
ZIYONET SAYT SATELITLARIDA VIDEO LAVHA JOYLASHTIRISH, Kamalova N.I, Xamidov S.X 44
GOOGLE QIDIRUV TIZIMIDAN FOYDALANISHNING QO`SHIMCHA IMKONIYATLARI, Болтаев Б, Камолов И.Р..... 45
ТАЪЛИМ САМАРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, З. Холмирзаева**Ошибка! Закладка не определена.**
KOMPYUTER - MASHQ BAJARTIRISH VOSITASI, Jumayev J, Jumayeva N.J..... 49

TALABALAR MUSTAQIL ISHINI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH, Boratova M, G`oyibova N.H 50
BIOLOGIYA TA'LIMIDAGI PEDAGOGIK INNOVATSIYA VA INNOVATSION FAOLIYAT – TA'LIM SIFATINING KAFOLATI, Boratova M, Shodiyeva O.M, Yo`ldosheva M.B 52
GEOGRAFIYA DARSLARIDA TABIATGA EKSKURSIYAGA CHIQISHNING AHAMIYATI, Buranov Y.O, Faxriddinova S.....55
DARS JARAYONLARIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH, Xoliqova K.....56
ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕГАРАЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАР МАТЕМАТИК БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА АКТ НИНГ ЎРНИ, Қудратова А.....58
TA'LIM TIZIMIGA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH, Xoliqova G, Ergasheva N, Eshpo`latova D 59
ТИББИЙ БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, Назарова Ф.И, Худойқулова Н.И, Жабборова О.И, Амонова Ҳ.И.....61
TABIIY GEOGRAFIYANI O`QITISHDA ELEKTRON DARSLIKLARNING AHAMIYATI, Rasulova S.A.....63
MATEMATIKA VA BIOLOGIYA DARSLARIDA FANLARARO ALOQADORLIKNING TA'LIMIY AHAMIYATI, Ne'matova SH, Ne'matova M 64
FIZIKA DARSLARIDA MODELLASHTIRISH, Toshpulatova SH, Islomova N, Meliqulova R...66
FIZIKA FANIDAN ZAMONAVIY FIZIK LABORATORIYA MASHG`ULOTI, Toshpulatova SH, Suyunov O` 68
TENGLAMALAR SISTEMASINI YECHISHNING SUN'IY USULLARI, Shukurov G`.D 69
UMAR HAYYOMNING UCHINCHI DARAJALI TENGLAMALARNI yechish NAZARIYASIGA OID TEKSHIRISHLARI, Shukurov G` 72
MAKTABGA TAYYORLOV GURUH MATEMATIKA MASHG`ULOTLARIDA AXBOROT TEXHOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH, Umarova G.....75
DARSDA O`QUVCHILARNING FAOLLIKLARINI OSHIRISHDA AKTNING ROLI, Davlatov J, Ro`ziyeva O.....77
LABORATORIYA MASHG`ULOTLARINI O`TKAZISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, Usmonova L.M, Turg`unova G.U.....79
WEB INTERAKTIV XIZMATLARDAN FOYDALANISH USULLARI, Zaripov N, Hasanova N 81
INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA GEOGRAFIYA FANLARINI O`QITISHNING METODIK ASOSLARI, Xudoyberdiyeva I.A, Rustamova M 83
GEOGRAFIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, Joniyev O.T, Negmatov S.Q 85
ТИББИЙ ВА БИОЛОГИК КИМЁ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ, Ёриев О.М, Хайруллаев Ч.К, Мажидов А.А.....87
ИНФОРМАТИКА КУРСИ ТИНГЛОВЧИЛАРИГА "САНОҚ СИСТЕМАЛАРИ» МАВЗУСИНИ ЎТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДЛАРИ, Қандаҳаров А, Мингбоев У 89
РОЛЬ ХИМИЧЕСКИХ ЗАДАЧ В ФОРМИРОВАНИИ КОМПЕТЕНЦИИ УЧАЩИХСЯ, Авезов Х, Сулаймонова З, Турсунов М, Элмуродова Г 91
TABIIY FANLARNI O`QITISHDA YANGI PEDAGOGIKVA AXBOROT KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, Aminjonova M.....92
AMINOKISLOTALAR MAVZUSINI O`QITISHDA»AQLIY HUJUM»METODINI JORIY QILISH, Qodirova Z.Q, Avezova F.M 93
O`QUVCHILARNI KASRGA DOIR MASALALAR BILAN TANISHTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI, Saidova M, Idiyev A 95
СОВРЕМЕННЫЕ ТРИЗ-ТЕХНОЛОГИИ С ЭКОЛОГИЧЕСКИМ ВОСПИТАНИЕМ, Сулаймонова З, Турсунов М, Жураев А 97

YEVGENIKA FANINING FAN SIFATIDA SHAKLANISHI»MAVZUSINI LOYIHALASH TEHNOLOGIYASIDA O`QITISH, Imomova D, Ortiqova M, Xolmatov Z 99
КИМЁ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, Худойназарова Г, Казаков Б 102
TA`LIM SIFATINI YUKSALTIRISH YO`LLARI, Qambarova I, Турганбоева О 103
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КРИПТОГРАФИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТУШУНТИРИБ БОРИШ 106
КОМПЕТЕНТНОСТНЫЙ ПОДХОД ПРИ ОБУЧЕНИИ ХИМИИ В СРЕДНИХ ШКОЛАХ, Турсунов М, Сулаймонова З, Жураев З..... 108
КИМЁ ФАНИНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, Худойназарова Г, Мамедова М 110
ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСИДА “ВИНТ ЧИЗИҒИ” МАВЗУСИНИ ЎТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ, Мамурова Ф, Мамурова Д, Шукуров А..... 111
KIMYO FANIDAN DARS MASHG`ULOTLARINI MUAMMOLI TA’LIM TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA TASHKIL ETISH, Usmonova L.M, Ne’matov Z.Z 113
KOMPYUTER YORDAMIDA O`QITISH TEXNOLOGIYASI VA UNING TABIIY FANLARNI O`QITISHDAGI AHAMIYATI, Hotamova M.S, Usmonova L.M 115
MAKTABGACHA VA BOSHLANG`CH TA`LIM TIZIMIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI QO`LLASHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI, Ro`ziyeva R..... 117
ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ВА ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИДА КЕЙС УСУЛИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ, Самиева Г.Т, Жумаева Р 118
ПРИМЕНЕНИЯ МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИИ И ИХ СОЧЕТАНИЯ С ДРУГИМИ НОСИТЕЛЯМИ УЧЕБНОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИИ БИОЛОГИИ, Сапарбаев Ж 121
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ОЛИЙ АЛГЕБРА КУРСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЁРИТИБ БОРИШ, Турганбоева О..... 123
АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАРДА АКТ ВА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ДАРС ЎТИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ, Умарова Ж.Қ, Ражабова О.Р 125
ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА АКТНИНГ АҲАМИЯТИ,Ахмедова С..... 127
ЎҚИТУВЧИНИНГ КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ, Ҳасанов А, Асланова Ҳ 129
РОЛЬ ИНТЕРНЕТА ПРИ ОБУЧЕНИИ ХИМИИ, Худойбердиев Ш, Сулаймонова З, Анваров Г 131
«ПОЛИМЕРЛАРДА ИЗОМЕРИЯ ХОДИСАСИ»МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, Худойназарова Г..... 133
ФОРМИРОВАНИЕ НАУЧНО – ЛОГИЧЕСКИХ МЫШЛЕНИЕ НА УРОКАХ ФИЗИКИ С ПОМОЩЬЮ ИНТЕРНЕТ, Тошпулатова Ш, Хамроева С..... 136
КОМПЬЮТЕРНАЯ ПОДДЕРЖКА УРОКОВ ФИЗИКИ, Тошпулатова Ш, Халилов Ш..... 137
Biologik ta’lim samaradorligini oshirish yo`llari, Jabborov B,..... 138
KIMYO FANINI O`QITISHDA AXBOROT – KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI, Avezov H.T, Latipova M.J 140
Ш.ХОЛМИРЗАЕВ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ЎРНИ, Мамаюсупова С.М. 142
BIOLOGIYA DARSLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, Xasanova Sh 144
БИОЛОГИЯ ФАНИДА ДАРСНИ ТАШКИЛЛАШ, Юсуфжонова Н..... 146

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ, Шихова И, Жуманиёзова Т, Ражабов Ш 147
ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, Нуримова Л 150
FIZIKA O`QITISHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALAISH USULLARI, Toshpulatova SH, Sayfullayeva G 152
“ELEKTR ENERGIYASINI ISHLAB CHIQARISH VA UZATISH»MAVZUSINI OQ’ITISHDA PEDAGOGIK VA AXBOROT – KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING IMKONIYATLARI, Bisenova B, Yo`ldoshev O 154
МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ, Сафарова Л 156
ФИЗИКА ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, Очилов Ш, Канатбаев С 159
AKADEMIK LITSEY VA KASB HUNAR KOLLEJLARIDA KIMYONI O`QITISHDAGI PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK YONDASHUVLAR,Sharipov M,G`aniyev B,Xoliqova G 160
MATEMATIKA O`QITUVCHISI UCHUN MS EXCEL ELEKTRON JADVALIDAN FOYDALANISH, Aslonov U, Hasanov A 162
OPTIK TUSHUNCHALARNI TIZIMLI BOG`LANISHLLARNI LOYIHALASHTIRISH, Qudratov E, Bisenova B, Xushvaqtov B 163
ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ КОНТРОЛЯ ЗНАНИЙ ПО МАТЕМАТИКЕ, Камолов И 166
ПРИМЕНЕНИЕ ИКТ КАК НОВОГО СРЕДСТВА ИЗУЧЕНИЯ ФИЗИКИ, Сатторов Ф 167
ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, Астанов И 169
OLIY O`QUV YURTLARIDA EKOLOGIYA DARSLARINI O`QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VOSITALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI, Ataqulova M 172

V ШЎЪБА - МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ, Ш.Э. Неъматов, Д.М. Рахмонова 174
МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ФАОЛ, ИЖОДКОР СУБЪЕКТЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ, Сафарова Р 176
BOSHLANG`CH SINF ONA TILI DARSLARIDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYADAN FOYDALANISH, Hamroyev A, Isroilova R 178
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ДИДАКТИКАНИНГ ЎРНИ, Исокова Г, Эргашева С 178
МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРНИНГ САМАРАСИ, Ўсарова С, Исокова Г 180
МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИ АСОСИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ, Атамуродова З, Исокова Г 180
BOLA TARBIYASIDA MAQOLLARNING O`RNI, Isoqova G 182
MAKTABGACHA TA’LIMNI AXBOROTLASHTIRISH DAVR TALABI, Ibragimova F 183
BOSHLANG`ICH TA`LIMDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO`LLASHNI TAKOMILLASHTIRISH SHART – SHAROITLARI, Melibayevna G 185
MODULLI TA’LIM ORQALI BOSHLANG`ICH SINF O‘QUVCHILARINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O‘RGATISH, Xolmo`minova B 187
BOSHLANG`ISH TA’LIMDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA, To`lakova X, To`rayeva D 189

4-СИНФ ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСЛАРИДА “ҚУШЛАР ВА ҲАШОРАТЛАР” МАВЗУСИГА ДОИР КОМПЬЮТЕР МАШҒУЛОТЛАРИНИ УЮШТИРИШ, Кубаева М 191
O`QISH DARSLARIDA TA’LIMIY O`YINLARDAN FOYDALANISH, Tursunova O 192
ЭШИТИШИДА НУКСОНИ БУЛГАН ЎҚУВЧИЛАР МАТЕМАТИК БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА MC EXCEL ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, Саидова С 194
BOSHLANG`ICH SINF O`QUVCHILARIDA YOZMA NUTQNI SHAKLLANTIRISH, To`rayeva S 195
TA’LIM-TARBIYA JARAYONIGA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROTKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINI SAMARALI JORIY ETISH: MUAMMO VA YECHIMLAR, Xomidova H 197
ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТГА ЎРГАТИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ Нуруллаева Г, Нурова Н 199
БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА БОРЛИҚНИ ИДРОК ЭТИШ МАШҒУЛОТЛАРИ МЕТОДИКАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, Қурбонова Б, Қурбонова Н 202
MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA BOSHLANG`ICH SINF O`QITUVCHILARIGA MATEMATIKANI O`QITISHNING ZAMONAVIY METODOLOGIYASINI O`RGATISH TA’LIM SIFATI OMILI, G`ulomova G 203
ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ВА КАСБИЙ ХИСЛАТЛАРИ ДАРС ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТИ ВА САМАРОДОРЛИГИ ОМИЛИ, Қурбонова Д 205
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА СОНЛАР ҚАТНАШГАН МАҚОЛ, ТОПИШМОҚЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ, Нарзиева М 207
ZAMONAVIY TA’LIM-TARBIYA JARAYONIDA O`QUVCHI YOSHLARDA FUQAROLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH, Olimov T 209
ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ, Қосимов У 210
БОЛА ТАРБИЯСИ ЖАРАЁНИДАГИ ИЗЧИЛЛИК ВА УЗВИЙЛИК ШАХСДА ЕТУК МАЪНАВИЙ АХЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МУҲИМ ОМИЛ, Хасанова М 212
ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГНИНГ РОЛИ, Шарипова Х 213
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИИМИЗ ДУРДОНАСИ А.НАВОИЙ МЕРОСИНИНГ РОЛИ, Авлиёқулова Д 214
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ФАНЛАР ОРАСИДАГИ УЗЛУКСИЗЛИК ВА УЗВИЙЛИКНИНГ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ, Болтаева З 215
BOSHLANG`ICH TA’LIM SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA O`ZLASHTIRMASLIKNI OLDINI OLISH VA BO`SHLIQLARNI TO`LDIRISHNING AHAMIYATI, Murodova SH 216
ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИ УНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЎҚУВЧИ ҚОБИЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ, Нарзиев М 218
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ, Садуллаева В 220
ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ, Турдиева Ш 221
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, Асланова Н, Асланова Н 223

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЎЙИН ОРҚАЛИ ФАН АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ҚИЗИҚТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ, Саидахмедова Л.....225
ЭШИТИШ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА АКТ ДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН, Иргашева Х, Н. Мухторова.....226
TA'LIM VA KOMMUNIKATIV TEXNOLOGIYALAR, Halimova S.....228
MAKTABGACHA VA BOSHLANG`ICH TA`LIM – TARBIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA AKT VA INNAVATSION TEXNOLOGIYALARNING O`RNI, Shixova I, Jumaniyozova T, Rajabov SH.....231
BOSHLANG`ICH TA'LIMNI O`QITISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH, Qurbonova X, Hamdamova N.....233
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КУЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ, Толлибоева У, Жонибеков А.....235
BOSHLANG`ICH TA'LIM JARAYONIDA INNAVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI, Qorayev Z, Ro`ziyeva G.....236
BOSHLANG`ICH SINFLARDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINI QO`LLASH, Hamdamova N., Qurbonova X.....239
ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МОНИТОРИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, Раупова М.....241
BOSHLANG`ICH SINFDA FANLARARO UZVIYLIK ALOQALARINI TA`MINLASHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH, Jiyanova M.....243
ИННОВАЦИОН ВА ПЕДАГОГИКА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА "МЕХНАТ»ФАНИ ДАРСЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ, Ахмедова Ш.Б, Абдурахимова М.Ў, Бекпулатова Ф.А.....245
ТВОРЧЕСКОЕ ОБУЧЕНИЕ ПРЕДМЕТОВ НА УРОКАХ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ПРИМЕНЯЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНКАЦИОННЫЕ, ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, Ахмедова Ш.Б, Каюмова Д.Х.....249
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НА УРОКАХ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, Ахмедова Ш.Б, Юлдашева Д.А.....251
BOSHLANG`ICH SINF O`QUVCHILARINI O`YIN OR QALI FAN ASOSLARINI O`RGANISHGA QIZIQTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK OMILLARI, Saidaxmedova L.....253
BOSHLANG`ICH SINF ONA TILI TA`LIMIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKATIYA TEXNOLOGIYALARINING O`RNI, Hasanova R.....255
BOSHLANG`ICH SINFLARDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA AXBOROT-KOMMUNIKACIYA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING SAMARALI USULLARI, SHodiyeva S.....256
РОЛЬ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ВОСПИТАНИЕ МАЛЫШЕЙ, Джамилова Б, Ибрагимова Н, Шакирова Г.....258
BOSHLANG`ICH SINF SAVODXONLIK DARSLARIDA MUSTAQIL O`QISHDAN FOYDALANISH, Jamilova B, Rajabova N.....261
BOSHLANG`ICH TA`LIMDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI QO`LLASHNI TAKOMILLASHTIRISH SHART – SHAROITLARI, Gafirova F.M.....264
ЭФФЕКТИВНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ПРИ ЕДИНСТВЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧИТЕЛЯ И УЧАЩИХСЯ, Акрамова Ф.....267
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ.....269
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА БОЛАЛАРГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШНИНГ ҚУЛАЙ ФУРСАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, Д.Содиқова.....270

ЗАМОНАВИЙ СИНФ РАҲБАРИНИНГ ИШИ - МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ИЛДИЗИ, С.Ф. Нуруллаева 271
BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUVCHILARNING YOZUV MALAKALARI USTIDA ISHLASH USULLARI, Ваҳобова М. ……272
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ АФЗАЛЛИКЛАРИ, Тўхтаева Р. …….....274